В. П. ПУГАЧЕВ, А. И. СОЛОВЬЕВ

СИЁСАТШУНОСЛИККА КИРИШ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2004

66
П88

В. П. Пугачёв ва А. И. Соловьевнинг «Сиёсатшуносликка кириш» ўқув қўлланмаси сиёсатшунослик фанининг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Унда ҳозирги замон сиёсат илмининг мураккаб масалалари содда тилда, лўнда баён қилинади. Қўлланмадаги мисоллар шўролар тузуми парчаланган дан кейинги вазиятга алоқадор бўлгани учун ундан постсовет ҳудудидаги сиёсатга қизиқувчи ўзбек ўқувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин. Мавзуларни ёритишда муаллифлар холисона ёндашувга интилганлари алоҳида таъкидга лойиқ. Таржима китобнинг тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашридан қилинди.

Қўлланма «Очиқ жамият» институти кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлигида Самарқанд вилояти Ресурс Маркази ижтимоий фонди томонидан таржима қилинди ва нашр этилди.

Таржима профессор АБДУЛЛАЖОН БЕГМАТОВ раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан амалга оширилди.

Илмий муҳаррир: АБДУЛЛАЖОН БЕГМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

ЎЗ. Р ООВ АНДИЖОН ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТ КУТУБХОНАСИ

ISBN 5-633-01560-6

© «Аспект Пресс», 2000.
© Самарқанд вилоят Ресурс Маркази — Ижтимоий Фонди (таржима), 2004.
© В.П.Пугачёв, А.И.Соловьев. «Сиёсатшуносликка кириш». «Янги аср авлоди» (ўзбекча нашри), 2004.

СЎЗ БОШИ

Ижтимоий тараққиётнинг бурилиш нуқталарида сиёсатнинг алоҳида шахслар ва жамият ривожига кўрсатадиган таъсири яна ҳам ортиб кетади. Шунинг учун ҳам собиқ Совет Иттифоқи парчаланиб кетгандан кейин ташкил топган мустақил давлатларда сиёсий таълим ва сиёсий маданият масалаларига қизиқиш кескин кучайди. Сўнгги ўн-ўн икки йил давомида сиёсатшунослик бўйича ёзилган кўплаб дарсликлар, қўлланмалар, рисола ва мақолалар ҳам ана шу қизиқишнинг аломати.

Шўролар даврида олий ўқув юртларида сиёсатшунослик фани ўқитилмас, бу фан бўйича бирор журнал ёки газета нашр этилмасди. Бу ҳол шўроларнинг сиёсатшуносликка менсимай қарағанини билдирмайди. Аксинча, ёшлар ва аҳолининг сиёсат илмидан хабардор бўлиши уларда коммунистик партия ва совет давлати сиёсатига нисбатан танқидий, ҳеч бўлмаса таҳлилий ёндашувни шакллантириб қўярди. У пайтларда компартия ва совет давлати сиёсатини танқид қилиш у ёқда турсин, таҳлил қилиш ҳам мумкин эмасди, бу сиёсатни фақат мадҳ этишга рухсат берилганди.

Ҳозирги кунда собиқ иттифоқ ҳудудида сиёсатшуносликка оид ўнлаб газета ва журналлар нашр этилмоқда, кўплаб нашриётлар сиёсий фанлар бўйича турфа дарслик ва қўлланмалар, рисола ва тўпламларни нашр этмоқда.

Босмахоналардан чиқаётган сиёсий адабиётлар оқимида шундай қўлланмалар ҳам кўзга ташланадики, улар кенг қамровлилиги, холис ва чуқур таҳлили, тилининг соддалиги билан ажралиб туради. Қўлингиздаги қўлланма, шубҳасиз, ана шундай китоблар жумласига киради. Шунинг учун ҳам у қайта-қайта нашр қилинмоқда.

Постсовет ҳудудидаги сиёсий вазият ва ҳодисалар таҳлил қилингани учун мазкур қўлланма ўзбекистонлик талабалар ва сиёсат илмига қизиқувчи барча кишилар учун фойдадан холи бўлмайди, деб умид қиламиз.

Қўлланмани ўзбек тилига ўгириб нашр этиш Очиқ жамият институти кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлигида Самарқанд вилояти Ресурс маркази жамо-

атчилик жамғармасида амалга оширилди. Таржима ва нашрни амалга оширишдаги катта ёрдамлари учун кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ижрочи директори Алишер Илҳомовга, ваколатхона ходимлари Шаҳло Ашрафхонова, Зуҳра Абдураҳмонова, Зулфия Турсуноваларга чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Шунингдек, доимо далда бериб тургани учун Самарқанд вилояти Ресурс маркази директори Жамила Вафоевага, ёрдамлари учун марказ ходими Маърифат Ўринбоевага ташаккур изҳор қиламиз.

Таржима матнини компьютерда териб, қайта тузатишлар киритишда кўмаклашган Ирода Абдувосидованинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Ойда ҳам доглар бор, дейишади. Биз кўлланма ёки унинг ўзбек тилига таржимасини ойга қиёсламоқчи эмасмиз. Таржимада муайян камчиликлар, гализликлар, нуқсонлар бўлиши мумкинлигини эътироф этамиз. Агар у талаба ва китобхонларнинг сиёсатшунослик бўйича билимларини бойитишга, уларнинг сиёсат илмига бўлган қизиқишларини бироз бўлса ҳам ўстиришга хизмат қилса, олдимизга қўйилган мақсадларга эришдик, деб ҳисоблаймиз.

Таржима Ж.Бегматов, Х.Қосимова, И.Абдувосидова, Р.Рустамова (1-10-, 17-23-боблар), С.Долиев (11-16-боблар. Сам[У) лардан иборат ижодий гуруҳ томонидан амалга оширилди.

Абдуллажон **БЕГМАТОВ,**
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Барча замонларда, айниқса, бизнинг давримизда сиёсат алоҳида одамлар ва бутун халқлар ҳаётига жиддий, баъзан эса ҳал қилувчи таъсир ўтказади. У инсоният тамаддунининг чуқур илдизлари, энг чуқур асослари билан узвий боғлиқ. Антик даврнинг буюк донишмандларидан бири Арасту эрамиздан олдинги V асрдаёқ таъкидлаганидек, сиёсат фақатгина жамоада, жамиятда тўлақонли ҳаёт кечириши мумкин бўлган ва бошқа одамлар билан ўзаро муроса қилишга «маҳкум этилган» ижтимоий мавжудот — одамнинг табиатидан келиб чиқади.

Сиёсий билимлар ва сиёсий маданият касбидан қатъий назар, ҳар бир одам учун зарур, чунки жамиятда яшар экан у муқаррар тарзда бошқа одамлар ва давлат билан ўзаро муносабатга киришиши керак. Мана шундай билимларга эга бўлмаган шахс сиёсий ўйинлар қўғирчоғига, сиёсий жиҳатдан ундан фаолроқ бўлган кучлар томонидан эзилиш ва манипуляция объектига айланиб қолиши мумкин.

Фуқароларнинг оммавий сиёсий саводхонлиги бутун жамият учун ҳам зарур, бу уни деспотизм ва тираниядан, давлат ва ижтимоий тузумнинг ғайриинсоний ва иқтисодий зарарли шаклларидан сақлаб туради. Шунинг учун одамларнинг давлатда ҳамжиҳатликда маданий турмуш кечиришлари учун зарур бўлган сиёсий маданиятни онгли равишда шакллантириш — ҳозирги жамиятнинг муҳим вазифаси, ундаги фаровонликнинг асосий шартларидан бири. ГФР Сиёсий таълим академияси раҳбари Т. Майер айтишича, «сиёсий таълим барқарор, узлуксиз ва барча ижтимоий қатламларни қамраб олган жойларда у ўзига ҳар доим ҳам катта ижтимоий эътиборни талаб қилмайди. У ҳеч қачон кераксиз бўлиб қолмайди».[1]

Аҳолиси онгига демократик анъаналар сингиб кетган, ҳукумат ва бошқа ҳокимият органлари устидан назорат юритувчи самарали институтлар мавжуд бўлган давлатларда баъзи фуқароларнинг сиёсатга бефарқлиги айтарли муаммоларни туғдирмаса-да, яқиндагина ўз бошидан авторитар, тоталитар ва

[1] Meyer T. Wie entbehrlich ist Politische Bildung?//Friedrich-Ebert-Stiftung-Info. 1994. №1. S. 2.

ёки диктаторлик режимларини кечирган мамлакатларда сиёсатдан оммавий узоқлашиши оғир ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. Демократик тузум аҳолининг тегишли сиёсий маданиятисиз ўрнатилиши ва самарали бўлиши мумкин эмас. Демократия одамни ҳокимият манбаига, ўз мамлакати ва халқаро сиёсат тақдирини ҳал қилувчи субъектга айлантиришни тақозо қилади. Демократик давлатлар шароитида ҳам ҳар битта индивид сиёсий қарор қабул қилинишига реал таъсир ўтказавермаса ҳам, давлат сиёсатида аҳолининг барча гуруҳлари манфаатларини ҳисобга олиш, ҳукмдор элитанинг ваколатли ва масъулиятлилиги айнан кўпчилик фуқаролар фаоллиги ва онгли танловига боғлиқ бўлади.

Фуқароларнинг оқилона қарорлар қабул қилиш, сиёсатда иштирок этиш қобилияти стихияли тарзда шаклланмайди, балки мунтазам тарзда тегишли билим ва тажрибани ўзлаштириш оқибатида вужудга келади. Бугун саноати ривожланган барча демократик мамлакатларда мана шу вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашадиган сиёсий таълимнинг махсус институтлари мавжуд. Бундай муассасаларнинг вазифасини одатда, ҳодисаларнинг юзаки манзарасини берадиган ва фуқароларнинг узатилаётган маълумотга мустақил, танқидий ёндашувни тақозо қиладиган оммавий сиёсий алоқа воситалари — телевидение, радио, газеталар бажариши мумкин эмас.

Ҳозирги дунёда сиёсий-маърифий фаолиятни амалга ошириш миллий-давлат чегаралари доирасидан ташқарига чиқади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари ўзларининг сиёсий-маърифий соҳадаги ҳаракатларини ўз фуқароларида Ғарбий Европа идентиклиги туйғусини, умумий Ватан — Ғарбий Европага мансубликни, янги давлатлараро бирлашувга муносабатни шакллантириш учун мувофиқлаштирмоқдалар. Шу йўл билан Ғарбий Европа интеграциясига субъектив, шахсий-мотивацион асос мустаҳкамланмоқда.

Демократик сиёсий таълим асосий гуманистик қадриятлар, аввало, ҳар бир шахснинг эркинлиги ва шаъни, унинг табиий, ажралмас ҳуқуқларини эътироф этишга асосланади. У фуқарога тегишли ижтимоий тузумни тўғри баҳолаш, давлатдаги ўзининг ўрни ва ролини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англашда ёрдам беради. Унинг бош мақсади одамни ҳозирги мураккаб дунёда адекват йўл топа билиш, бошқаларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳурмат

қилиб ўзининг манфаатларини юзага чиқариш ва ҳимоя қилишга, умумий муаммоларни жамоа билан ҳал қилишга ўргатишдан иборат. У, шунингдек, фуқароларда демократик тартиботга ва уни таъминловчи давлат ва ижтимоий институтларга ҳурмат туйғусини шакллантиришга қаратилган, чунки қатъий сиёсий тартибларсиз алоҳида шахс эркига эришиш мумкин эмас.

Демократик сиёсий таълим сиёсатга инсонпарварлик руҳини сингдиришга, сиёсий хатти-ҳаракатларда эгоцентрик мотивациялар, муросасизлик ва ҳиссий енгилтаклик, шунингдек, кўпинча жамиятни рационаллаштириш учун кураш байроғи остида ҳаракат қиладиган синфий ёки миллий иррационализм мафкураси кўринишларини босиб туришга қаратилади. Унинг энг асосий вазифаларидан бири фуқароларда демократик тузумга қарши бўлган ва жамиятга у ёки бу ижтимоий утопияни мажбуран тиқиштираётган турли хил радикал мафкураларга қарши барқарор иммунитет, ҳеч бўлмаганда оғир-босиқ, танқидий муносабат шакллантиришдир.

Яқин ўтмиши тоталитаризм билан боғлиқ, чуқур бўҳрон гирдобида бўлган мамлакатларда янги радикал мафкураларнинг вайронкор таъсири хавфи, айниқса, катта. Аҳолида барқарор демократик маданият, умуминсоний қадриятларга қатъий йўналтирилганлик мавжуд эмаслиги, аҳолининг кенг қатламлари қашшоқ турмуш кечириши билан қўшилиб кетадиган посткоммунистик оммавий менталитет кескин ижтимоий ва миллий низолар билан биргаликда вайрон этувчи кучи расмий марксизмникидан кам бўлмаган миллий ва диний экстремистик мафкуралар оғушига олиб келиши мумкин ва олиб келмоқда ҳам.

Албатта, ҳеч бир мамлакатда сиёсий таълим мафкуравий мазмундан тўла холи эмас, чунки у жамиятни бирлаштириш, интеграциялаш вазифасини бажарар экан, у ёки бу даражада умуммиллий манфаатлар ва қадриятларни асослайди ва ҳимоя қилади, эгоистик ва партикуляристик тамойилларни чеклайди ва шу орқали ижтимоий тизимни парчаланиб кетишдан сақлаб туради. Бироқ демократик жамиятда, сиёсий таълимнинг вазифаси омма онгига расмий мафкурани киритишдан иборат бўлган тоталитар давлатдан фарқли ўлароқ, у биринчи навбатда, умуминсоний қадриятларга асосланади, мафкурасизлаштириш, партиясизлаштириш ва кўнгиллилик тамойилларига таянади.

Мафкурасизлаштириш ҳар қандай расмий мафкурадан воз кечишни, ғоявий-назарий плюрализмни, ғоявий платформалар ва қад-

риятларнинг эркин мусобақасини билдиради. Партиясизлаштириш сиёсий таълимга раҳбарлик бир партия яккаҳокимлигида олиб борилишидан воз кечишни, унинг инсоний қадриятлар консенсусига таяпишини, уни ташкил этишда ва амалга оширишда барча (мухолифатдаги) партиялар ва жамоат бирлашмалари тенг ҳуқуқли асосда иштирок этишини тақозо қилади. Кўнгиллилик ёшлар, шунингдек, профессионал ваколатлилиги заруран тақозо қиладиган хизматчилар тоифалари: давлат хизмати ва муассасаларининг раҳбарлари, ўқитувчилар, ОАВ ходимлари ва бошқалар учун сиёсий таълимнинг мажбурлигини истисно қилмаса ҳам гоявий ва эътиқод эркинлигини кафолатлайди. Сиёсий таълимнинг демократик хусусиятларини кафолатлайдиган мана шу тамойилларни ҳисобга олиш, айниқса, аҳолини тотал сиёсий ишловдан ўтказиш даврини бошдан кечирган мамлакатлар учун айниқса зарур.

Фуқароларнинг сиёсий фан ва демократик маданият асосларини ўзлаштириши Россия ва бошқа постсоциалистик давлатларда сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказишнинг энг муҳим шартларидан бири. Маълумки, ҳар қандай ижтимоий ўзгаришлар, аввало, одамлар онгидаги ўзгаришлардан бошланади.

Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ва авторитар сиёсий тизимдан ҳуқуқий давлатга ўтиш аҳоли сиёсий маданиятида кескин ўзгаришлар ясашни, бозор иқтисодиётига ва плюралистик демократияга мос бўлган омма менталитетини шакллантиришни тақозо қилади. Демократик сиёсий таълим мана шу жараёнларни анча тезлаштириш лаёқатига эга.

Бизнинг жамиятимизда у бир қатор конструктив функцияларни, яъни, аввало, одамларда рационал ва демократик менталитетни шакллантиришда, демократик сиёсий маданият меъёрлари ва қадриятларини ўзлаштиришда, сиёсий толерантлик (муросасозлик), келишув ва ҳамкорликка тайёрлик, консенсусга интилиш, ўз манфаатларини маданий ва институционаллашган (қонун доирасида ва демократик институтлар ёрдамида) ифодалаш ва ҳимоя қилиш кўникмаларини, ижтимоий низоларнинг олдини олиш ёки нисбатан оғриқсиз ҳал қилишни, умуммиллий идентликни, ватанпарварликни ва давлатчиликни қандай мустаҳкамлашни ўргатишдан иборат. Жумладан, демократик сиёсий онгнинг ривожланиши аҳолида фуқаролик бурчи туйғуси, жамият ва давлат олдидаги масъулият мустаҳкамланишига кўмаклашади, сиёсий радикализм ва экстремизм таъсирини чеклайди.

Сиёсий билим ва кўникмалар, айниқса, фикр ва ҳаракатларида кескин радикализм билан, шунингдек, турли хил утопик мафкуралар ва демагог чақириқларга мойиллиги билан ажралиб турадиган ёш авлод учун зарур.

Мазкур дарсликнинг мақсади — сиёсий муаммоларга қизиқадиган талабаларни ҳозирги сиёсий фан ва демократик маданият асослари билан таништириш. У Россия ва бошқа постсоциалистик мамлакатларнинг фуқароларига сиёсий таълим беришдаги реал эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Муаллифлар ўқувчини ҳозирги сиёсий назария асослари билан таништиришга, айни пайтда, эътиборни Россия шароити учун долзарб бўлган муаммолар: жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш, ҳуқуқий-ижтимоий давлат, сайловлар, сиёсатдаги гуманистик, зўравонлик асослари, унда фуқароларнинг тамаддуний иштироклари ва бошқаларга қаратишга интилдилар.

I БЎЛИМ

СИЁСАТШУНОСЛИК ПРЕДМЕТИ

1-БОБ

СИЁСАТ НИМА?

Номидан ҳам кўриниб турганидай, сиёсатшунослик — сиёсат тўғрисидаги фандир. Шунинг учун ҳам сиёсат тўғрисидаги тўғри ва аниқ тасаввурларнинг мавжудлиги сиёсатшунослик предмети, унинг хусусиятлари ва мазмунини чуқур англашнинг энг биринчи шартидир.

§ 1. Сиёсат тушунчаси

Сиёсат таърифларининг хилма хиллиги

«Сиёсат» — дунёдаги кўпгина тилларда учрайдиган ва кўп маъноли сўзлардан бири. Кундалик ҳаётда ҳар қандай мақсадга йўналтирилган фаолият сиёсат деб номланади. Бу таърифга кўра давлат, партия ёки фирма раҳбарининг фаолияти ва, ҳатто, хотиннинг ўз эрига муносабати, агар улар муайян мақсадга қаратилган бўлса — сиёсатдир.

Шунингдек, сиёсат кўпинча эса имкониятлар санъати, сифатида ҳам тушунилади, «ифлос иш», дея таърифланади.

Сиёсат тўғрисидаги кундалик тасаввурларнинг бундай хилма-хиллиги турли хил одамларнинг у ҳақдаги ноаниқ, чекланган ёки хато билимлари натижасигина эмас, биринчи навбатда, бу ҳодисанинг мураккаблиги, кўп қирралилиги, сермазмунлилиги билан боғлиқ.

«Сиёсат» атамасининг илмий талқинлари кундалик тасаввурлардан мантиқий асосланганлиги, умумлашганлиги ва тартибга солинганлиги билан ажралиб туради, аммо фикрларнинг бирмунча зиддиятлилигидан холи эмас.

Сиёсатнинг турли таърифлари бир қанча гуруҳларга бўлиниши мумкин. Уларнинг ҳар бири ўз ичида яна бўлинади. Бундай гуруҳларга ажратиш мезони сифатида сиёсатни тавсифлаш учун қўлланадиган умумий илмий ёндашувлар: социологик, субстанционал (ҳодисанинг асосини, материясини аниқлайди) ва

тизимли, шунингдек, сиёсат таърифларида урғу берилган унинг энг муҳим туб сифатлари ва функциялари хизмат қилади. Бундай ёндашувларга мувофиқ сиёсат таърифларининг **уч гуруҳини ажратиш мумкин: социологик, субстанционал ва сиёсатнинг ўзига хос талқини билан боғлиқ илмий тузилган таърифлар.**

Сиёсатнинг социологик таърифлари гуруҳи. Иқтисодий таърифлар

Сиёсатнинг социологик таърифлари социологик ёндашувга асосланади ва уни бошқа ижтимоий ҳодисалар, яъни иқтисод, ижтимоий гуруҳлар, ҳуқуқ, ахлоқ, маданият, дин орқали тавсифлайди.

Жамиятнинг қайси соҳасини акс эттиришига қараб уларни иқтисодий, стратификацион (ижтимоий), ҳуқуқий, ахлоқий (меъёрий) в.ҳ.к.ларга бўлиш мумкин.

Иқтисодий таърифлар марксизм ва иқтисодий детерминизмга оид бошқа концепцияларда ёрқин намоён бўлади ҳамда сиёсатни иқтисодий базис устидаги устқурма, иқтисод, унинг эҳтиёж ва манфаатларининг жамланган ифодаси сифатида характерлайди. Бу ҳолда сиёсат ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос соҳаси сифатида ўз мустақиллигини йўқотиб, фақат нисбий, чекланган мухториятни сақлаб қолади. **Умуман эса сиёсат — сиёсий акторлар (субъектлар) иродасига боғлиқ бўлмаган объектив иқтисодий қонуниятлар билан белгиланган ҳодиса сифатида баҳоланади. Иқтисодий белгиланганлик руҳидаги таърифлар сиёсатнинг фақат бир муҳим манбаини таъкидлайди, холос.** Одатда улар иқтисодий манфаатларнинг сиёсатга таъсирини ошириб юборадилар, унинг мустақиллигини етарлича баҳоламайдилар. Тарихий тажриба ва, аввало, буйруқбозлик-маъмурий социализмининг 70 йилдан ортиқ тажрибаси-иқтисоднинг сиёсатга кучли таъсир кўрсатиш билан бирга сиёсатнинг ҳам иқтисодга нисбатан етакчи, бош куч сифатида чиқа олишини тасдиқлайди. Шунинг учун, фан нуқтаи назаридан, иқтисод ва сиёсат ўзаро алоқаларини ижтимоий ҳаётнинг тенг аҳамиятли ва тенг ҳуқуқли соҳаларининг таъсири сифатида қараш самаралироқ, деб ҳисобланади.

Сиёсатнинг стратификацион ва ҳуқуқий таърифлари

Сиёсатнинг **социологик** таърифларидаги муҳим таркибий қисмни унинг стратификацион таърифлари ташкил этади. Улар сиёсатни муайян ижтимоий гуруҳлар: синфлар ва миллатлар (марксизм) ёки манфаатли гуруҳларнинг-ҳокимият ёрдамида ўз манфаатларини амалга ошириш учун (А. Бентли, Д. Трумен ва бошқалар) рақобати сифатида баҳолашади. Ҳозирги даврда сиёсатнинг мар-

ксча, синфлар ўртасидаги кураш тарзидаги талқинлари аҳамиятини йўқотган бўлса, манфаатли гуруҳлар назарияси аксинча кенг тарқалди ва ривожланди. Хусусан, у сиёсатни замонавий демократик давлатда ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминловчи турли хил манфаатли гуруҳлар рақобати сифатида талқин қилади.

Сиёсий фикр тарихида ва замонавий назариётчилар ўртасида сиёсатнинг **ҳуқуқий** концепциялари кенг ёритилган. Улар сиёсат ва давлатни ҳуқуқдан, аввало, давлат оммавий ҳуқуқи, қонунлари ва фаолияти асосида ётувчи инсоннинг табиий ҳуқуқларидан келиб чиқади, деб ҳисоблайдилар.

Сиёсатнинг ҳуқуқий концепциясига ёрқин мисол сифатида унинг контрактивистик (ижтимоий битим) назариялари хизмат қилади. Улар Спиноза, Гоббс, Локк, Руссо, Кант каби кўзга кўринган мутафаккирлар томонидан ишлаб чиқилган. Бу назарияларнинг моҳияти-сиёсатни ва биринчи навбатда давлатни ҳар бир инсонга туғилишидан тегишли ҳуқуқларни-яшаш, эркин бўлиш, хавфсизлик, мулкка эгалик в. ҳ. к. ларни ҳимоя қилиш борасидаги фаолият сифатида талқин этишдан иборат.

Замонавий илмий адабиётларда сиёсатнинг ҳуқуқий концепцияларига зид назариялар ҳам кенг тақдим этилган. Улар ҳуқуққа сиёсатнинг ҳосиласи, уни амалга оширишнинг ва барқарор сиёсий тартибни яратишнинг муҳим воситаси сифатида қарашади. Ҳуқуқ бевосита давлат томонидан яратилади ва сиёсий ирода ҳамда давлат мақсадларига мувофиқликка асосланади.

Сиёсатшуносликда «ҳуқуқ мутлақ равишда давлат мавжудлигига боғлиқми ёки унга давлатчиликдан аввал келувчи ҳуқуқнинг айрим белгилари ҳам (айниқса, адолат тамойили) уйғун равишда хосми?» — деган масала ҳали ҳам мунозарали бўлиб қолмоқда.[1]

Ахлоқий таърифлар

Сиёсатга ҳуқуқий ёндашувлар унинг ахлоқий (меъёрий, қадриятий) таърифларига бевосита туташади. Бу — табиий ҳуқуқ инсониятнинг ахлоқий тамойиллари шаклида давлат вужудга келишидан аввал мавжуд бўлганлигини тан олувчи концепцияларда ёрқин намоён бўлади. Умуман олганда эса, сиёсатнинг меъёрий тушунчалари- унинг социологик талқинларидаги энг муҳим йўналишларидан бири. Уларда қўлланувчи меъёрий ёндашув сиёсатни у амалга ошириши лозим бўлган идеаллар, қадриятлар, мақсад ва меъёрларга асосланиб кўриб чиқишни тақозо этади. Бу нуқтаи назардан таҳ

[1] Lernfeld Politik: Eine Handreichung zur Aus-und Weiterbildung. Bonn. 1992. 111-б.

лил қилинганда **сиёсат-умумий фаровонликка етишишга қаратилган фаолият сифатида баҳоланади.**

Унинг олий қадрияти — адолат, тинчлик, эркинлик кабиларни ўз ичига олувчи — умумий фаровонлик; мақсади-шу умумий фаровонликка хизмат қилиш; қоидаси-унга эришишга ёрдам берувчи муайян қоидалар, қонунлардир.

Сиёсатнинг меъёрий талқини қадим даврларда пайдо бўлган. Ўз даврида Арасту сиёсатни инсон фаолиятининг олий шакли, деб ҳисоблаган.

Негаки у орқали одамлар ўртасида адолат ўрнатилиб, ҳар бирининг фаровонлигига эришилади. «Адолат фақат сиёсий ҳаётда мавжуд, негаки сиёсий ҳаётнинг таркиби-ҳуқуққа қурилган,»-деб ёзади у.[2]

Сиёсатнинг меъёрий талқинлари ҳам кучли, ҳам заиф томонларга эга. Уларнинг ижобийлиги шундаки, улар сиёсатнинг негизини ташкил этиши лозим бўлган гуманистик идеални ифодалайди. Бундай юксак ғоя сиёсат иштирокчиларини ижтимоий қадриятларга мувофиқ харакатларга ундайди. Айни вақтда меъёрий ёндашув кўп маъноли, ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган категориялар билан иш кўргани учун ижтимоий фаровонликни турлича талқин қилиш имконини беради. Шу туфайли турли сиёсий кучларга ўз ғаразли манфаатларини яшириш шарт-шароитлари яратилади.

Шунингдек, сиёсатни умумий фаровонликка эришишга қаратилган фаолият сифатида тушуниш ва сиёсатда худбинлик аломатларининг кенг тарқалганлигини исботловчи амалиёт ўртасидаги фарқ-ушбу ёндашувнинг заиф томонини ташкил этади. Бундан ташқари, умумий фаровонликка қаратилган ҳамма ҳаракатлар ҳам сиёсий эмас. Кўп одамлар жамият учун фойдали, олижаноб ишларни маънавий ёки диний сабаблар билан ҳам амалга оширадилар.

Қайд этилган камчиликларига қарамай, меъёрий ёндашув сиёсатнинг муҳим бир қиррасини акс эттириб келади ва мавжудликка тўла ҳақли. Унда одамларнинг, жамиятнинг сиёсатни маданийлаштириш, инсонпарвар қилиш, оқилликка етаклаш, унга муҳим ахлоқий асос киритиш истаги намоён бўлади. Меъёрий ёндашувларда сиёсатга ахлоқ, маданият, диний қадриятларнинг таъсири акс этади. Шунинг учун, сиёсатнинг меъёрий таърифлари-иқтисодий, стратификацион ва ҳуқуқий таъриф билан бир қаторда-социологик ёндашувлар гуруҳига киради.

[2] *Арасту*. Политика. М. 1865, 11-б. Шунингдек, қаранг: Арасту Соч.: 4 томлик, 4-том, М. 1983, 380-бет.

Сиёсатнинг субстанционал таърифлари гуруҳи. Ҳокимият сиёсий субстанция сифатида

Субстанционал таърифлар сиёсатнинг энг кўп тарқалган иккинчи гуруҳига мансуб. Улар сиёсат асосини, бирламчи негизини ташкил этувчи субстанцияни топишга йўналганлар. Бу гуруҳда сиёсатнинг бир нечта талқини мавжуд. Улардан энг кўп тарқалгани **сиёсатни ҳокимиятга, уни эгаллашга, тутиб туришга ва фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар** сифатида талқин этишдир. М. Вебер ёзганидек, сиёсат «ҳокимиятда иштирок этишга ёки хоҳ давлатлар ўртасидаги, хоҳ давлат ичидаги гуруҳлар ўртасида ҳокимият тақсимланишига таъсир кўрсатишга интилишдир»[3].

Сиёсатга «ҳокимият» томонидан ёндашувчиларнинг айримлари у учун кураш ва ундан фойдаланиш санъати, техникаси, усуллари ва воситаларига урғу беришади. Сиёсий фан асосчиларидан бири Н. Макиавелли 1515 йилдаёқ, сиёсатни «ҳокимиятга эришиш, уни бой бермаслик ва фойда билан қўллаш учун зарур бўлган воситалар бирлиги» сифатида таърифлайди, «Шундай қилиб, сиёсат-шароит тақозо этганидек, ҳукмдор ёки халқ қудрати ҳамда кундалик вазиятларга боғлиқ ҳолда ҳокимият билан муомаладир»[4].

Сиёсатнинг институционал ва антропологик талқинлари

Сиёсатнинг «ҳокимлик» талқинлари унинг моҳиятини, энг муҳим яратувчилик сифатини акс эттиради. Улар **институционал** таърифлар билан конкретлашади ва тўлдирилади. Улар сиёсатни ҳокимият намоён бўлувчи ва ифодаланувчи ташкилотлар, институтлар орқали ва, аввало, энг муҳим институт-давлат орқали очиб берадилар. Бу ҳолда сиёсат — «давлат ишларида иштирок этиш, давлатни йўналтириш, давлат фаолиятининг шакллари, вазифалари, мавзуини белгилаш»[5] тарзида намоён бўлади.

Сиёсатнинг айрим институционал таърифлари унда нодавлат институтлари ва биринчи навбатда, партиялар ролининг ортганлигини акс эттиради. Масалан, Хитой Коммунистик партиясининг доҳийси Мао Цзедун социалистик давлатда компартиянинг устивор ролини назарда тутиб, сиёсатни «инқилобий партиянинг барча амалий ҳаракатларининг бошланғич нуқтаси сифатида

[3] *Вебер М.* Избранные произведения. Нем. Тарж. М. 1990. 646-бет.

[4] Цит. Innenpolitik und politische Theorie. Opladen. Westdentscher vellag, 1976. 27-бетдан олинган.

[5] *Ленин В. Н.* Полн. Собр. Соч. 33-т., 340-бет.

таърифлайди. У ана шу ҳаракатлар жараёнида ва уларнинг натижаларида намоён бўлади»[6].

Агар сиёсатнинг «ҳокимлик» ва «институционал» талқинларида унинг асоси ҳокимият ва унга эгалик қилувчи ташкилотларда кўринса, унинг **антропологик** таърифлари сиёсатнинг чуқурроқ манбаи-инсон табиатида эканлигини акс эттиришга ҳаракат қилади. Бу нуқтаи назардан **сиёсат одамларнинг ҳуқуқ асосида тамаддунй мулоқот шакли, инсоннинг жамоавий мавжудлиги шакли деган маъно келиб чиқади.** Сиёсатнинг антропологик тушунчасини ўз вақтида Арасту берган эди. Унинг фикрича, инсон сиёсий мавжудот, чунки у жамоадагина мавжуд бўла олади. Инсоннинг оддий ҳаёти, у ўзининг хилма-хил манфаатларини қондириши ва бахтли бўлиши — фақат бошқа одамлар билан мулоқотнинг натижаси бўлиши мумкин. Оила ёки жамоага нисбатан сиёсат ана шундай мулоқотларнинг олий шаклидир. Унинг ўзидан аввалги мулоқотлардан устунлиги шундаки, у давлат ичидаги эркин ва тенг инсонларнинг адолатли ва фуқароларнинг барчасига нисбатан тенг муносабатни англатган ҳуқуқ меъёрлари асосидаги мулоқотдир. Одамларнинг ўзаро мулоқотларидаги уйғунликка сиёсат, давлат ёрдамида эришилади.

Сиёсатнинг замонавий антропологик концепциялари Арастунинг ҳамма ғояларини қабул қилмайди. Аммо худди Арасту сингари бу концепция тарафдорлари ҳам, сиёсатни инсоният табиатига хос, унинг жамоа аъзоси сифатидаги руҳидан келиб чиқувчи, индивидуал эркинлик, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва индивидларнинг бундан келиб чиқувчи мураккаб ва зиддиятли ўзаро алоқалари, деб ҳисоблайдилар.

Ихтилоф ва келишувга асосланган таърифлар

Сиёсатнинг антропологик дефинициялари унинг ихтилоф ва келишувга асосланган таърифлари билан анча бойитилади ва тўлдирилади. Машҳур француз сиёсатшуноси Морис Дюверже бу ҳақда шундай ёзади: «Сиёсий назария сиёсатнинг драматик тарзда қарама-қарши турувчи икки баёни ўртасида ҳаракат қилади. Бирига кўра сиёсат-ихтилоф, кураш бўлиб, унда ҳокимиятга эга бўлганлар жамият устидан назорат ва имтиёзларга эгалар. Иккинчи қарашга кўра сиёсат — тартиб ва адолат бошқарувини амалга оширишга интилиш, <...> барча фуқароларни ҳамжамиятга бирлаштиришни таъминлашни англатади»[7].

[6] Цит. Innenpolitik und politische Theorie. 27-бетдан олинган.

[7] *Duverger M.* The idea of Politics. Indianapolis. 1966. 186-б.

Сиёсатнинг ихтилофли дефинициялари диққатни сиёсатнинг асосида ётган ва унинг ривожланишини таъминлайдиган зиддиятларга қаратади. Бундай зиддиятлар нуқтаи назаридан сиёсат — **ихтилофларни зўрлик ва тинчлик йўли билан ҳал қилиш бўйича фаолият** сифатида таърифланади. Гарчанд сиёсатнинг умумий қиёфасини ихтилоф белгиласа-да, у, одатда, иштирокчиларнинг жамоат тартиби, ҳокимият қонунийлигини тан олиш, қонунга итоат этиш зарурлиги ва ҳ. к. лардан умумий манфаатдорлигига асосланган муайян консенсуссиз мавжуд бўла олмайди.

Консенсуснинг сиёсий субъектларни бирлаштирувчи омил сифатидаги роли демократик давлатда, айниқса, жуда муҳим. Унда ихтилофларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш-фуқароларнинг шахс сифатида қадрини эътироф этиш, инсон ҳуқуқлари, кўпчилик иродаси, шунингдек камчиликнинг мухторияти ва ўз фикрига эга бўлиш ҳуқуқи каби асосий қадриятларни тан олишга асосланади. Машҳур америкалик сиёсатшунос С. Ф. Хантингтон қайд этишича, ижтимоий ихтилофлар мутлақо йўқ бўлганда сиёсат бўлмайди, ижтимоий консенсус, ижтимоий уйғунлик мутлақо йўқ бўлганда ижтимоий институтлар бўлиши мумкин эмас.[8]

Сиёсат «дўстлар» — «душманлар» муносабати сифатида

Сиёсатнинг ихтилоф ва келишувга асосланган талқини кўзга кўринган немис сиёсатшуноси Карл Шмитт ижодида ўзига хос тарзда ёритилган.

Унинг концепциясига кўпинча «сиёсийликни» тушунишдаги мустақил, ўзига хос йўналиш сифатида қарашади. К. Шмиттга кўра сиёсатнинг ўз асоси, субстрати йўқ. «Сиёсийлик» ўз кучини ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидан, диний, иқтисодий, ахлоқий ва бошқа зиддиятлардан олиш имконига эга. У ҳаёт фаолиятининг қандайдир хусусий, ўзига хос соҳаси бўлмай, фақат одамларнинг бирлашиши (ассоциациялар) ёки бўлиниши (диссоциациялар) тезлиги даражасидир.

Уларнинг турткилари диний, миллий (этник ёки маданий маънода), иқтисодий ёки бошқа бўлиши ва турли вақтларда турли хил ассоциациялар ёки диссоциацияларни келтириб чиқариши мумкин[9].

Сиёсий сифат ижтимоий зиддиятларнинг «зичланиши», уларнинг «дўст-душманлар» муносабати сифатида англаниши натижасида вужудга келади. Душман-ушбу субъект ва унинг

[8] Қаранг: *Комоцкая В. Д., Тихомирова Е. Б.* Поколение 50-х в американской политологии: С. Ф.

[9] *Schmitt K.* Der Begriff des Politischen. Berlin. 1963. 38-бет.

манфаатларига хавф туғдирувчи «бегона», дўст эса-мақсадларга эришишга ёрдам берувчи иттифоқчи, ёрдамчидир.

К. Шмит «дўст-душман» муносабатларига сиёсатни яратувчи, тутиб турувчи маъно беради ва одамларнинг сиёсий бўлинишига олиб келувчи объектив асосларни ҳисобга олмайди. Назаримизда, унинг концепцияси сиёсатни субъектив ҳис қилишни, унинг ҳиссий турткиларини яхши тушунтиради. «Дўст-душман» муносабатлари эса сиёсатнинг бутун мазмунини қамраб ололмайдиган, лекин муҳим қирраларидан бири, холос.

Сиёсатнинг илмий асосланган талқинлари гуруҳи. Фаолият билан боғлиқ, телеологик ва тизимли таърифлар

Сиёсатнинг динамик, процессуал табиатини унинг фаолият билан боғлиқ таърифлари очиб беради. Улар сиёсатни бутун жамият учун мажбурий бўлган қарорларни тайёрловчи, қабул қилувчи ва амалга оширувчи жараён сифатида тавсифлашади. Сиёсатни бу тарзда тақдим этиш уни амалга оширишнинг энг муҳим босқичларини таҳлил қилиш имконини беради. Бундай босқичларга қуйидагилар киради: сиёсатнинг мақсадларини белгилаш, қарор қабул қилиш; мақсадларни амалга ошириш учун оммани уюштириш ва сафарбар этиш, сиёсий фаолиятни тартибга солиш; уни назорат этиш, олинган натижаларни таҳлил қилиш ва сиёсатнинг янги вазифаларини белгилаш. Сиёсатнинг фаолият билан боғлиқ талқини, хусусан, сиёсий қарорлар назариясида кенг қўлланади.

У, шунингдек, сиёсатнинг **телеологик** талқинларида ҳам қўлланади. Телеологик талқинда **сиёсат жамоавий мақсадларга муваффақиятли эришишга доир** фаолиятдир.

Америка социологиясининг отахони Т. Парсонс ёзганидек, сиёсат «тотал тизим муайян элементларини унинг фундаментал функцияларидан бирига, яъни умумий мақсадларга эришиш учун муваффақиятли жамоавий фаолиятга мувофиқ ташкил этиш усулларининг»[10] бирлигидир.

Сиёсатнинг телеологик дефиницияларида унинг икки фундаментал қирраси қайд этилади: фаолиятнинг **коллектив табиати** (бунда катта ижтимоий гуруҳлар: синфлар, миллатлар, давлатлар фаолияти кўзда тутилади) ва унинг **онглилиги, мақсадга йўналганлиги.** Сиёсатда индивидларнинг шахсий мақсадлари умумдавлат мақсадларигача ўсиб ўтади.

[10] *Parsons T.* Politics and Social Structure: On the Concept of Political Power. New York, 1969. P. 355.

ЎзР ООВ АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТ КУТУБХОНАСИ

Парсонс берган таърифга асосан сиёсатнинг телеологик таърифлари жамиятнинг тизимли таҳлилида фаол қўлланади. **Тизимли ёндашувга кўра сиёсат бу — нисбатан мустақил тизим, мураккаб социал организм, атроф-муҳит, жамиятнинг бошқа соҳаларидан чекланган ва у билан доимий алоқадорликда бўладиган яхлитликдир.** Сиёсат ўз-ўзини сақлаш тўғрисида қайғуради ва бир қатор ижтимоий эҳтиёжларга, жумладан, уларнинг энг муҳими жамиятнинг ижтимоий интеграциясини амалга оширишга хизмат қилади.

Сиёсатнинг тизимли баёнлари турли хил сиёсий тизим назарияларида чуқур асосланган ва ривожлантирилган. Улардан дастлабкилари ва энг муҳимлари америкалик сиёсатшунослар Д. Истон ва Г. Алмондга тегишли.

Юқорида кўриб чиқилган ёндашувлар сиёсатга берилган барча таърифларни қамрамайди, Илмий тавсифларнинг бунчалик кўплигини сиёсатнинг функциялари хилма-хил эканлиги билан тушунтириш мумкин. Турли дефиницияларни умумлаштирган ҳолда **сиёсатни ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг ўз зиддиятли жамоавий манфаатларини англаш ва тақдим этиш, давлат ҳокимияти ёрдамида амалга ошириладиган, бутун жамият учун мажбурий бўлган қарорларни ишлаб чиқиш, деб таърифлаш мумкин.**

§ 2. Сиёсат таркиби ва функциялари

Сиёсатнинг шакли, мазмуни ва жараёни

Сиёсат турли кўринишларда (шаклларда) тафаккур, нутқ, хулқ-атвор тарзида мавжуд. У мураккаб тузилишга эга. Илмий адабиётларда сиёсатнинг турли қирралари ва таркибий қисмлари фарқланади. Сиёсатни шакл, мазмун ва жараён (муносабатлар) га кўра ажратиш кўп тарқалган.

Сиёсатнинг **шакли** — унинг тузилишига кўра таркиби, унга турғунлик, барқарорлик ва одамлар сиёсий хулқ-атворини тартибга солиш имконини берувчи институтлар (шу жумладан, ҳуқуқий ва ташкилий меъёрлар тизими)дир.

Сиёсатнинг **мазмуни** унинг мақсадлари ва қадриятларида, ҳал қилаётган муаммоларида, сиёсий қарорларни қабул қилиш мотивлари ва механизмларида намоён бўлади.

Сиёсий **жараёнда** сиёсий фаолиятнинг мураккаб, кўп субъектли ва ихтилофли табиати, унинг турли ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар ва индивидлар муносабати сифатида намоён бўлиши акс этади.

Полити (politi)-, Полиси (policy)- ва Политикс (politics)-тадқиқотлар

Инглиз тилида, шунингдек, америка ва дунё сиёсатшунослигида сиёсатнинг турли томонларини акс эттириш учун уч мустақил атама қўлланилади: «polity» («полити» ёки «полития»), «policy» («полиси») ва «politics» («политикс»). Бу тушунчалар маъно жиҳатидан тахминан сиёсатнинг шакли, мазмуни ва сиёсий жараёнга тўғри келади. **Полития** у ёки бу жамиятнинг сиёсий тузилишини, кенг маънода давлатни, яъни мамлакатнинг барча фуқаролари, ҳокимиятни амалга оширишнинг бутун механизмлари бирлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда, бу сиёсий тизим, уни ташкил этувчи институтлар ва меъёрлар бирлигидан иборат сиёсий тартибдир.

Полиси тор маънода ҳокимият, ҳукуматнинг мазмуни, фаолият тарзи, сиёсий қарорларни қабул қилиш технологияларини билдиради. Полиси-тадқиқотлар сиёсатшуносликдаги йўналишлардан бири сифатида камёб қадриятлар ва неъматларни тақсимлаш тўғрисидаги ҳамма учун мажбурий қарорларни сиёсий тузилмалар қандай қилиб, нима учун ва қандай самара билан қабул қилишини ва бу қарорлар қандай ижтимоий оқибатларга олиб келишини аниқлашга уринадилар.

Кенг маънода «полиси» тушунчаси нафақат марказий ҳокимият, балки бошқа сиёсий акторлар: партиялар, касаба уюшмалари ва ҳоказоларнинг фаолияти, қарорлар қабул қилиш услубига ҳам тааллуқлидир.

Политикс — сиёсатни унда ихтилофларнинг вужудга келиши ва ҳал қилиниши нуқтаи назаридан кўриб чиқишдир. Политикс- таҳлил ҳокимиятга даъвогарлик қилаётган ёки сиёсий қарорларга таъсир кўрсатишга интилаётган субъектлар: партиялар, ижтимоий ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари (ОАВ), манфаатли гуруҳлар в. ҳ. к., шунингдек, ихтилофли манфаатлар, мафкуралар, мақсадлар ва қадриятлар, ихтилофларни ҳал қилишнинг зўрликка асосланган ва тинч усуллари билан шуғулланади. Полити(шакл), полиси(мазмун), политикс (жараён)ни кўпинча сиёсатнинг муҳим қирраларини акс эттирувчи сиёсатнинг ўлчовлари, деб ҳам аташади.

Сиёсатнинг таркибий қисмлари ва даражалари

Сиёсат фақат шакл, мазмун ва жараёндан иборат эмас. Унинг нисбатан мустақил таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин: 1) сиёсий онг, у ўз ичига индивидларнинг ички дунёси, менталитети, қадриятга йўналтирилганлиги ва қоидалари, шунингдек, сиёсий қарашлар ва назарияларни олади; 2) меъёрий ғоя-

лар, сиёсий партияларнинг дастурлари ва сайловолди ваъдалари, манфаат гуруҳларининг мақсадларини ифодаловчи қоидалар, сиёсий-ҳуқуқий меъёрлар; 3) ҳокимият ва унинг учун кураш институтлари; 4) ҳокимлик муносабатлари-ҳукумронлик ва тобелик, шунингдек, сиёсий кураш ва ҳамкорлик муносабатлари.

Агар сиёсатнинг муайян таркибий қисмларини санаб ўтишга ҳаракат қилинса, уларга сиёсий қарашлар, ғоялар, назариялар, дастурлар, қадриятга йўналтирилганлик, қоидалар, стереотиплар в.ҳ.к.лар, анъана ва урф-одатлар, хулқ-атвор наъмуналари, ижтимоий фикр, одамлар психологияси, давлат, партиялар, манфаат гуруҳлари ва ҳаракатлар, қонунлар, инсон ҳуқуқлари ва бошқа сиёсий ҳамда сиёсий –ҳуқуқий меъёрлар, ҳокимият ва унга доир муносабатлар, сиёсий етакчилар, элиталар, гуруҳлар киради.

Сиёсатнинг таркибий қисмларидан ташқари баъзан сиёсат **мавжудлигининг уч даражаси** ажратилади. Биринчи, том маънода сиёсий, макро-даража, давлатнинг бир бутунлик сифатида, оммавий мажбурий ҳокимиятини, унинг марказда ва жойлардаги тузилиши ва амал қилишини тавсифлайди. Иккинчи, микро-даража, алоҳида ташкилотлар, партиялар, касаба уюшмалари, корпорациялар, фирма в.ҳ.к.ларни қамраб олади. Бунда ҳам, бир бутун давлатда бўлганидек, катта сиёсатга хос бўлган ички ҳолатлар ва жараёнлар намоён бўлади: коллектив мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, қарорлар қабул қилиш, лавозим ва неъматларни тақсимлаш, санкциялар қўллаш, ҳокимият учун индивидлар ва гуруҳларнинг рақобати, манфаатлар, ихтилоф тақозоси ва ҳоказо. Учинчи, мега-даража, халқаро ташкилотлар фаолиятига тегишли: БМТ, НАТО, ЕИТ каби.

Ушбу даражаларнинг биринчиси марказий ўринни эгаллайди ва сиёсатнинг моҳиятини акс эттиради. Иккинчи ва учинчи даражалар тобелик аҳамиятига эга.

Сиёсатнинг функциялари

Сиёсатнинг асосий функцияларини, одатда, унинг умумдавлат макро-даражаси билан боғлашади.

Улар сиёсат жамиятга таъсир этишининг энг муҳим қуйидаги йўналишларини характерлайди:

— мураккаб қисмлардан иборат ижтимоий тизим сифатида жамият яхлитлигини тутиб туриш ва мустаҳкамлаш, ижтимоий тартиб, уюшганликни таъминлаш;

— бутун жамият ва уни ташкил этувчи коллектив субъектлар мақсадларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга оммани уюштириш ҳамда манбаларни сафарбар этиш;

— камёб қадриятлар ва неъматларни авторитар, ҳамма учун мажбурий тарзда тақсимлаш;

— гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш;

— мураккаб ижтимоий субъектларни шакллантириш (коммуникатив функция). Бу функциянинг моҳиятини Р. Н. Берки етарлича тўлиқ баён этган. «Сиёсат қуйидагиларни тақозо этади: жамоа мавжудлигининг моҳиятини аниқлаш; сиёсатнинг барча субъектлари, яъни ушбу жамоа аъзоларига тегишли умумий манфаатларни белгилаш; барча субъектлар учун маъқул хатти-ҳаракат қоидаларини ишлаб чиқиш; субъектлар ўртасида функциялар ва ролларни тақсимлаш ёки субъектлар буни мустақил қила олиши учун қоидалар ишлаб чиқиш; ва ниҳоят ушбу ҳамжамият барча иштирокчиларининг самарали ўзаро алоқалари ва ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлаш имконини берувчи барча субъектлар учун тушунарли умумий тилни ишлаб чиқиш (вербал ва рамзий)»[11].

— Ҳар қандай жамият учун кўп ёки кам даражада хос бўлган бу масалалардан ташқари сиёсат муайян турдаги ижтимоий тизимлар учун бир қатор хусусий функцияларни ҳам бажаради. Буларга синфий ёки ижтимоий ҳукмронликни тутиб туриш; инсоннинг туб ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; фуқароларни давлат ва жамоат ишларини бажаришга жалб этиш; ижтимоий адолат ва умумий фаровонликни таъминлаш в.ҳ.к.лар киради.

Сиёсий функциялар тўғрисидаги масала тизимли таҳлилда жуда чуқур ўрганилган. Сиёсий тизимлар назариясининг асосчиларидан бири Г. Алмонд функцияларнинг икки асосий гуруҳини ажратиб кўрсатади: «кириш» функциялари-жамиятнинг сиёсатга таъсири ва чиқиш функциялари-сиёсий тизимнинг жамиятга таъсири. «Кириш» функцияларига қуйидагилар киради: сиёсий ижтимоийлашув ва фуқароларни сиёсатда иштирокка жалб этиш; манфаатлар артикуляцияси, манфаатлар агрегацияси. «Чиқиш» функцияларига меъёрлар(қонунлар)ни ишлаб чиқиш; уларни қўллаш; уларнинг бажарилишини назорат этиш киради.[12]

Сиёсат функцияларининг хилма-хиллиги унинг жамиятга чуқур кириб борганлиги, турли ижтимоий ҳодисаларга таъсир кўлами билан белгиланади. Сиёсатнинг тарқалиш соҳаси қандай ва унинг жамиятга кириб бориш чегаралари мавжудми?

---

[11] *Berki R. N.* The History of Political Thought: A short Introdu kshon. London, New York, 1977. P. 7.

[12] Бу функциялар тўғрисида батафсилроқ қаранг: Основы политической науки: Учеб. Пособие для высш. учеб. заведений. Ч. 2. М., 1993. С. 85-88.

§ 3. Сиёсатнинг жамиятдаги чегараси

Сиёсатнинг тарқалиш соҳаси

Сиёсатнинг жамиятда тарқалиш масаласи унинг қандай ёндашув асосида талқин қилинаётгани, шунингдек, ижтимоий ва сиёсий тизимларнинг муайян турларига боғлиқ. Сиёсатни ҳокимият, авторитет, ташкилот ва боғлиқ ҳар қандай фаолият ва ҳаракат тарзида кенг тушунишдан (Г. Лассуэл, Г. В. Вассерман) мантиқан у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига: иқтисод, маданият, дин, фан, спортга кириб боради, деган хулоса чиқади. Таниқли америкалик сиёсатшунос Роберт Дал ёзганидек, сиёсий уюшмаларга давлат ва партиялардан ташқари касаба уюшмалари, хусусий клублар, тадбиркорлик корхоналари, диний ташкилотлар, фуқароларнинг гуруҳлари, ёввойи қабилалар, кланлар ва, ҳатто, алоҳида оилалар хам киради.[13]

Сиёсатнинг тарқалиш соҳаларига доир янада кенгроқ қарашни америкалик сиёсатшунос Д. Хелд баён этган. У сиёсатни фақат ҳукумат фаолиятигина эмас «инсон имкониятларини ташкил этиш учун кураш» «инсон ҳаётининг таркибий қисми, ажралмас вектори, жамиятни шакллантириш ва қайта шакллантириш ўлчови тарзида ифодалайди»[14]. Наримизда сиёсатнинг юқорида келтирилган талқинлари унинг энг муҳим ижтимоий кўрсаткичларини қайд этади: ҳокимият, авторитет (гарчанд авторитет кўпинча ҳокимиятнинг хусусиятларидан бири сифатида қаралса-да), уюштириш ва бошқариш. Айни вақтда сиёсатнинг кенг талқинлари унинг ўзига хос томонларига соя солиши, унинг ўзига яқин ҳокимият, ижтимоий ташкилот, бошқарув каби тушунчалар орасида йўқ бўлиб кетиш хавфини туғдиради. Уларни ўрганиш-ҳокимият социологияси, бошқарув назарияси каби махсус фанлар предметидир.

Сиёсатнинг мезонлари ва чегараларини М. Вебер янада аниқ белгилаб берган. У шундай деб ёзади: «Агар уюшмаларнинг кўрсатмалари муайян ҳудудда, доимий равишда, қўрқитиш ёки маъмурий орган томонидан зўрлик ишлатиш орқали бажарилиб келинса, шундагина уюшма сиёсий деб аталиши мумкин».[15] Шу тариқа М. Вебер сиёсийликнинг мезонларини ҳокимиятнинг

[13] Қаранг. Даль Р. А. Современный политический анализ // Актуалные проблемы современной зарубежной политической науки: Реф. сб. Вып. 4. М., 1991. 57-бет.

[14] Цит. : Политика как научная дисциплина по Д. Хелду //Полис: 1991. №5 146-147-бетлар.

[15] Цит. : Актуальные проблемы современной зарубежной политической науки. Вып. 4. М. 1991. 56-бет.

доимийлиги, унинг муайян ҳудудга тарқалганлиги, махсус зўравонлик органларининг мавжудлиги билан чеклайди. Вебер сиёсатни унинг умумдавлат, макро-даражаси билан боғлаганлигини сезиш қийин эмас.

Сиёсат чегараларининг ҳаракатчанлиги

Юқорида таъкидланган сиёсат мезонлари унинг статистикасини, доимомавжуд энг муҳим белгиларини акс эттиради. Айни вақтда сиёсат доимо ривожланишда, у ҳаракатчан, ўзгарувчан. Кўпинча иқтисодий, маданий ва бошқа ижтимоий ҳодисаларни ифодалайди, айрим ҳолларда эса шахсий, интим соҳаларига ҳам кириб боради. Масалан, 90-йилларнинг бошида Польша, ГФР ва бир қатор бошқа мамлакатлардаги кескин сиёсий мунозаралар ва курашлар бу мамлакатларда абортлар таъқиқланишига олиб келди.

Сиёсий етакчиларнинг фикрича, бутун жамият манфаатларига тааллуқли бўлган ва барча фуқаролар учун мажбурий қарорларни талаб этган деярли ҳар бир ижтимоий масала сиёсий тус олиши мумкин. **Сиёсат жамият ўз-ўзини онгли бошқариши воситасидир.** Шунинг учун у хилма-хил ижтимоий ҳодисаларни ўз ичига олиши ва улар ҳокимиятнинг доимий раҳбарлигини талаб этишидан келиб чиқади. (Масалан, табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда давлатнинг аҳолига ёрдами.)

Сиёсат кўпгина иқтисодий, маданий, диний ва бошқа ҳодисаларни қамраб олсада, уларнинг ўрнини босмайди, балки уларга алоҳида қирра бахш этади-уларни замонавий ҳокимият таъсири объектига айлантиради. Бир уюшманинг ўзи айни вақтда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий, ҳам диний қиррага эга. Масалан, иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи, моддий қийматлар яратувчи саноат корпорацияси айни вақтда муайян сиёсий партияга молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатиши ва маданий ёки илмий жамғармага пул ажратиши мумкин.

Турли ижтимоий бирлашмаларнинг кўп қирралилиги, охир-оқибат, инсон сифатлари ва ижтимоий ролларининг турли-туманлиги билан изоҳланади.

Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий мавжудот-моддий қийматлар ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчиси; ҳам сиёсий мавжудот-давлат фуқароси, партия ёки бирор уюшма аъзоси: ҳам ижтимоий мавжудот-ижтимоий гуруҳ вакили; ҳам маданий мавжудот, муайян ғоялар, қадриятга йуналтирилганлик ва анъаналар эгаси; ҳам диний мавжудот-муайян диний эътиқод эгаси ёки атеистдир.

Сиёсатнинг жамиятга кенг кириб бориши унинг чегаралари йўқлигини англатмайди. Дунё ижтимоий-сиёсий фикрида бу масала юзасидан хилма-хил нуқтаи назарлар мавжуд. Уларнинг энг кенг тарқалгани-тоталитар, анархистик, либерал ва кейнсча қарашларидир.

Сиёсатнинг тоталитар ва анархистик талқинлари

Тоталитар концепциялар сиёсий таъсирнинг ҳар қандай чекловларини йўқотади, жамиятнинг ялпи сиёсатлашувидан, иқтисод, маданият, фан ва бошқалар устидан сиёсий устунликдан келиб чиқади. Тоталитар моделларда сиёсат барча қолган соҳаларни бошқаради, амалда фуқаролик жамиятини, шахсий ҳаёт дахлсизлигини йўқ қилади.

Анархистик концепциялар тоталитаризмга бутунлай қарама-қаршидир. Улар сиёсатни, ҳар қандай уюшган ҳокимиятни-зўрлик, шахс эркинлигини чеклаш билан бир нарса, деб ҳисоблайдилар ва уни эркин мустақил одамларнинг қуйидан юқоригача ихтиёрий бирлашуви ва ассоциацияларидан чиқиш эркинлигини сақловчи ўз-ўзини бошқариш билан алмаштиришга интиладилар. Анархизм XIX асрда кенг тарқалди. Кейинчалик ўз ғояларини амалга ошириш мумкин эканлигини исботлай олмагани учун у интеллектуал ва сиёсий ҳаётда ўз таъсирини йўқотди.

Либерализм ва кейнсчилик

Либерализм ва кейнсчилик сиёсатга нисбатан тоталитаризм ва анархизмга қараганда юмшоқроқ мавқени эгаллайди.

Мумтоз либерализм ижтимоий тизимларни давлат ва фуқаролик жамиятига давлат томонидан назорат қилинмайдиган хусусий хўжалик, маданий, оилавий, диний ва бошқа, жумладан, сиёсий ҳаётдан иборат, деб билади.

Давлат эркин фуқаролар томонидан муайян, чекланган мақсадларни-жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни, эркинлик ва инсоннинг бошқа фундаментал ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек одамларнинг хўжалик юритиш ва мулоқоти учун қулай шароитлар яратиш учун ташкил топади. У фуқаролик жамияти ишларига аралашмайди ва шахсий ҳамда жамоат ҳавфсизлигини ҳимоя қилувчи «тунги қоровул» вазифасини бажаради. Сиёсат соҳаси чекланган. У фуқаролик жамияти ишларига аралаша олмайди.

Давлат ва сиёсат функцияларини либерал тарзда чеклашни либертаризм янада кучайтиради: у ҳар қандай давлатнинг вазифаси — фақат индивидлар эркинлигини таъминлаш ва уларни жисмоний зўрликдан асраш, деб ҳисоблайди.

Ғарбда XVIII-XIX асрларда ҳукмрон бўлиб келган либерализм ғоялари XX аср 30-йилларида (қисман эса аввалроқ) Д. М. Кейнс томонидан жиддий қайта кўриб чиқилди ва «кейнсчилик» номини олди. Бу концепциянинг моҳияти капитализмга ўзини-ўзи бошқарувчи жамият сифатида қараш, мумтоз либерал ғоялардан воз кечиб, ҳукумат бутун ижтимоий тизим, унинг барча элементлари учун масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини асослашдан иборат. Бу, ўз навбатида, давлатнинг иқтисод, ижтимоий таъминот соҳаси, бандлик, меҳнат ва бошқа ижтимоий муносабатларга аралашишини тақозо этади. Давлат ва сиёсатга кейнсча қарашлар замонавий, индустриал ривожланишни босиб ўтган демократияларда кенг тарқалган ва хусусан, **ижтимоий давлат** ғоясининг назарий асоси бўлиб хизмат қилади (қаранг 7-боб).

Сиёсатнинг бутун жамиятга нисбатан бошқарувчи ролини ёқлаган ҳолда, кейнсчилик ва унга яқин замонавий назариялар, тоталитаризмдан фарқли ўлароқ, сиёсий аралашувнинг муайян чегаралари мавжудлигини тан оладилар. Бундай чегараларнинг энг муҳимларига инсон ҳуқуқлари, бозор иқтисоди тамойиллари кириб, уларнинг бузилиши хусусий тадбиркорлик тизимининг емирилишига олиб келади, деб ҳисобланади. Гарчанд ўз мафкураларида консерваторлар мумтоз либерализмга ёки ҳатто, либертаризмга, социал-демократлар ва уларга яқин партиялар эса, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий адолатни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг сиёсатда иштирокини кенгайтириш мақсадида давлат бошқарувини кенг қўллашга кўпроқ мойил бўлсалар-да, одатда, замонавий, индустриал ривожланишни босиб ўтган мамлакатларда бу масалалар бўйича жамоатчилик консенсуси мавжуд.

Умуман эса, сиёсатнинг жамиятга нисбатан муҳим ўрин тутиши шубҳа уйғотмайди. Дунёнинг барча саноати ривожланган демократик мамлакатларида у кенг илмий тадқиқотлар ва оммавий ўрганиш объектидир.

2-БОБ

СИЁСАТШУНОСЛИК НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР СИФАТИДА

Одамлар сиёсатни икки асосий усул билан идрок этишади: кундалик амалий тажриба орқали олинадиган оддий кузатувлар ва тадқиқотлар натижасида олинган илмий билимлар орқали.

Сиёсат тўғрисидаги кундалик, тартибга тушмаган тасаввурлар кўп минг йиллардан бери мавжуд. У ёки бу шаклда улар ҳар бир инсонда бор ва оммавий сиёсий онгнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Сиёсий ҳодисаларнинг асосан ташқи, амалий томонини акс эттира борар экан, кундалик билимлар ҳақиқий ва сохта бўлиши мумкин. Умуман эса, улар борлиқни чуқур ва ҳар томонлама акс эттирмайди. Шунинг учун ҳам кундалик маиший билимлар сиёсат дунёсида одамлар учун ишончли йўлланма бўла олмайди. Бу вазифани сиёсатшунослик фани бажаради. Хўш, у қандай фан, қачон ва қай тарзда вужудга келган ва қандай билиш усуллари ва воситаларидан фойдаланади?

§ 1. Сиёсатшуносликнинг вужудга келиши ва предмети

Сиёсат фанининг вужудга келиши

Узоқ тарихий давр мобайнида сиёсат фани кундалик тасаввурлар, диний ва фалсафий-ахлоқий қарашлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд бўлган. Тарихан сиёсатни англашнинг биринчи шакли — унинг **диний-афсонавий талқини** бўлган. Сақланиб қолган манбаларга кўра м. а. II-I минг йилликларда барча қадимги халқларда ҳокимиятнинг ва ижтимоий-сиёсий тузумнинг илоҳий келиб чиқиши тўғрисида тасаввурлар ҳукмронлик қилган ҳамда бу тасаввурлар, одатда, афсоналар тарзида ифодаланган.

Тахминан м. а. I минг йилликларда сиёсий қарашларнинг рационаллашуви кузатила бошланди. Биринчи сиёсий категориялар ва таърифлар, кейинчалик эса фалсафий-ахлоқий шаклдаги бутун-бутун концепциялар пайдо бўлди. Шу тариқа сиёсатни назарий жиҳатдан таҳлил килиш асослари яратилди. Бу жараён аввало Конфуций, Платон, Арасту ижоди билан боғлиқ.

Арасту сиёсий фанни фанлар ичида энг устуни, деб ҳисоблайди. Негаки у одамларни адолат ва ҳуқуқ қонунлари асосида яшашга ва умумий фаровонликка хизмат қилишга ўргатади. Ҳаётий ва сиёсий ақл-заковат хазинаси бўлган. «Сиёсат» асарида у шундай

деб ёзади: «Бир кишининг фаровонлиги ҳам мақбул, лекин халқ ва давлат фаровонлиги гўзалроқ ва илоҳийроқдир».

Ўзининг сиёсий хулосалари, жумладан, давлатларни туркумлашда бу буюк мутафаккир улкан амалий кузатишларидан, 158 шаҳар-полисларни тадқиқ этиш натижаларидан фойдаланган. Арастунинг сиёсий фикрни ривожлантиришдаги улкан хизматларини ҳисобга олиб, уни кўпинча сиёсатшунослик фанининг асосчиси деб ҳам аташади. Лекин бу унчалик тўғри эмас, чунки сиёсий фаннинг шаклланиши — узоқ жараён. Унда ҳақиқат ва хато, сиёсий ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш ва юзаки, тарихий чекланган ҳамда нотўғри баҳолар ёнма-ён келиши мумкин: масалан, Арастунинг қуллар ўз табиатига кўра сиёсатга лоқайдлиги тўғрисидаги фикрлари.

Арасту ва ундан аввал ижод қилган мутафаккирларнинг сиёсий тадқиқотлари ҳали мустақил фанга ажралмаган ҳамда фалсафий, ахлоқий ғоялар билан узвий боғлиқ эди. Кейинчалик сиёсий фикр дин таъсири ва фалсафий-ахлоқий қобиқдан халос бўлиб боради. Масалан, Цицероннинг «Республика тўғрисида» ва «Қонунлар тўғрисида» асарларида умумфалсафий ва диний мулоҳазаларни учратмаймиз.

Сиёсий фан, фалсафа ва ахлоқни XVI асрда аниқ ажратган олим Н. Макиавеллидир. У сиёсий тадқиқотларни мустақил илмий йўналиш сифатида ажратди, сиёсий жараёнларни табиат ҳодисаларига ўхшатди, таҳлил марказига давлат ва ҳокимият масалаларини қўйди, ҳокимият учун кураш услубларини ишлаб чиқди. Унинг ижоди сиёсатшуносликнинг мустақил фан сифатида шаклланишига томон йирик қадам бўлиш билан бирга, амалиёт ва назариянинг яқинлашувига, сиёсий тадқиқотларнинг ҳокимият ва уни тутиб туриш учун кураш каби амалий вазифаларни ҳал қилишга қаратди.

Сиёсий фан ўзининг кейинги ривожини Гоббс, Локк, Монтескье, Руссо, Мэдисон, Берк, Милль, Токвиль, Маркс ва бошқа олимлар ижодида топди.

Сиёсатшунослик мустақил фан сифатида

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар кенг қамровли сиёсий тадқиқотларнинг мавжудлигига карамай, сиёсатшунослик мустақил фан сифатида тан олинмай, асосан давлат тўғрисидаги таълимот ва сиёсий-ҳуқуқий назария сифатида ривожланган. Бу унинг фан шаклида шаклланиб бўлган даврини аниқлашда қийинчиликлар туғдиради. Айрим олимлар сиёсатшуносликнинг фан сифатида шаклланиши вақтини XIX аср биринчи ярмида Германияда ҳуқуқий мактаблар очили-

ши билан боғласа,[1] бошқалари — асосан америкалик муаллифлар — унинг вужудга келишини XIX асрнинг иккинчи ярми деб белгилашади ва уни, аввало, 1857 йилда Колумбия университетида сиёсий назария бўйича маърузалар ўқишни бошлаган ҳамда шу ернинг ўзида, 1880 йилда унинг ўрнини эгаллаган Жон Берджесс томонидан сиёсий фанлар олий мактабини очиши учун зарур шароитлар яратган Френсис Лейбер номи билан боғлашади.[2]

Ундан кейинги йилларда Америкада сиёсатшунослик бўйича ўқув ва илмий институтларнинг бутун тизими яратилди. Бу 1903 йилда Америка сиёсий фанлар ассоциациясини таъсис этиш имконини берди. Бугунги кунда у 16000 дан ортиқ аъзога эга.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Европада «сиёсат фани» атамаси эътироф этилди ва тарқала бошлади. 1896 йилда Европанинг энг кўзга кўринган сиёсатшуноси ва социологи Г. Моска ўзининг кейинчалик машҳур бўлиб кетган асарини «Сиёсий фан элементлари» деб атайди.

XX аср бошларида сиёсатшуносликнинг мустақил фан сифатида ажралиб чиқиши жараёни асосан тугайди. Сиёсий тадқиқотларнинг ривожланишига UNESCO ҳомийлигида, 1949 йилда сиёсий фанларнинг халқаро Ассоциацияси ташкил этилганлиги сезиларли таъсир кўрсатди. У бугунги кунда ҳам ўз самарали фаолиятини давом эттиряпти.

Сиёсий фаннинг предмети борасидаги баҳс. Сиёсатшунослик — сиёсат тўғрисидаги фанлардан бири

Сиёсатшунослик сўзининг луғавий маъноси — сиёсат тўғрисидаги фандир. Унинг бу тарздаги умумий талқини, одатда, эътироз уйғотмайди, аммо сиёсатшунослик сиёсатни қандай кўламда ўрганиши мунозарали масаладир.

Тадқиқотчилар бу муаммони турлича талқин этадилар:

1. Сиёсатшунослик — жамиятда ҳокимиятни анъанавий тарзда амалга оширувчи давлат, партиялар ва бошқа институтларни, шунингдек, бошқа сиёсий ҳодисаларни тадқиқ этувчи фандир. Инглиз-америка «Сиёсий таҳлил луғати» да ёзилишича, ҳозирги ривожланиш босқичида унинг предмети ва мазмуни анча кенгайиб, одатда «миллий ва маҳаллий даражада бошқарувни; қиёсий ва мамлакатлараро (crossnational) таҳлилни; сиёсат ва сиёсий хулқ-атворни; сиёсий назарияни; оммавий ҳуқуқ ва суд ҳуқуқини; оммавий-маъмурий фаолият ва ташкилий хулқ-атвор; халқаро муносабатлар»ни[3] ўз ичига олади. Бу ҳолда, сиёсатшунослик, сиёсий социология, сиёсий фалсафа, сиёсий психология ва ҳ.к. билан бир қатордаги фан, яъни сиёсат тўғрисидаги фанлардан бири.

Бундай қарашнинг бош асоси — фанларнинг тарихий тараққиёт давомида табиий равишдаги бўлиниши, фанлараро меҳнат тақсимоти. Ҳақиқатан ҳам, турли сабабларга кўра сиёсатшунослик анъанавий тарзда ўрганадиган бош объект — давлат, унинг тузилиши ва фаолияти, шунингдек, бошқа сиёсий ташкилотлар бўлган.

Кейинчалик унинг предмети бошқа сиёсий фанлар ўрганмайдиган сиёсий ҳодисалар ҳисобига кенгайди: сиёсий жараёнлар, сиёсий хулқ-атвор, сиёсий тизимлар ва ҳ.к. Аммо сиёсатшунослик предметининг бу тарзда бетартиб кенгайиши кўпинча, илмий мантиққа тўғри келмайди ва нима учун у предметига ўзи учун анъанавий сиёсий институтлардан ташқари хулқ-атвор сингари сиёсий ҳодисаларни киритади-ю, стереотиплар, кўрсатмалар кабиларни киритмайди, деган саволни жавобсиз, очиқ қолдиради.

Ундан ташқари, сиёсатшуносликни сиёсат тўғрисидаги нисбатан хусусий фан сифатида талқин қилиш — мантиқан барча сиёсий билимларни ягона тизимга бирлаштирувчи сиёсат тўғрисидаги умумий фан мавжудлигини инкор этади. Эҳтимол, қайд этилган камчиликлар сабабли бўлса керак,бу (биринчи) қараш кейинги йилларда ўз таъсирини йўқотиб бормоқда. Айниқса, Европада.

Сиёсатшунослик — аниқ фан

2. Сиёсатшунослик — сиёсат тўғрисидаги ягона фан. Аммо у бу соҳага оид ҳамма билимларни эмас, аниқ, илмий, кўпроқ эмпирик усулларга таянадиган билимларни ўз ичига олади. Сиёсий фан мазмунига меъёрий, қадриятли ёндашувларга таянувчи фалсафа, сиёсий ахлоқ, сиёсий ғоялар тарихи ва ҳ.к. каби умумбашарий фанлар кирмайди. Бу қарашлар бихевиористлар томонидан ишлаб чиқилган. Улар тўғрисида батафсилроқ қуйида тўхталамиз. Бихевиористлар аввал ишлаб чиқилган сиёсий назарияларнинг илмийлигини инкор этадилар ва сиёсий фан табиий фанлар каби аниқ, эмпирик, математик, кибернетик ва шу каби усулларга таянади, деб ҳисоблайдилар.

XX асрнинг 60-йилларида радикал кайфиятдаги сиёсатшунос-бихевиористлар сиёсий фанни сиёсий назарияга умуман қарши қўйган эдилар. Сиёсий назария деганда улар «сиёсий ахлоқ ва сиёсий ғоялар тарихи билан шуғулланувчи тармоқ»ни тушунганлар[4]. Замонавий бихевиоризм тарафдорлари сиёсий

[1] Қаранг: *Гаджиев К. С.* Опыт введения в политологию // Полис. 1992. 1/2. 105-бет.

[2] Қаранг: Haddow A. Political Science in American Colleges and Uneversities. 1636 — 1900. New York. 1939. 175-бет.

[3] 26 основных понятий политического анализа // Полис. 1993. №1. 81-бет.

[4] Smithburg D. W. Political Theore and Public Administration // Journal of Politics. 1951. No. 13. 61-бет.

назарияни бунчалик кескин рад этмайдилар. Лекин улар ҳам фақат муайян эмпирик фактлар ва верификация қилинувчи (тажрибада текширилувчи) гипотезалар асосига қурилган эмпирик — аналитик концепцияларнигина илмий, деб тан оладилар. Бунда давлат ва жамият мавжудлиги моҳиятини тадқиқ қилувчи қадриятли ёндашув билан боғлиқ меъёрий назариялар, шунингдек, жамиятнинг танқидий таҳлили, сиёсат асосида ётувчи зиддиятлар ва қонуниятларни очиб берувчи тарихий-диалектик концепциялар инкор этилади.

Бихевиористик нуқтаи назардан келиб чиқувчи мантиқий натижа шуки, сиёсий билимлар икки қисмга бўлинади: қадриятлар ва баҳолар, талаб ва таклифлар билан боғлиқ **меъёрий билимлар** ва фактларга таянувчи **илмий билимлар**. Бундай ёндашув икки билим кўринишини қарама-қарши қўйганлиги ва меъёрий назарияларни илмдан ажратгани учун танқид қилинади. Тарих тажрибаси шуни тасдиқлайдики, гарчанд меъёрий ва эмпирик билимлар анча ўзига хос бўлса-да, уларни тўла ажратиб юбориш ижтимоий фанларни ҳалок этиши, инсониятнинг ўз долзарб муаммоларидан чекинишига олиб келиши ва аҳамиятсиз абстракцияларда ўралашиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Сиёсатшунослик — сиёсат борасидаги барча билимлар йиғиндиси

3. Сиёсий фан — сиёсатни унинг барча кўринишларида бирлаш-тирувчи умумий фан. У ўз ичига сиёсат ва унинг инсон ҳамда жамият ўзаро муносабатлари тўғрисидаги барча билимларини олади: сиёсий фалсафа, сиёсий социология, сиёсий психология, сиёсий институтлар ва, аввало, давлат ва ҳуқуқ назарияси ва ҳ.к. Бу маънода тушуниладиган сиёсатшунослик иқтисодиёт, социология, фалсафа каби ҳаётнинг у ёки бу соҳасига тегишли билимлар йиғиндисини бирлаштирувчи интеграл фанга ўхшайди.

Сиёсий фаннинг кенг талқини «сиёсатшунослик» тўғрисидаги категорияларнинг асл маъносига- сиёсат тўғрисидаги умумий фан — мувофиқлигидан ташқари, турли сиёсий билимларни бирлаштириши ва шу орқали тадқиқ қилинаётган объектлар тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиши билан афзал. Сиёсатшуносликни сиёсат тўғрисидаги умумий, ягона, айни пайтда кўп таркибли фан сифатида қабул қилиш ҳозирги дунёда тобора кўпроқ эътироф этиляпти. Бу, жумладан, «сиёсий фан» атамасининг бирликда қўлланаётганлиги ва халқаро сиёсатшунослар ташкилотининг «сиёсий фанлар халқаро ассоциацияси», деб номланишида акс этади.

Шундай қилиб, **сиёсатшунослик сиёсат ва унинг шахс ва жамият билан ўзаро таъсири тўғрисидаги ягона, интеграл фан-**

дир. Унга бундан аниқ умумий таъриф бериш мумкин эмас. Бу, аввало, «сиёсат» атамасининг кўп маънолилиги, уни тавсифлашнинг хилма-хил усуллари мавжудлиги, шунингдек, сиёсатшунослик предмети ҳақидаги тасаввурларнинг мунозаралилиги билан изоҳланади. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб, айрим муаллифлар мазкур фанга барча эътироф этувчи таъриф излашдан воз кечиш керак, деб ҳисоблайдилар[5].

§ 2. Сиёсатшуносликнинг таркиби

Моҳиятига кўра ягона бўлган фан-сиёсатшунослик кўп таркибий қисмлардан иборат ва ўз ичига сиёсатнинг айрим қирралари, томонлари, унинг жамият билан алоқаларини акс эттирувчи бир қатор махсус фанларни қамраб олади. Немис олими П. Ноак фикрича, сиёсатшунослик тўрт энг муҳим фандан ташкил топган: сиёсий фалсафа ёки сиёсий назария, сиёсий институтлар тўғрисида, таълимот, сиёсий социология, халқаро сиёсат назарияси[6].

Ушбу муаллиф санаб ўтган сиёсий фанлар рўйхатини сиёсий таълимотлар тарихи, сиёсий антропология, сиёсий психология, сиёсий география, сиёсий экология, сиёсий астрология ва ҳ. к. фанлар билан тўлдириш мумкин.

Сиёсат тўғрисидаги фанлар

Нисбий равишда барча сиёсий фанларни икки қисмга бўлиш мумкин: бевосита сиёсатнинг ўзини ўрганувчи фанлар ва унинг қолган дунё билан ўзаро алоқаларини ўрганувчи фанлар.

Биринчи гуруҳга сиёсий фалсафа (сиёсатнинг табиати ва унинг умумий қонунларини ўрганиш кўламида), сиёсий институтлар тўғрисидаги таълимот, халқаро сиёсат назарияси, сиёсий тарих; иккинчисига сиёсий социология, сиёсий психология, сиёсий география ва ҳ.к.лар киради. Бу фанлардан энг муҳимларининг мазмуни билан танишиб чиқамиз.

Сиёсий фалсафа — сиёсатни яхлит ҳолда, унинг табиатини, инсон учун аҳамиятини, шахс, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи ва сиёсий тузилишнинг идеаллари ва меъёрий тамойилларини, шунингдек, сиёсатни баҳолашнинг умумий мезонларини ишлаб чиқувчи фан тармоғи. У нима учун у ёки бу сиёсий ҳодисалар мавжудлигини тушунтиришга ва улар қандай бўлиши керак, деган саволларга жавоб беришга интилади.

---

[5] Қаранг: Innenpolitik und politische Theorie. 479-481 — бетлар.

[6] Қаранг: Noack P. Was ist Politik?: Eine Einfuhrung in ihre Wissenschaft. Munchen? 1987. 26-бет.

Сиёсий фалсафа предметини уч тоифага бўлиш мумкин: биринчидан, бу сиёсий қадриятлар ва амалий сиёсатни ахлоқ, катта ижтимоий гуруҳлар ёки бутун инсоният нуқтаи назаридан баҳолаш мезонлари. Тадқиқотларнинг бу соҳасида меъёрий назариялар яратилади, сиёсий институтлар ва жараёнларга ахлоқий баҳолар берилади, идеаллар ва мақсадлар, шунингдек, уларга эришишнинг энг муҳим йўллари ишлаб чиқилади.

Иккинчидан, сиёсатнинг энг чуқур асослари сиёсий фалсафа предметини ташкил қилади. Шахсан кузатилган фактларга ва амалиётда текширилиши мумкин бўлган гипотезаларга таянувчи эмпирик фанлардан фарқ қилиб, сиёсий-фалсафий фанлар назарий-рационал тадқиқотлар, улкан тарихий тажрибани умумлаштириш ва мантиқий мулоҳазаларга асосланади, аммо конкрет фактлар таҳлилини ҳам истисно қилмайди.

Учинчидан, бу фан сиёсатни билиш усуллари ва воситаларини таҳлил қилади, сиёсий категориялар моҳиятини аниқлайди. Масалан, ҳокимият, эркинлик, тенглик, адолат, давлат, инсон ҳуқуқлари, сиёсий хулқ-атвор ва ҳ.к. Охир оқибатда, шу категорияларсиз эмпирик тадқиқотларни ҳам ўтказиш мумкин эмас.

Шу тариқа, сиёсий фалсафа сиёсий тадқиқотларнинг умумий методологик асоси бўлиб хизмат қилади, турли концепциялар моҳиятини белгилайди, инсон, жамият ва ҳокимиятнинг ўзаро алоқаларидаги умумий тамойиллар ва қонунларни, сиёсатда рационаллик ва норационаллик нисбатини, унинг ахлоқий мезонлари ва туртки берувчи асосларини аниқлайди, давлат ҳокимияти чегаралари ва тамойилларини белгилаб беради ва ҳ. к. Сиёсатшунослик тарихан фалсафа шаклида мавжуд бўлган. Фалсафий билимлар инсон дунёқараши ва жамият сиёсий маданиятининг асосини ташкил этади.

Сиёсий институтлар тўғрисидаги таълимот аввало, жамиятнинг сиёсий тузилиши давлат ва ҳуқуқ, сиёсий партиялар ва бошқа институтлар назарияларида мавжуд. Бу таълимот доирасида кўплаб нисбатан мустақил фанлар мавжуд. Масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси давлатнинг умумий назариясидан ташқари бир қанча ҳуқуқий фанларни ўз ичига олади. Сиёсий институтлар доимо сиёсий тадқиқотларнинг марказида турган ва бугун ҳам муҳимлигини йўқотгани йўқ.

Халқаро сиёсат назарияси — халқаро ташкилотлар ва иттифоқлар (БМТ, НАТО, МДҲ, ОБСЕ ва ҳ.к.) давлатларнинг партиялар ва ижтимоий ҳаракатларнинг ташқи сиёсий фаолияти, халқаро муносабатларни ўрганувчи сиёсий тадқиқотлар соҳаси. У, шунингдек, уруш ва тинчлик, халқаро ихтилофларнинг олдини

олиш ва ҳал қилиш, янги дунё тартибини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Сиёсий тарих — сиёсий назариялар, қарашлар, институтлар ва ҳодисаларни уларнинг хронологик кетма-кетлигида ва бир-бирлари билан боғлиқликда ўрганади. Маълум маънода, инсониятнинг бутун тарихи — ўтмишдаги сиёсатдир. Тарихни билмай туриб, келажакни тушуниш ва олдиндан башорат қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳар қандай кўзга кўринган сиёсий тадқиқотлар у ёки бу тарзда сиёсий тарихга мурожаат этишни тақозо этади.

Ёндош сиёсатшунослик фанлари

Бу гуруҳга сиёсатшунослик ва бошқа фанлар орасида оралиқ мавқени эгаллаган фанлар киради. Улардан энг муҳими — **сиёсий социология.** У сиёсат ва жамият, ижтимоий тузум ва сиёсий институтлар, жараёнлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик тўғрисидаги фан. У жамиятнинг сиёсий бўлмаган қисмини ва бутун ижтимоий тизимнинг сиёсатга таъсирини, шунингдек, сиёсатнинг атроф-муҳитга қайта таъсирини ўрганади. Бу фан сиёсатшунослик ва социология ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди ва ҳар иккаласининг ичига киради. Бошқа фанлардан у, аввало, ўз предметини ўрганишда социологик ёндашув мавжудлиги билан ажралиб туради.

Сиёсий социологияда ***макросоциологик ёндашувдан*** ҳокимиятнинг ижтимоий асосларини аниқлаш, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ихтилофларнинг сиёсий жараёнларга таъсирини ўрганиш ва ҳ.к. ҳамда ***микросоциологик усулдан*** муайян сиёсий институтларни ижтимоий ташкилот сифатида ўрганиш, уларнинг расмий ва норасмий таркибини, бошқарув усулларини таҳлил қилиш учун фойдаланилади.

Сиёсий психология — сиёсий хулқ-атворнинг субъектив механизмларини сиёсатга онг ва ботиний онг, инсон ҳиссиётлари ва иродаси, унинг эътиқоди, қадриятли интилишлари, қоидаларининг таъсирини ўрганади. Бу фан инсон хулқ-атворига инсон ва муҳит ўзаро таъсир жараёни ва натижаси сифатида қарайди. Бунда шахс фаолияти ташқи таъсир табиати билан ҳам, уларнинг субъект томонидан қабул қилиниши ва англаниши билан ҳам белгиланади. Айнан субъект психологик таҳлилнинг бевосита предметини ташкил этади.

Сиёсий антропология — сиёсатни инсондаги туб хусусиятлардан келтириб чиқаради: биологик, интеллектуал, социал, маданий, диний ва ҳ. к. Шунингдек, сиёсий тузумнинг шахсга таъсирини ўрганади. Бу фан сиёсат элементларини примитив, этник, қабила-уруғчилик тузумида ўрганишга катта аҳамият беради.

Сиёсий география — сиёсий жараёнларнинг ҳудудий жойлашиши, иқтисодий-географик, табиий иқлим шароитлари ва бошқа табиий омиллар билан боғлиқлигини ўрганади (масалан, океанга яқинлиги, кучли давлатлар билан қўшнилиги ва ҳ.к.).

Сиёсий астрология — фазо, юлдузларнинг жойлашиши, қуёш фаоллиги, ой фазалари ва ҳ.к. ларнинг сиёсий ҳодисалар ва хулқ-атворга таъсирини ўрганади. Гарчанд бу фаннинг кўп хулосалари тахминий ёки, ҳатто, шубҳали бўлса-да, унинг айрим қайдлари амалий сиёсатда, айниқса, инқироз даврида қўлланилади. Масалан, қуёш фаоллигининг оммавий хулқ-атвор, сиёсий фаолликка таъсири тўғрисидаги хулосалар.

Амалда сиёсий тадқиқотлар бир сиёсий фан чегараларига сиғмайди ва бир неча фанларни қамраб олади. Масалан, сиёсий партия ҳақида чуқур, ҳар томонлама билимлар олмоқчи бўлсак, партия ва электоратнинг ижтимоий ва демографик таркибини (сиёсий социология предмети), унинг расмий ташкилий тузилишини, амал қиладиган меъёрларини (сиёсий институтлар назариясини), сиёсий етакчилар ва аъзолар психологиясини (сиёсий психология), вужудга келиш тарихи ва партия анъаналарини (сиёсий тарих) ва бошқа бир қатор жиҳатларини ўрганиб чиқишимиз зарур бўлади.

Сиёсий фанлар бир-бири билан предметидан ташқари парадигмалари, айниқса, тадқиқот усуллари билан фарқ қилади.

§ 3. Сиёсатшуносликнинг усуллари

Сиёсий фикр парадигмалари

Сиёсатни таҳлил қилиш ва тушунтиришга ўзига хос ёндашувларни умумлаштириб тавсифлаш учун кўпинча парадигма тушунчаси қўлланади. Парадигма — ўзига хос мантиқий, хаёлий модел бўлиб, воқеликни идрок этиш ва талқин қилиш усулларини белгилайди.

Сиёсий фикр тарихида турли хил парадигмалар қўлланган. Буларга, аввало, теологик (диний), натуралистик, ижтимоий, рационал-танқидий парадигмалар киради.

Теологик парадигма давлат ҳокимиятини илоҳий, деб билади ва унинг манбаини илоҳий ирода ва диний ҳужжатлар (муқаддас китоблар, ҳадислар ва ҳ.к.) да кўради. **Натуралистик парадигма** инсонни табиатнинг бир қисми сифатида олиб қарайди ва сиёсатни табиий муҳит орқали тушунтиради: географик омиллар, биологик тузилиш, туғма руҳий хусусиятлар ва ҳ.к. **Ижтимоий парадигма** моҳиятига кўра ижтимоий ёндашувга мос келади ва сиёсатни унга жамиятнинг бошқа соҳалари таъсири орқали тушунтиради: иқтисод, ижтимоий қатламлашув, ҳуқуқ, маданият ва бошқалар. **Рационал-танқидий парадигма** сиёсатнинг ички табиатини, унинг энг муҳим таркибий қисмларини уларнинг ўзаро алоқаларида очишга, сиёсий ҳаёт ривожланиши асосида ётган ихтилофларни аниқлашга йўналтиради ва ҳ. к.

Парадигма тушунчаси сиёсий фикрнинг дунё ҳақидаги билимлари ёки бу тарихий даврларда ҳукмрон бўлган дунёнинг умумий фалсафий кўринишлари билан алоқаларини акс эттиради. М. Вебер ёзганидек: «одамларнинг хулқ-атворига бевосита манфаатлар, ғоялар ҳукмронлик қилмайди, балки шу моддий ва идеал «ғоялар» яратган «дунё тасвири» ҳукмрондир. Улар маёқлар сингари, кўпинча манфаатлар динамикаси (инсон) фаолиятини илгари сурган ҳаракат йўналишини белгилаб берган»[7].

Дунёнинг турли тасвирлари парадигмаларга синчиб инсоният тарихи давомида сиёсий фикр ривожланишининг умумий ўлчовлари ва чегараларини белгилаб берган. Аммо сиёсатшунослик усулларидан фарқли ўлароқ ҳамма парадигмалар ҳам илмий эмас, улардан баъзилари сиёсий ҳодисаларни нотўғри таҳлил қиладилар.

Сиёсатшуносликнинг умумий усуллари

Сиёсатшуносликда қўлланувчи хилма-хил усуллар унинг предметини чуқурроқ ва ҳар томонлама билиш имконини беради. Хўш, сиёсатшунослик қандай усуллардан фойдаланади?

Сиёсатшунослик доирасида мавжуд ҳар қандай усуллардан фойдаланиш мумкин. Аммо амалда уларнинг ҳаммаси ҳам сиёсатшунослик учун бир хил аҳамиятга эга эмас. Энг кўп қўлланадиган ва энг аҳамиятли усулларни **уч гуруҳга** ажратиш мумкин: биринчиси — сиёсатни тадқиқ этишнинг умумий усуллари (уларни кўпинча умумий ёндашув, деб аталади). Улар ўрганилаётган объектга бевосита қаратилган бўлиши билан ажралиб туради ёки унинг ўзига хос талқинини беради (масалан, тизимли ва фаолиятли ёндашув) ёки уни ўзгача ёндашув зарурлигига ишонтиради (қиёсий ва тарихий усуллар). Бу гуруҳдаги энг муҳим ёндашувлар қайси ва уларнинг моҳияти қандай?

Социологик ёндашув сиёсатнинг жамиятга боғлиқлиги, сиёсий ҳодисаларнинг ижтимоий белгиланганлиги, шу жумладан, сиёсий тизимга иқтисодий муносабатлар, ижтимоий қатламлашув, маҳкура ва маданият таъсиридан келиб чиқади. Ўзининг кескин шаклларида социологик ёндашув марксизмда — сиёсатни иқтисодий базис устқурмаси, синф, миллатлар ва давлатлар ўртасидаги муносабатлар (В. И. Ленин) тарзидаги қарашларда намоён бўлган.

---

[7] *Вебер М.* Избранные произведения. М., 1990. 750-бет.

Бу усул А. Бентлининг манфаатли гуруҳлар назариясида ёрқин намоён бўлган. У сиёсатга турли ижтимоий гуруҳларнинг ўз манфаатларидан келиб чиқувчи рақобати сифатида қарайди.

Социологик усул ҳақли равишда социологияда марказий ўринлардан бирини эгаллайди, кўп жиҳатдан сиёсий социологиянинг ўзига хослигини белгилайди. Унинг кўринишларидан бири — **маданий ёндашув** — сиёсатнинг маданиятга боғлиқлигини аниқлаб беришга қаратилган. Қадим даврлардан бери, анъанавий равишда сиёсий фикр **меъёрий** ёки **меъёрий-қадриятли** ёндашувга асосланиб келган. Бу ёндашув бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. У сиёсий ҳодисаларнинг жамият ва шахс учун аҳамиятини аниқлаш, уларни умумий фаровонлик, адолат, эркинлик, инсон шаънини ҳурмат қилиш ва бошқа қадриятлар нуқтаи назаридан баҳолашни тақозо этади. Бу ёндашув сиёсий тартиб идеалини ва уни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқишга йўналтиради. У мантиқ ва истаклардан, ахлоқий қадриятлар ва меъёрлардан келиб чиқишни ва сиёсий хулқ-атвор ва институтларнинг уларга мувофиқ қурилишини талаб этади.

Меъёрий ёндашув сиёсий борлиқни идеаллаштиргани туфайли амалиётдан узоқ дея танқид қилинади. Унинг асосида қурилган лойиҳаларнинг хаёлийлиги, заифлиги — қадриятли хулосаларнинг релятивлиги, нисбийлиги, уларнинг инсонлар дунёқараши, ижтимоий аҳволи ва индивидуал хусусиятларига боғлиқлигидадир. Аммо бир қадар чекланганлигига қарамай, бу ёндашув сиёсатшунослик учун зарур, негаки у сиёсатга ахлоқий, инсоний ўлчовларни олиб келади.

Меъёрий ёндашувлардан фарқли тарзда, **функционал ёндашув** сиёсий ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликларни тажриба асосида текширишни талаб этади. Масалан, иқтисодий ривожланиш даражаси билан сиёсий тузум ўртасидаги, аҳолининг урбанизация даражаси ва сиёсий фаоллик, сайлов тизими ва партиялар сони ва ҳ.к.лар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Бу усул сиёсатнинг ахлоқий баҳоларидан узоқлашиб, фақат фактлар ва тажрибага суянишни тақозо этади. Сиёсатшуносликда бу усулни биринчилардан бўлиб, Н. Макиавелли қўллаган. У сиёсатни ўрганишда диний ақидалар ва ахлоқий қадриятлардан воз кечишни, реал ҳаётни унинг бутун мураккаблигида таҳлил қилиш зарурлигини эълон қилган. Функционализмнинг ўзига хос ривожи ва бойитилишини **бихевиористик ёндашувда** кузатамиз. У кейинги параграфда махсус кўриб чиқилади.

Функционалистик, позитивистик усуллар қаторига **тузилмавий-функционал ёндашув** киради. У сиёсатга мураккаб тузилишга эга, ҳар бир таркибий қисми тизимнинг тегишли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган муайян вазифа ва ўзига хос функциялар (роллар) бажарувчи бир бутун тизим сифатида қарайди. Тизимнинг таркибий қисмлари фаолияти унинг структурасида, (одамлар, институтлар) бевосита эгаллаган ўринлари ва бажараётган ролларида (президент, вазир, фуқаро ва ҳ.к.) белгилаб қўйилганлигидан келиб чиқади. Тузилмавий-функционал усулдан К. Маркс, Т. Парсонс ва бошқа кўпгина таниқли социологлар ва сиёсатшунослар кенг фойдаланганлар. У тизимли таҳлилнинг тамойилларидан бири бўлиб майдонга чиқади.

Сиёсатга нисбатан **тизимли ёндашув** биринчи бор ХХ аср 50-60-йилларида таниқли америкалик олим Т. Парсонс ва асосан, Д. Истон томонидан муфассал равишда ишлаб чиқилган. Усулнинг моҳияти- сиёсатни яхлит, мураккаб, ўз-ўзини бошқарувчи механизм сифатида атроф-муҳит билан тизимнинг «кириш»(фуқароларнинг талабларини, мададлари ёки норозиликларини қабул қилувчи) ва «чиқиш»лари (қабул қилинган сиёсий қарорлар ва ҳаракатлар) орқали узлуксиз ўзаро таъсирида бўлишдан иборат. Сиёсий тизим жамиятдаги олий ҳокимият эгасидир. У ўзини сақлаб қолишга интилади ва Д. Истонга кўра икки муҳим функцияни бажаради: 1)қадриятлар ва манбаларни тақсимлаш; 2)фуқаролар томонидан тақсимлашга оид қарорларнинг мажбурий деб қабул қилинишини таъминлаш. (Сиёсатшуносликда тизимли усулнинг қўлланиши тўғрисида 10-бобда кенгроқ маълумотлар берилган). Нисбатан қисқа вақт ичида сиёсатга тизимли ёндашув ўзининг самарадорлигини кўрсатди ва хилма-хил сиёсий тизим назарияларида акс этди.

Сиёсатшуносликда меъёрий ёндашув **институционал ёндашув** билан биргаликда мавжуд бўлиб келди. У давлат, партиялар, бошқа ташкилотлар ва уюшмалар, ҳуқуқ, ҳукумат дастурлари ва сиёсий фаолиятни амалга ошириш имконини берувчи бошқа сиёсий институтларни ўрганади.

Антропологик ёндашув ҳам қадим тарихга эга. Уни ўз вақтида Арасту сиёсат ибтидосини инсоннинг жамоавий моҳиятидан излаганидаёқ учратамиз. Бу ёндашув сиёсатни ижтимоий омиллар эмас, инсон табиати, ҳар бир индивидга хос бўлган эҳтиёжлар (овқат, кийим, уй-жой, хавфсизлик, эркинлик, мулоқот, маънавий ўсиш ва ҳ.к.) белгилашидан келиб чиқади. Бугунги кунда у, аввало, қуйидаги тамойиллардан келиб чиқади: 1) инсоннинг биологик, ижтимоий ва онгли (маънавий) мавжудот сифатида туб сифатларининг доимийлиги, инвариантлиги, эркинликка туғма эгалиги; 2) инсоннинг ҳар томонламалиги, инсон зотининг

ягоналиги ва этник, ирқий, ижтимоий, географик ва бошқа фарқларга қарамай барча одамларнинг тенглиги: 3) табиий, асосий инсон ҳуқуқларининг ажралмаслиги, уларнинг давлат тузилиши, қонунлари ва фаолиятига нисбатан устуворлиги.

Антропологик ёндашув ижтимоий муҳит ёки онгли, рационал турткиларни ўрганиш билан чекланмай инсон табиатидан келиб чиқувчи ва ибтидоий жамиятларда ёрқин намоён бўлувчи сиёсий хулқ-атворнинг иррационал, интенсив, биологик ва бошқа турткиларини ҳам ўрганишни талаб этади.

Сиёсий тадқиқотларда инсондан келиб чиқиш талабларига кўра антропологик усулга ўхшаб кетувчи **психологик ёндашув** ҳам мавжуд. Аммо ундан фарқли ўлароқ у муайян тур вакили бўлган умуман инсонни эмас, муайян индивидни назарда тутади. Бу эса, албатта, унинг тур тарзидаги сифатларини, ижтимоий муҳитни ва индивидуал ривожланиш хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Психологик усул сиёсий хулқ-атворнинг субъектив механизмлари, индивидуал сифатлар, характер белгилари, шунингдек, психологик турткиларнинг типик механизмларини ўрганишга қаратилган. Бу ёндашув узоқ ўтмишда шаклланган. Конфуций ўз даврида Хитой ҳукмдорларига фуқаролар ишончи ва итоатини таъминлаш учун ўз фаолиятларида уларнинг психологиясини ҳисобга олишни тавсия этган. Ҳокимлик психологиясини ишлаб чиқишга сезиларли ҳиссани «Давлат» асарида Н. Макиавелли қўшган.

Замонавий психологик ёндашув кўп вариантли. Унда марказий ўринлардан бирини З. Фрейд ишлаб чиққан **руҳий таҳлил** эгаллайди. Руҳий таҳлил психологик тадқиқотлар марказига онгсиз руҳий жараёнлар ва турткиларни қўяди. У одамдаги кучли ва аффектив кечинмалар психикадан йўқолмаслиги, балки ботиний онгга ўтиши ва сиёсий хулқ-атворга кучли таъсир кўрсатишда давом этишидан келиб чиқади. Руҳий таҳлил асосида сиёсий хулқ-атворнинг ҳар хил турларини тушунтириш мумкин. Хусусан, авторитар шахсият эгаси бўлган кимса ҳокимиятга эгалик орқали шахсий номукаммаллик, турли комплекслар, ички зўриқишларни енгишга ҳаракат қилиши билан боғлиқ ҳаракатлар.

Психологик ёндашув мукаммалликка даъво қилмайди ва шу билан бирга сиёсатнинг энг муҳим қирраларидан бирини очишга хизмат қилади. Унинг ўзига хос ривожи тарзида **ижтимоий-психологик усул** майдонга чиқади. У индивидлар сиёсий хулқ-атворини уларнинг турли катталикдаги ижтимоий гуруҳларга кирганликларидан ҳамда бу гуруҳларнинг психологик тавсифларини таҳлил қилишдан излайди (кичик гуруҳлар, оломон, этнослар, синфлар) ва ҳ.к.

Сиёсатнинг ривожланиш тасвирини **фаолиятли ёндашув** очиб беради. У сиёсатни жонли фаолиятнинг ўзига хос кўриниши, қуйидаги узвий босқичларга эга даврий жараён тарзида ўрганишни таклиф этади: фаолият мақсадларини аниқлаш, қарорлар қабул қилиш; оммани уюштириш ва қарорларни бажаришга манбаларни сафарбар этиш; фаолиятни тартибга солиш; мақсадларни амалга ошириш ва назорат; олинган натижалар таҳлили ҳамда янги мақсад ва вазифаларни қўйиш.

Фаолиятли ёндашув сиёсий қарорлар назарияси учун методологик асос бўлиб хизмат қилади. Бу нуқтаи назардан кўриб чиқилган сиёсат — бутун жамият учун мажбурий қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни сифатида кўрилади. Сиёсатни жамиятни бошқаришнинг ўзига хос шакли сифатида талқин қилиш ҳам фаолиятли ёндашув билан боғлиқ.

Фаолиятли ёндашув усулини ривожлантириш ва конкретлаштиришнинг ўзига хос кўриниши — **танқидий диалектик усулдир.** У сиёсатни танқидий таҳлилга, унинг ички зиддиятларини, ихтилофларини ҳаракат манбаи, сиёсий ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарашга йўналтиради. Танқидий-диалектик усул сиёсатнинг марксистик таҳлилида, неомарксизмда (И. Хабермас, Т. Адорно ва б.), сўл-либерал ва социал-демократик фикрда, шунингдек бошқа бир қатор ғоявий-сиёсий оқимларда қўлланади.

Ушбу усул самарадорлигини жамиятни плюралистик асосда ташкил этилишининг барча тарафдорлари эътироф этадилар, негаки плюрализм хилма-хил ғоялар, қадриятли интилишлар, сиёсий, иқтисодий ва маданий институтлар, индивидлар ва гуруҳларнинг зиддиятлари, рақобатли курашига асосланади. Танқидий-диалектик усул социология ва сиёсатшуносликнинг муҳим тармоқларидан бири-конфликтологияда асосий усул ҳисобланади.

Замонавий сиёсатшуносликда **қиёсий (компоратив) ёндашув** кенг тарқалган. У антик даврдаёқ Афлотун, Арасту ва бошқа мутаффаккирлар томонидан қўлланган. Бу усул бир турдаги сиёсий ҳодисаларни, масалан, сиёсий тизимлар, партияларнинг бир хил сиёсий функцияларни амалга оширишининг, турли усулларнинг умумий белгилари ва ўзига хослигини аниқлаш, сиёсий тузилмаларнинг энг самарали шаклларини ёки вазифаларни ҳал қилишнинг маъқул йўлларини топиш мақсадида қиёсий ўрганишни назарда тутади.

Қиёсий усулни қўллаш тадқиқотчининг дунёқарашини кенгайтиради, бошқа мамлакатлар ва халқлар тажрибасини қўллаш имконини беради, ўзгалар хатоларидан хулосалар чиқариб, қайтадан «велосипед кашф этиш» заруратидан халос этади. Компаратив усулга киёсий билим ва тадқиқотларнинг махсус тармоғи - қиёсий сиёсатшунослик асосланади.

Сиёсатшуносликнинг анъанавий ва фундаментал усуллари қаторига **субстанционал** («субстанция» сўзидан -бирламчи асос, материя)ёки **онтологик ёндашув** киради. У сиёсатнинг ўзига хос сифатини белгиловчи, бирламчи асосни аниқлайди ва тадқиқ этади. Бундай бирламчи асос сифатида кўпинча, ҳокимият, ҳукмронлик ва тобелик муносабатларнинг хилма-хил намоён бўлиш шакллари ёки жамиятнинг «дўст»-«душман»ларга (К. Шмитт) бўлиниши киритилади. Сиёсатнинг кўплаб таърифлари ичида унинг ҳокимият ва ҳукмронлик орқали тавсифлаш тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади.

Сиёсатшунослик ва бошқа фанларда узоқ вақтлардан буён **тарихий ёндашув** қўлланиб келади. У тарихий ҳодисалар ва фактларни хронологик кашф этишни, уларни вақт нуқтаи назаридан тадқиқ этишни, ҳозирги кун, ўтмиш ва келажак боғлиқликларини аниқлашни талаб этади. Бу усул тарихий фанларда устунлик қилади. У яхши таниш бўлгани учун махсус изоҳларга ҳожат йўқ.

Умуммантиқий ва эмпирик усуллар

Биринчи гуруҳда санаб ўтилган ва бошқа айрим усулларнинг қўлланиши сиёсий воқеликка ҳар томонлама тавсиф бериш имконини яратади. Аммо сиёсатшунос-ликнинг билиш воситалари хазинаси сиёсатни тадқиқ этишнинг умумий усуллари билан чекланмайди. У ўз ичига сиёсий объектларнинг тадқиқига эмас, билиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнига бевосита тегишли бўлган **иккинчи гуруҳни** ҳам олади. Улар **умуммантиқий усуллар** деб ҳам аталади.

Ушбу билиш воситалари сиёсатнинг махсус қиёфасини бермаслигини ва умуман барча фанларга тегишлилигини ҳисобга олиб, уларни қисқача санаб ўтиш билан кифояланиш мумкин. Бу гуруҳдаги усулларга индукция ва дедукция, анализ ва синтез, тарихий ва мантиқий таҳлил уйғунлиги, моделлаштириш, хаёлий эксперимент, математик, кибернетик башорат ва шунга ўхшаш усуллар киради.

Сиёсатшуносликни билиш усулларининг **учинчи гуруҳини** эмпирик тадқиқот, сиёсий фактлар тўғрисида бирламчи ахборот олиш усуллари ташкил этади. У ҳам юқорида айтилганидек, сиёсатшунослик хусусиятларини тўғридан-тўғри акс эттирмайди ва унга конкрет социология, кибернетика ва бошқа бир қатор

фанлардан кириб келган. Бу усулларга қуйидагилар киради: статистикадан, биринчи навбатда, электорал статистикадан фойдаланиш; ҳужжатлар таҳлили; анкета сўрови; лаборатория тажрибалари; сиёсий қарорларни қабул қилишда, айниқса, самара берадиган иш ўйинлари; реал сиёсий ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган тадқиқотчи амалга оширувчи кузатиш ёки тажриба қилинаётган вазият шароитидаги одамларнинг хулқ-атворини кузатиш ва ҳ.к. Эмпирик услублар тадқиқий сиёсатшуносликда кенг қўлланади.

§ 4. Амалий сиёсатшунослик

Эмпирик таҳлил ривожланишида бихевиоризм роли

XX асрда сиёсатшунослик ривожига ҳамда унинг замонавий илмий қиёфага эга бўлишига энг кўп таъсирни бихевиоризм кўрсатди.

Сиёсатшуносликдаги ва, умуман, ижтимоий фанлардаги инқилобни у билан боғлашлари тасодиф эмас. Бу инқилоб аввалроқ позитивизм ва неопозитивизм таъсирида бошланган ва асримизнинг 50-йилларида бихевиоризм шаклланиши билан авж олган. Бихевиоризм ижтимоий фанлардаги услубгина эмас, бутун бир методологик йўналиш, академик ҳаракатни ташкил этади.

Бихевиоризм америка психологиясида XIX аср охирида вужудга келди ва кўпгина ижтимоий фанларга тезда ёйилиб, ўзига хослик касб этди. У инсоннинг дунёни билишдаги ягона усули — мантиқ қонунлари асосида туркумлаштириш мумкин бўлган, ўзи бевосита кузата оладиган тажрибага таянишга асосланган фаннинг бирлигидан келиб чиқади. Борлиқни англаш мавҳум фикрий тушунишни эмас, реал фактларни топиш ва таҳлил қилишни талаб этади. Бу фактларни акс эттирувчи илмий қайдлар ва хулосалар интерсубъектив бўлиши, яъни бошқа тадқиқотчилар муайян тадбирлар натижасида худди шундай натижаларга эришиб, уларни текшира оладиган бўлиши керак. Илмий назариялар, эмпирик фактларни умумлаштирувчи эҳтимоллардан келтириб чиқарилади.

Назария илмийлиги тамойилларидан энг муҳими — верификация (тажриба билан текшириш) ва эксплицитликдир. Кейингиси қўлланаётган категория ва концепцияларнинг аниқлигини, уларнинг операционал-лашуви, яъни эмпирик фактларга таянувчи верификацияланувчи қайдлардан иборатлигини англатади.

Бихевиоризм кредоси (қоидаси) — сиёсатшунослик қатъий илмий, эмпирик усуллар ёрдамида одамларнинг бевосита кузатиш мумкин бўлган (вербал, нутқий ва амалий, англанган ва ботиний онг туртки берувчи) сиёсий хулқ-атворини ўрганиши ке-

рак. Сиёсатшуносликда бу ёндашувнинг таянч асослари сифатида қуйидаги парадигмалар қаралади:

— сиёсатнинг инсоний ўлчови. Одамларнинг жамоа, гуруҳлар таркибидаги ҳаракатлари у ёки бу тарзда барибир сиёсий тадқиқотларнинг бош объекти бўлган муайян шахслар хатти-ҳаракатларидан иборат. Сиёсатшунос-олим очиқдан-очиқ кўриниб турган индивидуал ва гуруҳ хулқ-атвори феноменларининг аниқ таҳлилига асосланиши шарт;

— сиёсий хулқ-атворда психологик турткиларнинг устунлиги. Бу туртқилар, гарчанд ҳар доим ҳам ташқи белгиланмагандек кўринса-да ва ўзига хос индивидуал табиатга эга бўлсада, албатта ижтимоий шартланган бўлиши мумкин;

— фактлар ва қадриятларни ажратиш, фанни қадриятли мулоҳазалардан холи қилиш. Қадриятлар ва баҳолар тадқиқотнинг объекти бўла олади, аммо натижаси эмас. Улар илмий таҳлилнинг асоси бўлиб хизмат қилади, негаки унинг объекти ва тадқиқот мақсадини аниқлаб беради. Аммо билиш жараёнида олим шахсий ҳавас ва жамиятчилик эҳтиёжларидан озод бўлиши, ҳамда фақат фактлар ва мантиққа таяниши лозим. Унинг вазифаси қонуниятларни аниқлаш ва ҳодисаларни тушунтириш, лекин олим уларга баҳо бермаслиги ва нима қилиш тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқмаслиги лозим (бу ҳолат кескин танқид қилинади);

— сиёсатшуносликда бошқа фанларнинг шу жумладан, табиий фанларнинг усуллари ва муваффақиятларини қўллаш. Бу — тўғри, чунки одамларнинг турли вазиятлардаги ва фаолиятнинг турли соҳаларидаги хатти-ҳаракатлари моделлари ўхшаш, масалан, саноат корпорацияси хизматчиси ва амалдор хатти-ҳаракатлари;

— квантификация, сиёсий ҳодисаларни миқдорларда ифодалаш ва ўлчаш. Бу сиёсатшунослик олдида математик ва бошқа аниқ услубларни, статистик маълумотлар, анкета ва бошқа сўров натижалари, компьютер техникасини қўллашнинг кенг имкониятларини очади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бихевиористик ёндашув сиёсатшуносликни жиддий илмий фанга айлантириш учун чиқаётган йўналишнинг байроғига айланди. У конкрет социология услубларининг кузатиш, статистик маълумотлар ва ҳужжатларни ўрганиш, анкета сўровлари, лаборатория тажрибалари ва ҳ.к.лар — кенг қўлланишини рағбатлантирди. Буларнинг барчаси сиёсатшуносик тадқиқотларнинг янги даражаси — амалий сиёсатшуносликнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратди.

Амалий сиёсатшуносликнинг ўзига хос белгилари ва ижтимоий вазифаси

Замонавий сиёсатшуносликда тадқиқотларнинг икки асосий даражаси мавжуд: назарий ва амалий. Бундай бўлиниш бу фаннинг амалий сиёсий масалаларни ҳал қилишга интилишини акс эттиради.

Сиёсий концепциялар, одатда, у ёки бу амалий масалага йўналган бўлади. Ҳатто қадимги давр сиёсий қарашлари ҳам давлат бошқарувини такомиллаштириш, қонунсевар фуқароларни тарбиялаш, ҳокимлар обрўсини юксалтириш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Вақт ўтиши билан сиёсий тадқиқотларда борлиқдан анча узоқ, мавҳум, назарий тасаввурлар билан бир қаторда сиёсий ҳаётнинг амалий масалаларини ўрганиш ва ҳал қилишга бевосита қаратилган билимлар ажралиб чиқа бошлади. Улар амалий сиёсатшунослик соҳасини ташкил этди.

Сиёсат фанининг бу даражасига муаммоларни ўрганишнинг ўзига хос табиатини акс эттиради. Масалан, агар сиёсий назария сиёсатга унга хос бўлган қонуниятлар, зиддиятлар ва ҳ.к.лар билан бирга ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос соҳаси сифатида қараса, амалий сиёсатшуносликни у давлат институтлари, партиялар, ҳаракатлар, манфаат гуруҳлари ва бошқа субъектлар иродавий интилишларининг ҳақиқий кесишув нуқтаси сифатида қизиқтиради.

Бошқача қилиб айтганда, амалий сиёсатшуносликнинг бош предмети — бутун алоқалари ва муносабатлари бойлигида олинган муайян вазиятдир. Шунинг ҳисобига бу фан қизиқишлари соҳаси назарий сиёсатшуносликникига қараганда торроқ ва, аксарият ҳолларда, муайян давлатлар, партиялар, манфаат гуруҳлари ва фуқаролар фаолиятининг конкрет вақт доирасида кўриладиган турли жиҳатлари билан боғлиқ. Шунинг учун амалий сиёсатшуносликда сиёсатшуносликнинг ҳамма назарий хулосалари ва қоидалари ҳам қўлланавермайди. Масалан, ҳокимият, демократия моҳияти, сиёсий ривожланиш мезонлари ва ҳ.к. каби фалсафий масалалар, одатда, унинг предметига кирмайди.

Айни вақтда амалий изланишларда назарий маълумотларнинг мавҳумлик даражасини пасайтирувчи ва алоҳида сиёсий тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳукмрон ва мухолифатдаги элита сифатларини очиб берувчи қарорлар босқичларини тавсифловчи ва ҳ.к. хулосалар ва қоидаларни фаол қўллайдилар ва шу орқали кундалик сиёсий вазиятни яхшироқ тушунишга ёрдам берадилар. Сиёсий ҳодиса ва вазиятларда турли хил олимларнинг таъсирлари намоён бўлгани учун амалий тадқиқотлар соҳасида сиёсатшуносик билимнинг реал ҳодисалар-

га психологик, иқтисодий, маданий, диний, географик ва бошқа белгиловчи таъсирларни акс эттирувчи фанлар чегарасида амал қилиш табиати анча ёрқинроқ намоён бўлади.

Амалий сиёсий тадқиқотларнинг умуман сиёсий тадқиқотлардан муҳим фарқи яна шундаки, уларнинг натижалари бир турдаги сиёсий ҳодисаларни тавсифлаш учун қўлланадиган мавҳум умумий қайдлар эмас, сиёсий жараён иштирокчилари учун амалий маслаҳатлар, ҳаракатнинг муайян усуллари устунлигининг исботи, сиёсий ҳодисалар ҳолати ва табиати кўламлари ва таснифига доир муҳим маълумот, ҳаётнинг аниқ соҳаларида вазият ривожланишининг қисқа муддатли башоратларидан иборат.

Ўз табиатига кўра тавсия тарзида бериладиган хулосалар ва умумлашмалар, одатда, бошқарув соҳасида ҳокимлик ваколатларига эга ва реал сиёсатни белгиловчи шахсларга қаратилган бўлади.

Амалий сиёсатшунослик хулосалари, шунингдек, сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш (ёки йўқотиш, ҳамда у ёки бу сиёсий жараёнларга керакли йўналиш бериш мақсадида ижтимоий зарур типик тасаввурларни мустаҳкамлаш (ёки емиришга ҳам) қаратилган бўлади. Масалан, бир қатор ғарб мамалакатларида социологик сўров натижаларининг бевосита сайловлардан аввал эълон қилиниши, иккиланаётган фуқароларни муайян партия ёки номзод фойдасига оғдиришга хизмат қилади. Амалий сиёсатшунослик тавсиялари, одатда, қонунга мувофиқ келади, лекин баъзан уларни бузиши ҳам мумкин.

Амалий сиёсатшунослик субъектлари, уни ишлаб чиқувчилар назариётчилар эмас, аналитиклар, экспертлар, сиёсий арбобларнинг маслаҳатчилари, партия ходимлари, пиармен (сиёсий реклама, жамоатчилик билан муносабатни йўлга қўйиш бўйича мутахассис)лар ва етакчи ёки бошқарув органлари сиёсий йўлини ишлаб чиқишга, ҳокимиятга доир қарорларни қабул қилишга алоқадор бошқа шахслардир.

Кўп мамлакатларда у ёки бу сиёсий қарорларни қабул қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқувчи, давлат бошқаруви бўғимлари, партиялар, босим гуруҳлари ва ҳ.к.лар учун тегишли ҳужжатлар, маълумотлар тайёрловчи махсус аналитик марказлар мавжуд. Ҳозирги дунёда бу каби масалаларни халқаро муносабатлар даражасида ҳал қилувчи ташкилотлар ҳам мавжуд.

Амалий сиёсатшуносликнинг амалдаги тажрибадан ўтган хулосалари тегишли назарий умумлашмалар, назарий сиёсатшунослик қоидаларини баён этиш учун асос бўлади. Масалан, замонавий шароитда ядро ихтилофлари оқибатларини моделлаштириш — бир қатор сиёсий мақсадлар, хусусан, геополитик

мақсадларга эришиш учун ҳарбий куч ишлатиш мумкин эмаслиги ҳақидаги тезисни асослашда муҳим рол ўйнади.

Шу тариқа, амалий сиёсатшунослик сиёсий фаннинг таркибий қисми ва айни вақтда, унинг амалий масалаларни ҳал қилишга бевосита қаратилган ўзига хос даражаси ҳамдир. Унинг асосий вазифаси конкрет тавсиялар ва қисқа муддатли башоратларни муайян сиёсий субъектлар учун улар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида баён этишдан иборат.

Амалий сиёсатшунослик усуллари

Сиёсий муаммоларни ўрганиш учун зарур маълумотлар заҳираси ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиш сиёсатшуносликда тадқиқотларнинг муайян усулларини қўллаш асосида шаклланади. Сиёсий фаннинг таркибий қисми сифатида амалий сиёсатшунослик ҳам назарий тадқиқотларнинг умумилмий ёндашувлари ва таҳлил тамойилларига суянади. Аммо унда хусусий, алоҳида олинган ҳодисаларни ўрганишга асосланувчи индуктив усуллар ҳукмронлик қилувчи микросиёсий таҳлил воситалари устунлик қилади.

Бундай усулларга, аввало, ҳодисаларни **кузатиш** киради. У фактларни «очиқдан-очиқ» қайд этиш тарзида (конкрет ҳодисаларни ва у ёки бу қарорларнинг узоқ муддатли оқибатларини кузатиш ҳам, «ичига кириб кузатиш» тарзида ҳам (тадқиқотчи аниқ бир вақт ичида ўрганилаётган гуруҳнинг — масалан, партия раҳбарияти таркибида бўлади, ёки аниқ бир вазиятга «тушади» — масалан, музокаралар ўтказиш муҳитига) ўтиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда олинаётган ахборотлар тўғри, холис бўлиши керак. Амалда бунга ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди, чунки нафақат сиёсатда, балки фанда ҳам ўз манфаатлари, майллари ва антипатияларига эга тирик одамлар фаолият кўрсатади.

Амалий сиёсатшуносликнинг муҳим усули — **контент-таҳлилдир**. У муайян ҳужжатларни (конституциялар, ҳуқуқий актлар, кодекслар, дастурлар, кўрсатмалар) ёки бошқа ахборот манбаларини (китоб, расмлар, кинофильмлар, шиорлар ва ҳ.к.) мақсадли ўрганишни назарда тутади. Бу усул компьютер технологияларидан кенг фойдаланишга таянади. У бош сўзларни индексация қилиш натижасида уларни неча маротаба қўлланганлигини санаб чиқиш, катта ҳажмдаги матнлардан ахборот танлаб олиш имконини беради.

Амалий сиёсатшуносликда сиёсий ҳодисаларнинг тўғридан-тўғри ёки бевосита иштирокчилари, шунингдек, вазиятга мутахассис сифатида баҳо бера оладиган экспертлар ўртасида сўров ўтказиш усули кенг қўлланади. Ахборотни аниқлаш, умумлаштириш ва

туркумлаш алоҳида фуқаролардан интервью олиш ёки оммавий анкета ва бошқа тур сўровлари ўтказиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда математик усуллардан кенг фойдаланиш имконияти маълумотлар тўғрилигини ва, демак, сиёсий башоратлар ва тавсияларнинг илмий асосланганлигини оширади.

Ўйин усуллари вазиятни аввалдан шакллантириш, ихтилоф, жараён ривожланишининг у ёки бу вариантини ўхшатиш, ва ҳ.к. ларни назарда тутади. Бу — бошқарув тузилмалари фаолиятининг турли моделларини ишлаб чиқиш, ҳодиса иштирокчилари, ролларини тақсимлаш, улар хулқ-атвори ва ўзаро муносабатлари табиатини аниқлаш имконини беради. Шу каби усуллар вазият ўзгариши вариантларини олдиндан кўра билиш, ходимларини кутилмаган вазиятларда қарорлар қабул қилишга тайёрлаш, тегишли жараёнларда энг муҳим бўғинларни ва зиддиятларни топиш учун шароит яратади.

Амалий сиёсатшуносликда тадқиқотнинг бирмунча хусусий усуллари ҳам қўлланади. Масалан, кўплаб эмпирик маълумотлардан асосий, белгиловчиларини ажратиб олувчи **фактор-таҳлил**; етакчиларнинг (ёки бошқа шахсларнинг) ихтилофли вазиятларга типик муносабати, уларнинг барқарор шароитлардаги фаолияти намуналари, биографик маълумотлар ва уларнинг кейинги ҳаракатларини башорат қилишга имкон берадиган бошқа ахборотлар қайд этиладиган **когнитив карталар** — матрицаларни қўллаш; сиёсий объектларнинг ўзига хос белгиларини аниқлаш учун қиёсий таҳлилдан фойдаланувчи **конфигуратив тадқиқотлар; биографик** таҳлил ва бошқалар.

Амалий сиёсатшунослик соҳасидаги қиёсий тадқиқотларнинг натижалари сиёсий воқеликни таҳлил қилишнинг муайян моделларини ишлаб чиқишга туртки беради. Бундай моделлар сиёсий жараёнларнинг ҳар томонлама тавсифларга эга бўлиш, улар ривожланишининг муқаррар босқичларини ҳисобга олиш, энг хавфли жойларни ва ихтилофли ўринларини ўз вақтида пайқашга имкон беради. Масалан, халқаро инқироз шароитида ҳукумат ҳаракатлари ёки сайловолди кампаниясини ташкил этиш бўйича тадбирлар жамланмаси каби.

Амалий сиёсатшунослик қўлланишининг асосий соҳалари

Амалий сиёсатшунослик тадқиқот-лари, одатда, давлат сиёсати учун барқарор амалий аҳамиятга эга бўлган воқелик билан боғлиқ бўлади. Бу фаннинг имкониятлари ҳукуматнинг соғлиқни сақлаш, ижтимоий, миллий ва мудофаа сиёсатида ва ҳ. к. лардаги фаолияти учун дастурлар тузишда қўлланади. Амалий тадқиқотлар кундалик ва истиқбол режаларини аниқлаштириб беради, турли давлат органлари ўртасида ваколатлар тақсимланишини тартибга солади, сиёсий вазият сифат ўзгартиришларини башорат қилади.

Уларни қўллашнинг муҳим соҳаси — ижтимоий ихтилофлар олдини олиш ёки ҳал этиш йўлларини белгилаш ва жамият учун зарур бўлган консенсусга эришиш. Бундай тадқиқотлар инқирозларни ҳал қилиш технологияларини ишлаб чиқиш ва томонлар ўртасида келишувни таъминлаш, ихтилофли вазиятларни бошқариш имконини беради.

Кўриладиган масалаларига кўра ихтилофни бошқариш билан музокаралар олиб бориш муаммолари яқин. Музокаралар жараёни амалий сиёсатшунослик тадқиқотларни қўллаш соҳаси сифатида «савдо технологияларини» ишлаб чиқишни талаб этади. У эса ўз навбатида томонлар ўзаро алоқаларининг усулларини аниқлашни тақозо этади. Бунда ишлаб чиқилаётган моделлар доирасида фаолият кўрсатаётган шахслар учун уларнинг аутсайдерлар ёки, аксинча, кучлироқ мухолиф билан муомала услубига нисбатан тавсиялар ишлаб чиқилади, қарши томон билан бир-бирини кўпроқ тушуниш унинг тутган йўлини юмшатиш имконини берувчи йўллар аниқланади, музокара иштирокчиларига ахборот етказиш қоидалари белгиланади, ва ҳ.к.

Амалий сиёсатшуносликда энг кўп қўлланадиган ва энг кўп ўрганилган соҳа-сайлов кампанияларини ўтказишдир. Бу фан сайлов кампанияларини молиялаштириш, сайловолди кураши учун энг муҳим мавзуларни танлаш, ташвиқот-тарғибот кампаниясини бошлаш вақтини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Амалий тадқиқотларни қўллашнинг яна бир ўзига хос соҳаси — сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. Бунда амалий сиёсатшунослик ижтимоий муаммолар ичидан энг муҳимларини ажратиб олиш мезонларини ишлаб чиқади, зарур ахборот билан таъминлайди, муқобил қарорлар қабул қилиш, рақиблар фаолиятини зарарсизлантириш вариантларини баён этади ва ҳ. к.

Функционал-амалий ва назарий сиёсатшунослик бир бутунликни ташкил этиб, бир-бирини тўлдириб келади. Сиёсий фандаги бу икки тармоқнинг ривожланганлиги — сиёсатнинг замонавийлиги ва самарадорлиги, ҳамда инсонпарварлигининг муҳим шартидир.

II БЎЛИМ

СИЁСАТНИНГ ИНСОНИЙ ЎЛЧОВЛАРИ

3-БОБ

СИЁСАТНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ

Сиёсатни ўрганиш фақатгина мавҳум билиш вазифаси — шу соҳа ҳақида адекват билим олиш, сиёсий жараёнларнинг моҳиятини тушунишни таъминлаш, шахснинг интеллектуал дунёқарашини кенгайтиришгагина хизмат қилиб қолмайди. Ҳозирги демократик жамиятда у анча улканроқ, шахсиятлардан юқорироқ турадиган вазифа — сиёсатга гуманистик йўналиш бериш, ундан шахс, жамият ва бутун инсоният манфаатлари йўлида фойдаланиш вазифасига бўйсундирилган. Бунга қай даражада эришиш мумкин? Сиёсатни «инсонийлаштириш» нима?

§ 1. Инсонпарварликнинг сиёсий кўриниши

Гуманизм тушунчаси Сиёсатнинг ва бошқа ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг шахсга, жамиятга ва бутун инсониятга хизмат қилиши гуманизм тамойилида тўла намоён бўлади.

У инсонга олий қадрият сифатида муносабатда бўлишни, ҳар бир шахснинг шаънини, ҳаётга, эркин ривожланишга, ўз қобилиятларини намоён қилишга ва бахтга интилишга ҳуқуқини назарда тутади. Гуманизм инсоннинг барча асосий ҳуқуқларини эътироф этишни назарда тутиш билан бирга инсон манфаатларини ҳар қандай ижтимоий фаолиятга баҳо беришнинг олий мезони сифатида эътироф этади.

Бу универсал, бутун сайёрага оид тамойил. У одамларни миллий, синфий, диний, қариндош-уруғчилик ёки шунга ўхшаш бошқа тамойилга кўра бўлмайди ва инсон туринг ҳар қандай вакилига нисбатан бир-бирига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, шунингдек, ожиз ва фалокатлардан азият чекаётган одамлар, масалан, қочқинлар, оч-яланғочларга ёрдам кўрсатишни талаб қилади.

Сиёсатдаги инсонпарварлик унинг ташкилий шакллари, мақсад ва мазмуни, шунингдек, сиёсий фаолият воситаларида ифодаланади. Унда ҳозирги шароитларда сиёсатнинг энг инсонпарвар

шакли сифатида барча фуқароларнинг эркинлиги ва тенг ҳуқуқлилигини, ҳокимиятнинг аҳоли назорати остида бўлишини, инсон ҳуқуқлари ва шаънига ҳурматни эътироф қилишга асосланадиган демократик сиёсий тизим ҳисобланади (11-бобга қаранг).

Сиёсатнинг мақсадлари ва мазмунига нисбатан гуманизм унинг инсон манфаатларини рўёбга чиқаришга, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш ва фаровонлигини оширишга, мамлакатда ва бутун дунёда ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга йўналтирилганида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, шахснинг эркин ривожланиши ва эҳтиёжларини қондириш учун энг яхши шароитларни таъминлайдиган сиёсат энг инсонпарвар сиёсат ҳисобланади.

Воситаларни қўллашдаги гуманизм сиёсий курашларнинг шафқатсиз ва ваҳший шакллари бўлган урушлар, оммавий қирғин қуроллари: ядровий, кимёвий, бактериологик, экологик ва бошқаларни қўллаш, қийноқлар ва инсон шахсини емирадиган ва одам шаънини пастга урадиган, шунингдек, маънавий зўрлик — инсон онги ва хулқини алдоқчиликнинг махсус усуллари ёрдамида манипуляция қилишдан воз кечишда намоён бўлади. Бундан ташқари гуманизм сиёсий мақсад ва воситаларни И. Кант томонидан олға сурилган императив (талаб, ахлоқий қонун)га мос тарзда мувофиқлаштиришда — инсонни бошқа одамлар томонидан восита эмас, фақат мақсад деб қаралишида ҳам намоён бўлади.

Инсонпарварлик тамойили мамлакат учун ички ва ташқи — халқаро мазмунга эга. Халқаро майдонда у тинчлик ва уни мустаҳкамлаш, адолат ва инсонни ҳурматлашга асосланган халқаро муносабатлар ва жаҳон тартибини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Бу эса, жумладан, халқнинг давлат ва ижтимоий қурилишни эркин танлашда, мустақиллик ва ўз давлатини тузиш ҳуқуқида, давлатларнинг тенг ҳуқуқлилигида, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслигида, давлатлараро муносарали масалаларни ҳал қилишда куч ишлатишдан воз кечишда, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва бошқаларда кўринади. Давлатлар ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим гуманистик йўналишлари БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик жамияти (ОБСЕ) ва бошқа баъзи халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган қатор ҳужжатларда ўзининг ифодасини топди ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Ҳозирги шароитда гуманизм фақатгина одамларнинг ўзаро муносабатлари соҳасинигина эмас, балки одамнинг табиатга бўлган муносабатини ҳам қамраб олади. Табиат ҳар доим инсон

мавжудлигининг зарур шарти, инсонлар ўртасидаги муносабатларни, жумладан, турли авлодлар ўртасидаги муносабатларни боғлайдиган зарур омил бўлган. Бироқ бундан олдинги асрларда инсон фаолияти бу даражада вайронкор, глобал, умумсайёра кўламига эга бўлмаган. XX асрнинг иккинчи ярмида инсоният учун яқин келажакда экологик фожеа юз бериши реал таҳдидга айланди. Табиатга оқилона, эҳтиёткор муносабатга асосланган экологик сиёсат энг муҳим гуманистик, ахлоқий талаб мавқеига эга бўлди, чунки у тамаддуннинг бундан кейинги ривожланиши учунгина эмас, балки инсон зотининг мавжудлиги, тирик қолишининг ҳам зарур шартига айланди. Бугунги экологик сиёсатда ҳозирги кунда реал яшаётган одамлар ва келажак авлодлар ҳақидаги ғамхўрлик намоён бўлади.

Ҳозирги мураккаб тузилган, инсон ҳаётини яхшилаш ва айни пайтда, инсоният цивилизациясининг асосларини ҳам емириб ташлашга қодир бўлган илмий-техника тараққиёти туфайли кескинлашиб бораётган глобал муаммоларга эга бўлган зиддиятли жамиятда инсонпарварлик соҳаси кенгайиб бормоқда. Аввалари, асосан, фуқаролар жамиятида — одамларнинг ўзига хос хусусий муносабатлари соҳасига алоқадор бўлган олийжаноб ишдан инсонпарварлик давлат ва ҳатто умумжаҳон сиёсати мавқеига кўтарилди. Инсоният учун гуманистик сиёсатнинг муқобили йўқ, чунки акс ҳолда вазият сайёранинг глобал фожеаси, бутун инсониятнинг дегенерацияси ёки ҳатто йўқ бўлиб кетиши даражасигача етиб боради. Реал сиёсат инсонпарварлик талабларига қанчалик мойил ва умуман, сиёсат ва гуманизм уйғунлаштирилиши мумкинми?

Ахлоқ инсонпарварликнинг тимсоли сифатида

Инсонпарварлик ғоялари шаклида ифодаланадиган гуманизм энг қадимги даврлардан бошлаб жамият ва сиёсатга аввало, ахлоқ ва ҳуқуқ орқали реал таъсир ўтказиб келган. Гуманизм ғоялари ахлоқнинг умуминсоний мазмуни мағзини ташкил қилади. Ахлоқий онгда мужассамлашиб, ижобий ахлоқий баҳо олар экан, улар инсон фаолиятининг мўлжали ва бошқарувчи мурватларига айланади, улардан баъзилари эса кейинчалик ҳуқуқда юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилади. Ахлоқ ижтимоий ҳаётнинг алоҳида ўзига хос соҳаси бўлиб, онг ҳар қандай хатти-ҳаракатларни яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик ҳамда шунга ўхшаш мезонлар ва идеаллар асосида баҳоланадиган одамлар хулқ-атвори ва унинг меъёрларини қамраб олади.

Ахлоқ ижтимоий ҳодисаларни индивид эмас, балки жамоа ва биринчи навбатда инсоният нуқтаи назаридан баҳолашни тақозо қилади. Гарчи гуруҳ ахлоқи, масалан, табақа, синф, касб-ҳунар

ва бошқа ахлоқлар мавжуд бўлса ҳам, бироқ у одатда ё умуминсоний ахлоқий тамойиллар (масалан, врачларнинг ахлоқ кодекси) ёки жамиятнинг чуқур ижтимоий бўлиниши ифодаси (қуллар ахлоқи ва қулдорлар ахлоқи, плебс ва зодагонлар ахлоқи) ёки ахлоқнинг айниши, дегенерацияси («ўғрилар ахлоқи») ёки умуман инсон зотига мансублигини англаш даражасига кўтарилмаганлар ахлоқий ривожининг паст даражаси (одамхўр қабилалар «ахлоқи», бу ўринда ахлоқнинг асосида ётадиган урф-одат ва расм-русумлар ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади) ҳақида гувоҳлик беради.

Ахлоқ инсоннинг ҳаёт мазмунини, мавжудлик мақсадини қандай тушунишга асосланади. У алоҳида индивид учун утилитар аҳамиятга эга эмас. Унинг меъёр ва талабларини бажариш, уларга бевосита шахсий манфаат ёки фойда келтирмайди. Ахлоқий хулқ-атвор беғаразлик, юқори инсоний мотивация билан ажралиб туради.

Айни пайтда, ахлоқ бутун инсоният учун утилитар аҳамиятга эга. У инсон зотини сақлаб қолишнинг шарти, чунки инсониятнинг кўп асрли мулоқоти тажрибасини ўзида акс эттиради ҳамда жамият ва бутун инсоният учун бажарилиши зарур бўлган талабларни қайд этади. Ахлоқий онгда бу талаблар эътиқодларга айланади, эмоциялар ва ирода билан боғланади, шахс томонидан ўз хулқ-атворини, шунингдек, бошқа одамлар хатти-ҳаракатини баҳолашнинг ички мезонига айланади. Тарих тажрибаси кўрсатишича, ахлоқсизлик охир-оқибат фақат шахсни емириб ташламай, бутун жамиятнинг ҳам деградациясига сабаб бўлади.

Асосий ахлоқий қадриятлар мутлақдир. Улар бошқа бирор хил, юқорироқ иқтисодий, сиёсий ёки бошқа қадриятлардан келтириб чиқарилмайди. Уларнинг олий мавқеи инсоннинг ўз қадрияти, бутун инсоният қадри билан белгиланади.

Ахлоқ индивидуал онгнинг ривожидаги анча юқори даражани, инсоннинг ички дунёси билан боғлиқ ҳолда ўз хулқ-атвори ва ўзини ўзи назорат қилишини маънавий мотивацияга айлантиришга лаёқатини тавсифлайди. Ҳуқуқ ва сиёсатдан фарқли ўлароқ ахлоқ ўзини намоён қилиш учун иқтисодий тартибга солишда бўладиган каби моддий қадриятларга ёки жазолашнинг махсус аппаратига эҳтиёж сезмайди. Ахлоқсиз хулқ-атвор жамият ва атрофдагилар томонидан муайян санкциялар (қоралаш, остракизм ва ҳ. к.)ни инкор қилмаса ҳам умуман олганда ахлоқнинг таъсири шахснинг ўзини-ўзи назорат қилишида, унинг энг муҳим шакли бўлган виждон сингари ички, психологик мурватларга асосланади.

Виждон ахлоқий сиёсий хулқ-атворнинг олий ҳаками сифатида

Виждон бу — инсоннинг ўзи, бошқа одамлар, жамият, бутун инсоният ва Худо олдидаги масъулиятини эмоционал ҳис қилишидир. У — инсон руҳи ва индивиднинг реал хулқида гуманизмни таъминлайдиган ҳодиса.

У — шахснинг ҳар қандай вазиятда, айниқса, сиёсий ва ижтимоий назорат қийинлашган ёки мумкин бўлмаган шароитда ўзини-ўзи назорат қилишини таъминлайдиган ички ҳакам.

Виждон одамнинг бетакрор, энг чуқур интим асосини ташкил қилади. Индивид унга асосланиб, бутун дунёни, шу жумладан, ўз хулқ-атворини ҳам ўз номидан, ўзининг ички «мен»и мавқеидан баҳолайди. Шахснинг инсоний хулқ-атвори унинг виждонига мос тарзда шакллантирилади.

Виждон индивидни тўдадаги махлуқдан ёки юксак ақл соҳиби бўлган машина — роботдан Инсонга айлантиради. Диний мутафаккирлар уни инсон руҳидаги илоҳий учқун деб аташади, бу учқун ўз-ўзлари, одамлар ва Олий Ақл олдидаги масъулиятини англашга кўмаклашади. Кемтик ахлоқли, виждон азобларидан узоқ одам жамият ва бошқа одамлар учун хавфли бўлган мавжудотга айланади. Национал-социализмнинг инсониятга қарши сиёсатини олиб борар экан, Гитлер ўз солдатларига уларни виждон деб аталадиган хасталикдан халос қилаётганини уқтирган эди.

Бурч ва одамлар хулқ-атворини ахлоқий жиҳатдан тартибга солувчи бошқа мурватлар биргаликда сиёсатнинг инсонпарварлигига энг ишончли кафолат бўлади. Шунинг учун ҳам жамиятнинг ривожланган ахлоқий маданияти демократик сиёсий тизимнинг муҳим шартидир.

Инсоннинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини гуманистик тартибга солишнинг энг муҳим соҳаси бўлган ахлоқнинг хусусиятлари, унинг жамоавий, умуминсоний характери, ахлоқий қадриятларнинг мутлақ, универсал ва олий мавқеи, уларнинг таъсир этишидаги ички шахсий, маънавий-руҳий мурватлар — буларнинг бари ахлоқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабатларини кўриб чиқишда ҳисобга олиш муҳим бўлган ҳодисалардир.

§ 2. Ахлоқ ва сиёсат: умумийлик ва ўзига хослик

Сиёсат ва ахлоқнинг функционал умумийлиги

Одамлар хулқ-атворини тартибга солишга ихтисослашган ахлоқ ва сиёсат ижтимоий секторлар сифатида умумий хусусиятлар ва тафовутларга эга. Бу ҳар икки соҳаумумий манба — бир томондан одамнинг индивидуаллиги ва уникаллиги ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқса, иккинчи томондан унинг жамоавий табиати, жамиятда яшашга «маҳкумлиги», бошқа одамларсиз бахтли бўлиш у ёқда турсин, ҳатто мавжуд ҳам бўла олмаслиги туфайли келиб чиқади.

Қондириш имкониятларидан анча илгарилаб кетадиган турли-туман эҳтиёжларнинг ўсиши индивидда бошқа одамлар ва табиат ҳисобига неъматларга эга бўлиш ҳақидаги ғаразли ниятларни келтириб чиқаради ва шу туфайли алоҳида шахсларга ҳам, бутун инсониятга ҳам таҳдид туғдиради. Одамларда бундай ниятлар анчагина бор. Бойлик ва истеъмолчилик, борган сари кўпроқ ва қимматроқ моддий неъматларга эга бўлиш, бошқа одамларга ҳукмронлик ўтказиш, уларни эзиш ва табиат қонунлари билан ҳисоблашмай унга эгалик қилиш, шахсни емирадиган ва сексуал лаззат объектларига эгалик қилишга ундайдиган гипертрофиялашган сексуал эҳтиёжлар — шаҳвоний ҳирс ана шундай ниятлар жумласига киради[1].

Бундай ғаразли ниятлар алоҳида одамлар ва бутун инсон зотининг айниши хавфини туғдиради. Буни Арасту ҳам англаган эди. «Яхшилик туйғусисиз, — ёзган эди у, — одам энг пасткаш ва энг ваҳший мавжудотга айланади, жинсий лаззат ва овқатга муносабатда эса у ҳар қандай ҳайвондан ҳам ёмонроқ бўлади»[2].

Ахлоқ одамни ғаразли ниятлардан сақлаб туради, индивид ва жамият ўртасидаги зиддиятларнинг ҳал қилинишига кўмаклашади. Илк цивилизациялар даврида одамларнинг унча катта бўлмаган жамоалари (уруғ, қабила) маросимлар, анъаналар, турли хил табулар ва булар асосида шаклланадиган ахлоқ, шунингдек, ижтимоий назоратнинг табиий-тарихий институтлари бўлган оила ва жамоалар ёрдамида одамларнинг ўзаро таъсирини тартибга солар ва жамоа тартибини таъминлар экан, сиёсатга эҳтиёж сезмасди. Жамиятда носиёсий тартибга солишнинг устуворлиги тенгликни (демак, низоларнинг камлигини), жамоалардаги одамларнинг нисбатан кўп эмаслиги ва улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг анча содда шаклларини кўзда тутарди.

Вақтлар ўтиши билан, мураккаб ижтимоий жамоаларнинг вужудга келиши натижасида одамлар хулқ-атворини анъанавий маросимлар ва ахлоқий шакллар ёрдамида етарли даражада тартибга солиш мумкин бўлмай қолди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, ижтимоий низоларнинг кескинлашиши, жамиятнинг, демак одамлар ўзаро таъсири-

[1] Қаранг: *Гаджиев К. С.* и др. Философия власти. Под ред. В. В. Ильина. М., 1993. С. 15-16.

[2] Арасту. Политика. М., 1865. С. 11. Яна қаранг: Сич. Т. 4. С. 380.

нинг ҳам мураккаблашиши, янги умумий фаолиятларнинг келиб чиқиши, ижтимоий назоратнинг анъанавий уруғчилик шакллари кучсизланиши — буларнинг ҳаммаси сиёсатнинг, одамлар хулқ-атворини махсус мажбурлаш аппарати ёрдамида тартибга солиб турадиган ҳодисанинг пайдо бўлишига олиб келган.

Шундай қилиб, ахлоқ ва сиёсатнинг асосий ижтимоий функциялари ўзаро мос келади. Сиёсат ҳам худди ахлоқ сингари умумий фаровонлик ва ижтимоий адолатни ҳимоя қилишга даъво қилиш учун, гарчи у бундай гуманистик вазифаларни бажаришдан кўпинча узоқ бўлса ҳам, етарли асосга эга. Сиёсат ахлоқнинг тартибга солиш функцияси етарли бўлмай қолганлиги натижаси ўлароқ унга ўзига хос қўшимча сифатида пайдо бўлади. Мазкур ҳолатни назарда тутиб, қадимги дунё мутаффакирлари сиёсатни этиканинг бир тармоғи деб ҳисоблаган эдилар. Сиёсат ва ахлоқ ва улар ҳақидаги таълимотларнинг бўлинишини фақатгина XV аср охири — XVI аср бошларида Николо Макиавелли амалга оширди.

Сиёсат ахлоқий жиҳатдан ўзини назорат қилиш мурватларининг моддийлашуви, ташқи ифодаси ва объективация шакли сифатида майдонга чиқади. Масалан, ахлоқ учун хос бўлган виждон азоби функциясини бу ерда ўзининг баҳолари мезонларини ҳуқуқ шаклида формаллаштирган ва белгиланган меъёрларни бузганлик учун муайян санкцияларни назарда тутадиган суд бажаради.

Сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги тафовутлар

Ахлоқ билан умумийлик элементларига эга бўлиш билан бир пайтда сиёсат ахлоқдан жиддий фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга. Улардан энг муҳими сиёсатнинг **низолилигидир**. Айтиб ўтилганидай, сиёсат бутун жамиятга алоқадор бўлган ва ҳокимиятни қўллашни талаб қилувчи ижтимоий гуруҳ низоларини ҳал қилишга йўналтирилган фаолиятдир. Ахлоқ эса, одамлар ўртасидаги кундалик индивидуал муносабатларни тавсифлайди ва бу муносабатларнинг хусусий кўриниши сиёсий кескинлик даражасига етмайдиган низолар бўлиши мумкин.

Сиёсатнинг бевосита манбаи одамларнинг иқтисодий ва бошқа муҳим **манфаатлари** бўлиб, улар орасида йирик ижтимоий гуруҳлар: миллатлар, синфлар, қатламлар ва ҳ. к. манфаатлари алоҳида ўрин тутади. Ахлоқнинг бевосита манбаи эса, умуминсоний, шунингдек, жамоавий қадриятлар бўлиб уларга амал қилиш индивид учун шахсий манфаат келтирмайди. Шунинг учун ахлоқий ва сиёсий мотивлар ўртасидаги рақобат бу — маънавий қадриятлар ва бевосита, аввало, моддий, шахсий манфаатлар ўртасидаги кураш.

Ахлоқнинг кўпчилик императивлари идеал хусусиятга эга бўлиб, одамлар ўз хатти-ҳаракатларини улар асосида амалга оширишади, бироқ реал ҳаётда бирор киши уларга тўла етишиши даргумон. Масалан, бутун ҳаёти давомида бирор марта ҳам ёлғон гапирмаган, диннинг ахлоқий ўгитлари асосида ўзининг барча яқинларини худди ўзини севгандай севадиган ва фақат ҳақиқатни гапирган одамни топиш мумкинлигига ишониш қийин. Ахлоқдан чекиниш — кенг тарқалган ҳодиса. Исо алайҳиссалом фоҳишани қаттиқ жазоламоқчи бўлаётган оломонга қарата: «Орангизда ким гуноҳсиз бўлса, ўша биринчи бўлиб тош отсин!» — дея мурожаат қилган эди одамлардан бирортаси ҳам ўзини гуноҳсиз ҳисоблаб қўлига тош ола олмаганди.

Ахлоқий императивларнинг **мавҳум-меъёрий** хусусиятидан фарқли ўлароқ сиёсатнинг талаблари аниқ ва одатда улар қонун шаклида бўлади, бу қонунларни бузиш эса реал жазога сабаб бўлади. Сиёсат ташқарига йўналтирилган ва **мақсадга мувофиқ**, яъни муайян мақсадларга эришиш, натижаларни қўлга киритишга йўналтирилган. Ахлоқ эса, хатти-ҳаракатлардаги **субъектив, ички кечинмаларни** баҳолайди. Унинг учун қўлга киритилган натижалар эмас, балки ҳаракатнинг ўзи, унинг мотивлари, восита ва мақсадлари, уларга эришилганлигидан қатъий назар, муҳим.

Ахлоқ ҳар доим **индивидуал хусусиятга эга**, унинг субъекти ва жавобгари — ўзининг ахлоқий танловини амалга ошираётган алоҳида шахс. Сиёсат эса, гуруҳ, **жамоа** хусусиятига эга. Унда индивид синф, миллат, партия ва ҳ. к. нинг вакили сифатида намоён бўлади. Унинг шахсий масъулияти жамоавий қарор ва хатти-ҳаракатларга сингиб кетган бўлади. Сиёсат **вазиятлидир.** Муваффақиятга йўналтирилар экан у реал вазият мақсадга эришишга таъсир ўтказиши мумкин бўлган барча омилларни ҳисобга олиши керак. Ахлоқий талаблар эса, ўз асосига кўра муайян вазиятга боғлиқ бўлмайди ва **универсал хусусиятга эга**.

Сиёсатнинг энг муҳим хусусияти унинг **кучга таяниши**, талабларни бажармаганлиги учун мажбурий санкциялардан фойдаланиш. «Сиёсат, — ёзган эди М. Вебер, — орқасида мажбурлаш турган ўзига хос восита — ҳокимиятдан фойдаланади»[3]

Ахлоқ эса мажбурлашни қоралайди ва асосан, виждон «санкциялари»га таянади. Одамнинг ўз виждони, айниқса, у унчалик ривожланмаган бўлса, ҳатто одамнинг жиноятларини ҳам кечириши мумкин. Сиёсат эса фақат мухолифларни ва қонунбузарларнигина эмас, кўпинча бегуноҳ одамларни ҳам, бошқаларни қўрқитиш мақсадида жазолаши мумкин.

[3] *Вебер М.* Избранные произведения. С. 694.

Сиёсатнинг ахлоққа нисбатан юқорида кўрсатиб ўтилган ўзига хос хусусиятлари жамият фаолиятининг бу соҳалари мустақиллигидан гувоҳлик беради, бу эса сиёсат ва ахлоқнинг уйғунлашуви мумкинлиги тўғрисидаги турли талқинларни келтириб чиқаради.

§ 3. Сиёсат ахлоқий бўлиши мумкинми?

Ахлоқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги асосий қарашлар. Насиҳатгўйлик ёндашуви

Дунё ижтимоий ҳаётида сиёсат ва ахлоқнинг ўзаро муносабатларига тўрт хил ёндашувни фарқлаш мумкин. Улар орасида тарихан биринчиси **насиҳатгўйлик** ёндашувидир. Ўзининг ашаддий шакли — ахлоқий абсолютизмда, бу ёндашув, сиёсат нафақат юксак ахлоқий мақсадлар (умумий фаровонлик, адолат ва ҳ. к.)га эга бўлиши, балки ҳар қандай вазиятда ҳам ахлоқий тамойиллар (ростгўйлик, одамларга хайриҳоҳлик, ҳалоллик ва ҳ. к.)га зид бўлмаслиги кераклиги ва фақат ахлоқ йўл қўядиган воситалардангина фойдаланиши лозимлигини талаб қилади.

Янги даврга ча ижтимоий фикрда ҳукмронлик қилган сиёсатга насиҳатгўйлик ёндашуви XX асрда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Таниқли рус диний файласуфи В. С. Соловьёв шундай ёзган эди: «Христиан ахлоқи алоҳида одам қалбида Илоҳий салтанат амалга ошишини назарда тутгани каби христиан сиёсати ҳам Илоҳий салтанатнинг катта бўлаклар — халқлар, қабилалар ва давлатлардан иборат бўлган бутун инсоният учун амалга ошишини тайёрлаши керак.»[4]

Ашаддий кўринишлардан халос этилган ҳолда сиёсатдаги ахлоқий ёндашув, жумладан, ҳозирги дунёнинг энг таъсирчан сиёсий ҳаракатларидан бўлган христиан демократлар ҳаракатининг мафкурасида ифодаланган. Сиёсат субъектларининг ахлоқий мўлжали, уларнинг мавжуд ижтимоий воқеликни ҳисобга олиб сиёсатни ахлоқий қилишга интилиши сифатида тушуниладиган бундай ёндашув сиёсатнинг инсонийлашувига кўмаклашади. Айни пайтда ҳаёт сиёсатни ахлоқий абсолютизм руҳида ахлоққа тўла бўйсундиришга уриниш уни самарасизликка маҳкум қилиши ва шу билан ҳам ахлоқни, ҳам сиёсатни обрўсизлантириши мумкинлигини кўрсатди.

Ахлоқдан ташқаридаги сиёсат

Сиёсат ва ахлоқнинг тафовутларини бўртириб кўрсатиш ижтимоий ҳаётнинг бу икки соҳасини бир-биридан ажратиб қўяди. Бу (иккинчи) ёндашувга кўра

[4] *Соловьев В. С.* Сочинения: В 2 т. Т. 1. М., 1989. С. 59.

сиёсат ва ахлоқ ўзаро **мустақил** ва бир-бирларининг ваколат доираларига аралашмасликлари керак. Ахлоқ бу — фуқаролик жамияти, шахсий масъулият иши, сиёсат эса — ахлоқдан холи бўлган гуруҳ манфаатларининг кураши соҳаси. Кўпчилик Макиавеллини бундай қарашнинг асосчиси деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам, айтиб ўтилганидек, бу буюк мутаффакир сиёсатни тадқиқ этишни диний ва ахлоқий назоратдан халос қилди, сиёсий таҳлилнинг марказига сиёсатнинг мақсадга эришиш усуллари ва воситаларининг самарадорлигини қўйди. Ўзининг «Давлатпаноҳ» (1532) асарида у сиёсат ижтимоий ахлоқнинг муайян ҳолати, шу жумладан, одамларнинг ахлоқий бузуқлигини ҳам ҳисобга олиши керак, деган эди. Ахлоқсиз муҳитга тушиб қолгач, одам ҳар доим яхшилик қилишга интилса, реалист бўлмагани учун у ҳалок бўлади. Шунинг учун халқда фуқаролик эзгуликлари ривожланмаган бўлса ва жамиятда анархия ўсиб бораётган бўлса, давлат ва тартибни сақлаб қолиш учун Давлатпаноҳ ҳар қандай, шу жумладан, ахлоқсиз воситалардан ҳам фойдаланиши мумкин. Шахсий ҳаётда эса, у ахлоқнинг умумқабул қилинган меъёрларига амал қилиши керак.

Шундай қилиб, Маккиавелли ахлоқни сиёсатчиларнинг шахсий ҳаётини тартибга солувчи, шунингдек, унга эришиш учун ахлоқсиз воситалардан фойдаланишни ҳам оқлайдиган олийжаноб мақсад сифатида сақлаб қолади. Шунинг учун уни сиёсат ва ахлоқни тўла ажратиш маддоҳи ҳисоблаш нотўғри бўлар эди. Бундай ажратиш кўпроқ Россиянинг большевик доҳийларига хос. «Сиёсатда ахлоқ мавжуд эмас, фақатгина мақсадга мувофиқлик мавжуд»[5], — деган эди В. И. Ленин.

Сиёсатни ахлоқий баҳолашдан халос қилишга, уни яхшилик ва ёмонликдан баландроқ қўйишга уриниш, одатда, инсонга қарши хатти-ҳаракатларни оқлаш, ҳеч бўлмаганда сиёсатни танқиддан иҳоталаш мақсадида амалга оширилади. Аслида эса, улар сиёсатнинг ахлоқ соҳасига аралашуви ва уни емиришига олиб келади.

Сиёсат бу — ёвузликми?

Сиёсат томонидан ахлоқий қадриятларнинг тан олинмаслиги уни ахлоққа зид қилиб қўяди. Реал турмушда сиёсатнинг ахлоқсизлиги — кенг тарқалган ҳодиса. Бу сиёсат ва ахлоқни мутлақо келиша олмайдиган **зиддиятлар** — эзгулик (ахлоқ) ва ёвузлик (сиёсат) сифатида талқин қилишга сабаб бўлади. Уларнинг ўзаро муносабатига нисбатан бу **учинчи** нуқтаи назардир.

[5] Қаранг: *Латышев А.* Владимир Ильич Ленин: «Морали в политике нет»/ /Комсомольская правда. 1992. 12 февраль.

Сиёсатни энг салбий баҳолайдиган қараш анархизмдир. Сиёсат ва унинг бош ташувчиси — давлат, деб ёзган эди рус анархизмининг асосчиси М. А. Бакунин, «айнан зўравонликни, зўравонлик ёрдамида, очиқ ёки ниқобда амалга ошириладиган ҳукмронликни»[6] билдиради. Ёвузлик, — давом этади у, — сиёсатнинг моҳиятини ифодалайдиган ҳокимият табиатида. «Ким ҳокимиятга эга бўлса, у ўзгармас ижтимоий қонунга кўра муқаррар тарзда жамиятни сиқувчи ва эзувчига айланади». Шу билан бирга, ҳокимият унга эга бўлганларнигина эмас, унга бўйсунишга мажбур бўлганларни ҳам бузади. [7]

Сиёсатга умумий баҳо беришда марксизм ҳам анархизмга яқин мавқега эга. У сиёсатни эксплуатация, синфлар ва ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлган шароитда муқаррар ёвузлик ва зўравонлик сифатида талқин қилади. Бироқ пролетариат барибир эксплуататорларни ағдариб ташлаш, уларнинг қаршилигини синдириш ва ижтимоий адолат, ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш ва шахс эркинлигига асосланган носиёсий коммунистик жамият қуришда бу ёмонликдан фойдаланиши зарур.

Сиёсатга салбий баҳо беришни либерал мутаффакирларда ҳам учратиш мумкин. Масалан, таниқли рус файласуфи Н. А. Бердяев шундай ёзган эди: «Мен инсон мавжудлиги объективациясининг манфур шакли бўлган, уни четга улоқтириб ташлайдиган «сиёсат»га жирканиб қарайман. У ҳар доим ёлғонга асосланади. <...> Сиёсат кўп жиҳатдан одамларнинг онгини эгаллаб олган ёлғон, инсонлар қонини сўрадиган текинхўр ўсимта»[8]

Нима учун сиёсат ҳақида «ифлос», ахлоққа зид машғулот сифатидаги тасаввур шаклланади? Бунинг сабаби фақатгина одамларнинг адашаётганларида бўлибгина қолмай, балки муайян сиёсатнинг реал хусусиятлари, шунингдек, умуман сиёсатнинг хусусиятлари билан боғлиқ.

Сиёсат нима учун «ифлос иш» бўлиб туюлади?

Сиёсатнинг ахлоққа зиддек туюлишини, кўпинча эса, ҳақиқатан ҳам ахлоққа зидлигини изоҳловчи бир қатор сабаблар мавжуд. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ҳокимиятнинг инсонлар тақдири, моддий ва маънавий неъматларга эгалик қилиши тўғрисида айтиб ўтилган хусусиятлари. Бу унга эга бўлганларга устуворлик беради, шахсий шуҳрат ва бойлик орттиришга чанқоқ одамлар учун давлат «қозонидан» улуш олиш учун

[6] *Бакунин М. А.* Государственность и анархия//Полн. собр. соч. Т. 2. СПб., 1907. С. 27.

[7] Ўша жойда. С. 164-166.

[8] *Бердяев Н. А.* Самопознание. М., 1990. С. 101.

имконият яратади. Ҳокимиятга эга бўлганларда кўпинча ундан ғаразли мақсадларда фойдаланиш истаги пайдо бўлади, унга қарам бўлганларда эса ҳокимият эгаларига ҳурмат, улар олдида ялтоқланиш, бошлиқларга хушомад қилиш ва ҳ. к. туйғулар пайдо бўлади. Ҳокимиятнинг бошқарувчилар ва тобеларга ўтказадиган айнитувчи таъсири унинг жамланиш даражаси ўсиши ва назоратдан ташқаридалиги кучайиши натижасида ортиб кетади. Таниқли инглиз тарихчиси лорд Д. Актон айтганидай, «ҳар қандай ҳокимият айнитади, мутлақ ҳокимият эса мутлақо айнитади». Ҳокимиятнинг шу хусусиятлари туфайли унинг инсоний йўналганлигини таъминлаш, суистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида жамият фақатгина ваколатли эмас, балки ахлоқли ҳам бўлган сиёсий элитани саралаб олишнинг самарали тизимига, ҳокимият эгалари устидан таъсирли назорат ўрнатишга эҳтиёж сезади.

2. Сиёсатнинг одамлардаги зарур манфаатлар билан узвий боғлангани. К. Маркс ва Ф. Энгельс айтиб ўтганидек, «ғоя» «манфаат»дан узоқлашиши билан ўзини шарманда қилади»[9] Буни тўлалигича кўпчилиги мотивация кучига кўра моддий манфаатларга кўра заифроқ бўлган ахлоқий ғояларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Сиёсатда айёрлик, ёлғон, қотиллик ва бошқа ахлоқсиз хатти-ҳаракатларни оқлаб реал, прагматик манфаатлар анъанавий тарзда биринчи планда туради.Шу муносабат билан Англия қиролининг элчиларидан бири Яков I айтганидай, сиёсатчи бу — «ўзининг давлати манфаатлари йўлида ёлғон гапириши керак бўлган хушмуомала одам». Сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги кескин зиддиятлар ҳар доим пайдо бўлмаса ҳам, пайдо бўлган тақдирда улар кўпинча манфаат фойдасига ҳал қилинади.

3. Ахлоқдан чекинишни енгиллаштирадиган сиёсий қарорларнинг умумийлиги, шахсиятсизлиги, бавositалиги. Сиёсий қарорлар одатда партия, халқ, миллат, синф ва ҳ. к. номидан қабул қилинади ва аниқ шахсларга эмас, анчагина катта ижтимоий гуруҳ ва бирлашмаларга тааллуқли бўлади. Қарор қабул қилганлар одатда бу қарорни ижро этишда бевосита иштирок этмайдилар ва кўпинча ўз сиёсатининг салбий оқибатларини кўрмайдилар ва ҳис қилмайдилар. Масалан, бутун бир эксплуататор синфни йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилиш ахлоқий жиҳатдан, ҳеч бўлмаганда унинг битта вакилини йўқ қилишга қараганда анча осон. Қизил террорнинг идеологларидан бўлган Ленин анча тарбияланган ва маърифатли одам сифатида ўзи мансуб бўлган имтиёзли синф аъзоларидан бирорта бегуноҳ одамни ўлдира олиши даргумон эди. Бироқ сиёсат-

[9] Маркс К., Энгельс Ф. Соч. : Изд. 2. Т. 2. С. 89.

чи сифатида ҳаракат қилар экан, у одамларни гаровга олиш ва отиб ташлаш тўғрисида буйруқлар берди, генерал Юденич қўшинига қарши оммавий юришда эса, пулемётчиларнинг олдига минглаб бегуноҳ «буржуй»ларни териб қўйишга маслаҳат берди, агар Британия ёки турк қўшинлари эгаллаб оладиган бўлса, бутун Боку шаҳрига ўт қўйиб юборишни топширди. [10]

4. Кўпинча ахлоқнинг умуминсоний асосларига зид келадиган гуруҳ қадриятлари ва гуруҳ ахлоқининг сиёсатга таъсир ўтказиши. Анъанавий ахлоқдан фарқ қиладиган янги, синфий ахлоқни яратишга бюрократик социализм мамлакатларида уриниб кўришди. «Бизнинг ахлоқимиз, — деган эди Ленин, — тўлалигича пролетариат синфий кураши манфаатларига бўйсундирилган. Бизнинг ахлоқимиз пролетариат синфий кураши манфаатларидан келтириб чиқарилади». [11]

Гуруҳ манфаатлари ва қадриятларини умуминсоний ахлоққа қарши қўйиш, ахлоқни сиёсатга бўйсундириш амалда ҳар қандай ахлоқнинг емирилишини билдиради. Ахлоқнинг айнишига яққол мисол — СССРда Павлик Морозовнинг ўз отаси ҳақидаги чақимчилигини қаҳрамонларча ҳаракат сифатида тарғиб қилиниши.

Гуруҳ қадриятлари ва манфаатларининг сиёсатчилар ва сиёсатнинг ахлоқийлигига салбий таъсир ўтказиши сиёсий етакчилар ўзларининг партиялари ва ҳукуматларидаги сирларини оммалаштиришни, кўримсиз фактларни яшириши демократик мамлакатларда ҳам учрайди. Улардан баъзилари ўзларининг ахлоқсиз хатти-ҳаракатларини умум иши учун келтирилган олижаноб қурбонлик сифатида кўрсатишга уриниб онгли тарзда қўлларини «булғайдилар».

5. Сиёсий суистеъмолликларнинг мультипликация эффекти. У олий ҳокимият эшелонидаги ахлоққа зид хатти-ҳаракатларнинг қор кўчкисига ўхшаб кучайиш, кўпайиб бориш хусусиятидан иборат. Амалда бу ахлоқсиз юксак лавозим соҳиби одатда ҳалол хизматчиларни четлатишга интилишида, атрофига ўзига ёқадиган одамларни тўплашида, бу одамлар эса ўз навбатида ўз атрофига худди шундайларни жамлашида кўринади.

Суиистеъмолларнинг мультипликация эффекти ҳукмрон элитанинг ёпиқлиги ва айниб кетишига олиб келади. У, айниқса, қатъий марказлашган ва таркибий қисмларининг мустақиллиги бўлмаган ва пастдан назорат қилинмайдиган сиёсий тузилмалар учун хос. Сўнгги йилларда Россияда, хусусан, бундай эффект коррупциянинг оммавий тарқалишида намоён бўлди.

[10] Қаранг: Латишев А. Беда завтрашнего дня//Российская газета. 1992, 19 май.
[11] Ленин В. И. Полн. собр. соч. Т. 41. С. 309.

6. Сиёсатнинг мақсадга ва самарадорликка йўналтирилганлиги. Айтиб ўтилганидек, сиёсий ташкилот ва ҳаракатлар муайян мақсадларни амалга оширишни кўзлаб ташкил қилинади. Уларга эришиш йўллари ва воситалари ташкилот аъзолари учун иккинчи даражали аҳамиятга эга, бу эса раҳбарларнинг ахлоқсиз воситалардан фойдаланишини енгиллаштиради. Раҳбарият ташкилот аъзолари ва электорат олдида айнан самарадорлик учун масъулият сезади. Натижаларга эришишнинг усул ва воситалари эса, кўпчиликни қизиқтирмайди ва одатда улар сояда қолади.

7. Сиёсатнинг низолилиги, унинг эмоционал мухолифликни, ҳеч бўлмаганда сиёсат субъектлари ўртасидаги тарангликни кучайтирадиган дўстлар (иттифоқчилар) — душманлар (рақиблар) муносабати сифатида амал қилиши. Душманларга ёки рақибларга, маълумки, жуда кам ҳолатларда ахлоқнинг асосий талаби бўлган яхшилик қилишга интиладилар.

8. Сиёсатнинг оммавийлиги, унга жамият томонидан бериладиган эътибор, шунингдек, сиёсий етакчиларга нисбатан фуқаролар томонидан қўйиладиган анча юксак ахлоқий талаблар. Сиёсат кўп одамларнинг манфаатларига тегиб ўтади. Шунинг учун унинг асосий яратувчилари жамият кўз ўнгида бўлади. Уларни фақатгина энг ваколатли эмас, балки энг яхши ва ишончга лойиқ одамлар деб ҳам ҳисоблашади.

Сиёсатчилар фуқаролар томонидан аввало, қуйидаги икки сифатлари асосида баҳоланади: хизмат (ваколатлилик, ғайратлилик, одамларга раҳбарлик қилиш лаёқати) ва инсоний, ахлоқий (одамийлик, адолат, одамлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга тайёрлик). Сиёсатчилар фаолияти юқори ижтимоий аҳамиятга молик бўлгани учун уларнинг фақат касбий эмас, шахсий ҳаётлари ҳам жамоатчилик муҳокамаларининг объекти бўлади. Бунда сиёсатчиларга оддий фуқароларга қараганда қатъийроқ меъзонлар билан ёндашадилар. Масалан, АҚШда Президентлик ёки парламентарийликка даъвогарлардан кўпчилиги солиқларни тўлаб-тўламаганлари, ёки қачонлардир ўйнашлари бўлгани ва бу жамоатчиликка маълум бўлиб қолгани сабабли сиёсий карьераларига чек қўйилди. Оддий фуқароларда учрайдиган бундай фактлар эса, деярли ҳеч кимнинг муҳокамасига сабаб бўлмайди.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганлардан кўриниб турибдики, реал сиёсат кўпинча ахлоқдан узоқ бўлади ва кўпчилик томонидан «ифлос иш» сифатида баҳоланади. Бироқ сиёсат ахлоқдан тўла узилиб кета олмайди, чунки бу эртами кечми сиёсатнинг юзи шувит бўлишига ва бутун жамиятнинг деградациясига

олиб келади. Буни англаш, шунингдек, реализмга даъво қилиш сиёсат ва ахлоқнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги кейинги, тўртинчи ёндашувда намоён бўлади.

Сиёсат ва ахлоқ муносабатларига келишувчан ёндашув. М. Вебернинг масъулият ахлоқи ва эътиқод ахлоқи

Бу-тўртинчи ёндашув олимлар ва сиёсатчилар ўртасида бугунги кунда устуворлик қилади. У ахлоқнинг сиёсатдаги ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унга таъсир ўтказишини эътироф этишдан келиб чиқади.

Келишувчан ёндашувнинг энг муҳим асосчиларидан бири — Вебер. У сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларини диққат билан ҳисобга олиш зарур бўлса ҳам, ахлоқ ва сиёсатни бир-биридан тўла ажратиб бўлмайди, деб ҳисоблар эди. Хизмат ва сексуал муносабатларга, хизмат ва оилавий муносабатларга, дўстларга ва мухолифларга бирдай тааллуқли бўлган ягона ахлоқ кодекси бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ахлоқ энг асосий хусусиятлардан бири мажбурлаш бўлган сиёсатнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиши керак. «Легитим мажбурлашнинг айнан ўзига хос воситаси <. . . > одамлар иттифоқларининг қўлида бўлиб, — ёзган эди у, — сиёсатдаги барча ахлоқий муаммоларнинг ўзига хослигини келтириб чиқаради»[12]

Бу хусусият сиёсат учун, айтайлик, Инжилдаги ёмонликка зўрлик билан қаршилик кўрсатмаслик кераклиги ҳақидаги ўгитга амал қилиш учун имкон бермайди. Сиёсатчи касб-машғулотидан келиб чиқиб ёмонлик билан курашиши керак, акс ҳолда у ёмонликнинг ғалаба қозонгани учун масъул бўлиб қолади.

Ахлоқнинг сиёсатга таъсир ўтказиш доирасини белгилаш учун Вебер эътиқод ахлоқи ва масъулият ахлоқини фарқлаб кўрсатади. Эътиқод ахлоқи қандай натижаларга олиб келишига қарамасдан, сарфлар ва қурбонлар билан ҳисоблашмасдан ахлоқий тамойилларга қатъий амал қилишни билдиради.

Масъулият ахлоқи эса, бунинг акси ўлароқ, муайян вазиятни, сиёсатнинг биринчи навбатда натижаларга йўналтирилганлигини, сиёсатчиларнинг ўз хатти-ҳаракатларини башорат қилиш мумкин бўлган натижалари учун ички масъулиятини, катта ёмонликнинг олдини олиш учун, жумладан, кичикроқ ёмонлик ёрдамини ҳам тугади. Вебернинг ахлоқ ва сиёсатнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги мазкур ғоялари анча кенг тарқалган. Биринчи қарашдаги реаллигига қарамай улар бир қатор ожиз нуқталарга ҳам эга. Аввало, Вебер сиёсатни зўрлик воситаларидан легитим фойдаланишга тенглаштириб қўяди ва шу билан ахлоқнинг сиёсатга ўтказадиган таъсири имкониятларини чеклайди. Бироқ сиёсатнинг вазифаси, айниқса, ҳозирги демократик давлатлардаги вазифалари шунчаки зўрлик ишлатишдан кўра анча мураккаброқ. Бир қатор сиёсий масалаларни ҳал қилишда зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ишга фақат зарар келтириши мумкин. Фуқаролар масъулиятисиз, келишувларга, ҳамкорлик ва кооперацияга сиёсий ижрочиларнинг тайёрлигисиз замонавий ҳуқуқий давлат бўлиши мумкин эмас. [13] Сиёсат мазмунининг зўрликни қўллаш соҳасидан четга чиқиши унда ахлоқий қадриятлардан кенгроқ фойдаланиш учун имконият яратади.

[12] *Вебер М.* Избранные произведения. С. 701.

Ахлоқий талабларнинг институционаллашуви

Ахлоқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабатларини Веберча талқин қилиш амалда сиёсатчиларни аниқ институционал меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилган бошқа одамлар ва жамият олдидаги ахлоқий масъулиятдан озод қилади, чунки ахлоқий тамойилларга амал қилиш ва сиёсий мақсадларга эришиш учун воситаларни қўллаш сиёсатчиларнинг ўз ихтиёрига ташлаб қўйилади. Бироқ ҳокимиятда турган кўпчилик одамлар ўз хатти-ҳаракатлари ахлоқсиз экани ҳақида бош қотирмаётганлари ўз-ўзидан равшан. Шунинг учун сиёсатнинг ахлоқий жиҳатларини ҳуқуқий ва ижтимоий назоратсиз қолдириш сиёсатдаги ахлоқсизликни рағбатлантиришни англатади.

Ахлоқий талабларнинг институционаллашуви уларни сиёсий ташкилотлар ва аввало, ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилишини билдиради, бу эса ахлоқий тамойилларни бузганлиги учун муайян санкцияларни назарда тутади. Ахлоқнинг мана шундай институционал мустаҳкамланиши сиёсатнинг инсонийлашуви учун энг муҳим шартлардан биридир. Институтлар сиёсатдаги ахлоқийликни рағбатлантириши ҳам, унга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. В. Сутор (ГФР) таъкидлаганидек, сиёсатни инсонийлаштириш ва ахлоқни мустаҳкамлаш учун «ўз фуқароларига анча юқори ёки ҳатто энг юқори ахлоқий талаблар қўядиган тузум унчалик мос эмас. Аслида инсон характерига унинг одатдаги амбивалентлигида мос келадиган: одамларнинг ёмон майлларига зарур чегаралар қўйиб, айни пайтда уларнинг ҳуқуқ ва иродасига, ривожланишига, уларнинг яхшиликка лаёқатига кенг шароит яратадиган тузум энг қулайдир»[14]. Сиёсий институтлар самарадор

[13] Қаранг: *Herzog D.* Der moderne Berufspolitiker//Eliten in der Bundesrepublik Deutschland. Stuttgart; Berlin; Koln, 1990. S. 28-31.

[14] *Сутор Б.* Политическая этика//Полис. 1993. №1. С. 68.

бўлиши учун ахлоқан мукаммал бўлган авлиёларга эмас, балки оддий фуқароларга мўлжалланган бўлиши лозим. Улар оддий одамларнинг манфаатларини ифодалаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва мажбуриятларини бажаришга кўмаклашиш, уларни ҳамма учун мақбул бўлган «ўйин қоидалари» — индивидуал фойдани бутун жамият манфаати билан уйғунлаштиришни таъминлайдиган давлат қонунларига амал қилишларини рағбатлантириш учун масъулдир.

Ҳозирги дунёда сиёсатга нисбатан ахлоқий талабларнинг институционаллашувидаги марказий йўналиш инсон ҳуқуқларидир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳужжатларга кўра улар сиёсатнинг инсонийлиги, одамийлик ўлчовига универсал мезон ҳисобланади.

Умуман олганда ахлоқнинг сиёсатга таъсири бир қатор йўналишларда амалга ошиши мумкин ва лозим. Бу ахлоқий мақсадларни белгилаш, уларга ва реал вазиятга адекват усул ва воситаларни аниқлаш, фаолият жараёнида ахлоқий тамойиллар билан ҳисоблашиш, сиёсатнинг самарадорлигини таъминлашдир. Албатта, бу талабларнинг барини реал сиёсатда бажариш — анча мураккаб вазифа. Амалда унинг инсонийлиги эълон қилинаётган мақсадлари билан эмас, уларга етиш жараёнида қўллаётган усул ва воситалари билан белгиланади.

4-БОБ

СИЁСАТНИНГ МАҚСАДЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

§ 1. Сиёсатда мақсадлар ва воситалар мутаносиблиги

Сиёсатнинг мақсади ва воситалари нима?

Сиёсат ўз моҳиятига кўра мақсадга йўналтирилган фаолиятдир. Бу эса унинг муайян мақсадлар туфайли вужудга келганини англатади.

Сиёсий ва бошқа ҳар қандай фаолиятнинг асосий таркибий қисмлари мақсад, восита ва натижалардир. Мақсад инсон тафаккури томонидан яратилган идеал натижа бўлиб, фаолият уни амалга ошириш учун юритилади ва у фаолиятнинг ички рағбатлантирувчи мотиви сифатида хизмат қилади. Сиёсий фаолиятда у ташкилий ва мотивация функцияларини бажаради.

Сиёсатнинг мақсадлари турли-туман бўлиб, улар ички зиддиятга ҳам эга. Ижтимоий тизимдаги унинг асосий мақсади — ички

дифференциялашган жамиятни бирлаштириш фуқароларнинг ўзаро қарама-қарши интилишларини бутун жамиятнинг умумий мақсади билан боғлаш. Хусусий ва умумий мақсадларнинг уйғунлашувини кафолатлаш давлат зиммасига юкланади.

Сиёсатнинг бу олий мақсадини аслида Платон кўрсатиб ўтган эди. Ўзининг «Сиёсатчи» асарида у шундай ёзади: Бу «шоҳона санъат мард ва оқил одамларнинг интилишларини уларнинг турмушларини ҳамфикрлик ва дўстлик орқали бирлаштириб ва шу йўл билан энг ғаройиб мато тўқиш йўли орқали бириктиради»[1].

Сиёсатнинг анча равшан бўлган умумий мақсади амалга оширилишда муайян қийинчиликларга учрайди, чунки барча томонлар учун маъқул бўлган бир хил заҳиралар ва сиёсий таъсир имкониятларига эга бўлмаган сиёсатда биринчи навбатда ўзининг эгоистик манфаатларини кўзлаётган ижтимоий гуруҳларнинг низоли манфаатларини уйғунлаштириш тадбирларини топишни кўзда тутади. Шунинг учун ҳам сиёсатнинг инсонийлашувини унинг субъектларига шунчаки панд-насиҳат қилиш, ўз рақиблари ва бутун жамиятнинг фаровонлигини эсдан чиқармаслик ҳақида ваъз ўқиш билан амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаш хаёлпарастлик бўлади. Ўзаро рақобатлашаётган хусусий манфаатларга самаралироқ таъсир кўрсатиш, гуруҳ худбинлигини жиловлаш учун сиёсатнинг усул ва воситаларига таъсир ўтказишдан фойдаланиш мумкин.

Сиёсатнинг воситалари бу мақсадларни амалга ошириш, идеал мотивларни амалий ҳаракатга айлантириш қуролларидир. Сиёсатнинг «восита» ва «усул»лари — ўзаро яқин тушунчалар. Воситалар — унинг субъектлари объектга таъсир ўтказадиган аниқ омиллар: тарғибот компаниялари, иш ташлашлар, қуролли ҳаракатлар, электорал кураш ва ҳ. к. Сиёсатнинг усуллари одатда, унинг воситалари фойдаланадиган метод сифатида тавсифланади. Уларга энг аввало, зўрлик ва зўрлик ишлатмаслик усуллари, мажбурлаш ва ишонтириш усуллари киритилади.

Мақсад ва воситаларнинг сиёсат натижалари ва унга ахлоқий баҳо беришдаги роли масаласи қадимдан жўшқин мунозараларнинг предмети бўлиб келади. Бу масалага бўлган турли қарашлар ичида учта асосийсини кўрсатиш мумкин: 1) сиёсатнинг ахлоқий характери унинг мақсадлари билан белгиланади; 2) сиёсатнинг ахлоқий жиҳатларига фойдаланилаётган воситалар устувор таъсир ўтказади; 3) сиёсатга инсоний тус беришда мақсад ҳам, воситалар ҳам муҳим, улар ўзаро ва муайян вазият билан мос бўлишлари керак.

[1] *Платон.* Соч. : в 3т. Т. 3. Ч. 1. М., 1971. С. 82.

Мақсад воситаларни оқлайди

«Мақсаднинг устуворлиги» ёндашувининг дастлабки таниқли намояндалари Маккиавелли (кўпроқ назариётчи сифатида) ва Ленин (асосан, амалиётчи сифатида) эдилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам олийжаноб мақсадларга етиш учун ахлоқсиз воситалардан ҳам фойдаланиш мумкинлигини ёқлаб чиққанлар. Шундай бўлса ҳам, «мақсад воситани оқлайди» тезисини иезуитлар назарий жиҳатдан жуда батафсил ишлаб чиқдилар ва амалиётга кенг тадбиқ қилдилар.

Париж шаҳрида 1534 йилда ташкил этилган иезуитлар ордени бугун ҳам мавжуд. Бу жанговор ташкилот ўз эътиқодини сингдириш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланади. Орден қатъий марказлашув, темир интизом, мажбурий ўзаро жосусликка асосланади.

Иезуитларнинг мафкурачилари ўзларининг ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари — ёлғон ишлатиш, фитна, қасамхўрлик, қотиллик ва бошқаларни ахлоқий жиҳатдан оқлаш учун далилларнинг махсус тизимини ишлаб чиқишади. Орденнинг асосий ахлоқшунослари Г. Безембаум (1600-1688), кейинроқ эса, Лагуори (1696-1787) айтганларидек, хатти-ҳаракатларнинг ахлоқийлиги черков обрўсига мурожаат қилиш орқали исботланган ҳисобланади ва бир қатор махсус усуллар ёрдамида таъминланади. Масалан, ҳар қандай қасам ичишда «ҳаёлий изоҳ», яъни инкор (-мас, эмас), қўшимчасини эшиттирмай талаффуз қилиш ҳар қандай қасамни, ваъдани ва ҳ. к. ларни бажармасликни ахлоқий жиҳатдан оқлайди. Умуман эса ҳар қандай хатти-ҳаракат, агар у ахлоқий мақбул мақсад йўлида амалга оширилган бўлса, ахлоқий ҳисобланади.

Бу орденнинг назариётчилари ҳар қандай жиноятни (жумладан, ядро урушини бошлашни) ҳам юксак диний-ахлоқий мақсад билан оқлашга асосланган иезуитлар ахлоқи тизимини ишлаб чиқдилар.

«Мақсад воситаларни оқлайди» тезисининг иезуитлардаги каби очиқ намоён бўлиши анча кам учрайди. Бироқ анчагина юмшоқ ва жозибали кийимларга ўралган бу формула сиёсатда ҳаддан ташқари кенг қўлланади ва жуда кўп ҳолларда ахлоққа зид сиёсий хатти-ҳаракатларни ниқоблаш учун хизмат қилади.

Одатда, ҳатто энг обрўсизланган сиёсатчилардан ҳам бирортаси ўз мақсадларининг тўла ахлоқсиз эканини тан олмайди. Энг улкан сиёсий жиноятлар — урушлар, оммавий террор, қонли инқилоблар ва ҳ. к. уларнинг яратувчилари нуқтаи назарида буюк ҳисобланган, бутун инсониятга бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда, ўз миллати ёки синфига фаровонлик келтирадиган мақсадлар билан ниқобланган.

Ижтимоий фикрда кўп асрлар давомида олижаноб, ахлоқий мақсадга эришиш учун унчалик ахлоқий бўлмаган воситалар, масалан, ёлғонни ишлатиш мумкин, деб ҳисоблаб келинган. Масалан, Берлин Академияси томонидан 1780 йилда ташкил этилган танловда Фредерик Кастельон ғолиб деб топилди. «Халқни чалғитиш ёки уни хато фикрларда қолдириш учун ёлғондан фойдаланиш халққа фойдалими?» деган саволга у: «Халқнинг мавжуд ахлоқий ва маданий даражасини ҳисобга олиб уни ҳукмдорларнинг ниятлари, мақсадлари ва хатти-ҳаракатлари ҳақида хабарсиз қолдириш ёки алдаш, агар бу ҳақиқатан ҳам унга бахт келтирса, ахлоқий жиҳатдан тўғри»[2], — деб жавоб берди.

Алдаш, маълумотни яшириш, одамларнинг онгини манипуляция қилиш, ҳозирги замон сиёсат оламида кенг тарқалган ва кўп одамлар томонидан сиёсий курашларда фойдаланса бўладиган восита сифатида баҳоланади. Бугуни кунда фан ва жамоатчилик фикри бунга салбий муносабат билдиради.

Воситалар мақсадлардан устуворлик қилади

«Воситалар устуворлиги» ҳақидаги иккинчи ёндашув воситаларнинг мақсадлар устидан ахлоқий устуворлигига асосланади ва биринчи навбатда, зўрлик ишлатмаслик сиёсати мафкурачилари томонидан тақдим қилинади. Масалан, бу ҳаракатнинг энг кўзга кўринган вакилларидан бири Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракатининг етакчиси Махатма Ганди (1869-1948) жамиятнинг ривожланиш даражаси биринчи навбатда одамларнинг ахлоқий камолоти билан белгиланади, деб ҳисоблар эди. Ахлоқ эса, воқеликка, аввало, сиёсатда ишлатилаётган воситалар орқали сингдирилади. Одамнинг ахлоқий иродасини айнан воситалар ифодалайди. Воситалар мақсадлар устидан устуворликка эга ва сиёсатнинг, унинг инсоний ўлчовларининг бош ахлоқий мезони ҳисобланади.

Мақсадлар ва воситалар мутаносиблиги

Сиёсатнинг мақсад ва воситалари муносабатига **учинчи** — «келишувчан» ёндашув ашаддий кўринишларни четлаб ўтишга, мақсадларнинг ҳам, воситаларнинг ҳам ахлоқий муҳимлигини ҳисобга олишга интилади. Амалий сиёсатда бу таркибий қисмларнинг ҳар бири ўзига хос, муҳим аҳамиятга эга ролни ўйнайди. Ҳар қандай сиёсат мақсаддан бошланади. Мақсад барча хатти-ҳаракатлар ва уларнинг натижаларини битта ягона тизимга бирлаштиради, амалда рақиблар ва иттифоқчилар сиёсий таъсирининг объектини белгилаб беради.

Масалан, сиёсий партия хусусий мулк ва капитализмни йўқ қилишни мақсад қилса, у тадбиркорлар ва йирик мулк эгалари-

[2] Цит. По: Запасник С. Ложь в политике//Филос. Науки. 1991.

нинг хайрихоҳлигига, ҳатто курашнинг зўравонликларсиз воситаларидан фойдаланишини баён этса ҳам эриша олмайди. Бу қатламлар уларнинг реал манфаатлари ва қадриятларига таҳдид пайдо бўлгунча мазкур партияга нари борса, муроса кўзи билан қарашлари мумкин.

Сиёсатда мақсадга эришиш йўлида самарали, жумладан, зўрлик ишлатмайдиган воситалардан фойдаланиш ҳам охир-оқибат душманларнинг қарши ҳаракатларига сабаб бўлади. Куч ишлатмаслик ҳаракатларининг М. Ганди ва Мартин Лютер Кинг (АҚШда ирқий тенглик учун курашчи руҳоний) сингари энг кўзга кўринган вакиллари ҳам қотиллар томонидан ўлдирилди.

Мақсад фақатгина сиёсий фаолиятнинг натижасига эмас, балки воситаларни танлашга ҳам таъсир ўтказади. Сиёсий мақсадларнинг ўзлари иерархик тузумларга эга ҳамда охирги ва оралиқ, қисқа муддатли ва истиқболли, умумий ва хусусий каби турларга бўлинади. Сиёсий курашнинг усул ва воситаларини танлашга айнан оралиқ мақсадлар энг кўп таъсир ўтказади.

Россияда ҳокимият тепасига большевиклар келганидан кейин фуқаролар урушининг бошланишига уларнинг охирги мақсади — коммунизм қуриш эмас, аввало, оралиқ мақсадлар — қисқа муддатларда хусусий мулк эгаси бўлган синфларни тугатишга эришиш, шунингдек, шу мақсадга улар ўжарлик билан интилганларида, ундан воз кечишни ҳатто унинг муддатларини узайтиришни ҳам истамаганлари бўлди. Фуқаролар урушининг бевосита сабаби эса, албатта, курашнинг куч ишлатиш усулидан фойдаланиш эди.

Мақсад ва воситалар (шу жумладан, воситалардан фойдаланишни тавсифловчи усуллар ҳам) ўртасида ўзаро таъсир мавжуд. Бир томондан мақсад ва унга эришиш шароитлари кўп жиҳатдан фойдаланиладиган воситаларни белгилайди, бошқа томондан эришилаётган натижага бевосита таъсир ўтказар экан, воситалар мақсаднинг реаллиги ёки хаёлийлиги, унинг ўзгариши ёки ундан умуман воз кечилиши зарурлигини аниқлайди. Шу билан бирга мақсадлар ва натижаларнинг мос келмаслиги сиёсат утопик мақсад қўйганида ҳам, шу мақсадларга ва мавжуд вазиятларга адекват бўлмаган воситалар туфайли ҳам бўлиши мумкин. Умуман олганда эса, мақсадга эришиш учун танлаб олинар экан айнан воситалар сиёсатнинг натижаларига бевосита таъсир ўтказади. Мақсадлар ва воситаларнинг умумий ўзаро муносабатлари ҳақида уларга ахлоқий баҳо бериш нуқтаи назаридан анча ишончли талқинни Н. А. Бердяев беради: «Мақсад олисларга кетиб қолади, воситалар эса бевосита воқелик сифатида қолади <...> мақсадларга зид ёвуз воситалардан фойдаланилганда мақсадга ҳеч қачон

эришиб бўлмайди, ҳамма нарсани воситалар билан алмаштиришади ва мақсад тўғрисида унутиб қўйишади ёки улар соф риторикага айлантириб қўйилади <...> Мақсад фақатгина ўша заҳоти унга эришиш учун ҳаракат бошланган тақдирда маънога эга бўлади»[3].

Коммунистик ҳаракат тажрибаси сиёсатда мақсадлар ва воситалар алоқадорлигига мана шундай ёндашув тўғрилигини тасдиқлайди. Буюк инсонпарвар мақсад — одамларни эксплуатация ва зулмдан озод қилиш, «ҳар бир кишининг эркин ривожланиши барчанинг эркин ривожланиши учун шарт бўладиган»[4] жамият қуриш, ҳокимиятни қўлга киритган коммунистлар томонидан фикрларга қўшилмайдиган барчага нисбатан тотал куч ишлатиш уларни мутлақо тескари натижаларга олиб келди.

Мақсад ва воситалар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш йўллари

Сиёсатга ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар салбий таъсир ўтказишига қарамай баъзи вазиятларда улардан тўла воз кечиш яна ҳам ёмонроқ оқибатларга олиб келиши мумкин. Сиёсатнинг мақсадлари ва воситалари ўртасидаги зиддиятлар ҳақиқатан мавжуд ва улардан шубҳали ахлоқий воситалардан фойдаланиш хавфи туфайли воз кечиш ҳар доим ҳам бу зиддиятларни ҳал қилишга олиб келавермайди.

Бундай зиддиятларни ҳал қилишга сиёсатнинг мақсадлари ва воситаларини ахлоқий солиштириб кўриш орқали эришиш мумкин. Ахлоқий қадриятлар иерархик тузилмага эга экани маълум. Улардан баъзилари бошқаларига қараганда қадрлироқдир. Масалан, одамларни қутқариш йўлида ҳаётини қурбон қилиш камбағалларга ўз даромадининг бир қисмини садақа қилишга қараганда анча юксак ахлоқий ҳаракат. Худди шунингдек, ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар ҳам ахлоқий қадриятлар рўйхатида бир-биридан жиддий фарқ қилади: одам ўлдириш ва безиён ёлғон мутлақо ҳар хил ҳодисалар.

Сиёсатда ҳам камроқ ёмонлик йўлини танлашга, худди беморлардан унинг учун ҳалокатли ёки зарарли бўлган ҳақиқатни яшираётган врач сингари ҳаракат қилишга тўғри келади. Платон ўзининг мукаммал давлат қуриш ҳақидаги лойиҳасида халқни «даволаш» мақсадида ёлғондан фойдаланишни оқлаган эди. «Хукмдорлар, — ёзган эди у, — ўзларига тобе одамларнинг фойдаси йўлида кўпинча ёлғон ва алдовни қўллашларига тўғри келади. <...> бундай ишлар даволаш воситаси сифатида фойдалидир»[5].

---

[3] Бердяев Н. А. Судьба России. М., 1990. С. 272-273.
[4] Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т. 4. С. 447.
[5] Платон. Государство//Соч. . В 3т. Т. 3. Ч. 1., М., 1971. 459.

Сиёсатда ахлоқсиз воситаларнинг «шифобахшлиги» умуман олганда шубҳалидир. Яхши ниятлар билан бир марта ёлғон гапирган одам бу ишга иккинчи марта анча осонроқ қўл уради. Борган сари унда ахлоқсиз хатти-ҳаракатларни бажаришга майл кучайиб боради. Сиёсатда ахлоқсиз воситалардан узоқ муддат фойдаланиш эса етакчиларнинг ўзларига ҳам, уларнинг тарафдорларига ҳам емирувчи таъсир ўтказади, мухолифлар ва иттифоқчилар олдида ишончни йўқотади ва охир-оқибат шундай усуллардан фойдаланаётган одамларни ахлоқий жиҳатдан деградация қилибгина қолмай, улар ўтказаётган сиёсат самадорлигини шубҳа остига қўяди.

Сиёсатда яхши мақсадлар учун ёлғонни Платон ва Макиавелли сингари ўтмишдаги ҳамма мутафакирлар ҳам қатъий оқламаганлар. Масалан, машҳур инсонпарвар файласуф Иммануил Кант ҳар қандай ёлғонга салбий муносабатда бўлар экан сиёсатчиларга ёлғон ҳақиқатдан кўра маъқулроқ бўладиган вазиятларни четлаб ўтиш кераклигини уқтирган эди.

Ҳозирги замон фани амалиётдаги барча ҳолатлар учун бир хилда ахлоқий ва самарали бўлган воситаларни аниқлай олмайди, бироқ у муайян сиёсий мақсадларга эришишда воситаларни қўллашдаги гуманистик чегараларни белгилашга қодир. Масалан, ҳозирги демократик давлатларда сиёсий террор ва қуролли қўзғолонлардан гуруҳ мақсадларига эришиш ёки, ҳатто, энг гўзал ва олийжаноб мақсадлар йўлида фойдаланиш фақат ахлоқсизликкина эмас, жамият олдидаги жиноят эканини фан ишончли тарзда исботлабгина қолмай, уни тарихий амалиёт тасдиқлади ҳам. Худди шунга ўхшаш ҳозирги шароитларда халқаро мунозарали масалаларни ҳал қилишда ядро қуроли ёки оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларидан фойдаланиш ахлоқий жиҳатдан мутлақо мумкин бўлмаган ҳолдир.

Буларнинг барчаси сиёсий мақсадларга эришиш учун ҳар қандай воситалар ҳам маъқул эмаслигига гувоҳлик беради. Фақатгина аксилинсоний ҳаракатлар ёрдамида эришиш мумкин бўлган мақсадлардан воз кечиш керак. Айниқса, куч ишлатишни кўзлайдиган воситалар ахлоққа мутлақо зиддир.

§ 2. Сиёсатда куч ишлатиш ва куч ишлатмаслик

Куч ишлатиш тушунчаси ва унинг тарихий роли

Сиёсат қадимдан куч ишлатиш билан боғланади ёки бир маънода қабул қилинади. Айтиб ўтилганидек, унинг энг муҳим белгиси ташкилий куч ишлатишдан фойдаланишдир. Очиқ сиёсий куч

ишлатишни ўз ҳудудида фақат давлат амалга ошириши мумкин, гарчи бу усулдан сиёсатнинг бошқа субъектлари: партиялар, террористик ташкилотлар, гуруҳлар ёки алоҳида шахслар ҳам фойдаланиши мумкин бўлса-да.

Куч ишлатиш одамни (ёки бошқа тирик мавжудотни) йўқ қилишга ёки унга зарар етказишга қаратилган унинг иродасига зид равишда онгли тарзда амалга ошириладиган ҳаракатдир. Зўравонлик жисмоний, иқтисодий, руҳий ва бошқа турларда бўлиши мумкин. Сиёсатга нисбатан куч ишлатиш тўғрисида гапирганда уни амалга оширадиган жисмоний куч ишлатиш (ёки куч ишлатмаслик) кўзда тутилади. Сиёсий куч ишлатиш куч ишлатишнинг бошқа шаклларидан фақатгина жисмоний мажбурлашни қўллаш ва одамни тезлик билан озодликдан, ҳаётдан маҳрум қилиш ёки унга тузатиб бўлмас тан жароҳатлари етказиш билангина фарқ қилмай, шунингдек, ўзининг ташкил этилганлиги, кўлами, тизимлилиги ва қўллашдаги самарадорлиги билан ажралиб туради. Нисбатан тинч, осойишта даврларда махсус тайёргарликдан ўтган, қурол ёки мажбурлашнинг бошқа воситаларига эга бўлган, қатъий ташкилий интизом ва марказий бошқарув билан бирлаштирилган одамлар томонидан амалга оширилади, шунингдек, исён ва фуқаролар уруши даврларида куч ишлатиш субъектлари доираси нопрофессионаллар ҳисобига анча кенгайиши ҳам кузатилади.

Куч ишлатиш инсониятнинг бутун тарихидаги таркибий жиҳат. Сиёсий ва ижтимоий фикр тарихида куч ишлатишнинг тарихдаги ролига нисбатан турлича, жумладан, бир-бирига мутлақо зид баҳолар ҳам учрайди. Баъзи олимлар, масалан, Евгений Дюринг ижтимоий тараққиётда, эскини синдириш ва янгини мустаҳкамлашда унинг ҳал қилувчи ролини эътироф этган эди.

Куч ишлатишга берилган мана шу баҳога яқин мавқени марксизм ҳам эгаллайди. У куч ишлатишни «тарихнинг дояси» (К. Маркс), синфий жамиятнинг ажралмас хусусияти деб билади. Марксизмга кўра, хусусий мулкка асосланган жамиятнинг бутун тарихи давомида ҳаракатлантирувчи куч синфий кураш бўлиб, унинг олий кўриниши куч ишлатишда намоён бўлади. Синфларни тугатиш билан бирга жамият ҳаётидан ижтимоий зўравонлик ҳам аста-секин йўқолиб боради. Маркс ғояларини амалда тадбиқ этишга уринишлар инсониятни ижтимоий зўравонликнинг эскалациясига, кўплаб инсонларни йўқотишга, азоб-уқубатларга дуч қилди. Бироқ куч ишлатилмайдиган жамиятга олиб келмади.

Ҳар қандай куч ишлатишнинг ижтимоий ролига пацифистлар ва куч ишлатмаслик ҳаракатлари (улар ҳақида кейинроқ ало-

ҳида сўз юритилади) тарафдорлари салбий баҳо беради. Умуман олганда, ижтимоий онгда, шу жумладан, олимлар ва сиёсатчилар орасида куч ишлатишга нисбатан инсон табиатининг номукаммаллигидан (ёки унинг «яратилишдаги гуноҳидан»), ёки ижтимоий муносабатларнинг номукаммаллигидан келиб чиқадиган муқаррар ёмонлик деб қараш устуворлик қилади.

Куч ишлатиш, ахлоқ ва сиёсатнинг самарадорлиги

Сиёсат билан узвий боғлиқ бўлган куч ишлатиш қадимда ахлоқ билан келиша олмайдиган, «шайтон кучи билан боғлиқ» (Макс Вебер) восита сифатида баҳоланади. «Ўлдирма» — Инжилдаги энг муҳим ўгитлардан бири. Христиан хулқининг ахлоқий намуналари қаторига гарчи оддий одамларга қўйиладиган талаблардан кўра азиз-авлиёлар идеалларига ўхшаб кетса-да, ёмонликка куч ишлатиш билан қаршилик кўрсатмаслик ва душманга ҳам муҳаббат киради. Умуман, умумий шаклда баҳоланадиган куч ишлатиш инсонпарварлик ва ахлоқнинг зиддидир, чунки улар инсон ва унинг шаънига қарши қаратилган ҳаракатларни англатади. Куч ишлатишдан мунтазам равишда фойдаланиш жамиятнинг, одамларнинг ҳамкорликдаги ҳаётининг ахлоқий асосларини — ҳамкорлик, ишонч, ҳуқуқий муносабатлар ва бошқаларни емириб ташлайди.

Айни пайтда, аввало, инсоннинг ўзи, шунингдек, унинг жамоадаги ҳаёти номукаммал бўлгани сабабли жамият ўз ҳаётидан ҳар қандай куч ишлатишни четлатиб ташлай олмайди ва уни чеклаш, йўлига тўсиқ қўйиш учун ўзи куч ишлатишга мажбур.

Куч ишлатиш ва унинг кўламлари кўриниши кўп сабаблар билан белгиланади: иқтисодий сабаблар ва ижтимоий тузум, ижтимоий низоларнинг кескинлиги ва уларни бартараф этишдаги анъаналар, аҳолининг сиёсий ва ахлоқий маданияти ва ҳ. к. Кўп асрлар давомида куч ишлатиш ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишнинг энг муҳим усули, уларнинг, айниқса, халқлар ўртасидаги муносабатларнинг кўланка томони сифатида намоён бўлди. Ахлоқий маданият, инсоний эътиқодга эга бўлмаган сиёсатчилар учун у ўз мақсадларига етишнинг энг самарали ва жозибали усули сифатида кўринади, чунки у душманни жисмонан йўқ қилади. Ўзига ёқмаган одамларни йўқ қилиш ҳақида буйруқ берар экан, Сталин шундай дер эди: «Одам бор — муаммо бор, одам йўқ — муаммо ҳам йўқ».

Бироқ сиёсатда куч ишлатиш самарадорлиги кўпинча сароб бўлиб чиқади. Бир томондан куч ишлатилиши, кўп ҳолларда унга худди шундай жавоб беришни келтириб чиқаради, рақибнинг қаршилигини шафқатсизлаштиради, низонинг кўлами ва шафқатсизлигини кучайтиради, куч ишлатишнинг кучайишига ва охир-оқибат унинг ташаббускорлари учун ҳам кутилмаган юқори қурбонлар ва моддий харажатларга олиб келади. Ғалаба эса, агар унга эришилса, жуда қиммат тушади.

Тарихда куч ишлатиш фақат алоҳида одамларга эмас, балки бутун миллатларга ҳам ҳалокатли таъсир ўтказади. Кўпчилик халқлар (масалан, ҳозирги Болтиқбўйи ҳудудида яшаган прусслар) шафқатсиз урушлар ва жисмоний қатағонлар натижасида йўқ бўлиб кетдилар. Куч ишлатиш жамиятга, унинг энг яхши вакилларини йўқ қилиш ва миллатнинг генофондига путур етказиш орқали емирувчи бавосита таъсир ҳам ўтказади. 1922 йилда таниқли рус социологи Питирим Сорокин айтганидай, «ҳар қандай жамиятнинг тақдири, аввало, унинг аъзолари хусусиятларига боғлиқ. Тентак ва лаёқатсиз одамлардан ташкил топган жамият ҳеч қачон ривожланган жамият бўла олмайди. Бир гуруҳ шайтонларга ажойиб конституцияни бериб кўринг, барибир сиз улардан гўзал жамият туза олмайсиз». Яқин ўтмишда бўлиб ўтган дунё ва фуқаролар уруши Россия учун келтирган зарарга баҳо берар экан, у фикрини шундай давом эттирган эди: урушлар «ҳар доим «тескари» саралашни, яъни яҳолининг энг яхши элементларини қириб ташлаб ёмонларига, яъни иккинчи ва учинчи нав одамларга яшаш ва насл қолдириш имконини берадиган салбий селекциянинг қуроли. Мазкур ҳолатда қуйидаги элементлар ҳалок бўлди: а) биологик жиҳатдан энг соғлом; б) ғайрати жиҳатдан меҳнатга лаёқатли; в) кучлироқ иродали, қобилиятли, ахлоқли, ақлий ва руҳий жиҳатдан ривожланган»[6].

Рус миллати генофондига Сталин қатағонлари ва иккинчи жаҳон уруши бундан ҳам оғир зарар келтирди. Янги жаҳон уруши, агар у бошланиб кетса, бутун инсон зотини йўқолиши ёки деградациясига олиб келиши мумкин. Буларнинг бари куч ишлатиш ахлоқсизликкина эмас, балки бутун жамият учун ҳалокатли ҳам эканидан гувоҳлик беради. Шундай бўлсада, ҳозирча инсоният усиз кун кечира олмаяпти.

Куч ишлатиш ҳуқуқи

Ижтимоий куч ишлатишнинг кўлами, намойиш бўлиш шакллари ва мамлакатлар ичидаги ҳамда улар ўртасидаги муносабатларда ҳам ижтимоий баҳоланишига бевосита таъсир ўтказувчи энг муҳим омил сиёсий тузумнинг характери: авторитар, тоталитар ёки демократик эканидир. Дастлабки икки тип — авторитар ва тоталитар тизимга мансуб давлатлар юқори раҳбариятга давлат томонидан чек-

[6] Сорокин П. А. Современное состояние России//Полис, 1991. №3. С. 168.

сиз зўрлик ишлатиш ҳуқуқини бериб қўяди. Ижтимоий реалликни ҳисобга олиб, гуманизм (ва ахлоқ) куч ишлатишни фақатгина жавоб ёки превентив чора сифатида қонунбузар жиноятчиларга, террористларга, қонунни қасддан бузувчиларга қарши қўллашни қабул қилиши мумкин.

Жуда қадим замонлардан энг кўзга кўринган гуманист мутаффакирлар куч ишлатишга жавоб чораси сифатида мудофаа, адолатли урушлар ва тиранларга қарши исён шаклида фойдаланиш халқнинг ажралмас ҳуқуқи эканини эътироф этганлар.

«Ҳар қандай ҳолат ва вазиятларда, — ёзган эди либерализм асосчиси Жон Локк, — қонунга қарши куч ишлатишга нисбатан энг яхши восита — унга куч ишлатиш билан жавоб бериш. Ваколати бўлмай туриб куч ишлатиш куч ишлатганни агрессорнинг уруш олиб бориш ҳолатига қўяди ва унга қарши худди шундай йўл тутиш ҳуқуқини беради»[7].

Локк ва бошқа либерал мутаффакирлар кучга мурожаат қилиш фақатгина монарх ёки сайлаб қўйилган ҳукумат аҳолининг ишончини оқламаганида, одамга туғилишдан хос бўлган ҳаётга, эркинликка, мулкка ва бошқаларга нисбатан ҳуқуқни бузганларида ҳокимиятни узурпация қилиб, фуқароларни бўйин товлаганлар билан шафқатсиз ҳисоб-китоб қилиш баҳонасида эзганларида асосли ва ахлоқ доирасида деб ҳисоблаганлар. Бундай ҳолларда ҳокимият ўзини халқ билан уруш ҳолатига қўяди ва шу билан унинг тиранияга қарши исён кўтаришга бўлган табиий ҳуқуқини қонунлаштиради.

Демократик давлатларнинг конституциялари мана шу ғояларга мос равишда демократик тартибларни куч ишлатиш йўли билан йўқотишга ҳаракат қилаётганларга қарши кучдан фойдаланишни қонуний ва халқнинг ахлоқий ҳуқуқи деб ҳисоблайдилар. Бироқ конституцияга асосланган давлатларда бундай ҳуқуқ фақатгина улар давлат тўнтаришига қарши қонуний воситалар билан қаршилик кўрсатишга лаёқатсиз бўлгандагина кучга киради.

Демократик тузум куч ишлатишни чеклаш, низоларни тинч, куч ишлатилмайдиган воситалар билан ҳал қилиш учун энг муҳим асосларни яратади. Бунга аввало, барча фуқароларнинг давлат бошқаруви, ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқларининг тенглигини эътироф этиш йўли орқали эришилади. Демократия шароитида ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўз фикрини эркин ифодалаш ва ҳимоя қилиш, уни адолатли деб тан олиш ҳамда парламент ва ҳукумат томонидан қабул қилинишига эришиш

[7] Локк. Д. Избранные философские произведения. Т. 2. М., 1960. С89.

имконига эга бўлади. Демократик ҳуқуқий давлатда куч ишлатишнинг ўзи легитим, халқ томонидан эътироф этилган ва ҳуқуқ томонидан чекланган бўлиши лозим. Масалан, ГФР Асосий Қонунининг 20-банди (2-пункти)да шундай дейилади: «Давлат томонидан ҳар қандай куч ишлатилиши халққа асосланади. У сайловларда халқ билдирган розилик асосида қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти ва одил судловнинг алоҳида органлари томонидан» ва қонун доирасида амалга оширилади.

XX аср охирида ядро ва бошқа оммавий қирғин қуроллари тарқалиши натижасида ижтимоий куч ишлатишнинг аксилинсоний моҳияти кескинлашибгина қолмай, уни янада чеклаш учун қулай шароитлар ҳам вужудга келди. Бу инсонпарварлик идеаллари: тинчлик, озодлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва бошқаларнинг ҳозирги дунёда кенг тарқалиши, шунингдек, бевосита куч ишлатишга таянадиган авторитар ва тоталитар режимлардан кўпчилигининг барбод бўлиши билан боғлиқ.

Куч ишлатмасликнинг диний манбалари

Кўп асрлардан буён инсониятнинг энг сара ақл эгалари ижтимоий ва сиёсий ҳаётдан куч ишлатишни чиқариб ташлаш тўғрисида бош қотирадилар. Тарихда биринчи марта куч ишлатмаслик ғоялари қадимги дунёдаги буддизм, ҳиндуизм, конфуцийчилик, иброний-лик, христианлик ва баъзи бошқа қадимий динлар қўйнида пайдо бўлган. Христианликкача бўлган динларда куч ишлатмаслик асосан, илоҳий, табиий ва ижтимоий заруриятга (шу жумладан, ҳокимиятга) сўзсиз бўйин эгиш, барча жониворларга нисбатан муросали бўлиш, атрофдаги дунёга зиён етказмаслик, яхшиликка интилиш, одамнинг биринчи навбатда диний-ахлоқий қадриятларга йўналтирилиши шаклида намоён бўлган. Баъзи динларда, масалан, буддавийлик ва иброний-ликда ҳокимиятнинг қонунийлигига унинг ахлоқий қонунларга қай даражада мослигига боғлиқ равишда қаралган.

Куч ишлатмаслик концепциясига христианлик ўзни қурбон қилиш ва яқинларга муҳаббат ғоясини олиб кирди, шунингдек, қавмларни тарихда биринчи бор оммавий куч ишлатмаслик ҳаракатларига илҳомлантирди. Бунда христианларнинг Рим императорлари ва расмий ҳудоларга сажда қилишдан бош тортгани туфайли ҳокимият томонидан ўтказилаётган тазйиқларга қаршилик кўрсатмаслиги кўзда тутилади. Христианлик Европа цивилизациясида куч ишлатмаслик ғоялари қабул қилиниши ва ривожланишига ҳал қилувчи таъсир ўтказди (бу, албатта, бошқа манбаларнинг, жумладан, қадимги юнон стоиклари фалсафасининг таъсирини инкор қилмайди). Шунинг учун баъзи

тадқиқотчилар куч ишлатмасликнинг биринчи мафкурачиси, пайғамбари ва ўз ҳаракатларида мужассам этувчиси деб Голгофага ўз ихтиёри билан чиққан ва инсониятни халос қилиш учун ихтиёрий тарзда азоб-уқубатларни қабул қилган Исони эътироф этишлари тасодифий эмас.

Куч ишлатмаслик сиёсати чуқур диний-ахлоқий асосларга эга. Куч ишлатмаслик — куч ишлатишни инкор қилиш ғоялари ичида энг муҳимларидан бири бўлган куч ишлатишга ёмонлик билан қаршилик кўрсатмаслик ғоясини Исонинг тоғ устидаги ваъзида мавжуд бўлган ўгитлардан топиш мумкин: «Душманларингизни севинг, сиздан нафратланаётганларга яхшилик қилинг. Сизни лаънатлаётганларни дуо қилинг ва сизни хафа қилаётганлар учун ибодат қилинг. Бир юзингга урганга, иккинчи юзингни тутиб бер; ва устки кийимингни олиб қўяётган одам кўйлагингни ҳам ечиб олишига тўсқинлик қилма <...> Ҳукм чиқарманг ва сизнинг устингиздан ҳам ҳукм чиқарилмайди; қораламанг ва сиз ҳам қораланмайсиз; кечиринг ва сизларни ҳам кечиришади» (Лк. 6. 27-6. 37).

Куч ишлатмаслик сиёсатини асослаш ёмонликка қаршилик кўрсатмаслик билан чекланмайди. Куч ишлатмаслик фалсафаси маънавий-ахлоқий ҳокимиятда авлиё Павелнинг қуйидаги сўзларига асосланади: «Худога одамларга қараганда кўпроқ қулоқ тутиш керак» ва сиёсий ҳокимиятдан устуворлигига асосланган фаол мавқе ва ҳаракатларни ҳам кўзда тутади.

Куч ишлатмаслик тўғрисидаги христианлик ғояларини турли диний оқимлар ва секталар ҳам ҳаётга тадбиқ қилмоқчи бўлдилар. Улар Европа Реформациясининг энг муҳим мақсадларидан бирига айланди, квакерлар ҳаракати томонидан тўлалигича қабул қилинди, Россияда эса маънавий христианлар — духоборлар сектаси томонидан тўла қабул қилинди. Бу анча оммавий секта расмий православиега мухолифатдалиги, ҳокимиятга бўйсунмагани ва ҳарбий хизматдан бош тортгани учун XIX аср охирида ҳукумат томонидан таъқиб қилингани туфайли Канадага кўчиб кетди. Ҳозир ҳам ўша жойда мавжуд.

Куч ишлатмаслик назарияси ва амалиётининг ривожланиши

Куч ишлатмаслик концепциясига буюк рус ёзувчилари ва файласуфлари, айниқса, ёмонликка куч ишлатиш йўли билан қаршилик кўрсатмаслик тўғрисида бутун бир таълимот яратган ва уни ҳаётга тадбиқ қилмоқчи бўлган, шу жумладан, ўзининг шахсий намунаси билан буни тасдиқламоқчи бўлган Л. Н. Толстой, шунингдек, ўз асарларида куч ишлатишга йўл қўйиш ахлоқий жиҳатдан мумкин эмаслиги муаммосини ҳал қилмоқчи бўлган Ф. М. Достоевский катта ҳисса қўшдилар. Америкада куч ишлатмаслик ғояларининг энг кўзга кўринган вакили конституцион давлатга нисбатан сиёсатда куч ишлатмаслик ҳаракатларидан фойдаланишни асослаб берган машҳур ёзувчи ва файласуф Генри Торро (1817-1862) эди.

Куч ишлатмаслик концепциясини ривожлантириш ва, айниқса, уни реал оммавий сиёсатга тадбиқ қилишдаги янги босқич Махматма Ганди номи билан боғлиқ. Ўзи яратган Ҳиндистон Миллий Конгресси ёрдамида у ҳаётга куч ишлатмаслик сиёсий курашининг бутун бир стратегиясини тадбиқ қилди, бу стратегия «сатьяграхи» (сўзма-сўз таржимаси: «ҳақиқат учун қатъият») номини олди. Бу стратегия кенг халқ оммасини синф ва касталарга мансублигидан қатъий назар озодлик ҳаракатига жалб қилиш ва бирлаштиришга асосланган бўлиб, фақатгина икки шаклдаги — мустамлака маъмурияти билан ҳамкорликдан воз кечиш ва фуқаролар бўйсунмаслиги шаклидаги куч ишлатмаслик усуллари билан амалга оширилди. Ҳамкорликдан воз кечиш ҳукумат муассасалари ва билим юртларини бойкот қилиш, инглиз ҳокимияти томонидан берилган унвон ва даражаларни рад қилиш, тинч юришлар ва намойиш қилишлар шаклида ифодаланади.

Фуқаролар бўйсунмаслиги мустамлака маъмуриятининг қонун ва фармойишларини эътиборга олмаслик, сиёсий иш ташлашлар ва хартал (хизмат фаоллигини тўхтатиш, савдо муассасаларини ёпиш ва ҳ. к.)лар, солиқларни тўламаслик шаклида ифодаланади. Мустамлака ҳокимияти билан ўзаро муносабатларда тинч музокаралар, келишувлар ва консенсусларни излаш тактикаси қўлланади.

Куч ишлатмаслик сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари

Сиёсатда куч ишлатмаслик концепциясининг моҳияти низоларни ҳал қилишда ва мунозарали масалаларни инсонпарварлик ва ахлоқ тамойиллари асосида ечишда намоён бўлади. У инсон хулқ-атворининг жисмоний жазо ва иқтисодий санкциялардан қўрқишдан кўра юқорироқ бўлган мотивлари — матонат, ахлоқий эътиқод, қаҳрамонона ибратга асосланади. Куч ишлатишнинг асоси, — ёзади сиёсатшунос Д. Фейхи, — нафрат ёки ҳеч бўлмаганда асосини қўрқмаслик ва севги ташкил қиладиган куч ишлатмасликдан фарқли ўлароқ қўрқинчда. Куч ишлатмаслик «жисмоний қурол сингари яраламайди, емирмайди ва ўлдирмайди, даволайди, бирлаштиради, мазлум ва эзувчи тақдирининг яқинлашишига ёрдамлашади»[8]. Сиёсатда куч ишлатмаслик анъанавий тар-

[8] Антология ненасилия. Изд. 2. Москва; Бостон, 1992. С. 89.

зда ҳокимиятга қуйидан таъсир ўтказишнинг ўзига хос воситаси бўлган. Уни одатда, куч ишлатиш ёки таъсир ўтказиш учун катта иқтисодий заҳираларга эга бўлмаган одамлар қўллайдилар. Тарихда куч ишлатмаслик ҳаракатларида мажбурлаш аппарати хизматчиларининг, масалан, Ҳиндистондаги озодлик ҳаракати даврида полициячиларнинг ҳам иштирок этиш ҳоллари маълум. Курашнинг куч ишлатмаслик усулини кўп ҳолларда ижтимоий, миллий ва бошқа озчиликлар ҳокимият ва жамоатчиликнинг эътиборини ўзларининг қашшоқ аҳволига қаратиш учун қўллайдилар. Экологик ҳаракатлар, масалан, «Гринпис» ҳаракатининг таъсир воситалари орасида куч ишлатмаслик марказий ўринни эгаллайди.

Куч ишлатмаслик усуллари ижтимоий субстанциянинг ўзига хос хусусиятлари — таъсир кўрсатиш объектида ахлоқий онг, виждон ва ақл мавжудлигини ҳисобга олади. Куч ишлатмаслик айнан шуларга мурожаат қилади. Агар жамиятда фақатгина оқил, бироқ ҳиссиётсиз машиналар, роботлар ҳаракат қилганда ҳар қандай куч ишлатмаслик маъносиз бўлиб қоларди. Куч ишлатмасликнинг самарадорлиги хулқ-атворнинг ички мурватлари, аввало, виждон, шунингдек, жамоатчилик фикри, унинг обрўси ва таъсирини қўллашга асосланган.

Куч ишлатмаслик фалсафаси шахснинг, унинг ҳокимиятга нисбатан маънавий-ахлоқий дунёси устуворлигини тасдиқлайди. У ички виждон овози давлат қонунларидан юқорилигига асосланади. «Фуқаро, наҳотки, бир дақиқага ва жуда оз даражада бўлса ҳам ўз виждонини қонун чиқарувчи қўлига топшириши керак, — ёзган эди Генри Торро, — унда виждон одамга нима учун керак бўлади? <...> Биз аввало, одам бўлишимиз, кейин эса, ҳукуматнинг фуқароси бўлишимиз керак. Қонунга эмас, аввало, адолатга нисбатан ҳурматни тарбиялаш маъқулроқдир»[9]. Сиёсий куч ишлатмаслик фалсафаси пацифизмда, зулмни пассив кузатишдан, зўрликка қаршилик кўрсатмасликдан жиддий фарқ қилади. У фақатгина сўзлар ёрдамидагина эмас, балки амалий фаол ҳаракатларни ҳам кўзда тутади, бироқ бунда ҳеч қандай жисмоний таъсир (яъни инсон танасига таъсир ўтказиш) ёки унинг маконда эркин ҳаракатланишига чек қўйиш (ҳибсга олиш, қамоқхонага қамаш) юз бермаслиги керак. Лекин муайян шароитларда куч ишлатмасдан таъсир ўтказиш воситаси хизмат ёки бошқа мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш, у

[9] Антология ненасилия. С. 7.

ёки бу ҳаракатларни содир этишдан онгли равишда тийилиб туриш бўлиши мумкин.

Куч ишлатмаслик ҳаракатлари

Куч ишлатмаслик концепцияси ҳаётга куч ишлатмаслик ҳаракатлари ёрдамида тадбиқ этилади. «Куч ишлатмаслик ҳаракатлари» атамаси кенг ва тор маъноларда қўлланиши мумкин. Кенг маънодаги куч ишлатмаслик ҳаракатлари куч ишлатишни истисно қиладиган ҳар қандай сиёсий фаоллик (ёки онгли пассивлик)дир. Мазкур атаманинг кенг маъносидан келиб чиқиб, барча сиёсий ҳаракатлар куч ишлатадиган ва куч ишлатмайдиганларга бўлинади.

«Куч ишлатмаслик ҳаракатлари» тор маънода ҳар қандай куч ишлатмаслик фаолиятини қамраб олмайди, у фақатгина ҳокимиятга қонун ёки маъмурий меъёрларнинг руҳи ва моҳиятидан четга чиқиб қарши қаратилган ва фуқаролик бош тортишлари билан боғлиқ бўлганларини (масалан, иш сменаси тугаганидан кейин ҳам хизмат биносидан кетмаслик) қамраб олади. Мана шу маънода тушуниладиган куч ишлатмаслик ҳаракатлари қонун асосида амалга ошириладиган сиёсий рақобатчиликнинг демократик усуллари: ташкилий-партиявий ва тарғиботчилик иши, сайлов кампаниялари, парламент кураши ва ҳ. к. дан фарқ қилади. Илмий адабиётларда «куч ишлатмаслик ҳаракати» тушунчаси гарчи муайян ноқулайликларни келитирб чиқарса ҳам, тор маънода қўлланади.

Куч ишлатмаслик ҳаракатининг усуллари (воситалари) жуда хилма-хилдир. Улардан кўпчилиги жуда қадим замонлардаёқ ишлатилган. Масалан, мелоддан олдинги 494 йилдаёқ Рим ҳукмдорларини ўз талабларини бажаришга мажбур қилиш учун плебейлар иш ташлайдилар ва шаҳардан чиқиб кетадилар. Россиядаги сиёсий курашнинг куч ишлатилмайдиган усуллари — стачкалар, намойишлар, халқ йиғинлари ва бошқалар 1905-1906 йилларда самодержавиени парламент таъсис этишга мажбур қилиш мақсадида кенг қўлланди. Уларнинг натижасида Давлат Думаси чақирилди.

Ҳозирги дунёда сиёсий курашнинг куч ишлатмайдиган усуллари жуда хилма-хил. Куч ишлатмаслик муаммоларини тадқиқ этган америкалик Жин Шарп ўзининг кенг танилган китоби «Куч ишлатмаслик ҳаракатлари сиёсати»да (1973) курашнинг 198та куч ишлатилмайдиган усулларни санаб ўтади. Булар оммавий чиқишлар, баёнотлар, эътироз ёки маъқуллаш хатлари, шиорларни олға суриш, депутатциялар, пикетлар, расмий шахсларнинг жиғига тегиш, алоҳида одамлар устидан кулиш, забастовкалар, биноларни куч ишлатмасдан оккупация қилиш, қонунларни бажармаслик, маъмурий тизимни ҳаддан ташқари банд қилиш ва ҳ. к.

Ҳуқуқий давлатда курашнинг куч ишлатмаслик усуллари

Куч ишлатмаслик ҳаракатларининг санаб ўтилган ва бошқа кўплаб усуллари ахлоқий жиҳатдан нейтрал бўлиб, улардан ахлоқий мақсадларда ҳам, ахлоқсиз мақсадларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахлоқсиз мақсадларда фойдаланганда улар куч ишлатмаслик концепциясининг моҳияти ва инсонпарварлик руҳига мутлақо зид бўлиб қолади. Куч ишлатмаслик сиёсати воситаларининг ахлоқий йўналтирилганлиги кўп жиҳатдан ижтимоий тузум характерига боғлиқ бўлади. Фуқароларнинг ўз талабларини эркин ифодалашларига йўл қўймайдиган авторитар ва тоталитар давлатларда курашнинг бу усулларидан фойдаланиш, одатда, ахлоқий мақсадларга хизмат қилади.

Жамиятда демократиянинг ўрнатилиши ижтимоий куч ишлатишнигтина эмас, сиёсий курашдаги куч ишлатмаслик воситалари ҳам қўлланилиши учун асосни кўп жиҳатдан йўқ қилади. Демократия ўз мақсадларига кўра ижтимоий ва айниқса, сиёсий адолат ғояларига — нолегитим мажбурлашни таъқиқлаш, шахс эркини, фуқароларнинг давлатни бошқариш ҳуқуқлари тенглигини эътироф этиш ғояларига асосланади. Демократия шароитида ҳар бир кишига формал жиҳатдан ўз манфаатлари ва фикрларини қонуний асосда шу мақсадлар учун махсус ташкил қилинган институтлар: давлат органларига сайловлар, партиялар, манфаат гуруҳлари ва бошқалар фаолиятида иштирок этиш ёрдамида ифодалаш учун баравар имкониятлар берилади.

Ҳар бир фуқарога мана шундай ҳуқуқларни бериш эвазига ва шу орқали сиёсий адолатнинг энг муҳим тамойилларини рўёбга чиқариш орқали ҳуқуқий давлат шахсдан ахлоқий мажбуриятларнинг муайян минимумини бажаришни талаб қилади. Немис олими Иосиф Изензее ёзишича, «фуқаро демократияга олиб кириши лозим бўлган ахлоқий минимум гўёки «спорт»даги хулқ-атворга ўхшайди: ҳалол сиёсий мусобақа қоидаларини тан олиш ва зарур бўлганда ўз мағлубиятини эътироф этиш»[10].

Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат жамиятнинг ахлоқий жиҳатдан муайян даражада — ҳар бир одамнинг шаъни ва тенг ҳуқуқлилигини ҳурмат қилиш, ўзига ҳам бошқаларга қўйиладиган ахлоқий талабларни қўя билиш, қонунга итоатгўйлик ва берилган эркинликлардан фойдаланиш учун жамият олдидаги масъ-

[10] Изензее И. Конституционные права и демократия//Вестн. Моск. Ун-та. Сер. 12. Социально-политические исследования. 1992. №6. С. 21.

улиятни ҳис қилиш ва ҳ. к. даражасида ривожланганлигини тақозо қилади.

Бу ахлоқий талаблар кўпчилиги ахлоқан амбивалент, яъни қарама-қарши мақсадларда ишлатилиши мумкин бўлган сиёсий таъсирнинг куч ишлатмаслик воситаларига ҳам тўлалигича тааллуқлидир. Масалан, посткоммунистик Россиянинг дастлабки йилларида юқори ташкил этилган ва ахлоқий таъсир ўтказишнинг энг муҳим заҳираларига эга бўлган ишчиларнинг бир қатор тоифалари (шахтёрлар, авиадиспетчерлар ва бошқалар) аҳоли турмуш даражасининг умумий пасайиши шароитида забастовкалар (куч ишлатмаслик ҳаракатлари) ёрдамида хизматчиларнинг бошқа бир қатор тоифалари ва нафақахўрлар учун мўлжалланган бюджет ҳисобидан тўланадиган иқтисодий ва ижтимоий имтиёзларга эга бўлиб олдилар. Мана шу турдаги забастовкалар гуруҳ эгоистик манфаатлари томонидан ҳаракатга келтирилади. Улар ижтимоий адолатга зид бўлиб, иқтисодий зўравонлик, шантаж, таъмагирлик воситаси ҳисобланади.

Айни пайтда, ўша забастовкалар даврида бир қатор ижтимоий жиҳатдан камситилаётган ижтимоий гуруҳлар (ўқитувчилар, врачлар ва ҳ. к.)нинг забастовкалари фақат кураш усули бўлиши эмас, қўйиладиган талабларнинг хусусиятига кўра ҳам куч ишлатмаслик идеалларига мос келар эди.

Муайян вазиятга боғлиқ тарзда ахлоқ нуқтаи назаридан фуқаролик бош тортиш кампаниялари ҳам қарама-қарши баҳоларга сабаб бўлиши мумкин. Бу компаниялар қонунлар ва ҳокимият фармойишларини бажармасликни, кўпинча эса, транспорт ва бошқа ижтимоий давлат хизматлари ва муассасаларининг меъёрдаги ишини бузувчи фаол ҳаракатларни ҳам кўзда тутади. Бундай ҳаракатлар, айниқса, улар жиддий жазога лойиқ бўлмаганларида, моҳиятига кўра кўпчиликнинг легитимлашган иродасини демократик ифодалаш шакли бўлган қонунга ҳурмат билан қараш ҳақидаги ахлоқий мажбуриятларни бузиш ҳисобланади. Улар, шунингдек, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги тамойилига ҳам зид, чунки фуқаролик бош тортиш ҳаракати қатнашчилари сиёсий хулқ-атвордаги бошқа одамлар томонидан риоя қилинаётган қонунларни бузишга алоҳида ҳуқуқ учун даъво гарлик қилишади.

Шундай қилиб, демократик ҳуқуқий давлат идеаллари нуқтаи назаридан баҳо берилса, фақат куч ишлатиш эмас, балки қонунга хилоф равишда амалга ошириладиган сиёсий курашнинг куч ишлатмаслик воситалари ҳам (озроқ даражада бўлса ҳам) ахлоқсизликдир. Бироқ ҳозирги давлатларнинг сиёсий ҳаёти

демократик идеаллардан анча узоқ ҳамда ижтимоий адолат ва умуман ахлоққа зид бўлган қонунлар, айниқса, ҳокимиятнинг амалий ҳаракатларига тўлиб кетган. Ўз иродасини демократик тарзда ифодалаш институтларининг етарли самарадор эмаслиги, давлат аппаратининг бюрократлашуви, мансабдор шахс ва амалдорларнинг коррумпиялашгани, консерватизми, бефарқлиги ва бошқа кўп омиллар фуқароларнинг адолатли талабларини ифодалаш ёки жамоатчилик ва ҳокимиятнинг эътиборини ўткир ижтимоий муаммоларга ўз вақтида қаратиш учун етарли имкон бермаган. Шунинг учун мана шундай шароитларда гуруҳ эгоистик манфаатлари эмас, бошқа одамларнинг оиласи ёки бутун инсониятнинг хавфсизлиги ташвишида амалга ошириладиган куч ишлатмаслик ҳаракатларини (шу жумладан, фуқаролик бош тортишларини) қўллаш куч ишлатмаслик фалсафасига тўла мос келади ва сиёсатнинг инсонийлашувига кўмаклашади.

Куч ишлатмаслик воситалари ҳам ахлоқсиз, ҳам ахлоқли мақсадларда қўлланиши мумкинлигига қарамай, улардан фойдаланиш куч ишлатишга қараганда беқиёс даражада инсонийроқдир. Сиёсатда куч ишлатишни сиқиб чиқариш ҳисобига улардан кенгроқ фойдаланиш уни инсонийлаштириш йўлидаги улкан қадам бўлар эди. Кейинги ўн йилликларда ўз ичидаги зиддиятларга қарамай, мана шундай жараён сезиларли сиёсий ҳодисага айланиб бормоқда. Халқаро майдонда у, жумладан, мунозарали масалаларни куч ишлатмаслик йўли билан ҳал қилиш ва давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигига йўналтирилган янги жаҳон тартибини яратишга қаратилган интилишларда намоён бўлади. Ҳозирги дунёда куч ишлатишни жамият ҳаётидан сиқиб чиқариш ёки ҳеч бўлмаганда чеклаб қўйиш кўпгина диний ва дунёвий ҳаракатларнинг, халқаро институтлар, демократик партиялар ва бошқа бирлашмаларнинг умумий вазифасига айланди.

ЮНЕСКО конференциясининг (1986 йилги) «Куч ишлатмаслик ҳақидаги баёноти»да айтилишича, уруш ёки бошқа ҳар қандай куч ишлатишга мўлжаллаган фаолият инсон табиатига ирсий дастурлаштирилмаган. Инсоннинг биологик тузилиши уни зўрлик ва урушларга маҳкум қилмайди. «Урушлар одамларнинг фикрларида бошланганидай» тинчлик ҳам бизнинг ақлларимизда бошланади. Урушни ихтиро қилган тур, тинчликни ҳам ихтиро қилишга қодир. Масъулият ҳар биримизга тааллуқлидир»[11].

[11] Антология ненасилия. С. 247-248.

5-БОБ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

§ 1. Инсон ҳуқуқлари тушунчаси ва тарихи

Инсон ҳуқуқлари давлат, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларида

Сиёсатнинг жамиятда яшаётган одамлар манфаатига йўналтирил-гани, унинг инсонийлашуви индивид, жамият ва давлат ўзаро муносабатларидаги гуманистик қадриятларни ифодалайдиган муайян тамойиллар ёрдамида амалга оширилади. Сиёсатнинг дунёга нисбатан гуманистик тасаввурларидаги бундай ўзига хос конкретлашув инсон ҳуқуқларидир. **Улар одамлар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг индивидга ўз раъйига қараб ҳаракат қилиш (буларни одатда эркинликлар дейилади) ёки муайян неъматларга эга бўлиш (булар эса — ҳуқуқ) имкониятини таъминлайдиган тамойил ва меъёрлардир.**

Инсон ҳуқуқларини у ёки бу шаклда ифодалаш муаммоси бутун инсоният тарихи давомида кузатилади. Инсон ҳуқуқлари расмий вакили ҳокимият бўлган инсон ва у яшаётган бирлик ўртасидаги ўзаро муносабатларни талқин қилиш ва амалда ҳал қилишнинг бир усулидир. Улар мана шу ўзаро муносабатларда шахс эркки ва шаънини, унинг олий қадрият мавқеини тасдиқлайдилар.

Индивид ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг 4 асосий усули бор: тоталитар, патриархал, индивидуалистик ва партисипатор (иштирок этиш). 1. **Тоталитар** модель бундай ўзаро муносабатларда жамият ва давлатни тенглаштириш, бутуннинг қисм устидан сўзсиз устуворлигидан ва индивиднинг давлатга тўла бўйсундирилишидан келиб чиқади. **У инсон ҳуқуқлари муаммосини қўйишнинг ўзини ҳам инкор қилади,** чунки индивид бутуннинг органик, узвий заррачаси, марказдан бошқариладиган мураккаб давлат механизмидаги винтча сифатида олиб қаралади.

Индивид ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг патриархал типи одамларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларидаги мураккаб иерархияни, уларнинг ҳокимиятга нисбатан тенг бўлмаган мавқеларини назарда тутади. У жамиятни турли табақа ва гуруҳларга бўлади, улардан энг қуйидагилари сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсиз бўлиб, энг юқоридагилари бош манбаи ва тақсимловчиси ҳокимият пирамидасининг чўққисидаги авторитар ҳукмдор (монарх, диктатор ва ҳ. к.) бўлган ҳокимиятнинг максимал ваколатларига эга бўлади. (Авторитар ва тоталитар ҳокимият масаласи 10-бобда батафсилроқ кўриб чиқилади.)

Шахс ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатлардаги **индивидуалистик** усул индивиднинг давлат билан муносабатларида устуворлигидан келиб чиқади. У эркин шахс жамиятдаги ҳар қандай ҳокимият, шу жумладан, давлат ҳокимиятининг ҳам туб манбаи эканидан келиб чиқадиган либерализмда жуда яққол ифодаланган. Давлат эркин индивидларнинг битими, шартномаси натижасидир. У халққа тобе ва фақатгина ўзининг чекланган функцияларини — фуқаролар хавфсизлиги ва озодлигини, жамоат тартибини ва бошқа баъзи функцияларни таъминлаши лозим.

Сиёсий бўлмаган соҳаларда индивид ва ҳокимият ўзаро муносабатлари ва уларда шахс эркини ва шаънини таъминлаш масалалари либерализм томонидан умуман кўриб чиқилмайди. Бунинг натижасида инсон ҳуқуқлари муаммоси аввало, ҳокимият тажовузларидан муҳофаза қилиш шаклида, яъни тор ва чекланган шаклда қўйилади.

Ҳозирги замон сиёсий фанларида индивид ва ҳокимият ўзаро муносабатларига **партисипатор** ёндашув устуворлик қилади. У ашаддий кўринишлардан ҳоли ва шахсга иҳоталанган, жамиятдан мустақил, ўзи сингарилар билан биргаликда давлат тузишга ва унга муайян масалаларда бўйсунишга мажбур индивид сифатида қарамайди, балки шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг зиддиятлилиги ва ажралмаслигидан келиб чиқади. Бундай ҳолда инсон ҳуқуқлари муаммоси индивидни давлат аралашувидан муҳофазалаш шаклида эмас, **балки шахснинг эркин яшаши ва ривожланиши учун энг қулай шароитлар яратиш мақсадида давлатдан фойдаланишни кўзда тутади**.

Юқорида кўриб чиқилган индивид ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларнинг тўрт усули инсоният тарихида у ёки бу даражада намоён бўлади. Улар инсон ҳуқуқлари муаммоси англанадиган ва баҳоланадиган меъёрлар тизимини шакллантиради.

Антик давр ва ўрта асрларда инсон ҳуқуқлари ғоялари

Инсоният пайдо бўлишининг илк даврида қабилачилик тузуми шароитида инсон ҳуқуқлари муаммолари бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди, чунки у пайтларда индивидлардан бегоналашган ҳокимият бўлмаган, демак шахснинг эркинлиги, унинг қадриятини ҳокимият муносабатларида ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашнинг зарурати ҳам бўлмаган. Бундан ташқари давлат пайдо бўлгунча ва илк давлатлар даврида «ўртача» одамда ўзини-ўзи англаш ва индивидуаллик хусусиятлари ривожланган бўлмаган, давлат билан муносабатларда, аввало, асрий анъаналардан келиб чиқиб, ўзини уруғдан, қабиладан, қишлоқ ва давлатдан ажратмаган, одатда, ўзининг ижтимоий иерархиядаги мавқеини, ҳатто у қул бўлса ҳам, итоатгўйлик билан қабул қилган.

Инсон ҳуқуқлари муаммосининг пайдо бўлиши жамият, давлат ва инсон индивидуаллигининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Инсон ҳуқуқлари ғоялари илк бора моддий жиҳатдан таъминланган ва унча кўпчилик бўлмаган, ривожланган ўз-ўзини англаш ва ўз қадрига етиш туйғусига эга бўлган мутаффакирлар томонидан олға сурилган. Халқнинг индивидуал шаъни ва ҳокимиятга нисбатан мустақиллигини англаш ва мустаҳкамлашнинг тарихий биринчи шакллари эрамиздан олдинги биринчи минг йилликда вужудга келган табиий ҳуқуқ ғояларида намоён бўлди.

Бу ғоялар биринчи марта Ликофон, Антифон, Алгидан ва милоддан олдинги VI-V асрларда яшаган қадимги юнон софист-файласуфларида учрайди. Улар барча одамлар туғилишдан тенг ва табиат берган бир хил ҳуқуқларга эга, деган ғояларни олға сурдилар. Давлатнинг ўзини эса, Ликофон ижтимоий шартнома натижаси сифатида талқин қилган эди. Барча одамларнинг осмон олдида тенглиги ва давлатнинг шартнома асосида келиб чиқиши ғоясини мил. ав. V асрда яшаган Хитойлик файласуф Мо-Цзи ҳам ҳимоя қилган эди.

Инсон ҳуқуқлари концепциясига Арасту катта ҳисса қўшган. У одамга туғилишдан хос бўлган, аввало, хусусий мулкка бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилди. Бу ҳуқуқ инсон табиатининг ўзига хос бўлиб, унинг ўзига бўлган муҳаббатига асосланади. Арасту, шунингдек, ҳозирги инсон ҳуқуқлари концепциясига яқин бўлган бир қатор ғояларни олға сурди. Масалан, у давлат фуқаросининг ҳуқуқларини эътироф этибгина қолмай, табиий ва шартли, ижобий ҳуқуқларни ҳам фарқлаган, шунингдек, у табиий ҳуқуқ ўзгарувчан ва ҳокимият фаолияти ҳамда одамлар ўртасидаги битим натижаси бўлган шартли ҳуқуқ учун намуна бўлиши керак, деб ҳисоблаган. Табиий ҳуқуқнинг давлат қонунларида устуворлиги ҳақидаги бу ғоя инсон ҳуқуқларининг ҳозирги назариялари, шу жумладан, ҳуқуқий давлат концепциясида ривожлантирилди.

Индивидларнинг ҳокимият ва бошқа одамлар билан муносабатларига мустақиллик, шаъни ва тенглигини тадбиқ қилиш қадимги Юнонистон ва қадимги Рим файласуфлари томонидан қулларга эмас, фақатгина эркин фуқароларга нисбатан қўлланган, Арасту қулларни табиат томонидан тобелик қилиш ва хўжайиннинг буйруқларини бажариш сифатлари берилган мавжудотлар деб ҳисоблаган.[1] Табиий ҳуқуқнинг антик тарафдорлари орасида фақатгина

[1] Қаранг: Арасту. Политика. С. 3-4. Яна қаранг: Соч. Т. 4. С. 382-387.

стоиклар одамлар жинсидан, миллати ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, табиатан тенглиги ғоясини олға сурдилар, чунки барча одамлар космос томонидан яратилган ва барча «тақдирга итоат қилади», деб ҳисоблардилар улар.

Инсон ҳуқуқлари концепцияси асосидаги гуманистик қадриятларнинг оммавий тарқатилишига христианлик катта ҳисса қўшди. У гуманистик ғояларни диний-ахлоқий қадриятлар билан боғлар экан, уларга олий қадрият мавқеини беради. Христианлик инсоннинг ички дунёсига, у томонидан эътиқод ва қадриятларга йўналтирилганликни эркин танлашига мурожаат қилади ва шу орқали инсон индивидуаллигининг ривожланишига ёрдам беради. У ҳар бир одамни худо томонидан ўз рамзи ва тимсолига ўхшатиб яратилган ва руҳ ато қилинган мавжудот сифатида ҳурмат қилинишини талаб этади. Худо томонидан яратилиши барча одамларнинг тенглиги ва эркинлигини белгилайди. Бундан ташқари одамга ҳурмат ва муҳаббатни илҳомлантирувчи мисол сифатида Ота худо томонидан Ўғил худонинг инсониятни халос қилиш йўлида чормихга тортилиши, азоб-уқубатларга онгли рўбарў этилиши хизмат қилади. Исонинг ваъзлари ҳам, биринчи навбатда, камситилган ва ҳақоратланганларга қаратилади, уларда барча одамларнинг Худо олдида тенглиги таъкидланади.

Христианликнинг гуманистик ғоялари одамлар хулқ-атворининг ахлоқий тартибга солиш мурватлари сифатида Эски дунёнинг кейинги тараққиётига улкан таъсир ўтказди. Шундай бўлса ҳам, улар реал давлат — ҳуқуқий меъёрларда ўзларининг сиёсий-институционал эътироф этилишига ва мужассамлантирилишига эриша олмадилар. Феодализм даврида антик жамият ва герман одатларидан мерос қилиб олинган, патриархал ва христианлик ахлоқи томонидан юмшатилган индивид ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабат тамойиллари кенг тарқалди.

Индивид ва ҳокимият ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ижтимоий иерархияси сифатида намоён бўлган. Одам ўзининг ижтимоий иерархиядаги ўрнига мос тарзда ўзининг хўжайини (сюзерени) берган буйруқларни бажариши, айни пайтда унинг ҳомийлиги ва ҳимоясига, шунингдек, ўзига тобеларнинг (агар шундайлар бўлса) итоатгўйлигига, улар олдида муайян мажбуриятларга эга ҳолда, умид қилиши мумкин эди.

Феодализм даврида умуман олганда одамларнинг туғилишдан хос бўлган табиий ҳуқуқларидан ва ҳатто, эркин фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги ҳам рад этилди. **Ҳуқуқлар эса, фуқарога монарх ёки сюзерен томонидан ҳадя қилинган имтиёзлар** сифатида талқин қилинди. Ҳар бир табақа ўзига хос ҳуқуқларига эга бўларди ва ижтимоий иерархия поғоналаридан пастга тушилган сари бу ҳуқуқлар торайиб борар эди.

Инсон ҳуқуқларининг либерал талқини

Феодализм даврида табиий ҳуқуқ ғоялари тўла унутилмади. Кўпинча улар эзувчиларга қарши исёнларнинг адолатли эканини асослаш мақсадида қўлланилган.

Бу ғоялар XVII-XVIII асрларда либерализм ва Маърифат вакиллари буюк мутаффакирларнинг асарларида қайта тирилтирилди ва уларга либерал талқин берилди. Либерализмнинг энг йирик вакиллари — Локк, Монтескье, Руссо, Кант, Жефферсон, Смит, Милл, Бентам ва бошқалар аслини олганда инсон ҳуқуқларини ҳозиргидек тушунишнинг асосларини яратди. Улар инсоннинг ҳаётга, озодлик ва мулкка, эзишга қаршилик кўрсатиш, шунингдек, бошқа **табиий, ажралмас** ҳуқуқлари ҳамда одамлар ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг **муқаддас** императив ва меъёрларга бўлган фундаментал ҳуқуқларини тушунишга асос солдилар.

Бунда ҳуқуқларнинг табиийлиги улар инсон зотига мансуб бўлган индивидларга туғилишдан хослигини; ажралмаслик уларнинг индивидга тирик мавжудот сифатида имманентлигини (уларсиз индивид ўзининг инсоний сифатларини намоён қила олмайди), шунингдек, одамга унинг қайси давр ва маконда яшашидан қатъий назар хослигини (бунинг оқибатида мана шу ҳуқуқлар тарихда мавжуд бўлган ҳар қандай давлатларга инсоний баҳо бериш мумкинлигининг умумий мезони бўлиши мумкин); муқаддаслик инсон ҳуқуқларини олий даражада ҳурмат қилиш, уларга эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижтимоий қадриятлар иерархиясида олий қадриятлик мавқеини тавсифлайди.

Инсон ҳуқуқлари масаласида Маърифатнинг тарихий хизмати фақатгина уларни инсониятнинг инсонпарвар мақсадлари сифатида назарий асослаб беришидагина эмас, балки уларни амалиётга тадбиқ қилишнинг энг муҳим усулларини топишида ҳамдир. Улар жумласига, аввало, халқ суверенитети ва ҳокимиятлар тақсимланиши тамойиллари киритилади. Улардан биринчиси Локк ва Руссо томонидан ишлаб чиқилган ҳокимиятнинг халқ (жамият)га ихтиёрий равишда бирлашган ва «ижтимоий шартномани» бекор қилиш ҳамда инсоннинг фундаментал ҳуқуқларига — ҳаётга, озодлик ва мулкка бўлган ҳуқуқларига таҳдид солганда ҳокимиятни ҳам ағдариб ташлаш ҳуқуқига эга бўлган индивидларга тобелигини англатади. Индивидуал эркинликларни кафолатловчи иккинчи тамойил қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг бўлиниши-

ни билдиради. Уни биринчи бўлиб, ҳозирги шаклда Шарль Монтескье 1748 йилда ифодалади. Бу тамойил ҳозирги кунда шахсни ҳокимият томонидан қилинадиган суиистеъмолликлар ва сиқувлардан ҳимоялайдиган энг муҳим қуролдир.

Инсон ҳуқуқларининг либерал концепцияси биринчи марта ўзининг юридик ифодасини 1791 йилда қабул қилган АҚШ Конституциясининг Ҳуқуқлар ҳақидаги Билл асосига қўйилган 1776 йилги Виржиния декларациясида топди. 1789 йилда асосий ҳуқуқлар — шахс озодлиги, мулкка, хавфсизлик ва эзишга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқи инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Франция Декларациясида конституцион жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Бу сиёсий-ҳуқуқий актлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотган эмас, лекин, албатта, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ҳозирги тасаввурлар мазмунан улардан анча бой.

Ижтимоий ҳуқуқлар учун кураш

Америка ва Европада XVIII асрдан бошлаб давлатлар томонидан аста-секин эътироф этила бошлаган либерал ҳуқуқлар, биринчи навбатда, феодал имтиёзлар ва табақа чекловларини, саноат ва савдо тадбиркорлик фаолиятига давлат таъқиқларини бекор қилишда пул кучи ёрдамида давлатни ўз назоратига тобе қилишдан манфаатдор бўлган буржуа синфининг манфаатларига мос келарди.

Либерализмнинг йирик назариётчиларидан бири Бенжамин Констан ёзганидай, «пул деспотизмнинг энг хавфли қуроли, шу билан бирга унга солиш мумкин бўлган энг мустаҳкам жилов <. . . > Бизнинг давримизда хусусий фуқаролар сиёсий ҳокимиятдан кучлироқ: бойлик ҳар жойда ҳозиру нозир бўладиган, ҳар қандай манфаатларга мос келадиган ва шунинг учун реалроқ ва кўпроқ итоатгўйликни келтириб чиқарадиган кучдир. Ҳокимият таҳдид солади, бойлик мукофотлайди; ҳокимиятга уни алдаш йўли билан чап бериш мумкин; бойликнинг саховатига эришиш учун эса, унга хизмат қилиш керак»[2].

Сиёсий либерализм инсон ҳуқуқларини пул кучига бўйсундирар экан, ўзининг чекланганини намойиш қилди. Тахминан XX асрнинг 20-йилларига қадар буржуа демократик мамлакатларининг кўпчилигида аёллар сайлов ҳуқуқига эга эмас эдилар. Конституцияларда эълон қилинган ҳуқуқларнинг камбағаллар томонидан амалда қўлланиши жуда қийин эди, чунки бу тегишли билим, вақт ва моддий харажатларни талаб қилар эди. Шахс эркинлигининг иқтисодий ва ижтимоий шартлари давлат эътиборидан четда қолган эди.

[2] Констан Б. О свободе у древних в ее сравнении со свободой у современных людей//Полис. 1993 №2 с. 104.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси мумтоз либерализмда тор ва чекланган характерга эга. Ҳуқуқлар индивидлар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг фақат битта соҳасини — уларнинг мулкка эга жисмоний шахслар сифатидаги ўзаро таъсирини қамраб олган эди, холос.

Инсон ҳуқуқлари фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлайди, уларнинг хусусий (иқтисодий, оилавий, диний ва бошқа) ҳаётини бошқа одамлар ва давлатнинг мақбул бўлмаган аралашувидан иҳоталайди. Шунингдек, мулк эгаларига ҳокимиятни сайловлар орқали назорат қилиш имконини беради. Бунда давлат эътиборидан иқтисодий, маданий ва одамлар ўртасидаги бошқа муносабатлар, шунингдек, ҳокимиятнинг тегишли турлари: мулкдорлар ихтиёрига бериб қўйиладиган иқтисодий, маънавий-ахборот ва бошқалар четда қолади.

Инсон ҳуқуқлари муаммосининг либерал счими фуқароларни давлат тақдиридан иҳоталаган бўлса ҳам, уларни мулкдорлар эксплуатацияси ва деспотизмидан ҳимоя қилмайди, жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий озодликка олиб чиқмайди. Буржуазияга эрк бериш ва саноат инқилобига, капитализм ривожига қулай шароитлар яратиш билан у айни пайтда, ижтимоий тенгсизликни кучайтирди ва синфий низоларни кескинлаштирди. Фуқаролар ҳуқуқларини қўллашга нисбатан ҳеч қандай чекловларнинг йўқлиги амалда уларни фақатгина озчилик имтиёзига айлантириб қўйиши маълум бўлди. Бу камбағал фуқароларнинг инсоний шаънини ҳурматлайдиган, эркинликнинг ижтимоий шартларини яратадиган қонунларни қабул қилиш йўлида ишчилар синфи ҳамда жамиятнинг қуйи қатламларида оммавий норозиликларга сабаб бўлди.

Либерал ҳуқуқларни ижтимоий ҳуқуқлар билан тўлдириш ҳақидаги талаблар биринчи марта XIX асрнинг 1-ярмида Англия ишчиларининг чартистлар ҳаракати томонидан қўйилди. Ўзларининг 1839 йилда ишлаб чиқилган дастурида чартистлар либерал ҳуқуқларини, жумладан, хусусий мулкчиликни инкор қилмайдиган, бироқ меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш, давлат бошқарувида ишчиларнинг ҳам тенг ҳуқуқли иштирокини талаб қиладиган социализмга эволюцион йўл билан ўтишни ёқлаб чиқдилар.

Ижтимоий ҳуқуқлар ва шахсни ишлаб чиқариш соҳасида ҳимоя қиладиган ва унинг ҳаёти учун етарли шароитларни таъминлайдиган ижтимоий демократия социалистик ҳаракатнинг энг муҳим шиорларидан эди. Бу ҳуқуқларнинг кўпчилиги (меҳнатга, дам олишга, таълимга ва ҳ. к.) биринчи марта СССР ва марксистик социализмнинг бошқа мамлакатларида конституция йўли билан

мустаҳкамлаб қўйилди, гарчи бу мамлакатларда уларнинг эълон қилиниши анъанавий либерал ҳуқуқларнинг бузилиши билан бирга кечган бўлса ҳам. Бу охир-оқибат жамиятда турли ижтимоий имтиёзларнинг кўпайиши, меҳнатга ҳақ тўлашда сунъий тенглаштириш, меҳнат самарадорлигининг пасайиши, ижтимоий боқимандалик кайфиятининг кенг тарқалиши, кўпчилик фуқаролар турмуш даражасининг пасайишига олиб келди.

Ғарб мамлакатларида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари юридик жиҳатдан асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин эътироф этилди. 1948 йилда уларнинг энг муҳимлари: меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий таъминот, таълим, инсон шаънига муносиб турмуш тарзи ва бошқаларга бўлган ҳуқуқлар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқларининг Умумий Декларациясига киритилди. Бу ижтимоий ҳуқуқларнинг бир қатор давлатлар конституциялари ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилишига туртки берди. XX асрнинг 2-ярмида саноати ривожланган мамлакатларда уларни амалга ошириш учун қулай моддий имкониятлар яратилди. Сўнгги 30 йил давомида инсоният томонидан яратилган ялпи маҳсулотнинг қиймати 1,7 триллион доллардан тахмин 15 триллион долларгача кўтарилди. Бу эса, ер шарида кейинги 2000 йил давомида яратилган барча бойликка тахминан тенг келади ва барча фуқароларнинг энг муҳим моддий эҳтиёжларини қондириш учун кифоя қилади.

Индивидуал эҳтиёжлар инсон ҳуқуқларининг манбаи сифатида

Инсон ҳуқуқларининг давлатдаги мавқеи ва обрўси кўп жиҳатдан унинг манбалари қандай талқин қилинишига боғлиқ. Маърифат инсоннинг табиий ҳуқуқларини белгилашда ҳал қилувчи мезон бўлди.

Шу орқали у мазкур ҳуқуқларнинг дунёвий асосларини топишга ҳаракат қилди. Бугунги кунда турли дунёқарашга эга бўлган сиёсатшунослар инсон ҳуқуқларининг таянч манбаини турлича баҳолайдилар. Улардан баъзилари инсоннинг табиий хусусиятларида, инсон зотини ушлаб турадиган асосий эҳтиёжлар — ҳаётни давом эттириш, хавфсизлик, куч ишлатиш ва ижтимоий асосланмаган чекловлардан озодлик, инсон шаънини ҳурмат қилиш, маънавий ривожланиш кабиларда кўринади.

Бошқалари эса, улардан энг юксакларини маънавиятга, худога мурожаат қилиш ҳуқуқи деб билади. «Инсон шахсининг эркинлиги, — ёзади Бердяев, — жамият томонидан берила олмайди ва ўзининг манбаи ва хусусиятига кўра унга боғлиқ бўла олмайди — у маънавий мавжудот сифатидаги инсонга тааллуқли. <...> Инсон устидан жамият ҳокимиятининг чегараларини белгилайдиган ажралмас ҳуқуқлар табиат эмас, маънавият томонидан белгиланади. Булар табиий ҳуқуқлар эмас, маънавий ҳуқуқлардир, табиат ҳеч қандай ҳуқуқларни белгиламайди»[3].

Инсон ҳуқуқларининг таянч манбаига берилган бу икки талқин инсон ҳуқуқларига нисбатан табиий-тарихий ёндашувнинг доирасига жойлаштирилиши мумкин. Улар ўртасидаги зиддият кучли эмас ва улар асосида ётган инсон табиатини биологик махлуқ сифатларига эмас, илоҳийликдан келиб чиққан сифатларга тенглаштирилса, бартараф этилиши мумкин. Бу масаладаги, шунингдек, инсон ҳуқуқларини умуман тушунишдаги муҳимроқ тафовутлар уларни талқин қилишдаги позитивистик ва марксистик ёндашувлар билан боғлиқ.

Инсон ҳуқуқларига асосий ёндашувлар

Маърифатчи файласуфларнинг инсон ҳуқуқларини таърифлашда одам ақлига олий ҳакам сифатида мурожаат қилишлари уларни талқин қилишда XX асрда кенг тарқалган 3 асосий ёндашувга асос бўлди. Улардан биринчиси, **табиий-тарихий** ёндашув ақлнинг ролини асосан объектив равишда мавжуд бўлган инсон ҳуқуқларини англаш билан чегаралайди. Либерал анъаналарни давом эттириб, у шахснинг фундаментал ҳуқуқлари нодавлат ва ноюридик келиб чиқишга эга, дейди. Давлат уларни ҳурмат қилиши ва кафолатлаши ёки бузиши ва эзиши мумкин, лекин инсонга туғилишдан хос бўлган табиий ҳуқуқларни у олиб қўя олмайди.

Ҳуқуқларнинг муайян мазмуни ва ҳажми жамият ривожланиши билан ўзгариб ва кенгайиб борса ҳам, фундаментал ҳуқуқларнинг ўзлари инсон зотини таянч сифатлари барқарорлигини акс эттириш билан ўзгармай қолади. Таянч ахлоқий тамойиллар ва талаблар сифатида инсон ҳуқуқлари ижтимоий-синфий тузилма, жамият тараққиётининг аниқ босқичлари, қонуний меъёрларга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Одам учун олий қадрият мавқеига эга бўлар экан, улар қонуннинг инсонийлиги манбаи, ҳар қандай сиёсий ва ижтимоий тузумни баҳолашнинг ташқи мезони, универсал ўлчови сифатида намоён бўлади. Иккинчи, **позитивистик (ёки юридик-позитивистик)** ёндашув давлатни ижтимоий ақлнинг мужассами сифатида талқин қилиш ва инсон ҳуқуқларининг ҳар қандай нодавлат келиб чиқишини инкор қилишга таянади. Ҳуқуқнинг манбаи ва гаранти давлат ҳисобланади. Ҳуқуқ ва қонун жиддий тафовутларга эга эмас. Шахс ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг умумий тизимидан ажралиб турмайди ва давлат қонунларига нисбатан устувор-

[3] Бердяев Н. А. Судьба России. М., 1990. С. 254-255.

ликка эга эмас. Инсон ҳуқуқларининг ўзлари жамият имкониятлари ва давлат мақсадларига мувофиқлигига боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Инсон ҳуқуқларига энг кўп тарқалган учинчи ёндашув **марксистик** ёндашув бўлиб, позитивизмнинг прагматик қурилмасига уни давлат мақсадига мувофиқликка бўйсундириб қўшилади. Бироқ марксизм ҳуқуқнинг ўз-ўзидан рационал қадрият эканлигидан келиб чиқмайди, балки унинг ижтимоий-иқтисодий ва аввало, синфий детерминацияланишувига асосланади. Ҳуқуқ ҳукмрон синфнинг қонун даражасига кўтарилган иродаси сифатида тушунилади. Бунда индивид ҳуқуқлари масаласини қўйишнинг ўзи ортиқча бўлиб қолади, чунки шахс ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси, муайян ижтимоий тузумнинг маҳсули сифатида талқин қилинади.

Марксизмни ўзларининг расмий мафкураси сифатида эълон қилган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари юридик жиҳатдан эътироф этилган, бироқ амалда улар феодализмга хос, яъни партия ва давлат томонидан ихтиёрий изоҳланадиган синфий ва умумхалқ манфаатларига мослигига боғлиқ тарзда бериладиган неъматлар сифатида талқин қилинган. Инсон ҳуқуқларини назорат қилишнинг мустақил институтлари мавжуд бўлмаган.

Умуман олганда марксизм, айниқса, ленинизм ва сталинизм ҳуқуқнинг умуминсоний табиатини инкор қилади. Умуминсоний қадриятларни синфий, партиявий мақсадга мувофиқликка асосланган ахлоқ билан алмаштиради. Бу таълимот коммунистик формацияда жамият ва шахс муносабатларининг мослиги, уйғунлигидан, давлат ва ҳуқуқнинг ўлишидан, демак, инсон ҳуқуқлари институтининг кераксизлигидан келиб чиқади. Инсон ҳуқуқлари ғояси билан унчалик мос келмаслигига қарамай, марксизм ва уни амалга оширишга даъво қилган социалистик мамлакатлар шасхнинг ижтимоий ҳуқуқларини асослаш ва мустаҳкамлашга сезиларли ҳисса қўшдилар.

§ 2. Шахснинг энг муҳим ҳуқуқлари ва ҳозирги дунёда уларни рўёбга чиқариш муаммоси

Инсон ҳуқуқлари таснифи. Негатив ва позитив ҳуқуқлар

Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатар учун инсон ҳуқуқлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган олий қадрият ҳисобланади. «Инсон ҳуқуқлари» атамаси кенг ва тор маъноларда қўлланилади. **Тор маънода** бу — берилмай-диган, фақатгина давлат томонидан кафолатланадиган ҳуқуқлар

бўлиб, улар конституцияда мустаҳкамланган ёки мустаҳкамланмаганидан ва давлат чегараларидан қатъий назар амал қилаверади. Улар жумласига, барча одамларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва тан дахлсизлиги ҳуқуқи, инсон шаънини ҳурмат қилиш, ноқонуний ҳибсга олиш ва тутиб туришдан сақланиш эркинлиги, виждон ва эътиқод эркинлиги, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ҳуқуқи, эзувчиларга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқи ва бошқалар киради. **Кенг маънода** инсон ҳуқуқлари ўз ичига шахснинг жуда кенг миқёсдаги эркинлик ва ҳуқуқлари мажмуини уларнинг турли кўринишларини қамраб олади.

Ҳозирги кунда инсон ҳуқуқларини турли-туман таснифлайдилар. Улар ичида энг кенг қамровлиси барча ҳуқуқларни **негатив** (эркинликлар) ва **позитив** турларга бўлишдир. Ҳуқуқни бундай бўлиш эркинликнинг негатив ва позитив жиҳатларини фарқлаш билан боғлиқ. Маълумки, негатив маънодаги эркинлик шахсга нисбатан мажбурлашнинг йўқлиги, ўз хоҳишига қараб ҳаракатланиш имкониятини билдиради, позитив маънода эса, танлов эркинлигини, энг муҳими одамнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш лаёқати, умуман шахсий ривожланишдаги қобилиятлар кўринишини англатади.

Мана шундай тушуниш давлат ва бошқа одамларнинг индивидга нисбатан у ёки бу ҳаракатлардан тийилиб туриш мажбуриятини билдиради. Улар шахсни унинг эркинликларини чеклайдиган аралашув ва чекловлардан ҳимоя қилади. Бу ҳуқуқлар асосий, мутлақ ҳуқуқлар ҳисобланади. Уларнинг амалга оширилиши давлатнинг заҳиралари, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига боғлиқ эмас. Негатив ҳуқуқлар индивидуал эркинликларнинг пойдеворини ташкил қилади. Деярли барча либерал ҳуқуқлар негатив ҳуқуқ хусусиятига эга.

Ҳуқуқларнинг мана шу гуруҳини ва умуман, инсон ҳуқуқларига негатив (ва либерал) ёндашувнинг типик намунаси сифатида АҚШ Конституциясининг ҳуқуқлар ҳақидаги Биллини кўрсатиш мумкин. Унинг биринчи бандида шундай дейилади: «Конгресс бирор динни ўрнатадиган ёки унга эркин эътиқод қилишни ман этадиган, сўз ёки матбуот эркинлигини ёки халқнинг тинч тўпланиши ва ҳукуматга суиистеъмолчиликларни бас қилиш тўғрисидаги петициялар билан мурожаат қилиш эркинлигини чеклайдиган қонунлар қабул қилмаслиги кераю». «Қилмаслиги кераю» атамаси мазкур ҳужжатнинг деярли барча (биттасидан ташқари) бандларида мавжуд. Амалда ҳуқуқлар ҳақидаги Биллнинг бутун мазмуни шахсни ҳукумат томонидан ҳар хил адолатсиз ва кўнгилсиз аралашувлардан муҳофаза қилишга қаратилган.

Позитив ҳуқуқлар негатив ҳуқуқлардан фарқ қилиб, давлат, шахс ва ташкилотларнинг фуқарога у ёки бу неъматларни тақдим қилишлари, муайян ҳаракатларни амалга оширишлари тўғрисидаги мажбуриятларини қайд этади. Барча ижтимоий ҳуқуқлар позитив ҳуқуқ хусусиятларига эга. Булар масалан, ижтимоий ёрдам, таълим, соғлиқни сақлаш, тегишли турмуш даражаси ва бошқаларга бўлган ҳуқуқ. Бу ҳуқуқларни амалга ошириш негатив ҳуқуқларга қараганда анча қийин, чунки бирон нарса қилиш ёки ҳар бир фуқарога бирон нарса тақдим этишдан кўра ҳеч нима қилмаслик анча осон. Давлат ихтиёрида етарли заҳиралар бўлмаса, позитив ҳуқуқларни амалга ошириш мумкин эмас. Уларнинг муайян мазмун билан тўлдирилиши мамлакатнинг бойлиги ва ундаги сиёсий тизимнинг демократиклигига бевосита боғлиқ. Заҳиралар чекланган тақдирда фуқароларнинг «қашшоқликдаги тенглик» позитив ҳуқуқлари кафолатланиши мумкин, холос. Бундай ҳолат административ социализм мамлакатларида юз берган эди.

Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқларини негатив ва позитив турларга бўладиган таснифга қараганда анча аниқ ва кенгроқ анча аниқ ва кенгроқ тарқалган бошқа бир таснифга кўра бу ҳуқуқлар рўёбга чиқиш соҳаларига боғлиқ тарзда **фуқаролик (шахсий), сиёсий, иқтисодий, ижтимоий (бу сўзнинг тор маъносида), маданий ва экологик** турларга бўлинади.

Фуқаролик (шахс) ҳуқуқлари — инсоннинг ўз асосига кўра негатив хусусиятли табиий, таянч, ажралмас ҳуқуқлари. Уларни давлат фуқароликка эга бўлган барча шахсларга кафолатлайдиган ҳуқуқлар мажмуини қамраб оладиган ҳуқуқлар билан аралаштирмаслик лозим. Фуқаролик ҳуқуқлари ҳаёт ва эркинликка бўлган табиий ҳуқуқлардан келиб чиқади ва индивидуал мустақиллик ва эркинликни кафолатлашга, шахсга ҳокимият ва бошқа одамлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунсиз хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Бу ҳуқуқлар одамга ўз индивидуаллигини сақлаш, бошқа одамлар ва давлат билан муносабатларда ўзлигини сақлаб қолиш имкониятини яратади. Одатда, фуқаролик ҳуқуқларига ҳаётга бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ўз шаъни ва яхши номини сақлаш ҳуқуқини, айбланувчининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши кўзда тутиладиган одил, мустақил ва оммавий судловга, ёзишмалар, телефон, телеграф орқали ва бошқа ахборотларни сир сақлашга, яшаш жойини ўзгартириш ва танлаш эркинлиги, шу жумладан, ҳар қандай давлатни, демак, ўз давлатини ҳам ташлаб кетиш, ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқи ва бошқалар киритилади.

Кўпгина давлатларнинг конституцияларида фуқаролик ҳуқуқлари сиёсий ҳуқуқлар билан одатда бир гуруҳга жамланади. Бунга асос қилиб, уларнинг ҳар иккиси ҳам негатив характерга эга бўлгани, шунингдек, уларнинг шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини индивидуал ва ижтимоий кўринишларда таъминлашга қаратилгани хизмат қилади.

Сиёсий ҳуқуқлар фуқароларнинг давлатни бошқариш ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятларини белгилайди. Улар жумласига, инсоннинг фуқаролик ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи, иттифоқ ва уюшмалар, намойиш ва йиғилишлар эркинлиги, ахборот олиш ҳуқуқи, сўз, фикр эркинлиги, шу жумладан, матбуот, радио ва телевидение эркинлиги, виждон эркинлиги ва бошқалар киритилади. СССРда ва бошқа коммунистик давлатларда сиёсий ҳуқуқларга нисбатан рухсат бериш ёндашуви узоқ вақт ҳукмронлик қилган, амалда у рўёбга чиқариш учун ҳокимият розилигини талаб қилар экан мазкур ҳуқуқларни йўққа чиқарди. Бу ҳуқуқлар эркин рўёбга чиқарилиши учун уларни тақдим қилиш асосан, қайд қилиш хусусиятига эга бўлиши керак, яъни уларни рўёбга чиқариш учун ҳокимиятдан олдин рухсат олиш эмас, балки фуқаролар томонидан тегишли органларни хабардор қилиш ва уларнинг қонунийлик ва ижтимоий тартибни таъминлаш бўйича кўрсатмаларини ҳисобга олиш тақозо қилинади.

Иқтисодий ҳуқуқлар

Иқтисодий ҳуқуқлар сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига бевосита ёндашади. Улар индивидларнинг истеъмол предметлари ва хўжалик фаолиятининг асосий омиллари: ишлаб чиқариш шароитлари ва ишчи кучи билан эркин муомала қилишларига боғлиқ. XX аср ўрталаригача мазкур ҳуқуқларнинг энг муҳимлари бўлган хусусий мулк, тадбиркорлик ишчи кучи билан эркин муомалада бўлиш одатда, фуқароларнинг таянч ҳуқуқлари сифатида кўриб келинган. Ҳозирги замон юридик ҳужжатларида бу ҳуқуқлар кўпроқ иқтисодий ҳуқуқлар деб аталади ва улар фуқаролик, сиёсий ва ҳ. к. ҳуқуқлар билан бир хил даражадаги алоҳида гуруҳ ҳисобланади.

Иқтисодий ҳуқуқлар орасида хусусий мулк ҳуқуқи алоҳида ўрин тутади. Ғарб мамлакатларида ва Россияда 1917 йилгача бу ҳуқуқ фуқаролик жамияти мавжудлиги ва индивидуал эркинликларни таъминлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланган. Коммунистик давлатларда эса у умуман инкор қилинган, шахсий истеъмол предметларига нисбатан шахсий мулк ҳуқуқи билан тенглаштирилган. Бироқ истисносиз барча мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, хусусий мулкни таъқиқлаш инсон учун ғайритабиийдир. У

ихтиёрий ташаббускор меҳнат мотивациясини емиради, оммавий хўжалик масъулиятсизлиги ва ижтимоий боқимандаликни келтириб чиқаради, жамиятнинг тотал ғайриинсонийлашуви ва инсон шахсиятининг емирилишига олиб келади. Давлат томонидан назорат қилинмайдиган яшаш муҳити, ишлаб чиқариш воситаси, тадбиркорлик кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилинган индивид ҳокимиятга тўла қарам бўлиб қолади, эркинлик ва индивидуалликдан ажралади.

Бундан ташқари, хусусий мулк ҳуқуқининг йўқлиги кўпчилик фуқароларни камбағаллик ва қашшоқликка маҳкум этади, чунки бу ҳуқуқни қонунан эътироф этмай ва амалда рўёбга чиқармай туриб самарали бозор иқтисодиёти бўлиши мумкин эмас. Хусусий мулк шундай бир кичик ғиштчаки, ундан ҳозирги замон хўжалик механизмининг мураккаб биноси, шу жумладан, гуруҳ мулкчилигининг турли шакллари: ширкат, ҳиссадорлик ва бошқа шакллари таркиб топади.

Айни пайтда, тарих тажрибаси хусусий мулк ҳуқуқини ҳам бошқа ҳар қандай ҳуқуқ сингари **чеклаш** зарурлигидан гувоҳлик беради. Иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари, халқ оммасининг демократик ҳаракатлари хусусий мулк тушунчасининг ўзини талқин қилишда жиддий ўзгаришларга, унинг ижтимоийлашувига, давлат назорати остига қўйилишига олиб келди. Бугунги кунда хусусий мулкнинг **мутлақ** характерини талаб қиладиган кимсани топиш қийин. Умуман сақланиб қолган бўлса ҳам, **мулкнинг дахлсизлиги** кейинги планга ўтиб қолди. ГФР, Франция, Италия ва бошқа бир қатор давлатларнинг қонунчилигида хусусий мулкнинг йўл қўйиладиган чегаралари белгилаб қўйилган, ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш кўрсатилган. Бундай чекловнинг киритилиши хусусий мулк ҳуқуқининг фундаментал хусусияти инкор қилинишини англатмайди. Посткоммунистик мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳам унинг шахс ва жамият манфаатлари йўлига амалий рўёбга чиқарилишидаги оптимал шаклларни аниқлаш ислоҳотлар сиёсатининг муваффақиятлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар

Сиёсий, иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқлари кўпинча либерал ҳуқуқлар ёки **биринчи бўғин ҳуқуқлари** деб юритилади.

Уларнинг барчаси шахс эркинликларини ҳокимият ва бошқа одамлар томонидан қилинадиган тажовузлардан ҳимоя қиладиган ва давлат томонидан муҳофаза қилинадиган негатив ҳуқуқлар хусусиятига эга.

Иккинчи бўғин ҳуқуқлари жумласига (кенг маънодаги) ижтимоий ҳуқуқлар киритилади. Улар эркинликнинг моддий шароитлари ва ҳар бир одам учун инсон шаънига лойиқ ҳаётни таъминлашга йўналтирилган. Уларнинг ўзига хос хусусияти аввало шундаки, улар кўпчилик аҳоли томонидан рўёбга чиқарилиши конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш ва давлат томонидан ҳимоя қилиш орқали тўла таъминланмайди, балки моддий неъматларнинг бутун бир мажмуи яратилишини тақозо қилади.

Иккинчи бўғин ҳуқуқларига ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар киритилади. Уларнинг бари биргаликда давлатнинг ҳар бир одам учун тегишли яшаш шароитларини, инсон шаъни учун зарур бўлган моддий неъматлар ва хизматлар минимумини, бирламчи эҳтиёжлар ва маънавий ривожланишни меъёрий қондириш, соғлом атроф-муҳитни таъминловчи мажбуриятларни белгилайди. Бунда **ижтимоий ҳуқуқлар** ҳар бир одам учун тегишли турмуш даражаси ва ижтимоий муҳофаза билан боғлиқ бўлади. Бу ижтимоий таъминот, уй-жой, меҳнат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларга бўлган ҳуқуқлар.

Маданий ҳуқуқлар одамнинг маънавий ривожланишини кафолатлашга йўналтирилган. Улар ўз ичига таълим, маданий қадриятлардан фойдаланиш, бадиий ва техник ижод, ўқитиш эркинлиги ва баъзи бошқа ҳуқуқларни қамраб олади. **Экологик ҳуқуқлар** бу — соғлом атроф-муҳит, унинг аҳволи ҳақидаги ахборот ва экологик қонунбузарлик туфайли одамнинг саломатлиги ёки мулкига етказган зарарни қоплаш ҳуқуқидир.

Жамоавий ҳуқуқлар. Халқларнинг ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари индивидуал хусусиятга эга. Бироқ жамоавий ҳуқуқ ҳам мавжуд. Унинг субъектлари турли-туман. Улар жумласига, оила, ишлаб чиқариш жамоалари, сексуал ва миллий озчиликлар ва бошқаларни киритиш мумкин. Сўнгги ўн йилликларда миллатчилик ҳаракатларининг фаоллашуви туфайли халқлар (миллатлар)нинг ўзини-ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқларининг инсоний таянч ҳуқуқлари билан муносабати масаласи кескинлик касб эта бошлади. СССР, Югославия ва бошқа баъзи кўпмиллатли коммунистик мамлакатлар парчаланиши натижасида вужудга келган янги давлатларнинг кўпчилигида халқларнинг миллий-давлат мустақиллигига эришиши ҳукмрон элиталар томонидан миллий нафрат, сиёсий дискриминация ва туб жой аҳолиси ҳисобланмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини оммавий тарзда бузиш каби мақсадлар йўлида фойдаланилди. Бундай хатти-ҳаракатлар демократия ва инсонпарварлик тамойилларига зид бўлиб, халқаро ҳамжамият томонидан қораланади.

Инсон ҳуқуқлари ва халқларнинг ҳуқуқлари ўзаро бир-бирларини тўлдиришлари керак. Бунда инсон ҳуқуқлари асосийроқ бўлиб, юқорироқ қадрият мавқеига эга. Уларни рўёбга чиқармай туриб, халқларнинг ҳуқуқлари шу халқни ташкил қилувчи фуқаролар учун ҳукмдорлар томонидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланадиган иллюзия бўлиб қолади. ОБСЕнинг 1991 йилда ўтказилган инсон ўлчовлари бўйича Конференциясининг Москва йиғилишида айтилганидек, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши алоҳида давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилидан юқорироқ.

Миллатларнинг ўзини-ўзи белгилаш ҳуқуқи инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва сиёсат юритишда ўзига хос этник, лингвистик, диний ва бошқа жамоавий манфаатларнинг давлат-ҳуқуқий кафолатларини яратишига қаратилган. Инсон ҳуқуқлари рўёбга чиқарилганида, этник бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари, суверенитет ва давлат мустақиллигига бўлган ҳуқуқларини таъминлашга нисбатан мустаҳкам сиёсий ва бошқа кафолатлар мавжудлиги кўп жиҳатдан ўзининг маъносини йўқотади. Бу ҳақда, жумладан, Европа мамлакатларидан кўпчилиги ўзларининг миллий-давлат суверенитети соҳасидаги асосий ҳуқуқларини Европа иттифоқига бериб қўйганлари ва уларнинг ягона федератив давлат тузиш йўналишида ривожланаётганликлари гувоҳлик беради.

Инсон ҳуқуқлари фавқулодда хилма-хилдир. Умуминсоний қадриятларни ифодалар экан, улар алоҳида ижтимоий гуруҳлар, масалан, болалар, қочқинлар, маҳбуслар ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Охирги ўн йилликларда ОБСЕ доирасида инсон ҳуқуқлари каталоги тузилмоқдаки, унда юқорида кўриб ўтилган инсон ҳуқуқлари тўлдирилади ва деталлаштирилади.

Фуқароларнинг мажбурият ва масъулиятлари, улар ҳуқуқининг кафолатлари

Инсон ҳуқуқлари фақатгина улар одамларнинг мажбуриятлари билан узвий боғлангандагина воқеликка айланади. Ғарб давлатларининг конституцияларида Иккинчи жаҳон урушигача фуқароларнинг мажбуриятлари гарчи у ёки бу шаклда қонунчиликка киритилса ҳам, деярли эсга олинмас эди.

Демократик давлатларда фуқароларнинг мажбуриятларига одатда қонунларга риоя қилиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлаш, солиқлар тўлаш, полиция кўрсатмаларига амал қилиш, табиатни, атроф-муҳитни, маданият ёдгорликлари ва бошқаларни ҳимоя қилиш кабилар киради. Баъзи мамлакатларда давлат органларига ўтказиладиган сайловларда иштирок этиш ва ҳарбий мажбурият энг муҳим мажбуриятлар жумласига киритилади. Баъзи мамлакатлар (Япония, Италия, Гватемала, Эквадор ва бошқалар)нинг конституцияларида меҳнат қилиш мажбурияти, бола тарбиялаш (Италия), ўз саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва даволаниш учун ўз вақтида мурожаат қилиш (Уругвай) ҳақида ҳам сўз юритилади. Бироқ бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун жаворбгарлик одатда кўзда тутилмайди.

Шахс ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бузганлик учун **жавобгарлик масаласи** уларни рўёбга чиқаришда жуда муҳим аҳамият касб этади. Ҳокимият, мансабдор шахслар ва алоҳида фуқароларнинг бу соҳадаги аниқ жавобгарлигини белгиламасдан инсон ҳуқуқларини конституцияда қайд этиш чиройли декларациядан бошқа нарса бўлмайди.

Улар воқеликка айланиши учун бир қатор **ижтимоий кафолатлар** ҳам зарур. Улар жумласига моддий (молиявий воситалар ва мулк), сиёсий (ҳокимиятларнинг бўлиниши, мустақил мухолифатни, суд, ОАВ ва бошқалар), юридик (демократик қонунчилик ва суд тизими) ва маънавий-ахлоқий (зарур маълумот даражаси, ахборот олиш, демократик ижтимоий фикр ва ахлоқий иқлим) кафолатларини киритиш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари сиёсатнинг инсонийлиги мезони сифатида

Инсон ҳуқуқларининг бутун мажмуини амалда рўёбга чиқариш мураккаб ва кенг қамровли вазифа бўлиб, унинг қай даражада бажарилиши алоҳида мамлакатларнинг ҳам, инсоният тамаддунининг ҳам ривожланиш даражасини, прогрессивлиги ва инсонпарварлигини бевосита характерлайди. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларининг сақланиши ва бойроқ мазмун билан тўлдирилиши ички ва ташқи сиёсатнинг инсонийлиги, инсоний ўлчовларнинг энг муҳим мезонлари сифатида майдонга чиқади. Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш орқали алоҳида давлатда, ва умуман дунёда инсоннинг олий қадрият эканлиги тасдиқланади. Алоҳида мамлакат доирасида уларга риоя қилиниши соғлом иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, сиёсатда соғлом фикр тантанасининг, халқлар устида ҳалокатли тоталитар ва бошқа экспериментлар ўтказишни, агрессив ички ва ташқи сиёсатнинг олдини олишнинг зарур шартидир. 1789 йилдаёқ инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Франция Декларациясининг преамбуласида, «Инсон ҳуқуқларини билмаслик, унутиш ва ҳурмат қилмаслик ҳукуматнинг коррумпиялашгани ва ижтимоий бахтсизликларнинг ягона сабабидир» дейилган эди. Ҳозирги фан у даражада қатъий бўлмай, ижтимоий фалокатларнинг бошқа сабабларини ҳам эътироф этсада, у барибир инсон ҳуқуқларини ҳур-

мат қилишни жамиятдаги фаровонликнинг энг муҳим шарти деб ҳисоблайди.

Инсон ҳуқуқлари универсалми?

Ҳозирча ҳали ҳамма давлатлар ҳам инсон ҳуқуқларини эътироф этаётгани йўқ.

Баъзи сиёсатчилар ва назариётчилар, жумладан, улар фақатгина индивидуализмга асосланган Ғарб жамиятига мос келадиган ва одамлар орасида жамоавий муносабатлар ва бошқа ахлоқий қадриятлар ҳукмронлик қиладиган учинчи дунё мамлакатларида қўлланиши мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Бундай далилларга фақатгина қисман қўшилиш мумкин. Инсоният тажрибаси мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти шахснинг индивидуаллиги ва ўз-ўзини англаши, озодликка ва инсон шаъни ҳурмат қилинишига, яъни инсон ҳуқуқлари сақланишига интилишини кучайтиришидан гувоҳлик беради. Инсон ҳуқуқларининг сақланиши шахснинг эркинлигига, ўзини намойиш қилишига кўмаклашар экан, ижтимоий тараққиётни рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам, миллий воқеликларни ҳисобга олиб инсон ҳуқуқларини борган сари тўлароқ рўёбга чиқариш инсониятнинг умумий вазифасидир.

Инсон ҳуқуқлари концепциясининг универсал қўлланиши, кўпинча, давлат томонидан очлик, қашшоқлик, касалликлар ва саводсизлик кенг тарқалган шароитини ёки бўлмаса кескин низоли вазиятларни баҳона қилиб шубҳа остига қўйилади. Бундай ҳолларда, барча ижтимоий гуруҳларда хатти-ҳаракат эркинлигини тақдим қилиш гўёки аҳолининг кўпчилиги учун бир қатор негатив оқибатларга: жамиятни беқарорлаштириш ва хаос ҳолатига келтириш, энг кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ҳаракатларни жамлаш, энг жипслашган ва таъсирли гуруҳларнинг чекланмаган ҳукмронлигига олиб келар эмиш. Шунинг учун кам ривожланган ва кескин низоли мамлакатларда халқ учун энг самарали ва мақсадга мувофиқ бошқарув шакли фуқароларга ўз хоҳишича ҳуқуқлар берадиган авторитар ҳокимият бўлиши мумкин.

Албатта, қоидалардан мустаснолар ҳам бўлади. Фавқулодда вазиятларда давлат фуқароларнинг эркинлигини чеклашга ҳақли. Бироқ бундай вазиятлар одатда узоқ давом этмайди. Нормал шароитларда, ҳаттоки кам ривожланган ва кескин низоли мамлакатларда ҳам инсон ҳуқуқлари ҳокимиятдаги суиистеъмолликларга қарши энг муҳим кафолат, ижтимоий муросага келиш, бошқа мамлакатлар билан тинч муносабатлар ва халқаро ҳамкорликнинг шарти бўлади.

Халқаро сиёсатда инсон ҳуқуқлари

Дунё ҳамжамияти миқёсида инсон ҳуқуқларини сақлаш халқаро муносабатларни ҳақиқий инсонпарварлик ва ахлоқий асосларда ўрнатиш тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг энг муҳим кафолати бўлади. Алоҳида давлатнинг ташқи сиёсати ва инсон ҳуқуқларига ҳурмати ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Урушларни бошлаш, халқаро ҳуқуқни қўпол равишда бузиш, одатда ҳукуматлар томонидан ўз фуқароларининг ҳуқуқларини оёқ ости қилишлари билан боғлиқ бўлади. Нацистлар Германиясида ҳам, СССРда ҳам, Ироқда ҳам, агрессив урушлар олиб бораётган ёки қўпол тажовузкорлик ҳаракатини амалга ошираётган мамлакатларда ҳам худди шундай бўлган эди. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб ОБСЕга аъзо мамлакатлар инсон ҳуқуқларига риоя қилишни фақатгина алоҳида мамлакатнинг ички иши сифатидагина эмас, балки ўзларининг умумий ташвишлари ва жамоавий масъулиятлари предмети сифатида ҳам олиб қарайди.

Шахс ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлайди. Одамларнинг ўзаро турли хил мулоқотлари ва ҳамкорлиги учун қулай шароит яратади, халқаро муносабатларга ахлоқийликни олиб киради. Инсон ҳуқуқларига ҳурмат туфайли вужудга келадиган умумий гуманистик қадриятлар ва ҳуқуқий базани яратмай туриб, халқларни бирлаштириш, интеграциялаш мумкин эмас. Давлатлар, миллатлар, ирқлар ўртасидаги ва бошқа тафовутлардан қатъий назар ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини таъминлаш инсониятнинг самовий ақли ва ахлоқийлигига ягона йўлдир. Бутун инсоният тарихи давомида ақл ва ахлоқ умуман инсониятга эмас, кўпроқ алоҳида одамларга тааллуқли бўлган. Бу ҳақда, масалан, кўплаб вайронкор урушлар, табиатга ўйламай, ёввойиларча муносабатда бўлиш ва бошқалар етарли гувоҳлик беради. Инсон зотининг ҳар бир вакили ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ақл ва инсонпарварлик асосида сайёра тамаддунини яратишнинг таянч тамойили бўлиши мумкин. У шахсга ўз хусусий ва ижтимоий ҳаётининг яратувчиси бўлишга, манфаатлар, фикрлар ва одамларнинг қадриятларига йўналтирилганлиги мос келмаслиги оқибатида вужудга келадиган низоларни оғриқсиз ва конструктив ҳал қилиш, ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ҳамда уни инсон ва инсониятга хизмат қилдириш учун имконият яратади.

III БЎЛИМ

ҲОКИМИЯТ ВА УНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ

6-БОБ

ЖАМИЯТДАГИ ҲОКИМИЯТ

1 §. Ҳокимият тушунчаси, тузилмаси ва вакиллари

Ҳокимият таърифларининг турличалиги

Ҳокимият — жамият ва сиёсатнинг фундаментал асосларидан биридир. У кишиларнинг барқарор уюшмалари бўлган барча жойда: бутун давлатда — бунда биз олий, сиёсий ҳокимият билан тўқнаш келамиз, оилада, ишлаб-чиқариш жамоаларида, турли хилдаги ташкилотлар ва муассасаларда мавжуд бўлади.

Илмий адабиётда ҳокимиятнинг турли-туман таърифлари мавжуд бўлиб, улар ушбу ҳодисанинг мураккаблиги, кўп йўналишлилигини акс эттиради. Ҳар бир тушунча одатда ҳокимиятнинг у ёки бу томонига ёки намоён бўлишига эътиборни жамлайди ва унинг таҳлилига маълум бир ёндашув билан боғлиқдир. Ҳокимиятни талқин этишнинг қуйидаги муҳим жиҳатларини ажратиш мумкин.

1. **Телеологик** (мақсад нуқтаи назаридан) таъриф ҳокимиятни қўйилган мақсадларга эришиш, мўлжалланган натижаларни олиш қобилияти сифатида тавсифлайди. Бертран Рассел «ҳокимият мўлжалланган мақсадларнинг амалга оширилиши сифатида таърифланиши мумкин»[1] — деб ёзади. Телеологик таъриф ҳокимиятни анча кенг баён этиб, уни нафақат кишилар ўртасидаги муносабатларга, балки инсоннинг ўзини ўраб турган дунё билан ўзаро таъсирига ҳам тадбиқ этади-бу маънода, масалан, табиат устидан ҳукмронлик тўғрисида гапирилади.

2. **Бихевиористик** талқин ҳокимиятни хулқ-атворнинг алоҳида бир тури сифатида олиб қарайди, бунда айрим кишилар буйруқ беради, бошқалари эса бўйсунади. Бихевиористик ёндашув ҳокимиятни тушунишни индивидуаллаштиради, ҳокимиятнинг субъектив сабабларига асосий эътиборни қаратиш билан уни реал шахсларнинг ўзаро таъсирига боғлаб қўяди. Г.Лассуэл ҳокимиятнинг

[1] Власть: очерки современной политической философии Запада. М. . 1989, 136-бет.

типик бихевиористик талқинларидан бирини таклиф этади. У ҳокимиятнинг вужудга келиши учун дастлабки импульслар (турткилар) индивидлар учун хос бўлган, ҳокимиятга интилиш (ирода) ва «сиёсий қувватга» эга бўлишни беради, деб ҳисоблайди. Инсон ҳокимиятда турмушни яхшилаш воситаларини: бойликка эга бўлиш, обрў-эътибор, эркинлик, хавфсизлик ва шу кабиларни кўради. Шу билан бир вақтда ҳокимият-бу унга эга бўлиш билан роҳатланишга имкон берувчи ягона мақсад ҳамдир. Сиёсий ҳокимият турли-туман эрк-иродаларнинг ҳокимият учун тўқнашувида сиёсий кучлар мувозанати сифатида вужудга келади.

3. **Психологик** (руҳий) талқинда ҳокимият, уни реал индивидларнинг хулқ-атвори сифатида бихевиористик тушунишдан келиб чиққан ҳолда, бу хулқ-атворнинг субъектив асосланишини кишилар онги ва онг остида жойлашган ҳокимият сарчашмаларини очиб беришга уринади. Бу турдаги энг кўзга кўринган йўналишлардан бири — бу психоанализ (руҳий таҳлил)дир. У ҳокимиятга интилишни асосан сексуал характердаги майлларнинг ўзгарган кўринишда (Зигмунд Фрейд) ёки умуман руҳий қувватнинг (Карл Густав Юнг) намоён бўлиши сифатида талқин этади. Ҳокимиятга интилиш ва айниқса, унга эга бўлиш жисмоний ёки руҳий тўла қийматга эга бўлмасликни субъектив қоплаш вазифасини бажаради. Ҳокимият унга нисбатан айримларнинг бўйсунишга, бошқаларнинг «кўнгилли қулликка» тайёрлиги каби иродаларнинг ўзаро таъсири сифатида вужудга келади. Фрейднинг ҳисоблайдики, инсон психикасида, шахсий ҳимояланганлик ва хотиржамлик эвазига уни эркинликдан кўра қулликни афзал билишга мойил қилувчи тузилмалар мавжуд.

Турли психоаналитиклар психологик (руҳий) бўйсунувчанлик сабабларини баён этишда ўзаро фарқланадилар. Айримлари (С. Московиси, Б. Эдельман) унда доҳийлар ва оломоннинг ўзаро муносабатларида мавжуд бўлган ўзига хос гипнотик ишонтиришни, бошқалари эса (Ш. Ласкан)-тилда ифодаланувчи белгиларга (символларга) инсон онг ости даражасининг алоҳида таъсирчанлигини кўрадилар. Умуман эса психологик ёндашув буйруқ бериш –бўйсуниш муносабатлари сифатида ҳокимиятнинг асосланиши механизмини аниқлашга ёрдам беради.

4. Ҳокимиятга бихевиористик ва психологик қарашларнинг тескариси унинг **тизимлилик** талқини ҳисобланади. Агар дастлабки икки йўналиш унинг намоён бўлишдаги реал кузатиладиган эмпирик тажрибага амал қилиб, ҳокимиятни тушунишда қуйидан юқорига, индивидлардан жамиятга томон боришни талаб этса, тизимлилик

услуби ҳокимиятнинг келиб чиқишини индивидуал муносабатлардан эмас, балки ижтимоий тизимдан келтириб чиқаришга таяниб, ҳокимиятни унинг жамоавий мақсадларини амалга оширишга йўналтирилган, тизимнинг элементлари томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг ижро этилишига тизимнинг қобилиятлилиги сифатида қарайди. Тизимли ёндашувнинг айрим вакиллари (К. Дойч, Н. Луман) ҳокимиятни гуруҳий масалаларни тартибга солишга имкон берувчи ва жамиятнинг умумлашувини таъминловчи ижтимоий мулоқот воситаси сифатида талқин этадилар. Ҳокимиятнинг тизимлилиги билан унинг нисбийлиги, яъни маълум тизимларга тарқалувчанлиги шарт қилиб қўйилади.

5. Ҳокимиятнинг **тузилмавий-функционалистик** талқини уни ижтимоий ташкилотнинг хусусияти сифатида, бошқарув ва ижро функциялари бўлинишининг мақсадга мувофиқлигига асосланувчи кишилар бирлигининг ўзини-ўзи ташкил этиш усули сифатида қарайди. Кишиларнинг жамоавий мавжудлиги, кўплаб одамларнинг биргаликдаги ҳаёт фаолияти ҳокимиятсиз кечиши мумкин эмас. Жамиятнинг ўзи поғонасимон тузилган бўлиб, бошқарувчилик ва ижрочилик ижтимоий ролларини табақалаштиради. Ҳокимият–бу имкониятлар ва таъсир воситаларини назорат қилишга имкон берувчи ижтимоий мақом ва ролларнинг хусусиятидир. Бошқача айтганда, ҳокимият ижобий ва салбий чора-тадбирлар, рағбатлантириш ва жазолаш ёрдамида кишиларга таъсир этиш имконини берувчи раҳбарлик амалларини эгаллаш билан боғлиқдир.

6. **Реляционистик** (французча «reletion» сўзидан-«муносабат» дегани) таъриф ҳокимиятни икки ҳамкорлар, ходимлар ўртасидаги муносабатлар сифатида олиб қарайди, бунда улардан бири иккинчисига белгиловчи таъсир кўрсатади. Бу ҳолда ҳокимият **унинг субъекти ва объектининг ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади, бунда субъект маълум воситалар ёрдамида объектни назорат қилади.**

Ҳокимиятни бундай тушуниш унинг тузилмасини очиб беришга, унинг турлича тавсифларини бир бутун ҳолда боғлашга имкон беради. **Ҳокимиятнинг асосий таркибий қисмлари унинг субъекти, объекти, воситалар (ресурслар)** ва унинг барча элементларини ҳаракатга келтирувчи ва ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро таъсир механизми ва усуллари билан тавсифланувчи жараён ҳисобланади.

Ҳокимият субъекти Субъект ва объект ҳокимиятнинг бевосита намояндалари ва ходимларидир. Субъект ҳокимиятнинг фаол, йўналтирувчи асосини мужассамлаштиради. У алоҳида одам, ташкилот, кишилар бирлиги, масалан, халқ ёки

ҳатто БМТга бирлашган жаҳон ҳамжамияти бўлиши мумкин. Ҳокимият муносабатларининг вужудга келиши учун субъект бир қатор сифатларга эга бўлиши зарур. Аввало бу фармойишлар ёки буйруқларда намоён бўлувчи ҳукмдорлик қилиш, ҳокимиятга бўлган ирода, ҳоҳишдир. Кўпчилик одамлар ҳокимиятга эга бўлишдан руҳий қониқиш ҳис этмайди. Ўз-ўзича ҳокимият улар учун қадрият эмас. Кўпчилик, агарда ҳокимият ҳар хил турдаги бахт-саодат — юқори даромад, обрў-эътибор, қулай алоқалар, имтиёзлар ва бошқаларни олиш учун кенг имкониятлар очмаганида, раҳбарлик лавозимлари ва у билан боғлиқ масъулиятдан умуман бош тортишни маъқул кўради. Улар учун ҳокимиятга интилиш инструментал характерга эга, яъни бошқа мақсадларга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Раҳбарликни исташ ва ўзига масъулиятни олишга тайёрликдан ташқари ҳокимият субъекти ваколатга эга бўлиши, ишнинг моҳиятини қўл остидагиларнинг аҳволи ва кайфиятини билиши, имкониятлардан фойдаланишни эплаши, обрў-эътиборга эга бўлиши лозим. Сиёсий ҳокимият учун субъектнинг ташкилотчилиги муҳим аҳамиятга эга. Албатта, ҳокимиятнинг реал намоёндаларига бу сифатларнинг барчасидан турли даражада берилган.

Сиёсий ҳокимият субъектлари мураккаб, кўп даражали характерга эга бўлади. Унинг бирламчи иштирокчилари индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар, иккиламчилари–сиёсий ташкилотлар ҳукмронлик муносабатларида турли гуруҳ ва ташкилотларни бевосита намоён этувчи энг олий даражадаги субъектлар-сиёсий гуруҳ ва етакчилардир. Бу даражалар ўртасидаги алоқа бузилиши ҳам мумкин. Масалан, етакчилар айрим ҳолларда оммадан ва ҳатто ўз партияларидан ҳам ажралиб қоладилар.

Ҳокимият муносабатларида субъектнинг биринчи даражали роли акс этиши оддий тилда ҳокимиятни унинг намояндалари билан айнан бир нарса деб билишдир. Масалан, ҳокимиятнинг қарорлари тўғрисида ҳокимиятнинг фаолияти ва шунга ўхшашлар тўғрисида гапирилганда, ҳокимият сифатида бошқарув органлари тушунилади.

Субъект ҳокимиятнинг ўзаро таъсир этиш мазмунини фармойиш (буйруқ) бериш орқали аниқлаб, бунда ҳокимият объектининг хулқ-атвори белгилаб қўйилади, буйруқнинг бажарилгани ёки бажарилмаганлиги учун мукофотлаш ва жазолаш кўрсатилади ёки англанади. Буйруқда баён этилган талабларнинг характери кўп даражада ижрочиларнинг ҳокимиятдаги иккинчи муҳим элемент — объектга муносабатига боғлиқ бўлади.

Ҳокимиятнинг объекти Ҳокимият, агарда хулқ-атворнинг ақл далилларига бўйсунишини гўёки шахснинг иккиёқламалигини тақозо этувчи, инсоннинг ўзи устидан ҳукмронлигини назарга олмаганда, албатта, ҳеч қачон фақат биргина фаолият кўрсатаётган шахснинг (органнинг) хусусияти ёки муносабатлари бўла олмайди. Бироқ бу энди ижтимоий эмас, балки психологик ходиса бўлади.

Ҳокимият доимо, субъект ва объектнинг ўзаро таъсирида ҳукмдор иродасининг устунлиги билан, иккиёқлама, носимметрик бўлади. У объектнинг тобелигисиз бўлмайди. Агарда бундай тобелик бўлмаса, унга интилувчи субъект ҳукмдорликнинг ёрқин ифодаланган иродасига ва ҳатто мажбур қилишнинг кучли воситаларига эга бўлишига қарамасдан, ҳокимият ҳам бўлмайди. Охир-оқибат объектда доимо, энг охиргиси бўлса ҳам, ҳар ҳолда — ҳалок бўлиш ёки бўйсунмасликни танлаш имкони бор. Аҳолининг итоаткорлигига ҳокимиятнинг қарамлигини (боғлиқлигини) англаш, ҳозирги дунёда зўрликсиз кураш усули сифатида кенг қўланилаётган, фуқаролар итоатсизлиги каби ҳаракатларда амалий сиёсий ифодасини топмоқда.

Объектнинг ҳукмдорлик субъектига муносабатлари чегараси қаттиқ қаршилик кўрсатишдан, ҳалок қилмоқ учун курашишгача (бу ҳолда ҳокимият бўлмайди), кўнгилли равишда бўйсунишни қувонч билан қабул қилишгача ёйилиб боради. Умуман олганда бўйсуниш ҳам раҳбарлик каби кишилик жамиятига табиатан хосдир. Бўйсунишга тайёрлик бир қатор омиллар: ҳукмдорлик объектининг шахсий сифатларига, унга қуйиладиган талабларнинг характерига, таъсир этиш вазияти ва воситаларига, шунингдек, раҳбарнинг ижрочилар томонидан сезилиши, унда обрў-эътиборнинг борлигига боғлиқдир. Сиёсий ҳукмдорлик объектининг сифатлари, аввало, аҳолининг бутун сиёсий маданияти билан аниқланади. Жамиятда «қаттиқ қўлга» чанқоқлик, фақат сўзсиз бўйсунишга кўниккан кишиларнинг кўпчилик бўлиши деспотик тартибларга қулай озиқлантирувчи муҳит ҳисобланади.

Тобеликнинг табиати Тобеликни изоҳлаш анча мураккаб иш. У чора-тадбир олдидаги қўрқувга; бўйсунишга бўлган кўп йиллик кўникмага; фармойишни бажаришдаги манфаатдорликка; бўйсунувчилар олдида раҳбарнинг обрў-эътиборига; объектни ҳокимият субъекти билан айнан бир нарса деб билишга асосланиши мумкин. Барча бу асослар ҳокимиятнинг кучига, яъни унинг субъектидаги таъсир этиш қобилиятига муҳим таъсир этади. Юқори таъсир кучи ва бўйсуниш эҳтимоли

ҳокимиятни, ундан кўра кенгроқ бўлган ҳукмдорликни ҳам, шунингдек, субъектнинг объектга бўлган кучсизроқ ва кам самарали таъсирини ҳам характерловчи тушунчадан-таъсир этишдан фарқлайди.

Қўрқувга асосланувчи **ҳокимиятнинг кучи** чора-тадбирлар таҳдидидан келиб чиқиб, жазонинг оғирлигига тўғри мутаносиб, итоатсизлик ва бўйсунмаганлик ҳолида жазодан қутилиш эҳтимолига тескари мутаносиб бўлади. Бундай ҳокимият кишиларнинг бу ёқимсиз ҳиссий аҳволдан қутилишга бўлган табиий интилиши оқибатида кучсизланиш йўналишига эга бўлади.

Кўникмага, бўйсуниш одатига асосланувчи ҳокимият кишилар томонидан нисбатан беозор, енгил қабул қилинади. Кўникма анъанавий жамиятларда давлатга бўйсунишнинг етакчи асосларидан бири бўлган. У реал ҳаёт талаблари билан зиддиятга келмагунга қадар, ҳокимият барқарорлигинининг ишончли омили бўлади. Агарда бу рўй берса, кишилар «қироллнинг яланғочлигини», ҳокимият ўз умрини яшаб бўлгани ва бўйсунишга нолойиқлигини сезиб қолсалар, унда, бўйсундиришда фақат кўникмага асосланувчи ҳокимият, тезда емирилади.

Манфаатлар асосига қурилган ҳокимият энг барқарор бўлади. Шахсий манфаатдорлик бўйсунувчиларни фармойишларни ихтиёрий равишда бажаришга ундайди, назорат ва салбий чоралар кўришни ортиқча қилиб қўяди. У кишиларда бўйсунишни ижобий асослашнинг бошқа турлари: эътиқод, обрў ва ўхшатиш асосида бўйсунишнинг ривожланишига имкон беради.

Ишонч-эътиқод бўйича бўйсуниш онгнинг анча чуқур қатламларига: менталитет, қадриятларни мўлжаллаш, шахснинг «иккинчи табиати»ни ташкил этувчи томонларни ўрнатишга (унинг «биринчи табиати» дастлабки, кўпроқ биологик эҳтиёжлар ва индивидуал кундалик манфаатлари таъсирида пайдо бўлади) сабабли таъсир этиш билан боғлиқдир. Давлатга ёки ҳокимиятнинг бошқа эгасига бевосита индивидуал эмас, ундан кўра кўпроқ, юқорироқ даражадаги манфаатлар, мақсадлар (ватанпарварлик, ахлоқий, диний ва шунга ўхшаш) ҳаққу ҳурмати бўйсунишга тайёрлик-ҳокимият кучининг муҳим манбаидир.

Ҳокимият учун бўйсунишнинг энг қулай таянчи **обрў-эътибор** ҳисобланади. У ҳокимият объекти ва субъекти умумий манфаатдорлиги ва раҳбарнинг ўта қобилиятлилигига бўйсунувчиларнинг ишончи негизида шаклланади. **Обрў-эътибор юқори қадрланувчи сифатлар бўлиб, уларни бўйсунувчилар раҳбарларига бағишлайди ва уларнинг эътиқод ёки чоралар таҳдидисиз**

ҳам бўйсунишини асослайди. У тотувликка асосланади ва раҳбар шахс ёки муассасага ҳурматни, унга ишончни билдиради. Обрў-эътибор, раҳбар ҳақиқатдан ҳам унга бўйсунувчилар бағишлаган сифатларга эга бўлган ҳолда, чин, ҳақиқий бўлиши ва раҳбар шахсига нисбатан адашувларга асосланса, ёлғон бўлиши мумкин. Унинг асосида ётувчи сифатларга боғлиқ ҳолда обрў-эътибор илмий (олимлик сифати), ишончли (ваколат, кўникма, таржриба), ахлоқий (юқори ахлоқий сифатлар), диний (муқаддас), статусли (амалга ҳурмат) ва б. бўлади.

Манфаатлар ишонч ва обрў-эътиборга асосланган ҳокимият дамба-дам бўйсунувчини раҳбар билан айнанлаштириш, яъни **ўхшаш, бир хил** деб қарашга ўсиб ўтади. Бу ҳолда ҳокимиятнинг кучи ўзининг юқори даражасига эришади ва объект томонидан субъект худди ўз вакили ва ҳимоячисидай қабул қилинади. Ижрочиларни раҳбар билан субъектив ҳолда ўзаро ўхшатиш икки сабабга кўра изоҳланиши мумкин: 1) ҳокимият муносабатларида кишиларнинг ҳақиқий иккиёқлама аҳволининг хусусияти сифатида, бу демократик ташкилотларда мавжуд бўлиб, индивидлар ҳокимиятнинг субъекти бўлиб чиқадилар ва унинг объекти сифатида унинг қарорларини бажарадилар. Бу ҳолда ҳокимиятнинг иккала ходими ҳам, тўлиқ бўлмаса ҳам, ўзаро мос келади; 2) раҳбар ва ижрочининг манфаатлари ва қадриятлари умумийлиги натижаси бўлиб чиқиши ва ижрочида бутун ташкилот ёки гуруҳ билан ягоналик туйғусининг вужудга келиши.

Субъект ва объект чекка қутбларни, ҳокимият тузилмасининг фаол асосларини тавсифлайди. Кишиларни субъект ва объект, бошлиқ ва ижрочига бўлишнинг ўзи кўп жиҳатдан релятивистик, нисбий ва ўзгарувчандир: айрим муносабатда одам бошлиқ бўлиб, бошқасида-ижрочи бўлиб чиқади, шу билан бирга, вақти-вақти билан индивидлар ролларини алмаштиришлари ҳам мумкин. Сиёсий ҳокимиятга нисбатан қўлланилганда, ходимларнинг ўзаро таъсири бутун бир гуруҳ воситалар ёки имкониятларни тақозо этади ва ҳукмдорлик жараёнини барқарорлаштирувчи ва тартибга солувчи махсус муассасавий механизмлар доирасида амалга оширилади. Ҳокимиятнинг бу таркибий қисмлари нимани намойиш этади ўзи?

2 §. Ҳокимият имкониятлари, жараёни ва турлари

Ҳокимиятнинг имкониятлари тушунчаси

Айрим кишилар бошқаларга бўйсунишининг муҳим ижтимоий сабаби ҳокимият имкониятларининг нотенг тақсимланишидир. Бу тушунчанинг ўзи кенг ва шунингдек, тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода ҳокимият имкониятлари «индивид (алоҳида киши) ёки гуруҳ бошқаларга таъсир этиш учун фойдаланадиган барча нарсани»[2] англатади.

Имкониятларни бундай тушуниш анча умумий ва ҳокимиятнинг турли элементларини (унинг субъекти, объекти, воситаларини) алоҳида қараб чиқишга имкон бермайди, чунки бу ҳолда имкониятлар ҳокимиятга шундай ёки бошқача таъсир этишга қодир бўлган барча омилларни: субъектнинг хусусий сифатларини (ваколатлик, ташкилотчилик ва б); объектнинг айрим хусусиятларини (масалан унинг сиёсий ишонувчанлиги. ҳокимиятга бўйсуниш кўникмаси ва б.); субъект учун қулай вазиятни (иқтисодий юксалиш, муохолифат ичидаги низо ва б.); ва шунингдек, таъсир этишнинг моддий ва бошқа воситаларини (пул, қурол, хом-ашё ва б.) ўз ичига олади.

Имкониятларни бундай кенг маънода тушунишда уларнинг нисбатан мустақил, одатда моддийлашган, ҳокимият ходимларининг ўзаро таъсирини тақозо этувчи ва бўйсуниш ҳамда ҳукмронликнинг муҳим ижтимоий омили бўлиб хизмат қилиш каби хусусиятлари йўқолади.

Шунинг учун ҳокимиятни ва унинг тузилмаларини ўрганишда имкониятларни, субъектнинг ҳокимият объектига таъсир этишини таъминлашда қўлланиладиган барча воситалар сифатида анча қисқа талқин этиш афзалроқдир. Имкониятлар рағбатлантириш, жазолаш ёки ишонтириш учун қўлланилиши мумкин. Субъект томонидан амалга оширилишида улар ҳокимиятга айланиб бориши мумкин ва бу маълум бир имкониятларни ўзаро боғлиқ ходимлар тизими доирасида барқарор таъсирга айланиш хусусиятини ифодалайди. Имкониятларни айрим ҳолда, ҳокимият асослари билан ўзаро ўхшатишади, бироқ, кўпинча бундай асосларга, шунингдек, ҳокимият ходимлари— унинг субъекти ва объекти ҳам тааллуқли бўлади.

Имкониятларнинг ҳокимият асослари сифатидаги биринчи даражали аҳамиятга эгалиги «ижтимоий айирбошлаш» назари-

[2] Dahl R. A. The Analysis of Influence in Local Communities/ Social Science and Community Action. East Lancing. 1960. P. 31.

ясида акс эттирилган (П. Блоу ва б.). Бу назарияга кўра ҳокимиятнинг асосида ноёб имкониятларнинг нотенг тақсимоти ётади. Имкониятларга (ресурсларга) эга бўлмаган кишилар уларни, бунга эга бўлган кишиларнинг фармойишларини (буйруқларини) бажаришга алмаштиришдан оладилар. Бу билан айримлар бошқаларга боғлиқ ҳолга тушиб қолади, уларга бўйсунади.

Имкониятларнинг турлари

Ҳокимият имкониятлари ҳам, кишиларнинг турли эҳтиёж ва манфаатларини қондириш воситалари каби, турли-тумандир.

Имкониятларни бир қанча туркумларга бўлиш мавжуд. А. Этциснинг фикрича, улар **утилитар (манфаатли), мажбурий ва меъёрий турларга** бўлинади. Утилитар (манфаатли) имкониятлар — бу кишиларнинг кундалик манфаатлари билан боғлиқ бўлган моддий ва бошқа ижтимоий ноз-неъматлардир. Уларнинг ёрдамида ҳокимият, айниқса, давлат ҳокимияти, фақат айрим сиёсатчиларнигина эмас, балки аҳолининг бутун бир қатламларини сотиб олиши мумкин. Бу имкониятлар мукофотлаш учун ҳам ва жазолаш учун ҳам ишлатилади. (Масалан, инсофсиз ходимларнинг иш ҳақини камайтириш). Мажбур қилиш имкониятлари одатда, манфаатга қаратилган имкониятлар иш бермай қолган ҳолларда қўлланилувчи, маъмурий жазолаш чоралари сифатида рўй беради. Бу масалан, иқтисодий чоралардан қўрқмаётган иш ташловчиларнинг суд орқали таъқиб қилинишидир. Меъёрий имкониятлар одамнинг ички дунёси, қадриятли мўлжаллари ва хулқ-атвор меъёрларига таъсир этиш воситаларини ўз ичига олади. Улар бўйсунувчиларни раҳбарлар ва ижрочилар манфаатлари умумийлигига ишонтиришга, ҳокимият субъектлари фаолиятининг маъқулланишини таъминлашга унинг талаблари қабул қилинишига қаратилган.

Ҳокимиятнинг турли кўринишларини ажратиш учун унинг имкониятларини ҳаёт фаолиятининг муҳим соҳаларига: иқтисодий, ижтимоий, маданий-информацион (ахборот), мажбурлаш (куч ишлатиш)га кўра туркумларга ажратиш кенг тарқалган. **Иқтисодий имкониятлар** — бу ижтимоий ва шахсий ишлаб чиқариш ва истеъмол учун зарур бўлган моддий қадриятлар, уларнинг умумий тенги бўлган пул, техника, унумдор ер, фойдали қазилмалар ва шунга ўхшашлардир. **Ижтимоий имкониятлар** — ижтимоий мақом ёки даражани, ижтимоий қатламдаги ўрнини кўтариш ёки пасайтириш қобилиятидир. Улар қисман иқтисодий имкониятлар билан мос тушади. Масалан, даромад ва бойлик иқтисодий имкониятлар бўлсада, шу билан бирга ижтимоий мақомни (статусни) ҳам тавсифлайди. Бироқ ижтимоий имкониятлар амал, обрў-эътибор,

маълумот, тиббий хизмат, ижтимоий таъминот каби кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади.

Маданий-ахборот (информацион) имкониятлар — билим ва ахборот, шунингдек, уларни олиш ва тарқатиш воситалари: фан ва таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалардир. Таниқли америка социолог-прогнозисти Олвин Тоффлер ҳисобича, XX аср охирида билим ва ахборот ҳокимиятнинг муҳим имкониятларига айланади. Бугундаёқ постиндустриал мамлакатларда «билим ўзининг устиворлик кучига чексизлиги, ҳаммага тушунарлилиги, демократиялилигига кўра куч ва бойликни бўйсундирди ва қонуниятнинг мавжудлигини белгиловчи омилга айланди». Ижтимоий ривожланиш давомида ҳокимиятнинг куч ва бойлик каби анъанавий имкониятлари, тўлиқ йўқолмасада, ўз таъсирини камайтирмоқда. Билим ва ахборотга эга бўлиш ҳақиқий ҳокимият хусусиятини касб этмоқда. Албатта, барча мамлакатларда ҳам билим ва ахборот иқтисодий, ижтимоий ва куч имкониятлари устидан устунликка эга эмас. Бироқ маданий-ахборот имкониятларининг ҳозирги дунёда ҳокимият манбаи сифатидаги аҳамиятининг ошиб бориши тенденцияси (йўли) тобора яққолроқ намоён бўлмоқда.

Мажбурлаш (куч ишлатиш) имкониятлари бу қурол, жисмоний мажбурлаш ва бунинг учун махсус тайёрланган кишилар институтларидир. Давлатда унинг мағзини армия, полиция, хавфсизлик хизмати, суд ва прокуратура, уларнинг ашёвий имкониятларининг бу тури анъанавий равишда ҳокимиятнинг энг самарали манбаи ҳисобланади, чунки унинг қўлланилиши инсонни олий қадриятлар бўлган ҳаёти, эркинлиги ва мол-мулкидан жудо этишга қодирдир.

Ҳокимиятнинг турли имкониятлари одатда, айниқса, кўп ёки кам даражада барча турдаги имкониятларга эга бўлган давлат томонидан комплекс ҳолда қўлланилади.

Ҳокимиятнинг ўзига хос имкониятларидан бири инсоннинг ўзи- **демографик имкониятлар** ҳисобланади. Одамлар — бу универсал (ҳар тарафлама) кўп вазифали имкониятлар бўлиб, бошқа имкониятларни ишлаб чиқарувчи ҳамдир. Одам — моддий бойликларни яратувчи (иқтисодий имкониятлар), аскар ва партия аъзоси (сиёсий куч имкониятлари), билим ва ахборотнинг эгаси ва тарқатувчиси (маданий — ахборот имкониятлари) ва б. Шахс ҳокимият ресурси сифатида ўзининг кўплаб ўлчамларидан фақат биттасида — бошқалар иродасини амалга ошириш воситаси сифатидагина намоён бўлади. Умуман эса,

одам — фақат ҳокимият имкониятигина эмас, балки унинг субъекти ва объекти ҳамдир.

Ҳукмдорлик жараёни. Ҳокимиятнинг «икки қиёфаси»

Ҳокимият имкониятларининг қўлланилиши унинг барча таркибий қисмларини ҳаракатга келтиради, унинг жараёнини реалликка айлантириб, у аввало Ҳукмронликнинг барча усуллари ва механизмлари билан тавсифланади. **Ҳукмронликнинг икки асосий усуллари** (ҳокимиятнинг икки қиёфаси) мавжуд. Улардан биринчиси объектнинг маълум бир субъектга ёқадиган ҳаракатларини уйғотишдан иборат. Иккинчиси эса тобеларнинг фаолиятсизлигини таъминлаш, уларнинг хулқидаги раҳбарият учун маъқул бўлмаган кўринишларни бартараф этишдан иборатдир.

Биринчи бўлиб ҳокимиятнинг чегаралаш хусусиятига америка сиёсатшунослари Петер Бахрах ва Мортон-Баратц эътибор қаратиб, буни ҳокимиятнинг икки қиёфаси деб атадилар. Сиёсий ҳокимиятнинг бу хусусияти жамиятда реал намоён бўлиши унинг ижтимоий мунозаралар ва сиёсий қарорлар соҳасидан маълум бир мавзуларни олиб ташлаш қобилияти бўлиб, бу билан уларнинг оммавий онгда айнан акс этишини ва тегишли сиёсий можаролар авж олишини бартараф этишдан иборатдир.

Буйруқбозлик социализми мамлакатларида бундай танқид учун таъқиқланган мавзулар аввало коммунистик партияларнинг жамиятга раҳбарлиги ва фуқароларнинг мафкуравий ва сиёсий бошқача фикрлашга ҳамда мухолифликка ҳуқуқи эди. ГФР да 50-60 йилларда ҳокимият томонидан шундай ажратиб қуйилган сиёсий мавзу, масалан: атом электр станциялари қурилишига муносабат мавзуси бўлди: сиёсий раҳбарият[3] (Эмета), оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлар ва иш бошқарувчилар томонидан «кўпроқ ўсишга — кўпроқ энергия» шиори билан ниқобланган келишувга эришилиб, бу энергиянинг атомга муқобил манбалар тўғрисидаги мунозарани йўққа чиқарди[3].

Ҳукмронлик усуллари мураккаб ва бир маънога эга бўлмаган туркумлардан иборат. Улар демократик (ҳокимият қарорлар қабул қилиши унинг ижрочилари иштирокида амалга оширилади), авторитар (фуқаролар устидан тўлиқ назоратга даъво қиладиган чекланмаган ҳокимият), тоталитар (субъектнинг объект устидан тўлиқ назорати), конституцион (қонун доирасида бошқарув) деспотик (чексиз ҳукмронлик, бебошлик, қонунсизлик), либерал (шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш) бўлиши мумкин.

[3] Қаранг. Innenpolitik und politische Theorie. Opladen, 1979, S. 32.

Белгиларини бинолари, анжомлари ва техникаси, қамоқхоналари ва шунга ўхшашлар ташкил этади.

Ҳукмронлик жараёни махсус **ҳокимият механизми** — улар тузилиши ва фаолиятининг меъёрлари ва ташкилотлар тизими ёрдамида йўлга қуйилади ва тартибга солинади. Жамият (халқ) каби мураккаб ижтимоий субъектга нисбатан қўлланганда, ҳокимият механизми сифатида давлат органлари ҳамда сиёсий муассасалар ва ҳуқуқ намоён бўлади. (Улар кейинги бобларда махсус таҳлил этилади).

Ҳокимият турлари

Ҳокимият турли элементларининг (субъект, объект, имконият ва жараён) хусусиятлари уни туркумлаштиришда асос сифатида фойдаланилиши мумкин.

Жамиятда ҳокимиятни имкониятларга мос равишда туркумлаш-тириш кўпроқ мазмунга эга бўлиб, бунда у **иқтисодий, ижтимоий, маданий-ахборот, мажбурлашга** асосланади.

Иқтисодий ҳокимият — бу иқтисодий имкониятлар устидан назорат, ҳар хил турдаги моддий қадриятларга мулкдорликдир. Ижтимоий ривожланишнинг одатдаги, нисбатан тинч даврларида иқтисодий ҳокимият, ҳокимиятнинг бошқа турлари устидан устун мавқеда бўлади. Чунки, «иқтисодий назорат — бу бошқалари билан боғланмаган, инсон ҳаёти биргина соҳасининг оддий назоратигина эмас; бу бизнинг барча мақсадларимизга эришиш воситалари устидан назоратдир»[4].

Иқтисодий ҳокимият билан **ижтимоий** ҳокимият мустаҳкам боғланган. Агарда иқтисодий ҳокимият моддий бойликларнинг тақсимоти хусусиятларини тақозо этса, ижтимоий ҳокимият — ижтимоий зинапоя (нарвон) даги мавқени — мақом, амал, имтиёзларни мўлжаллайди. Замонавий давлатлар катта ижтимоий ҳокимиятга эга бўлиб, ижтимоий сиёсат ёрдамида улар аҳолининг кенг қатламлари ижтимоий аҳволига таъсир этиши, бу билан уларни бетарафлик ва қувватлашга чақириши мумкин.

Маданий — ахборот ҳокимияти — бу аввало кишилар устидан илмий билимлар, ахборотлар ва уларни тарқатиш воситалари ёрдамида ҳукмронлик қилишдир. Бундан ташқари, бу обрў-эътибор асосида бўйсундириш билан боғлиқ бўлган, ҳокимиятнинг ахлоқий, диний ва айрим бошқа турларидир. Ҳозирги жамиятда маънавий таъсир этишнинг барча турлари орасидан биринчи ўринга илмий-ахборот ҳокимияти кўтарилмоқда.

[4] Хайек Ф. А. Дорога к рабству. // Новый мир, 1991, №7, 218-б.

Билимдан ҳукумат қарорларини тайёрлашда ҳам, шунингдек, сиёсий бетарафлик ва қувватлашни таъминлаш мақсадида кишиларнинг онгига бевосита таъсир этиш учун ҳам фойдаланилмоқда. Бундай таъсир этиш ижтимоийлашув муассасалари (мактаб, бошқа умумтаълим муассасалари), шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилмоқда.

Ахборот ҳокимияти турли мақсадларга хизмат қилишга, фақатгина ҳукуматнинг фаолияти тўғрисида объектив маълумотларни тарқатиш эмас, балки турли найранглар — кишилар манфаатлари ва кўпинча иродаларига хилоф равишда, алдашнинг махсус усуллари асосида одамларнинг **онги ва хулқини бошқаришга** ҳам қодир.

Мажбурлаш ҳокимияти куч имкониятларига таянади ва жисмоний куч ишлатиш ёки қўллаш таҳдиди асосида одамларни назорат қилишни билдиради. Давлат миқёсида кучдан очиқчасига фойдаланиш давлатнинг муҳим хусусияти бўлсада, мажбурлаш ҳокимиятини сиёсий ҳокимият билан айнан бир нарса деб тушунмаслик керак. Зўравонлик, жисмоний мажбурлаш носиёсий ҳокимиятда ҳам қўлланилиши мумкин, масалан, қул ва қулдор ўртасидаги муносабатларда, золим оила бошлиғи ва унинг аъзолари ўртасида, жиноий гуруҳнинг бошлиғи ва аъзолари ўртасида, рэкетчилар ва сотувчилар ўртасида ва ҳ. к.

Сиёсий ҳокимиятнинг хусусиятлари

Сиёсий ҳокимият бир қатор фарқли белгилари: 1) давлат миқёсида кучдан фойдаланишнинг очиқчалиги (легаллиги);

2) бошқа барча ҳокимиятлар учун қарорларининг олий даражадалиги, мажбурийлиги, ҳар қандай ижтимоий жараёнларга кира олиш қобилияти билан тавсифланади. Сиёсий ҳокимият қудратли корпорацияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ва бошқа муассасаларнинг таъсирини чеклаб қўйиши ёки уларни умуман тугатиши мумкин; 3) оммавийлик, яъни умумийлик ва шахссизлик. Бу сиёсий ҳокимият одатда унча катта бўлмаган, ҳамжиҳат гуруҳларда мавжуд бўладиган шахсий, хусусий ҳокимиятдан фарқли равишда, ҳуқуқ ёрдамида, барча фуқароларга бутун жамият номидан мурожаат қилади; 4) моноцентризм, қарорлар қабул қилувчи ягона марказ мавжудлиги. Бозори иқтисодиёти ҳукмрон демократик жамиятда сиёсий ҳокимиятдан фарқли равишда иқтисодий, ижтимоий ва маданий-ахборот ҳокимиятлари полицентрик, яъни кўпмарказлидир. Бунда кўплаб мустақил мулкдорлар, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий фондлар ва шунга ўхшашлар мавжуд; 5) имкониятларнинг турли-туманлиги. Сиёсий ҳокимият ва айниқса, давлат, фақат мажбурлаш эмас, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий-ахборот ҳокимиятларидан ҳам фойдаланади.

Жамиятда ҳокимиятларнинг ўзаро муносабати

Турли ижтимоий ҳокимиятлар мураккаб ўзаро таъсирда бўлади. Кўпчилик сиёсатшунослар, шулар қаторида марксча ориентациядагилар ҳам, уларнинг орасида иқтисодий ҳокимиятни, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа ижтимоий бойликларга мулкдорлик ҳокимиятини энг муҳим деб ҳисоблайдилар. Деярли барча нарса ўз баҳоси ва пуллик ифодасига эга бўлган бозор иқтисодиёти ҳукмрон жамиятда кўпчилик асосий оммавий ахборот воситалари ҳам йирик мулкдорларга тегишлидир. Пул сайлов тадбирларини ўтказиш ва сайлов натижаларига кучли таъсир кўрсатади, сиёсатчилар ва сайловчиларни сотиб олиш учун кенг фойдаланилади. Йирик мулкдорлар қўлида иқтисодий ҳокимият жамланиши бойларнинг унча катта бўлмаган гуруҳининг тўғридан-тўғри сиёсий бошқаруви — плутократиянинг ўрнатилиши хавфини яратади. Замонавий ғарб давлатларида йирик капиталнинг тўлиқ ҳукмронлик қилиши, мулкдорлар ўртасидаги рақобат, кўп сонли ўрта синфнинг ва жамоатчиликнинг сиёсий таъсири давлатнинг демократик тузилиши орқали тўхтатиб турилибди.

Сиёсий ҳокимият иқтисодий ҳокимиятнинг кучли таъсирини ҳис этсада, унинг устидан устун бўлишга уни ўз мақсадларига бўйсундиришга қодир ва етарлича мустақилликка эга. Маълум бир вазиятларда маданий-ахборот ҳокимияти устун даражада таъсир кўрсатиши мумкин. Унга якка ҳокимлик қилиш сайловларда сиёсий гуруҳ ғалабасини таъминлаши ва самарасиз иқтисодий ва ижтимоий сиёсатга қарамасдан, ўз ҳукмронлигини узоқ вақт сақлаши мумкин.

Жамиятда турли ҳокимиятларнинг ўзаро таъсирида ҳокимиятнинг жамланишини кучайтирувчи — **кумулятив таъсир**нинг ҳам ўз ўрни бор. У бойликнинг инсонни сиёсий гуруҳга (элитага) ва оммавий ахборот воситалари ва таълимга кира олиш имкониятларини оширишида; юқори сиёсий амал бойликнинг тўпланиши, билим ва ахборот орқали таъсир этишга кира олишда; ниҳоят, ўз навбатида етакчи сиёсий вазиятни эгаллаш ва даромадларни ошириш имкониятини яхшилаш кабиларда намоён бўлади.

Сиёсатнинг буйруқбозлик ролида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-ахборот ҳокимиятларининг қўшилиб кетишини тоталитар давлатларда кузатиш мумкин. Демократик тузум эса

ушбу ҳокимиятларнинг ҳам, уларнинг ҳар бирининг ҳам бўлинишини тақозо этади: иқтисодиётда — кўплаб рақобатлашувчи таъсир марказларининг бўлиши, сиёсатда — давлат, партиялар ва манфаатдор гуруҳлар ўртасида ҳокимиятнинг тақсимланиши ва шунингдек, давлат ҳокимияти ўзининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши, маънавий соҳада — оммавий ахборот воситаларида ва билим ҳамда ахборотнинг бошқа манбаларида фикрлар турличалиги кабилар.

Қайд этилганидек, ҳокимиятни типларга (турларга) бўлиш ҳар хилдир. Субъектга боғлиқ ҳолда ҳокимият автократик (мустабид), олигархик (гуруҳ ҳокимияти) ва ўз-ўзини бошқарувчи (гуруҳ барча аъзоларининг ёки ташкилотнинг ҳокимияти) бўлади. Намоён бўлиш соҳаларига кўра ҳокимият давлат, партия, касаба уюшмаси, армия, оилавий ва шунга ўхшашларга бўлинади. Ўз тарқалиш кенглигига кўра: мегадаража — халқаро ташкилотлар, масалан, БМТ, НАТО ва б. ; макродаража — давлатнинг марказий органлари; мезодаража — марказга бўйсунувчи ташкилотлар (вилоят, туман ва б.) ва микродаража — бошланғич ташкилотлар ва кичик гуруҳлардаги ҳокимиятга ажратилади. Ҳокимиятни унинг органлари вазифаларига кўра ҳам туркумлаштириш мумкин. Масалан, давлатнинг қонун чиқарувчи, суд ва ижро ҳокимиятлари; ҳокимият субъекти ва объектининг ўзаро таъсир усуллари бўйича — демократик, авторитар ва шунга ўхшашлар.

§ 3. Сиёсий ҳукмронлик ва қонунийлик (легитимлик)

Сиёсий ҳукмронлик тушунчаси

Жамиятда ҳокимиятнинг намоён бўлиши фавқулодда турли-туман, ўзгарувчан ва нисбийдир. Уларни тартиблаштириш, жамиятда ҳокимиятни барқарорлаштириш ва уни ўз вазифасига қобилиятли қилиш учун уни муассасалаштириш, сиёсий ҳукмронлик шакли сифатида мустаҳкамлаш зарур. Кўпчилик сиёсатшунослар, айниқса, европаликлар, ҳукмронлик тушунчасини сиёсатни тушунишда марказий, таянч деб, сиёсий ҳукмронлик тизимини ўрганишни эса — сиёсатшуносликнинг энг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар.

Сиёсий ҳукмронлик жамиятдаги буйруқ бериш ва бўйсуниш тузилмаларини, жамиятда бошқарувчилик меҳнатининг бўлиниши фактини ва одатда, бир томондан у билан боғлиқ бўлган имтиёзлар, иккинчи томондан ижрочилик фаолиятининг ташкилий ва қонуний расмийлаштирилишини билдиради.

У қачонки ҳокимият муассасаси кўринишини олса, барқарор муносабатларга айланса, қачонки ташкилотда қарорлар қабул қилиш, буйруқ бериш, рухсат бериш ёки таъқиқлашга имкон берувчи мақега эга бўлганда пайдо бўлади. «Ҳукмронлик, — деб ёзади Вебер, — маълум бир буйруққа бўйсунишга мажбур қилиш имкониятини англатади»[5].

Ҳукмронлик ҳокимият билан узвий равишда боғланган бўлиб, жамиятда уни ташкил этишнинг шакли ҳисобланади. Сиёсий ҳокимият, қуролли кучга таянган ҳолда, ҳукмронлик ўрнатилгунга қадар ҳам вужудга келиши мумкин. Бироқ бу ҳолда у жамиятдаги ўз вазифаларини бажара олмайди ва узоқ сақланиб қололмайди.

Ҳукмронликни илмий тушуниш уни оддий тилда талқин этишдан фарқ қилиб, ахлоқий қоидалардан холис ва эксплуатация (ишлатиш), эзиш, бостириш каби салбий атрибутлар (белгилар) билан боғлиқ эмас. Ҳукмронлик — бу сиёсий тартибот бўлиб, бунда айримлар буйруқ беради, бошқалари эса бўйсунади, буйруқ берувчилар бўйсунувчиларнинг демократик назорати остида бўлиши ҳам мумкин. Инсоният тарихида сиёсий ҳукмронлик одатда ижтимоий ҳукмронликни мустаҳкамлаш шакли ва (ёки) унга эга бўлиш воситаси сифатида, яъни жамиятда ижтимоий тенгсизлик билан боғланган ҳолдаги имтиёзли ҳолатга эга бўлиш сифатида намоён бўлсада, бундай тартибот нафақат бошқарувчи озчиликнинг, балки бутун жамиятнинг, ёки, ҳеч бўлмаганда унинг кўпчилиги манфаатларига мос келиши мумкин.

Ҳозирги ҳуқуқий ижтимоий давлатларда сиёсий ҳукмронликнинг ижтимоий имтиёзлар билан алоқадорлиги тўлиқ йўқолмаган бўлсада, ҳар ҳолда, бирмунча пасайди. Сиёсий ҳукмронликка муқобиллик бу, жамиятни ўз-ўзини бошқариш асосида ташкил этиш ҳисобланиб, унинг амалга оширилиши яқин келажакда нореалдир.

Сиёсий легитимлик

Ҳукмронлик муассасалашган ҳокимият сифатида фуқаролар томонидан турлича баҳоланиши мумкин. Аҳолининг ҳокимиятга ижобий баҳо бериши, унинг қонунга мувофиқлигини, бошқариш ҳуқуқини тан олиши ва бўйсунишга розилиги ҳокимиятнинг (қонунийлигини (легитимлигини) билдиради. Легитим ҳокимият одатда қонунга мувофиқ ва адолатли сифатида тавсифланади. Легитимлилик ҳокимиятда обрў-эътиборнинг борлиги, кўпчилик фуқароларнинг қадриятлар ҳақидаги тасаввурларига мослиги, асосий сиёсий қад-

[5] Weber M. Staatssoziologie. Berlin, 1966. S. 99.

риятлар соҳасида жамиятда ҳамфикрликнинг бўлиши билан боғлиқ.

«Легитимлик» тушунчаси айрим ҳолда, француз тилидан, «қонунийлик» ёки «қонунлаштирилганлик» кўринишида таржима қилинади.

Бундай таржима унчалик аниқ эмас. Қонунийлик, қонун орқали ва унга мос ҳолда фаолият кўрсатиш сифатида тушунилиб, нолегитим ҳокимиятлар учун ҳам хос бўлиши мумкин.

Ҳукмронликнинг (ҳокимиятнинг) легитимлаштирилиши назариясига Макс Вебер катта ҳисса қўшди. Бўйсуниш сабабларига боғлиқ ҳолда у ҳокимият легитимлигининг уч етакчи турини ажратади.

1. **Анъанавий** легитимлилик. У ҳокимиятга бўйсуниш одатлари, кўникмалари, қадимдан мавжуд бўлган тартибларнинг мустаҳкамлиги ва муқаддаслигига ишонч туфайли қўлга киритилади. Анъанавий ҳукмронлик монархиялар учун характерлидир. Ўзининг асосланишига кўра у, кўп жиҳатдан катталарга сўзсиз итоат этишга ва оила бошлиғи ҳамда унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шахсий, норасмий характерига асосланувчи патриархал оиладаги муносабатларга ўхшашдир. Анъанавий легитимлилик мустаҳкамлиги билан фарқланади. Шу сабабдан Вебер, демократиянинг барқарорлиги учун ҳокимиятни ҳурмат қилишнинг кўп асрлик анъаналари билан давлатнинг обрў-эътиборини мустаҳкамловчи ворис монархнинг сақлаб қолинишини фойдали деб ҳисоблайди.

2. **Харизматик** легитимлилик. У раҳбарнинг алоҳида сифатлари, мўъжизавий қобилиятига, яъни харизмага ишончга асосланади, уни баъзида, ҳатто илоҳийлаштиришади, унинг шахсига сиғиниш яратилади. Легитимлаштиришнинг харизматик усули, кўпинча, инқилобий ўзгаришлар даврида, янги ҳокимият аҳоли томонидан тан олиниши учун анъаналар обрў-эътиборига ёки кўпчиликнинг демократик ифодаланган иродасига таяна олмаган ҳолларда кузатилади. Бундай ҳолларда, онгли равишда, доҳий шахсининг улуғворлиги ҳақида фикрлар тарқатилади, ҳокимият муассасалари унинг обрў-эътиборини ёритиб боради, аҳоли томонидан уларнинг тан олиниши ва қабул қилинишига ёрдам беради. Харизматик легитимлилик доҳий ва омманинг ҳиссий, шахсий муносабатларига ҳам асосланади.

3. **Рационал — ҳуқуқий демократик** легитимлилик. Умум тан олган қоидалар, яъни демократик тартиб асосида шаклланган ҳукуматнинг қарорларига бўйсунишга кишиларни чорловчи, мақсадга мувофиқ тушунилган манфаатлар унинг асоси бўлиб чиқади. Бундай давлатларда раҳбарнинг шахсига эмас, балки ҳокимият вакили сайланадиган ва фаолият кўрсатадиган доирадаги қонунларга бўйсунилади.

Рационал-ҳуқуқий легитимлик демократик давлатлар учун характерлидир. Бу асосан **тузилмавий** ёки муассасавий легитимлилик бўлиб, фуқароларнинг алоҳида шахсларга (**шахсий персонал** легитимлилик) эмас, балки давлат тузумига бўлган ишончига асосланади. Айрим ҳолларда, айниқса шаклланаётган демократияларда, ҳокимиятнинг легитимлилиги сайланувчи ташкилотларга нисбатан ҳурматга эмас, балки давлатнинг конкрет раҳбар шахсига нисбатан ҳурматга асосланиши ҳам мумкин. Ҳозирги дунёда ҳокимиятнинг легитимлилиги айрим ҳолларда, фақатгина унинг демократик легитимлилиги билан айнан бир хилликда қаралади.

Ҳокимиятнинг легитимлилиги унинг уч классик турлари билангина чекланмайди. Легитимлаштиришнинг бошқа усуллари ва мос равишдаги легитимлилик турлари ҳам мавжуд. Улардан бири — мафкуравий легитимлиликдир. Унинг моҳияти омма онгига сингдирилувчи мафкура ёрдамида ҳокимиятни оқлашдан иборат. Мафкура ҳокимиятнинг халқ, миллат ёки синфнинг манфаатларига мослигини, унинг бошқариш ҳуқуқини асослаб беради. Мафкура кимга мурожаат қилаётганлиги ва у қайси ғоялардан фойдаланаётганлигига боғлиқ ҳолда, мафкуравий легитимлилик синфий ёки миллатчилик тарзида бўлиши мумкин.

Маъмурий-буйруқбозлик социализми мамлакатларида синфий легитимлилик кенг тарқалган эди. XX асрнинг иккинчи ярмида кўпчилик ёш давлатлар аҳолининг тан олиши, қувватлашига эришишга уриниб, кўпинча ўз ҳокимиятини миллатчилик руҳида легитимлаштиришга интилдилар, айрим ҳолларда этнократик тартибларни ўрнатдилар.

Мафкуравий легитимлаштириш кишиларнинг онги ва онг ости даражасига ишонтириш ва таъсир этиш усуллари ёрдамида маълум бир «расмий» мафкурани сингдиришга асосланади. Бироқ, рационал-ҳуқуқий легитимлаштиришдан фарқ қилиб, онг ва ақлга мурожаат қилган ҳолда, у — бир йўналишга эга бўлган, тескари алоқани, фуқароларнинг мафкуравий қарашлар шаклланиши ёки уларни танлашда эркин иштирок этишини тақозо этмайдиган жараёндир.

Ҳокимият легитимлилиги ва самарадорлигининг ўзаро нисбати

Ҳокимиятнинг легитимлилиги аҳолининг сиёсий маданиятига асосланади ва тузумнинг фуқароларнинг қадриятли тасаввурларига мос келишини англатади. Бироқ уларнинг ҳокимиятга нисбатан муносабатлари ахлоқийлик меъёрлари нуқтаи назаридангина қадриятли бўлмаслиги, балки инструментал — яъни у одамларга нима беради ёки бериши мумкин деган нуқтаи-назардан баҳоловчи бўлиши ҳам мумкин. Ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги бундай инструментал муносабатлар самарадорлик тушунчаси билан тавсифланади.

Ҳокимиятнинг **самарадорлиги** — бу унинг натижалилиги, сиёсий тизим ва жамиятда ўз вазифаларини бажара олиш даражаси, фуқароларнинг ва аввало, энг таъсирли қатламлар — элитанинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришидир. Ҳозирги шароитларда ҳокимиятнинг легитимлилиги ва самарадорлиги — унинг барқарорлигининг, унга ишонч ва фуқаролар томонидан қувватланишининг икки муҳим омилидир.

Асосланиш сабабларидаги фарқларга қарамасдан, ҳокимиятнинг легитимлилиги ва самарадорлиги ўзаро боғлиқдир. Охир-оқибат ҳокимият легитимлилигининг ҳар қандай тури жуда кўп жиҳатдан, аҳолини унинг самарадорлигига умидлари, яъни талабларининг қондирилиши билан белгиланади. Кўпчилик авторитар тартибларда, масалан, Чили, Жанубий Корея, Бразилия, дастлаб легитимликнинг камчиллигидан қийналган бўлсаларда, кейинчалик самарали иқтисодий сиёсат, жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириб бориш туфайли унга эришдилар.

Аммо, легитимликка, яъни фуқаролар маъқуллаши ва қувватлашига эга бўлмасдан туриб, самарадорликка эришиш анча мураккаб. Бизнинг кунларимизда кўпчилик давлатлар легитимлилик инқирозини бошдан кечирмоқдалар. Бир неча ўн йилликлар давомида бу ҳолат «учинчи дунё»да сиёсий беқарорлик, тез-тез давлат тўнтаришлари шаклида, айниқса, кучли даражада намоён бўлди. Кейинги йилларда легитимлилик муаммоси кўпчилик посткоммунистик мамлакатлар учун ўта муҳим бўлмоқда. Бу уларда легитимлиликнинг анъанавий, мафкуравий, харизматик механизмларининг емирилиши, демократия учун зарур бўлган кўплаб етук шарт-шароитларнинг йўқлиги, демократик тартибда шаклланган ҳокимиятнинг самарадорлиги пастлиги билан боғлиқдир.

Бундай мамлакатлардаги ҳукмрон режимларнинг ўз мамлакатини инқироздан олиб чиқишга қобилиятсизлиги легитимликнинг рационал-ҳуқуқий усулларига нисбатан аҳолининг ишончини емиради. Уларнинг кўпчилиги учун, сиёсий маданиятда демократик қадриятлар нисбатан кучсизлиги сабабли, ҳокимиятнинг легитимлилигини, аввало, ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечиш қобилиятини амалда намойиш этиш йўли билангина мустаҳкамлаш мумкин.

Сиёсий ҳокимият жамиятда нотекис тақсимланган. Дунёнинг ҳар қандай мамлакатида, қадимда ҳам, бугун ҳам, кўпчилик кишилар сиёсат ва давлат бошқарувида бевосита қатнашмайдилар. Ҳатто фуқароларни, халқни ҳокимият манбаи деб тан олишга асосланувчи демократия шароитларида ҳам (демократия ҳақида батафсилроқ IV бўлимга қаранг) ҳокимиятнинг реал доимий вакиллари сиёсий элита ва етакчилар ҳисобланади.

7-БОБ

ИЖТИМОИЙ ГУРУҲЛАР СИЁСАТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

1 §. Ижтимоий стратификация

Ижтимоий стратификация тушунчаси

Ҳар қандай мураккаб ташкил этилган жамиятда кишилар доимо бир — биридан туғма ёки ҳаёт жараёнида орттирилган тавсифлар бўйича фарқланадилар. Қай даражада бир хил белги ва хусусиятларга эгаликларига қараб, улар гуруҳларни ташкил этади; ушбу гуруҳлар ўртасидаги фарқлар эса, ижтимоий табақаланишнинг шундай даражасини вужудга келтирадики, бу энг жиддий сиёсий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тажрибалар кўрсатишича, айнан гуруҳлар манфаатларининг чатишиб кетиши, уларнинг турли алоқалари ва ўзаро муносабатлари сиёсий жараёнларнинг мазмунига муҳим таъсир кўрсатади. Гуруҳларнинг сиёсатга таъсири характери аввало, у ёки бу имкониятларга эга бўлишда улар ўртасида сақланиб қолган фарқлар билан белгиланиб, улардан ўз манфаатларини ҳимоя қилишда фойдаланишлари мумкин. Бошқача айтганда, сиёсат ўзининг муҳим манбаи сифатида аҳолининг реал мавжуд қатламларига эга бўлиб, бу гуруҳларнинг ижтимоий аҳволидаги тенгсизликни характерлайди.

Гуруҳларнинг ижтимоий тенглиги ва тенгсизлиги, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг эгаллаган ижтимоий мақомларидан келиб чиқиб, **ижтимоий стратификация** дейилади. Бу тушунча жамиятни ташкил этувчи гуруҳлар муносабатларидаги доимо мавжуд бўлувчи номувофиқликни характерлайди, бироқ доимо аниқ бир мамлакатдаги аниқ бир ижтимоий — иқтисодий ва бошқа ижтимоий муносабатлар таъсирининг натижаси ҳисобланади. В. Парето ёзганидек, «шаклан ўзгарган ҳолда ижтимоий стратификация барча жамиятларда» ва ҳатто «кишиларнинг gene тенглигини эълон қилганларида ҳам мавжуд бўлган»[1]. Шу билан бир вақтда, ижтимоий стратификация — бу аҳолининг табақалашувга ва уни бартараф этишга томон борувчи тамойилларининг йўналишлари ўртасидаги ўзаро таъсир натижасидир. «Ҳар бир жамиятда ҳар қандай замонда стратификация кучлари ва тенглаштириш кучлари ўртасида кураш юз беради»[2] — деб ёзади П. Сорокин.

Айрим мутахассисларнинг ўйлашича, ижтимоий стратификация фақатгина гуруҳлар ўртасидаги иерархик алоқаларни ифодалайди. Бироқ кўпчилик олимлар барибир бу тушунча кишилар ўртасидаги юқорилаб боришдаги ижтимоий оралиқнигина эмас (мисол учун, генерал ва оддий ҳарбий хизматчининг аҳволидаги фарқлар) балки ёндош ҳолатлардаги (генерал ва давлат бошқаруви аппаратидаги фуқаровий бўлимда унга ўз вазифаси жиҳатидан мос келувчи ходим) фарқларни ҳам характерлайди, деб ҳисоблайдилар.

Ижтимоий стратификациянинг кўп томонлилиги ва турличалилиги гуруҳий фарқларни қайд этишдан ташқари яна шуни ҳам билдирадики, одам бир вақтнинг ўзида турли ижтимоий стратларга (қатламларга) мансуб бўлади (айтайлик, айнан бир вақтнинг ўзида у оила бошлиғи, маълум бир касбий ва шунингдек, миллий гуруҳнинг аъзоси, у ёки бу шаҳар аҳолиси ва б.). Шу тариқа, ижтимоий стратификация кўрсатишича, инсон турли-туман ижтимоий мақомларга эга бўлади, улар орасида албатта, одам учун энг муҳим бўлган гуруҳий тавсифни шарт қилиб қўювчи «бош мақом»(Н. Мелзер) ҳам бўлади.

Умуман олганда эса, одамлар ўзларининг янада юқорироқ мақомларига муносиб бўлган меъёрларга мос ҳолда воқеликни қайта яратишга интиладилар. Бироқ бошқа мақомлар вакилларининг

[1] *Pareto V.* Traite de sociologio rale. P., 1919. Vol. 1. P. 613.

[2] *Сорокин П.* Человек. Цивилизация. Общества М., 1992., С. 334.

«қаршилиги» кўпинча жамиятда ўз ўрнини идрок этишдаги маълум можарони ва оқибатда уларнинг ҳаётий вазиятларга нисбатан кескинлашган сиёсий таъсирланишини юзага чиқаради. Шу тарзда ижтимоий мақомлардаги фарқнинг ўзигина одам хулқ атворида ижтимоий ва сиёсий кескинликни чақиришга қодирдир.

Эслатиб ўтилганидек, одамнинг, ўзини аввало янада юқорироқ мақомли гуруҳ билан айнан бир хил деб билишга интилиши, америкалик олим С. Липсет таъкидлашича, амалда одамларни янада консерваторроқ бўлишга ундовчи сиёсий босимни билдиради. Бу саноатлашган жамиятларда камроқ имтиёзга эга қатламларнинг норозилиги ва интилишларига таянадиган антиэлитар сўл партиялар таъсирига қарши турувчи «консерватив йўналишга» яққол далил бўлиб хизмат қилади. С. Липсет таъкидлаганидек, «кўплаб кишиларнинг турли ўлчовли стратификация тизимидаги аҳволи уларни зиддиятли сиёсий таъсирларга дучор қилади». Кўплаб тадқиқотларнинг кўрсатишича, қачонки одамлар бир-бирига тўғри келмайдиган ижтимоий аҳволни эгалласалар, бу икки ўзаро зиддиятли мақом таъсирланишини вужудга келтириши мумкин, улардан ҳар бирининг ҳаракатидан фарқ қилган, ўз-ўзича олинган ҳолда эса, айрим ҳолларда ҳатто ҳаётда янада кескинроқ таъсирланишларни ҳам юзага чиқариши мумкин»[3].

Ижтимоий стратификация кенг маънода ўзида турлича, жумладан, сиёсий мақом ва имкониятларга эга бўлган барча гуруҳларни бирлаштиради. Масалан, Г. Моски ва В. Парето ҳукмронлик қилувчи озчилик (элита) ва сиёсатда бошқарувчилик функциясини бажармайдиганлар, жамиятнинг ноэлитар қатламлари тўғрисида ёзадилар. Аммо тор даражада, кўпроқ махсус маънода стратификациянинг, хусусан, ижтимоий ва сиёсий турларини фарқлаш муҳимдир.

Ижтимоий ваколатлилик тизими

Ҳарбир жамият у ёки бу ижтимоий тузилмага эга, бироқ ҳар қандай гуруҳ ҳам ўз яхлитлигини мустаҳкамлаш, янги имкониятларни қўлга киритиш ёки янада юқорироқ мақомга эришиш учун давлат ҳокимияти муассасаларидан фойдаланган ҳолда сиёсатга киришишга қодир эмас. Мисол учун, кўпчилик гуруҳлар, у ёки бу муаммони ҳал этишда ўз муносабатларини ҳамкорлик ва иштирокчилик фояси асосида, давлат ёрдамига мурожаат қилмаган ҳолда йўлга қўйишлари мумкин. Айни пайтда муайян, жумладан, тоталитар тизим-

[3] Липсет С. Политическая социология // Американская социология. М., 1972. С. 217.

даги гуруҳлар, одатда ҳокимият субъектлари эмас, балки объектлари бўлиб ҳам ҳисобланадилар. Гуруҳнинг сиёсий сустлиги унинг давлат билан муносабатларда эришилган мувозанатни сақлашга одатланиши, ижтимоий инерция орқали ҳам юзага келиши мумкин (мисол учун, бу 70-йилларда СССРда кузатилганидек, аҳолининг сиёсий сустлиги кўп даражада очиқ ишсизликнинг йўқлиги, уй-жой ва биринчи эҳтиёж товарлари нархининг пастлиги, кишиларнинг ўрнашиб қолган турмуш тарзига маиший чидамлилиги кабилар билан ушлаб турилди).

Шундай қилиб, ижтимоий гуруҳ — сиёсий нуқтаи назардан олганда — бу ҳали тўла салоҳиятли субъект эмас. У сиёсий муносабатларнинг реал, амалий субъекти сифатида шаклланиши, унинг ихтиёрида бўлган имкониятлардан давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг амал қилишида фойдалана бошлаши кўп сабабларга, аввало — ижтимоий зиддиятлар ва гуруҳлар манфаатларига боғлиқ бўлади.

Гуруҳ сиёсий фаоллигини биринчи даражали рағбатлантирувчи сабаби бўлиб энг муҳим, яъни ҳукмдорлик аҳамиятига эга манфаатлар намоён бўлади, гуруҳ уларни давлат бошқаруви механизмини жалб этмасдан туриб рўёбга чиқара олмайди. Шу муносабат билан Ф. Бро қайд этганидек, сиёсатшуносликнинг вазифаси ҳокимиятга муносабати бўйича кишилар уюшмаларининг ўзига хос манфаатларини аниқлаш мақсадида аниқ бир асослар бўйича у ёки бу фарқларни алоҳида қайд этишдан иборатдир, бунда улар ихтиёрида бўлган, давлатни ўз талабларини эшитишга мажбур этувчи «сиёсий имкониятлар» тушунилади[4].

Ҳукмдорлик аҳамиятига молик ижтимоий манфаатлар, гуруҳ иродаси, сиёсий тузумга талабномалар ёки ҳокимиятни қувватловчи бирдамлик кўринишида қабул қилинадиган сиёсий қарорларга таъсир кўрсатиш мақсадида тақдим этилади. Аммо барча талаблар ҳам сиёсий қарорларнинг мазмуни бўла олмайди. Таъсир этишнинг самарадорлиги сиёсий маконда гуруҳлар манфаатларига гўёки овоз берувчи ва узатувчи сиёсий уюшмаларнинг фаоллигига бевосита боғлиқ бўлади. (А. Токвилл таърифича, булар қизиқишлар гуруҳлари, партиялар, ҳокимиятнинг турли муассасалари, элитар уюшмалар сифатидаги «иккиламчи уюшмалар»дир).

Умуман олганда эса, бир ижтимоий қатламнинг манфаатларини бир қанча сиёсий уюшмалар намоён этиши мумкин (масалан, ишчилар синфининг манфаатлари ҳимоясига социалистик ва коммунистик партиялар даъво қиладилар). Бунинг устига ушбу уюшмаларнинг ўзини-ўзи идора қилиши ва мустақиллиги шундайки, улар амалда, ҳатто мавжуд бўлмаган ижтимоий гуруҳлар манфаатларини намоён этади ва ҳимоя қилади (Германия национал-социалистик партияси мавжуд бўлмаган олий ирқ номидан гапиришга уринади; XX асрнинг 70-80 йилларда КПСС мустаҳкам, кўп миллатли ва юксак ижтимоий гуруҳ бўлиб шакллана олмаган совет халқи гуруҳининг манфаатларини ҳимоя қиларди).

Ижтимоий гуруҳлар сиёсий ҳаётга бевосита эмас, балки ўз манфаатлари ваколати учун махсус сиёсий муассасаларнинг шаклланишига ёрдам берган ҳолда қатнашадилар. Ўнг ёки сўл, марказ, радикал ёки бошқа сиёсий мавқени эгаллаган бундай муассасаларнинг мураккаб ўзаро таъсири ижтимоий ваколатлилик тизимини тавсифлайди. Фуқаролик жамияти ва давлат ўртасидаги бу сиёсий воситачилар давлатни мавжуд муаммолар ва зиддиятлар ҳақида хабардор қиладилар, бу билан гуруҳларнинг уюшувига ва умумлашувига, шунингдек, ҳокимиятнинг сиёсий йўлини тузатиб боришга ёрдам берадилар. Бундай уюшмаларнинг фаолияти ижтимоий гуруҳлар манфаатлари мазмунига, уларнинг қадриятларига, ижтимоий биқиқлик ёки очиқликка интилишларига, ва охир оқибатда ижтимоий тузилманинг характерига жиддий таъсир этиши мумкин.

Шу билан бир вақтда, давлатга босим кўрсатган ҳолда, улар давлатни турғунликдан сақлаб қолади, ундаги хизматларни жамият ва фуқаролар манфаатларига бўйсундиришга интиладилар. Бу сиёсий субъектлар фаолиятининг йўналтирилганлиги ва жадаллиги аввало ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ва зиддиятларнинг характерига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий стратификация турлари

Гуруҳларни стратификацион чегара-лаш турли асосларга кўра сиёсий аҳамиятга эга. Фанда гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий тафовутларни аниқлашнинг турли — туман усуллари шаклланган. Р. Парк ва Э. Богарадус бу муаммони фақат психологик нуқтаи назардан талқин этадилар: одамлар бир-бирларига қанча кўп хайрихоҳлик ҳис этсалар, улар шунчалик ижтимоий яқиндирлар ва аксинча. Ўзаро адоват ва ҳатто нафратни ҳис этувчилар эса, ижтимоий узоқлашган бўладилар. У. Уорнер жамиятни фуқароларнинг ўз-ўзини айнан бир хил деб билишларини тақозо этувчи «обрў, шуҳрат усули», яъни ўзини шу ёки бошқа ижтимоий гуруҳга алоқадор деб билиш асосида стратификациялайди. Бундай стратификациялаш натижасида у жамият

[4] Қаранг: *Бро Ф.* Политология. М., 1992. С. 46-47.

учун аҳамиятли бўлган қуйидаги гуруҳларни ажратади: олий синфнинг юқори қатлами, олий синфнинг қуйи қатлами, ўрта синфнинг юқори қатлами, ўрта синфнинг қуйи қатлами, қуйи синфнинг юқори қатлами ва қуйи (синфлар, касбий гуруҳлар, этник бирликлар ва б.), ўрта (ишлаб чиқарувчи ва айрим ҳудудий бирлашмалар) ва майда гуруҳларга (оила, қўшничилик жамоаси ва б.) бўлиш нуқтаи назаридан характерлаш, шу каби, мақсадлилик хусусияти (олдиндан белгиланган мақсадларга мос ҳолда амал қилиш) ва ижтимоий психологик (норасмий) уюшмалар нуқтаи назаридан ҳам анча хосдир.

Бироқ, ижтимоий стратификация асосига у ёки бу имкониятларга эга бўлишдаги объектив мавжуд бўлган тафовутларни қўювчи усуллар кўпроқ тарқалганлигини кўрамиз. К. Маркс жамиятни кишиларнинг ишлаб чиқариш воситаларига муносабатлари бўйича катта гуруҳларга ажратувчи ва шунинг учун индивидларнинг бу турдаги гуруҳларга қаттиқ боғланганлигини тақозо этувчи табақалаштиришни таклиф этган эди. Унга қарама-қарши ҳолда Т. Парсонс ва бошқалар олға сурган ғояга кўра ижтимоий стратификация кишиларнинг у ёки бу гуруҳга тааллуқлилиги нозик, ҳаракатчан ва вақтинчалик деб билувчи имкониятлар ва реалликлар тўплами сифатида тасавввур қилинади.

Ижтимоий стратификациялашда М. Вебер томонидан ишлаб чиқилган ёндашув илмий фикрларга кенг таъсир кўрсатди. У гуруҳлар ўртасида имкониятларни тақсимлашдаги тенгсизликни белгиловчи омиллар сифатида қуйидагиларни таклиф этади: **бойлик**, бойликларни ўзлаштириш миқдорига боғлиқ ҳолда ижтимоий гуруҳнинг аҳволини аниқловчи; **обрў-эътибор**, жамиятда у ёки бу қатламни турмуш тўрзига нисбатан баҳолаш ва меъёрлашни қабул қилишни ифодалайди; **ҳокимият**, турли уюшмаларнинг бошқарув соҳасида устун даражада таъсир кўрсатиш қобилиятини тавсифлайди.

М. Вебернинг қоидаларини тўлдирган ва ривожлантирган ҳолда унинг кўп сонли издошлари жамият ижтимоий тузилишини баён этишда ўз йўлларини таклиф этишади. Масалан, таниқли америкалик олим Б. Бардер, касбий обрў-эътибор, ҳукмронлик қудрати даражаси, шунингдек, бойликдаги тафовутлардан ташқари, яна кишиларнинг билими, диний белгилари, қариндошлик ва этник тавсифларидаги тафовутларни ҳам ҳисобга олишни таклиф этади. Унинг фикрича, ушбу белгиларга мос ҳолда профессионаллар ва маъмурларнинг олий табақаси, ўрта даражадаги техник мутахассислар гуруҳи, тижорат синфи, майда буржуазия, раҳбарлик вазифасини амалга оширувчи техник ва ишчилар гуруҳи, малакали ишчилар гуруҳи ва малакасиз ишчилар гуруҳини ажратиш мумкин.

Охирги ўн йилликларда айрим ғарб ва ватанимиз олимлари сиёсий муносабатларнинг бир қатор нисбатан янги ижтимоий манбаларига эътибор қаратмоқдалар. Уларнинг кузатишлари бўйича, жадал ўсиб борувчи ривожланиш жараёнида сўнгги индустриал жамиятларда одамлар ижтимоий аҳволининг диверсификацияси ва индивидуаллашувининг барқарор тамойили кўринмоқда. Масалан, ёшлар муҳитида муқобил, маданий қадриятларга қарши бўлганларга қатъий эргашувчилар гуруҳи (хиппи) фаол шаклланмоқда; бир қатор анъанавий ижтимоий тафовутлар айрим гуруҳлар турмуш тарзида акс этмай қолаяпти (масалан, моддий фаровонликнинг ошиб бориши оқибатида буржуа қатламларининг турмуш тарзига ўтмоқдалар); оилавий муносабатлар соҳасида бир жинсли алоқалар шакллари пайдо бўла бошлаб, кишилар хулқ-атворининг жамият учун характерли бўлган одатий меъёрларини бузмоқда ва ҳ. к.

Шу тарзда кучсизланиш оқибатида, кўпинча эса одамларнинг анъанавий ижтимоий гуруҳларга ижтимоий боғланганлигининг емирилиши натижасида «кишилар индустриал жамиятнинг ижтимоий шакллари — синфдан, оиладан қатламдан эркак ва аёлнинг жинси сабаб бўлувчи ҳолатдан озод бўлиб бормоқда.

Бунинг устига, тадқиқотчилар қайд этганидек, бундай ижтимоий силжишлар кишиларнинг янги ижтимоий табақалашуви, сиёсий ҳаётдаги бир қатор барқарор тамойиллар, масалан, индивидуал сиёсий қатнашув шаклларининг кенгайиши, партиявий бир хилликнинг бўшашиши, мустақил сиёсий арбоблар қувватлашининг кучайиши кабилар билан ўзаро мослашиб боради.

Сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий тафовутлар тўғрисидаги тасаввурларни жамлаб, гуруҳлар ўртасидаги ижтимоий масофани тавсифловчи қуйидаги турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

-ҳудудий тил бўйича (Приморье ва Воркута, Бошқирдистон ва Москвада яшовчилар ўртасидаги);

-жинс-ёш бўйича (ёшлар ва пенсионерлар, аёллар ва эркаклар, ёлғиз ота-оналар ва тўлиқ оилалардаги ота-оналар ўртасидаги);

-қариндошлик ва этник (у ёки бу оилавий гуруҳлар, миллий ва этник бирликлар ўртасидаги);

-конфессионал-диний (диндорлар ва атеистлар, турли динга эътиқод қилувчилар вакиллари ўртасидаги);

-социомаданий (хулқ-атвор услуби, ҳаётий мсъёрлар, фуқаролар хулқидаги устувор анъаналар ва бошқа маданий аҳамиятли таркибий қисмлар);

-ижтимоий-иқтисодий (даромадлар, билим даражаси, у ёки бу гуруҳ ходимларининг касбий омилкорлиги);

-гуруҳ хулқ-атворининг у ёки бу томони ёки шаклларининг муҳимлиги ва аҳамиятлилигининг жамият томонидан баҳоланиши хусусияти бўйича ижтимоий тафовутлар жамиятда (социумда) турли-туман кишилар уюшмаларининг обрў-эътибори, ҳурмати, шон-шарафи;

-ҳукмронлик қудрати ва таъсири бўйича тафовутлар (бошқарув қарорлари қабул қилинишига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир этиш имконияти бўйича).

Гуруҳий тафовутларнинг ушбу турларидан ҳар бири фуқаролар сиёсий фаоллигида ўз манбаларига эгадир.

Ижтимоий сафарбарлик

Фақат ижтимоий табақалашув хусусиятигина эмас, балки унинг ўзгариш усуллари ҳам сиёсий жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланиб, ўз имкониятларининг чегараланганлигини бартараф этиш ва ижтимоий поғоналардан юқорига кўтарилишга уринувчи гуруҳ ва фуқаролар фаоллигини шарт қилиб қўяди.

Умуман олганда, имкониятларнинг ошиши билан бирга кечадиган юксалиб борувчи ҳаракатчанликда ижтимоий оралиқни бартараф этишнинг ўсиб бориши, қоида тариқасида, доимо сиёсий кескинликнинг ошиб бориши билан боғлиқ ҳолда юз беради, чунки бундай жараёнлар кўпинча, бошқа гуруҳлар имкониятларининг пасайишига (пасайиб борувчи ҳаракатчанлик), айрим ҳолларда эса рақобатлашувчи гуруҳнинг тор-мор этилишига олиб келади, бу табиий равишда рақобатчи гуруҳнинг ижтимоий қаршилиги даражасини оширади, ўнг ва сўл экстремизм кучларининг фаоллашувини келтириб чиқаради, руҳий тушкунликни, ҳасадни, бошқа одамларга нисбатан нотўғри фикрларни юзага келтиради.

Ижтимоий нарвоннинг энг пастки қаватларида турувчи қатламларнинг юксалиб борувчи ўзгаришлари сиёсий муносабатларнинг алоҳида қўзғалишини юзага чиқаради. Уларнинг жамиятда маълум даражада «ўз ўрнига жойлаша олмаганлиги», юқорига силжиш учун зарур ички хусусиятларнинг йўқлиги, уларнинг ўз ижтимоий аҳволини яхшилаш учун кўпинча ягона йўл сифатида сиёсий муносабатларни мўлжаллашга мажбур этади. Бундай ҳолларда кўпинча юқоридаги, имтиёзли қатламларга нисбатан ғазабланиш, муваффақиятга интилишда имкониятларнинг доимий остин-устун қилинишига қатъий тайёргарлик билан тўлдириб боради.

Албатта, жамиятда ўз ижтимоий аҳволидаги барқарорликнинг устунлиги билан ажралиб турувчи гуруҳлар доимо бўлади. Бироқ уларнинг «етакчилик» аҳволи ҳам етарли даражада шартлидир. Чунки иқтисодий рақобатнинг кучайиши ёки иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, миллатлараро кескинлик ёки ушбу жамият учун хос бўлган бошқа қарама-қаршиликлар ижтимоий соҳадаги поғонали алоқаларни қайта қуришгина эмас, балки сиёсий муносабатлар характерига ҳам таъсир этиши мумкин. Тадқиқотлар кўрсатишича, агарда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар соҳасидаги гуруҳий қайта силжишлар жамиятда одатдаги кўрсаткичлардан ошиб кетмаса, яъни жамият доираси учун табиий бўлган ҳолда амалга ошса, бу ўзгаришлар жиддий сиёсий ларзаларсиз бўлади. Агарда иқтисодий ўзгаришлар кескин, сакрашсимон характер касб этса, сиёсий барқарорлик кучли босимга дучор бўлиши, айрим демократик тартиблар эса ҳалокатга учраши ҳам мумкин[5]. Демак, иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар, демократик мамлакатлар даромадлардаги нотенгликни аста-секин камайтириб боришга муттасил интилишлари лозим. Бу қоида, хусусан, бугун аҳолисининг 10 фоиз энг кўп таъминланган қисми ва 10 фоиз энг кам таъминланган қисми даромадлари ўртасидаги 15 марталик фарқ сиёсий кескинликнинг қудратли манбаларидан бири бўлиб турганлиги, ёш россия демократиясига ҳам огоҳлантириш бўлиб хизмат қилиши зарур[6].

Ижтимоий ҳаракатчанликнинг салбий оқибатлари устувор ижтимоий қадриятларнинг смирилишини ўз бошидан кечираётган мамлакатларда, айниқса, ижтимоий табақалаштириш ижтимоий муваффақият белгиларига эга бўлиш имкониятлари қатъий чекланган ҳолатларда, айниқса, кучаяди (Р. Мертон).

Энг юқори даражадаги сиёсий кескинлик ҳокимият сунъий имкониятлар яратган мамлакатларда вужудга келади. Масалан, большевистик тартибда вужудга келади. Большевистик тартиб томонидан ўтказилган қулоқ хўжаликларини тугатиш сиёсати (бой деҳқонларни мулкдан маҳрум этиб, Сибирга сургун қилиш) қишлоқда ўткир сиёсий курашни ва ҳатто деҳқонлар қўзғолонларини вужудга келтирди.

[5] Қаранг: Miller E. N. Democ'racy. Ekonomic Development and Jncome Jnequality // American Sociological Review. N. Y., 1988, Vol. 53 №2 P. 50-68.

[6] Социс. 1995. №2. С. 23.

Айрим фуқароларнинг гуруҳ ичидаги ва шунингдек, гуруҳлар ўртасидаги жойини ўзгартириши гуруҳий ҳаракатчанликнинг ички манбаи ва бир вақтнинг ўзида таркибий қисми ҳам бўлади. Ижтимоий ҳаракатчанликнинг бу турли кўринишларининг жадаллиги бир томондан, шу каби ўрин ўзгартиришлар учун жамият ўргатувчи, бошқа томондан эса янги қадриятларни мўлжаллаш, ҳаётий режаларни ўзгартириш, маълумотни ошириш ва бошқа сабаблар бўйича ўз ижтимоий аҳволини ўзгартиришга ҳаракат қилувчи кишиларнинг субъектив интилишлари чегаралари билан шартланади.

Тахминан XIX асрнинг ўрталарига қадар ҳатто капиталистик мамлакатларда ҳам, қоида тариқасида «органик мафкура» меъёрлари ҳукмрон бўлиб, у инсон эгаллаган аҳволнинг барқарорлигини оқлаб, бу билан ижтимоий тузилманинг ўзгармаслигини сақлаб қолиш учун жар соларди. Бу ғояга қарши К.Маркс буржуа жамиятидаги ҳаракатсиз табақалаштиришни синдиришга қодир бўлган ижтимоий инқилоб ҳақидаги ғояни олға сурди. Бироқ саноатлашган жамиятнинг ривожланиши бошқа йўлдан борди. У қобилиятлар ва фаоллик асосида кишиларнинг индивидуал (якка ҳолда) ўз ўрнини алмаштиришларини рағбатлантириш ҳисобига ижтимоий оралиқларни бартараф этиш имкониятларини кескин равишда кенгайтирди. Устуворлик касб эта бошлаган «очиқ синф» мафкураси индивидуал ҳаракатчанлик шахснинг ажралмас ҳуқуқи ва жамият ривожланишининг муҳим шарти эканлигидан келиб чиққан. Бу билан ижтимоий тафовутлар бирор-бир ижтимоий кучлар томонидан вайрон этувчи сиёсий ҳаракатларнинг вужудга келишини тақозо этмаслиги тўғрисидаги фикр тасдиқланади.

Фуқаролар мақоминнинг ўсиб боришини қувватловчи давлат сиёсатида фақат «ғолибларгина» янги ижтимоий мақомга эга бўлиб қолмасдан, балки қандайдир сабаб бўйича ижтимоий оралиқни бартараф эта олмаганлар ҳам ҳаётдан «четда» қолмайди, ишсизлик билан курашда, малакасини оширишда янги қадриятларни эгаллаш ва бошқаларда давлат муассасалари ёрдамидан фойдаланган ҳолда, ўз даъволарини (талабларини) вақтинча бостириб турадилар.

Шундай қилиб, давлат томонидан очиқ индивидуал ҳаракатчанлик асосида имкониятлар ва мақомлардан фойдаланиш имкониятининг таъминланиши жамият сиёсий барқарорлигининг муҳим шарт-шароити бўлиб хизмат қилади. Бундай шароитда жамиятда ижтимоий қатламлар пайдо бўлишининг табиий

механизмлари амал қилади, демократик қадриятлар ва энг юксак мақсадлар илдиз отади. Тескари йўл (стратегия) эса муқаррар равишда бошқарувчи ҳукмрон тартибот учун мисли кўрилмаган қийинчиликларга, сиёсий кескинликнинг тобора кучайишига олиб боради.

§ 2. Сиёсатда ижтимоий синфларнинг роли

Дунёнинг демократик, саноати ривожланган мамлакатларида кузатилаётган ижтимоий ҳаракатчанликнинг ўсиб бориш тамойили, жамиятдаги турли гуруҳ вакиллари учун ўз мақомини ошириш имкониятининг кенгайиб бориши улардаги барқарор гуруҳий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий нотенгликни сақлаб қолиш билан бирга қўшиб олиб борилади. Асосий ижтимоий гуруҳларнинг субординацияси, уларнинг энг муҳим ижтимоий ва аввало, ижтимоий-иқтисодий имкониятларга (бойлик, даромад, обрў-эътибор, маълумот) эга бўлиш нуқтаи назаридан юқори ва қуйига бўлиниши «ижтимоий синф» тушунчасини акс эттиради. Синфларнинг замонавий талқини ва уларнинг сиёсий аҳамияти етарлича турли-туман, кўпинча, асоссиз ва ҳамма вақт ҳам синфни жамиятнинг бошқа стратларидан (табақаларидан) фарқламайди. Айрим муаллифлар, (масалан Г. Моска, Р. Михельс ва бошқалар) жамиятнинг ижтимоий тузилишида сиёсий фарқларнинг устувор аҳамиятлилиги ғоясидан келиб чиқиб, «сиёсий синф» («бошқарувчилар синфи») тушунчасидан фойдаланадилар, бу билан ҳокимиятга эга бўлиш асосида ажралиб турувчи синфни белгилайдилар. Бироқ бу ҳолда гап ижтимоий синфлар тўғрисида эмас, балки сиёсий элита (олий табақа) тўғрисида бориб унинг таҳлилига дарсликнинг кейинги боби бағишланган. Ижтимоий синфлар тўғрисида эса «қачонки гуруҳларнинг иқтисодий аҳволи ҳаётнинг характерли шароитлари ва усули билан, одамларнинг ижтимоий ва сиёсий йўл-йўриқлари билан боғланган бўлсагина гапириш мумкин. Бунда шунингдек, билим даражаси, «маданий капитал» (Бурдье) ва ижтимоий ҳаракатчанлик ҳамда авлодларнинг ташқи, четдан ҳаракатчанлиги (иммобильность) намуналари каби омиллар муҳим рол ўйнайди»[7].

Ижтимоий синфлар бошқа стратлар (табақалар) орасида уларнинг иқтисодий аҳволи, улар вакиллари ижтимоий аҳво-

[7] Lexikon der Politik / hrsg. von D. Nolen. Bd. 3Munchen, 1992, S. 173.

лининг барқарорлиги, ижтимоий ҳаракатчанлигининг, қуйи синфдан юқорига ўтишнинг қийинлиги ва шунингдек, улар вакилларининг кўп сонлилиги билан ажралиб туради. Булар барчаси уларнинг с иёсатга нисбатан муҳим, баъзан эса белгиловчи таъсирини шарт қилиб қўяди.

Синфларнинг турлича таърифларини қараб чиққан ҳолда, уларнинг талқинига нисбатан **уч асосий ёндошувни** ажратиб кўрсатиш мумкин: **марксча, веберча** (М. Вебер шарафига) **ва стратификацион ёндашувлар** (Т. Парсонс, У. Уорнер ва б.). Бу ёндашувлар орасида сиёсий жараёнларни ва сиёсий тузумни асослашда синфларга устувор аҳамият берувчи марксча назария XX аср сиёсий фикрлари ва сиёсий тарихига энг кўп таъсир кўрсатди.

Синфлар сиёсий ролининг Марксча талқини

Марксизм нуқтаи-назаридан хусусий мулк ҳукмронлигига асосланувчи ҳар қандай жамият «ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тарихий маълум бир тизимида ўзларининг тутган ўринлари, ишлаб чиқариш воситаларига муносабатлари (кўп ҳолларда қонунларда мустаҳкамланган ва расмийлаштирилган бўлади), меҳнатни ижтиомий ташкил этишдаги роллари ва демак, улар тасарруфидаги бойликдан улуш олиш усуллари ва миқдори бўйича фарқ қилувчи кишиларнинг катта-катта гуруҳларидан»[8] — синфлардан ташкил топган бўлади. Айрим синфлар ўзларининг иқтисодий мавқеига кўра бошқа синфларнинг меҳнатини ўзлаштиришлари мумкин.

Капиталистик жамият икки қарама-қарши синфлар: мулкдорлар синфи-буржуазия ва ёлланма ишчилар синфи — пролетариатга бўлинади. Бошқа барча гуруҳлар (ер эгалари, ҳунармандлар, деҳқонлар, зиёлилар, хизматчилар ва б.) у ёки бу даражада асосий синфларга келиб қўшилади. Ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилувчи синф сиёсий ҳукмрон ҳам бўлиб давлатни бошқаради. Асосий синфларнинг манфаатлари қарама-қарши бўлиб, ўзаро келишмайди. Жамиятдаги ўз аҳволини англаш ишчиларда синфий онгнинг шаклланиши ва синфий курашнинг ривожланишига олиб келади, унинг олий шакли давлат ҳокимияти учун кураш-сиёсий кураш ҳисобланади. Капитализм қарама-қаршиликларининг кескинлашуви ва меҳнаткашлар синфий курашининг ўсиб бориши давомида бу социалистик революция билан якунланиб, унинг натижасида ишчилар синфи ўз сиёсий ҳукмронлигини ўрнатади ва ундан синфсиз ўз-ўзини бошқарувчи жамият — коммунизм қурилиши учун фойдаланади.

[8] Ленин В. И. Великий почин. Полн. собр. соч. Т. 39. С. 15.

Марксизмга кўра, жамият қарама-қарши, ўзаро зид синфларга парчаланган даврларда синфлар-сиёсатнинг бош субъектлари, синфий кураш эса — тарихни ҳаракатлантирувчи кучдир.

У бутун сиёсий ҳаётнинг, жумладан, капиталистик жамиятдаги ўзгаришларнинг, шунингдек, халқаро муносабатларнинг энг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан синфий жамият учун характерли бўлган ҳар қандай сиёсий муассасалар ва жараёнларни тўғри, илмий тушуниш учун синфий таҳлил зарурдир.

Антагонистик (қарама-қарши) синфлар ва ҳозирги давр

XIX аср охири — XX асрнинг биринчи ярмидаги тарихий амалиёт синфлар сиёсий роли ҳақидаги марксистик концепциянинг баъзи бир тасдиқларини берди. Шу даврда тарихий майдонга ишчилар синфининг оммавий-сиёсий партиялари чиқди, Россияда ва дунёнинг айрим бошқа мамлакатларида синфий шиорлар остида инқилоблар бўлиб ўтди, бироқ уларнинг бош ҳаракатлантирувчи кучлари ишчилар синфидан кўра кўпроқ, компартиялар томонидан бошқарилувчи ҳарбийлар, маргиналлар ва умуман жамиятнинг қуйи қатламлари бўлдилар.

Капиталистик жамиятнинг ривожланиб бориши, меҳнаткашлар ва бутун аҳолининг фаровонлиги ошиб бориши ва ижтимоий ҳуқуқларининг кенгайиши билан сиёсий амалиёт марксизмнинг синфий назариясидан тобора кўпроқ ажрала борди. Кўпчилик ишчилар капиталга қарши мажбурий инқилобий курашга чақирувчи синфий партияларни қувватламадилар, ижтимоий ислоҳотлар ва ижтимоий ҳамкорлик йўлига ўтдилар ёки сиёсий лоқайдликни намоён этдилар. Бу тамойил ҳозиргача ҳам сақланмоқда. Буюк Британияда, масалан, кейинги ўн йилликларда ишчиларнинг тахминан учдан бири сайловларда ўз овозларини, анъанавий равишда йирик капиталнинг партияси бўлиб келган консерваторлар партияси учун бермоқдалар. Эмпирик тадқиқотлар натижалари бўйича ГФРда атиги 10 фоиз аҳоли марксистик талқиндаги ижтимоий синфга тегишлиликни ижтимоий табақалашувнинг муҳим омили деб ҳисоблайди, бунинг устига улар орасида ишчилар атиги 5%, амалдорлар — 3%, хизматчилар — 15%, тадбиркорлар 18% ни ташкил этади[9].

XX асрнинг 80-90 йилларида буйруқбозлик социализми мамлакатларида ҳам ишчилар синфий онглилик кўрсатмадилар ва социалистик жамият ҳамда «ўз» ҳокимиятларини қувватлаб чиқ-

[9] Қаранг: Mayer K. U. Ungeeichheit und Mobilitat un Sozialen Bewusstsein. Opladen, 1975. S. 312.

мадилар. Устига устак, айрим мамлакатларда, аввало Польшада, уюшган ишчилар ҳаракати коммунистик тартиботга асосий сиёсий эътироз билдирувчи ва жамиятни демократиялаштириш ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш учун курашнинг бош кучи бўлиб чиқди.

Марксизмнинг синфий назариясини шубҳа остига қўювчи бу ва бошқа далиллар олимлар орасида турлича талқин этилмоқда. Марксизмнинг қатъий мухолифлари уларда марксча синфий назариянинг хатолигига исботни, ёки ҳеч бўлмаганда, унинг замонавий постиндустриал жамиятлар реаллигига очиқдан-очиқ мос келмаслигига исботни кўрадилар. Марксизм тарафдорлари эса ишчиларнинг кенг қатламларида синфий онгликнинг ва сиёсий курашга киришишнинг йўқлигини, аввало бошқа мамлакатлар меҳнаткашларини эксплуатация қилиш ҳисобига капитал қулай ҳаётий шароитлар яратиб берган ишчилар аристократиясининг шаклланиши билан (В. И. Ленин); ғарбнинг бой мамлакатлари ишчилар синфининг қуйи қатламлари ва чет эл ишчиларидан ташқари қисмининг капиталистик тизимга интеграциялашуви (Г. Маркузе); «кечки» капитализмнинг иқтисодий барқарорлашуви ва оммавий сиёсий бетарафликни таъминловчи, капиталнинг старлича самарали мафкуравий ва сиёсий ҳукмронлик тизимини яратиш билан (Ю. Хабермас ва бошқа неомарксистлар) изоҳлайдилар.

Ҳозирги неомарксистлар, ижтимоий-иқтисодий синфий можарони замонавий ғарб жамиятлари учун асос деб ҳисоблаб, синфий назария мухолифларини бор даражадаги эмпиризмда (тажрибага асосланиш) ва функционализмда. объектив ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва кишиларнинг сиёсий онги ўртасидаги ўзаро алоқадорликни оддий қайд этишда, бу ўзаро ҳаракатларни ўта даражага келтириш мураккаб механизмини инкор этилганликда танқид қиладилар. Уларнинг фикрича, синфий аҳволнинг ишчилар ва ёлланма меҳнатнинг бошқа вакиллари онгида ва синфий курашда айнан бир хил акс этишига тўсқинлик қилувчи омиллар уларнинг фаровонлиги ва ижтимоий таъминланганлигининг ўсиши, капитал томонидан ижтимоийлашув муассасаларининг назорат қилиниши ва таълим тизими, оммавий ахборот воситалари ёрдамида оммавий хомхаёллик онгини шакллантириш индустриясининг яратилиши кабилардир.

Ишчилар синфи томонидан Шарқий Европа мамлакатларидаги коммунистик тартиблар емирилишининг суст идрок этилишига келганда эса марксизм синфий назариясининг ҳозирги тарафдорлари буни социализмнинг бюрократик қайта туғилиши,

янги ҳукмрон эксплуататор синф — номенклатуранинг шаклланиши, унинг давлат ҳокимиятини зўрлик билан тортиб олишининг ишчилар синфини бузиши, социалистик мафкурадан юз ўгириши ва ўзининг сиёсий ҳукмронлигини иқтисодий ҳукмронликка айлантиришга интилиб, социализмни ижтимоий тизим сифатида тугатди, деб тушунтирадилар.

Бу турдаги далиллар маълум бир асосларга эга бўлсада, умуман олганда, синфларни сиёсатнинг бош субъектлари, синфий курашни эса тарихнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб талқин этиш тарихий тажриба ва тадқиқотлар асосида хато бўлмаганда ҳам, камида, ҳақиқатдан жуда йироқдир. Дунёнинг бирорта мамлакатида ҳам ишчилар синфи барибир ўзининг сиёсий ҳукмронлигини ўрната олмади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги анъанавий синфий партиялар ёки ўз мўлжалларини ўзгартирдилар ёки аҳолининг қандайдир салмоқли қисми қувватлашидан маҳрум бўлдилар.

Бироқ бу марксча синфий таҳлил ўзини тўлиқ тугатганини билдирмайди. Демократик постиндустриал мамлакатларда синфий (марксистик тушунишда) мансублик сиёсатнинг, асосий бўлмасада, ижтимоий-иқтисодий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. «Ёввойи», ижтимоийлашмаган капитализм мамлакатларида эса, хусусий мулкдорларнинг ўзбошимчалигига қаттиқ давлат чекловлари қўйилмасдан, синфий можаролар жуда ўткирлашиши ва сиёсий ҳаётнинг олдинги ўрнига чиқиши мумкин. Бундай мамлакатлар сирасига замонавий Россия ҳам мансубдир.

Синфларнинг М. Вебер томонидан талқин қилиниши

Синфларнинг марксча назарияси ҳозиргача бирмунча таъсирга эга бўлсада, кўпинча замонавий олимлар синфлар, уларнинг сиёсий ҳаётдаги роли ҳақидаги бошқача талқинлардан ҳам кенг фойдаланадилар. Улар учун асос бўлувчи аҳамиятли талқинлардан бири М. Веберинг синфлар концепцияси бўлиб, у кишиларнинг кишиларга қарши абадий курашининг муқаррар мавжуд бўлишини тан олган ҳолда, синфларга марксча ёндошувдаги бир ўлчовлилик (мулкка муносабат асосидагина) ва қаттиқ иқтисодий асосланишни танқид қилиб чиқди; М. Веберга кўра, **синфлар — қарийб бир хил ҳаётий имкониятлар, манфаатлар ва қадриятли мўлжалларга эга кишилар гуруҳлари бўлиб, иқтисодий аҳволининг умумийлиги уларни бир-биридан ажратиб туради ва синфий можароларга имконият яратади**. Ўзига хос синфий белгилар сифатида, унинг фикрича, фақат ишлаб чиқариш воситалари устидан назоратгина эмас, балки мулк ус-

тидан назорат ҳам, шунингдек, касб, малака ва айрим (135-бет.) бошқа ижтимоий-иқтисодий белгилар ҳам чиқади. Синфларнинг муҳим тавсифига у, шунингдек, ҳокимиятга кириш имконияти ва сиёсий уюшганликни ҳам киритди.

«Иқтисодиёт ва жамият» (1922) асарида М. Вебер синфларнинг уч турини ажратиб кўрсатади: мулкдан даромад олувчи **мулкдорлар**; **эга бўлувчилар**, уларнинг даромади иш кучини сотишдан ва меҳнат бозоридаги вазиятдан аниқланади; ва **ижтимоий** синфлар, уларнинг хусусиятлари юқори ички гуруҳий ҳаракатчанлик, алоҳида индивидлар ва бутун авлодларнинг ички гуруҳий ўрин алмаштиришларининг енгиллиги ва ўзига хослиги ҳисобланади. Ўзига замондош жамиятнинг синфлари деб у 1) ишчилар синфи; 2) майда буржуазия; 3) мулкка эга бўлмаган зиёлилар ва хизматчилар; 4) юқори маълумотига кўра имтиёзли бўлган шахслар ва мулкдорлар синфини атайди. Вебернинг ҳозирги даврдаги издошлари икки янги синфни ажратиб кўрсатади: 1) хизмат соҳаси ходимлари ва 2) давлат нафақалари ҳисобига яшовчи шахслар (нафақахўрлар, талабалар ва шунга ўхшашлар). Барча синфлар ўзига хос ижтимоий ва сиёсий манфаатларга эга бўлади.

М. Веберда синфлар муаммоси муфассал ишлаб чиқилмаган бўлсада (унинг айрим жиҳатлари эса фақат мўлжалланган бўлиб ҳозирги фанда турлича талқин этилади), унинг синфларга ёндошуви К. Марксннинг синфлар назариясидаги кескин иқтисодий асосланишни бартараф этиб бормоқда, жамиятда синфларнинг ҳаётий имкониятлари ва манфаатларида мужассамлашувчи аҳволининг турли томонларини ҳисобга олишга имкон бермоқда. Ҳозирги фандаги кўпчилик талқинлар синфларни веберча тушунишга асосланади; жумладан немис социологи Р. Дарендорф берган синфларнинг можаровий концепцияси ҳам шу асосда бўлиб, иқтисодий синфларни марксча тушунишни фақат уларнинг хусусий ҳолати деб қарайди ва синфларни аввало, ҳокимиятга ва обрў-эътиборга эгалиги (ёки эга эмаслиги) билан боғлиқ ҳолда фарқлайди.

Ҳокимият тизимидаги турлича аҳволига кўра синфлар ижтимоий можароларнинг куч-қудрат манбалари бўлиб чиқади. Умуман эса «синф — бу ижтимоий можаро ва унинг тузилмавий илдизлари ўзгаришини таҳлил этишда қўлланилувчи категория бўлиб, айнан шу билан у ҳозирги вақтда поғонавий тизимни таърифлаш учун қўлланиладиган категория сифатида қатламдан аниқ ажратилиши мумкин»[10]. Р. Дарендорф томонидан синфларнинг талқини ҳар томонламалиликка даъво қилмаган ҳолда, мумкин бўлган сиёсий можароларни аниқлаш ва таҳлил этишга йўналтиради.

[10] Dahrendorf R. Class and class Conflict in Industrial Society. L., 1957. P. 76.

Синфларга функционал ёндашув

Ҳозирги ғарб, айниқса, америка социологиясида синфларни табақалаштириш назарияси йўлида, яъни асосий ижтимоий табақалардан бири сифатида изоҳлаш кенг тарқалган. Ушбу ёндашув доирасида марказий ўринни синфларнинг функционал концепцияси эгаллаб, унга кўра синфлар — даромадининг миқдори, касбининг обрўлилиги, билим даражаси, ҳокимиятга кира олиши билан аниқланувчи, деярли бир хил ижтимоий мақомга эга бўлган кишилар гуруҳларидир. Бу мақомий ўлчамлар синфнинг сиёсий хулқ-атворида, жамоавий ўхшашликни сезишда, онги ва турмуш тарзида намоён бўлади.

Синфий бўлинишнинг ўзи функционал, жамият учун фойдалидир. Унда доимо истеъдодлар ноёблиги ва индивидларнинг қобилиятларига мос ҳолда амаллар, ижтимоий ўринларни тақсимлашдан манфаатдорлик мавжуд бўлади. Синфий бўлиниш ижтимоий эҳтиёжни қондиришда ёрдам беради, чунки ижтимоий поғона бўйича кўтарилишга қараб ўсиб борувчи моддий ва идеал (обрў, ижтимоий тан олиниш ва ҳурмат) тақдирлаш ёрдамида, у индивидларнинг ижтимоий поғоналарда янада юқорироқ ўрин учун фаоллиги ва мусобоқалашувини рағбатлантиради ва бу билан жамият учун энг муҳим бўлган ўринларнинг энг истеъдодли ва тегишли фаолиятга тайёрланган кишилар томонидан эгалланишига имкон беради. Функционал синфий тузилиш, синфларга ушбу ёндашув тарафдорлари фикрига биноан, жамиятнинг нормал ривожланиши учун зарур, шунинг учун синфларни ва ижтимоий нотенгликни йўқотишга ҳар қандай уринишлар нотабиий ва дисфункционалдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги жамиятда сиёсатнинг бош вазифаси деб ҳар бир инсон учун синфий ўринларнинг очиқлигини таъминлаш, ҳамма учун тахминан тенг старт имкониятларини яратиш тан олинади.

Тажрибавий тадқиқотлар натижалари синфларнинг функционал назариясидаги муҳим қоидалардан анча узоқлашади. Аввало улар шундан далолат берадики, ижтимоий ҳаётнинг кўп соҳаларида (мақомий поғоналарида) юқори ўринларни эгаллаш учун очиқчасига мусобақалашув ҳам, касб ва (ёки) амалнинг аҳамиятлилигига мос ҳолда мукофотларни оқилона тақсимлаш ҳам мавжуд эмас. Ундан ташқари, кундалик амалиётнинг кўрсатишича, мукофотлар тақсимотига кўпинча анъаналар, мафкуравий ва си-

ёсий омиллар, шу қаторда, у ёки бошқа ижтимоий гуруҳнинг сиёсий уюшганлиги ва фаоллиги белгиловчи таъсир кўрсатади.

Ўрта синф

Синфларга нисбатан функционал ёндошув йўлида ҳозирги сиёсий фикрларда ғоят кенг тарқалган ўрта (ёки янги ўрта) синф назарияси вужудга келиб (Х. Шельский, Р. Арон, Д. Белл ва б.), у турли муаллифлар томонидан ё буржуазия ва пролетариатга, ёки (одатда биринчиси билан боғланган ҳолда) юқори ва қуйи синфларга нисбатан тавсифланади. Бу назария тарафдорлари томонидан ўрта синфга демократиянинг бош ижтимоий асоси ва таянчи сифатида қаралади. Жамиятда тутган ўрнига кўра, у сиёсий барқарорликдан манфаатдор, эркинлик қадриятлари ва инсон ҳуқуқларини юқори даражада ҳурмат қилади, сиёсий кескинликларни муросага келтириш ва яраштиришга иштиёқли, сиёсий талабларда мўътадил, электорал ва бошқа сиёсий қарорлар қабул қилинишида нисбатан юқори ваколат ва фаолликка эга. Шу билан бир вақтда, С. Липсет таъкидлаганидек, ўрта синфнинг қуйироқ қатламлари экстремистик ҳаракатлар, айниқса, фашистик ва ўнг экстремистик йўналишлар учун қулай озиқланувчи замин бўлиб хизмат қилади.

Ўрта синф назариялари Ғарб мамлакатларида хизматчилар, зиёлилар, бошқарувчиларнинг сон жиҳатдан ўсишининг, кўп сонли майда тадбиркорлар сақланиб қолишининг, ишчилар ва бир қатор бошқа гуруҳларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги ва билим даражасининг ошиб бориши, шунингдек, аҳоли кенг қатламларининг даромадлари, истеъмол даражаси ва турмуш тарзи яқинлашувининг акс этиши бўлди. Ўрта синф назарияси издошларининг фикри бўйича, бу жараён буржуазия ва пролетариат ўртасидаги синфий фарқларнинг йўқолишига ва индустриал ривожланган мамлакатларнинг кўпчилик аҳолисини қадрият асосида бирлаштирувчи ва қамраб олувчи янги ижтимоий гуруҳнинг шаклланишига олиб келди — ана шулар ўрта синфни ташкил этади. Унга даромад, маълумот, касбий обрў, турмуш тарзи даражаси бўйича яқинликка эга бўлганлар ва жамиятнинг ушбу гуруҳи билан ўзини бир хил, ўхшаш ҳисобловчилар мансубдир. Сўровлар натижаларига кўра, Ғарб мамлакатларида аҳолининг ярмидан кўпи (70-80%) ўзларини ўрта синфга қўшади. Ўрта синфнинг шаклланиши жамиятга юқори ижтимоий бир хиллик даражасини таъминлайди, синфий можароларни юмшатади ёки бутунлай йўқотади, партиялар касаба уюшмалари ва бошқаларнинг тутган мавқелари ўзаро яқинлашувига ёрдам беради.

Индустриал ривожланган мамлакатлар аҳолиси кенг қатламларининг мақомий ўринларини яқинлаштириш ва ижтимоий тенгсизликни юмшатишнинг реал жараёнини акс эттиргани ҳолда, ўрта синфнинг шаклланиши анъанавий синфий ва табақавий фарқлар мавжудлигини бекор қилмайди, улар кўпинча, индивиднинг ўрта синфга тегишлилигига қараганда кўпроқ сиёсий аҳамиятга эга бўлади.

Умуман эса тадқиқотнинг табақалаштириш усуллари билан тўлдирилган ва бойитилган барча асосий кўринишлардаги синфий таҳлил, сиёсатнинг ижтимоий манбаларини, унинг энг кучли ва одатда яширин бўлган ҳаракатлантирувчи кучларини очишга йўл қўяди, сиёсий ўзгаришларнинг тамойиллари ва истиқболларини топишга имконият беради.

§ 3. Ҳозирги дунёда ижтимоий тузилманинг тадрижи

Ғарб мамлакатларидаги ижтимоий тузилманинг ривожланиш тамойиллари

Жамиятдаги ижтимоий алоқаларнинг жуда кўп турли-туманлиги сиёсий ҳокимият соҳасида ҳам шунчалик бой муносабатларни туғдиради. Барибир, агарда, ривожланган индустриал мамлакатлар тўғрисида гапирганда, ижтимоий тузилмадаги ўзгаришларнинг бир қатор барқарор тамойилларини ва уларнинг сиёсий оқибатларини белгилаш мумкин.

Умуман, амалиётнинг кўрсатишича, ижтимоий тузилмадаги ўзгаришлар бу ерда аввало, янги ишлаб чиқариш ва ахборот технологиялари, фуқаролар моддий фаровонлигининг ўсиши, уларнинг қадриятли мўлжалларининг бўш вақт ва маданият фойдасига кучайиши, давлатлараро алоқалар ва муносабатларнинг кенгайиш таъсири остида юз бермоқда. Ноишлаб чиқариш соҳасида (хизматлар, алоқа хизмати, банк иши ва б.) банд бўлган аҳолининг ҳиссаси сезиларли ўсиб бормоқда, давлат томонидан сиёсий-маъмурий таъминлаш эвазига мавжуд бўлиб турган аҳолининг (ўқувчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, ишсизлар ва б.) сони ўсмоқда. Миллатлараро ва ирқий муносабатларда вазминлик, ижтимоий-маданий турмуш тарзида турличаликнинг ўсиб бориши кузатилмоқда. Бир қатор мамлакатларда чет эл ишчиларининг салмоқли табақаси вужудга келди ва б.

Бироқ, барчасидан муҳими бу мамлакатлардаги ўрта синфнинг етакчи ижтимоий ўринга эгалигини таъкидлашдир. Ҳаёт К. Марксниг ушбу синф буржуазия ёки ишчилар синфи билан қўшилиб

кетиши ҳақидаги фаразини тасдиқламади. Ҳозирги вақтда у жамият ижтимоий тузилмасида марказий ўринни эгаллайди. Жамиятда эгаллаган ўрнига кўра, у сиёсий барқарорлик ҳамда эркинлик идеаллари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдордир. Унга тегишли бўлган фуқароларнинг менталитети ва хулқ-атворлари эса аҳолининг камбағал ва бой қатламлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий зиддиятларнинг кескинлашувини вазминлик билан ҳал этишга олиб келади. Унинг ижтимоий етакчилик роли ҳам шуни намойиш этадики, мулкчиликдаги фарқлар кишилар томонидан асосан вақтинчалик мақомий фарқлар сифатида қабул қилинади ва жиддий сиёсий ларзаларни бошлаб беришга қодир омил сифатида тобора камроқ кўзга ташланмоқда.

Албатта, ўрта синфнинг шаклланиши ва амал қилишидаги барча жараёнлар ҳам бетарафлик характерига эга эмас. Масалан, унинг аъзолари учун маълумот олишда мутлақ фойдаланиш имконига эга бўлганлиги асло улар томонидан чекланган ишчи ўринларини эгаллашнинг муаммосизлигини билдирмайди. Бу жойлар учун рақобатнинг қизишиб бориши эса, баъзан сиёсий фаоллик турли шаклларининг намоён бўлишини рағбатлантиради. Ушбу синфнинг пасайишга томон ҳаракатлари ҳам айрим сиёсий иккиланишларни келтириб чиқаради. Аҳолининг ўртадан жамиятнинг қуйироқ табақаларига қайтадан ўтиб бориши жамият ижтимоий муҳитида маълум бир ўзгаришларни юзага чиқарувчи руҳий тушкунлик ва оммавий индивидуал умидсизликнинг вужудга келиши билан биргаликда юз беради. Бир сўз билан айтганда, индустриал жамият асло можаросиз эмас. Ишсизлик, иқтисодий муносабатларни қайта қуриш, миллий ва ирқий муаммолар орқали юзага чиққан ижтимоий зиддиятлар баъзида анчагина ўткир сиёсий зиддиятларнинг вужудга келишига ёрдам беради. Шу билан бир вақтда ўрта синф каби қудратли ижтимоий стабилизаторнинг (барқарор ишлашни таъминлаш механизмининг) мавжудлиги, жамиятнинг катта кўпчилиги томонидан бўлиб олинган идеаллар ва қадриятларнинг ҳукмронлиги, қонунлар устуворлиги ва анъаналарга ҳурмат турли-туман гуруҳ ва қатламларнинг сиёсий йўл тартибига айрим ўзгартиришлар киритишга бўлган даъволарини чеклаб туради. Гуруҳларнинг сиёсий талаблари мавжуд тузумнинг барқарорлигини бузмайди. Вазирлар Маҳкамаси, парламентлар, ҳукмрон партияларнинг алмашинуви қонун ҳукмронлигига қаттиқ ишонч орқали амалга оширилади.

Бу гуруҳ мамлакатларига тескари ҳолда, масалан, посткоммунистик давлатларда гуруҳларнинг ижтимоий зиддиятлари анча

кўпроқ ўткир сиёсий жараёнларни юзага чиқаради. Умуман олганда иккита анчайин йирик макротамойиллар тўғрисида гапириш мумкин.

Бир томондан, хўжалик ташаббусларига таъқиқларнинг бекор қилиниши, шаҳарларнинг ўсиши, иқтисодиётнинг тузилмавий қайта қурилиши, хўжалик юритишда бозор укладининг мустаҳкамланиши, ва шунингдек, бир қатор бошқа, шулар каби ҳаракатлар омиллари очиқ ижтимоий сафарбарликни мустаҳкамлаш, жамиятда либерал-демократик қадриятларнинг тарқалиши ва илдиз отишига ёрдам беради. Бошқа томондан эса, жамиятдаги кам даромадли гуруҳлар, жумладан, жисмоний меҳнат ходимлари, бошқарув аппаратининг бир қисми, нафақахўрлар ва бошқалар манфаатларининг таъсири ижтимоий адолат ва тенглик, тартиботни мустаҳкамлаш ва давлат ғамхўрлигини (патернализмни) ошириш талабларини кучайтириб боради. Гуруҳларнинг бу ижтимоий ва сиёсий манфаатларининг тўқнашуви характери ҳозирги Россия мисолида яққол кўринади.

Россиядаги сиёсий муносабатларнинг ижтимоий манбалари

Ҳозирги Россия жамияти ижтимоий тузилмасидаги аҳвол ва ўзгаришларнинг хусусиятлари, аввало, ижтимоий муносабатларнинг ўтиш ҳолатидалиги билан аниқланади. Энг муҳим ўзгаришлар шу бўлдики, реал амалга оширилган демократик ўзгаришлар (улар орқага қайтишдан кафолатланмаган бўлсада) имкониятлар ва мақомларни қайта тақсимлашнинг, ижтимоий табақалаштириш шаклларининг янги ижтимоий механизмларини вужудга келтирди.

Бу ижтимоий жараёнлар гўёки тузилмалаштиришнинг анъанавий механизмлари билан ёнма-ён мавжуд бўлиб, улар аввало, иқтисодиётнинг дотацияли ва рақобатга бардошсиз секторининг амал қилиши билан боғлиқдир. Табақалаштиришнинг бу омиллари билан, қоида тариқасида, давлат секторининг кам фойда олувчи ва фойда олмайдиган корхоналари, бозор иқтисодига кириша олмаётган бир қатор давлат муассасалари ходимлари, иқтисодий ислоҳотлар натижалари энг кам билинадиган кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойлари аҳолиси, нафақахўрлар, ўқувчи ёшларнинг айрим категориялари ва бошқалар боғланган бўлади.

Тузилмалаштиришнинг кўрсатиб ўтилган манбалари билан бирга, унга хусусий мулкчиликнинг киритилиши, хўжалик муносабатларининг капиталлаштирилиши, урбанизация, алоқа соҳасининг қайта қурилиши, миллий ўз-ўзини англашнинг ўсиши ва бошқалар орқали юзага чиқувчи янги механизмлари вужудга

келади. Улар тадбиркорлар, фермерлар, йирик ва майда мулкдорлар, юқори малакали иш бошқарувчиларнинг пайдо бўлишига олиб келди, анъанавий синфий тавсифларга сиғишмайдиган турли-туман турмуш тарзлари ва этномаданий гуруҳлар (казаклар)ни кўпайтирди.

Умуман олганда, Россия жамиятининг ижтимоий тузилмасида кучли сиёсий оқимларни юзага чиқарувчи макроижтимоий зиддиятларнинг уч гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: анъанавий табақалаштириш ичидаги, янги (шартли айтганда бозор) табақалаштириши ичидаги ва шунингдек, ижтимоийликнинг бу икки тури ўртасидаги. Шу билан бир вақтда, нафақат объектив мураккаблашув, балки ижтимоий тузилманинг соддалашувидан иборат қарама-қарши тамойиллар кузатилади.

Сиёсий муносабатларга имтиёзли, давлат амалдорларининг кучли корупциялашган қисми билан аҳолининг қолган қисми ўртасидаги, шунингдек, монополиялашган давлат соҳаси ходимлари ва иқтисодиёт соҳасининг бошқа меҳнаткашлари ўртасидаги зиддиятлар жуда муҳим таъсир кўрсатади. Сиёсий муносабатларнинг мазмуни кўп жиҳатдан иқтисодий синфларнинг мавжудлигига ҳам боғлиқ бўла бошлади, унга тегишли шахслар даромадларининг даражаси бўйича фарқланадилар. Бир қутбда аҳолининг 5% бой ва ўта бойлари ҳамда 10-15% таъминланган қатламлари, бошқасида эса 15-20% энг кам таъминланган фуқаролар тўпланган. Ижтимоий тузилма ўзгаришларида муҳим сиёсий оқибатларга эга бўлган яна бир тамойил мавжуд бўлиб у жамиятнинг маргиналлашувига хизмат қилади, хусусан, у бир қисм аҳолининг оммавий қашшоқлашуви, аввало СССРнинг собиқ республикаларидаги фуқаролар ҳисобига анча ўсиб бораётган миграция жараёнлари ва бошқа ижтимоий жараёнлар билан боғлангандир.

Ҳозирги Россия жамиятидаги ўзаро ижтимоий алоқаларнинг турли-туманлиги ва бойлиги кўплаб сиёсий жараёнларнинг чигаллашиб кетишини вужудга келтиради: бозор ўзгаришларидан манфаатдор бўлган ва давлатни тадбиркорликни кенгайтиришга ундовчи гуруҳлар, иқтисодиётни таркибий қайта қуришдан манфаатдор бўлмаган ва давлатнинг тартибга солиш сиёсатини ҳамда ҳомийлигини сақлашга интилувчи кучлар билан рақобатлашади; давлат аппаратидаги ислоҳотлар йўналишини ўзига хизмат қилдиришга интилувчи номенклатура гуруҳи жамиятда ижтимоий адолат ва эркинлик тамойилларини ўрнатишга уринувчи кенг ижтимоий қатламларнинг норозилиги билан тўқнашади; криминаллашаган ва «виждонли» иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган

кучлар ва қатламларнинг курашлари сиёсий терроргача бўлган кескин шаклларга эга бўла бошлайди.

Умуман эса турли-туман сиёсий оқимларнинг тўқнашувлари давлат фаолиятида жиддий инқирозларни юзага келтиради, жамият сиёсий маданиятида қадриятларнинг парчаланишини кувватлайди, аҳоли кенг ижтимоий қатламларининг сиёсий норозилигини бошловчи бўлади.

Тажриба кўрсатадики, Россиядаги сиёсий кескинлашишни юмшатиш, ўтиш даври ижтимоий тузилмасига эга бўлган бошқа мамлакатлардаги каби, ҳукумат фаолиятининг ижтимоий йўналиши кучайиши (айниқса, аҳолининг энг кам таъминланган қатламларига нисбатан) давлат бюрократиясининг имтиёзлари ва жиноятчилик билан кураш, фуқароларни касбий қайта тайёрлаш имкониятларининг кенгайиши ва бошқа бир қатор тадбирлар билан боғлиқдир.

8 БОБ

СИЁСИЙ ЭЛИТАЛАР

§ 1. Элита тушунчаси ва назариясининг вужудга келиши

«Сиёсий элита» тушунчасининг келиб чиқиши

«Элита» сўзи французчадан таржимада «энг яхши», «сараланган», «танланган» маъноларини билдиради. Оддий тилда у икки маънога эга. Улардан биринчиси у ёки бу ўлчовга биноан энг юқори бўлган қандайдир самарали, аниқ ва максимал даражада ифодаланувчи хусусиятларга эга бўлишликни акс эттиради. Бу маънода «элита» термини «элита дони», «элита отлар», «спорт элитаси», «элита қўшиқлар», «ўғрилар элитаси» ва шунга ўхшаш сўз бирикмаларида қўлланилади.

Иккинчи маънода «элита» сўзи омма устида турувчи ва алоҳида сифатларга эгалиги учун уларни бошқарувчи, жамият учун энг кўп қадрли бўлган гуруҳни ифодалайди. Сўзнинг бундай тушунилиши қулдорлик ва феодал жамиятлари воқелигини акс эттириб, уларда элита бўлиб аристократия чиқади («аристос» терминининг ўзи «энг яхши» дегани бўлиб, шунга мувофиқ аристократия «энг яхшилар ҳокимиятидир»).

Сиёсий фанда «элита» термини фақат биринчи, ахлоқан бетараф маънода қўлланади. Энг умумий шаклда аниқланган ҳолда, бу

тушунча сиёсий бошқарувчилик сифатлари ва вазифалари энг яққол ифодаланган намоёндаларни тавсифлайди. Элита назарияси бир текисга келтиришни, кишиларнинг ҳокимиятга таъсирини баҳолашда ўртачалаштиришга ҳаракатни истисно этишга интилади, жамиятда ҳокимият тақсимланишининг нотенглигини, сиёсий ҳаёт соҳасидаги мусобақалашув ва рақобатчиликни, унинг поғонасимонлигини ва ўзгарувчанлигини акс эттиради.

«Сиёсий элита» тушунчасининг илмий қўлланилиши жамиятда сиёсат ва унинг бевосита намоёндаларининг ўрни ва роли тўғрисидаги жуда аниқ умумий тасаввурларга асосланади. Сиёсий элита назарияси сиёсатнинг иқтисодиёт ва жамиятнинг ижтимоий тузилмасига муносабати бўйича тенг ҳуқуқлилиги ва тенг қийматлилиги, ёки ҳатто, устиворлигидан келиб чиқади. Шунинг учун бу концепция, жумладан, марксизм томонидан тақдим этилувчи сиёсатни атиги иқтисодий асос устидаги устқурма, иқтисодий ва синфий муносабатларнинг ўткирлашган ифодаси деб баён этувчи иқтисодий ва ижтимоий асосланиш ғоялари билан келишмайди. Шунинг учун ва шунингдек, бошқарувчи номенклатура элитасининг илмий тадқиқотлар обьекти бўлишни хоҳламаслиги оқибатида, сиёсий элита тушунчасига совет жамиятшунослигида сохта ҳамда бирмунча нохолислик сифатида қаралди ва ижобий маънода ишлатилмади.

Сиёсий фанда французча элита термини Сорел ва Парето-ларнинг хизмати туфайли XX аср бошларидан тарқала бошлади, аммо у жуда қадимда, Франциядан ташқарида вужудга келган эди. Уруғчилик тузуми емирилаётган даврдаёқ жамиятни олий ва қуйи, аслзодалар ва оддий халққа бўлувчи қарашлар пайдо бўлади. Бу ғояларнинг энг изчил асосланиши ва ифодаланиши Конфуций, Платон, Макиавелли, Карлейл, Ницше-да учрайди. Бироқ бу турдаги элитар назариялар ҳозирча бирон-бир социологик асосланишга эга эмас. Элитанинг дастлабки замонавий классик концепцияси XIX аср охири-XX аср бошларида пайдо бўлди. Улар Гаэтано Моска, Вильфредо Парето ва Роберт Михельс номлари билан боғлиқдир.

Москанинг элита назарияси

Буюк итальян социологи ва сиёсатшуноси Моска (1858-1941) ҳар қандай жамият аҳолиси ижтимоий аҳволи ва роли бўйича, муқаррар равишда икки нотенг гуруҳга бўлинишини исботлашга уринди. 1896 йилда «Сиёсий фан асослари» асарида у шундай ёзади: «Барча жамиятларда, энг ўртача ривожланган ҳамда цивилизациянинг бошланғич ҳолатига аранг эришганлардан тортиб, маърифатли ва қудратли-

ларида ҳам икки синф кишилари: бошқарувчилар синфи ва бошқарилувчилар синфи мавжуд бўлади, Биринчиси нисбатан камсонли бўлиб, сиёсий вазифаларни амалга оширади, ҳокимиятни монополия қилиб олади ва унга хос устунликлардан фойдаланади, шу вақтда иккинчилари, энг кўп сонлиси, биринчилари томонидан бошқарилади ва тартибга солинади (. . .) ва уларга сиёсий организмнинг ҳаёт қобилияти учун зарур бўлган моддий воситалар кўмагини етказиб туради».

Моска сиёсий элитанинг шаклланиш муаммолари ва унинг ўзига хос сифатларини таҳлил этди. Бошқарувчи кишиларни бошқарувга бўлган қобилиятини ҳисоблайди, яъни ташкилотчилик қобилятини, шунингдек, элитанинг жамиятдаги бошқа қисмдан ажратиб турувчи моддий, ахлоқий ва интеллектуал устунлигини сиёсий элитага киришнинг муҳим мезони деб ҳисоблайди. Умуман олганда, бу қатлам бошқарувга энг кўп қобилиятли бўлса-да, бироқ унинг барча вакилларига ҳам, аҳолининг бошқа қисмларига нисбатан муносабат бўйича, энг яхши, энг юқори сифатлар хос эмас.

Бошқарувчилар гуруҳининг жипслигини ва унинг жамиятдаги ҳукмронлик мавқеини таъкидлаган ҳолда Моска уни сиёсий синф деб атайди. Бу синф аста-секин ўзгаришларга дучор бўлади. Унинг ривожланишида икки тамойил мавжуд: аристократик ва демократик. Уларнинг биринчиси сиёсий синфнинг юридик жиҳатдан бўлмаганда ҳам, амалда меросий бўлишга интилишда намоён бўлади. Аристократик тамойилнинг устун бўлиши синфнинг «ёпилиш ва кристаллашувига», унинг айнишига, ижтимоий турғунликка олиб келади. Бу охир-оқибатда, янги кучларнинг жамиятда ҳукмронлик ўрнини эгаллаш учун курашининг фаоллашувига сабаб бўлади.

Иккинчи, демократик тамойил бошқарувга энг қобилиятлилар ва қуйи табақанинг фаоллари ҳисобидан сиёсий синфнинг янгиланиб боришида ифодаланади. Бундай янгиланиш элитанинг айниб бориши (**дегенерацияси**)нинг олдини олади, уни жамиятга раҳбарликка қобилиятли қилади. Жамият учун аристократик ва демократик тамойиллар ўртасида мувозанат бўлиши энг мақбулидир, чунки у мамлакат раҳбарлигида ворисийлик ва беқарорликни, шунингдек, унинг сифат жиҳатидан янгиланишини ҳам таъминлайди.

Москанинг сиёсий синф концепцияси элитар назарияларнинг кейинги ривожига катта таъсир қилгани ҳолда жамиятни тузилмалаштиришда сиёсий омилни (бошқарувчилар қатламига мансубликни) бирмунча мутлақлаштиргани, иқтисодиёт ролини ор-

тиқча баҳолаганлиги учун танқидга дучор бўлди. Замонавий плюралистик жамиятларга нисбатан қўлланилганда бундай ёндашув кўп жиҳатдан ғайриқонунийдир. Аммо, сиёсий синф назарияси кутилмаганда тоталитар давлатларда ўз тасдиғини топди. Бу ерда сиёсат иқтисодиёт ва жамиятнинг барча бошқа соҳалари устидан бошчилик қилиш ҳуқуқига эга бўлди ҳамда номенклатура бюрократияси кўринишида, Моска баён этиб ўтган, «сиёсий синф»нинг тимсоли шаклланди. Тоталитар давлатларда сиёсий номенклатурага кириш, ҳокимиятга ва бошқарувга эга бўлиш бошқарувчилар синфининг иқтисодий ва ижтимоий ҳукмронлигининг дастлабки сабабларидан бўлди.

Парето ва Михельс концепциялари

Москадан мустақил равишда, тахминан шу даврда Парето (1848-1923) ҳам элита назариясини яратди. У Моска каби, барча замонларда ҳам дунёни алоҳида: психологик(туғма) ва ижтимоий (тарбия ва таълим оқибатида олинган) сифатларга эга бўлган озчилик-элита бошқарган ва бошқариши зарур, деган қоидадан келиб чиқади. «Умумий социология бўйича трактат» асарида у: «айрим назарияларга бу ёқадими йўқми, барибир инсоният жамияти бир хил эмас ва индивидлар жисмонан, ахлоқан ва интеллектуал жиҳатдан турличадир»-деб ёзади. Фаолиятлари бирон бир соҳада самарадорлиги, юқори натижалари билан фарқ қилиб турувчи индивидлар йиғиндиси элитани ташкил этади.

У (элита) бевосита ёки билвосита (аммо самарали) бошқарувда қатнашувчи ва бошқармайдиганлар — контрэлитага, қуйи қатламлар учун жамиятда мавжуд бўлган ҳар хил тўсиқлар ва ўзининг ижтимоий мақомига кўра раҳбарликка киришиш имконига эга бўлмаган, бироқ элита учун характерли сифатга эга бўлган кишиларга бўлинади.

Ҳукмрон элита ички жиҳатдан уюшган бўлади ва ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашади. Жамият ривожланиши икки асосий турдаги элитанинг даврий алмашинуви, айланиши воситасида рўй беради, «тулкилар»(раҳбарликнинг «майин» усулларини: музокара, ён бериш, хушомад, ишонтириш ва шунга ўхшашларни қўлловчи уддабурон раҳбарлар) ва «шерлар»(асосан кучга таянувчи қаттиққўл ва қатъиятли ҳукмдорлар).

Жамиятда юз берувчи ўзгаришлар элитанинг мазкур турларидан бирининг ҳукмронлигини аста-секин емириб боради. Масалан, тарихнинг нисбатан осойишта даврида самарали бўлувчи «тулкилар» ҳукмронлиги қатъий ҳаракатлар ва зўравонлик қўлланилиши талаб этиладиган вазиятлар учун яроқсиз

бўлиб қолади. Бу жамиятда норозиликнинг ўсишига ва контрэлитанинг (шерларнинг) кучайишига, уларнинг оммани сафарбар этиш ёрдамида ҳукмрон элитани ағдариши ва ўз ҳукмронлигини ўрнатишига олиб келади.

Сиёсий элита назариясининг ривожига Р. Михельс (1876-1936) катта ҳисса қўшди. У жамиятнинг элитарлигини яратувчи ижтимоий механизмларни тадқиқ этди. Элитарлик сабабларини талқин этишда Моска билан асосан бирдам бўлган ҳолда, Михельс бошқарувчи қатламни кучайтирувчи ва юқори кўтарувчи ташкилотчилик қобилиятлари ва шунингдек, жамиятнинг ташкилий тузилмаларини алоҳида ажратиб кўрсатади. У жамият тузилишининг ўзи элитарликни талаб қилади ва уни қонуний равишда қайта ишлаб чиқаради- деб хулоса қилади.

Жамиятда «олигархик тамойилларнинг темир қонуни» амал қилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, ижтимоий тараққиётдан ажралмас бўлган йирик ташкилотларнинг ривожланиши муқаррар равишда жамият бошқарувининг олигархиялашуви ва элитанинг шаклланишига олиб келади, чунки бундай ташкилотларга раҳбарлик унинг барча аъзолари томонидан амалга оширилиши мумкин эмас. Улар фаолиятининг самарадорлиги вазифавий ихтисослашув ва мақсадга мувофиқликни, раҳбар ўзак ва аппаратни талаб этади, улар аста-секин, аммо муқаррар равишда оддий аъзоларининг назоратидан чиқадилар, биринчи навбатда ўзларининг имтиёзли аҳволларини сақлаб қолиш тўғрисида қайғурадилар. Ташкилотнинг бошқа аъзолари эса суст, етарлича ваколатли эмас ва кундалик сиёсий фаолиятга бефарқлик намоён этадилар. Натижада ҳар қандай, ҳатто демократик ташкилотни ҳам, ҳамма вақт, амалда олигархик, элитар гуруҳ бошқаради. Бундай энг таъсирли гуруҳлар ўзларининг имтиёзли ҳолатларини сақлашдан манфаатдор бўлиб, омма манфаатларини унутган ҳолда, ўзаро ҳар хил турдаги алоқалар ўрнатадилар, жипслашадилар.

«Олигархик тамойиллар қонуни»нинг амал қилишидан Михельс умуман демократиянинг ва хусусан социал-демократик партиялар демократизмининг имкониятларига нисбатан тушкун хулосаларни чиқаради. У демократияни, амалда, омманинг бошқарувдаги бевосита иштироки билан деярли бир нарса деб билади.

Моска, Парето ва Михельснинг асарларида сиёсий элита ўзининг етарлича аниқ шаклига эга бўлди. Унинг энг муҳим хусусиятлари, ҳозирги даврнинг турли **элитар назарияларини чегаралашга ва баҳолашга имкон берувчи ўлчамлари** аниқланди. Уларга:1) элита вакилларига хос бўлган алоҳида ху-

сусиятлар; 2) элитар қатлам ичида мавжуд бўлган ва унинг жипслиги, умумлашувини характерловчи ўзаро муносабатлар; 3) элитанинг элита эмаслар, омма билан муносабати; 4) элитанинг қандай ва кимлардан ташкил топиши; 5) элитанинг жамиятдаги роли (тузувчилик ва бузувчилик) унинг вазифалари ва таъсири кабилар тааллуқлидир.

§ 2. Ҳозирги элитар назарияларнинг асосий йўналишлари

Макиавелли мактаби

Моска, Парето ва Михельсларнинг элита концепцияси давлатга раҳбарлик қилувчи ёки бунга даъвогарлик қилувчи гуруҳлар ҳақидаги кенг назарий, кейинчалик (асосан иккинчи жаҳон урушидан кейин) тажрибавий тадқиқотларга ҳам туртки берди.

Ҳозирги элита назариялари турли-тумандир. Тарихий жиҳатдан биринчи гуруҳ назариялари, ҳозирда ҳам аҳамиятини йўқотмаган, қисқача қараб чиқилган Макиавелли мактаби (Моска, Парето, Михельс ва б.) концепциялари ҳисобланади. Уларни қуйидаги ғоялар бирлаштиради:

1. Элитанинг табиий заковат ҳамда тарбия билан боғлиқ бўлган ва уни бошқаришга ёки ҳеч бўлмаганда ҳокимият учун курашга қобилиятлилигини ифодаловчи алоҳида сифатлар.

2. Элитанинг гуруҳий жипслиги. Бу нафақат касбий мақом, ижтимоий аҳвол ва манфаатлар умумийлиги бўйича бирлашган, балки жамиятга раҳбарлик қилишга даъват этилганларнинг элитар ўз-ўзини англаши ва ўзини алоҳида қатлам дейиши ҳамдир.

3. Ҳар қандай жамиятнинг элитарлигини, унинг муқаррар равишда имтиёзли ҳукмронлик қилувчи ижодий озчиликка ва пассив, ноижодий кўпчиликка бўлинишини тан олиш. Бундай бўлиниш инсон ва жамиятнинг табиий ҳолатидан қонуний ҳолда келиб чиқади. Элитанинг шахсий таркиби ўзгарсада, унинг оммага муносабати ўз асосига кўра ўзгармасдир. Масалан, тарих давомида қабила доҳийлари, монархлар, бояр ва дворянлар, халқ комиссарлари ва партия секретарлари, министрлар ва президентлар алмашган бўлсаларда, бироқ улар ва оддий кишилар ўртасидаги ҳукмронлик ва бўйсуниш муносабатлари сақланиб қолди.

4. Ҳокимият учун кураш давомида элитанинг шаклланиши ва алмашинуви. Юксак психологик ва ижтимоий сифатларга эга бўлган кўплаб кишилар ҳукмрон имтиёзли ҳолатни эгаллашга интиладилар. Аммо ҳеч ким уларга ўз амали ва ҳолатини кўнгилли равишда бўшатиб беришни хоҳламайди. Шу боис қуёш

остидан жой олиш учун яширин ёки очиқчасига кураш бўлиши муқаррардир.

5. Умуман олганда элита жамиятда амалий, раҳбарлик ва ҳукмронлик ролига эга. У ҳамма вақт ҳам самарали бўлмасада, ижтимоий тизим учун зарур бўлган бошқарув вазифасини бажаради. Ўзининг имтиёзли аҳволини сақлаш ва мерос бўйича ўтказишга интилиб, элита айниб бориш, ўзининг буюк сифатларини йўқотиш анъанасига эга бўлади.

Элитанинг Макиавеллича назарияси психологик омиллар аҳамиятининг бўрттирилиши, антидемократизм ҳамда омма қобилияти ва фаоллигини етарлича баҳоламаслик, жамият эволюциясини ва «ялпи фаровонлик» давлатларининг ҳозирги воқеликларини ҳисобга олмаслик, ҳокимият учун курашга сурбетларча муносабати учун танқидга дучор бўлмоқда. Бундай танқид кўп ҳолларда асоссиз эмас.

Қадрият назариялари

Элитанинг қадрият назариялари макиавеллчилар ожизлигини бартараф этишга уринадилар. Улар, макиавеллича концепциялар каби элитани жамиятнинг бош амалий, тузувчи кучи деб ҳисоблайдилар, бироқ демократияга муносабат бўйича ўз ҳолатларини бироз юмшатадилар, элитар назарияни ҳозирги давлатларнинг реал ҳаётига мослаштиришга уринадилар. Элитанинг турли-туман қадрият назариялари аристократизмни ҳимоя қилиш даражаси, оммага, демократияга муносабат бўйича тубдан фарқ қилади. Аммо улар қуйидаги бир қатор умумий йўналишларга ҳам эга:

1. Элитага мансублик бутун жамият учун энг муҳим бўлган фаолият соҳаларида юксак қобилият ва кўрсаткичларга эга бўлиш билан аниқланади. Элита — ижтимоий тизимнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган энг қимматли элементидир. Ривожланиш давомида жамиятда кўплаб эскирган эҳтиёжлар барҳам топиб, янги эҳтиёжлар, вазифалар ва қадриятли йўналишлар вужудга келади. Бу ўз даври учун энг муҳим бўлган сифатлар намояндаларининг аста-секин, ҳозирги талабларга жавоб берувчи янги кишилар томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Шу тариқа тарих давомида ўзида ахлоқий сифатлар ва аввало, ор-номус, билимлилик, маданиятлиликни мужассам этган аристократиянинг, хўжалик ташаббускорлигига жамият муҳтож бўлган тадбиркорлар билан ўрин алмаштириши юз берди. Кейингилари эса, ўз навбатида иш бошқарувчилар (менеджерлар) ва ҳозирги жамият учун ўта зарур бўлган билимли ва бошқарувчиликка ваколатлилар — интеллектуалларга ўринларини бўшатмоқдалар.

Элита қадрият назариясининг айрим ҳозирги тарафдорлари тасдиқлашича, фақат индустриал ва постиндустриал жамиятларгина ҳақиқатан ҳам элитар бўлади, чунки улар «хусусий мулкка эгалик қилиш бўйича эмас, балки иш масаласи бўйича тўпланувчи гуруҳлар ҳукмронлиги билан алмашган»[1].

2. Элита ўз раҳбарлик вазифаларини бажаришда соғлом асосларда жипслашган. Бу — ўз худбин гуруҳий манфаатларини амалга оширишга интилувчи кишилар бирлашмаси эмас, балки, аввало, умумий фаровонлик тўғрисида қайғурувчи шахслар ҳамкорлигидир.

3. Элита ва омма ўртасидаги ўзаро муносабатлар сиёсий ёки ижтимоий ҳукмронлик характерига эга бўлмасдан, балки бошқарувчиларнинг розилиги ва кўнгилли, итоаткорлиги ҳамда мулкдорлар ҳокимиятининг обрў-эътиборлилигига асосланувчи, бошқарувчилик таъсирини тақозо этувчи раҳбарликдир. Элитанинг етакчилик роли катталарнинг, кўпроқ билувчилар ва ваколатларнинг ёшларга, хабари ва тажрибаси камларга раҳбарлик қилишига ўхшатилади. У барча фуқаролар манфаатига жавоб беради.

4. Элитанинг шаклланиши — ҳокимият учун шиддатли кураш натижаси эмас, балки жамият томонидан энг қадрли вакилларнинг табиий танланиши оқибатидир. Шунинг учун жамият бундай насл яратиш механизмини такомиллаштиришга интилиши, барча ижтимоий қатламлардан энг кўп амалий натижа берувчи элитани излаш ишларини олиб бориши зарур.

5. Элитарлик — ҳар қандай жамиятнинг самарали ишлаб туриш шартидир. У бошқарувчилик ва ижрочилик меҳнатининг табиий бўлинишига асосланади, имкониятлар тенгсизлигидан қонуний равишда келиб чиқади ва демократияга зид эмас. Ижтимоий тенглик натижалар, ижтимоий мақом тенглиги сифатида эмас, балки ҳаётий имкониятлар тенглиги сифатида тушунилиши керак. Кишилар жисмонан, интеллектуал, ўз ҳаётий энергияси ва фаоллиги бўйича тенг эмас экан, унда демократик давлат учун уларга деярли бир хил ҳаракат бошлаш имкониятини яратиш керак. Маррага эса улар турлича вақтда ва ҳар хил натижалар билан етиб келадилар. Муқаррар равишда «ижтимоий чемпион»лар ва ўйиндан ташқаридагилар пайдо бўлади.

Элита қадриятли назариясининг айрим тарафдорлари, унинг жамиятга таъсирини характерловчи миқдорий кўрсаткичларини ишлаб чиқишга уринадилар. Н. А. Бердяев турли мамлакатлар ва

[1] Von Beume K. Die Politeshen theorien der Gegenwart. Opladen, 1992 S. 226.

халқлар ривожланишини таҳлил қилиш асосида аҳолининг юқори интеллектуал қисмининг саводлилар умумий сонига нисбати сифатида «элита коэффициенти»ни киритди. Элита коэффициентининг 5% дан юқори бўлиши жамиятда юқори ривожланиш имконияти мавжудлигини билдиради. Ушбу коэффициент тахминан 1%гача пастга тушганда, империя мавжуд бўлишини тугатади, жамиятда турғунлик ва қотиб қолиш кузатилади. Элитанинг ўзи эса бир тоифага, коҳинларга айланади.

Жамиятда элитанинг роли тўғрисидаги қадриятли тасаввурлар демократия учун элитарлик зарур деб тасдиқловчи ҳозирги неоконсерваторларда устивор ҳисобланади. Бироқ элитанинг ўзи бошқа фуқаролар учун ахлоқий намуна бўлиб хизмат қилиши ва эркин сайловларда ўзига нисбатан тасдиқланувчи ҳурматни сингдириши зарур.

Демократик элитизм назариялари

Қадриятлар назариясининг асосий қоидалари ҳозирги дунёда кенг тарқалган демократик элитизм (элитар демократия) концепцияси асосида ётади. Улар Йозеф Шумпетернинг демократияни потенциал раҳбарлар ўртасидаги сайловчилар ишончи учун рақобат сифатида тушунишни таклиф этишидан келиб чиқади. Карл Мангейм ёзганидек,-«демократия антиэлитар тамойилни қизиқтиради, аммо охиригача, элита ва оммани утопик тенглаштиришгача боришни талаб қилмайди. Биз тушунамизки, демократия элита қатламининг йўқлиги учун эмас, балки унга жалб этишнинг янги усуллари ва элитанинг янгича ўз-ўзини англаши билан тавсифланади»[2].

Демократик элитизм тарафдорлари, тажрибавий тадқиқотлар натижасига суяниб, реал демократия элитага ҳам муҳтождир, чунки ҳаддан ташқари юқори партиялашув демократиянинг барқарорлигига таҳдиддир, дейдилар. Элита аввало, аҳоли томонидан сайланган раҳбарларнинг юқори сифатли таркибининг кафолати сифатида зарурдир. Демократиянинг ижтимоий қиймати ўзи ҳал қилувчи тарзда элитанинг сифатига боғлиқдир. Раҳбарлик қатлами нафақат бошқарув учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлади, балки демократик қадриятларнинг ҳимоячиси бўлиб хизмат қилади, ҳамда, кўпинча оммага хос бўлган сиёсий ва ғоявий самарасизликни, ҳиссий (эмоционал) беқарорлик ва қатъиятлиликни тўхтатишга қодирдир.

60-70 йилларда элитанинг ва омма авторитаризмининг нисбатан демократлашгани тўғрисидаги тасдиқлар конкрет фактлар то-

[2] Essays on the Sociology of Culture. London 1956 P. 200.

монидан бирмунча рад этилди. Элита вакиллари одатда, либерал-демократик қадриятларнинг (шахс, сўз эркинлиги, рақобат ва б.) қабул қилинишида, сиёсий бағрикенгликда, бошқа фикрларга бардошлиликда, диктатурани айблашда жамиятнинг қуйи қатламларидан устунлик қилсаларда, бироқ улар фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари: меҳнатга, иш танлашга, касаба уюшмасига бирлашишга, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларининг қабул қилинишида кўпроқ консерватив эканлиги кўринмоқда. Бундан ташқари, айрим олимлар (П. Бахрах ва Ф. Нашольд) оммавий сиёсий иштирокчиликни кенгайтириш ёрдамида сиёсий тизимнинг барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш имкониятларини кўрсатадилар.

Элиталар плюрализми концепцияси

Қадриятлар назариясининг элитани саралашнинг қадриятли-амалий характери тўғрисидаги йўналишлари ҳозирги демократик жамиятларда кўплашув, элита плюрализми каби, бугунги элитар фикрларда энг кўп тарқалган коцепцияларни ривожлантирмоқда. Уларни айрим ҳолларда элитанинг функционал назариялари, деб атайдилар. Улар элитар назарияни, унинг бир қатор асос бўлувчи, классик йўналишларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилсалар-да, тўлалигича инкор этмайдилар. Элитанинг плюралистик концепциялари асосида қуйидаги қоидалар (постулатлар) ётади:

1. Сиёсий элитани функционал элита сифатида талқин этиш. Конкрет ижтимоий жараёнларни бошқариш функциясини (вазифасини) бажаришга малакавий тайёргарлик-элитага тегишлиликни аниқловчи муҳим сифатдир. «Функционал элиталар,- деб ёзади Э. Гольтманн,- бу жамиятда маълум бир раҳбарлик ўринларини эгаллаш учун зарур бўлган, алоҳида малакага эга шахслар ёки гуруҳлардир. Жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан уларнинг устунлиги муҳим сиёсий ва иқтисодий жараёнларни бошқаришда ёки уларга таъсир этишда намоён бўлади»[3].

2. Элитанинг бир бутун, имтиёзли, нисбатан жипслашган гуруҳ эканлигини инкор этиш. Ҳозирги демократик жамиятда ҳокимият турли-туман гуруҳлар ва муассасалар ўртасида бўлиб юборилган бўлиб, улар бевосита иштирок этиш, босим кўрсатиш, гуруҳлар ва уюшмалардан фойдаланиш ёрдамида номақбул қарорларга вето қўйиш- рад этиш, ўз манфаатларини олға суриши, келишув йўлланмаларини топиши мумкин. Ҳокимият

[3] Holtmann E. Politik-Lexikon. Munchen; Wien, 1991 S138.

муносабатларининг ўзи эса ўзгарувчан ва оқувчандир. Улар маълум қарорлар учун яратилади ва бошқа қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш учун алмаштирилиши мумкин. Бу ҳокимиятнинг концентрациялашувини (юқори даражада тўпланишини) кучсизлантиради ва барқарор ҳукмронлик қилувчи қатламнинг вужудга келишини бартараф этади.

Кўплаб элиталар мавжуд. Улардан ҳар бирининг таъсири, уларнинг фаолият соҳалари хусусияти билан чекланган. Улардан ҳеч бири ҳаётнинг барча соҳаларида устунлик қилишга қодир эмас. Элита плюрализми меҳнатнинг мураккаб ижтимоий тақсимоти, ижтимоий тузилманинг турличалиги билан аниқланади. Асос ҳисобланувчи «она» гуруҳлардаги кўпчиликдан ҳар бири — касбий, минтақавий, диний, демографик ва бошқалар — унинг қадриятлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ва шу билан бир вақтда унга фаол таъсир кўрсатувчи ўз хусусий элитасини ажратади. Муҳим ижтимоий секторлардаги элиталар ўртасидаги фарқлар, бир секторга тегишли элита қатламлари ўртасидаги фарқлардан кўра кўпроқ муҳимдир.

Жамиятнинг элита ва оммага бўлиниши нисбий, шартли ва кўпинча улар орасида аниқ чегара йўқ. Улар ўртасида, ҳукмронлик ёки доимий раҳбарликка қараганда, кўпроқ вакиллик муносабатлари мавжуд бўлади. Элиталар она гуруҳлар назорати остида бўладилар. Турли-туман демократик механизмлар- сайловлар, референдумлар, сўровлар, матбуот, босим кўрсатувчи гуруҳлар ва шу кабилар, ёрдамида Михельс томонидан таърифланган «олигархик тамойиллар қонуни»нинг амал қилишини чеклаш ёки бартараф этиш ва элитани омманинг таъсири остида ушлаб туриш мумкин. Ҳозирги жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий рақобатни акс эттирувчи элиталар рақобати бунга ёрдам беради. У ягона бошқарувчи гуруҳ вужудга келишининг олдини олади ва элитанинг оммага ҳисоб беришини мумкин қилиб қўяди.

4. Ҳозирги демократияларда элита энг кўп ваколатли ва манфаатдор фуқаролардан шаклланади, улар элита таркибига жуда эркин киришлари, қарорлар қабул қилинишида қатнашишлари мумкин. Сиёсий ҳаётнинг бош субъекти — элиталар эмас, балки манфаатлар гуруҳидир. Элита ва омма ўртасидаги тафовутлар асосий маънода, қарорлар қабул қилинишига бир хил бўлмаган манфаатдорликка асосланади. Раҳбар қатламга кириш фақат бойлик ва юқори ижтимоий мақомни эмас, балки аввало, барча шахсий қобилиятлар, билимлар, фаоллик ва шу кабиларни очади.

5. Демократик давлатларда элита бошқарув билан боғлиқ бўлган муҳим ижтимоий вазифаларни бажаради. Уларнинг ижтимоий ҳукмронлиги тўғрисида гапириш эса ноқонунийдир. Элита ҳақидаги плюрализм концепцияси ҳозирги ғарб демократиясини назарий асослаш учун кенг қўлланилади. Аммо бу назариялар кўп ҳолларда воқеликни идеаллаштиради. Кўплаб тажрибавий тадқиқотлар турли ижтимоий қатламларнинг сиёсатга таъсири очиқчасига нотенглигидан, капитал, ҳарбий-саноат комплекси вакиллари ва айрим бошқа гуруҳлар таъсирининг устунлигидан далолат беради. Шуни ҳисобга олган ҳолда, плюралистик элитизмнинг айрим тарафдорлари, «мулоҳазалари, қарорлари ва фаолиятлари жамиятнинг кўплаб аъзолари учун белгиловчи аҳамиятга эга бўлган, энг таъсирчан «стратегик» элитани ажратиб кўрсатишни таклиф этадилар»[4].

Сўллиберал концепциялар

Плюралистик элитизмга ўзиги хос ғоявий **антипод** сифатида элитанинг сўл либерал элита назариялари чиқади.

Бу йўналишнинг энг муҳим вакили Чарльз Райт Миллс ҳали 50-йиллардаёқ АҚШ кўпчилик эмас, битта ҳукмрон элита томонидан бошқарилишини исботлашга уринди. Сўллиберал элитизм, макиавелли мактабининг айрим қоидаларини тан олган ҳолда, ўзига хос, фарқли белгиларга ҳам эгадир:

1. Элитани ташкил этувчи бош белги — буюк индивидуал сифатлар эмас, балки буйруқ берувчи ўринларга, раҳбарлик амалларига эга бўлишдир. — Ҳукмронлик қилувчи элита,- деб ёзади Миллс,- «оддий одамлар муҳити устидан юқори туришга ва йирик оқибатларга эга бўлган қарорлар қабул қилишга имкон берувчи ўринларни эгаллаган кишилардан ташкил топган. <...> Улар ижтимоий тизимда стратегик буйруқлар бериш ўринларини эгаллаб, унда, улар фойдаланувчи, ҳокимият бойлик ва машҳурликни таъминловчи амалий воситалар тўпланган»[5]. Айнан иқтисодда, сиёсатда, ҳарбий ва бошқа муассасаларда энг муҳим ўринларни эгаллаш ҳокимиятни таъминлайди ва бу билан элитани қонунлаштиради. Элитани бундай тушуниш, элитарликни кишиларнинг алоҳида сифатларидан келтириб чиқарувчи макавеллича ва бошқа назариялардан сўллиберал концепцияларни фарқлаб туради.

[4] Keller S. Beyond the Ruling Class: Strategic Elites in Modern Society. New York, 1963. P. 20.

[5] Миллс Р. Властвующая элита. М,1959. С. 24.

2. Ҳукмрон элитанинг гуруҳий жипслиги ва таркибининг турли-туманлиги бевосита давлат қарорларини қабул қилувчи сиёсий элита билан чегараланмайди, балки унга корпорациялар раҳбарлари, сиёсатчилар, олий давлат хизматчилари ва юқори даражали офицерларни ҳам киритади. Уларни мавжуд тизим доирасида яхши ўрнашиб олган интеллектуаллар қувватлайди.

Ҳукмрон элитани бирлаштирувчи омил нафақат унинг гуруҳини ташкил этувчиларнинг ўз имтиёзли аҳволини сақлаб қолиш ва унинг ижтимоий тузумини таъминлашдан умумий манфаатдорлик, балки ижтимоий мавқеининг, таълим ва маданий даражасининг, манфаатлар доираси ва маънавий қадриятларининг, турмуш тарзининг, шунингдек, шахсий ва қариндошлик алоқаларининг яқинлиги ҳам ҳисобланади.

Ҳукмрон элитанинг ичида мураккаб поғонасимон муносабатлар ҳосил бўлади. Миллс АҚШдаги ҳукмрон элитани қаттиқ танқид қилиб, сиёсатчиларнинг йирик мулкдорлар билан муносабатларини очиб ташласада, у барибир, сиёсий элитага фақатгина монополистик капитал манфаатлари ифодачиси сифатида қаровчи, марксистик синфий ёндашув тарафдори эмас.

3. Элита ва омма орасидаги чуқур тафовутлар. Халқ орасидан чиққанлар элитага фақатгина ижтимоий поғонада юқори амалларни эгалласагина киришлари мумкин. Аммо бунга уларнинг реал имкониятлари жуда кам. Омманинг элитага сайловлар ва бошқа демократик муассасалар воситасида таъсир этиш имкониятлари чекланган. Пул, билим, омма онгини чалғитишнинг синалган механизмлари ёрдамида ҳукмрон элита оммани амалда назоратсиз бошқаради.

4. Элитанинг жамланиши асосан ўз муҳитидан, унинг ижтимоий-сиёсий қадриятларини қабул қилиниши асосида амалга оширилади. Танлашнинг муҳим мезонлари танлаш имкониятларига эга бўлиш, шунингдек, ишчанлик сифатлари ва **конформистик** ижтимоий ўринга эгалик ҳисобланади.

5. Жамиятда ҳукмрон элитанинг энг биринчи вазифаси- ўзининг шахсий ҳукмронлигини таъминлашдир. Бошқарувчи вазифаларининг ҳал этилиши айнан шу вазифага бўйсундирилган бўлади. Миллс жамиятнинг муқаррар равишда элитарлашувини инкор этади, уни қатъий демократик **позициядан** танқид қилади.

Элитанинг сўллиберал назарияси тарафдорлари, одатда иқтисодий элитанинг сиёсий раҳбарлар билан тўғридан-тўғри алоқасини инкор этадилар, уларнинг таъсири, масалан, Ральф Мильбанд ҳисоблашича, йирик мулкдорлар билан аниқланмайди. Аммо

ривожланган капитализм мамлакатлари раҳбарлари бозор тизимининг асосий тамойиллари билан келишадилар ва унда ҳозирги жамият учун ижтимоий ташкилотнинг энг мақбул шаклини кўрадилар. Шунинг учун улар ўз фаолиятларида хусусий мулкчиликка ва плюралистик демократияга асосланувчи ижтимоий тузумнинг барқарорлигини кафолатлашга интиладилар.

Ғарб сиёсатшунослигидаги сўллиберал элита концепциялари, айниқса, ҳукмрон элитанинг ёпиқлиги тўғрисидаги тасдиқ, унга йирик бизнес ва бошқаларнинг бевосита киришлари тўғрисидаги асосий қоидалари кучли танқид қилинади. Марксистик адабиётларда эса, аксинча, бу йўналиш ўзининг танқидий йўналганлигига кўра ғоят ижобий баҳоланади.

§ 3. Элитанинг турларга бўлиниши, ижтимоий самарадорлиги ва жамланиши

Элита мавжудлигининг умумий таърифи ва сабаблари

Элитар назариянинг юқорида қараб чиқилган ҳар бир йўналишлари воқеликнинг у ёки бу томонини акс эттиради, маълум бир тарихий давр ва мамлакатларга мўлжалланади, ўзининг умумий таърифланишига имкон яратади.

Сиёсий элита жамиятда озчиликни ташкил қилувчи, ички табақаланган, бир хил бўлмаган, бироқ нисбий уюшган, ижтимоий муассасаларда раҳбарлик ўринларини эгалловчи ва (ёки) жамиятда ҳукмдорлик қарорлари қабул қилинишига бевосита таъсир кўрсатувчи, кўпроқ ёки камроқ даражада етакчилик сифатларига эга бўлган ва бошқарувчилик вазифасини бажаришга тайёрланган шахслар гуруҳи (ёки гуруҳлар йиғиндиси)дир.

Бу халқ вакиллигига даъвогарлик қилувчи ва демократик жамиятда у ёки бу даражада омма назоратида бўлувчи, ҳамда зарур малака ва сиёсий фаолликка эга бўлган ҳар қандай фуқаронинг, унинг таркибига кириш учун нисбатан очиқ бўлган сиёсий ҳукмрон гуруҳдир.

Унинг мавжуд бўлиши қуйидаги асосий омиллар таъсири билан сабабланади: 1) кишиларнинг психологик ва ижтимоий нотенглиги, уларнинг қобилиятлари, сиёсатда қатнашишга имкониятлари ва хоҳишларининг бир хил эмаслиги билан; 2) меҳнат тақсимоти қонуни, бу самарадорликнинг шарти сифатида бошқарувчилик меҳнати билан профессионал даражада шуғулланишни талаб қилади; 3) бошқарувчилик меҳнатининг юқори ижтимоий аҳамиятлилиги ва унинг мувофиқ даражада рағбатлантириши билан; 4) бошқарувчилик фаолиятидан ижтимоий имтиёзлар олиш учун фойдаланишнинг кенг имкониятлари билан (чунки, сиёсий бошқарувчилик фаолияти бойликларнинг тақсимоти билан тўғридан-тўғри боғланган; 5) сиёсий раҳбарлар ортидан ҳар томонлама назоратни амалга оширишнинг амалда мумкин эмаслиги билан; 6) асосий манфаатлари одатда сиёсатдан четда ётувчи кенг аҳоли оммасининг сиёсий сусткашлиги билан.

Элиталар таснифи

Булар ва бошқа айрим омиллар жамиятнинг элитарлигига сабаб бўлади. Сиёсий элитанинг ўзи турли тарихий даврлар ва мамлакатларда жиддий фарқланади. Бу ва шунингдек, тадқиқотчилик ёндашувларининг хусусиятлари унинг таснифини қийинлаштиради.

Таъсир манбаларига асосланиб элита **меросий**, масалан аристократия, **қадриятли** — юқори обрўли ва таъсирли жамоат ва давлат ўринларини эгаллаган шахслар, **ҳукмдорлик**- ҳокимиятига бевосита эга бўлганлар ва **вазифавий (функционал)**- раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун зарур малакага эга бўлган профессионал бошқарувчиларга бўлинади.

Элиталар орасида бевосита давлат ҳокимиятига эга бўлган **бошқарувчи** ҳамда **мухолиф** (контрэлита); **очиқ**- бутун жамиятдан тўпланувчи ва **ёпиқ** — ўз муҳитида қайта яратилувчи, масалан, дворянлар элитаси фарқланади.

Элитанинг ўзи **юқори** ва **ўрта** элитага бўлинади. Юқори элита бутун давлат учун аҳамиятли бўлган қарорлар қабул қилинишига бевосита таъсир этади. Унга мансубликка обрў-шуҳратга эгалик сабаб бўлиши мумкин, масалан, президентнинг норасмий маслаҳатчиси бўлиш ёки ҳокимият тузилмаларидаги амал. Ғарб демократияларида ҳар миллион аҳолига тахминан 50 та элита вакиллари тўғри келади. Энг юқори элита орасидан, кўпинча унинг ўзаги ажралиб алоқалари ўзаро таъсирларининг жадаллиги билан тавсифланади ва одатда 200-400 кишидан иборат бўлади.

Ўрта элитага бир пайтнинг ўзида уч белги бўйича — даромадлар, касбий мақом, маълумоти бўйича ажралиб турувчи, тахминан 5% аҳоли киритилади. Ушбу мезонлардан фақат биттаси ёки иккитаси бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган шахслар **маргинал** элитага тегишли бўлади. Карл Дойч таъкидлаганидек, «Умуман олганда маълумот даражаси даромадларига қараганда анча юқори бўлган кишилар, одатда мавжуд муносабатларга кўпроқ танқидий ёндошади, ўз сиёсий эътиқодларида марказга ёки сўл радикализмга интиладилар. Даромадлари билим даражаларидан сезиларли даражада ошадиган шахслар ҳам, кўпинча ўз

обрўсидан, ўз аҳволидан қониқмайдилар ва қоида тариқасида, ўнг сиёсий ўринларни эгаллайдилар. Шу тарзда, жамият элитасини ташкил этувчи, даромадлар, касбий мақом ва маълумот даражаси билан аниқланувчи, мамлакатнинг 5% катта ёшдаги аҳолисининг қарашлари кўп нарсадан, ушбу мамлакат учун нима сиёсий жиҳатдан маъқул ва нима номаъқуллигидан дарак беради»[6].

Кўпчилик сиёсатшунослар ўрта элита, айниқса, унинг янги, «субэлита» деб аталувчи, юқори даражадаги хизматчилар, менеджерлар, олимлар, муҳандислар ва интеллектуалларнинг сиёсий қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишдаги ролининг ўсиб бориши тамойилини кўрсатиб ўтадилар. Булар ахборотларга эгалиги, ташкилотчилиги ва биргаликдаги ҳаракатларга қобилиятлилиги билан юқори элитадан устунлик қиладилар.

Сиёсий қарорлар қабул қилиниши жараёнида бевосита иштирок этувчи сиёсий элитага ижрочилик фаолияти учун мўлжалланган, бироқ амалда сиёсатга катта таъсири бўлган **маъмурий элита** ҳам қўшилади.

Демократик жамиятлардаги элитанинг анча мазмунли таснифларидан бири элитанинг тўрт асосий турини ривожланиш даражаси ҳамда вертикал (ижтимоий ваколатлилик) ва горизонтал (ички гуруҳий жипслик) алоқалари нисбатига боғлиқ ҳолда ажратилишидир. Бу турлар: **барқарор демократик** элита — юқори ваколатлилик ва юқори гуруҳий умумлашув; **плюралистик** — юқори вакиллилик ва гуруҳнинг паст даражада бирикуви; **ҳукмрон** — паст даражадаги ваколатлилик ва юқори даражадаги гуруҳий умумлашув ҳамда **тарқоқ** — иккала кўрсаткич ҳам паст даражада бўлган элитадир. (жадвалга қаранг)

		Ижтимоий ваколатлилик	
		юқори	паст
Гуруҳий умумлашув	юқори	барқарор демократик	ҳукмрон
	паст	плюралистик	тарқоқ

[6] Цит. по: Шаран П. Сравнительная политология/Пер. с англ. Ч. 2. М., 1992. С. 92.

Жамият учун энг мақбули, сиёсий мухолифларни тушунишга имкон берувчи ҳамда барча учун маъқул бўлган муросали қарорларни топувчи, халқ билан мустаҳкам алоқаларни юқори даражадаги гуруҳий кооперациялаш билан қўшиб олиб борувчи барқарор демократик элита ҳисобланади.

Элитанинг самарадорлиги ва бирлашуви

Ҳозирги жамиятнинг элитарлаш-ганлиги етарлича исботланган фактдир. Уни йўқотишга ҳар қандай уринишлар ва аҳолини сиёсий бараварлаштирилиши фақатгина истибдод, натижасиз элиталар ҳукмронлигига олиб келиб, охир-оқибатда бутун халққа зиён стказади. Сиёсий элитарликни фақат ўзини-ўзи бошқариш ҳисобидан йўқотиш мумкин. Аммо инсоният цивилизацияси ривожланишининг ҳозирги босқичида халқнинг ўзини-ўзи бошқариши воқеликдан кўра, кўпроқ жозибали идеалдир, холос. Демократик давлат учун элитарлик билан курашиш эмас, балки кўпроқ натижали, жамият учун фойдали элитани шакллантириш, унинг ижтимой ваколатлилигини таъминлаш, ўз вақтида сифат жиҳатидан янгилаб бориш, олигархиялашув, ёпиқ ҳукмрон имтиёзли тоифага айланиши тамойилларининг олдини олиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир

Элитанинг ижтимоий натижалилиги унинг томонидан жамиятга раҳбарлик вазифаси бажарилишининг самарадорлигини характерлаб, кўплаб кўрсаткичлардан ташкил топади. Улардан энг муҳимлари қаторига юқори касбий ваколатлилик ҳамда раҳбар кадрлар учун зарур бўлган қадриятли йўналишлар: ҳалоллик, қонунлар ва инсон ҳуқуқига ҳурмат, умумий фаровонлик тўғрисида қайғуриш ва **вертикал умумлаштиришларнинг оқилона бирлаштирилиши ва элита шаклланишининг самарали тизими** тегишлидир.

Горизонтал бирлашув элитанинг турли вакиллари кооперацияси, унинг гуруҳий жипслашувидир. Маълум бир доирада тутиб турилган ҳолда, у жамоавий қарорлар қабул қилиниши, жамиятни қутблашув ва ўта қатъиятлашувдан сақлашнинг, раҳбарларнинг муросали қарорларни топиши ва умумий фикрга эришув қобилиятининг ошишида, можароларнинг олдини олиш ва ҳал этишнинг зарурий шарти бўлиб чиқади. Аммо ички гуруҳий умумлашув (интеграция), бу бутун жамият манфаатларининг элита томонидан ифодаланишини характерловчи **ижтимоий ваколатлилик**нинг бўлишуви ҳисобига юз бермагандагина, Е. Хоффманн-Ланге таъкидланганидек, ҳозирги «элиталар ўз хусусий негизидан озод бўлишга интилиш тамойилига эга бўлиб, бу

негизнинг талабларини улар қарорлар қабул қилинишида ўз эркинликларининг чекланиши сифатида қабул қиладилар»[7].

Элитанинг ижтимоий ваколатлилиги

Аҳолининг талаблари ва фикрларининг элита томонидан ифодаланиши кўплаб сабабларга боғлиқ бўлади. Улардан бири — унинг вакиллари **ижтимоий келиб чиқишидир**. Бу сиёсий йўналишларга сезиларли даражада таъсир этади. Деҳқонлар, ишчилар, маълум этник ва бошқа гуруҳлар орасидан чиққанларга, тегишли қатламнинг эҳтиёжларини тушуниш, улар билан умумий тил топишиш енгиллиги аниқ, албатта. Бироқ ишчининг манфаатларини ишчи, фермерларни-фермер, ёшларни-ёшлар ҳимоя қилиши, умуман, шарт эмас. Кўпинча буни жамиятнинг бошқа гуруҳидан чиққан профессионал-сиёсатчи бажара олиши мумкин.

Ҳозирги давлатларда аҳолининг элитага тақдим этилишидаги номутаносиблик анча катта. Масалан, ғарб мамлакатлари орасида, бошқа гуруҳларга қараганда, анча кенг равишда, университетлар битирувчилари тақдим этилган. Бу эса, ўз навбатида, одатда ота-оналарнинг бирмунча юқори ижтимоий мақоми билан боғлиқдир. Умуман олганда эса, сиёсий элитада турли қатламлар ваколатлилигининг номутаносиблиги одатда эгаллаб турилган амал мақомининг ошуви билан ўсиб боради. Сиёсий бошқарувчилик пирамидасининг биринчи қаватларида аҳолининг қуйи қатламлари, ҳокимиятнинг олий поғоналарига қараганда, кўпроқ тақдим этилган. Сиёсий элита ва бутун аҳолининг кўрсаткичларидаги номутаносиблик, ҳали раҳбарлар сиёсий йўналишларининг ваколатли эмаслигини билдирмайди.

Элита томонидан ижтимоий тузилманинг расман акс эттирилишига таққослагандан кўра унинг бирор **ташкилотга** (партия, касаба уюшмаси ва б.) **мансублиги** муҳимроқ. Бу одамларнинг қадриятли йўналишлари билан тўғридан-тўғри боғланган. Бундан ташқари, партия ва бошқа ташкилотлар одатда ўз аъзоларига зарур йўналишларда таъсир этиш учун етарлича имкониятларга эга.

Ҳозирги демократик жамиятларда элита орқасидан назоратларнинг партиявий механизмлари давлат ва ижтимоий муассасалар томонидан тўлдирилмоқда. Бундай муассасаларга сайловлар, ОАВ, жамоатчилик фикрини сўрашлар, босим кўрсатувчи гуруҳлар ва шунга ўхшашлар киради.

[7] *Hoffmann-Lange E.* Eliten in der modernen Demokratie//Eliten in der Bundesrepublik Deutschland. Stuttgart; Berlin; Koln, 1990. S. 20.

Элитанинг жамланиш тизимлари

Элитанинг ижтимоий ваколатлилиги, сифати, таркиби, касбий ваколатлилиги ва натижалилигига унинг жамланиши (саралаш) тизимлари катта таъсир кўрсатади. Бундай тизимлар саралашни ким, қандай ва кимлар орасидан амалга оширишини, унинг таркиб ва меъёрлари қандайлигини, селекторат (саралашни амалга оширувчи шахслар) доирасини ва унинг фаолияти рағбатлантирилиши сабабларини аниқлайди.

Элитани жамлашнинг икки асосий тизими мавжуд: **Гильдиялар** ва антрепренерлар (тадбиркорлик). Соф ҳолда улар жуда кам учрайди. Антрепренерлар тизими демократик мамлакатларда, гильдия тизими- маъмурий социализм давлатларида устунлик қилади, унинг элементлари ғарбда ҳам, айниқса, иқтисодиёт ва давлат маъмурий соҳаларида кенг тарқалган.

Бу тизимларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятли белгиларига эга. Гильдия тизими учун қуйидагилар характерлидир:

1. Ёпиқлик, анча юқори амалларга талабгорликни асосан элитанинг ўзидаги қуйи қатламларидан саралаб олиш, астасекин кўтарилиш. Бунга мисол бўлиб, кўплаб хизмат пиллапоялари бўйича силжиб боришни тақозо этувчи, мураккаб амалдорлик нарвони хизмат қилади.

2. Саралаш жараёнининг юқори даражада муассасалаштирилиши, амални эгаллаш расмий талабларининг, кўплаб муассасавий тозалагичларининг мавжудлиги. Булар партиявийлик, ёш, иш муддати, маълумоти, раҳбариятнинг тавсифномаси ва шунга ўхшашлар бўлиши мумкин.

3. Кўп бўлмаган, нисбатан ёпиқ селекторат доираси. Одатда унга фақат юқори турувчи раҳбар орган вакиллари ёки якка биринчи раҳбар- ҳукумат, фирма бошлиғи ва шунга ўхшашлар киради.

4. Тор доирадаги раҳбарлар томонидан кадрларнинг танланиши ва тайинланиши, очиқ рақобатнинг йўқлиги.

5. Элитанинг мавжуд турини қайта ишлаб чиқариш томон борувчи тамойил. Ўз моҳияти бўйича, бу белги олдингиларидан — кўплаб расмий талабларнинг мавжудлиги, юқори раҳбарият томонидан амалга тайинланиши, шунингдек, талабгорнинг мазкур ташкилот соҳаларида узоқ вақт бўлиши кабилардан келиб чиқади.

Элитани жамлашнинг **антрепренер** тизими гильдия тизимига кўп жиҳатдан қарама-қаршидир. Уни қуйидагилар фарқлаб туради: 1) очиқлик, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ вакиллари учун етакчилик ўринларини эгаллашга талабгорликка кенг имконият-

негизнинг талабларини улар қарорлар қабул қилинишида ўз эркинликларининг чекланиши сифатида қабул қиладилар»[7].

Элитанинг ижтимоий ваколатлилиги

Аҳолининг талаблари ва фикрларининг элита томонидан ифодаланиши кўплаб сабабларга боғлиқ бўлади. Улардан бири — унинг вакиллари **ижтимоий келиб чиқишидир**. Бу сиёсий йўналишларга сезиларли даражада таъсир этади. Деҳқонлар, ишчилар, маълум этник ва бошқа гуруҳлар орасидан чиққанларга, тегишли қатламнинг эҳтиёжларини тушуниш, улар билан умумий тил топишиш енгиллиги аниқ, албатта. Бироқ ишчининг манфаатларини ишчи, фермерларни-фермер, ёшларни-ёшлар ҳимоя қилиши, умуман, шарт эмас. Кўпинча буни жамиятнинг бошқа гуруҳидан чиққан профессионал-сиёсатчи бажара олиши мумкин.

Ҳозирги давлатларда аҳолининг элитага тақдим этилишидаги номутаносиблик анча катта. Масалан, ғарб мамлакатлари орасида, бошқа гуруҳларга қараганда, анча кенг равишда, университетлар битирувчилари тақдим этилган. Бу эса, ўз навбатида, одатда ота-оналарнинг бирмунча юқори ижтимоий мақоми билан боғлиқдир. Умуман олганда эса, сиёсий элитада турли қатламлар ваколатлилигининг номутаносиблиги одатда эгаллаб турилган амал мақомининг ошуви билан ўсиб боради. Сиёсий бошқарувчилик пирамидасининг биринчи қаватларида аҳолининг қуйи қатламлари, ҳокимиятнинг олий поғоналарига қараганда, кўпроқ тақдим этилган. Сиёсий элита ва бутун аҳолининг кўрсаткичларидаги номутаносиблик, ҳали раҳбарлар сиёсий йўналишларининг ваколатли эмаслигини билдирмайди.

Элита томонидан ижтимоий тузилманинг расман акс эттирилишига таққослагандан кўра унинг бирор **ташкилотга** (партия, касаба уюшмаси ва б.) **мансублиги** муҳимроқ. Бу одамларнинг қадриятли йўналишлари билан тўғридан-тўғри боғланган. Бундан ташқари, партия ва бошқа ташкилотлар одатда ўз аъзоларига зарур йўналишларда таъсир этиш учун етарлича имкониятларга эга.

Ҳозирги демократик жамиятларда элита орқасидан назоратларнинг партиявий механизмлари давлат ва ижтимоий муассасалар томонидан тўлдирилмоқда. Бундай муассасаларга сайловлар, ОАВ, жамоатчилик фикрини сўрашлар, босим кўрсатувчи гуруҳлар ва шунга ўхшашлар киради.

[7] *Hoffmann-Lange E.* Eliten in der modernen Demokratie//Eliten in der Bundesrepublik Deutschland. Stuttgart; Berlin; Koln, 1990. S. 20.

Элитанинг жамланиш тизимлари

Элитанинг ижтимоий ваколатлилиги, сифати, таркиби, касбий ваколатлилиги ва натижалилигига унинг жамланиши (саралаш) тизимлари катта таъсир кўрсатади. Бундай тизимлар саралашни ким, қандай ва кимлар орасидан амалга оширишини, унинг таркиб ва меъёрлари қандайлигини, селекторат (саралашни амалга оширувчи шахслар) доирасини ва унинг фаолияти рағбатлантирилиши сабабларини аниқлайди.

Элитани жамлашнинг икки асосий тизими мавжуд: **Гильдия**лар ва антрепренерлар (тадбиркорлик). Соф ҳолда улар жуда кам учрайди. Антрепренерлар тизими демократик мамлакатларда, гильдия тизими- маъмурий социализм давлатларида устунлик қилади, унинг элементлари ғарбда ҳам, айниқса, иқтисодиёт ва давлат маъмурий соҳаларида кенг тарқалган.

Бу тизимларнинг ҳар бири ўзининг хусусиятли белгиларига эга. Гильдия тизими учун қуйидагилар характерлидир:

1. Ёпиқлик, анча юқори амалларга талабгорликни асосан элитанинг ўзидаги қуйи қатламларидан саралаб олиш, астасекин кўтарилиш. Бунга мисол бўлиб, кўплаб хизмат пиллапоялари бўйича силжиб боришни тақозо этувчи, мураккаб амалдорлик нарвони хизмат қилади.

2. Саралаш жараёнининг юқори даражада муассасалаштирилиши, амални эгаллаш расмий талабларининг, кўплаб муассасавий тозалагичларининг мавжудлиги. Булар партиявийлик, ёш, иш муддати, маълумоти, раҳбариятнинг тавсифномаси ва шунга ўхшашлар бўлиши мумкин.

3. Кўп бўлмаган, нисбатан ёпиқ селекторат доираси. Одатда унга фақат юқори турувчи раҳбар орган вакиллари ёки якка биринчи раҳбар- ҳукумат, фирма бошлиғи ва шунга ўхшашлар киради.

4. Тор доирадаги раҳбарлар томонидан кадрларнинг танланиши ва тайинланиши, очиқ рақобатнинг йўқлиги.

5. Элитанинг мавжуд турини қайта ишлаб чиқариш томон борувчи тамойил. Ўз моҳияти бўйича, бу белги олдингиларидан — кўплаб расмий талабларнинг мавжудлиги, юқори раҳбарият томонидан амалга тайинланиши, шунингдек, талабгорнинг мазкур ташкилот соҳаларида узоқ вақт бўлиши кабилардан келиб чиқади.

Элитани жамлашнинг **антрепренер** тизими гильдия тизимига кўп жиҳатдан қарама-қаршидир. Уни қуйидагилар фарқлаб туради: 1) очиқлик, ҳар қандай ижтимоий гуруҳ вакиллари учун етакчилик ўринларини эгаллашга талабгорликка кенг имконият-

лар борлиги; 2) расмий талабларнинг, муассасавий тозалагичларнинг (фильтрларнинг) кам сонлилиги; 3) селекторат доирасининг кенглиги, унга мамлакатнинг барча сайловчиларини киритиш мумкин; 4) саралашнинг юқори даражада рақобатлилиги, раҳбарлик амалларини эгаллаш учун беллашувнинг кучлилиги; 5) элита таркибининг ўзгарувчанлиги, бунинг учун шахсий сифатлар, индивидуал фаоллик, кенг аудиториянинг қувватлашига эришиш лаёқати, уни жозибадор ғоялар ва дастурлар билан қизиқтириш кабиларнинг биринчи даражали аҳамият касб этишидир.

Бу тизим буюк одамларни кўпроқ қадрлайди. У ёш етакчилар ва янгиликлар учун очиқдир. Шу билан бир вақтда, ундан фойдаланишда маълум мураккабликлар бўлиб, булар — сиёсатда таваккалчиликнинг эҳтимоли нисбатан катталиги ва нопрофессионаллик, сиёсатни олдиндан айтиб беришнинг нисбатан сустлиги, етакчиларнинг ташқи таассуротларга ҳаддан ташқари қизиқиб кетишга мойиллиги кабилар. Умуман эса, амалиётнинг кўрсатишича, элитанинг антрепренер тизими бўйича жамланиши ҳозирги ҳаёт ўзгаришларига яхши мослашган.

Гильдия тизими ҳам ўз ижобий ва салбий томонларига эга. Унинг кучли томонлари қаторига қарорларнинг вазминлиги, уларни қабул қилишда таваккалчилик ва ички можароларнинг камлиги, сиёсатни олдиндан айтиш даражасининг катталиги кабилар тааллуқлидир. Бу тизимнинг асосий қадриятлари — умумий фикр, уйғунлик ва ворисийликдир. Шу билан бир вақтда, гильдия тизими бюрократлаштиришга, ташкилий қотиб қолганликка, эскиликка, селекторат ўзбошимчалигига ва саралашдаги расмий меъёрларни норасмийлари билан алмаштириб қўйишга мойил бўлади. У оммавий **конформизм**ни яратади ва қуйидан бўлган ташаббуслар бўйича хатоларни тузатиш ва камчиликларни бартараф этишни қийинлаштиради. Рақобатлашув механизмлари тўлдирилмаса, бу тизим аста-секин элитанинг **дегенерациясига**, унинг жамиятдан ажралиши ва имтиёзли тоифага айланиб қолишига олиб келади.

Номенклатура тизими ва унинг ижтимоий оқибатлари

Маъмурий социализм малакатларида юқоридаги ҳолат рўй бериб, узоқ ўн йилликлар давомида гильдия тизимининг энг типик шаклларидан бири — сиёсий элитага жамлашнинг номенклатура тизими ҳукмронлик қилди. Номенклатура тизимининг моҳияти шахсларни бирон-бир ижтимоий аҳамиятли амалга фақат тегишли партия органлари розилиги ва тавсияси бўйича тайинлаш, элитанинг юқоридан туриб ажратиб олинишидир.

Масалан, СССРда бу тизим амал қилишининг салбий оқибатлари унинг тўла қамраб олиш характери, иқтисодиёт ва сиёсатда рақобатчилик муносабатларининг бартараф этилиши, шунингдек, саралаш мезонларининг мафкуралаштирилиши, сиёсийлаштирилиши ва непотизацияси (қариндошлик алоқаларининг устунлиги) билан янада кучайтирилди. Бундай мезонлар тўлиқ мафкуралаштириш ва сиёсий конформизм («сиёсий етуклик»), партиявийлик, юқори турувчи раҳбариятга шахсий садоқат, ёқимли бўлиш ва лаганбардорлик, қариндошлик алоқалари, сохта фаоллик ва шунга ўхшашлар бўлди. Бу ва бунга ўхшаш бошқа меъёр тозалагичлар кўпроқ ҳалол ва қобилиятли кишиларнинг четда қолишига олиб келди, шахсни мажруҳ қилди, рангсиз, лаёқатсиз, ҳақиқий ташаббускорликка ноқобил ходимнинг оммавий турини яратди.

Номенклатура тизимининг кўп йиллик вайрон этувчилик таъсири, шунингдек, уруш ва қамоқхоналарда халқнинг энг яхши қисмининг йўқотилиши совет сиёсий тизимининг айнишига олиб келди. КПССнинг ҳукмронлиги тугатилгандан кейин ҳам аҳвол ўзгармади, чунки Россияда, Шарқий Европанинг кўпгина мамлакатларидан фарқли равишда жамиятга самарали раҳбарликка қодир бўлган, қандайдир таъсирга эга, ҳақиқий демократик контрэлита ривожланмади.

Ижтимоий назоратнинг қарийб тўлиқ йўқлиги ва очиқчасига ишлаётган айрим яширин иқтисод вакилларининг ахлоқлари билан янада чуқурлашган номенклатера ўтмиши, посткоммунистик Россия элитасида яққол намоён бўлди. Унинг паст даражадаги ишчанлик ва ахлоқий сифатлари кўп жиҳатдан инқирознинг чуқурлашувини, коррупция ва масъулиятсизликнинг оммавий тарқалишини тушунтириб беради. Бундай вазиятдан чиқиш, жамиятни мувафаққиятли ислоҳ қилиш фақатгина сиёсий ва маъмурий раҳбарларнинг ишчанлик ва ахлоқий сифатларига қўйиладиган талабларнинг рақобатчиликка ва муассасавийлашувига асосланувчи, элитани жамлашнинг янги тизимини яратиш йўли билангина мумкиндир.

Фуқаролар сиёсий фаоллигининг ғоят сустлиги, Россия элитасининг паст натижалиги, янги раҳбар қатламни жамлаш жараёнининг тугалланмаганлиги ва шу билан бир вақтда, мамлакат ўзгариши учун унинг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги — булар барчаси Россия жамияти учун сиёсий элита муаммосини алоҳида муҳим қилиб қўяди. Уни жамлашнинг ижтимоий механизмлари нафақат бу гуруҳнинг ижтимоий роли ва умуман қиёфасига таъсир этади, балки унинг алоҳида вакиллари — сиёсий етакчиларнинг типик белгиларини ҳам аниқлайди.

9 БОБ

СИЁСИЙ ЕТАКЧИЛИК

§ 1. Етакчилик тушунчаси

Тарихда етакчилик ғоялари

Ҳокимият ва ташкилот бор бўлган ҳамма жойда етакчилар ҳам бўлади. «Етакчи» сўзининг ўзи инглизчадан таржимада (leader) «бошловчи», «раҳбарлик қилувчи» маъноларини билдиради. Бугунгача сақланиб келаётган ушбу маъносида у барча халқларга қадимдан танишдир.

Етакчиликка қизиқиш ва бу мураккаб ҳамда муҳим ижтимоий ноёб ҳодисани англашга уринишлар узоқ тарихга бориб тақалади. Қадимги давр тарихчилари Геродот, Плутарх ва бошқалар сиёсий етакчиларга асосий эътибор қаратиб, қаҳрамонлар, монархлар, лашкарбошиларда тарихнинг ижодкорларини кўрадилар.

Сиёсий етакчиликни тадқиқ этишга Макиавелли муҳим ҳисса қўшди. Унинг талқинида сиёсий етакчи — бу бутун жамиятни жипслаштирувчи ва намоён этувчи ҳамда ижтимоий тартиб ва ўз ҳукмронлигини сақлаш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланувчи подшоҳдир. Макиавелли томонидан ҳукмдорлар учун ишлаб чиқилган, айёрлик ва кучни моҳирона бирлаштиришни тақозо этувчи амалий маслаҳатларни Кромвель, Наполеон ва кўплаб бошқа буюк сиёсатчилар юқори баҳолайдилар.

Тарихга буюк шахслар ижодкорлигининг натижаси сифатида қаровчи, етакчиликнинг волюнтаристик назарияси ёрқин вакиллари Томас Карлейль (1795-1881) ва Ральф Уолдо Эмерсон (1803-1882) ҳисобланади Улардан биринчиси аҳолининг асосий қисмини «барча муносабатларда ҳам қашшоқ, ожиз», етакчиларнинг йўналтирувчи таъсирисиз нормал ҳолда мавжуд бўлишга ноқобил деб ҳисоблайди. Айнан буюк шахсларнинг «гулдор кийимида» илоҳий тақдир ва тарихдаги ижодий бошланиш намоён бўлади. Эмерсон ҳам сиёсий етакчиликка нисбатан шулар каби қарашларни билдиради, у — «барча пухта фикрларнинг очилиши — атоқли индивидларнинг насибасидир» — деб ёзади[1].

Кейинги сиёсий фикр ва амалиётга сезиларли таъсир кўрсатган етакчилик тамойилини Фридрих Ницше (1844-1900) ишлаб чиқди. У олий биологик тип — етакчи-инсон, ўта қудратли одам шаклланишининг зарурлигини асослашга уринди. «Инсониятнинг мақсади, — деб ёзади Ницше, — унинг олий вакилларида мужассам бўлади (...) Инсоният буюк одамларни яратиш учун тинимсиз меҳнат қилиши зарур — унинг вазифаси фақат шунда ва бошқа ҳеч нарсада эмас»[2].

Ўта қудратли одам мавжуд ахлоқ меъёрлари билан чекланмаган, у эзгулик ва ёвузликнинг нариги томонида туради. У оддий одамларга нисбатан шафқатсиз бўлиши, ўзига тенг, ўта қудратли одамлар билан муносабатларда эса илтифотли, мулойим дўстона бўлиши ҳам мумкин. Уни ҳокимиятга бўлган юқори ҳаётий кучлар ва ирода фарқлаб туради. Бу кучли, иродали, ривожланган ва келишган, агарда одам маймундан қандай устунликка эга бўлса, у ҳам одамлар устидан шундай баландликка кўтарилган шахсдир. Ницшенинг ўта қудратли одам ҳақидаги тасаввурида биологик турларнинг эволюцияси ҳақидаги дарвинистик ғоя акс этади.

Етакчиликнинг ҳозирги тамойилларига ижтимоийлашув назариясининг асосчиларидан бири Габриель Тард (1843-1904) бевосита таъсир кўрсатди. Тард ижтимоий ҳаётнинг асосий қонуни издошларнинг етакчига тақлид қилиш эканлигини асослашга уринди. Кўпчилик аҳоли мустақил ижтимоий ижодкорликка қобилиятсиздир. Жамият тараққиётининг ягона манбаи — ташаббускор ва ўзига хос шахслар қилувчи кашфиётлардир.

Етакчиларни тарих локомотивлари деб қаровчи кўп асрлик анъаналардан марксизм тубдан фарқ қилади. У сиёсий етакчиларнинг фаоллиги имкониятларини тарихий зарурият ва синфий манфаатлар билан чеклаб қўяди. Бу ерда сиёсий етакчи синфнинг иродасини энг изчил, онгли ва моҳирона ифода этувчи бўлиб чиқади, ёки синфга нисбатан муносабатда ёрдамлашувчи, хизматчилик ролини ўйнайди. Агарда Маркс ва Энгельс сиёсий етакчиларнинг ўзлари вакил бўлган синфдан алоҳидалашиб бориши мумкинлигини қайд этган бўлсалар, Ленин ва айниқса, Сталинда омма ва сиёсий етакчиларнинг ўзаро муносабатини янада соддароқ тасаввур қилиш устунлик қилади. «Омма, — деб ёзади Ленин, — синфларга бўлинади (...) одатда синфларга сиёсий партиялар раҳбарлик қилади (...) сиёсий партиялар одатда доҳийлар деб аталувчи, энг обрўли, таъсирли, тажрибали, энг масъулиятли лавозимларга сайланувчи шахсларнинг кўп ёки камроқ барқарорликка эга гуруҳлари томонидан бошқарилади[3].

---

[1] Journals of R. Emerson with Annotations. Vol. 8. Boston, 1912. P. 135.

[2] Ницше Ф. Так говорил Заратустра. М., 1990. С. 286.

[3] Ленин В. И. Полн. Собр. Соч. Т. 41. С. 24.

Ленинизмга хос бўлган, ижтимоий тараққиётнинг синфий бирёқламалиги ва қаттиқ иқтисодий тақозолар сиёсатни тушунтиришда етакчилардаги умуминсоний асосларни, сиёсий раҳбарларнинг фаоллигини, жумладан, уларнинг оммага, хомхаёл ва ишонувчанликларидан фойдаланиб, синфлар ва бутун халқ манфаатларига зид бўлган номақбул йўлларни тиқиштира олиш қобилиятларини тўлиқ даражада ҳисобга олишга имкон бермайди.

Етакчиларнинг тарихий ролини инкор этиш айрим номарксистик тадқиқотчиларга ҳам хосдир. Улар (масалан, Б. Маллих) «етакчилар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас» деб тасдиқлайдилар. Умуман, омма ва атроф муҳит етакчиларнинг хулқ — атворини белгилайди, уларнинг қадриятлари ва мақсадларига таъсир этади, мақсадларга эришиш воситаларини аниқлайди, уларнинг фаолиятини конституция, партиялар ва бошқа муассасавий механизмлар ёрдамида назорат қилади.

Етакчиликнинг кўпчилик ҳозирги тадқиқотчилари сиёсий етакчиларнинг нисбий мустақиллиги ва фаоллигини, жамиятга уларнинг таъсир этишидаги турли-туманликни етарлича баҳоламайдиган бу хилдаги нуқтаи назарларни тан олмайдилар.

Етакчилик феноменининг бойлиги унинг таърифларида акс этади.

Етакчиликнинг таърифи

Ҳозирги фанда, баён этишда умумийликлар бўлгани ҳолда, етакчилик турлича тавсифланади. Унинг талқинига асосий ёндошувларни қуйидагича тақсимлаш мумкин:

1. Етакчилик — бу ҳокимиятнинг кўринишларидан бўлиб, унинг хусусияти юқоридан пастга йўналганлиги ва шунингдек, унинг намоёндаси бўлиб кўпчилик эмас, балки бир киши ёки шахслар гуруҳи чиқишидир. Сиёсий етакчилик, — деб ёзади Жан Блондель, — бу «миллат аъзоларини ҳаракатларга ундаш учун бир ёки бир қанча индивидлар амалга оширувчи ҳокимиятдир»[4].

2. Етакчилик — бу қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган бошқарувчилик мақоми, ижтимоий мавқедир, бу раҳбарлик амалидир. Етакчиликни бундай талқин этиш жамиятни мураккаб, ижтимоий мавқе ва ролларнинг поғонасимон ташкилий тизими деб қарашни тақозо этувчи структуравий-функционал ёндошувдан келиб чиқади. Бу тизимда бошқарувчилик функциясини (ролини) бошқариш билан боғлиқ бўлган мавқени эгаллашгина кишига етакчилик мақомини беради. Бошқача айтганда, Даунтон

[4] Блондель Ж. Политическое лидерство. М. 1992. С. 10.

таъкидлаганидек, етакчилик — бу «жамиятдаги ҳолат бўлиб, уни эгаллаган шахснинг айрим ёки жамият барча аъзоларининг жамоавий хулқ-атворни йўналтириш ёки ташкил этиш қобилияти билан тавсифланади»[5].

3. Етакчилик — бу бошқа кишиларга таъсир этишдир (В.Кап, Л. Эдингер ва б.). Аммо бу ҳар қандай таъсир эмас, балки шундай таъсирки, унинг учун тўртта хусусият хосдир: биринчидан, таъсир **доимий** бўлиши зарур. Бир маротаба сиёсий жараёнлар, мамлакат тарихига таъсир этган кишиларни, гарчи катта таъсирга эга бўлсада, сиёсий етакчилар жумласига киритиш мумкин эмас. Масалан, Америка Президенти Жон Кеннединнг қотили деб тан олинган Ли Освальд ўз ҳаракати билан Американинг ва бутун дунёнинг ҳам кейинги сиёсий ривожига жиддий таъсир кўрсатди. Бироқ шу сабаблигина уни сиёсий етакчи деб ҳисоблаш беъманиликдир.

Иккинчидан, етакчиликнинг раҳбарлик таъсири **бутун гуруҳга** (ташкилот, жамиятга) нисбатан амалга ошуви зарур. Маълумки, ҳар қандай йирик бирлашма ичида бир қанча ёки, ҳатто кўплаб айрим таъсир марказлари мавжуд бўлади. Шу билан бирга гуруҳ аъзолари томонидан етакчининг ўзи ҳам доимий таъсирга дучор бўлади. Сиёсий етакчининг хусусияти таъсирининг кенглиги, унинг бутун жамият ёки йирик гуруҳларга тарқалиши ҳисобланади.

Учинчидан, сиёсий етакчини **таъсир этишдаги яққол устуворлиги** ажратиб туради. Етакчи ва бошқарилувчилар муносабати учун носимметриклик, ўзаро муносабатлардаги нотенглик, таъсирнинг бир ёқлама — етакчидан гуруҳ аъзоларига томон йўналтирилганлиги характерлидир.

Тўртинчидан, етакчининг таъсири тўғридан-тўғри куч қўллашга эмас, балки обрў-эътиборга, ёки ҳеч бўлмаганда раҳбарликнинг ҳуқуқийлиги тан олинишига таянади. Гуруҳни куч билан бўйсундириб турган диктатор — бу етакчи эмас, худди одамларни гаровга олган террорист ёки турма назоратчиси ҳам етакчи ҳисобланмаганлиги каби. Таъкидлаш жоизки, ҳамма муаллифлар ҳам етакчилик ва зўравонликни ўзаро тўғри келмайдиган ҳодисалар деб ҳисобламайдилар. Айрим олимлар, масалан, Ж. Блондель мажбурлашдан фойдаланиш мумкинлигини эътироф этади.

[5] Downton J., Rebel Jr. Leadership: Commitment and Charisma in the Revolutionary Process. New York: London. 1973. P. 15.

4. Сиёсий етакчилик — бу алоҳида турдаги тадбиркорлик бўлиб, ўзига хос бозорда амалга оширилади, бунда сиёсий тадбиркор рақобат курашида ижтимоий вазифаларни ҳал этиш ва уларни рўёбга чиқаришнинг мўлжалланаётган усуллари дастурини раҳбарлик амалларига алмаштиради (Дж. Оппенгеймер, Н. Фролих ва б.). Бунда сиёсий тадбиркорликнинг хусусияти «сиёсий товарнинг» алоҳидалашуви, унга потенциал етакчи шахси билан бир нарса деб қараш, шунингдек, бу «товарнинг» умумий бахт-саодат сифатида реклама қилиниши ҳисобланади. Сиёсий етакчиликни бундай талқин этиш мумкин. Бироқ у бош маънода фақатгина демократик ташкилотларга: давлатлар, партиялар ва шунга ўхшашларгагина қўлланилади.

5. Етакчи — бу бирлик белгиси ва гуруҳ сиёсий хулқ — атворининг намунасидир. У қуйидан, кўпроқ стихияли тарзда кўрсатилади ва маслакдошлар томонидан қабул қилинади. Сиёсий етакчилик сиёсий раҳбарликдан фарқ қилади, «сиёсий раҳбарлик етакчиликдан фарқли ўлароқ етарлича қаттиқ ва расмийлашган ҳукмдорлик — бўйсуниш муносабатлари тизимини тақозо этади»[6].

Ушбу нуқтаи назар ҳозиргача ҳам Россия жамиятшунослигида етарлича кенг тарқалган ва унинг жаҳон фанидан узоқ вақт узилиб қолганлиги, хусусан, етакчиликни кичик гуруҳдаги шахслараро муносабатлар давомида стихияли пайдо бўлувчи, шахснинг ҳукмронлик ҳолати сифатида, тор маънода, асосан, психологик тушуниш билан боғлиқ. Бир ёқламалиги, бу феноменнинг объектив, антропологик ва ижтимоий асослари ҳисобга олинмаганлиги, одамларнинг катта гуруҳларига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, сиёсий етакчилик функцияларини бажаришда ҳукмдорлик мақомининг етакчилик ролини етарлича баҳоламаслиги сабабли уни социология ва сиёсатшуносликда қўллаш мумкин эмас.

Етакчиликнинг объектив ва субъектив томонлари

Етакчилик феноменининг негизи инсон ва жамият табиатининг ўзидадир. Кўп жиҳатдан етакчиликка ўхшаш бўлган ва «илк етакчилик» (протолидерство) деб аталувчи ҳодиса жамоавий, пода шаклидаги турмуш тарзига эга бўлган ҳайвонлар муҳитида учрайди, масалан, маймун ёки кийиклар подасида, бўрилар тўдасида. Бу ерда доимо энг кучли, етарлича ақлли, матонатли ва қатъиятли, подани (тўдани) муҳит ва биологик дастурлашган ўзаро муносабатлар тақозо этувчи ёзилмаган қонунларга биноан бошқарувчи индивид — етакчи ажралиб чиқади.

[6] Ильин М. В., Коваль Б. И. Личность в политике: «Кто играет короля?». Полис, 1991, № 6. С. 138.

Етакчилик мураккаб тузилган тизимларнинг маълум бир эҳтиёжларига асосланади. Улар жумласига аввало ўз-ўзини ташкил этиш, ҳаётий ва функционал қобилиятларни таъминлаш мақсадида тизимдаги алоҳида элементларнинг хулқ-атворини тартибга солиш эҳтиёжи киради. Бундай тартибга солиш функция ва ролларнинг вертикал (бошқариш — бўйсуниш) ва горизонтал (коррелятив бир даражали алоқалар, масалан, меҳнат ва кооперация тақсимоти) тақсимланиш орқали ва аввало, бошқарувчилик функцияси ва уни амалга оширувчи тузилмаларнинг ажралиб чиқиши орқали юзага чиқарилиб, улар ўз самарадорлиги учун, одатда, поғонасимон, пирамидал ташкилотни талаб этади. Бундай бошқарувчилик пирамидасининг чўққиси бўлиб етакчи (илк етакчи — протолидер) майдонга чиқади.

Етакчилик вазиятининг ажралиб туриш аниқлиги тизимни ташкил этувчи бирликнинг турига ва унинг атроф муҳит билан муносабатларига боғлиқ бўлади. Гуруҳий умумлашув паст даражада ва ташкилот бўғинлари ва турли элементларининг эркинлик ва автономия даражаси юқори бўлган тизимларда етакчилик функцияси жуда бўш ифодаланади. Тизим ва одамларнинг мураккаб ташкил этилган жамоавий ҳаракатларга эҳтиёжи ва бу эҳтиёжларни жамоавий мақсадлар шаклида англашнинг кучайиши билан эса етакчи функциясининг ўзига хослашуви ва унинг тузилмавий, муассасавий алоҳидалашуви ҳам ўсиб боради.

Аъзоларининг бевосита алоқаларига асосланувчи кичик гуруҳларда етакчилик вазиятининг муассасавийлашуви бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу ерда шахснинг индивидуал сифатлари, унинг уюштириш ва гуруҳни ўз ортидан эргаштириш қобилияти биринчи ўринга чиқади. Йирик бирлашмаларда эса жамоавий ҳаракатлар самарадорлиги функция ва ролларнинг аниқ тақсимланиши ва ихтисослашувини, шунингдек, бошқарувнинг тезкорлиги ва буйсунишнинг оғирлиги (масалан, армияда) етакчилик вазиятини муассасавийлашуви ва расмийлашувини (расман мустаҳкамлаб қўйишни) талаб этади, унга нисбатан катта ҳокимият ваколатларини беришни шарт қилиб қўяди.

Сиёсат худди шу турдаги бирлашмаларга тааллуқлидир. Унда ўз олдига тўлиқ аниқланган, очиқ англанган мақсадларни қўювчи ҳамда сиёсий мухолифлар томонидан тинимсиз қарши ҳаракатларни ҳис этиб турадиган одамларнинг анча катта гуруҳи фаолият кўрсатади. Булар оқибатида етак-

чилик вазиятининг муассасавийлашуви сиёсатда, айниқса, яққол намоён бўлади.

Раҳбарлик функцияларининг муассасавийлашуви расмий етакчилик тушунчасида акс этади. У маълум бир шахснинг ташкилот аъзоларига устувор таъсирини билдириб, бу меъёр ва қоидаларда мустаҳкамланган бўлади, ҳамда, ижтимоий поғонасидаги аҳволига, тузилмадаги ўрнига, таъсир имкониятларига эгаликка асосланади. Расмийга тескари бўлган норасмий етакчилик субъектив қобилиятни, етакчилик ролини бажаришга тайёрлик ҳамда лаёқатни ва шунингдек, гуруҳ аъзолари (жамият) томонидан унинг раҳбарлик ҳуқуқлари тан олинишни характерлайди. У маълум бир шахсий сифатларга эга бўлишлик оқибатида орттирилган обрў-эътиборга асосланади.

Ҳар иккала томон — расмий ва норасмий — сиёсий етакчиликни характерлайди. Шу билан бирга сиёсатда расмий, муассасавийлашган томон етакчи ҳисобланади, чунки бу ерда кўп сонли кишилар фаолиятини тартибга солиш ва ўз-ўзини ташкил этиш эҳтиёжини амалга ошириш фақатгина индивидуал сифатларга эмас (булар ҳам жуда муҳим бўлсада) балки ташкилотнинг кучи ва таъсирига боғлиқ бўлади. Ҳозирги жамиятда ташкилотга, оммавий ахборот воситаларига таянмасдан ҳатто юксак қобилиятларга эга бўлган шахс ҳам сиёсий етакчи бўла олмайди. «Сохта Нерон» асарида Л. Фейхтвангер ёзганидек, «ҳокимият ҳатто бўм-бўш одамни ҳам мазмун билан тўлдиради». Шу маънода, ҳатто ярим онгли ҳолда бўлган Л. И. Брежнев ва К. У. Черненко каби совет раҳбарлари ҳам объектив равишда сиёсий етакчилик ролини бажардилар. Муҳим давлат қарорларининг қабул қилиниши бевосита уларга боғлиқ эди.

Шу тариқа сиёсий етакчилик тушунчаси икки жиҳатни ўз ичига олади: ҳокимиятга эга бўлиш билан боғланган расмий — амалдорлик мақоми ва юклатилган ижтимоий ролни бажариш бўйича субъектив фаолиятни. Шу билан бирга биринчи жиҳат, ҳеч бўлмаганда энг кам ижтимоий фаолликни тақозо этган ҳолда, индивидни сиёсий етакчи сифатида баҳолашда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Иккинчи жиҳати эса — шахсий сифатлар ва эгаллаб турган амалдаги реал хулқ-атвор бўлиб, асосан, фақатгина ҳукмдорлик амалини сақлаб қолишни аниқлайди, шунингдек, етакчини натижали ёки натижасиз, буюк ёки оддий, «яхши» ёки «ёмон» раҳбар сифатида баҳолаш учун хизмат қилади. Буларнинг барчасини ҳисобга олганда, сиёсий етакчиликни унинг муассасавий мустаҳкамлаб қўйилган, ҳокимият ваколатлари берилган раҳбарлик вазиятидан ажратиб қараш ноқонуний бўлиб кўринади.

Сиёсий етакчиликнинг юқорида қараб чиқилган барча таърифларидан етакчиликни алоҳида турдаги таъсир сифатида характерлаш энг кўп самарали бўлиб кўринади, чунки у, масалан, етакчиликни ҳукмдорлик сифатида талқин этишдан фарқли ўлароқ, фақат ҳукмдорликни эмас, балки раҳбарлик таъсирининг фақатгина обрў-эътибор ва эътиқодга асосланадиган «юмшоқроқ» кўринишларини ҳам қамраб олади.

Шундай қилиб, **сиёсий етакчилик ҳукмдорлик даражасини эгаллаган бир ёки бир неча шахсларнинг бутун жамиятга, ташкилотга ёки гуруҳга доимий устувор ва қонуний таъсирини ифодалайди.** Етакчилик тузилмасида одатда уч асосий таркибий қисм ажратиб кўрсатилади: етакчининг индивидуал белгилари, у эга бўлган имкониятлар ёки воситалар, у ҳаракатланадиган ва унга таъсир кўрсатадиган вазият. Бу таркибий қисмларнинг барчаси етакчилик самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир этади.

Агарда ҳукмронлик вазияти ва роли нисбатан барқарор, кескин ўзгаришларга қийинчилик билан ва анча кам дучор бўлса, етакчиликнинг шахсий, махсус таркиби қўпроқ қўнимсиз ва ҳаракатчан бўлади. Айрим кишиларнинг ҳукмдорлик даражасини эгаллаши, шу вақтнинг ўзида бошқаларнинг етакчи ва унинг атрофидагиларнинг иродасини ижро этувчилик роли билан қаноатланишини нима олдиндан белгилаб қўяди? Етакчиликнинг асосида бевосита нима ётади?

§ 2. Сиёсий етакчиликнинг табиати

Хислатлар назарияси Етакчилик феноменини тушунтиришга кўплаб назариялар уринади. Эҳтимол, улардан энг кексаси ва бугунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмагани хислатлар назарияси ҳисобланади. У идеал етакчилар — қаҳрамонларга хос бўлган сифатларни аниқлаш асосида яратилди. Етакчилик феноменини одамнинг кўзга кўринган сифатлари орқали тушунтириш бу назариянинг моҳиятини ташкил этади. Ушбу назариянинг асосчиларидан бири Э. Богардус ёзганидек, «аъло даражали интеллектуал истеъдодлар шахсга эртами кечми етакчиликка олиб келувчи кўзга кўринган мавқени беради»[7].

[7] Bogardus E. Leaders and Leadership. New York, 1934. P. 138.

Сиёсий етакчига хос бўлган хислатлар орасида, одатда ўткир ақл, кучли ирода ва мақсадга интилувчанлик, қайнаб турган куч-қувват, ташкилотчилик қобилияти ва айниқса, ваколатга эгалик ва ўзига масъулиятни олишга тайёрлик кабилар кўрсатилади. Демократик мамлакатларда ҳозирги сиёсий етакчиларнинг зарурий сифатларига кўпинча фото ва теле-кўринишлилик, ташқи кўркамлик, кишиларни ўзига ишонтириш қобилияти кабилар ҳам қўшилмоқда.

Хислатлар назариясини текшириш учун кенг даражадаги конкрет тадқиқотлар ўтказилган. Улар кўп даражада бу тамойилни шубҳа остига қўйди, аниқланишича, етакчининг индивидуал сифатлари батафсил таҳлил этилганда, улар шахснинг психологик ва ижтимоий белгиларига деярли тўлиқ мос келиши кўринди. Бундан ташқари, фаолиятнинг айрим соҳаларида, аввало, тадбиркорлик соҳасида, юқори интеллектуал ва ахлоқий сифатлар етакчилик даражасини эгаллашда муваффақият шарти бўлиб эмас, балки тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Бунинг устига, кўпинча, кишиларнинг ажойиб қобилиятлари кўп йиллар давомида, баъзан бутун ҳаётида ҳам талаб этилмасдан қолади, қўлланилмайди.

Булар барчаси хислатлар назариясини тўлиқ инкор этишни билдирмайди. Маълумки, рақобат шароитида етакчилик ўринларини эгаллаш учун ҳақиқатдан ҳам маълум бир психологик ва ижтимоий сифатлар керак. Бироқ уларнинг тўплами тарихий даврлар, айрим давлатлар ва конкрет вазиятга боғлиқ ҳолда анча ўзгариб боради. Ҳатто бизнинг кунларимизда ҳам сиёсий муваффақиятга имкон берувчи шахсий сифатлар, масалан, Швеция, Афғонистон, Корея ва Сомалида тубдан фарқланади. Бунинг устига кўпчилик, асосан нодемократик давлатларда тез-тез ўртамиёна, ғўр, ёрқин хислатларга эга бўлмаган шахслар сиёсий етакчилар бўлиб оладилар.

Буларни ҳисобга олиш хислатлар назарияси ривожида, иккинчи тўлқин ёки унинг **омилий-таҳлилий тамойили** яратилишига олиб келди. У етакчининг аниқ индивидуал сифатларини ҳамда маълум бир сиёсий мақсадларга эришганлиги билан боғлиқ бўлган, унга хос хислатлар, хулқ-атвор услубларини фарқлайди. Етакчидаги бу икки гуруҳ хусусиятлар ўртасида жиддий тафовутлар бўлиши мумкин. Буни Ленин мисолида аниқ кўрсатиш мумкин. Унинг ўз яқин атрофидагилари билан муносабатида намоён бўлувчи индивидуал хислатлари ҳеч ҳам зўравонликка чанқоқ ва одамларнинг кулфатларига бефарқ, раҳмсиз золимлигидан дарак бермасди. Бироқ унинг ўжарлиги ва коммунизм қуришдан иборат бўлган, умуман олганда инсонпарвар, бироқ утопик (хаёлий) мақсадга интилишларидаги ғалабалари уни ҳокимиятни сақлаб қолиш учун жиноятлар олдида тўхтамайдиган, умуминсоний ахлоқ меъёрларини инкор этувчи диктаторга айлантирди. Масалан, бу хислатлар унинг гаровдагиларни отиш, диндорларни аёвсиз қатағон қилиш ҳақидаги буйруқларида кўринади.

Омилий-таҳлилий тамойил етакчилик тамойилига маълум бир вазиятлар билан боғлиқ бўлган мақсадлар ва вазифалар тушунчаларини киритади. Етакчининг индивидуал сифатлари ва унинг олдида турган мақсадлар ҳамда уларни амалга ошириш шароитларининг ўзаро таъсирлари натижасида унинг «иккинчи табиатини» ташкил этувчи хулқ-атвор тарзи ишлаб чиқилади. Етакчининг хулқ атвор тарзи ва мақсадли мўлжаллари ўзида маълум бир ижтимоий шароитларнинг белгиларини олиб юради.

Вазиятлар тамойили Етакчиликнинг маълум бир ижтимоий шароитларга боғлиқлиги ғоясини вазиятли тамойил (Р. Стогдилл, Т. Хилтон, А. Голдиер ва б.) асослайди ва ривожлантиради. У етакчининг нисбийлиги ва турличалигидан келиб чиқади. Етакчи — маълум бир вазиятнинг функциясидир. Р. Стогдилл ёзишича, «етакчилик қандайдир ижтимоий вазиятларда кишилар ўртасида мавжуд бўлувчи алоқалардир, бир вазиятда етакчи бўлган кишилар бошқа вазиятларда ҳам албатта шундай бўла олмайди»[8]. Айнан вужудга келган конкрет шарт-шароитлар сиёсий етакчини саралайди ва унинг хулқ-атворини белгилайди. Масалан, исломий Эрондаги вазият муқаррар равишда сиёсатчиларнинг европача ёки америкача типини рад этади. Худди шунингдек, диний етакчи — пайғамбар ҳам ўзини ғарб сиёсий майдонида намоён эта олмайди. Маълумки, давлатнинг инқироз ҳолатидалиги ёки барқарор ривожланишда эканлигига боғлиқ равишда етакчига қўйиладиган талабалар ҳам жиддий фарқланади.

Вазиятли ёндошув нуқтаи назаридан олганда, етакчилик сифатлари релятив, нисбийдир. Бир одам етакчилик хислатларини митингларда, бошқаси — кундалик сиёсий — ташкилотчилик ишларида, учинчиси — шахслараро мулоқотда намоён этиш мумкин. Умуман эса, етакчиларни асосан мақсадга интилувчанлик, у ёки бу вазифани бажариш учун масъулиятни ўзига олишга тайёрлик ва шунингдек, ваколатга эгалик ажратиб туради.

[8] Bass B. M. Stogdill's Handbook on Leadership. New-York, 1981. P. 67.

Вазиятлар назарияси шахс индивидуал сифатларининг муҳим ролини инкор этмайди, бироқ уларни мутлақлаштирмайди ҳам, сиёсий етакчининг табиатини тушунтиришда шарт-шароитларга устуворлик беради. Тажрибавий тадқиқотлар билан тасдиқланувчи бу тамойил асосида бир қатор олимлар (Э. Фромм, Д. Рисмен ва б.) шундай хулосага келдиларки, ҳозирги ғарб жамиятида сиёсий шароитга мослашувчи ва ўз ҳаракатларининг ахлоқий аҳамияти ҳақида ўйламайдиган, маслаксиз кишилар муваффақиятга эришишда катта имкониятларга эга бўладилар.

Бироқ бундай хулосалар ва умуман вазиятлар назарияси ҳам тўлиқ тасдиқдан узоқдир. Ушбу тамойилнинг чекланганлиги шундаки, у етакчининг фаоллигини, унинг вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳолаш ва ўзгартириш, ўткир муаммолар счимини топа олиш қобилиятини етарлича акс эттирмайди.

Конституентлар назарияси

Вазиятлар тамойилининг аниқлаштирилиши, ривожланиши ва бойитилиши етакчилик феноменини издошлар ва конституентлар орқали тушунтирувчи назарияда намоён бўлди. «Айнан издош, — деб таъкидлайди Ф. Стэнфорд, — етакчини ўзлаштиради, вазиятни ўзлаштиради ва охир-оқибатда етакчиликни қабул қилади ёки рад этади»[9].

Бундай ёндашувнинг афзаллиги етакчиликни раҳбар ва унинг конституентлари ўртасидаги ўзаро боғланган бўғинлар занжири: конституентлар-издошлар — фаоллар — етакчи кўринишида намоён бўлувчи алоҳида турдаги муносабатлар деб қаралишидир. Етакчи ва унинг конституентлари ягона тизимни ташкил этади. Ҳозирги фанда етакчининг конституентлари доираси анча кенг тушунилади. Унга етакчининг сиёсий фаоллар ва барча етарлича ўз йўлини аниқлаб олган тарафдорларигина (издошларигина) эмас, балки унинг сайловчилари ҳам, шунингдек, унга таъсир кўрсатувчи, у билан ўзаро ҳаракат қилувчи барча ҳам киритилади. Конституентлар таҳлили кўпинча ўз шахсий сиёсий одатлари, ёқтиришлари ва ёқтирмасликларига хилоф ҳаракат қилувчи етакчининг хулқ — атворини кўп жиҳатдан тушунишга ва олдиндан айтиб беришга имкон беради.

«Етакчи — конституентлар» муносабатининг шаклланиши ва амал қилишида фаолларнинг роли, айниқса, катта. Айнан улар етарлича ваколатли тарзда етакчининг шахсий сифатлари ва имкониятларини баҳолайди, уни қувватлаш тадбирларини ташкил этади, уни омма билан боғловчи, «ҳаракатга келтирувчи тасма» сифатида чиқади. Яъни етакчини «яратади».

[9] Groups, Leadership and Men. / Ed. by H. Guetskow. Pittsburg, 1951. P. 136.

Конституентлар орқали ҳукмрон сиёсий маданиятнинг ва аввало қадриятли мўлжаллар ҳамда сайловчилар орзу — умидларининг сиёсатга таъсири намоён бўлади. Демократик давлатларда сиёсий етакчилик ролига даъвогарлар ўз имиджлари халқнинг орзу — умидларига мос тушсагина муваффақиятга умид қилиши мумкин.

Анча афзалликларга эга бўлгани ҳамда етакчининг конституентлар манфаатлари ва интилишларининг ифодачиси сифатида талқин этилиши, вазиятлар назариясидаги каби етакчининг янгиликка интилувчанлиги, мустақиллиги ва фаоллигини баён этишда ёмон ишлайди. Раҳбарларнинг айрим ғоят муҳим ҳаракатлари уларни ҳокимиятга келтирган қатлам ва тарафдорларнинг манфаатлари ва орзу умидларига қарама-қарши бўлишига тарих гувоҳлик беради. Бунга ёрқин мисол — Сталиннинг сиёсий фаолияти бўлиб, у ўзининг тахминан кейинги ўн беш йиллик ҳукмронлиги даврида уни илгари ҳокимиятга келтирган большевикларни деярли тўлиқ, шу билан биргаликда ўз партияси аъзоларининг ярмидан кўпроғини ҳам тор-мор этди.

Етакчи ва унинг конституентларининг ўзаро таъсири икки томонлама, икки ёқлама ҳаракатдир. Бунинг устига етакчилар кўп даражада ўз ижтимоий таянчларини алмаштиришлари мумкин. Етакчининг конституентларга муносабат бўйича мустақиллиги сиёсий тизимнинг характерига, раҳбар қўлида ҳокимиятнинг жамланиши даражасига ва умуман жамиятнинг сиёсий маданиятига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Субъектив ва волюнтаристик сиёсат учун авторитар ва тоталитар тизимлардаги етакчилар энг кўп имкониятларга эга бўлиб, улар баъзида, фашистлар Германиясининг мағлубияти арафасида Гитлер қилишга уринганидек, бутун миллатнинг мавжудлигини хавф остига қўйиши мумкин.

Психологик тамойиллар ва интерактив таҳлил

Сиёсий етакчиликнинг табиати етарлича мураккаб ҳамда қатъий талқинга бўйсунмайди. Унинг субъектив механизмларини ёритишга психологик назариялар ва жумладан, етакчиликнинг психоаналитик тушунтирилиши ёрдам беради. Психоанализ (руҳий таҳлил) асосчиси З. Фрейд фикрича, етакчиликнинг асосида тушкунлик ҳолидаги либидо — асосан сексуал характердаги онгсиз қизиқиш ётади. Сублимация жараёнида у ижодкорликка, шу жумладан, етакчиликка интилиши билан намоён бўлади.

Кўпчилик кишиларда раҳбарлик даражасига эгалик субъектив — компенсациялаш функциясини бажариб, ҳар хил турдаги камчиликларни, қадрсизлик туйғуси ва бошқаларни бостириш ёки бартараф этишга имкон беради. Етакчига бўйсунишни ҳам маълум бир руҳий эҳтиёжлар акс эттиради. Етакчиликнинг субъектив қабул қилинишига болаликдаёқ асос қўйилади, бола ота-онанинг ҳомийлиги ва обрў-эътиборига муҳтож бўлади. Шу маънода давлат раҳбарининг обрўси оиладаги отанинг обрўсига ўхшашдир.

Руҳий таҳлилга франкфурт мактаби олимлари Эрих Фромм, Теодор Адорно ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Улар авторитаризмга мойил ва ҳокимиятга интилувчи шахс типини аниқладилар. Бундай шахс оммавий ишончсизлик, асабийлик ва инсоннинг буларнинг барчасидан ҳукмдорлик ва бўйсуниш соҳасига қочишга интилишини яратувчи носоғлом ижтимоий шароитларда шаклланади. Авторитар шахс учун ҳокимият иродасини бошқа одамларга зўрлаб юклаш йўли билан ўз шахсий камчиликларидан халос бўлишга имкон берувчи руҳий эҳтиёж ҳисобланади.

Бошқалар устидан чексиз ҳокимиятга эга бўлиш, уларни тўлиқ бўйсундириш бундай одамга алоҳида роҳат бағишлайди. Бу ўзига хос садизм (бировни қийнаб лаззатланиш)нинг шакли ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида авторитар шахс мазохистик белгиларга ҳам эга бўлади — ўзидан устунроқ куч билан тўқнашганда бундай шахс унга қойил қолади ва унга таъзим қилади. Бошқаларнинг кучсизлиги эса авторитар типдаги индивидларда назорат ва уларни камситиш истагини уйғотади.

Психологик маънода бундай типдаги хулқ-атвор кучлиликнинг эмас, балки кучсизликнинг намоён бўлишига хизмат қилади. Авторитар шахс ҳақиқий ички кучга эга бўлмаган ҳолда, бошқалар устидан ҳукмронлик ёрдамида, унга эгалигига ўзини ишонтиришга уринади. Бу шахс нооқил, ғайритабиийликка мойил, биринчи навбатда ҳис-туйғуларга амал қилади ва тенглик ҳамда демократияга тоқат қила олмайди. У бошқа кишилар ва умуман дунёни куч ва кучсизлик, садомазохизм призмаси орқали қабул қилади.

Адорно ва бошқа олимлар томонидан ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар авторитар типдаги шахснинг реал мавжудлигини тасдиқлади, унинг бир қатор янги хусусиятларини аниқлади. Умуман эса руҳий таҳлилнинг бу йўналиши етакчиликка интилишнинг барча сабабларини қамраб ололмасада, унинг асосий ички сабаблари ҳақидаги тасаввурларни анча кенгайтирди. Қайд этилганидек, етакчиликка психологик муносабатларнинг айрим бошқа типлари, масалан, ўйинли инструментал ва бошқалари ҳам мавжуддир.

Турлича талқинларнинг умумлашмаси сиёсий етакчиликнинг турли томонларини кўришга имкон беради, бироқ ҳали унинг бир бутун кўринишни бера олмайди. Бу вазифани ҳал этишга уриниш, етакчиликни комплекс тадқиқ этишни амалга оширишни **интерактив таҳлил** бажаради. У етакчиликнинг тўрт асосий жиҳатини ҳисобга олади: етакчининг хусусиятлари; у бажариши лозим бўлган вазифалар; унинг издошлари ва конституентлари; уларнинг ўзаро таъсир тизими, етакчи ва унинг конституентларининг ўзаро муносабатлари механизми. Бироқ, барибир, етакчиликнинг ягона, универсал тамойилини яратиш, барча эҳтимолликларга кўра мумкин эмас, чунки бу ҳодисанинг ўзи намоён бўлиши ва функцияларига кўра фавқулодда турли-тумандир, тарихий даврларга, сиёсий тизимлар типига, етакчилар ва уларнинг конституентлари хусусиятларига ва бошқа омилларга боғлиқдир.

§ 3. Етакчиликнинг таснифлари, функциялари ва ривожланиш тамойиллари

Етакчилик турлари

Етакчилик феноменини турлича туркумлаштиришлар мавжуд. Улар орасида энг умумийси барча етакчиларни **одатдаги** («реал») ва **буюкларга** (буюк «қаҳрамонлар» ёки буюк «ёвузлар»га) бўлиш ҳисобланади. Биринчиси, реал етакчилар тарихда сезиларли шахсий изларини қолдирмайдилар, воқеаларнинг одатдаги йўналишини ўзгартирмайдилар. Иккинчиси, етакчи — қаҳрамонлар (ёвузлар) сиёсатга ўз қарашларига эга бўладилар ҳамда ундан катта ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга олиб келувчи ўз ниятларини амалга оширишда фойдаланишга интиладилар.

Етакчиликни раҳбар ва бўйсунувчи муносабатларига боғлиқ ҳолда **авторитар ва демократик турларга** бўлиш кенг тарқалган. Авторитар етакчилик чоралар, куч қўллаш таҳдидларига асосланувчи якка йўналтирувчи таъсир кўрсатишни мўлжаллайди. Демократик етакчилик раҳбар томонидан гуруҳ ёки ташкилотнинг барча аъзолари манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олишда, уларни бошқарувга жалб этишда ифодаланади.

Етакчиликни «классик» туркумлаштиришлардан бири М. Веберning ҳокимиятни легитимлаштириш усуллари ҳақидаги таълимотига бориб тақалади. Бу усулларга мос равишда етакчилар **анъанавий** (қабила доҳийлари, монархлар ва б.) тургa, бунда уларнинг обрў-эътибори одатлар, анъаналарга асосланади; **оқилона турга, очиқ** ёки эскича — булар демократик йўл билан

сайланган етакчилар; ва **харизматик** турга — омманинг фикрича раҳбарлик учун алоҳида хислатли, буюк сифатлар, одатдан ташқари қобилиятлар билан таъминланганларга бўлинади. Харизма етакчига унинг издошлари берувчи сифатлар ва етакчининг реал қобилиятларидан вужудга келади. Бунда етакчининг индивидуал сифатлари унинг харизмаси шаклланишида кўпинча иккинчи даражали рол ўйнайди. Масалан, Ленин, Сталин, Ким Ир Сен, Фидель Кастролар харизматик етакчилар бўлган.

Етакчиликни бундай таснифлаш анча оддий ва қулай, бироқ бошқа ҳар қандай туркумлаштириш каби қўлланишда чекланган. Биринчи типдаги етакчилик асосида одат, иккинчисида ақл, учинчисида ишонч ва ҳис-туйғу ётади. Бу туркумлаштиришнинг асосчиси Вебер харизматик етакчилик таҳлилига асосий эътиборини қаратади. У етакчининг бундай типини, харизматик доҳий ва унинг обрў-эътибори ўтмиш билан боғланмаганлиги, ижтимоий янгиланиш вазифаларини ҳал этишга оммани сафарбар қила олиш қобилиятлари сабабли, инқирозли даврларда жамиятни янгилашнинг генератори, муҳим ҳаракатлантирувчиси сифатида баҳолайди.

Ривожланишнинг нисбатан тинч даврларида жамият учун тарихий анъаналарни сақловчи ва зарур ислоҳотларни амалга оширувчи оқилона-очиқ етакчилик афзалроқдир. Умуман эса, кўпчилик давлатларнинг тарихида сиёсий етакчилик типларининг алмашинувида маълум бир кетма-кетлик кузатилади. Доҳий — асосчи (харизматик) анъанавий етакчи — қўриқловчига ўз ўрнини бўшатиб беради, у эса, ўз навбатида ислоҳотчи — қонунчига ўз ўрнини беради.

Ҳозирги сиёсатшуносликда кўпинча етакчининг тўртта йиғма тимсоли айтиб ўтилади: **байроқдор** (ёки буюк инсон) **хизматчи, савдогар** ва **ўт ўчирувчилик**. Етакчи — байроқдор воқеликни ўзича кўра билиши, жозибали идеал, оммани қизиқтира олиш қобилияти билан ажралиб туради. Бундай етакчиликнинг ёрқин намоёндалари Ленин, Мартин Лютер Кинг, Ҳумайнийлар эди. Етакчи — хизматчи доимо ўз тарафдорлари ва умуман сайловчилари манфаатларининг ифодачиси ролида чиқади, уларнинг фикридан мўлжал олади ва уларнинг номидан ҳаракат қилади. Етакчи — савдогар учун ўз ғоя ва режаларини қизиқарли қилиб тақдим этиш, фуқароларни уларнинг афзаллигига ишонтириш, бу ғояларни «сотиб олишга» мажбур қилиш ва шунингдек, уларни амалга оширишга оммани жалб этиш қобилияти характерлидир. Охиргиси, етакчи — ўт ўчирувчи энг долзарб, қайноқ ижтимоий муаммоларга, давр-

нинг энг муҳим талабларига мўлжал олади. Унинг харажатлари конкрет вазият билан белгиланади. Реал ҳаётда етакчиликнинг бу тўрт идеал образи, одатда, тоза ҳолда учрамайди, балки сиёсий раҳбарларда турли нисбатларда, биргаликда кўринади. Етакчиларни бошқача туркумлаштиришлар ҳам бор. Уларни бошқарувчи ва мухолифатдаги; йирик ва кичик; инқирозли ва эскича; пролетар, буржуа, майда буржуа ва бошқаларга бўлиш мумкин.

Етакчининг функциялари

Етакчилар типларининг турличалиги кўп жиҳатдан улар ҳал этадиган вазифаларнинг кенг доирадалиги билан изоҳланади. Етакчилар фаолиятининг асосий босқичларини характерлашда уларнинг **уч асосий функциясини** ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) вазиятни таҳлил этиш ва баҳолашни мўлжалловчи сиёсий ташхис; 2) ижтимоий муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи фаолият йўналиши ва дастурини аниқлаш; 3) мақсадларни амалга ошириш учун ижрочиларни (амалдор шахслар, бюракратия ва оммани) сафарбар этиш.

Етакчи функциясининг янада аниқроқ мазмуний тавсифига тааллуқли жиҳатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Жамиятнинг интеграцияси, омманинг бирлашуви. Етакчи ўзида бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда миллий бирликни мужассам этиши ва намоён қилиши, фуқароларни умумий мақсад ва қадриятлар атрофида бирлаштириши, халққа, Ватанга хизмат қилиш намунасини кўрсатиши жоиздир.

2. Энг мақбул сиёсий қарорларни топиш ва қабул қилиш. Етакчилар ҳам хатолардан сақланмаган, кўпинча аъло тарзда ҳаракат қилмасаларда, барибир айнан ижтимоий вазифаларни ечишнинг энг маъқул йўлларини топиш қобилияти билан одатда уларнинг раҳбарликда бўлишлари оқланади.

3. Ижтимоий ҳакамлик ва ёрдамлашиш, фуқароларни қонунсизликдан, бюрократиянинг, турлича даражадаги раҳбарларнинг ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш, назорат қилиш, рағбатлантириш ва жазолаш ёрдамида тартиб ва қонунийликни сақлаш. Ижтимоий ёрдамлашиш амалда доимо ҳам бажарилишдан узоқ бўлсада, «яхши подшо», «халқлар отаси», «халқ президенти»га ишонч, нафақат, патриархал сиёсий маданиятга эга бўлган, балки асрий демократик анъаналарга эга мамлакатлар халқларининг оммавий онгида ҳам ҳозирга қадар кенг тарқалгандир.

4. Ҳокимият ва омманинг алоқаси, сиёсий йўлларни, айниқса эмоционал (ҳис-туйғу) алоқаларни мустаҳкамлаш ва бу билан фуқароларнинг ҳокимиятдан бегоналашувини бартараф этиш. Давлат органларининг кўп босқичли поғоналашуви (иерархи-

яси) ва бюрократиялашувида, мураккаб шароитларда ҳокимиятни шахсан идрок этиш унга ишончсизликни бартараф этишда, аҳолида фуқаровий онглиликни, ватанпарварликни шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари ёрдамида, сайловчилар билан учрашувлар ва бошқа тадбирлар давомида сиёсий етакчилар халқ билан бевосита мулоқот қилишнинг етарлича кенг имкониятларига эга бўладилар.

5. Янгиланишни бошлаб бериш, ишонч ва ижтимоий энергияни кучайтириш, оммани сиёсий мақсадларни амалга оширишга сафарбар этиш. Қатъий қилиб айтганда, бу гуруҳга ўз йўналиши бўйича яқин бўлган бир неча функциялар бирлашган. Етакчи халқ анъаналарини қўриқлашга, жамият тараққиётини таъминлашга, оммада ижтимоий идеаллар ва қадриятларга ишонч уйғотишга даъват этилади. Кўп даражада бу функцияларни бажариш харизматик етакчиларга хос бўлиб, бошқаларда ҳам учрайди. Масалан, АҚШда Шимолий Вьетнам билан урушдаги мағлубиятдан кейин тарқалган «вьетнам синдроми», миллий умидсизлик ва лоқайдликни бартараф этиш вазифасини америка президенти Рональд Рейган муваффақиятли ҳал эта олди.

6. Туркумнинг легитимлашуви. Бу функция асосан тоталитар ва авторитар давлатлардаги етакчиларга хосдир. Сиёсий режим тарихий анъаналар, миллатчилик ва демократик тадбирларда ўзини оқлаш йўлини топа олмай қолганда, буни одатдан ташқари, пайғамбарона қобилиятларга эга деб ҳисобланувчи ва кўп ёки камроқ даражада илоҳийлаштирилувчи харизматик етакчининг алоҳида сифатларидан ахтаришга мажбур бўлади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай бўлиб, большевиклар ҳокимиятнинг кўп асрлик анъаналарини шафқатсиз вайрон этганда, ўз ҳаракатларини Маркс, Ленин ва Сталиннинг ҳаддан ташқари бўрттирилган обрў-эътибори билан қонунийлаштирган, уларга ердаги худоларга хос белгилар берилган ва уларнинг шахсига сиғиниш кучайтирилган эди.

Шахсга сиғиниш

Тарихда сиёсий етакчи роли ва функциясининг энг охирги, максимал (энг катта) оширилган ҳолда баҳоланиши — шахсга сиғинишдир. У инсонни ҳаддан ташқари кўкларга кўтариш ва ҳатто илоҳийлаштиришни кўрсатади. У кўпинча тоталитар ва авторитар давлатларда учрайди, аммо унинг элементлари баъзан демократик мамлакатларда ҳам пайдо бўлиши мумкин, масалан, Францияда Шарль де Голль президентлиги даврида шундай бўлган эди.

Сиёсий раҳбарларга сиғиниш — ҳокимиятни сакраллаштиришнинг ажралмас элементидир. Ўз моҳиятига кўра у ибтидоий бутларга, жумладан обидалар, мақбаралар, ёдгорликлар мажмуаси кабиларга сиғинишнинг қайтадан туғилиши каби мураккаб диний-сиёсий маросимдир. Тоталитар давлатларда шахсга сиғинишнинг ғоявий асоси мафкурада, унинг ижтимоий ҳақиқатга монопол эгаликка, ҳар томонлама, умумий аҳамиятлиликка даъво қилишида ётади. Бундай «ягона ишончли мафкуранинг» «оталари» пайғамбарлар ва келажакни кўрувчилар сифатлари билан улуғланади.

Шахсга сиғинишнинг қулай субъектив очиқлантирувчи муҳити патриархал ва тобелик сиёсий маданияти ҳисобланиб, улар «яхши подшо» ёки раҳбарга ишончдан, жамиятнинг кучли поғонасимон ташкилотини қабул қилишдан келиб чиқади. Бироқ сиғинишнинг бевосита сабаби бўлиб, одатда бир кишининг қўлида сиёсий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари тўпланиши, шунингдек, барча қуйида турувчиларнинг ўз фаолиятлари натижаларига кўра эмас, балки раҳбариятнинг хайрихоҳлигига боғлиқ ҳолдаги ялпи шахсий қарамлиги хизмат қилади.

Тоталитар жамиятларда бундай қарамлик амалда ҳеч нарса билан чекланмаган. Бу ишга киришда ҳам, амалга эришишда ҳам, уй-жой, мукофот ва бошқа ижтимоий неъматларни олишда ҳам, бўйсунмайдиганларга нисбатан турли хилдаги чораларда ҳам кўринади. Буларнинг бари оммавий онгда акс этиб ва тегишли системали ғоявий ишланиш билан қўшилиб, аҳолида раҳбарнинг ўта қудратлилигига ишонч, унинг олдида қўрқув, қулларча бўйсуниш ва ёқишга ҳаракат қилиш кабиларни вужудга келтиради. Сиёсий етакчига нисбатан бундай муносабатнинг оғир мероси дунёнинг кўпгина давлатларида, асосан, шарқ мамлакатларида намоён бўлмоқда.

Сиёсий етакчиликнинг ривожланиш тамойиллари

Етакчиларнинг ижтимоий аҳамиятли функциялари ва бутун ижтимоий қиёфаси аввало сиёсий тузумнинг характерига боғлиқ бўлади. Маълумки, улар, масалан, теократик (диний) давлатда, тоталитар ва демократик жамиятларда ўзаро тубдан фарқланади. Демократия ўзининг тўғридан-тўғри этимологик маъносида халқнинг, кўпчиликнинг ҳокимияти сифатида тушунилганда, бир шахснинг раҳбарлигини тақозо этувчи сиёсий етакчилик билан умуман ёмон чиқишади.

Ҳозирги давлатларда етакчилик ва халқ ҳокимиятчилиги принципларининг келтирилиши, халқ сайлаганларга қонун билан белгиланган доирада ҳаракат эркинлигини қолдирувчи ваколатли демократия йўли билан амалга оширилмоқда. Бу ерда, етакчилик ҳақидаги анъанавий, асосан, харизматик тасаввурларни кўп даражада ўзгартирувчи икки тамойил яққол намоён бўлади. Булар етакчиликнинг **муассасавийлашуви** ҳамда **касбийлашувидир**.

Етакчиликнинг муассасавийлашуви бугун, аввало, сиёсий раҳбарларни жамлаш, тайёрлаш, ҳокимиятга интилиш ва фаолиятларининг ўзи ҳам маълум муассасалар — меъёрлар ва ташкилотлар доирасида амалга оширилишида намоён бўлмоқда. Етакчиларнинг функциялари қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ва ахборот ҳокимиятлари, конституция ва бошқа қонун ҳужжатлари билан чекланган. Бундан ташқари, етакчилар ўз партиялари томонидан танланади, қувватланади, улар томонидан ва шунингдек, мухолифат ва жамоатчилик томонидан назорат қилинади. Булар барчаси уларнинг ҳокимиятини ва ҳаракатчанлигини бирмунча чегаралаб қўяди, қарорлар қабул қилишига муҳитнинг таъсирини оширади. Демократик назоратнинг ривожланиши ва шунингдек, ҳозирги индустриал ривожланган мамлакатларда ҳар хил инқилобий вазиятларнинг йўқлиги оқибатида амалда, тарихда чуқур из қолдирувчи сиёсатчилар, масалан, Наполеон, Бисмарк, Пётр Биринчи, шунингдек, Гитлер ва Сталин кабилар пайдо бўлмаяпти. Ҳозирги етакчилар аввалгидан кўра кўпроқ одатдаги, кундалик яратувчилик вазифаларини ҳал этишга хизмат қиладилар.

Етакчилик ривожидаги иккинчи тамойил — унинг профессионаллашуви ҳам биринчиси билан боғлиқдир. 1919 йилдаёқ М. Вебер ўзининг «Сиёсат даъват ва касб сифатида» номли машҳур асарида «Сиёсатнинг «корхонага» айланаяпти, унга ҳозирги партия тизимлари томонидан яратилган, ҳокимият учун курашга кўникмалар ва унинг усулларини билиш талаб этилмоқда»[10] — деб таъкидлаган эди. Ҳозирги ижтимоий ташкилотлар ва давлат органларининг партиялар, манфаатлар зуҳурлари, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро фаолиятлари мураккаблашган шароитларда сиёсат ва сиёсатчиларнинг муҳим функциялари куч ишлатиш ва ҳатто ҳокимият учун кураш ҳам эмас, балки «ижтимоий орзу-умид ва муаммоларни сиёсий қарорларга ўзгартиришдир»[11].

[10] *Вебер М.* Избранные произведения //Пер. с нем. М. 1990. С. 660.

[11] *Herzog D.* Der moderne Berufspilitiker. // Eliten in der Bundesrepublik Deutschland. S. 38.

Сиёсатчи амалда аҳоли талабларини аниқ ифодалашни таъминлашни, коллектив қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган парламент ва ҳукумат органлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва алоҳида кишилар ўртасида алоқаларни йўлга қўйиш, можароларни ҳал этиш ва келишув йўлларини топишни тақозо этувчи, ижтимоий алоқалар соҳасидаги мутахассисга айланиб бормоқда. Бугун ушбу функцияларни махсус малакага: билимга, кўникмага ва тажрибага эга бўлмаган киши самарали ҳал эта олмайди.

Сиёсий меҳнат тобора кўпроқ врач, конструктор ёки адвокатлик касбига ўхшаб касб-корга айланмоқда. Малакали сиёсатчи сайланувчи лавозимларни эгалласада, юқори даражадагиларнинг кўпчилиги ҳукмрон партия ўрнини бўшатгандан кейин ҳам, одатда ўз касбини сақлаб қолади. Бунга улар томонидан парламент, партия, маҳаллий бошқарув органлари, бошқа муассасаларда бир қатор сиёсий амалларнинг тўплаб қўйилганлиги имкон беради.

Бир қатор мамлакатларда (Япония, Франция, АҚШ) сиёсий фаолиятнинг касбийлашувини ҳисобга олиш бўлғуси сиёсий етакчиларни танлашда, ҳали болалик ёки ўсмирлик ёшидан, уларни махсус мактаблар ва университетларда тайёрлашда намоён бўлади. Бундай тадбирлар фуқароларнинг сиёсат иштирокчилигининг ривожланиши ва мулкдорлар ҳокимияти учун назоратнинг мустаҳкамланиши билан бирга сиёсий етакчиликнинг самарадорлигини оширишга, унинг бутун жамият манфаатларига бўйсунишига имкон беради.

Сиёсий етакчилар ва элита жамиятда ҳокимиятнинг реал тадбиқ этилиши, амал қилиш механизмининг моддийлашуви бўлиб, маълум сиёсий тизим доирасида раҳбарлик ўринларини эгаллайди ва ўз функцияларини амалга оширади.

сий ҳодисалар таҳлилида етарлича юқори аниқликка эга. Бу уни турли мамлакатлар сиёсий тизимларини таққослашга, унинг умумий белгилари ва фарқларини аниқлашга имкон беради.

Сиёсий тизимлар таснифи

Ўз мазмунига кўра ўта мураккаб ва бой ҳодиса бўлган сиёсий тизимлар турлича асосларга кўра туркумланиши мумкин. Масалан, жамиятнинг турларига кўра улар анъанавий, замонавийлашган демократиялар ва тоталитар (Р. Арон, У. Ростоу ва б.); муҳит билан ўзаро таъсирининг характери бўйича — очиқ ва ёпиқ; сиёсий маданиятлар ва уларнинг ҳокимиятни ташкил этиш шаклларида ифодаланиши бўйича — англо-америкача; континентал-европача; индустриаллашувгача ва қисман индустрлашган, тоталитар турларга (Г. Алмонд) бўлинади.

Сиёсий тизимларнинг кўплаб бошқача, жумладан, янада мураккаброқ таснифлари ҳам мавжуд. Улардан анча оддий, кенг тарқалган, муҳими, уларни етарлича чуқур туркумлаштиргани — сиёсий тизимларни тоталитар, авторитар ва демократик типларга бўлишдир. Уларни чегаралаб турувчи мезон бўлиб сиёсий тартиб (режим) — ҳокимият, жамият (халқ) ва шахс (фуқаро) ўзаро муносабатларининг характери ва усуллари хизмат қилади. Энг умумий ҳамда тоталитар сиёсий тизимлар учун жамиятнинг ва шахснинг ҳокимиятга тўлиқ бўйсундирилиши, давлат томонидан фуқаролар устидан умумий назорат характерлидир. Авторитаризм бир шахс ёки шахслар гуруҳининг, сиёсатдан ташқари соҳаларда шахс ва жамият мухторияти сақланган ҳолда, фуқаролар устидан чекланмаган ҳокимиятга эгалиги билан фарқланади. Ва ниҳоят, демократия жамиятнинг ҳокимият устидан назорати билан характерланади.

Бунда, агарда шахс мухториятга, ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлса, ҳокимиятнинг муҳим манбаи деб тан олинса, унда либерал демократия қарор топган бўлади. Агарда кўпчиликнинг ҳокимияти ҳеч нарса билан чекланмаган бўлса ва фуқароларнинг ижтимоий ва шахсий ҳаётини назорат қилишга интилса, унда демократия тоталитаризмга айланади.

Авторитар ва тоталитар сиёсий тизимлар ҳам ҳар хилдир. Ҳокимиятнинг манбаи кимлигига — бир киши ёки шахслар гуруҳи эканлигига боғлиқ равишда авторитар ва тоталитар тузумлар автократик (ҳокимиятда бир киши бўлиши) ёки группократик (аристократик, олигархик, этнократик), (ҳокимиятда бир гуруҳ шахслар бўлиши) тартиблар кўринишида бўлиши мумкин.

Ушбу туркумлаштириш сиёсий тизимларнинг идеал турларини акс эттириб, улар мавжуд реал ҳаётдан сезиларли фарқ қилади. Шунга қарамасдан тоталитаризм, авторитаризм ва демократия у ёки бу шаклда ва идеалга турлича даражада яқинлашган ҳолда инсоният тарихида ва ҳозирги дунёда кенг тақдим этилган.

§ 2. Тоталитаризмнинг бошланиши ва илк шарт-шароитлари

Тоталитаризм тушунчаси

Тоталитаризм сиёсий тизим тури сифатида XX асрда вужудга келди. Бу сўзнинг ўзи ва шунингдек, тоталитар ғоялар анча илгари пайдо бўлган эди. «Тоталитаризм» атамаси кейинги лотинча «totalitas» (тўлиқлик, бутунлик) ва «totalis» (барча, тўлиқ, бутун) сўзларидан келиб чиққан. Этимологик, носиёсий маънода бу термин қадимдан кўплаб олимлар томонидан фойдаланилган. Сиёсий тилга уни биринчи марта 1925 йилда Муссолини ўз ҳаракатларини тавсифлаш учун киритган. 20-йиллар охирида Англиянинг «Таймс» газетаси тоталитаризм ҳақида нафақат Италия фашизмини балки СССРдаги сиёсий тузумни ҳам характерловчи салбий сиёсий ҳодиса сифатида ёзган эди.

Тоталитаризм назарияси 40-50-йилларда шаклланиб кейинги ўн йилликларда янада ривожланди. Ғарбда ундан коммунистик мамлакатларга қарши ғоявий мақсадларда кенг фойдаланилди. Тоталитаризм муаммолари бўйича илк классик назарий тадқиқотлар — Ф. Хайекнинг «Қулликка йўл» (1944) ва Х. Арендтнинг «Тоталитаризмнинг бошланиши» (1951), шунингдек, К. Фридрих ва З. Бжезинскийнинг ҳамкорликдаги «Тоталитар диктатура ва автократия» (1956) асарлари бўлиб, уларда тоталитаризмни сталинизм ва бошқа шу турдаги сиёсий тузумларни акс эттирувчи тушунча сифатида эмпирик асослашга ҳаракат қилинган.

Кейинчалик реал фактор негизида тоталитарзмнинг тажрибавий назариясини яратишга уринишлар алоҳида муваффақиятга эга бўлмади. Чунки XX асрнинг энг обрўсиз сиёсий тизимларини тасвирлаган ҳолда улар буйруқбозлик социализми мамлакатларининг юмшаб, либераллашиб бориши билан тобора кўпроқ воқеликдан узоқлашиб борди ва бунинг устига, жиддий фарқланувчи турли тоталитар тизимларни акс эттира олмади. Умуман эса тоталитаризм концепцияси ўзини асосан сталинча террор даврига мос келувчи, ҳаддан ташқари соддалаштирилган таҳлилий модел сифатида кўрсатди».[1]

[1] Politikwissen schaft: Eine Grundlegung / Hrsg. K. Von Beume. Bd. 1. Stuttgart; Berlin; Kuln; Mainz, 1987. S. 160.

Тоталитаризм эмпирик назарияларининг қўлланилишидаги чекланганлик сабабли, **уни мафкура, сиёсий ҳаракат ва реал сиёсий тизимда** кўпроқ ёки камроқ амалий қўлланилишини топаётган асосан меъёрий тушунча сифатида талқин этиш (демократияга ўхшаш) кўпроқ самарали бўлиб кўринади. **Тоталитаризмни умумий фарқловчи белгилар жамиятнинг умумий уюшганлигига ва ҳокимият томонидан шахс устидан тўлиқ назорат ўрнатилишига, индивидуал эркинликлар ва ижтимоий зиддиятлар учун ўрин қолдирмайдиган, ўз характери бўйича инқилобий бўлган ижтимоий утопияларга мос равишда бутун ижтимоий тузумни кескин ўзгартиришларга интилишлар ҳисобланади.**

Тоталитар фикрлар мантиқи

Тоталитаризм фақат XX асрдагина воқеликка айланган бўлсада, унинг бошланиши узоқ қадимиятга бориб тақалади. Тоталитар қарашлар ва аввало, бир қисмнинг бутунга, индивиднинг давлатга тўлиқ бўйсуниши ва шунингдек, жамиятнинг ялпи бошқарилиши ғоялари икки минг йилдан кўпроқ вақтдан буён мавжуд. Ҳали эрамиздан аввалги V асрдаёқ Гераклит, донолик ва такомиллашган билимга эга бўлган ҳолда «барча нарсаларни қатъий бошқариш мумкин» деб ҳисоблаган эди. Давлатнинг тоталитар моделлари (нусхалари) Платон, Т. Мор, Т. Кампанелла, Г. Бабёф, Сен-Симон, Ж-Ж. Руссо асарларида етарлича аниқ асосланган. Анча кейинги даврларда эса Фихте, Гегель, Маркс, Ницше, Ленин, Сорель, Зомбарт ва бошқа мутафаккирлар асарларида янада ривожлантирилди.

Чуқур мазмуний тафовутларга қарамасдан, тоталитар концепциялар **умумий мантиққа** эга. Н. А. Бердяевнинг таъкидлашича, тоталитаризмнинг пайдо бўлишини утопияларнинг сиёсийлаштирилишидан излаш керак. Такомиллашган, гармоник тузумнинг идеал образлари — утопиялар — тарихда катта рол ўйнайди. Улар кўп жиҳатдан амалга оширилиши ҳам мумкин, бироқ албатта бузилган шаклда бўлади. «Бир бутунлик утопиянинг бош белгисидир. (...). Утопия доимо тоталитар, озодликка душман». Бу шу билан изоҳланадики, утопия ёпиқ, идеал ижтимоий тузилган ҳаётнинг барча томонлари чизиб берилган тугалланган тизим сифатида унинг асос ҳисобланувчи илк қоидаларини рад этувчи ноуйғунлик, зиддиятлар, тасдиқ ва ҳаракатлар учун ўрин қолдирмайди».[2]

Тоталитар моделда жозибали утопия мутлақ ҳақиқат билан айнан бир хиллаштирилади. Бу қолган барча назария ва қарашлар-

[2] Бердяев Н. А. Судьба России. –М., 1990, С. 329-331.

ни адашиш ёки онгли ёлғон, уларнинг намоёндаларини эса — душманлар, ёки қайта тарбиялаш зарур бўлган қора ниятли, адашган кишилар сифатида қарашга имкон беради. Айнан ўз таълимотига, унинг танқидига, бошқа ижтимоий ғояларга муносабат масаласидан тоталитаризмнинг рационализмдан ажралиши бошланади, бунинг оқибатида «Ягона давлатнинг математик такомиллашган турмушига», «математик хатосиз бахт-саодатга» тоталитар интилиш ўсиб чиқади. Ҳақиқатга монопол эгаликка даъвогарлик охир-оқибатда тоталитаризмни ҳалокатга, ўз расмий ақидалари доирасига жойлашмайдиган ғоялар ва талабларга нисбатан муросасизликка маҳкум этади.

Тоталитар утопия жамоавий ҳаракатлар мақсадини асословчи мафкура шаклида тасаввур этилади. Тоталитар тузум шаклланишининг кейинги мантиқи тахминан қуйидагича. Умумий мақсадлар иқтисодий ва ижтимоий режалаштириш ёрдамида аниқлаштирилади ва амалга оширилади. Тўлиқ режалаштириш ўз навбатида режаларни амалга оширишнинг ишончли кафолати — ўта кучли ҳокимият ва оммавий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади, бу ҳокимият муассасаларининг ва ижтимоий назоратнинг ҳаддан ташқари ўсиши билан, шунингдек, аҳолига изчил мафкуравий таъсир ўтказиш ва уни режаларни бажаришга сафарбар этиш ёрдамида таъминланади. Бунда ҳар қандай ҳурфикрлик бостирилади, чунки ягона мафкуравий эътиқодсиз оммавий итоаткорлик мумкин эмас. Марказдан бошқарилувчи ўта мураккаб давлат машинаси фуқаро — мурватларнинг индивидуал эркинликларига йўл қўймайди, чунки бу бутун яхлитликнинг бир текис силлиқ бўлишига хавф солади. Буюк умумий мақсадларга эришиш учун, сарф-ҳаракат ва қурбонларни ҳисобга олмаган ҳолда, ҳар қандай воситалардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Тоталитаризмнинг илк шарт-шароитлари

Тоталитар моделлар ва мантиқнинг реал татбиқ этилиши маълум бир ижтимоий шароитлардагина мумкин бўлади. Тоталитаризмнинг бош умумий шарт-шароити **жамият ривожланишининг индустриал босқичи** ҳисобланади. У оммавий алоқа тизимларининг яратилишига олиб келди, ижтимоий алоқалар ва ташкилотларни мураккаблаштирди, системали равишда мафкуравий индоктринация (мафкурани, доктринани зўравонлик билан қўллаш), ялпи равишда «мияларни тозалаш» ва шахс устидан тўлиқ назорат ўрнатишни техник жиҳатдан мумкин қилиб қўйди.

Тараққиётнинг бу босқичида бир қатор мамлакатларда қудратли ташкилий монстрлар — монополиялар пайдо бўлиб, саноатнинг

бутун бошли тармоқларини тартибга солди ва давлат билан мустаҳкам ўзаро уйғун ҳаракатларни бажардилар. Давлатнинг ўзи ҳам кучайди, унинг ижтимоий функциялари кенгайди. Ижтимоий ҳаётда оқилоналик, ташкилотчилик ва бошқарувчанлик элементлари ўсиб бориши, фан, техника ва таълим соҳаларидаги яққол муваффақиятлар билан бирга, бутун жамият миқёсида оқилона ташкил этилган ва ялпи бошқарилувчи турмуш шаклига ўтиш мумкинлиги ҳақида иллюзияларни туғдирди. Бу тотал ташкилотнинг ядроси, ўзаги фақатгина ўта қудратли ва барча соҳага кира оладиган давлат ҳокимияти бўлиши мумкин эди.

Тоталитаризм ижтимоий ривожланиш давомида ижтимоий ташкилотнинг мураккаблашуви ва индивидуал эркинлик ўртасидаги реал зиддиятнинг кескинлашувини ҳал этишга бўлган ўзига хос уринишдир. Итальян фашизмининг отаси Муссолини: «Биз биринчи бўлиб айтдикки, цивилизация қанчалик мураккаблашиб борса, шахс эркинлиги шунча кўп чекланади»,[3] — деб таъкидлаган эди.

Тоталитаризмнинг асосида ётувчи **жамоавий — механистик дунёқараш** ҳам индустриализм ва этатизмнинг (давлат таъсирининг кескин кенгайиши) ҳосиласи ҳисобланади. Унинг моҳияти дунёни улкан механик система каби такомиллашган, идеал давлатни эса — бошқарув маркази, қисмлар ва мурувватлардан иборат ва ягона буйруққа бўйсунувчи, бир бутун, яхши ташкил этилган фабрика, машина каби ҳис этишдан иборатдир.

Элита ва омма тоталитар жамоавий тасаввурлари жиддий фарқланади. Агарда сиёсий элита учун умумий мақсадларни асосан рационал — индустриал к ў р и ш характерли бўлса, оммада эса, онг жамоавий характерга эга бўлиши ҳам мумкин, бу Шарқ мамлакатларида яққол кўринади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, тоталитаризм индивиднинг жамоага сўзсиз бўйсунишидан келиб чиқувчи онгга таянади.

Тоталитаризмнинг энг муҳим субъектив шарт-шароитларидан бири индустриал даврда жамиятнинг майда бўлакларга ажралиб бориши, анъанавий жамоавий ва диний алоқалар ҳамда қадриятларнинг емирилиши, ижтимоий бегоналашувнинг кучайиши кабилардан инсоннинг **руҳий қониқмаганлиги** ҳисобланади. Булар оммавий ижтимоий фрустрацияларга, инсоннинг совуқ ва кўнгилсиз дунёдан, ёлғизлик ва ўз мавжудлигининг мазмунсизлигидан қочишга, бозор стихияси олдидаги ожизликка ва

[3] Хайек Ф. А. Дорога к рабству // Новый мир, 1991. №7. С. 197.

қўрқувни бартараф этишга, ҳаёт мазмунини ва умидворликни янги мафкуравий қадриятлар ва ташкилотнинг жамоавий шаклларидан топишга бўлган истакларга олиб келади. Капитализм ўзининг қаттиқ рақобати, ҳамманинг ҳаммага қарши кураши, ахлоқий худбинлиги, индивиднинг шахссизлашуви кабилар билан кўпчилик одамларда руҳий ажралганликни юзага келтиради, уларни тоталитар мафкурага таъсирчан қилиб қўяди.

Тоталитаризм ижтимоий бегоналашган, яккаланган шахс учун психологик жиҳатдан жозибали бўлади. У янги эътиқод ва ташкилот ёрдамида, алоҳида индивидга қараганда, замон ва маконда жуда юқори аҳамиятли бўлган синф, миллат, давлат, партия ва бошқаларда ўзини намоён этишга умид беради. Муқаддаслашган, ўта қудратли ҳокимият ёрдамида одам ёлғизликни бартараф этиш имконияти ва ижтимоий ҳимояга эга бўлади.

Бундан ташқари, тоталитаризм кўпчилик кишиларни, уларнинг агрессив, вайронкорлик инстинктларининг руёбга чиқишига, танланган ижтимоий (миллий, ирқий) гуруҳ ёки партияга тегишли бўлиш ёрдамида ўз қадрсизлигини бартараф этиш ва атрофдагилар устидан юқорига кўтарилишларига имконият яратиш билан ўзига қизиқтиради.

Мавжуд тузумдан психологик қониқмаслик, шунингдек, тоталитаризмнинг жозибадорлиги тоталитар ҳаракатларга тоза қон ва янги энергия қуювчи ўткир **ижтимоий-иқтисодий инқирозлар** даврида кескин ўсади. Инқироз аҳолининг қашшоқлиги ва норозилигини кескин кучайтиради, тоталитаризм учун зарур **ижтимоий шарт-шароитларнинг** етилишини — ўз сони ва таъсири бўйича аҳамиятли бўлган, тоталитар инқилобларда бевосита қатнашувчи ёки уларни қувватловчи ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлишини тезлаштиради. Бунга биринчи навбатда, инқироз даврларида кескин кучаювчи жамиятнинг маргиналлашуви ва люмпенлашуви орқали эришилади. Тоталитаризмнинг энг ашаддий тарафдорлари бўлиб ижтимоий тузилмада барқарор ўринга, барқарор яшаш муҳитига эга бўлмаган, маданий ва ижтимоий — этник бир хиллигини йўқотган оралиқ қатламлар — **маргинал гуруҳлар** чиқадилар.

Маргиналлар одатда ўтмишга муносабат бўйича нигилистик кайфиятда бўладилар, уларни қадрламайдилар ва турли сиёсий иғвогарликларга мойил бўладилар. Улар бошқалардан кўра кўпроқ ўз орзу-умидларини мафкуравий утопиялар билан боғлайдилар. Америкалик социолог Р. Парк ва бошқа тадқиқотчилар аниқлашича, маргиналлар безовталик, агрессив-

лик, мағрурлик, ҳиссиётлар кўтаринкилиги, тортиниш, худбинлик каби руҳий сифатлар билан ажралиб туради.

Ижтимоий ваъдабозлик ёрдамида тоталитар ҳаракатлар ўз мақсадларида турли қатламларнинг норозилигидан фойдаланиши мумкин. Шу каби Россия большевиклари, раҳбарларининг асосий қисми ижтимоий ва этник маргиналлардан ташкил топгани ҳолда, кейинчалик бутун ерни тортиб олиш учун деҳқонларнинг помещик ерларини тегинга тақсимлаш тўғрисидаги талабларидан ва аскарлар ҳамда бутун аҳолининг ҳалокатли урушдан норозиликларидан моҳирона фойдаландилар.

Германияда национал — социалистик тоталитаризмнинг ижтимоий таянчи янги «оралиқ синф» — кўп сонли идора хизматчилари, машинисткалар, ўқитувчилар, савдогарлар, маъмуриятчилар, майда амалдорлар, эркин касбларнинг бой бўлмаган вакиллари ва бошқа шу кабилар бўлди, уларнинг аҳволи кучли касаба уюшмалари ва давлат қонунлари билан ҳимояланган, имтиёзли аҳволдаги саноат ишчиларига нисбатан ёмонлашган эди. Национал — социалистик ҳаракатнинг оддий аъзолари дастлабки йилларда тред — юнионлар (Англия касаба уюшмаси) ёки социал — демократик партияси аъзоларидан камбағалроқ эдилар.

Шундай қилиб, тоталитаризмнинг умумий шарт-шароитлари турли-тумандир. Булар — ривожланишнинг индустриал босқичи; жамият ҳаётида рационаллик ва ташкилотчиликнинг ўсиб бориши; монополияларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг давлат билан қўшилиб кетиши (шу нуқтаи-назардан тоталитаризм — умумий давлат монополиясидир); жамиятнинг этатизацияси, бу, айниқса, уруш вақтларида кучайиши; оммавий жамоавий — механистик дунёқараш; оқилона ижтимоий ўзгартиришлар ёрдамида турмушни тезда яхшилаш имкониятига эмоционал ишонч; шахснинг ижтимоий бегоналашуви, унинг ҳимоясизлик ва ёлғизликдан психологик қониқмаслиги; аҳолининг азоб-уқубатлари ва норозилигини кескин кучайтирувчи ўткир ижтимоий-иқтисодий инқироз; кўп сонли маргиналлар қатламининг пайдо бўлиши.

Тоталитаризм учун қулай бўлган бу ва бошқа омиллар тегишли сиёсий шароитлардагина юзага чиқиши мумкин. Уларга эслатиб ўтилган жамиятнинг этатизацияси, шунингдек, қаттиқ, ярим ҳарбий тузилишга эга, ўз аъзоларини янги эътиқод белгиларига ва унинг ифодаловчилари — доҳийлар, умуман раҳбариятга тўлиқ бўйсундиришга даъвогарлик қилувчи ўта мафкуралаштирилган оммавий ташкилотлар — тоталитар ҳаракатлар ва янги типдаги партиялар тааллуқлидир. Айнан шу

ташкилотлар ва ҳаракатлар қулай ижтимоий шароитлардан фойдаланган ҳолда реал сиёсий тузум сифатидаги тоталитаризмнинг бевосита ижодкорлари бўлдилар.

§ 3. Тоталитар сиёсий тизимларнинг характерли белгилари ва турлича кўринишлари

Тоталитар онг соҳалари

Тоталитар тизимлар стихияли эмас, балки маълум бир мафкуравий тимсоллар асосида вужудга келади. Тоталитаризм — инсон тафаккурининг ҳосиласи, унинг бутун ижтимоий ва шахсий ҳаётни бевосита оқилона назорат остига қўйишга, уни маълум мақсадларга бўйсундиришга уринишдир. Шунинг учун сиёсий тизимнинг бу туридаги умумий белгиларни аниқлашда бошланғич пункт унинг асосида ётувчи мафкура ва ижтимоий онг ҳисобланади. Айнан мафкурада тоталитар тизим ўзининг ҳаётий кучларини тўплайди. Мафкура ижтимоий-интеграцион функцияни, кишиларни сиёсий бирликка бириктиришни бажаришга қаратилган, қадриятлар мўлжали, фуқаролар хулқ-атвори ва давлат сиёсатини асословчи бўлиб хизмат қилади.

Бутун **ижтимоий ҳаётни мафкуралаштириш**, режалаштириш ёрдамида барча иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни «ягона ишончли» назарияга бўйсундиришга интилиш — тоталитар жамиятнинг энг муҳим белгисидир. Айрим умумий хусусиятлар таталитар мафкуранинг турли шаклларига хосдир. Аввало булар ижтимоий ривожланишга бўлган қарашлардаги **эсхатологик ва телеологик** мўлжаллардир. Тоталитар мафкура айрим динлардаги тарихнинг бахт-саодатли якунланиши, инсон мавжудлигининг якуний моҳиятига эришиш каби, коммунизм, минг йиллик рейх ва бошқа кўринишлардаги **хилиастик** ғояларни ҳам ўзлаштириб олади. Келгуси жамиятнинг маҳлиё этувчи образини яратувчи жозибали утопия халқнинг кўплаб ҳар кунлик қурбонликларини оқлаш учун фойдаланилади.

Тоталитар мафкурадаги телеологизм тарихни маълум мақсадга томон қонуний ҳаракат сифатида қаралишида, шунингдек, «мақсад воситани оқлайди» тамойилига мос равишда мақсаднинг унга эришиш воситалари устидан қадриятли устуворлигида намоён бўлади.

Ўз мазмунига кўра тоталитар мафкура **инқилобийдир**. У янги жамият ва инсоннинг шаклланиши зарурлигини асослайди. Унинг бутун биноси, капитализм ва коммунизм тўғрисидаги, ишчилар

синфининг етакчилик роли тўғрисидаги, орий ирқнинг устунлиги тўғрисидаги ва бошқа шу каби ижтимоий афсоналарга таянади. Бу афсоналар танқид қилинмайдиган ва диний символлар (белгилар) характерига эга. Улар асосидагина барча ижтимоий воқеаларнинг рационал баёни берилади.

Тоталитар мафкура **патерналистик** руҳ билан, етарлича билимли бўлмаган оммага нисбатан ижтимоий ҳақиқатга эришган доҳийларнинг ҳомийлик муносабатлари билан тушунилади. Мафкура ягона тўғри таълимот сифатида барча учун **мажбурий** характер касб этади. Нацистлар Германиясида ҳатто барча немислар учун ягона, мажбурий мафкурани тақозо этувчи махсус қонун («Gleichschaltungs gesetz») қабул қилинган эди. Тоталитар жамиятлар аҳолига мафкуравий таъсир ўтказиш, оммавий онгни чалғитишнинг кучли тизимини яратади. Бунда сиёсий тарғибот жиддий даражада маросимлаштирилади, у диний сиғинишнинг айрим белгиларини қабул қилиб боради.

Тоталитаризм учун ахборотга якка ҳукмронлик, ОАВ устидан тўлиқ назорат, ҳар қандай ўзгача фикрларга кескин муросасизлик, ғоявий мухолифларни сиёсий душман сифатида қараш характерлидир. Бу тузум ижтимоий фикрни йўқотади, уни расмий сиёсий баҳолашлар билан алмаштиради. Ахлоқнинг умуминсоний асослари инкор этилади, ахлоқнинг ўзи эса сиёсий мақсадга мувофиқликка бўйсундирилади ва амалда емирилади.

Фикрлар, хулқ-атвор, кийим ва бошқалардаги индивидуаллик, оригиналлик ҳар томонлама бостирилади. Подага хос ҳиссиётлар: ажралиб туришга уринмаслик, ҳамма каби бўлиш, тенглашувчилик; шунингдек, тубанлик инстинктлари: синфий ва миллий кўролмаслик, ҳасад, ҳадиксираш, ташмачилик ва шу кабилар сингдирилади. Кишилар онгида ярашиш мумкин бўлмаган душман образини яратиш кучайтирилади. Ҳарбий кайфиятлар, сирлилик муҳити, фавқулодда ҳолат, бўшашишга, ҳушёрликни йўқотишга йўл қўймаслик кабилар ҳар тарафлама қувватланади. Булар барчаси бошқарувнинг буйруқбозлик усуллари ва қатағонларни оқлашга хизмат қилади.

Сиёсий белгилар

Тоталитар тизимнинг мантиқига мос равишда жамиятнинг умумий мафкуралаштирилиши унинг тоталитар сиёсийлаштирилиши, бошқарув аппаратининг ҳаддан ташқари ривожланиши, унинг ижтимоий организмнинг барча томонларига кириб бориши билан тўлдирилади. Ўта кучли ҳокимият аҳоли устидан мафкуравий назоратнинг бош кафолати бўлиб чиқади. Тоталитаризм фуқаролик жамиятини,

ҳокимиятга боғлиқ бўлмаган шахсий ҳаётни тўлиқ бартараф этишга интилади. Сиёсий тизим, аниқроғи, жамиятнинг партия-давлат ташкилоти қаттиқ поғонасимон тузилиш билан ажралиб турувчи, бутун ижтимоий ва иқтисодий ташкилотнинг пойдевори, ўзаги бўлиб хизмат қилади.

Тоталитар сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб янги тоталитар турдаги партия бошчилигидаги янги тартибот учун ўта марказлашган сиёсий ҳаракат чиқади. Бу партия давлат билан бирлашади ва жамиятдаги реал ҳокимиятни ўз қўлида тўплайди. Ҳар қандай сиёсий мухолифат ва ҳокимиятнинг рухсатисиз ҳар қандай ташкилотни тузиш тақиқланади.

Шу билан бир вақтда тоталитар сиёсий тизим халқ иродасини ифодалашга, олий халқчилликни ёки олий турдаги демократияни мужассам этишга даъвогарлик қилади. У қарорларни йиғилиш қатнашчиларининг бевосита муносабати асосида овозга қўймасдан қабул қилиш ва умумхалқ қувватлашини гўёки кўрсатувчи, бироқ қарорлар қабул қилиш жараёнига реал таъсир этишга имкон бермайдиган, демократиянинг муқобилликсиз, асосан аккламацион шаклларидан фойдаланади. Ҳокимиятнинг сохта демократик институтлари ёрдамида юқори расмий сафарбарлик ва партиципация (иштирокчилик), масалан, сайловларда 99. 9 фоиз иштирок этиш таъминланади.

Тоталитар жамиятнинг бевосита сиёсий белгиларига, шунингдек, ижтимоий назорат ва мажбурлашнинг кучли аппарати (хавфсизлик хизмати, армия, милиция ва бошқалар) мавжудлиги, оммавий террор, аҳолини қўрқитиш кабилар ҳам тааллуқлидир. Кўр-кўрона ишонч ва қўрқув — тоталитар бошқарувнинг бош имкониятларидир. Олий ҳокимият ва унинг намоёндалари муқаддаслаштирилиши амалга оширилади, доҳийларга сиғиниш яратилади.

Ижтимоий ва иқтисодий белгилари

Тоталитаризм ўзига мос келувчи ижтимоий тузилмани яратишга уринади. Оммавий таянч топишга интилиб, у маълум бир синф, миллат ёки ирқнинг **устуворлигини эълон** қилади, барча одамларни ўзиникилар ва бегоналарга бўлади. Бунда, албатта, ички ёки ташқи душманлар — буржуазия, империализм, яҳудийлар ва бошқа шу кабилар топилади. Хусусий мулкни тугатиш ёки чеклаш жараёнида аҳолининг **оммавий люмпенлашуви** юз беради. Индивид давлатдан ялпи қарамлик ҳолига тушиб, унингсиз яшаш воситалари: иш, уй-жой ва бошқа шу кабиларни ололмайди.

Шахс ҳар қандай автономия ва ҳуқуқни йўқотади, ўта кучли ҳокимият олдида тўлиқ ҳимоясиз бўлиб қолади, унинг ялпи назо-

рати остига тушиб қолади. Янги инсонни шакллантиришга ҳаракат қилинади, унинг асосий белгилари мафкура ва доҳийларга чексиз садоқат, ижрочилик, истеъмолда камтаринлик, «умумий иш» ҳурматига ҳар қандай қурбонликларга тайёр бўлиш ҳисобланади.

Аввалги ижтимоий тузилмани емириш билан бирга янгиси шаклланиб боради. Жамият асосан ҳокимиятнинг тақсимланишига боғлиқ ҳолда табақалашиб боради. Ҳокимиятга эга бўлиш ёки унга таъсир этиш ижтимоий табақалашувнинг, иқтисодий ва ижтимоий имтиёзларнинг асосига айланади. Янги, алоҳида ҳисобда турувчи ҳукмрон синф-тоталитар тузумнинг бош таянчи шаклланади. Тоталитаризм, айниқса, унинг энг изчил коммунистик вариантида кўпчилик фуқаролар учун тақсимотда тенгчиликни амалга ошириб, ижтимоий бир хил жамиятни шакллантиришга даъвогарлик қилсада, амалда у чуқур ижтимоий тенгсизликни туғдиради.

Мафкура ва сиёсатнинг ҳукмронлиги фақат ижтимоий соҳада эмас, балки **иқтисодиётда** ҳам намоён бўлади. Бу ерда тоталитаризмнинг фарқловчи белгилари хўжалик ҳаётининг этатизациялашуви, ижтимоий чеклаш, идеалда эса хусусий мулк, бозор муносабатлари, рақобатни тўлиқ бартараф этиш, режалаштириш ва бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари ҳисобланади. Барча муҳим ижтимоий бойликлар ва инсоннинг ўз ихтиёрига ҳам давлат монополияси ўрнатилади.

Тоталитаризмнинг турлича кўринишлари

Тоталитар сиёсий тизимлар асосий муассасавий белгиларининг умумийлиги билан бирга жиддий хусусиятларга ҳам эга бўлиб, бу уларнинг энг муҳим кўринишларини ажратишга имкон беради. Сиёсий фаолиятнинг мазмунига таъсир этувчи ҳукмрон мафкурага боғлиқ ҳолда, уларни одатда, **коммунизм, фашизм** ва **национал-социализмга** бўладилар.

Тоталитаризмнинг тарихан биринчи ва классик шакли совет типидаги коммунизм (социализм) бўлиб, у 1918 йилдан умумий белгилари шаклланган ҳарбий-коммунистик тизимдан бошланади. Коммунистик тоталитаризм бошқа кўринишлардан кўра кўпроқ даражада бу тузумнинг асосий белгиларини ифода этади, чунки у хусусий мулкчиликни ва демак, шахснинг ҳар қандай автономлигини тўлиқ бартараф этишни, давлатнинг мутлақ ҳокимиятини мўлжаллайди.

Бироқ барибир, совет типидаги социализмни тоталитаризм сифатида характерлаш бир ёқламаликдир ва жамиятнинг бу турида-

ги сиёсатнинг мазмуни ва мақсадларини очиб бермайди. Масалан, СССРда халқнинг таълим даражаси кескин ўсди, унга фан ва маданият ютуқларидан фойдаланиш имконияти берилди, аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги таъминланди, иқтисодиёт, космик ва ҳарбий саноат ва бошқа шу кабилар ривожланди, жиноятчилик даражаси кескин камайди, бунинг устига ушбу тизим бир неча ўн йилликларда оммавий қатағонларга интилмади.

Тоталитар сиёсий тизимнинг иккинчи кўриниши — фашизмдир. Биринчи марта у 1922 йилда Италияда ўрнатилган эди. Бу ерда тоталитар белгилар тўлиқ даражада намоён бўлмаган эди. Итальян фашизми янги жамиятнинг радикал қурилишига эмас, балки итальян миллати ва Рим империясининг улуғворлигини қайта тиклаш, тартиб ўрнатиш, мустаҳкам давлат ҳокимиятига кўпроқ интилдилар. Фашизм «Халқ руҳини» қайта тиклаш ва тозалашга, маданий ёки этник асосда жамоавий бир хилликни таъминлашга, оммавий жиноятчиликни тугатишга даъвогарлик қилади. Италияда фашистик тоталитаризмнинг чегаралари давлат доирасидаги энг таъсирлиларнинг: қирол, аслзодалар, офицерлар гуруҳи ва черковнинг мавқеи асосида белгиланди. Ушбу тузумнинг ҳалокати аниқ-равшан бўлгач, бу доираларнинг ўзлари Муссолинини ҳокимиятдан четлаштирдилар.

Тоталитаризмнинг учинчи тури — национал-социализмдир. Реал сиёсий ва ижтимоий тузум сифатида у Германияда 1933 йилда пайдо бўлди. Национал-социализм фашизм билан яқин бўлсада, бироқ жуда кўп жиҳатларни совет коммунизмидан ўзлаштирди, булар аввало инқилобий ва социалистик таркибий қисмлар, тоталитар партия ва давлатнинг тузилиш шакллари ва ҳатто «ўртоқ» деб мурожаат қилиш кабилар. Шу билан бир вақтда бу ерда синфнинг ўрнини миллат, синфий нафрат ўрнини — миллий ва ирқий нафрат эгаллайди. Агар коммунистик тизимларда тажовузкорлик аввало ичкарига — ўз фуқароларига (синфий душманга) қарши йўналтирилган бўлса, национал-социализмда эса — ташқарига, бошқа халқларга қарши бўлади. Тоталитаризмнинг асосий турларининг бош фарқлари уларнинг мақсадларида (тегишлича: коммунизм, салтанатни қайта тиклаш, орийлар ирқининг дунёга ҳукмронлиги) ва ижтимоий афзал кўришда (ишчилар синфи, римликлар авлодлари, герман миллати) яққол ифодаланади.

Ҳар қандай тоталитар давлатлар тоталитаризмнинг уч турига шундай ёки бошқача тарзда келиб қўшилади, аммо бу гуруҳлардан ҳар бирининг ичкарисида жиддий фарқлар бўлади, масалан СССР даги сталинизм билан Кампучияда Пол Потнинг диктаторлик режими ўртасидаги каби.

Тоталитаризмнинг кучи ва заифлиги

Тоталитаризм унинг коммунистик шаклида энг яшовчан бўлиб чиқди. Айрим мамлакатларда у бугун ҳам мавжуд. Тарих кўрсатадики, тоталитар тизим чекланган мақсадларга эришиш учун имкониятларни сафарбар қилиш ва воситаларни тўплашда етарлича юқори қобилиятга эгадир, масалан, урушда ғалаба қилиш, мудофаа қурилиши, жамиятни индустрлаштириш ва бошқаларда. Айрим муаллифлар тоталитаризмга ҳатто кучсиз мамлакатларни замонавийлаштиришнинг сиёсий шаклларидан бири сифатида қарайдилар.

Коммунистик тоталитаризм кўплаб инсоний, ижтимоий-эркинлик ва эгалитар ғояларга алоқадорлиги туфайли дунёда анча машҳурликка эга бўлди. Тоталитаризмнинг жозибали бўлишига ҳали жамоачиликдан киндиги узилмаган индивиднинг бозор жамиятига хос қўрқуви ҳам ҳисса қўшди. Тоталитар тизимнинг яшовчанлиги, шунингдек, ижтимоий назорат ва мажбур қилишнинг улкан аппарати мавжудлиги, ҳар қандай мухолифатнинг шафқатсиз бостирилиши билан тушунтирилади.

Барибир тоталитаризм — тарихан ҳалокатга маҳкум тузумдир. Бу самарали бунёдкорликка, тежамкор, ташаббускор хўжалик юритишга қобилиятсиз ва асосан бой табиий имкониятлар, эзиб ишлатиш, кўпчилик аҳоли истеъмолининг чекланиши ҳисобига яшовчи, ўзини-ўзи ейдиган жамиятдир. Тоталитаризм тинимсиз ўзгариб бораётган дунёнинг янги талабларини ҳисобга олишга, ўз вақтида сифат янгиланишларига мослашмаган ёпиқ жамиятдир. Унинг кўникиш имкониятлари мафкуравий ақидалар билан чекланган. Тоталитар раҳбарларнинг ўзлари ўз моҳиятига кўра утопик бўлган мафкура ва тарғиботнинг асирлари ҳисобланадилар.

Таъкидланганидек, тоталитаризм идеаллаштирилган ғарб демократияларига қарама-қарши турувчи диктаторлик сиёсий тизимларидангина иборат эмас. Жамият ҳаётини ҳаддан зиёд ташкиллаштириш, шахсий эркинликни чеклаш ва индивидни давлатга ёки бошқача ижтимоий назоратга тўлиқ бўйсундиришга интилишларда намоён бўлувчи тоталитар тамойиллар ғарб мамлакатларида ҳам учрайди.

§ 4. Авторитаризм

Авторитаризмни ажратиб турувчи белгилар

Тарихда энг кўп тарқалган сиёсий тизим турларидан бири авторитаризм ҳисобланади. Ўз характерли белгиларига кўра у гўёки тоталитаризм ва демократия ўртасидаги оралиқ ўринни эгаллайди. Тоталитаризм билан уни, одатда ҳокимиятнинг қонунлар билан чекланмаганлиги характери, демократия билан эса — автоном, айниқса, иқтисодиёт ва хусусий ҳаёт каби, тартибга солинмайдиган ижтимоий соҳаларнинг мавжудлиги, фуқаролик жамияти элементларининг сақланиши боғлаб туради.

Умуман эса, **авторитар сиёсий тизимга қуйидаги белгилар хосдир:**

1. Автократизм (мустабид ҳокимият, якка ҳокимиятчилик) ёки ҳокимият намоёндаларининг кам сонлилиги. Бу бир киши (монарх, золим) ёки кишилар гуруҳи (ҳарбий хунта, олигархик гуруҳ) бўлиши мумкин.

2. Ҳокимиятнинг чекланмаганлиги, унинг фуқаролар томонидан назорат этилмаслиги. Бунда ҳокимият қонунлар ёрдамида бошқариши мумкин, бироқ бу қонунларни ўз ихтиёрига кўра қабул қилади.

3. Кучга (реал ёки яширин) таяниш. Авторитар тартиб оммавий қатағонларга югурмаслиги ва аҳолининг кенг қатламлари орасидаги машҳурликдан фойдаланиши мумкин. Аммо у зарурий ҳолатларда ўз хоҳишича кучдан фойдаланиш ва фуқароларни итоаткорликка мажбур қилиш учун етарлича кучқувватга эга бўлади.

4. Ҳокимият ва сиёсатнинг монополлаштирилиши, реал сиёсий мухолифат ва рақобатга йўл қўймаслик. Бу тартибга хос бўлган муайян сиёсий-муассасавий бир хиллик доимо ҳам ҳокимият томонидан қилинган қонуний таъқиқлар ва қарши ҳаракатларнинг натижаси эмас. Кўпинча бу жамиятнинг сиёсий ташкилотлар тузишга тайёр эмаслиги, масалан, монархик давлатларда кўп асрлар давомида бўлгани каби, аҳолида бунга эҳтиёж йўқлиги билан изоҳланади. Авторитаризмда ҳокимиятдагилар назорати остида бўлиши шарти билангина чекланган сонли партиялар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотлар мавжуд бўлиши мумкин.

5. Жамият устидан ялпи назоратдан воз кечиш, носиёсий соҳаларга ва аввало иқтисодиётга аралашмаслик ёки чекланган ҳолда аралашув. Ҳокимият асосан ўз хавфсизлигини, жамоат тартибини ва ташқи сиёсатни таъминлаш билан шуғулланади, у бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш механизмини бузмаган ҳолда иқтисодий ривожланиш стратегиясига таъсир этиши, етарлича кучли ижтимоий сиёсат ўтказиши ҳам мумкин.

6. Рақобатли электорал кураш асосида эмас, балки жойлардан жўнатиш, юқоридан тайинлаш йўли билан сиёсий элитани жамлаш.

Авторитаризмнинг бу белгиларини ҳисобга олган ҳолда уни **сиёсий мухолифатга йўл қўймайдиган, бироқ шахснинг ва жамиятнинг носиёсий соҳалардаги автономлигини сақлаб қолувчи, бир шахс ёки шахслар гуруҳининг чекланмаган ҳокимияти деб таърифлаш мумкин.** Авторитар сиёсий тизимларда маълум бир, асосан, фаолиятнинг сиёсий шаклларигина таъқиқланади, қолганларида эса фуқаролар одатда эркиндирлар. Авторитаризм шахснинг сиёсий ҳуқуқларидан ташқари барча бошқа ҳуқуқларини ҳурмат қилиш билан чиқиша олади. Шу билан бир вақтда авторитаризм шароитида фуқаролар ўз хавфсизликлари ва мустақилликларининг қандайдир кафолатига (мустақил суд, мухолиф партиялар) эга эмаслар.

Авторитар сиёсий тизимлар жуда турли-тумандир. Булар, монархия, мустабид, диктаторлик тартиблари, ҳарбий хунталар, бошқарувнинг халқчил тизимлари ва б. Авторитар ҳукуматлар аҳолининг тан олишига нафақат куч, душманларни оммавий қирғин қилиш ва қўрқитиш ёрдамида, балки анча инсонпарвар воситалар орқали ҳам эришишлари мумкин. Минг йиллар давомида улар асосан легитимлаштиришнинг анъанавий ва харизматик усулларига таяндилар. XX асрда эса легитимлаштириш мақсадида миллатчилик мафкураси ва расмий, ҳокимият назоратидаги сайловлардан кенг фойдаланилмоқда. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпчилик авторитар тартиблар ўзларининг мавжудликларини миллий-озодлик ва уйғониш зарурияти билан оқлайдилар.

Кейинги ўн йилликларда авторитар сиёсий тизимлар халқаро жамоатчилик ва ўз фуқаролари кўзи ўнгида ўзига салобатлилик бериш, халқаро чоралардан бош тортиш учун сайловлар, умумхалқ овозига қўйиш ва бошқа шу каби айрим демократик муассасалардан тез-тез фойдаланмоқдалар. Масалан, Мексика, Бразилия, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистондаги авторитар ёки ярим авторитар тартиблар рақобатсиз ёки ярим рақобатли сайловлардан фойдаландилар. Бундай сайловларнинг ажратиб турувчи белгилари: чекланган ёки номигагина рақобатлилик, сайловлар расмий натижаларининг ҳокимият томонидан тўлиқ ёки қисман назорат қилинишидир. Бу ҳолда ҳокимиятларда ўзига расмий ғалабани таъминлашнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлади: ОАВга монополия (якка ҳукмронлик), маъқул бўлмаган шахсларни ҳали номзодларни кўрсатиш босқичидаёқ тушириб юбориш, бюллетенларни ёки овоз бериш натижаларини тўғридан-тўғри сохталаштириш ва б.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда ва айниқса, кейинги ўн йилликларда авторитар сиёсий тизимлар кўпроқ ўтиш

характерига эга бўлиб, расман бўлсада, аста-секин демократияга ўтишни мўлжалламоқда.

Авторитаризмнинг ислоҳотчилик имкониятлари

80-йиллар охири 90-йиллар бошида дунёдаги кўпчилик коммунистик давлатлардаги асосан тоталитар сиёсий тизимларнинг емирилиши муносабати билан авторитаризмга илмий ва сиёсий қизиқишлар бирмунча ўсди. Улардан кўпчилигида, жумладан, Россияда ҳам, зарур ижтимоий шарт-шароитлар бўлмаган ҳолда тезлик билан, большевикларча «отлиқ аскарлар ҳужуми» руҳида демократияни киритишга уринишлар муваффақият қозонмади ва ўз ортидан кўплаб вайронкор оқибатлар олиб келди.

Шу билан бир вақтда бутун бир қатор авторитар давлатлар (Жанубий Корея, Чили, Хитой, Вьетнам ва б.) ўз иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини амалда намоён қилди, иқтисодий равнақи сиёсий барқарорлик билан, кучли ҳокимиятни эркин иқтисодиёт, шахсий хавфсизлик ва нисбатан ривожланган ижтимоий плюрализм (кўп фикрлилик) билан қўшиб олиб борилишига қодирликларини исботладилар.

Авторитаризмни баъзан чекланган плюрализм (кўп фикрлилик) билан бошқариш усули сифатида тарифлайдилар. У иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний, қисман эса мафкуравий плюрализм билан ҳам тўлиқ мос келиши мумкин. Унинг ижтимоий ривожланишга таъсири кучсиз ҳамда кучли жиҳатларга эга. Кучсизлари қаторига сиёсатнинг давлат бошлиғи ёки юқори раҳбарлар гуруҳининг эгаллаган позицияга боғлиқлиги, фуқароларда сиёсий иғвогарликларни ёки ўзбошимчаликларни бартараф этиш имкониятининг йўқлиги, артикуляция муассасалари, ижтимоий қизиқишларнинг сиёсий ифодаланишнинг чекланганлиги кабилар тегишли.

Шу билан бирга авторитар сиёсий тизимлар, айниқса, экстремал вазиятларда сезилувчи афзалликларга ҳам эга. Авторитар ҳокимият сиёсий барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлашда, ижтимоий имкониятларни маълум бир вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилишда, сиёсий рақиблар қаршилигини бартараф этишда нисбатан юқори қобилиятга эга. Булар барчаси уни кескин ижтимоий ислоҳотлар ўтказишнинг анча самарали воситасига айлантиради.

Постсоциалистик мамлакатларнинг ҳозирги шароитида фаол оммавий қувватлашга ва айрим демократик муассасаларга таянмайдиган «тоза» авторитаризм жамиятни прогрессив ислоҳ қилишнинг инструменти бўлиши деярли мумкин эмас ва

мамлакат учун тоталитаризмдан кам бўлмаган вайрон этувчи шахсий ҳокимиятнинг жиноий диктаторлик тартибига айланишга қодирдир. Шунинг учун авторитар ва демократик элементларнинг, кучли ҳокимият ва унинг фуқаролар назоратида бўлишининг қўшиб олиб борилиши жамиятни ислоҳ қилиш йўлидаги энг муҳим амалий вазифадир.

Демократияни мўлжал олган авторитар тартиблар кўп яшамайди. Уларнинг реал истиқболи ҳозирги шароитларда кўпроқ барқарор бўлган сиёсий тизим тури — демократиядир.

11 БОБ

ДЕМОКРАТИЯ: ТУШУНЧА ВА ПАЙДО БЎЛИШИ

§ 1. Демократия тушунчаси ва ўлчовлари

XX асрда «демократия» бутун дунё халқлари ва сиёсатчилари наздида энг машҳур сўз бўлиб қолди. Бугун демократияни амалга оширишга даъвогарлик қилмайдиган, бу атамадан ўзининг, кўпинча, ҳақиқий демократиядан узоқ бўлган мақсадларида фойдаланмайдиган бирорта ҳам таъсирли ҳаракат йўқ. Демократиянинг ўзи нимани билдиради ва унинг машҳурлик сабаблари нимада?

Демократиянинг этимологик таърифлари

Ҳозирги тилда «демократия» сўзи бир қанча маъноларга эга. Унинг биринчи, асос бўлувчи маъноси этимологик — ушбу атаманинг келиб чиқиши билан боғлиқ. «Демократия» қадимги грек тилидан «Халқ ҳокимияти» сифатида таржима қилинади ёки америка президенти Авраам Линкольн томонидан ушбу таърифнинг тушунтирилишига кўра **«Халқ томонидан ва халқ учун сайланган халқнинг бошқаруви»** дир.

Демократияни этимологик тушунишдан ясалган кенгроқ иккинчи талқинда **бошқарув ва қарорлар қабул қилинишида аъзоларнинг тенг иштирокига асосланувчи ҳар қандай ташкилот тузилиши шакллари эътиборга олинади**. Ушбу маънода партия, касаба уюшмаси, ишлаб чиқариш ва ҳатто оилавий демократия ҳақида сўз боради. Кенг маънода тушунилганда демократия ташкилот, ҳокимият ва бошқарув бўлган барча жойда мавжуд бўлади.

Демократияни этимологик тушуниш билан унинг бошқа — учинчи ва тўртинчи маънолари ҳам боғлиқ. Учинчи маънода

демократия қадриятларнинг маълум бир тизимига асосланувчи ижтимоий тузум идеали ва унга мувофиқ ташкил этувчи қадриятлар қаторига эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқи, халқ суверенитети ва бошқалар тегишлидир.

Тўртинчи маъносида демократия **халқ ҳокимиятчилиги, демократик мақсадлар ва идеалларни амалга ошириш учун ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар сифатида** қаралади. Бу ҳаракат Европада учинчи табақанинг абсолютизм билан озодлик ва тенг ҳуқуқ учун кураш байроғи остида пайдо бўлиб, тарих давомида аста-секин ўз мақсадлари ва қатнашчилари доирасини кенгайтиради. Ҳозирги демократик ҳаракатлар фавқулодда турли-тумандир. Булар социал-демократлар, христиан демократлар, либераллар, янги социалистлар ва бошқа ҳаракатлардир.

Демократияга меъёрий ёндашув

Демократиянинг халқ ҳокимиятчилиги сифатидаги тушунчаси (демократиянинг ундан келиб чиқувчи бошқа талқинлари ҳам) меъёрий ҳисобланади, чунки у инсоний идеаллар, қадриятлар ва истаклардан келиб чиқувчи, категория тузилишини мўлжаллаган ҳолда бу феноменга меъёрий ёндашувга таянади. Демократия бу ҳолда эркинлик, тенглик, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, бирдамлик каби асос ҳисобланувчи қадриятларга асосланиб, идеал сифатида характерланади. Демократия биринчи навбатда айнан ўзининг қадриятли мазмунига кўра ҳозирги дунёда шу қадар машҳурликка эга бўлди.

Демократиянинг меъёрий тушунчаси кучли ва шунингдек, бўш томонларга ҳам эга. Унинг кучи унда мавжуд бўлган қадриятларнинг жозибадорлигида кўплаб одамларни демократик идеални амалга ошириш бўйича қизиқтириш қобилиятидадир. Демократияни бундай таърифлашнинг бўш томони эса — воқеликдан узилганлигида, унинг идеаллаштирилишидадир. Реал демократия ҳеч қаерда ва ҳеч қачон халқ ҳокимияти бўлган эмас, чунки бу ҳолда у нодавлат, ижтимоий ўз-ўзини бошқаришни билдирарди. Ушбу тушунчанинг вужудга келган пайтидан буён демократия давлат билан ва демак, мажбурлаш билан боғланган, энг яхши ҳолдагина кўпчиликнинг камчилик устидан ҳокимияти ҳисобланади, кўпинча эса кўп ёки камроқ даражада халқ назоратида бўлувчи, яхши ташкил этилган озчиликнинг бошқарув шаклидир. Реал демократия, бу ҳали янада батафсил қараб чиқилади, кўп ҳолларда демократик қадриятлар: эркинлик, тенглик ва бошқалардан ҳам анча узоқдир.

Демократияга эмпирик ёндашув. «Полиархия»

Утопизм элементларининг аниқла-ниши, демократиянинг меъёрий тушунчасининг реаллик билан, идеал ва ҳаёт ўртасидаги мос келмаслик ҳолатлари демократиянинг таҳлилига эмпирик ёндашувнинг оқибати ҳисобланади. Бундай ёндашув идеаллар ва исботланмаган баҳолаш фикрларидан мавҳумлаштирилади ҳамда демократияни амалда қандай бўлса, шундайлигича тадқиқ этишни талаб қилади. Эмпирик тадқиқотларда аниқланган хусусиятларга мос равишда демократия тушунчаси ва унинг назарияси аниқлаштирилади ва ҳатто қайта қараб чиқилади. Демократия категорияси бу ҳолда давлат томонидан эълон қилинган қадриятларга тааллуқли бўлмасдан, бевосита воқеликдан келиб чиқиб қурилади. Демократия, масалан, бўлғуси раҳбарларнинг сайловчилар ишончи учун рақобатларига асосланадиган бошқарув шакли сифатида ҳам талқин этилиб, бу сайловларда намоён бўлади (Й. Шумпетер).

Демократиянинг меъёрий ва эмпирик тушунчаларидаги катта фарқларни ва ушбу категориядан фан ва кундалик тилда фойдаланишда келиб чиқадиган ноқулайликларни ҳисобга олиб, Роберт Даль ва айрим бошқа сиёсатшунослар демократия деб аталувчи реал мавжуд давлатларни белгилаш учун махсус «полиархия» атамасини киритишни таклиф қиладилар.

Даль бўйича полиархия, бу халқ томонидан рақобатли сайловларда сайланган озчиликнинг бошқарувидир. Бу қадимги полисларга (шаҳар-давлат) ҳам, ўрта аср республикаларига ҳам, умумий сайлов ҳуқуқи ва ҳокимият учун сиёсий партиялар рақобати бўлган замонавий конституцион давлатларга ҳам тегишлидир. Демократия эса полиархиядан фарқ қилган ҳолда барча фуқароларнинг бошқарувдаги тенг иштирокини мўлжалловчи идеалдир.

Демократиянинг меъёрий ва эмпирик таърифлари алоқадорлиги

Демократияни халқ ҳокимиятчилигининг идеали сифатида эҳтимол, бу ҳеч қачон амалга ошмас ва демократия деб аталувчи реал мавжуд давлатлардаги полиархия сифатида аниқ терминологик чеклаш тўғрисидаги таклифлар ўзининг етарлича асосланганлигига қарамасдан, олимлар ва сиёсатчилар ўртасида устувор даражада тан олинмаяпти. Кўп жиҳатдан бу демократиянинг меъёрий ва эмпирик тушунчаларидаги турличалик ва умумий хусусиятлар борлиги билан изоҳланади. Демократия халқ ҳокимиятчилиги сифатида инсоният учун фақат мавҳум фалсафий мулоҳазалар ва эзгу истаклар натижаси бўлмасдан, балки идеаллашган кўринишда бўлсада, реал сиёсий жараёнларни ҳам акс эттиради. Бу тушунчанинг ўзи бошқарув шаклини англаш сифатида қадимги Грецияда пайдо бўлгани тасодифий эмас.

Нафақат демократияни меъёрий тушуниш эмпирия — воқеликни акс эттиради, балки унинг эмпирик таърифи ҳам кишиларнинг реал демократиянинг бутун реал механизмини ҳаракатга келтирувчи демократик қадриятли мўлжаллари ва мақсадларини ҳисобга олади. Шунинг учун демократияга эмпирик ёндашувда, билвосита бўлсада, унинг меъёрий, қадриятли йўналиши акс эттирилади.

Демократиянинг конституциялаштирувчи белгилари

Давлат бошқаруви шакли сифатида демократиянинг меъёрий ва эмпирик таърифлари ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда унинг қуйидаги характерли белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Халқнинг олий ҳокимияти, суверенитети ҳуқуқий тан олиниши ва муассасавий ифодаланиши. У монарх, аристократия, бюрократия ёки диндорлар эмас, балки айнан халқ ҳокимиятининг расмий манбаи бўлиб чиқади. Халқ суверенитети шунда ифодаланадики, давлатдаги таъсис этувчи, конституцион ҳокимият айнан унга тегишлидир, у ўз вакилларини сайлайди ва уларни даврий равишда алмаштириб туриши мумкин, кўпчилик давлатларда эса халқ ташаббуслари ва референдумлар ёрдамида қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига ҳам эга.

2. Давлат асосий органларининг даврий сайланиши. Фақат шундай давлатгина демократик ҳисобланиши мумкинки, унда олий ҳокимиятни амалга оширувчи шахс сайлаб қўйилади, бунинг устига маълум бир чекланган муддатга сайланади. Қадимда кўпчилик халқлар кўпинча ўзларига подшо сайлаганлар, улар кейинчалик умрбод бошқариш ҳуқуқига ва ҳатто бу ҳуқуқнинг меросий бўлишига эришдилар (Қадимги грекларда сайланувчи монархия «эсимнетия» деб аталган). Бироқ бу ҳолда ҳали демократия бўлмаган эди.

3. Давлатни бошқаришда қатнашишда фуқаролар ҳуқуқларининг тенглиги. Бу тамойил энг камида сайлов ҳуқуқининг тенглигини талаб этади. Ҳозирги мураккаб ташкил этилган сиёсий тизимларда эса у, шунингдек, халқ иродасини ифодалаш учун сиёсий партиялар ва бошқа уюшмалар тузиш эркинлигини, фикрлар эркинлигини, ахборот олишга ва давлатда раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун рақобатли курашда қатнашиш ҳуқуқини ҳам мўлжаллайди.

4. Қарорларнинг кўпчилик бўйича қабул қилиниши ва уларни амалга оширишда озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши.

Бу талаблар у ёки бу мамлакатда бошқарувнинг демократик шакли борлиги ҳақида гапиришга имкон берувчи минимал шароитлар ҳисобланади. Аммо демократиянинг умумий тамойилларига асосланувчи реал сиёсий тизимлар бир-биридан тубдан фарқ қилади, масалан, қадимги ва ҳозирги демократия, америка ва швейцария сиёсий тизимлари ва бошқалар.

Демократиянинг айтиб ўтилган умумий тамойиллари кўп сонли назариялар ва амалий демократик моделларни фарқлаш ва туркумлаштиришга ва гўёки уларни ўлчашга қўювчи асосий мезонларни ажратиб кўрсатишга имкон беради.

Умумий ва ижтимоий чекланган демократия. Охлократия

Демократия унинг биринчи, энг муҳим тамойили — халқ суверенитетига мувофиқ ҳолда баҳоланганда — **халқ қандай тушунилиши ва у томондан суверенитет қандай амалга оширилишига боғлиқ равишда туркумлаштирилади.** Гўёки ҳаммага маълум ва оддий тушунча бўлган «халқ» тушунчаси сиёсий фикрлар тарихида турлича маъноларда талқин этилган. Ҳозирда мамлакатнинг бутун аҳолиси (демократияга нисбатан қўлланилганда — катта ёшдагилар) сифатида тушунилишидан фарқ қилган ҳолда, тахминан XIX аср ўрталарига қадар демас, халқ ё катта ёшдаги эркин эркаклар билан (худди қадимги демократияда бўлгани каби) ёки кўчмас мулкка, бошқа арзийдиган бойликларга эга бўлган мулкдорлар билан, ёки фақат эркаклар билан бир нарса деб қаралган.

Халқни маълум бир синфий ёки демографик доира билан чеклаш, аҳолининг маълум бир гуруҳини сиёсий камситиш, жумладан, уларга сайлов ҳуқуқининг берилмаслиги давлатни **ижтимоий чекланган демократия** сифатида характерлашга ва уни **умумий демократиядан** — барча катта ёшли аҳоли учун тенг сиёсий ҳуқуқлар бўлган давлатдан фарқлашга асос беради.

XX аср бошларига қадар илгари мавжуд бўлган демократиялардан бирортаси ҳам мамлакатнинг барча катта ёшли аҳолисига тенг сиёсий ҳуқуқлар берган эмас. Булар асосан синфий ва патриархал (фақат эркаклар учун) демократиялар эди. Сиёсий фикрлар тарихида **халқни аҳолининг кўпчилигини ташкил этувчи оддий кишилар, мулксиз қуйи қатлам, авом сифатида** талқин этиш устунлик қилади. Демосни бундай тушуниш Арастудаёқ учраб, у демократияни давлатнинг бузилган шакли деб ҳисоблайди, уни бошқарувга, умум бахт-саодатини ҳисобга олувчи,

ўйланган, оқилона қарорларга қобилиятсиз демоснинг, авомнинг ҳокимияти деб талқин этади. Ҳозирги сиёсий назарияларда бошқарувнинг бундай турини **«охлократия»** тушунчаси акс эттириб, грек тилидан таржимада «авомнинг, оломоннинг ҳокимияти» маъносини билдиради.

Шундай қилиб, халқнинг таркибини тушунишга боғлиқ ҳолда унинг ҳокимияти умумий ёки ижтимоий (синфий, этник, демографик ва б.) чекланган демократия, шунингдек, охлократия бўлиб чиқиши мумкин.

Индивидуал, плюралистик ва жамоавий демократия

Халқ кишиларнинг мураккаб бирлиги бўлгани ҳолда маълум бир тузилишга эга, конкрет шахслардан иборатдир. У мустақил, эркин индивидларнинг тўплами сифатида, сиёсатда ўзларининг **шахсий,** ўзига хос манфаатларини кўзловчи турли **гуруҳларнинг** ўзаро таъсири сифатида, ёки умумий манфаатлар ва иродалар устувор бўлувчи бир бутун, ягона субъект сифатида қаралишига боғлиқ ҳолда демократиянинг реал моделларига мос равишда **индивидуал, плюралистик (гуруҳий)** ва **жамоавий** турларга бўлинади.

Биринчи ҳолатда ҳокимиятнинг бевосита манбаи шахс, иккинчисида — гуруҳ, учинчисида бутун халқ (миллат, синф) ҳисобланади. Халқ ҳокимиятчилигини тушунишдаги тафовутлар реал сиёсий тизимларни яратишда фундаментал аҳамиятга эга. Улар, масалан, классик либерал, замонавий ғарбий ва социалистик демократиялар ўртасидаги чуқур, принципиал тафовутларни аниқлайди.

Тўғридан-тўғри плебисцитар (умумхалқ овозига асосланувчи) ва вакилли демократиялар

Халқ суверенитети — демократия-нинг нафақат ушбу субъектнинг ўзини тушуниш нуқтаи назаридан, балки шунингдек, унинг томонидан ҳокимиятни амалга ошириш шакли бўйича баҳолашга асос бўлиб хизмат қилувчи, энг муҳим конституциялаштирувчи белгисидир. Халқ бошқарувда қандай қатнашуви, ҳокимият функцияларини ким ва қандай бевосита бажаришига боғлиқ ҳолда демократия очиқ, **плебисцитар** ва **вакилли (репрезентатив)** турларга бўлинади.

Халқ ҳокимиятчилигининг **очиқ** шаклларида қарорларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда фуқароларнинг ўзлари бевосита қатнашадилар. Иштирокчиликнинг бу шакли қадимги демократияларда устун бўлган. Амалда у нисбатан катта бўлмаган жамоаларда (ишлаб чиқариш корхоналарида, жа-

моаларда, шаҳар ва шу кабиларда), қабул қилинаётган қарорлар анча оддий бўлганда ва уларни тайёрлаш ва муҳокама этиш махсус малакани талаб этмайдиган ҳолларда қўлланилиши мумкин бўлади. Ҳозирги дунёда тўғридан-тўғри демократия асосан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш даражасида, масалан, америка ёки швейцария жамоаларида, исроил киббуцларида (коммунистик типдаги қишлоқ) ва шу кабиларда учрайди. Демократиянинг тўғридан-тўғри шаклларининг тарқалиши қарорларни чиқариш жараёнининг қанчалик децентрализациялашганлигига (номарказлашганлигига) ва уларни қабул қилиш ҳуқуқининг нисбатан катта бўлмаган, маҳаллий жамоаларга берилганлигига бевосита боғлиқдир.

Тўғридан-тўғри демократияга одатда, сайланувчи вакилларнинг сайловчилар топшириқлари, уларнинг иродаси билан қатъий мос келувчи овоз бериш мажбуриятларини мўлжалловчи императив мандат ҳам киради. Президентни сайловчилар коллегияси императив мандат характерига эга бўлиб, улар тегишли штатларда ғалаба қозонган номзодлар учун ўз овозларини беришга мажбурдирлар. Императив мандат сайловчиларнинг эркини гўёки консервациялаб, унинг намоёндаларига қарорларнинг муросали вариантларини муҳокама қилиш ва қабул қилишда қатнашишларига йўл қўймайди.

Фуқароларнинг ҳокимиятни амалга оширишдаги иштирокининг муҳим (иккинчи) канали **плебисцитар демократия** ҳисобланади. У ва тўғридан-тўғри демократия ўртасида фарқлар доимо ҳам ажратилмайди, чунки иштирокчиликнинг иккала шакли ҳам халқнинг ўз хоҳиш-иродасини бевосита баён этишини тақозо этади, бироқ улар орасида фарқлар мавжуд. Бунинг моҳияти шундаки, тўғридан-тўғри демократия ҳукмдорлик жараёнининг барча энг муҳим босқичларида (сиёсий қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилишда) фуқароларнинг иштирокини мўлжаллайди, плебисцитар демократияда эса фуқароларнинг сиёсий таъсир этиш имкониятлари чегараланган. Уларга овоз бериш воситасида, одатда президент, ҳукумат, партия ёки ташаббускор гуруҳ томонидан тайёрланган у ёки бу қонун лойиҳасини ёки бошқа қарорларни маъқуллаш ёки рад этиш ҳуқуқи берилади. Ҳатто бевосита фуқароларнинг ўзларига лойиҳаларни тайёрлаш ва уларни қонунчилик органларига ёки умумхалқ овозига қўйиш ҳуқуқи берилган ҳолда ҳам, аҳоли асосий қисмининг бундай лойиҳаларни тайёрлашдаги иштироки жуда кам бўлади.

Плебисцитар муассасалар кўпинча фуқаролар иродасини чалғитишда қўлланилади, бунга жумладан, овозга қўйилувчи саволларнинг икки маъноли ифодаланиши ёрдамида эришилади. Улар, айниқса, референдумлар ва сўровлар бошқарувнинг турли даражаларида: жамоаларда, шаҳарларда, вилоятларда, бутун мамлакат миқёсида анча кенг қўлланилади.

Ҳозирги давлатларда сиёсий иштирокчиликнинг учинчи, етакчи шакли **вакилли демократия** ҳисобланади. Унинг моҳияти — фуқароларнинг қарорлар қабул қилинишидаги билвосита иштироки, улар томонидан ҳокимият органларига уларнинг манфаатларини ифодалашга, қонунларни қабул қилиш ва фармойишлар беришга даъват этилган ўз вакилларини сайлашидир. Вакиллик демократияси, қачонки жуда катта ҳудуд сабабли ёки бошқа сабаблар оқибатида овоз беришда фуқароларнинг доимий бевосита иштироки қийин бўлганда, шунингдек, мутахассис эмаслар учун тушуниш қийин бўлган мураккаб қарорлар қабул қилинаётганда, айниқса, зарурдир.

Демократик давлатнинг шакллари. Сиёсий ва ижтимоий демократия

Фақат демократиянинг асосий белгиси бўлган — халқ суверенитетигина эмас, балки кўпроқ конкрет кўрсаткичларга эга бўлган бошқа умумий тамойиллари ҳам унинг хусусиятларини аниқлаш ва изоҳлашга имкон беради. Ҳокимият муассасалари (демократиянинг иккинчи белгиси) органларининг тузилиши ва шаклланиш тартибига боғлиқ ҳолда демократик давлатлар парламент, президентлик, аралаш (ёки ярим президентлик) республикаларига, супер президентлик республикаларига, парламентли монархиялар ва бошқаларга бўлинади. (Демократиянинг бу муассасавий ўлчамлари 14-бобда батафсил кўриб чиқилган).

Демократиянинг муҳим учинчи белгиси— давлат бошқарувида қатнашишда фуқаролар ҳуқуқлари тенглигидан келиб чиқади. Бундай тенглик **расман**, соф юридик ёки одамларга ўз сиёсий ҳуқуқларини амалга ошириш учун **тахминан** бир хил ижтимоий имкониятларни (моддий таъминот, таълим, бўш вақт, ахборот олиш) бера оладиган, ростакам ига мавжуд бўлиши мумкин.

Давлат томонидан таъминланадиган тенгликнинг характерига боғлиқ ҳолда демократия расмий тенглик, ҳуқуқлар тенглигини мўлжалловчи **сиёсий** демократияга ва давлат бошқарувида фуқаролар иштирокининг аниқ имкониятлари тенглигига асосланувчи **ижтимоий** демократияга бўлинади. «Ижтимоий демократия» термини, жумладан, XX асрдаги энг таъсирли сиёсий ҳаракатлардан бирининг номида — социал-демократияда ўз ифодасини топди.

Деспотик, тоталитар ва конституцион демократиялар

Турли демократик тизимларнинг муҳим фарқловчи сифатлари демократиянинг тўртинчи умумий белгисини — қарорлар қабул қилиниши ва амалга оширилишида озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши таҳлилини аниқлашга имкон беради. Бундай бўйсуниш чегарага эга бўлмаслиги ва инсон ҳаёт фаолиятининг ҳар қандай томонига тарқалиши мумкин. Бундай ҳолатда деспотик демократия намоён бўлади. У омманинг ўткинчи кайфияти ва зўравонлик билан боғланган бўлиб, мутлақ, ҳеч нарса ҳеч ким томонидан чекланмаган кўпчиликнинг ҳокимияти сифатида намоён бўлади. Агарда кўпчиликнинг ҳокимияти шахснинг тўлиқ бўйсунишини талаб этса ва унинг устидан доимий, ҳар томонлама назорат ўрнатишга интилса, унда демократия тоталитар бўлади.

Бундай бошқарув шаклининг акси конституцион демократия ҳисобланади. У кўпчиликнинг ҳокимиятини маълум бир қолипга солади, конституция ва ҳокимиятнинг бўлиниши ёрдамида унинг ваколатлари ва функцияларини чеклайди ва бу билан озчиликнинг, жумладан, алоҳида шахснинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлайди.

Демократиянинг юқорида қараб чиқилган ва айрим бошқа ўлчамлари гўёки унинг энг муҳим белгиларини аниқлашга ва унинг ўзига хос моделлари, турларини ажратишга имкон берувчи координаторлар тизимини ташкил этади.

§ 2. Қадимги давр ва ўрта асрлар демократияси

Ибтидоий демократия

Ташкил этишнинг демократик шакллари узоққа, ҳали давлатлар пайдо бўлгунгача даврга — уруғчилик тузумига бориб тақалади. Улар одамнинг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келади. Айрим этнограф олимларнинг таъкидлашича, демократия — ангропогенезнинг, бутун инсоният тури пайдо бўлишининг энг муҳим омилларидан биридир, чунки у кишиларнинг тенг ҳуқуқли мулоқоти ривожланишини, уларнинг ўз-ўзини англаши ва эркин фикрлашини, индивидуал масъулияти ва шахсий қадр-қимматини рағбатлантирди. Этнографик тадқиқотларнинг кўрсатишича, қатъий поғонавийлик ва бўйсунишга, чумолилар ёки асалари тўдаси тарзида бошқарувчилик ва ижрочилик ролларининг қатъий индивидуал мустаҳкамлаб қўйилишига асосланувчи ташкил этишнинг нодемократик шакллари бизнинг аждодларимиз ривожланишини боши берк кўчага киритиб қўйган.

Барча халқлар демократиянинг уруғчилик шаклларини босиб ўтганлар. Уларнинг типик мисоли — америкадаги ҳинду-ирокезлардаги бошқарувни ташкил этишдир. Бу уруғининг барча катта ёшли эркак ва аёллари ўзларининг олий раҳбарлари — оқсоқоллар (сахем) ва доҳий (ҳарбий йўлбошчи)ни сайлаш ва бўшатишда тенг овоз ҳуқуқига эга бўлганлар. Уруғдаги олий ҳокимият кенгаш — унинг барча катта ёшдаги вакилларининг йиғилиши ҳисобланган. У сахемлар ва доҳийларни сайлаган ва бўшатган, уруш ва тинчлик, ўз уруғига бегоналарни қабул қилиш ва бошқа масалаларни ҳал этган.

Уруғ янада мураккаброқ ташкилот — фратрия иттифоқининг, бир-бирига ҳудуд, мулоқот, қариндошлик ёки бошқа алоқалар бўйича жуда яқин бўлган уруғлар биродарлигининг демократик бирлиги бўлиб улар мустақилликни сақлаган ҳолда, ҳокимиятнинг олий органи сифатида умумий кенгашга эга бўлганлар. Бир неча фратриялар қабилани ташкил этган. Унга барча уруғларнинг сахемлари ва ҳарбий доҳийларидан иборат қабила кенгаши раҳбарлик қилган. Бу кенгашнинг йиғилишлари очиқчасига, қабиланинг ҳар қандай аъзосининг муҳокамада қатнашуви орқали ўтказилган, аммо улар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Бундай кенгашларда қарорлар одатда якдиллик тамойили бўйича қабул қилинган.

Айрим, кейинчалик эса кўпчилик қабилаларда сахемлар ёки ҳарбий бошлиқлар орасидан сайлаб қўйилувчи олий доҳийлар бўлган. Уларнинг ваколати чекланган эди. Қабилалардан айримлари ўзаро иттифоқлар тузиб, уларга сахемлар ва доҳийлардан иборат иттифоқ кенгаши раҳбарлик қиларди.

Демократиянинг шунга ўхшаш шакллари қадимги греклар, германлар ва бошқа халқларда ҳам мавжуд бўлган. Барча жойда ҳам уруғ демократияси қон-қариндошлик алоқаларига, умумий мулкчиликка, аҳолининг нисбатан кам сонлилиги ва зичлигининг паст даражасига, оддий ишлаб чиқаришга асосланган. У бошқарувчилик ва ижрочилик меҳнатининг аниқ тақсимланишига, махсус бошқарув ва мажбурлаш аппаратига эга бўлмаган. Ҳокимият функциялари чекланган эди. Кишилар ўртасидаги муносабатларнинг асосий соҳаси урф-одат ва тақиқлар орқали тартибга солинган. Кенгашлар ва доҳийлар ҳокимияти (оқсоқоллар) ахлоқ, одоб, обрў ва қабиладошларнинг қўллаб-қувватлашларига таянган. Бу анча содда, давлатгача бўлган демократия ёки жамоавий ўзини-ўзи бошқариш эди.

Ишлаб-чиқаришнинг ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши, аҳолининг ўсиши, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий тенгсизликнинг чуқурлашуви билан ибтидоий демократия емирила бориб, ўз ўрнини бошқарувнинг авторитар (монархик, аристократик, олигархик ёки зулмкор) шаклларига бўшатиб беради. Бироқ ҳатто авторитар давлатларда ҳам кўп асрлар давомида, айрим мамлакатларда эса бизнинг кунларга қадар ҳам ташкил этишнинг анъанавий демократик шакллари, айниқса, жамоавий ўзиниўзи бошқариш сақланиб қолган. Ибтидоий демократиянинг анъаналари қадимги Греция ва Римда демократик давлатларнинг пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатди.

Афина демократиясининг вужудга келиши

Демократик давлатнинг биринчи, мумтоз шакли Афина республикаси бўлган. У эрамиздан аввалги V асрда вужудга келган. Афинада демократик ривожланишга эрамиздан аввалги VI асрда архонт Солон ўтказган чуқур хўжалик ва сиёсий ислоҳотлар йўл очди. Улар, жумладан, плебейларни давлат солиқларидан озод қилишни, барча фуқароларни амалдор шахсларни (магистратларни) сайлаш ва улардан ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқи билан таъминлашни кўзда тутган эди. Аммо давлат бошқарувчиларининг ўзлари давлат солиғини ва ҳарбий харажатларни тўлайдиганлар, яъни бой фуқаролардангина бўлиши мумкин эди.

Солон даврида Афинадаги демократия ўзининг илк қадамларини қўяётган бўлсада, ҳукмдорларнинг сайланиши ва назорат остида бўлиши, ҳокимиятга, бунинг устига алоҳида шахсларга эмас, балки қонунга буйсунишнинг ихтиёрийлиги оммавий тарқалиши ва ривожланишига эришилди. Улар эрамиздан аввалги V асрда Перикл даврида кўпроқ амалга ошди. Бу давр Афина демократиясининг олтин даври ҳисобланади. Перикл Афина ҳукуматини бошқарар, халқ доҳийси ҳисобланарди. У фавқулодда ақл эгаси, моҳир нотиқ, нозик сиёсатчи бўлиб, жамиятнинг бир қисми ҳамманинг устидан ҳукмронлик қиладиган истибдодга қарши эди. Унга ўзининг давлат тузилиши идеалини қарама қарши қўяди. «Бу тузум демократик деб аталади, — деб ёзади Перикл, — чунки у озчилик фуқароларга эмас, балки кўпчиликка таянади. Хусусий манфаатларга муносабат бўйича бизнинг қонунларимиз ҳамма учун тенг ҳуқуқлиликни тақдим этади»[1]. Унинг раҳбарлигида амалга оширилган ислоҳотлар ҳокимиятнинг барча эркин фуқаролар орасида (улар қаторига

[1] *Фукидид.* История. Т. 1, кн 2. М., 1915, с. 120.

қуллар, аёллар ва маҳаллий бўлмаган афиналиклар кирмаган) тенг тақсимланишини назарда тутарди.

Халқ ва шахс

Афина республикаси кўпроқ демократиянинг жамоавий шакли сифатида мавжуд эди. Фуқароларни бирлаштириб турувчи асос уларнинг биргаликда, жамоавий ҳисобланувчи қулдорликка асосланган имтиёзли шароитларини сақлаб қолишдан умумий манфаатдорлиги эди. Давлат синфий, этник ва диний муносабатларда бир хил мавқедаги фуқаролардан иборат бўлган. Индивид ва жамият ўртасида одатда ўткир можаролар пайдо бўлмаган, чунки хусусий ва ижтимоий ҳаётнинг аниқ тақсимланиши мавжуд бўлмаган.

Индивид давлат ва жамият ишларида қатнашишни ўз-ўзидан тушунарли деб ҳисоблаган, улар ўртасида фарқлар бўлмаган. У ўзини полис ва кўпчилик томонидан қабул қилинадиган қарорлар билан бир хил деб ҳисоблайди ва ўзини бир бутунликнинг таркибий қисми сифатида эркин ҳис этади. Бу, либерализмнинг таниқли назариётчиси Бенжамен Констан ёзганидек, жамоавий эркинлик бўлиб, у «жамоавий, бироқ олий ҳокимиятнинг биргаликда олинган бир қанча функцияларини, жамоат жойларида уруш ва тинчлик масалаларининг муҳокама қилиниши, ўзга ерликлар билан иттифоқлар тузиш, магистратларнинг харажатлари ва далолатномаларини текшириш, уларни халққа эълон қилиш, шунингдек, уларнинг ҳаракатларини қоралаш ёки оқлашни амалга оширишдан иборат. Бироқ, булар билан бир вақтда, қадимгилар эркинлик деганда эркинликнинг жамоавий шакли билан чиқиша олувчи сифатида индивиднинг ҳамжамият обрўсига тўлиқ бўйсунишига йўл қўйганлар. <...>. Барча шахсий ҳаракатлар қаттиқ назорат остида бўлади. Шахсий мустақиллик фикрларга ҳам, машғулотларга ҳам, динга ҳам ёйилмайди»[2].

Индивиднинг полисга сўзсиз бўйсуниши Афина демократияси ички можаролардан холи бўлганини билдирмайди. Бундай можаролар, биринчи навбатда ҳукмрон синф ичида, аслзодалар орасида, бир томондан бойлар, иккинчи томондан камбағаллар ўртасида ҳар замонда бўлиб турган. Перикл даврида улар ўртасидаги зиддиятлар, аввало фуқаролар фаровонлигининг умумий ошиб бориши ва ўрта синфнинг ўсиб бориши ҳисобидан бартараф этилган.

[2] *Констан Б.* О свободе у древних в ее сравнении со свободой у современных людей. // Полис. 1993. №2. С. 98.

Ўрта синфнинг роли

Қадимдаёқ айнан ўрта синф демократиянинг таянчи бўлади, деган тушунча мавжуд эди. «Ўрта одамлардан иборат давлат, — деб ёзади Арасту, — энг яхши давлат тузумига эга бўлади»[3]. Унинг фикрича, кўп сонли ўрта синф жамиятни жипслаштиради, фуқароларни бирбирига қарши курашувчи партияларга бўлинишини бартраф этади ва бу билан давлатни барқарорлаштиради. Кўпчиликнинг ҳокимияти фақат камбағаллардан, демосдан эмас, балки давлатга нисбатан ўз хулқи ва даъволарида мўътадил кишилардан, мулк жиҳатидан ўртачалардан ташкил топган бўлсагина бошқарувнинг энг яхши шакли бўлади. Бошқарувнинг бундай шаклини Арасту «Полития» деб атайди.

Ўрта синфнинг миқдорий ўзгаришлари билан афина демократиясининг гуллаб-яшнаши ҳам, тугаши ҳам тўғридан-тўғри боғлиқлиги кўринади. Бу тўғрида қуйидаги маълумотлар гувоҳлик беради. Эрамиздан аввалги 480 йилда унинг 30 минг фуқароларидан 20 мингги қуйи мулкий табақа — фетларга тааллуқли бўлган. Перикл даврининг охирларида (тахминан эрамиздан аввалги 429 йил) фетлар 42 минг фуқарога атиги 20 минг бўлган. Кейинчалик эса, демократиянинг тугаши даврида (э. а. 350 йилларда пролетарлар кўпчиликни, 9 минг бой фуқароларга қарши 12 мингтани ташкил этган,[4] бу демократиянинг авом ҳокимияти — охлократияга ўзгаришига имкон берган.

Бошқарувда иштирок этиш

Қадимги демократия фуқаро-ларнинг давлат ишларини бошқаришда қатнашишлари учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида қайғурарди. Бунинг учун фуқаролар қуллар меҳнатидан фойдаланиш ҳисобидан (кўпчилик оилалар биттадан ўнтагача қулларга эга бўлган) етарлича бўш вақтга эга эдилар. Бундан ташқари камбағаллар давлат хазинасидан ёрдам олганлар, шунингдек, ижтимоий тадбирларда қатнашганлик учун ҳақ тўланган. Булар билан жамоат ишларида қатнашиш учун зарур бўлган «яшаш минимуми» таъминланган. Жамоатчилик фикри ҳам сиёсатда иштирок этишни афина фуқаросининг бирдан-бир қадрли машғулоти сифатида баҳолаб, халқнинг сиёсий фаоллигини рағбатлантирган.

Бу далилларнинг барчаси халқ ҳокимиятчилиги антик (қадимги) моделини кўпроқ ижтимоий демократия, яъни нафақат сиёсий ҳуқуқларнинг тенглигини эълон қилувчи, балки улардан амалда

[3] *Арасту*. Политика. // Соч. Т. 4. с. 508.

[4] Қаранг: *Ellul J.* Historie des institutions. V. I. Paris, 1955.

фойдаланиш учун кўпроқ ёки камроқ тенг ижтимоий шароитларни таъминловчи демократия деб характерлашга имкон беради.

Кўпчиликнинг истибдоди (деспотияси)

Афина полисида тўғридан-тўғри демократия ҳукмрон эди. Халқ йиғини ҳокимиятнинг бош мурвати бўлиб хизмат қилган. Унда қандайдир воситачи бўғинлар — партиялар, парламент ёки бюрократиясиз — умумий хоҳиш — ирода шаклланган, қонунлар ва қарорлар қабул қилинган.

Халқ йиғинининг ҳокимияти ҳеч нарча билан чекланмаган ва шахсий ҳаётнинг ҳар қандай кўринишларига тааллуқли бўлган. Ҳокимиятнинг мутлақлиги ва ҳамма жойга кира олиши ўзида демократиянинг зўравонликка айланиши хавфини яшириб турарди. «Виждонни еб битирувчи, монархларнинг қалбини қотирувчи ва ақлини хиралаштирувчи чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиш Афинанинг шуҳратли демократиясига ҳам бузувчи таъсир кўрсатди. Озчилик томонидан эзилиш ёмон, лекин кўпчилик томонидан эзилиш ундан ҳам ёмон. Чунки оммада яширинган кучга ҳеч ким дош бера олмайди. <...>. Бутун халқнинг мутлақ иродаси устидан ҳеч кимга шикоят қилиш мумкин эмас, ундан қутулолмайсан ва яширина олмайсан ҳам»,[5] — деб ёзади Д. Актон.

Халқ йиғини ҳали Перикл каби доно ва обрўли доҳийлар таъсирида бўлганда, бой ҳамда камбағал фуқаролар ўртасидаги зиддиятлар назорат остида ушлаб турилганда, кўпчиликнинг чексиз ҳукмронлиги турлича фикрларга, сўз эркинлигига тоқат қилиш билан бирга қўшиб олиб борилди ва озчилик устидан зулмга ўсиб ўтмади. Бироқ обрў-эътиборлилар ўрнининг алмашинуви, фуқароларнинг мулкий тенгсизлиги ўсиб бориши, авом халқ таъсирининг кучайиши ва ахлоқнинг умумий пасайиши билан Афина республикаси охлократия ва кўпчиликнинг зўравонлиги белгиларига эга бўлиб борди.

Демоснинг чексиз ҳокимияти мутлақ ҳокимиятга айланди. Кўпчилик тимсоли бўлган қонун чиқарувчи қонундан юқори бўлди ва бозор майдонида плебс томонидан қабул қилинадиган қарорлар билан ҳарбий ҳаракатларни бошқаришга, ютқазилган жанглар учун ҳарбий бошлиқларга ўлим жазоси беришга ҳаракат қила бошлади. Бойлар устидан камбағалларнинг зулми, даҳрийлар ва ўзгача фикрловчиларни, жумладан, машҳур файласуф ва донишмандларни қувғин қилиш одатий ҳолга айланди. Бундай золимликларга ёрқин мисоллар — худоларни

[5] *Актон Д.* История свободы в античности//Полис. 1993. №3. С. 112.

ҳақорат қилиш тўғрисидаги иш («гермокопидлар жараёни»), файласуф Анаксагорнинг қувғин қилиниши, ўша даврнинг буюк мутафаккири Суқротга ўлим жазоси берилиши кабилардир.

Озчилик устидан кўпчиликнинг чексиз ҳукмронлиги афина демократиясини кучли деспотик ва ҳатто тоталитар тенденцияларга эга бўлган бошқарув шакли сифатида характерлашга имкон беради. Бошқарувнинг самарасизлиги, коррупция, озчиликка нисбатан зўравонлик, маҳаллий бўлмаган афиналикларни фуқаролар қаторидан чиқариш — буларнинг барчаси демократияга ишончсизликни келтириб чиқарди ва сиёсий мухолифат тарафдорларини кучайтирди. Ҳокимият учун курашнинг фаоллашуви афиналикларни э. а. 410 йилда демократияга тажовуз қилувчи шахсларга ўлим жазосини бериш ва мол-мулкини мусодара қилишни назарда тутувчи махсус қонун қабул қилишга ундади.

Бироқ жазо арафасидаги кўпчиликнинг қарорларини конституцион чеклаш зарурлигини англаб етиш ва бу билан давлатни ва фуқароларни плебснинг инжиқликлари ва вақтинчалик кайфиятидан тўсиб қолишга уринишлар ҳам демократияни сақлаб қола олмади. Афина демократияси нафақат демократиянинг бузилиши, балки, аввало, иқтисодий сабаблар, қуллар меҳнати самарадорлигининг пастлиги, шунингдек, ҳарбий мағлубиятлар туфайли зил кетган эди.

Эрамиздан аввалги 411 йилда юз берган олигархик тўнтариш сиёсий беқарорлик ва бошқарувнинг демократик шакллари астасекин тукгатилиши даврини бошлаб берди.

Афина қулашидан кейин демократиянинг тақдири. Халқ ҳокимиятчилиги ва христианлик

Қадимги халқ ҳокимиятчи-лигининг энг ривожланган шакли — Афина республика-сининг бузилиши ва қулаши маҳаллий характерга эга эди. Асосий сифатлари бўйича Афина демократиясига ўхшаш давлатлар Қадимги Римда, Қадимги Новгородда, Флоренцияда ва бошқа бир қатор шаҳар — республикаларда мавжуд бўлди. Умуман эса, Европада ўрта асрлар даврида ва бутун дунёда кўп асрлар бошқарувнинг авторитар, асосан, монархик шакллари ўрнатилди. Давлат тузилиши ҳақидаги ҳукмрон тасаввур жамиятни бир бутун, мураккаб тузилган организм деб, унда ҳар бир ижтимоий гуруҳ «ўзининг ўрнини билиши» — маълум бир ижтимоий функцияни бажарувчи ва ҳокимиятга бўйсунувчи сифатида қабул қилиш бўлди. «Демократия» сўзининг ўзи европа сиёсий луғатидан деярли икки минг йилга йўқолади, агарда у баъзан ишлатилган бўлса ҳам, салбий,

бошқарувнинг Арастуча маънодаги нотўғри, бузилган шакли, авом халқнинг вайронкор ҳокимияти маъносидан бошқа нарсани ифодаламас эди.

Аммо монархик ҳокимиятни чеклаш, уни халқ хизматига қаратиш ғоялари инсониятнинг бутун тарихига сингиб кетган. Демократик йўналтирилган дунёқарашнинг ўрнатилишига христианлик катта таъсир кўрсатди. У инсониятга, энг муҳим, маънавий ўлчов — Худога нисбатан олинганликка асосланувчи кишиларнинг тенглигини тан олиш, инсоннинг қадр-қимматини ҳурматлаш (чунки ҳар бир инсон худо томонидан унинг ўзига ўхшатиб яратилган), маънавий-ахлоқий ҳаётнинг сиёсий назоратдан озодлиги («подшога подшоликни, худога илоҳийликни беринг»), ва диний-ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги сингари ахлоқий қоидаларни берди.

Христианлик таъсири остида ўрта асрларда монарх ва ҳокимият, умуман олганда, ўз халқига хизмат қилиши керак ва илоҳий қоидалардан, ахлоқ, анъаналар ҳамда инсоннинг табиий ҳуқуқларидан келиб чиқувчи қонунларни бузишга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги ғоялар қарор топди. Давлат ҳокимиятини халқ ва ҳукмдорлар ўртасидаги, ҳар иккала томон амал қилиши мажбур бўлган шартноманинг оқибати сифатида талқин этувчи ижтимоий шартнома концепцияси кенг тарқалди.

Демократия учун қулай маънавий-ахлоқий заминни тайёрлашга ўрта асрлардаги черков нуфузининг дунёвий кишилардан мустақиллигига, христиан жамоаларига, шунингдек, протестант реформациясига қарши чиқувчи, қаттиқ черков иерархияси (поғонасимонлиги)ни тугатиш ва диндорлар ўртасида илк христианликнинг демократик идеалларини қарор топтириш учун курашувчи диний ҳаракатлар — католик черковидаги «собор ҳаракатлари катта таъсир кўрсатди».

Европада ривожланиб келаётган капитализм ва у билан боғлиқ бўлган индивидуалистик дунёқарашнинг таъсири остида булар ва бошқа инсонпарвар ғоялар, қадриятлар ва концепциялар кенг миқёсда тан олинди ва тарқалди. Уларнинг кўпчилиги XX аср охирида демократияга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатди, давлат бошқарувининг янги демократик моделлари асосига айланди.

ҳақорат қилиш тўғрисидаги иш («гермокопидлар жараёни»), файласуф Анаксагорнинг қувғин қилиниши, ўша даврнинг буюк мутафаккири Суқротга ўлим жазоси берилиши кабилардир.

Озчилик устидан кўпчиликнинг чексиз ҳукмронлиги афина демократиясини кучли деспотик ва ҳатто тоталитар тенденцияларга эга бўлган бошқарув шакли сифатида характерлашга имкон беради. Бошқарувнинг самарасизлиги, коррупция, озчиликка нисбатан зўравонлик, маҳаллий бўлмаган афиналикларни фуқаролар қаторидан чиқариш — буларнинг барчаси демократияга ишончсизликни келтириб чиқарди ва сиёсий мухолифат тарафдорларини кучайтирди. Ҳокимият учун курашнинг фаоллашуви афиналикларни э. а. 410 йилда демократияга тажовуз қилувчи шахсларга ўлим жазосини бериш ва мол-мулкини мусодара қилишни назарда тутувчи махсус қонун қабул қилишга ундади.

Бироқ жазо арафасидаги кўпчиликнинг қарорларини конституцион чеклаш зарурлигини англаб етиш ва бу билан давлатни ва фуқароларни плебснинг инжиқликлари ва вақтинчалик кайфиятидан тўсиб қолишга уринишлар ҳам демократияни сақлаб қола олмади. Афина демократияси нафақат демократиянинг бузилиши, балки, аввало, иқтисодий сабаблар, қуллар меҳнати самарадорлигининг пастлиги, шунингдек, ҳарбий мағлубиятлар туфайли зил кетган эди.

Эрамиздан аввалги 411 йилда юз берган олигархик тўнтариш сиёсий беқарорлик ва бошқарувнинг демократик шакллари астасекин тукгатилиши даврини бошлаб берди.

Афина қулашидан кейин демократиянинг тақдири. Халқ ҳокимиятчилиги ва христианлик

Қадимги халқ ҳокимиятчи-лигининг энг ривожланган шакли — Афина республика-сининг бузилиши ва қулаши маҳаллий характерга эга эди. Асосий сифатлари бўйича Афина демократиясига ўхшаш давлатлар Қадимги Римда, Қадимги Новгородда, Флоренцияда ва бошқа бир қатор шаҳар — республикаларда мавжуд бўлди. Умуман эса, Европада ўрта асрлар даврида ва бутун дунёда кўп асрлар бошқарувнинг авторитар, асосан, монархик шакллари ўрнатилди. Давлат тузилиши ҳақидаги ҳукмрон тасаввур жамиятни бир бутун, мураккаб тузилган организм деб, унда ҳар бир ижтимоий гуруҳ «ўзининг ўрнини билиши» — маълум бир ижтимоий функцияни бажарувчи ва ҳокимиятга бўйсунувчи сифатида қабул қилиш бўлди. «Демократия» сўзининг ўзи европа сиёсий луғатидан деярли икки минг йилга йўқолади, агарда у баъзан ишлатилган бўлса ҳам, салбий,

бошқарувнинг Арастуча маънодаги нотўғри, бузилган шакли, авом халқнинг вайронкор ҳокимияти маъносидан бошқа нарсани ифодаламас эди.

Аммо монархик ҳокимиятни чеклаш, уни халқ хизматига қаратиш ғоялари инсониятнинг бутун тарихига сингиб кетган. Демократик йўналтирилган дунёқарашнинг ўрнатилишига христианлик катта таъсир кўрсатди. У инсониятга, энг муҳим, маънавий ўлчов — Худога нисбатан олинганликка асосланувчи кишиларнинг тенглигини тан олиш, инсоннинг қадр-қимматини ҳурматлаш (чунки ҳар бир инсон худо томонидан унинг ўзига ўхшатиб яратилган), маънавий-ахлоқий ҳаётнинг сиёсий назоратдан озодлиги («подшога подшоликни, худога илоҳийликни беринг»), ва диний-ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги сингари ахлоқий қоидаларни берди.

Христианлик таъсири остида ўрта асрларда монарх ва ҳокимият, умуман олганда, ўз халқига хизмат қилиши керак ва илоҳий қоидалардан, ахлоқ, анъаналар ҳамда инсоннинг табиий ҳуқуқларидан келиб чиқувчи қонунларни бузишга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги ғоялар қарор топди. Давлат ҳокимиятини халқ ва ҳукмдорлар ўртасидаги, ҳар иккала томон амал қилиши мажбур бўлган шартноманинг оқибати сифатида талқин этувчи ижтимоий шартнома концепцияси кенг тарқалди.

Демократия учун қулай маънавий-ахлоқий заминни тайёрлашга ўрта асрлардаги черков нуфузининг дунёвий кишилардан мустақиллигига, христиан жамоаларига, шунингдек, протестант реформациясига қарши чиқувчи, қаттиқ черков иерархияси (поғонасимонлиги)ни тугатиш ва диндорлар ўртасида илк христианликнинг демократик идеалларини қарор топтириш учун курашувчи диний ҳаракатлар — католик черковидаги «собор ҳаракатлари катта таъсир кўрсатди».

Европада ривожланиб келаётган капитализм ва у билан боғлиқ бўлган индивидуалистик дунёқарашнинг таъсири остида булар ва бошқа инсонпарвар ғоялар, қадриятлар ва концепциялар кенг миқёсда тан олинди ва тарқалди. Уларнинг кўпчилиги XX аср охирида демократияга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатди, давлат бошқарувининг янги демократик моделлари асосига айланди.

12 БОБ

ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИЯ

§ 1. Мумтоз либерализм демократияси

Либерализм давлат тузилишининг ғоявий асоси сифатида

Бизнинг давримизда мавжуд бўлган демократик тизимлар ўзининг ибтидосини XVIII аср охири ва XIX аср давомида, либерализмнинг тўғридан-тўғри ва ҳар томонлама таъсири остида вужудга келган бошқарув шаклларидан оладилар. Сиёсий ва демократик фикрларнинг ривожланишида либерализмнинг хизматлари ғоят буюкдир. Бу ғоявий ва сиёсий оқим шахс эркинлиги, уни давлат зўравонлигидан сақлаш байроғи остида чиқди.

Либерализм ижтимоий фикр тарихида биринчи бўлиб индивидни жамият ва давлатдан ажратди, икки мустақил соҳа — давлат ва фуқаролик жамиятини чегаралади, фуқаролик жамияти ва шахс билан ўзаро ҳаракатларда давлатнинг таъсир ва ваколат соҳасини конституцион ва муассасавий чеклади, кўпчиликка нисбатан озчиликнинг мустақиллиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилди, барча фуқароларнинг сиёсий тенглигини элон қилди, шахсни фундаментал, ажралмас ҳуқуқлар билан таъминлади ва уни сиёсий тизимнинг бош элементи сифатида қарор топтирди.

Либерал ғояларнинг ватани ва улардан кўпчилигининг илк бор амалда татбиқ этилган жой Англия ҳисобланади. Ҳали ўрта асрлар давридаёқ, континентал Европада абсолютизм кучайганда, инглизлар монарх ҳокимиятини чеклашнинг уддасидан чиқдилар. Англия давлатини аста-секин эркинлаштиришнинг кўп асрлик жараёнидаги бошланғич нуқта 1215 йилда замонавий конституцияларнинг илк тимсоли — эркинликлар буюк хартияси («Magna Charta Libertatum»)нинг қабул қилиниши бўлди. Бу хартия ҳали демократиядан узоқ эди ва у монархнинг ҳуқуқларини аристократия фойдасига чегаралаб қўйди. Бироқ унда, ҳам фуқаронинг шахсий эркинлик ҳуқуқи, ҳам хавфсизлиги — «ҳеч бир эркин киши қонундан ташқари қандайдир бошқа усуллар билан қамоққа олинмаслиги, қамоқда сақланмаслиги, мулкдан маҳрум этилмаслиги, камситилмаслиги, қувғин қилинмаслиги, жазоланмаслиги кераклиги»[1] эълон қилинди.

[1] *Ivor W., Gerhard A.* Ritter: Das britische Aegierungssystem. Koln; Opladen, 1970. S. 121.

XIV асрдаёқ Англияда парламент мавжуд бўлиб, 1689 йилда «Ҳуқуқлар тўғрисида Билл»нинг қабул қилиниши билан у узилкесил қонунчилик ҳуқуқини олди. (қонунчилик парламентаризми шу вақтдан бошланган). Аммо бу мамлакатга замонавий қонунчилик органига қараганда дастлаб кўпроқ олий табақаларнинг ўрта асрлардаги йиғилишига ўхшаб кетадиган парламентни демократиялаштириш учун икки юз йилдан кўпроқ вақт талаб қилинди.

Либерализм ғоялари ва амалиёти узоқ вақтлар демократия назарияси ва амалиёти сингари бир-бирига мос келмади. Илк либерализм мафкурачилари — Жон Локк, Шарль — Луи Монтескье ва бошқаларни барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқлар таъминланиши ва уларнинг давлат бошқарувига жалб этилиши ташвишлантирмас эди, аммо улар мулкдорлар синфини, кўпинча эса аристократияни ҳам монархлар томонидан бўладиган зўравонликдан сақлашга, хусусий тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи феодал чекланишларни бартараф этишга интилдилар.

Либерал демократиянинг ўзига хос хусусиятлари

Либерализмнинг оммага эҳтиёткорона муносабати, гўёки индивидуал ҳуқуқлар ва халқ суверенитетининг демократик тамойиллари ёрдамида ҳокимият зўравонлигини чеклашдаги либерализм ғояларининг бирикмаси ҳисобланувчи либерал демократияга таъсир кўрсатди. Умуман эса, демократиянинг бу моделига, унинг (XIX — XX асрнинг бошларидаги) мумтоз кўринишига қуйидаги характерли белгилар хосдир:

1. Халқни ҳокимият субъекти каби мулкдор-эркаклар билан бир хил деб билиш, сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар қаторидан қуйи табақаларни, аввало, ёлланма ишчиларни, шунингдек, аёлларни чиқариш. Кўпчилик ғарб демократияларида XX асрнинг бошлари ва ўрталарига қадар мулкий ва бошқа цензлар — мажбурий шартлар сақланиб, уларсиз кишилар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмас эдилар. (АҚШнинг айрим штатларида ўзига хос мулк цензи — сайлов солиғи 1961 йилдагина бекор қилинган эди).

2. Индивидуаллик, ҳокимиятнинг бирламчи ва бош манбаи деб шахснинг тан олиниши, давлат қонунлари устидан индивид ҳуқуқининг устуворлиги. Ҳимоя қилиш мақсадларида шахс ҳуқуқлари конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади, уларнинг сўзсиз бажарилишини мустақил суд назорат қилади.

3. Эркинликни мажбурлаш, чеклаш йўқлиги каби тор, салбий тушунишдан келиб чиқувчи, демократиянинг тор сиёсий,

расмий характердалиги. Қадимги демократиядан фарқли ҳолда, эркинлик бу ерда сиёсатда фаол тенг ҳуқуқли қатнашиш имконияти каби эмас, балки давлат ва бошқа кишилар томонидан аралашувлардан сақланган бўлишнинг пассив индивидуал ҳуқуқи каби талқин этилади. «Қадимгиларнинг мақсади, — деб ёзади Б. Констан, — ижтимоий ҳокимиятни мамлакатнинг барча фуқаролари ўртасида тақсимлаш бўлган. Ана шуни улар эркинлик деб атаган. Бизнинг замондошларимиз мақсади — хусусий соҳанинг хавфсизлиги; улар ижтимоий муассасалар томонидан ушбу мақсадларда яратилган кафолатларни эркинлик деб атайдилар»[2].

4. Парламентаризм, сиёсий таъсирнинг вакиллилик шакллари устунлик қилиши. Д. Актон ёзганидек, афина демократиясининг сабоқлари «бутун халқнинг бошқаруви энг кўпсонли ва қудратли синфнинг бошқаруви бўлса ҳам, чекланмаган монархия билан бир қатордаги кулфат бўлиб, деярли худди шу сабабларга кўра, гўёки унинг ўзини-ўзидан ҳимоя қилувчи, қонуннинг доимий ҳукмронлигини қарор топтирувчи, уни фикрлардаги ихтиёрий тўнтаришлардан сақловчи муассасаларга муҳтож бўлади»[3].

5. Давлатнинг фаолият соҳалари ва ваколатларини, асосан, жамоат тартибини, фуқаролар хавфсизлиги ва ҳуқуқини, ижтимоий тинчлик ва шу кабиларни қўриқлаш билан чегаралаш, унинг фуқаролик жамияти ишларига, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий жараёнларга аралашмаслиги.

6. Ҳокимиятни тақсимлаш, давлат устидан фуқароларнинг самарали назорати шарти каби ўзини тийиш ва посанги яратиш, ҳокимиятни суиистеъмол қилишни бартараф этиш. XVIII асрдаёқ Монтескье таъкидлаганидек, жамият тарқоқ ва унинг айрим қисмлари бир-бирига қарама-қарши қўйилган ҳокимиятнигина назорат қилишга қодир.

7. Озчилик устидан кўпчиликнинг ҳокимиятини чеклаш, индивидуал ва гуруҳ мустақиллиги ва эркинликни таъминлаш. Озчилик қатъий белгиланган масалалардагина кўпчиликка бўйсунишга мажбур, ундан ташқарида улар тўлиқ мустақилдир. Кўпчилик томонидан қарор қабул қилинишигига қарамасдан, озчилик ўз фикрига эга бўлиш ва уни қонун доирасида ҳимоя қилишга ҳақлидир.

[2] Констан Б. О свободе у древних в ее сравнении со свободой у современных людей. // Полис. 1993. №2. С. 101.

[3] Актон Д. История свободы в античности//Полис. 1993. №3. С. 112.

Либерал демократиянинг шу ва бошқа белгилари инсон эркин бўлиши, қадр-қиммати ва энг муҳим ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши йўлидаги йирик қадам бўлди. Шу билан бирга, демократиянинг классик вариантида тақдим этилган бу модел халқ ҳокимиятчилигининг идеалидан анча узоқ ва у асосли равишда танқид қилинади.

Либерал демократиянинг заифликлари

Классик либерал демократиянинг камчиликлари сифатида одатда қуйидагилар кўрсатилади:

1. Ижтимоий-синфий чекланганлик. Қадимги демократияга ўхшаб, у аҳолининг кўпчилигига: пролетарлар, бошқа қуйи қатламлар, аёлларга тегишли эмас ва шунинг учун тўлиқ маънода халқ ҳокимияти ҳисобланмайди.

2. Аҳолининг камбағал, кам таъминланган қатламлари учун демократиянинг расмийлиги ва бунинг оқибати сифатидаги тантаворлиги, унинг халқ ҳокимиятчилигидан пул халталарининг мусобақасига айланиб бориши. Демократиянинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларга тарқалмаслиги ижтимоий тенгсизликнинг чуқурлашувига ва ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашувига олиб боради, кўпчилик фуқароларнинг манфаатларини қониқтирмайди. Ҳокимиятнинг бу шакли билан рағбатлантирилувчи аҳолининг мулкий қутбланиши қуйи қатламлар учун шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини қадрсизлантиради, уларни амалда ижро этишни қийинлаштиради ва охир-оқибатда бошқарувнинг бу шакли демократиклигини шубҳа остига қўяди.

3. Демократия ва шахс иштироки соҳаларининг чекланганлиги. Вақтинчалик вакиллик органларига, асосан, фуқароларнинг электорал сиёсий фаоллигига умид боғлаш ҳокимият органларини амалда оммани назорати остидан чиқаради ва демократияни сиёсий элитанинг ҳукмронлик шаклига айлантиради. Ўта чекланган сиёсий иштирокчиликнинг оқибати оммавий сиёсий лоқайдлик, фуқароларнинг ҳокмиятдан бегоналашуви, унинг паст легитимлилиги бўлади.

4. Жамиятни бошқаришда ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашда давлат ролининг пасайтирилиши. Иқтисодий ва ривожланиш эҳтиёжлари давлатнинг тартибга солинишини кенгайтиришни, фаол инвестицион, солиқ ва бошқа сиёсат ўтказишни талаб қилади. Демократик давлат «тунги қоровул» роли билан чекланиб қола олмайди ва иқтисодий ҳамда ижтимоий жараёнларни тартибга солиш, жамиятда адолатни мустаҳкамлаш ва можароларни бартараф этиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур.

5. Ҳаддан ортиқ баҳоланувчи индивидуализм қадриятлари, инсоннинг жамоавий табиатини, унинг турли ижтимоий гуруҳларга мансублигини эътиборга олмаслик. Бу шахснинг ижтимоий ўз-ўзини намоён этишига, унинг ривожланишига тўсқинлик қилади, давлат ва жамиятнинг асосларини емирувчи манманликни ва ўтакетган худбинликни рағбатлантиради.

Классик либерал демократиянинг камчиликларига амалий жавоб ишчилар, социалистик, коммунистик ва бошқа ҳаракатлар, шунингдек, кўп жиҳатдан либерализмга қарама-қарши бўлган янги демократик концепциялар ва уларни ҳаётга татбиқ этишга уринишлар ҳисобланади.

§ 2. Жамоавий демократия

Жамоавий демократия концепцияси ва реал модели либерал давлатнинг камчиликларини бартараф этиш ва ҳақиқий халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишга уринади. Демократиянинг бу тури анча атрофлича ишлаб чиқилган. Уни, аввало, давлат социализми мамлакатларида амалга татбиқ этишга уриниш муваффақият қозонмади. Барибир у демократия назарияси ва амалиётини (кўпроқ даражада салбий тажриба билан бўлсада) анча бойитди, ғарбнинг замонавий сиёсий тизимларига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Жамоавий демократияни баъзан **идентитар** деб ҳам аташади. Бу ном шу далилни акс эттирадики, у халқнинг (миллатнинг, синфнинг) бир бутунлигидан, унда ягона ироданинг ҳали у оммабоп ифодалангунига қадар мавжудлигидан ва бу ирода ҳамда ҳокимият вакиллари ҳаракатларининг **айнан ўхшашлигидан** келиб чиқади.

Демократия тўғрисида Руссо концепцияси

Идентитар демократиянинг кўзга кўринган вакиллари — Руссо, Маркс, Ленин, Карл Шмиттлардир. Бу тур демократиянинг муҳим тамойилларини биринчи бўлиб энг ёрқин ифодалаган ва асослаган шахс Жан Жак Руссо (1712-1778) бўлди. У жамиятни либералларча «оммавий» ва «шахсий»га бўлишни танқид остига олди. Унинг фикрича, либерал мутафаккирлар томонидан тасдиқланувчи индивидуализм ва манманлик сингари фуқаролик фазилатлари жамиятнинг ўзи учун ҳам вайронкордир. Руссонинг демократик республикасидаги фуқаро идеали — бу шахсий ҳаётга берилиб кетган индивидуалист эмас, балки ягона «ижтимоий тана»нинг ҳаёт манбаи ҳисобланувчи, фаол жамият аъзосидир.

Руссонинг демократия назарияси алоҳидалашган, атомлашган (майдалашган) индивидларнинг бир бутунга ихтиёрий қўшилиши йўли билан ташкил топган халққа бутун ҳокимиятнинг тегишлилигидан келиб чиқади. Халқнинг шаклланиши «ассоциация (уюшма) аъзоларидан ҳар бирининг бутун жамоа фойдасига барча ҳуқуқларидан»[4] тўлиқ бегоналашувини англатади. Шу вақтдан бошлаб шахс ўз ҳуқуқларини йўқотади. Улар унга керак бўлмай қолади, чунки бир бутун — давлат — ҳар қандай бошқа тирик организмга ўхшаб, ўз аъзолари ҳақида ғамхўрлик қилади. Улар ҳам ўз навбатида давлатнинг бахт-саодати ҳақида ўйлашга мажбурдирлар.

Руссонинг организмга хос ёндошуви индивид ва давлат орасидаги муносабатларда зиддиятлар ва можаролар бўлишига йўл қўймайди, фуқароларнинг ҳокимиятга қарши норозиликлари учун, умуман сиёсий мухолифат учун, шунингдек, шахсий манфаатлар пайдо бўлиши учун заминларни бартараф этади. Агарда барибир шахсий манфаат пайдо бўлса, у организмдаги бузилишни билдиради ва шунинг учун бостирилади. Халқ манфаатлари ва иродаси умумийлигининг дастлабки шарт-шароити мулкий тенглик ҳисобланади. Руссо хусусий мулкчиликни тўлиқ тугатиш учун эмас, балки уни чеклаш ва унинг ўлчамларини тенглаштириб бориш учун интилади.

Халқнинг ўзи бўлинмасдир. У ягона, умумий иродага ва бегоналашмаган суверенитетга эга. Унинг ичкарисида барқарор кўпчилик ва озчилик мавжуд эмас, шунинг учун кейингисини ҳимоя қилишга зарурият ҳам йўқ. Халқ ҳокимияти бир бутун эканлигидан, ҳеч нарса билан чекланмаган. «Агарда кимдир умумий иродага бўйсунишдан бош тортса, унда у бунга бутун организм билан мажбур қилинади, бу эса уни куч билан эркин бўлишга мажбурлашдан бошқа нарсани билдирмайди»[5]. (Бу сўзлар деярли ҳарфма-ҳарф 20-йилларда Соловецкийдаги қамоқхонани безаб турган эди: «Темир қўллар билан бутун инсониятни бахт-саодатга ҳайдаб борамиз»).

Халқ ижтимоий мавжудот сифатида, сайланган вакиллар воситасида эмас, фақат ўзини ўзигина кўрсатиши мумкин. Унинг умумий иродаси бевосита йиғилишларда ифодаланади. У функцияси халқ қарорларини бажариш ва техник хизмат кўрсатишдангина иборат бўлган ҳукумат фаолияти ва қонунларни белгилайди.

---

[4] Руссо Ж. Ж. Трактаты. М., 1969. С. 161.
[5] Руссо Ж. Ж. Трактаты. М., 1969. с. 164.

5. Ҳаддан ортиқ баҳоланувчи индивидуализм қадриятлари, инсоннинг жамоавий табиатини, унинг турли ижтимоий гуруҳларга мансублигини эътиборга олмаслик. Бу шахснинг ижтимоий ўз-ўзини намоён этишига, унинг ривожланишига тўсқинлик қилади, давлат ва жамиятнинг асосларини емирувчи манманликни ва ўтакетган худбинликни рағбатлантиради.

Классик либерал демократиянинг камчиликларига амалий жавоб ишчилар, социалистик, коммунистик ва бошқа ҳаракатлар, шунингдек, кўп жиҳатдан либерализмга қарама-қарши бўлган янги демократик концепциялар ва уларни ҳаётга татбиқ этишга уринишлар ҳисобланади.

§ 2. Жамоавий демократия

Жамоавий демократия концепцияси ва реал модели либерал давлатнинг камчиликларини бартараф этиш ва ҳақиқий халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишга уринади. Демократиянинг бу тури анча атрофлича ишлаб чиқилган. Уни, аввало, давлат социализми мамлакатларида амалга татбиқ этишга уриниш муваффақият қозонмади. Барибир у демократия назарияси ва амалиётини (кўпроқ даражада салбий тажриба билан бўлсада) анча бойитди, ғарбнинг замонавий сиёсий тизимларига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Жамоавий демократияни баъзан **идентитар** деб ҳам аташади. Бу ном шу далилни акс эттирадики, у халқнинг (миллатнинг, синфнинг) бир бутунлигидан, унда ягона ироданинг ҳали у оммабоп ифодалангунига қадар мавжудлигидан ва бу ирода ҳамда ҳокимият вакиллари ҳаракатларининг **айнан ўхшашлигидан** келиб чиқади.

Демократия тўғрисида Руссо концепцияси

Идентитар демократиянинг кўзга кўринган вакиллари — Руссо, Маркс, Ленин, Карл Шмиттлардир. Бу тур демократиянинг муҳим тамойилларини биринчи бўлиб энг ёрқин ифодалаган ва асослаган шахс Жан Жак Руссо (1712-1778) бўлди. У жамиятни либералларча «оммавий» ва «шахсий»га бўлишни танқид остига олди. Унинг фикрича, либерал мутафаккирлар томонидан тасдиқланувчи индивидуализм ва манманлик сингари фуқаролик фазилатлари жамиятнинг ўзи учун ҳам вайронкордир. Руссонинг демократик республикасидаги фуқаро идеали — бу шахсий ҳаётга берилиб кетган индивидуалист эмас, балки ягона «ижтимоий тана»нинг ҳаёт манбаи ҳисобланувчи, фаол жамият аъзосидир.

Руссонинг демократия назарияси алоҳидалашган, атомлашган (майдалашган) индивидларнинг бир бутунга ихтиёрий қўшилиши йўли билан ташкил топган халққа бутун ҳокимиятнинг тегишлилигидан келиб чиқади. Халқнинг шаклланиши «ассоциация (уюшма) аъзоларидан ҳар бирининг бутун жамоа фойдасига барча ҳуқуқларидан»[4] тўлиқ бегоналашувини англатади. Шу вақтдан бошлаб шахс ўз ҳуқуқларини йўқотади. Улар унга керак бўлмай қолади, чунки бир бутун — давлат — ҳар қандай бошқа тирик организмга ўхшаб, ўз аъзолари ҳақида ғамхўрлик қилади. Улар ҳам ўз навбатида давлатнинг бахт-саодати ҳақида ўйлашга мажбурдирлар.

Руссонинг организмга хос ёндошуви индивид ва давлат орасидаги муносабатларда зиддиятлар ва можаролар бўлишига йўл қўймайди, фуқароларнинг ҳокимиятга қарши норозиликлари учун, умуман сиёсий мухолифат учун, шунингдек, шахсий манфаатлар пайдо бўлиши учун заминларни бартараф этади. Агарда барибир шахсий манфаат пайдо бўлса, у организмдаги бузилишни билдиради ва шунинг учун бостирилади. Халқ манфаатлари ва иродаси умумийлигининг дастлабки шарт-шароити мулкий тенглик ҳисобланади. Руссо хусусий мулкчиликни тўлиқ тугатиш учун эмас, балки уни чеклаш ва унинг ўлчамларини тенглаштириб бориш учун интилади.

Халқнинг ўзи бўлинмасдир. У ягона, умумий иродага ва бегоналашмаган суверенитетга эга. Унинг ичкарисида барқарор кўпчилик ва озчилик мавжуд эмас, шунинг учун кейингисини ҳимоя қилишга зарурият ҳам йўқ. Халқ ҳокимияти бир бутун эканлигидан, ҳеч нарса билан чекланмаган. «Агарда кимдир умумий иродага бўйсунишдан бош тортса, унда у бунга бутун организм билан мажбур қилинади, бу эса уни куч билан эркин бўлишга мажбурлашдан бошқа нарсани билдирмайди»[5]. (Бу сўзлар деярли ҳарфма-ҳарф 20-йилларда Соловецкийдаги қамоқхонани безаб турган эди: «Темир қўллар билан бутун инсониятни бахт-саодатга ҳайдаб борамиз»).

Халқ ижтимоий мавжудот сифатида, сайланган вакиллар воситасида эмас, фақат ўзини ўзигина кўрсатиши мумкин. Унинг умумий иродаси бевосита йиғилишларда ифодаланади. У функцияси халқ қарорларини бажариш ва техник хизмат кўрсатишдангина иборат бўлган ҳукумат фаолияти ва қонунларни белгилайди.

---

[4] Руссо Ж. Ж. Трактаты. М., 1969. С. 161.
[5] Руссо Ж. Ж. Трактаты. М., 1969. с. 164.

Руссонинг ғоялари 1781 йилги Франция конституциясида ўз ифодасини топди. Ўша вақтда улар якобинчилар террорини оқлашга хизмат қилди. Унинг илҳомчиси бўлган Робеспьер Руссони «инқилобимизнинг башоратчиси» деб тасодифан айтмаган эди. 1993 йилги конституция бўйича, Руссонинг халқ иродасининг бирлиги ва зиддиятсизлиги ҳақидаги ғояларига мос равишда, тенг ҳуқуқлилик тамойили якобинчилар ва уларнинг ҳамфикрларигагина нисбат берилди.

Руссо демократик концепциясининг тоталитар йўналганлиги ўзининг кейинги ривожини марксизмда, айниқса, демократиянинг ленинча ва сталинча назарияларида олади ва шунингдек, бизнинг кунларимизга қадар коммунистик давлатларда сақланиб келаётган «социалистик демократия» моделларида амалиётга татбиқ этилди.

«Социалистик демократия»

Руссонинг идентитар концепция-сининг энг муҳим тамойилларини сақлаган ҳолда, «социалистик демократия» назарияси унинг ижтимоий ва сиёсий маъносини жиддий ўзгартиради, унга ўзига хос изоҳ беради. У дастлаб ишчилар синфининг, социализм қурилганидан кейин эса бутун халқнинг устуворлиги ва бир бутунлигидан, бу ҳокимият эгаларида синфий, кейинчалик эса умумхалқ манфаатлари мавжудлигидан келиб чиқади. Бу манфаат объектив равишда мавжуд бўлиб, дастлаб марксча-ленинча партия томонидан англанади, у ўзини ифодаловчи таълимотни омманинг онгига киритади. Шундан сўнг социалистик демократия механизмлари, аввало советлар орқали халқнинг умумий иродаси расмийлаштирилади ва ифодаланади.

Советларда жамоавий демократиядаги ҳокимиятнинг чекланмаслиги, кишилар ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига тарқалиши, тўғридан-тўғри демократия (умумий йиғилишлар, сайловчилар топшириқлари, депутатларни чақириб олиш ҳуқуқи, демократик централизм), монизм, мафкуравий ва сиёсий ўзгача фикрлар ва мухолифат ва бошқаларга йўл қўйилмаслик каби тамойиллари амалга оширилади.

Руссонинг концепцияси билан таққослаганда «социалистик демократия» назариясининг хусусиятлари, аввало, хусусий мулкчиликнинг, бинобарин, шахснинг ҳар қандай мустақиллиги тўлиқ инкор этилишида, халқни ишчилар синфи, меҳнаткашлар билан алмаштирилишида, шунингдек, тўлиқ демократияга, ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга ўтиш жараёнига раҳбарлик қилишга даъват қилинган ишчилар синфи ва бутун халқнинг

авангарди — коммунистик партиянинг етакчилик роли тўғрисидаги ғояларда намоён бўлади.

Ҳақиқатда эса «социалистик халқ ҳокимиятчилиги, унинг асосан аккламацион (юқоридан қабул қилинган қарорларни маъқуллашнинг ташқи ифодасигагина мўлжалланган) муассасалари билан кўпроқ жамиятнинг тоталитар тузилмаларини реал демократиядан кўра амалда бутун ҳокимиятнинг олий партия раҳбарларида тўпланганлигини тўсиб турувчи парда бўлиб ҳисобланади.

Жамоавий демократиянинг ўзига хос белгилари

Демократиянинг турли-туман жамоавий назариялари жиддий фарқлар билан бирга, бир қатор **умумий белгиларга** ҳам эга. Улар қуйидагилар: 1) халқ талқинидаги жамоавийлик, халқнинг, ҳали ўзини англашигача ҳам мавжуд бўлган объектив умумий манфаатлар ва иродага эга бўлган, ягона бир хил яхлитлик деб тан олиниши; 2) халқнинг ичида зиддиятларнинг йўқлиги, сиёсий мухолифатга куч билан йўқотилиши лозим бўлган бузилиш ёки душман деб қаралиши; 3) эркинликни давлат ва жамиятнинг барча ишларида фуқароларнинг фаол тенг ҳуқуқли иштироки каби жамоавий тушуниш; 4) тоталитарлик, халқ (синф, миллат) билан айнан бир хил деб қаралувчи доҳийлар томонидан амалга оширилувчи ҳокимиятнинг ҳамма жойга кириб борувчи мутлақ характери, озчиликнинг, шу жумладан, алоҳида шахснинг тўлиқ ҳимоясизлиги; 5) инсон муаммосининг ўзини бартараф этиш, модомики яхлитлик — давлат экан, у бунингсиз ҳам ўз шахсий таркибий қисмларининг бахт-саодатли бўлишидан манфаатдордир; 6) умумий сиёсий сафарбарлик, асосан фуқароларнинг бошқарувдаги иштироки, ваколатли органлар ва амалдор шахсларга қонун доирасида мустақил ва қарорлар қабул қилиниши учун масъул раҳбарлар каби эмас, балки халқ иродасини тарқатувчи, унинг хизматкори каби қараш; 7) ижтимоий демократияни тантанали равишда эълон қилиш, бош урғуни сиёсий ҳуқуқларни юридик эълон қилишдан бошқарувда фуқароларнинг қатнашуви учун ижтимоий шароитларни таъминлашга кўчириш.

Жамоавийчилик тажрибаларининг сабоқлари

Жамоавий демократия назариялари ўзининг амалий асоссизлигини, ёки камида, либерал тушунилувчи демократия билан ўзаро тўғри келмаслигини кўрсатди. Уларни амалга оширишга уринишлар муқаррар равишда янги ҳукмрон синф-номенклатуранинг пайдо бўлишига, тоталитаризмга, ҳар қандай индивидуал эркинликнинг бостирилишига, ўзгача фикрловчиларга қар-

Классик либерал давлат билан асосий умумийликка эгалигига қарамасдан, замонавий демократия ундан жиддий фарқ қилади. Унинг **бош хусусиятлари турли ғоялар, концепциялар ва ташкилий шаклларнинг синтези асосида қурилиши билан белгиланади**, у анъанавий либерал қадриятларни социалистик, христиан, коммунистик ва бошқа ҳаракатлардан олинган ғоялар билан бирга қўшиб олиб боришга ҳаракат қилади, постиндустриал жамиятнинг янги воқеликларини ҳисобга олади. Замонавий демократиянинг янада конкретроқ хусусиятлари нималардан иборат бўлади?

Демократиянинг плюралистик назарияси. Гуруҳ сиёсатнинг бош субъекти сифатида

Ушбу саволга сиёсатшунослар орасида турлича жавоб вариантлари мавжуд. Эҳтимол, улар орасидан кўпчилигини демократиянинг плюралистик концепцияси ифодалайди. Унинг кўзга кўринган вакиллари — Г. Ласки, Г. Труман, Е. Фраэнкель, Р. Даль.

Демократиянинг муҳим масаласи — халқни тушунишда у индивидуалистик ва жамоавий демократиялар ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди. Плюралистик концепция шундан келиб чиқадики, шахс эмас, халқ эмас, балки гуруҳ замонавий демократик давлатларда сиёсатнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.

Гуруҳсиз индивид — ҳаётсиз мавҳумликдир. Айнан гуруҳда, шунингдек, гуруҳлараро муносабатларда шахс шаклланади, унинг қизиқишлари, қадриятли мўлжаллари ва сиёсий фаолиятининг сабаблари аниқланади. Ҳар бир одам кўплаб гуруҳларнинг: оила, касбий, этник, диний, минтақавий, демографик ва бошқаларнинг вакилидир. Гуруҳ ёрдамида шахс ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш имконини топади.

Халқ эса сиёсатнинг бош субъекти бўлиши мумкин, чунки у ҳокимият учун курашда рақобатлашаётган турли-туман гуруҳлардан иборат мураккаб, ички зиддиятли тузилмадир. Демократиянинг вазифаси — жамиятдаги турличалик, плюрализмни рағбатлантириш, барча фуқароларга ўз қизиқишларини очиқчасига ифодалаш учун бирлашишларига имконият бериш, ўзаро келишувлар ёрдамида уларнинг сиёсий қарорларда ифодаланувчи мувозанатини топишдир.

Демократия гуруҳий манфаатларнинг мувозанати сифатида

Демократия барқарор кўпчилик-нинг ҳокимияти эмас, чунки унинг ўзи ўзгарувчандир ва бир бутун эмас, одатда у турли-туман индивидлар, гуруҳ ва бирлаш-маларнинг келишувлари асосида вужудга келади. Замонавий ғарб жамиятларида гуруҳлардан бирортаси ҳам, бошқа ижтимоий уюшмалар қувватлашисиз, ҳокимиятни монополлаштиришга ва қарорлар қабул қилишга қодир эмас. Норози гуруҳлар бирлашган ҳолда номақбул қарорларни тўсиб қолишлари, ҳокимиятни монополлаштиришга томон тенденцияни тўхтатиб туришлари, бу билан муҳим ижтимоий посанг бўлиб чиқишлари мумкин.

Сиёсий қарорларда у ёки бошқа гуруҳ манфаатларининг камситилиши одатда унинг аъзолари сиёсатга тортилишларини кўпайтиради ва бу билан уларнинг кейинги сиёсатга таъсирини кучайтиради. Сиёсий блоклар ва келишувлар асосидаги мураккаб рақобатли ўзаро ҳаракатлар натижасида давлат қарорларида ўзгаришлар мувозанати, гуруҳий манфаатлар барқарорлиги ўрнатилади.

Шу тариқа, демократия турли туман ижтимоий гуруҳларга ўз манфаатларини эркин ифодалашга ва рақобатли курашда уларнинг мувозанатини акс эттирувчи келишувчан қарорларни топишга имкон берувчи бошқарув шаклидир.

Демократия ҳақидаги плюралистик назарияларнинг умумий белгилари

Плюралистик демократиянинг турлича концепциялари умумлаштирилса, уларда қуйидаги умумий ғояларни фарқлаш мумкин: 1) манфаатдор гуруҳ — шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи демократик сиёсий тизимнинг марказий элементи. Бунда шахс, унинг ҳокимият бирламчи субъекти сифатидаги ҳуқуқи инкор этилмасада, иккинчи планга суриб чиқарилади; 2) турли гуруҳлар ўзаро ҳаракатларининг можаролари ва уларнинг келишувлари натижаси сифатидаги умумий ирода. Бу ирода турли сиёсий қатнашчилар мусобақасига қадар, асоссиз мавжуд бўлмайди, балки «яращув», турлича манфаатларнинг тенглаштирилиши жараёнида шаклланади; 3) гуруҳий манфаатларнинг рақобати ва мувозанати демократик ҳокимиятнинг, унинг ўзгаришларининг ижтимоий асосидир; 4) тийиб туриш ва посангилар нафақат муассасавий соҳага (либерализм), балки улар ўрнида рақобатчи гуруҳлар чиқадиган ижтимоий соҳага ҳам тегишлидир; 5) «оқилона худбинлик», шахсий ва айниқса, гуруҳий манфаатлар сиёсатнинг генератори кабилиги; 6) давлат «тунги қоровул» (либерализм) эмас, балки ижтимоий тизимнинг барча соҳалари меъёрида ишлаши учун масъул бўлган ва жамиятда ижтимоий адолатни қўллаб турувчи органдир. Демократиянинг плюралистик назарияси билан, ҳар бир инсонга муносиб ҳаёт шароитларини таъминловчи ижтимоий давлатнинг назарияси ва амалиёти тўлиқ мос келади. Давлат

— турлича гуруҳларнинг мусобақасида қонунларга, ўйин қоидаларига амал қилинишини кафолатловчи ва ҳокимиятнинг монополлаштирилишига йўл қўймайдиган ҳакам ҳамдир; 7) диффузия, сиёсий таъсирнинг турли марказлари: давлат муассасалари, партиялар, манфаатлар гуруҳлари ва шу кабилар ўртасида ҳокимиятнинг тарқалиб кетиши; 8) жамиятда сиёсий мусобақанинг барча иштирокчилари томонидан мавжуд давлат тузуми асосларини, демократик ўйин қоидаларини, инсон ҳуқуқларини, қонуннинг тан олиниши ва ҳурмат қилинишини мўлжалловчи қадриятли консенсус (бир фикрга келиш) мавжудлиги; 9) асос бўлувчи гуруҳлар ўзининг демократик тузилиши уни ташкил этувчи фуқаролар манфаатларининг мос равишда ваколатлилигининг шарти эканлиги. Демократия бунингсиз элиталар плюрализмига айланади.

Плюралистик демократия назарияси ва амалиётининг заифликлари

Демократиянинг плюралистик назарияси дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тан олинди ва қўлланилмоқда. Бироқ унинг ғоялари мунозарасиз эмас ва танқидга дучор бўлмоқда. Бу назариянинг бошланғич камчиликларидан бири деб, кўпинча воқеликнинг идеаллаштирилиши, аҳоли гуруҳий бир хиллигининг бўрттирилиши, манфаатлар гуруҳларида фуқароларнинг иштироки кўрсатилади. Ғарб мамлакатларида амалда катта ёшдаги аҳолининг учдан бир қисмигина манфаатлар гуруҳларига тақдим этилган. Шунинг учун плюралистик андозадаги демократия модели кўпчиликнинг ҳокимияти бўла олмайди.

Демократиянинг плюралистик назарияси номига айтилаётган бу таъна қисмангина асосланган. Ҳақиқатдан ҳам, ғарб демократияларида кўпчилик аҳоли одатда сиёсий пассивдир. Бироқ бу ҳали, уларнинг манфаатлари гуруҳнинг фаол вакиллари томонидан ифодаланмайди дегани эмас. Шунинг учун, плюралистик демократия тўғридан-тўғри халқ ҳокимиятчилиги идеалидан узоқ бўлсада, у ҳар ҳолда халқни ҳокимиятга яқинлаштиради, барча хоҳловчиларнинг қарорлар қабул қилишда қатнашишларига имконият беради.

Демократиянинг плюралистик назарияси танқидидаги иккинчи, энг муҳим йўналишидагилар уни турли ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий таъсиридаги нотенгликни инкор этиш ёки етарлича ҳисобга олмасликда ва аввало, бизнес, бюрократия, касаба уюшмалари, ҳарбий-саноат комплексининг устувор таъсирга эгалигида айблайдилар.

Бир қатор ғарб тадқиқотларида шу нарса аниқландики, гуруҳнинг таъсири унинг уюшганлиги ва сиёсий рақобатчиликка, можароларга қобилиятлилигига бевосита боғлиқдир. Уюшқоқлик билим даражаси, меҳнат характери, гуруҳнинг катталиги ва бошқа омилларга боғлиқ. Зиддиятларга лаёқатлилик, аввало, сиёсий имкониятларнинг (пул, билим, обрў, ОАВ ва б.) мавжудлиги билан белгиланиб, улар жамиятда нотенг тақсимланган. Масалан, нафақахўрлар, ногиронлар, малакасиз ишчилар ва айрим бошқа гуруҳлар бундай имкониятларга деярли эга эмаслар, шу билан бир вақтда йирик капитал вакиллари уларга керагидан ҳам ортиқча эгалик қиладилар.

Замонавий демократияларда сақланиб келаётган, турли гуруҳларнинг ўз манфаатларини артикуляция қилишга (аниқ-равшан англашига, таърифлаш ва ҳокимият органларига тақдим этишига) ва уларни рақобатли курашларда ҳимоя қилишга қобилиятининг бир хил эмаслигида намоён бўлувчи ижтимоий тенгсизлик демократиянинг плюралистик назарияси турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларига уйғунлиги тўғрисидаги тасаввурларга сезиларли даражада зид келади. Шу билан бирга у ушбу назарияни тўлиғича рад этмайди.

XX аср охирларида ғарб давлатлари турмуш имкониятларини тенглаштириш, кўпчилик фуқаролар учун сиёсий иштирокчилик ва ўз манфаатларини ҳимоялашга имконият яратиш йўлида анча илгарилаб кетди. Бугун нафақат юқори қатламлар, балки ўрта синфга тегишли бўлган гуруҳлар ҳам сиёсий қарорларда уларнинг манфаатларини ҳисобга олиш мақсадида ҳокимият марказларига ташкилий таъсир ўтказиш учун етарлича билим даражаси, ижтимоий таъминот ва ҳимояланганлик, бўш вақт ва бошқа шароитларга эгадирлар. Ташкилий сиёсий курашга қобилиятсиз ва таъсир кўрсатиш имкониятларига эга бўлмаган ижтимоий гуруҳларга, масалан, нафақахўрларга, ўз манфаатларини тақдим этишда сайлов механизми ёрдам беради. Сайловчилар овозлари учун югурувчи сиёсий партиялар ўзларига турли хилдаги, биринчи навбатда кўп сонли қатламлар томонидан қувватланишни таъминлашга ҳаракат қиладилар ва шунинг учун кўпроқ ёки камроқ даражада уларнинг орзу-умидлари ва талабларини ўз дастурларида ҳисобга оладилар.

Замонавий давлатлар сиёсатида турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларининг акс этиши, барибир уларнинг сиёсий таъсиридаги нотенглик муаммосини бартараф этмайди. Фуқароларнинг турмуш шароитлари ва манфаатлари яқинлашган мамлакатлар-

да демократиянинг плюралистик модели, ижтимоий тенгсизлик юқори даражаси сақланиб қолаётган мамлакатлардагига қараганда кўпроқ мос равишда воқеликни акс эттиради.

Ҳозирги сиёсий фикрларда нафақат плюралистик назариянинг реал ҳаётга мос эканлиги шубҳа остига олинади, балки бундай демократия моделининг ўзи ҳам танқид қилинади. Плюралистик демократия консерватив деб таъкидланади, чунки қарорлар қабул қилиниши учун барча манфаатдор гуруҳларнинг кенг розилигини талаб этади, буни, айниқса, сиёсий ислоҳотлар даврида амалда таъминлаш қийин. Бундай демократия умумий иродани жамиятдаги келишувнинг эришиш мумкин бўлган қуйи поғонасига келтириб қўяди. Бундан ташқари, плюралистик тизимда умумий, глобал (умумбашарий), узоқ муддатли ва янги манфаатлар ўзига катта қийинчиликлар билан йўл топади ва тан олинади.

§ 4. Замонавий демократияларда омманинг роли

Плюралистик демократия модели бўшроқ ўрин ва камчиликлардан холи эмас. Аммо бугун халқ ҳокимиятчилиги идеалига ва реал ҳаётга кўпроқ яқин бўлган сиёсий тизим моделлари мавжуд эмас. Шунинг учун демократиянинг плюралистик концепцияси сиёсий фикр ва амалиётда катта таъсирга эга. Асосий эътиборни ҳокимиятнинг субъекти сифатидаги халқнинг мураккаб гуруҳий таркибига қаратган ҳолда, бу назария, албатта, ҳозирги демократияларнинг барча йўналишларини акс эттира олмайди ва бир қатор бошқа концепциялар билан тўлдирилади. Ҳокимиятни амалга ошириш жараёнининг ўзига эътиборини **жамловчи назариялар сифатида демократиянинг репрезентатив** (вакиллик) ва **партиципатор** (сиёсий иштирокчилик) концепциялари маълум.

Репрезентатив демократия

Репрезентатив демократияни асословчи концепция вакиллик бошқарувини халқ олдида уни ваколатлилик ва масъулиятлилик деб тушунишдан келиб чиқади. Халқ иродаси бу ерда унинг тўғридан-тўғри иштирокчилиги билан айнан бир хил деб қаралмайди. У барча масалалар бўйича ҳам мавжуд бўлмайди ва фуқаролар томонидан бевосита сайловларда ифодаланади ва шу каби вакиллик органлари ва депутатларга ваколат қилинади, улар ўзларига берилган ваколат доирасида умумий иродани шакллантиради ва антиципирлайди (бошқалардан олдин пайқайдилар), баъзан ўз жавобгарликлари остида унга қарамасдан ҳаракат қиладилар. Халқ ва унинг вакиллари ўртасидаги муносабатлар назорат (асосан электорал, сайловлар ёрдамида ва муассасавий, махсус муассасалар ёрдамида), ҳокимият органлари ва мансабдор шахсларнинг ваколатларини конституцион чеклаш ва уларнинг қонун доирасида тўлиқ мустақиллиги асосида қурилади.

Репрезентатив демократияга анча аниқ таърифни таниқли немис олими Ральф Дарендорф беради, у асл маъносига қарамасдан шундай ёзади: «демократия — «халқ бошқаруви» эмас, бунақаси дунёда (оддийгина) бўлмайди. Демократия — бу халқ томонидан сайланувчи, агарда зарур бўлса, халқ томонидан алмаштирилувчи ҳукуматдир, бундан ташқари, демократия — бу ўз хусусий йўлига эга бўлган ҳукуматдир»[6].

Ҳақиқий репрезентатив демократия, одатда ҳокимиятнинг бўлинишига ва сайловларда халқ томонидан ваколатланган парламент ҳокимиятининг устуворлигига асосланувчи бошқарув тизими — **парламентаризмда** амалга ошади. Бунда парламентарийлар алоҳида сайлов округларининг вакиллари каби эмас, балки ўз қарорларида виждонлари олдидагина масъул бўлувчи, биринчи навбатда бутун халқ манфаатларининг ифодаловчилари сифатида қараладилар.

Репрезентатив демократия томонидан тасдиқланувчи омма бевосита иштирокининг чекланиши тамойили **элитар демократия** концепцияларида ўзига хос асосланиш ва ривожланишга эга бўлди. Таъкидланганидек, бу назарияларда демократик қадриятларнинг бош соҳиби, кўпинча ҳеч нарсадан хабарсиз, бетайин, мафкуравий таъсирларга берилувчан, эгалитаризмга мойил бўлган оддий фуқаролар оммаси эмас, балки жамиятни кўпроқ самарали бошқаришга ва либерал демократия қадриятларини ҳимоя қилишга қодир бўлган элита (энг яхши намоёндалар) ҳисобланади, омма эса элитани сайловлар, унинг таркибига таъсир этиш ёрдамида вақти-вақти билан назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур.

Демократия бу ҳолда — халқнинг розилиги билан амалга оширилувчи элита бошқарувидир. У ҳокимиятни тузиш усулларига олиб бориб, бошқарувнинг бошқа шакллари билан таққослаганда унинг афзалликлари, сайловларда амалга оширилувчи халқ ҳакамлиги ёрдамида ошкоралик ва элитанинг рақобати алмашинувини таъминлашдан иборатдир. Демократиянинг ривожланиши омманинг бошқарувда тўғридан-тўғри иштирокини кенгайти-

[6] Дарендорф Р. Дорога к свободе. // Вопросы философии. 1990. №9. С. 91.

риш билан эмас, балки халқ томонидан назорат қилинувчи натижали, самарали элитани рекрутлашнинг (олиш, жамлаш) самарали механизмини яратиш билан боғлиқ.

Демократиянинг репрезентатив, шу жумладан элитар назарияларининг кучли ва бўш томонлари мавжуд. Бошқарувнинг бу моделидаги бош афзаллик сифатида, одатда унинг эркин ижтимоий тузум ва ижтимоий вазифаларни бажаришдаги юқори самарадорликни кафолатлаш қобилияти қайд этилади. Унинг тарафдорлари фикрига кўра репрезентатив демократия тартиб ва сиёсий барқарорликни кафолатлайди, жамиятни ўткинчи оммавий кайфиятлар ҳамда вақтинчалик қизиқишлардан сақлайди. Вакиллилик демократиясининг юқори самарадорлиги сиёсий тизимнинг оқилона ташкил этилиши: меҳнатнинг аниқ тақсимланиши, қарорлар қабул қилувчи шахслар ваколатлилиги ва масъулиятининг, тўғридан-тўғри ва плебисцитар демократия билан таққослаганда, анча юқорилиги билан изоҳланади.

Агарда репрезентатив демократиянинг тарафдорлари унинг ҳақиқий, баъзан эса сохта бўлган кучли томонларини ҳар тарафлама таъкидласаларда, унинг душманлари эса, **камчиликларига** эътиборни жамлайдилар. Буларга сайловлар ўртасидаги оралиқда халқнинг амалда ҳокимиятдан четлаштирилиши ва бу билан демократиянинг халқ ҳокимиятчилиги каби моҳиятидан четга чиқиши; ҳокимиятнинг муқаррар равишда (бошқарувнинг мураккаб поғонасимон тизими оқибатида) бюрократиялашуви ҳамда олигархиялашуви, депутат ва амалдорларнинг оддий фуқаролардан ажралиши; анча кучли манфаатлар гуруҳларининг ва аввало капиталнинг сиёсатга устун таъсир этиши, амалдор шахсларни сотиб олишнинг нисбатан кенг имкониятлари; ижроя ҳокимияти томонидан қонун чиқарувчиларнинг аста-секин сиқиб борилиши оқибатида давлатда авторитар тенденцияларнинг кучайиб бориши; ҳокимиятнинг, ундан фуқароларнинг деярли тўлиқ бегоналаштирилиши оқибатида, қонунийлашувининг бўшлиги, фуқароларнинг оммавий сиёсий лоқайдлиги; вакиллик органларининг ҳаддан ташқари катта ваколатлари ҳисобидан барча фуқароларнинг сиёсий жараёнда қатнашиш имкониятларининг, сиёсий тенгликларининг камситилиши; сиёсий найрангбозликнинг, ҳокимиятнинг мураккаб, кўп босқичли тизими ёрдамида, кўпчиликка маъқул бўлмаган қарорларни қабул қилишнинг кенг имкониятлари тегишлидир. Репрезентатив демократия механизмининг асосий бўғинлари (сайловчи — парламент — ҳукумат — бош вазир ёки президент — бюрократия) қарорларни ўз ихтиёри бўйича қабул қилиб, сайловчилар хоҳиш-иродасини таниб бўлмайдиган даражагача бузиб кўрсатишга қодир.

Партиципатор демократия

Репрезентатив демократия танқидининг кучайиши, унинг сиёсатда фуқароларнинг эркин ва тенг фаол иштироки каби халқ ҳокимиятчилиги идеалларидан ҳақиқатдан ҳам узоқлашгани таъсири остида, XX асрнинг 60-70-йилларида, бошқарув муассасалари тузилишига партиципатор демократия назариясининг амалий таъсири кучайди ва кенг тарқалди. Улар демократиянинг халқ ҳокимиятчилиги каби меъёрий идеалига энг кўп даражада мувофиқлашувга ва уни замонавий давлат ва ижтимоий тузумига мослаштиришга даъвогарлик қилади.

Бу назария демократияни шахс қадр-қимматини ҳурматлашни таъминловчи, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ташкил этишнинг универсал тамойили сифатида талқин этишдан келиб чиқади. Демократия ҳамма жойда — оилада, мактабда, университетларда, ишлаб чиқаришда, партияларда, давлатда ва бошқаларда ҳам бўлиши керак. Принцип жиҳатидан жамиятда, сиёсатдан ташқарида турадиган ва демократик иштирокчиликка йўл қўймайдиган қандайдир соҳа мавжуд эмас. Фуқаролар нафақат ўз вакилларини сайлашда ва ҳатто нафақат референдумлар, йиғилишлар ва бошқаларда қарорлар қабул қилинишида, балки бевосита сиёсий жараёнда ҳам — қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга оширишда, шунингдек, уларнинг бажарилишини назорат қилишда ҳам фаол қатнашишлари керак.

Партиципациянинг асосий мақсадлари жамиятни ҳар томонлама демократиялаштириш, ижтимоий эмансипация, (эркинлик) ўз-ўзини рўёбга чиқариш ҳисобланади. Бу билан сиёсатда халқ манфаатларининг энг кўп ҳисобга олиниши, ҳокимиятнинг мустаҳкам қонунийлиги, фуқароларнинг сиёсий бегоналашувини бартараф этиш таъминланади. Кўпчилик одамларнинг бошқарувда қатнашиши қарорлар қабул қилиш учун интеллектуал имкониятни кенгайтиради, уларнинг мувофиқлашув эҳтимолини оширади, демак, сиёсий тизимнинг барқарорлиги ва бошқарувнинг самарадорлиги ҳам ошади. Бундан ташқари, сиёсий жараёнларда фуқароларнинг кенг иштироки амалдор шахслар орқасидан самарали назоратни таъминлайди, ҳокимиятни суиистеъмол қилишини, депутатларнинг халқдан ажралиб қолишини, мансабдорларнинг бюрократлашувини бартараф этади.

Партиципатор демократия назариясининг кескин вариантларига янги ижтимоий ҳаракатлар, масалан, экологистларнинг сиёсий концепциялари туташиб кетади. Бу назариялар бошқарувни аксилмарказлаштириш, унда кенг халқ оммасининг тўғридан-тўғри иштироки, ўз-ўзини бошқарувнинг ривожланиши ғоялари билан бирлашган.

Партиципатор демократиянинг нафақат тарафдорлари, балки унга эътироз билдирувчилар ҳам бор. Унинг танқидчилари таъкидлашича, демократия яшаш шакли, ташкил этишнинг универсал тамойили бўла олмайди, чунки демократия асосида ётувчи эркинлик ва тенглик ғоялари у вужудга келган пайтдан буён фуқаролар ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларгагина тааллуқлидир ва ҳаёт фаолиятининг айрим соҳаларига хос бўлган, масалан ўқитувчилар ва ўқувчилар, раҳбарлар ва бўйсунувчилар ҳамда бошқа шу кабиларнинг ўзаро муносабатларидаги табиий тенгсизлик ва мажбурийликка зид келади.

Партиципатор демократия мўлжаллаётган жамиятни кенг сиёсийлаштириш тоталитаризмга ёки халқчил авторитаризмга олиб келади. У индивидуал эркинликни чегаралайди, хусусий мулк ва тадбиркорликка таҳдид туғдиради, чунки шахсни, одатда тенгликка ва мафкуравий таъсирларга мойил бўлган кўпчиликнинг қарорларига бўйсундиради.

Ундан ташқари, ушбу демократиянинг камчиликлари қуйидагилар ҳисобланади: омманинг етарлича ваколатли эмаслиги ва ҳиссий бетайинлиги оқибатида қабул қилинувчи қарорлар самарадорлигининг пастлиги; энг муҳим қарорлар ҳеч ким томонидан назорат қилинмайдиган ва ҳеч нарса учун жавоб бермайдиган нопрофессионалларнинг кенг доираси томонидан қабул қилиниши сабабли, амалдор шахслар муассасавий масъулиятининг пасайиши; амалга оширилишининг мураккаблиги ва юқори қийматлилиги; кўпчилик фуқароларни бошқарувда мунтазам иштирок этишга тортишнинг мажбурлашсиз имконияти йўқлиги, уларнинг энг муҳим ҳаётий манфаатлари одатда касб, иш жойи, даромадлари, оиласи, дам олиш ва бошқалар билан боғлиқ бўлади.

Демократик назария ва шаклларнинг юқорида келтирилган таҳлилидан кўринадики, уларнинг ҳар бири ўз афзалликларига ва камчиликларига ҳам эга. Дунёнинг саноати ривожланган мамлакатларидаги реал мавжуд бўлган демократия ўз-ўзини бошқарув ғоялари ва партиципацияни (асосан, маҳаллий даражада, қисман ишлаб чиқаришда ҳам) бутун мамлакат миқёсидаги вакиллилик билан бирга қўшиб олиб боришга интилмоқда.

Умуман эса, бу **либерал қадриятларга таянувчи ва кўпроқ ёки камроқ даражада айрим христианлик ҳамда социалистик жамоавий ғояларни ҳисобга олувчи, кўпроқ репрезентатив плюралистик демократиядир.** У ҳозирги дунёда мавжуд бўлган бошқарув шаклларидан энг яхшиси, барча халқлар ва аввало Россия учун сиёсий тузумнинг намунаси бўла оладими?

13 БОБ

ДЕМОКРАТИЯГА ЎТИШ

§ 1. Жамиятга демократия керакми?

Дунёда демократиянинг тарқалиши — мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Афина республикаси вужудга келган вақтдан буён демократик давлатлар доимо озчиликни ташкил этиб келдилар. Инсоният тарихида демократиянинг айрим «кўтарилиш»ларидан сўнг, демократик давлатлар сонининг кенгайишида одатда унинг чўзилувчан «пасайиш»лари — бундай давлатлар сонининг қисқариши ёки кўп асрларга умуман йўқолиб кетиши рўй беради. Ҳар қандай давлат ҳам демократияга тайёрми ва у алоҳида кишилар ҳамда жамиятга нимани беришга қодир — давлатчиликни емириш, тартибсизлик, ҳокимиятсизликними ёки эркинлик, тартиб ва гуллаб-яшнашними? Ушбу саволларга жавоблар жамиятни демократиялаштириш йўлига кирган Россия ва бошқа бир қатор постсоциалистик давлатлар учун, айниқса, долзарбдир.

Демократиянинг қадриятли асосланиши

Кўплаб ўн йилликлар давомида либерал демократия Ғарбнинг коммунистик мафкура ва буйруқбозлик социализми билан курашидаги бош белгиларидан бири бўлди. Бу демократия тўғрисидаги нафақат оддий, балки илмий тасаввурларга ҳам ўз таъсирини ўтказди, демократияни барча мамлакатлар ва халқлар учун сиёсий тузумнинг универсал (ҳар ёқлама) ва энг яхши шакли каби асослашга уринишларда намоён бўлувчи, унинг имкониятларини очиқчасига юқори кўтариб баҳоловчи идеаллаштиришнинг оммавий тарқалишига имкон берди.

Жаҳон сиёсий фикрларида демократиянинг қадриятли ва рационал-утилитар асосланишлари мавжуд. Улардан биринчиси демократияни бирдан-бир қадрият (унинг иқтисодий ва ижтимоий таъсиридан қатъий назар), давлат тузумида энг муҳим умуминсоний қадриятлар-

нинг: эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва шу кабиларнинг амалий рўёбга чиқиши сифатида қарайди. Ҳақиқатда ҳам бу шундайми? Демократиянинг замонавий модели бу қадриятларни ўзида қай даражада мужассамлаштиради ёки уларнинг амалга ошишига ёрдамлашади ва бу қадриятларнинг ўзи умуминсоний, яъни барча кишилар ёки ҳеч бўлмаганда катта кўпчилик томонидан тан олинадиган ва хоҳланадиган ҳисобланадими?

Демократия ва эркинлик. Демократия қадрият сифатида

Энг кўп ҳурмат қилинадиган демократик қадриятлардан бири эркинлик ҳисобланади. Минг йиллар мобайнида эркинликнинг кўринишларидан кўпчилиги бахт-саодат ҳисобланмаган. Ҳатто қадимги даврнинг буюк ақл соҳиби Арасту ҳам одамларга улар хоҳлаганидек яшаш учун имконият берилишини, бошқарувнинг нотўғри, ёмон кўринишининг белгиси деб ҳисоблаган.

Айрим цивилизациялар либерал талқинидаги эркинлик тушунчасини, яъни давлатдан ва жамиятдан мустақиллик сифатида, умуман билмаганлар. Жумладан, Хитойга эркинликни либерал тушунишни XIX асрдагина европалик христиан миссионерлар (тарғиботчилар) олиб келган. Бу жамият ижтимоий ва сиёсий иерархиянинг (поғонавийликнинг) табиийлигидан, давлат бошқарувининг инсонийлик, катталарнинг кичиклар тўғрисида ғамхўрлиги ва кичикларнинг қулоқ солиши, яхши тарбия, шарм-ҳаё ва жазо каби тамойиллар асосида қурилишидан келиб чиқарди.

Эркинликни инкор этишда, уни аксил қадрият каби талқин этишда тоталитар фикр анча узоққа кетади. Бундай фикрлашни чуқур очиб берган ҳолда, Е. М. Замятиннинг «Бизлар» номли машҳур романи қаҳрамонларидан бири эркинликни инсониятнинг тартибсиз, ёввойи ҳолати билан айнан бир нарса деб билади, бунинг тескари томони эса жиноят ва бахтсизлик ҳисобланади[1].

Бугунги дунёда эркинликка интилиш анча кучайган бўлсада, кўпчилик бўлмаса ҳам, жуда кўп одамлар ўйлаб ўтирмасдан эркинликни, айниқса, сиёсий эркинликни моддий фаровонлик, хавфсизлик ва тартиботга алмаштиради. Эркинликка бўлган бундай муносабатнинг оммавийлиги давлат тузумида эркинликнинг амалдаги кўриниши сифатидаги демократиянинг қадриятли асосланишини шубҳа остига қўяди.

Эҳтимол, эркинликнинг ўзи агарда кўпчилик томонидан энг муҳим умуминсоний қадрият ҳисобланмас, экан унда эркинликни жуда

[1] Қаранг: Замятин Е. И. МИ; Хаксли О. О дивный новый мир. –М., 1989. С. 16. ва б.

тор йўналишдагина — сиёсий эркинликни амалга оширишни мўлжалловчи демократия бунга янада камроқ даъвогарлик қилса ҳам бўлади. Таъкидланганидек, демократия кўпчиликнинг зўравонлиги билан индивидда шахсий эркинлик ва бошқа ҳуқуқларнинг бўлмаслигини, тўлиқ қабул қила олади. Сиёсий эркинликка нисбатан қўлланилганда демократия принципининг ўзи ҳам одатда унинг иқтисодий, ижтимоий, информацион ва айрим бошқа имкониятлар ёрдамида чеклашни таъқиқламайди, булар эса бозор жамиятида анча нотенг тақсимланган бўлади.

Шу тарзда, ҳокимият органларини шакллантиришда фуқаролар қатнашувининг тенг ҳуқуқини мўлжалловчи эркинликнинг биргина расмий-сиёсий йўналиши демократия учун ажралмас ҳисобланади. Ҳозирги фуқаролар учун бу ҳуқуқ қадрият ҳисобланадими?

Сиёсий эркинликнинг қадр-қиймати

Минг йилликлар мобайнида, ҳар қандай сиёсий эркинликни истисно этувчи монархлар ва аристократия бошқаруви тўлиқ табиий ва адолатли ҳисоблаб келинди. Индивидуалистик дунёқараш ва шахс ўзини-ўзи англашининг ривожланиши билан одамларнинг давлат ишларида иштирок этишга интилиши кучайди, сиёсий эркинлик ижтимоий қадриятлардан бирига айланди. Сиёсат ҳозирги одамлар ҳаётига анча катта таъсир кўрсатаётган бўлишига қарамасдан барибир, унинг шаклланишида эркин иштирок этиш имконияти, ҳокимиятга тенг ҳуқуқли таъсир этиш кўпчилик фуқаролар томонидан энг муҳим қадрият ҳисобланмайди.

Бу, аввало, шу билан изоҳланадики, фуқароларнинг бевосита ҳаётий муҳим манфаатлари одатда носиёсий соҳаларда ётади ва уларнинг амалга оширилмаслиги демократия билан бевосита боғлиқ эмас. Сиёсий эркинлик ҳатто уларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Бундай ҳолларда фуқаролар, қоида тариқасида, бошқа ҳаётий муҳим мақсадлар, масалан, иқтисодий самарадорлик, хавфсизлик ва тартиботни мустаҳкамлаш ҳисобига ўз эркинликларини чегаралашни афзал кўрадилар. Бунда демократия кўпчиликнинг қарори индивидуал, баъзан эса ҳар қандай эркинликни ҳам чеклаш инструменти бўлиб чиқиши ҳам мумкин, масалан, Веймар республикасида Гитлерга демократик йўл билан олий ҳокимиятнинг берилиши воқеасидаги каби.

Оммавий онгда сиёсий эркинликнинг нисбатан юқори бўлмаган қадриятли мақоми, шунингдек, унинг бевосита «плюс» ва «минус»ларининг, шахсий фойда ва харажатларнинг ўзаро нисбатидаги ноқулайликлар билан изоҳланади. Сиёсий ҳуқуқларни

фаол амалга оширишдаги тўғридан-тўғри шахсий фойда одатда унча катта эмас ва сиёсий қарорлар қабул қилинишига айрим одамнинг таъсир этиш қобилияти эҳтимолининг кичиклигидан кўпинча шубҳали бўлиб туюлади. Самарали сиёсий фаолият учун зарур бўладиган вақт, куч-қувват, баъзан моддий воситалар ҳам, жуда каттадир. Шунинг учун кундалик, тор эгоистик манфаатлар нуқтаи назаридан, сиёсий эркинликдан фойдаланиш, давлат ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда қатнашиш индивидга умуман фойдасиздир. Ижтимоий фаолият инсоннинг ўз-ўзини рўёбга чиқаришига ёрдам берсада, кўпчилик одамлар сиёсатга қараганда ўзини намоён қилишнинг бошқа соҳаларини афзал кўрадилар.

Сиёсий эркинликнинг кўпчилик одамлар учун нисбатан юқори бўлмаган аҳамиятлилиги ва демократия ҳамда эркинликнинг жуда бўш алоқадорлиги демократиянинг қадриятли асосланишини шубҳа остига қўяди.

Демократия, тенглик, ижтимоий адолат

Демократиянинг бошқа кенг тарқалган қадриятли асосланиш-лари, масалан, уни тенглик ва ижтимоий адолат билан тенглаштириш ҳам ишонарлилиги билан ажралиб турмайди. Бу тушунчаларнинг ўзи турли кишилар, шу ҳисобдан олимлар томонидан ҳам турлича талқин қилинади.

Ҳозирги дунёда тенгликни, шахснинг ўзини-ўзи рўёбга чиқариши, унинг ривожланиши ёки ҳар бир кишининг ўз хизматларига қараб тақдирланиши учун имкониятлар, ҳар бир инсон учун бир хилдаги имконлар каби тушунишлар кўпчилик фуқаролар ҳурматлайдиган қадрият сифатида чиқмоқда. Бундай тенглик ижтимоий тенглик ва адолатсиз нотенгликка қарама-қарши ҳолда адолатли ҳисобланади.

Демократия имкониятлар тенглигини таъминлаш ва хизматига яраша тақдирлаш билан ҳам ғоят бўш боғланган. У барча фуқароларнинг расман тенглигинигина, яъни уларнинг юридик шахслар каби тенг ҳуқуқлилигини англатади. Унинг томонидан таъминланувчи сиёсий тенглик одамларнинг ҳаётий имкониларидаги амалий тенгликдан жуда узоқ ва чуқур ижтимоий тенгсизликни тўсиб турувчи парда сифатида фойдаланилиши мумкин.

Демократиянинг эркинлик, тенглик ва умуман гуманизм (инсонпарварлик) билан ғоят бўш алоқадорлигини ҳисобга олганда, уни асосий инсоний қадриятлардан бири ҳисобланувчи ижтимоий адолат билан ўхшатиш ҳам ҳеч қандай асосга эга эмас.

Демократиянинг одамлар томонидан энг кўп эъзозланадиган (умуминсоний) қадриятлар — эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва бошқаларга ҳар хил муносабатдалиги, шунингдек, уларнинг турлича, кўпинча очиқчасига қарама-қарши талқин қилиниши ҳамда уларнинг бошқа, кўпроқ дунёвий кундалик шодликларни афзал билиши ғоят кенг тарқалганлиги, демократиянинг қадриятли асосланиши, унинг томонидан турли халқларни мажбуран «бахтли қилиш»га амалий уринишлар каби асоссизлигидан ёки камида шубҳалилигидан гувоҳлик беради.

Демократиянинг рационал-утилитар асосланиши

Агарда демократия ўз-ўзича қанчадир умум тан олган қадрият ҳисобланмаса, унда у инструментал қадрият бўлиши, яъни бошқарувнинг бошқа шаклларига таққослаганда жамият ва одамларга кўпроқ фойда келтириши мумкиндир?

Демократия фойдасига иккинчи, рационал-утилитар гуруҳдаги далиллар қадриятли ёндашувдан мавҳумлаштирилади ва уни ташкил этишнинг энг рационал, барча фуқаролар учун фойдали шакли каби талқин этади. Демократик бошқарув барча ижтимоий гуруҳларга ўз манфаатларини баён этиш ва уйғун ҳолда қўшиб олиб боришга имкон беради деб тасдиқланади. У жамиятнинг янги нишоналарини, даврнинг ва турли ижтимоий кучларнинг талабларини англашини кучайтиради, мақбул қарорларни топиш эҳтимолини оширади.

Демократия ижтимоий муқобиллик механизмини аниқлаш ва танлашни намоён этади. Рақобатли бозор тузилмалари билан бирга у жамиятни ривожланишнинг халқ томонидан афзал деб ҳисобланувчи ҳар қандай ғоялар ва вариантлар учун очиқ қилиб қўяди. Шунинг учун демократик бозор давлатини очиқ жамият деб аташ мумкин. Бу унга нисбатан «капитализм» ва «социализм» каби кенг тарқалган тавсифларнинг қўлланилмаслигини билдиради.

Демократиянинг тизимли асосланиши

Демократиянинг анча атрофлича рационал-утилитар асосланиши тизимли назарияда мавжуддир. (Н. Луманн, К. Дойч ва б.). Демократиянинг тизимли талқини унинг мавжудлигини инсонпарварона англашдан эмас, балки ижтимоий тизимнинг сақланиши ва ривожланишининг энг яхши имкониятлари, унинг тинимсиз ўзгарувчи муҳитга мослашуви билан оқлайди. Демократик тизимнинг юқори мослашувчанлигига унга хос бўлган бир қатор тамойиллар хизмат қилади. Демократияни рағбатлантирувчи **плюрализм** ижтимоий ҳодисаларнинг турли-туманлигини, маънавий ва ижтимоий муқобилликларнинг бой бўлишини таъминлаб, бу билан эса ривожланишнинг

мақбул йўлларини топиш эҳтимоли ва сиёсий танлаш диапазонини кенгайтиради. Демократик **ҳамиштирокчилик** сиёсий қарорлар қабул қилишда турлича қарашлар ва вазиятларни тасаввур қилишга, улардан энг маъқулларини танлашни амалга оширишга имкон беради.

Мухолифатнинг борлиги сиёсий қарорлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилишга, уларнинг бўш томонларини аниқлашга, муқобилларини топишга имконият беради. **Парламент ва ҳукуматнинг** даврий рақобатли алмашинуви хатоларни ўз вақтида тўғрилашга ва ўзгарувчан вазиятга мос равишда сиёсий йўлга нозик тузатишлар киритишга ёрдам беради.

Демократияни тизимли изоҳлаш унинг гуманистик индифферентлиги (лоқайдлик), ахлоқий талабларни ва умуминсоний қадриятларни мавҳумлаштириши учун танқидга дучор этилади. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, системанинг ўзини-ўзи сақлашига ёрдамлашувчи ташкилотнинг ҳар қандай ноинсоний шаклларини бир хилдаги муваффақият билан оқлаш мумкин.

Демократиянинг тизимли модели — хусусан, унинг рационал-утилитар асосланиши ҳам — инсон ҳақида оқилона фикрловчи ва ҳаракат қилувчи, эркинликка интилувчи, демократик тартибларни, қонунни, бошқа одамларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилувчи ҳамда ўз-ўзини чеклашга қобилиятли мавжудот деб билувчи анъанавий либерал тасаввурлардан келиб чиқади. Бундай демократик моделдаги асосий шахс-сайловчи — «ўзининг шахсий манфаатларини тўғри англайди ва муқобил номзодларни, улардан қайси бири унинг манфаатларига энг яхши тарзда хизмат қилиши асосида баҳолайди, шундан кейингина овозини ўзи томонидан энг юқори баҳоланган номзодга беради»,[2] — деб фараз қилинади.

Шахснинг бундай модели кўпроқ ёки камроқ даражада ғарб воқелигини акс эттиради, бироқ ҳеч ҳам универсал (ҳар тарафлама) ҳисобланмайди. Хулқ-атворнинг ижтимоий қонун-қоидалардан холилиги, индивидуал ва гуруҳий худбинлик, бошқа одамлар ва халқларнинг манфаатларини менсимаслик, мурosa-мадорага келишини хоҳламаслик, миллий, диний ва синфий келишмовчиликлар бугунда ҳам дунёнинг кўпчилик давлатларида сиёсий ҳаётнинг ўхшаш белгилари ҳисобланади.

Кўпчилик сиёсий антропологларнинг таъкидлашича, инсон демократияга доимо ҳам тайёр эмас, чунки у — «зиддиятли мавжудот, доимо тавакkалчи ва хавфли, бузилишга тайёр, ташқи таъсирларга, заҳарлашларга берилувчан ва фақат қисмангина ақлли, зиддиятли мавжудотдир»[3]. Фақат айрим индивидлар эмас, балки бутун бошли халқлар ҳам ҳокимият томонидан ғамхўрлик муносабатларига кўникиб қолганлар. Кўпчилик эгоистик интилишларни ва агрессив инстинктларни чегараловчи ҳамда инсонни «ўзидан-ўзини» ҳимоя қилувчи, қаттиққўл, авторитар ҳокимиятсиз нормал яшай олмайди.

Демократия универсал бўлмаган қадриятдир

Инсон ва демократия тўғрисида бунга ўхшаш барча фикрлар билан ҳам келишиш мумкин бўлмасада, тарих сабоқларига кўра, демократия— фақат халқнинг сиёсий маданияти ва менталитетига мос келса, зарур иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларга эга бўлсагина бахт-саодат гаровидир. Акс ҳолда, у охлократияга — оломон ҳокимиятига ўзгаради, сафсатабозлар томонидан бошқарилиб, тартибсизлик ҳамда ҳокимиятсизликка ва охир-оқибатда диктаторлик тартибларига олиб келади.

Демократияни қадриятли ва рационал-утилитар (манфаатли) асослашларнинг ҳам танқид учун заифлиги, унинг барча даврлар ва халқлар учун бошқарувнинг энг яхши, универсал шакли ҳисобланмаслигини билдиради. «Ёмон», самарасиз демократия жамият ва фуқаролар учун, ёмонроқ бўлиши мумкин. Тарихнинг гувоҳлик беришича, заиф ёки коррупциялашган демократик тартибларга қараганда, кўплаб монархиялар, ҳарбий хунталар ва бошқа авторитар ҳукуматлар иқтисодий тараққиёт, фаровонликни ошириш, фуқаролар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг индивидуал эркинликларини кафолатлаш, шунингдек, меҳнат натижаларини адолатли тақсимлаш учун анча кўп хизмат қиладилар.

Демократиянинг афзалликлари

Ҳозирги дунёда бошқарувнинг демократик шаклларига аҳолининг ўсиб бораётган интилиши, барибир, тасодифий эмас. Маълум бир ижтимоий шарт-шароитлар мавжуд бўлганда демократия бошқарувнинг бошқа шаклларга нисбатан бир қатор афзалликларга эгадир.

Барча нодемократик сиёсий тизимларнинг умумий камчилиги шундан иборатки, улар халқ назоратида эмас, демак, уларнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари характери, аввало, бошқарувчиларнинг иродасига боғлиқ бўлади. Ўтган асрларда авторитар ҳукмдорлар содир этадиган ўзбошимчаликлар, бош-

[2] Enelone J. The Sportial Theory of Voting: An Introduction. Cambridge, 1984. P. 3.

[3] Kaltenbrunner. G. –K. Ratlos for dem Feinde // Illusion der Bruderlichkeit: Die Notwendigkeit Feinde zu haben. Munchen, 1980. S. 21.

қарув анъаналари, монархлар ва аслзодаларнинг нисбатан юқори маълумотлилиги ва тарбияланлиги, уларнинг диний-ахлоқий кодекслар асосида ўзини-ўзи назорат қилиб туриши, шунингдек, черковнинг фикри ва халқ қўзғолонлари таҳдиди билан жиддий тийиб турилар эди. Ҳозирги даврда бу омиллар ёки умуман йўқолди, ёки уларнинг таъсири анча бўшашди. Шунинг учун **ҳокимиятни ишончли жиловлаб туриш, фуқароларни давлатнинг ўзбошимчаликларидан ҳимоялашни кафолатлаш фақат демократик шаклдаги бошқарувда мумкин**.

У нафақат алоҳида фуқароларга, балки сиёсий тизимнинг ўзига ҳам керак. Харизматик, анъанавий ва мафкуравий қонунлаштириш имкониятларининг кучсизланган шароитларида, самаралироқ бўлиш учун, ҳокимият демократик тартиблар воситасида халқ томонидан тан олинишга, айниқса, муҳтож бўлади.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўп жиҳатдан демократиянинг ривожланишини рағбатлантиради, фуқароларнинг демократик менталитети ва қадриятли мўлжалларини озиқлантиради. У шахснинг ижтимоий озодлигини, унинг қадр-қиммати ва фикрлаш мустақиллигини, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурматлашни талаб этади. У ахборот эркинлиги ва умуман, ижтимоий ҳаётнинг плюрализмига муҳтож бўлади. Шу маънода, **индивидуал эркинлик ва масъулиятга, ўз шахсий ҳудбинлигини чеклашга, қонун ва инсон ҳуқуқларини ҳурматлашга тайёр халқларга демократия ҳақиқатда ҳам индивидуал ва ижтимоий ривожланиш, инсонпарвар қадриятлар: эркинлик, тенг ҳуқуқлилик, адолат, ижтимоий ижодиёт учун энг яхши имкониятларни яратади**. Демократия мумкин ва самарали бўлиши, умумий бахт-саодатга хизмат қилиши учун қандай ижтимоий шарт-шароитлар зарур?

§ 2. Демократиялаштиришнинг шарт-шароитлари ва йўллари

Ҳозирги дунёда демократия ғояси ғоят кенг тарқалган ва тан олинган бўлсада, бошқарувнинг бу шакли шароитларида ҳалигача ер шари аҳолисининг камчилик қисми яшамоқда. Кўпчилик мамлакатларда демократия, асосан, авторитар ҳокимиятлар учун салобатли пештоқ бўлиб хизмат қилмоқда. Кўпинча бошқарувнинг демократик шакллари яшашга қобилиятсиз бўлиб чиқмоқда ва ҳалокатга учрамоқда. Қандай омиллар демократияга ўтишни мумкин қилади ва унинг барқарорлиги нимага боғлиқ бўлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин

ғарбда амалга оширилган кўп сонли илмий тадқиқотлар бу саволларга жавоб беришга уринди. Уларнинг муаллифлари кенг статистик материални қиёсий таҳлил этиш асосида демократиянинг бир қатор иқтисодий, ижтимоий, маданий, диний ва ташқи сиёсий шарт-шароитларини аниқладилар.

Демократиянинг иқтисодий шарт-шароитлари

Демократиянинг энг муҳим иқтисодий шарт-шароитларидан бири индустриал ва умуман иқтисодий ривожланишнинг нисбатан юқори даражаси ҳисобланади. Иқтисодий кўрсаткичлар бўйича демократик мамлакатлар, авторитар ва тоталитар давлатлардан олдинга ўтиб кетган. Аммо иқтисодий ривожланиш даражаси ва демократия ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш йўқ. Буни бир қатор тарихий далиллар исботлайди. АҚШ ҳали XIX асрда, асосан, индустриягача бўлган босқичда демократияга ўтган эди. Шу билан бирга, нисбатан юқори саноат ривожланишига қарамасдан СССР, ГДР, Чехословакия, Жанубий Корея, Бразилия ва бошқаларда яқин вақтларга қадар ҳам тоталитар ёки авторитар тартиблар мавжуд эди.

Индустриал ривожланишга демократиянинг яна бир шарт-шароити — урбанизациянинг юқори даражада бўлиши боғлиқдир. Йирик шаҳарлар аҳолиси демократияга, консерватизм билан ажралиб турувчи, бошқарувнинг анъанавий шаклларига эргашувчи қишлоқ аҳолисига қараганда, кўпроқ тайёр бўлади.

Демократиянинг яна бир муҳим шарти — оммавий коммуникациянинг ривожланганлиги бўлиб, газета, радио, телевидениянинг тарқалганлиги билан характерланади. ОАВ фуқароларга қабул қилинаётган қарорлар, партиялар, сайлаб қўйилувчи амалларга номзодлар ва бошқалар ҳақида хабар берган ҳолда сиёсат ҳақида фикр юритишга ёрдам беради. Катта ҳудуд ва юқори аҳоли сонига эга мамлакатларда оммавий коммуникациясиз демократия амалда мумкин эмас. Демократиянинг энг муҳим шарт-шароитларидан бири бўлиб, бозор тизимидаги, рақобатли иқтисодиёт чиқади. Тарих бозорсиз ва хусусий мулксиз давлатларда демократия бўлганлигига мисолларни билмайди. Бозор иқтисодиёти иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятнинг жамият гуруҳларидан бирининг ёки партия-давлат аппаратининг қўлида жамланишига тўсқинлик қилади. У индивиднинг автономлигини (мустақиллигини) таъминлайди, уни тоталитар давлат назоратидан ҳимоялайди, унда эркинликка, масъулиятлиликка, тадбиркорликка интилиш каби демократия учун зарур сифатларни рағбатлантиради. Бозорсиз замонавий демократия асоси бўлиши фуқаролик жамияти бўлмиш мум-

кин эмас. Рақобатли бозор муносабатларига муҳтож бўлган ҳолда демократия анча ривожланган давлат корхоналари тизими ва ижтимоий таъминот билан ҳам тўлиқ чиқиша олади.

Демократиянинг ижтимоий шарт-шароитлари

Бозор иқтисодиёти буйруқ-бозлик хўжалик тизимига қараганда, фуқаролар фаровонлигининг нисбатан юқори даражаси каби демократиянинг муҳим шарт-шароитини яхшироқ таъминлайди. У ижтимоий можароларни юмшатишга, демократия учун зарур бўлган муросага енгилроқ эришишга имкон беради.

Ижтимоий бойлик, ижтимоий тенгсизликни юмшатишга ёрдам берган ҳолдагина жамиятни демократиялаштиришга қулай таъсир кўрсатади. Бу демократиянинг навбатдаги шарт-шароитидир. Ижтимоий тенгсизликнинг қутбланиши ўткир сиёсий можароларни туғдириши исботланган, уларни демократик муассасалар ва усуллар ёрдамида ҳал этиш кўпинча мумкин бўлмайди. Шу сабабдан жамиятнинг бойлар ва камбағалларга қутбланиши — бойликларни тенг тақсимлаш шароитида бошқарувнинг бу шакли мумкин бўлмасада — демократия учун жиддий тўсиқдир.

Демократия учун ҳозирги индустриал ривожланган мамлакатларда устувор бўлган ижтимоий тенгсизликнинг декомпозицияси модели энг қулайдир. Бу модел турли ноёб неъматларни (даромад, бойлик, обрў, ҳокимият, таълим ва б.) бир ижтимоий гуруҳ (синф)да жамланишига йўл қўймайди, аксинча, бир соҳада (масалан, ҳокимиятга эришишда) паст кўрсаткичга эга бўлган индивид бошқа неъматларга (масалан, юқори даромад ва таълимга) эга бўлиш ҳисобидан ўзини қоплаши учун, жамиятда уларнинг тарқоқ бўлишини талаб этади. Ижтимоий тенгсизликнинг бундай тузилмаси жамиятнинг мақомий қутбланиши ва ўткир оммавий можаролар вужудга келишига тўсқинлик қилади.

Ижтимоий тенгсизликнинг декомпозицияси демократиянинг ижтимоий плюрализм каби умумий шарт-шароити билан анча даражада мос келади. У аҳолининг ижтимоий таркибидаги турли-туманликни, унда нисбатан бир хил, шаклсиз омма эмас, балки аниқ шаклланган синфлар, касбий, минтақавий, диний, маданий, этник (миллий) ва бошқа жамоавий ўз-ўзини англаш қудратига эга бўлган гуруҳларнинг мавжудлигини англатади. Бундай гуруҳлар давлат ҳокимиятининг жамланиши тенденциясини тўхтатиб туради, уни монополлаштиришга интилувчи кучларга қарши посанги бўлиб чиқади, ҳокимият устидан самарали назорат ўрнатилишига имконият яратади. Ижтимоий плюрализм фуқаролик жамиятининг ривожланганлигини, унинг давлатдан мустақил партиялар ва манфаатлар гуруҳларини шакллантиришга, яъни сиёсий плюрализмга қобилиятлилигини характерлайди.

Ижтимоий плюрализм демократиянинг кўп сонли ва таъсирли ўрта синфнинг бўлиши каби энг муҳим шарт-шароитига зид келмайди, чунки бу синфнинг ўзи ички томондан табақалашган ҳамда энг муҳим стратификацион кўрсаткичлар: даромад, таълим ва шу кабилар бўйича яқин бўлган турли гуруҳлардан иборат. Ўрта синф юқори таълим даражаси, шахснинг ўз-ўзини англаши ривожланганлиги, ўз қадр-қимматини ҳис этиши, сиёсий мулоҳазаларининг омилкорлиги ва фаолликлари билан фарқ қилиб туради. Ғарб демократияларида ўрта синф қуйи ва юқори қатламларга қараганда кўпчиликни ташкил этади. Уларни баъзан жамиятнинг «учдан иккиси» деб аташлари тасодифий эмас, бу жамиятда барча фуқароларнинг тахминан учдан икки қисми фаровонликда яшаётганлигини англатади.

Ўрта синфдан ташқари бошқарув демократик шаклининг таянчи бўлиб, бозор билан боғланган рақобатли буржуазия — тадбиркорлар ҳисобланади. Плюралистик демократиянинг тамойиллари унинг фаолият тарзига ва индивидуалистик дунёқарашига тўлиқ мос келади. Демократиянинг шаклланиши, одатда ривожланган ички бозорли ва рақобатли буржуазияси бўлган катта давлатларда муваффақиятли кечади. Бирёқлама, экспортга мўлжалланган иқтисодиёт ва давлат билан бирикиб кетган монополистик буржуазияга эга давлатлар эса кўпроқ авторитаризмга мойил бўлади.

Аҳолининг саводхонлиги, умуман, унинг билим даражаси демократиянинг умумий шарт-шароити ҳисобланади. Маълумки, шахс сиёсий мулоҳазаларининг салмоқлилиги, унинг интеллектуал ривожланиши, фикрлаш эркинлиги, шахсий қадр-қимматни ҳис этишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Билимсиз одам ҳақиқатдан ҳам сиёсатдан ва демократиядан ташқарида туради, ҳокимият ёки бошқа сиёсий кучлар томонидан найрангбозлик объекти ҳисобланади.

Турли-туман иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитларнинг мавжудлиги муқаррар равишда бошқарувнинг демократик шаклларини туғдирмайди. Бироқ бозор иқтисодиётига, ижтимоий тенгсизлик анча юмшатилган ва можаролар камроқ, кўпсонли ўрта синф ва таъсирли бозор буржуазиясига, плюралистик ижтимоий тузилишга эга бўлган индустриал ривожланган мамлакатларда демократияга ўтиш мумкин ва кўпроқ эҳти-

молга яқиндир. Ва аксинча, кам таъминланган одамлар кўп сонли бўлган, даромадлар ва мулкнинг тақсимланишида қутбланиш бўлган, оқибатда эса ўткир ижтимоий можароларга эга давлатларда демократия самарали ва яшовчан бўла олмайди.

Сиёсий маданият демократиянинг шарт-шароити сифатида

Давлат тузумига иқтисодий ва ижтимоий омилларнинг таъсири кўп жиҳатдан жамиятда ҳукмрон бўлади. У ўзида менталитетни, сиёсатни ҳис этиш ва фикрлаш усулларини, инсон онгида қайта ишланувчи одамлар тажрибасини, фуқароларнинг ҳокимиятга муносабатларини характерловчи қоидалар ва қадриятли мўлжалларни намоён этади.

Жамиятга сиёсий маданиятнинг таъсири ва моҳияти 17-бобда махсус қараб чиқилган. Демократияга нисбатан қўлланилганда эса таъкидлаш лозимки, у билан машҳур америка сиёсатшунослари Габриэл Алмонд ва Сидней Верба томонидан фуқаролик маданияти деб аталган, маълум турдаги сиёсий маданиятгина бир-бирига мос келади. Улар сиёсий маданиятнинг уч асосий турини ажратадилар: патриархал, унинг учун бевосита, кундалик манфаатлар билан одамлар сиёсий имкониятининг чегараланиши, сиёсатда қатнашувининг оқибатларини, ўз сиёсий ролини англамаслик характерлидир; фуқаровий, бунда фуқаро, сиёсатнинг мақсад ва вазифаларини тушунсада, бироқ ўзини сиёсий етакчилар буйруқларининг ижрочиси каби сезади ва тутади; фаоллашган (сиёсий иштирокчилик), унинг намоёндалари ўзларини сиёсий жараённинг мустақил фаол иштирокчилари деб биладилар, ўз мақсадлари ва уларни амалга ошириш йўлларини очиқ англайдилар.[4]

Демократия фаоллашган ва фуқаролик маданиятлари сифатларини бирлаштирувчи фуқаролик сиёсий маданияти негизидагина илдиз отиши мумкин. Бу хилдаги иккиёқламалилик демократия учун зарурий бўлган сиёсатда фаол қатнашишни, бир томондан — бошқаришга, иккинчи томондан эса — қонунга, кўпчиликнинг қарорларига бўйсунишга қобилиятлиликни акс эттиради.

Агарда сиёсий маданиятнинг айрим турлари демократиянинг ўрнатилишига ёрдамлашса, бошқалари эса унга ўтишга тўсқинлик қилади. Масалан, давлат, жамият ва индивидни бир бутун деб қаровчи ва шахснинг ҳамда сиёсий муассасаларнинг давлатга нисбатан мустақиллигига йўл қўймайдиган «яхлит», тотал сиёсий маданият демократияга томон ҳаракатларни секинлаштиради. Ҳокимият ва унинг поғонавий тузилишини ҳурмат қилувчи, сиёсий

[4] Қаранг: Almond G., Verba S. The Civic Civic Culture. Princeton, 1963.

зўравонликка чидовчи маданият ҳам демократияга душмандир. Ва аксинча, унга ижтимоий плюрализмга йўл қўйувчи ва инсон ҳуқуқларини, унинг эркинлиги ва масъулиятини, ўз-ўзини чеклашга ва келишувларга қобилиятлилигини юқори баҳоловчи очиқ, индивидуал сиёсий маданият қулайлик яратади.

Диннинг таъсири

Фуқароларнинг сиёсий маданияти ва хулқига дин катта таъсир кўрсатади. Кўп жиҳатдан одамларнинг менталитети, сиёсий онгнинг энг чуқур тузилмаларини ва дунёни англашини шакллантирган ҳолда, дин демократияга ўтишни секинлаштириши ҳам, рағбатлантириши ҳам мумкин. Демократик бошқарувнинг ўрнатилишига индивидуал эркинлик ва масъулиятлилик, тенглик, меҳнатсеварлик, черков поғонавийлигини инкор этиш қоидаларига асосланувчи протестантизм қулай таъсир кўрсатади. Бугун, асосан, протестант аҳолидан иборат бўлган барча давлатлар демократик ҳукуматларга эга. Барча динлар ҳам демократияни рағбатлантирмайди. Масалан, у билан ислом, айниқса, унинг сиёсат ва дин ўртасидаги, диний ва дунёвий ҳаёт ўртасидаги тафовутларни инкор этувчи ғоялари ёмон мослашади. Унга фуқароларнинг сиёсий иштирокчилиги муаммосининг ўзиёқ бегонадир. Умумий планда эса, шахсга эркин макон ва танлашни қолдирмайдиган ҳамда мукаммаллик ва тугалликка, шахсий ва ижтимоий ҳаётни диний тартибга солишга даъвогарлик қилувчи, унинг якуний мақсадларга қаттиқ бўйсундирувчи динлар ва маданиятлар демократияга тўсқинлик қилади.

Демократиянинг ташқи сиёсий шарт-шароитлари

Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва диний омиллар демократиянинг ички шарт-шароитларини характерлайди. Аммо унинг учун ташқи таъсирлар ўсиб борувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. У иккиёқлама тўғридан-тўғри ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, маданий-информацион ва бошқа таъсирлар ҳамда демократик давлатлар намунаси таъсири ёрдамида намоён бўлади.

Тарихнинг кўрсатишича, демократия нафақат ички ривожланишнинг натижаси, балки ташқи, жумладан, куч ёрдамидаги таъсирнинг оқибати бўлиши ҳам мумкин. Ўнлаб собиқ мустамлакаларда демократик муассасалар метрополияларнинг (мустамлакага эга давлатнинг) тўғридан-тўғри таъсири остида, айрим давлатларда эса, масалан, Доминикан Республикаси ва ГФР да — ҳарбий йўл билан босиб олишдан кейин яратилди. Бироқ демократия ташқаридан келтирилган ҳоларда, ҳали унинг учун ички шарт-шароитлар яратилмагунча, барқарор ва яшашга қобилиятли бўла олмайди.

Умумий планда демократиялаштириш жараёнига демократик давлатлар билан қўшни бўлиш ва уларнинг ҳар томонлама қувватлаши ҳам ёрдам беради. Бироқ бундай мамлакатлар томонидан ёрдам, айниқса, йирик давлатлар ҳақида собиқ рақиблар ва муқаррар рақобатчилар ҳақида гап борганда, доимо ҳам аҳамиятли ва ғаразсиз бўлавермайди.

Демократиянинг турли-туман шарт-шароитлари унга у ёки бу мамлакатда ўтиш имкониятини характерлайди, лекин ҳали бу жараённинг ўз моҳиятини очиб бермайди. Бу ўзи нимани ифодалайди?

Демократиялаштиришнинг умумий моделлари

Турли мамлакатларнинг демократияга ўтиш тажрибасининг таҳлили ва умумлаштирилиши бир неча типик намуналарни, бу жараённинг моделларини ажратишга имкон беради. Демократиялаштиришнинг классик модели деб одатда британия варианти ҳисобланади. Унинг моҳияти монархик ҳокимиятни аста-секин чеклаш, фуқаролар ва парламент ҳуқуқларини кенгайтиришдан иборат. Дастлаб фуқаролар фуқаролик (шахсий) ҳуқуқларини, кейинроқ — сиёсий ҳуқуқларни ва анча кейин — ижтимоий ҳуқуқларни оладилар. Сайлов цензлари аста-секин чекланади ва бартараф этиб борилади. Парламент олий қонунчилик ҳокимиятига айланади ва ҳукуматни назорат қилади. Бу моделни тўғри чизиқли демократиялаштириш деб аташади, чунки у демократиянинг аста-секин, бир йўналишли кенгайиб боришини англатади.

Тўғри чизиқли моделдан демократиянинг цикли (даврий) модели тубдан фарқ қилади. У сиёсий элитанинг демократияга расман ижобий муносабати шароитида бошқарувнинг демократик ва авторитар шаклларининг алмашиб туришини мўлжжаллайди. Бундай ҳолда халқ томонидан сайланган ҳукумат ёки ҳарбийлар томонидан ағдарилади ёки ҳукуматнинг ўзи ҳокимиятни йўқотишдан қўрқиб, машҳур эмасликнинг ўсиши ҳамда мухолифатнинг кучли қарама-қарши туриши билан тўқнашиб, уни зўрлик билан тортиб олади.

Циклик (даврий) моделда авторитар ва демократик муассасалар бир-бири билан ёнма-ён бўлишлари мумкин, масалан, парламентнинг мавжудлиги давлатда ҳарбийларнинг алоҳида ролини мустаҳкамлаб қўйиш билан бирга қўшиб олиб борилиши мумкин. Бу модел Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда кенг тарқалган. Уни Боливия, Аргентина, Гана, Нигерия, Таиланд ва кўплаб бошқа давлатлар синаб кўрдилар. Демократияга бундай ўтиш одатда чўзилувчан ва қийин кечади. У демократиянинг ички шарт-шароитлари етук эмаслигидан ва айниқса, унинг ҳукмрон сиёсий маданиятда бўш илдиз отганлигидан гувоҳлик беради.

Циклик модел билан таққосланганда демократиялаштиришнинг диалектик модели кўпроқ истиқболли ҳисобланади. У ҳам циклик модел каби ўтиш даври сиёсий режимларининг беқарорлиги билан характерланади. Аммо унинг фарқ қилувчи белгиси шундан иборатки, бунда демократияга ўтиш унинг учун анча пишиб етилган ички шарт-шароитлар: индустрлаштириш, кўп сонли ўрта синф, фуқароларнинг етарлича юқори билим даражаси, оммавий онгнинг мураккаблашуви ҳамда индивидуаллашуви ва бошқалар таъсири остида амалга оширилади. Булар ва бошқа омилларнинг кучайиши авторитар тартибларнинг анча тезда ва тўсатдан ҳалокатига олиб келади.

Уларнинг ўрнига келувчи демократик ҳукуматлар кўпинча мамлакатни самарали бошқаришга қобилиятсиз чиқадилар ва янги авторитар тартиблар билан ўрин алмашадилар. Бироқ кейингилари ҳам узоқ яшамайди, давлат бошқарувининг мураккаб вазифаларини ҳал этолмасдан ўринларини демократик кучларга бўшатиб беради ёки улар томонидан ағдарилади. Кейин аста-секин барқарор, яшовчан демократия ўрнатилади. Ривожланишнинг бундай йўлини кўпчилик мамлакатлар: Италия, Греция, Испания, Австрия, Чили ва бошқалар ўтдилар. Собиқ СССРнинг бир қатор республикаларида ва Россиянинг ўзида ҳам воқеалар кўп жиҳатдан шунга ўхшаш тарзда ривожланмоқда.

Демократиялаштиришнинг қонуниятлари

Демократиянинг юқорида қараб чиқилган барча моделлари демократик ўзгартиришларнинг даврий кетма-кетлигини ва характерини акс эттиради. Бу мураккаб ва ўз мазмуни бўйича бой жараён демократияга ўтаётган барча мамлакатларда ёки уларнинг асосий кўпчилигида намоён бўлувчи бир қатор умумий тенденцияларга (уларни баъзан қонуниятлар деб атайдилар) эга. Шу нарса аниқланганки, демократиянинг барқарорлиги унга ўтишнинг аста-секинлиги ва бунинг учун ишлатилган кучнинг камроқлигига, одатда тўғридан-тўғри боғлиқдир. С. П. Хантингтон таъкидлашича, яшовчан демократияни мафкуралашган сиёсий ҳаракат раҳбарлиги остида инқилобий йўл билан яратиш мумкин эмас. «Авторитар тартибларга мухолифатда бўлган барча инқилобий кучлар ўзларини демократик деб атайдилар, бироқ ҳокимиятга келгач, улар аввалгига қараганда янада репрессивроқ (жазоловчи) тартибларни ўрнатадилар» [5].

[5] Hantington S. P. Will More Countries Become Democratic // Political Science Quart. 1984. Vol. 99. №2. P. 213.

Жамиятни демократиялаштириш учун ўзгартиришларни юқоридан, элитанинг розилиги йўли билан амалга ошириш мақбул ҳисобланади. Омманинг сиёсий фаоллиги, агарда улар ҳаддан ортиқ мафкуралашмаган ва кескинлашмаган ҳамда уларнинг иштироки муассасавийлашган, яъни тўсатдан бўладиган чиқишлар, ғалаёнлар шаклида эмас, балки сиёсий муассасалар орқали бўлса ва элита томонидан назорат қилинган ҳолдагина ижобий рол ўйнаши мумкин. Омманинг муассасавийлашмаган сиёсий фаоллигининг портлаши вайронкор оқибатларга ва анархияга, охир оқибатда эса жамоат тартиби ва хавфсизликни тиклаш шиорлари остида ҳокимиятга келувчи диктатуранинг ўрнатилишига олиб келиши мумкин.

Демократиянинг ўрнатилишига оммавий сиёсий иштирокчиликка муносабати бўйича сиёсий мусобақалашувнинг, партиявий плюрализмнинг жадалроқ ривожланиши ёрдам беради. Демократиялаштириш муваффақиятининг энг муҳим умумий шарти бўлиб, давлат муассасаларининг мамлакатни бошқариш қобилиятини сақлаган ҳолда, қонун, доирасида жамиятни ислоҳ қилишни мўлжалловчи сиёсий барқарорлик ҳисобланади.

Демократиялаштиришнинг барча бу ва бошқа қонуниятлари ўртача миқёсда, тенденциялар каби амал қилади, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотларнинг аниқ шароитларига боғлиқ ҳолда жиддий ўзгаришларга ҳам учрайди. Булар собиқ коммунистик давлатларнинг демократияга ўтиш жараёнида яққол намоён бўлди.

Постсоциалистик мамлакатларнинг демократияга ўтиши хусусиятлари

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярми кўпчилик маъмурий социализм мамлакатларида тоталитар ва авторитар тартибларнинг барбод бўлиши билан нишонланди. Бу мамлакатлар, қачондир демократияга ўтган ҳар қандай бошқа давлатлардан, аввало уларнинг кўпчилигида ривожланишнинг индустриал даражаси, аҳолининг етарлича юқори маълумотлилиги, авторитар-тоталитар ҳокимият ва сиёсий маданиятнинг, утопик идеаллар билан бирга демократик дунёқарашга яқин бўлган тенгҳуқуқлилик, ижтимоий адолат, даромадларни меҳнатга яраша тақсимлаш, биродарлик ва инсонпарварлик қоидаларини ўзида бириктирувчи социалистик мафкуранинг оммавий тарқалишининг бирга қўшиб олиб борилиши билан чуқур фарқ қиларди.

Постсоциалистик давлатлардаги демократиялаштириш жараёнининг ўзи ҳукмрон элитанинг сиёсий онгини ва умуман коммунистик партияларни аста-секин эркинлаштириш оқибатида бошланди. У

Ғарб билан узоқ давом этган ўткир мафкуравий ва сиёсий қарама-қаршилик таъсири остида ўтди. Булар ва шунингдек марксизмдан мерос бўлиб қолган ақидапарастлик, ўзгартиришларнинг ягона тўғри назарияси ёки моделига ишонишлар постсоциалистик давлатлар кўпчилигининг сиёсатида марказлашув ва соғлом фикрнинг бўшашувига, элитанинг кескин чораларга ўтишига, уларнинг сиёсий мўлжаллар бўйича: бир томондан — ғарб моделидаги либерал демократиялаштиришга, бошқа томондан — анъанавий социалистик тамойилларга қутбланишига олиб келди.

Сиёсий элитанинг бундай кескин чора-тадбирларга ўтиш ўзгартиришларнинг, жаҳон тажрибасини ҳам, ўз мамлакатининг муаяйн шароитларини ҳам ҳисобга олувчи энг маъқул, «ўрта» йўлни топишга тўсқинлик қилди. Ислоҳот йўлига кирган мамлакатларда ижтимоий ва сиёсий ўзгартиришларнинг икки бош йўли анча аниқ белгиланди.

Эркинлаштириш йўли

Улардан биринчиси фалаж терапияси деб аталувчи, ғарб намунасида тезлик билан сиёсий ва иқтисодий эркинлаштиришни мўлжаллайди. Бу йўлдан амалда барча шарқий Европа мамлакатлари, шу ҳисобда СССР ҳам ўтди. Улардан ўз сиёсий маданияти, иқтисодий уклади ва бошқалар билан Ғарбга яқинроқ бўлганларида, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва бир қатор бошқа жиддий салбий ҳодисалар билан бўлсада, жамиятни демократиялаштириш ва ўзгартириш бир мунча муваффақиятли бўлди.

Ғарб учун характерли бўлган кўп йиллик бозор иқтисодиёти анъаналарига ва индивидуалистик маданиятга эга бўлмаган давлатларда эса, демократиянинг либерал моделини амалга оширишга уринишлар оғир, вайрон қилувчи оқибатларга: кучсизланиш, жиноийлашиб бориш, ҳатто давлатнинг парчаланишига, сиёсий ва иқтисодий анархияга, баъзан урушларга ҳам, ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига, жиноятчиликнинг ўсишига ва аҳоли асосий кўпчилиги турмуш даражасининг тушиб кетишига олиб келди.

Демократиялаштириш ва ислоҳ қилишнинг либерал модели қабул қилиниши СССР учун айниқса ҳалокатли оқибатларга эга бўлди. Совет жамияти нафақат ғарбий демократиялардан, балки Шарқий Европа мамлакатларидан ҳам бозор («қора», жиноий бозордан ташқари) ва фуқаролик жамиятининг ҳар қандай элементларининг йўқлиги; деярли ялпи қуролланиши, иқтисодиётнинг ўта марказлаштирилиши ва ўта монополлаштирилиши, унинг қандайдир бирор рақобатчиликка мослашмаганлиги; халқ онги-

да жамоавий қадриятларнинг устунлиги ва эркин, индивидуалистик маданиятнинг кучсизлиги; аҳолининг полиэтник таркиби ҳамда кўпсонли муқаррар можаролари; сиёсий элитанинг муқобил номзодларини (рўйхатини) шакллантиришга қобилиятли бўлган. Халқ фронти ёки Польша «Бирдамлиги»га ўхшаш оммавий демократик ҳаракатларнинг йўқлиги, ҳукмрон элита юқори қисмининг мафкуравий ҳамда ахлоқий бузилиши ва ғарблашуви билан чуқур фарқланар эди.

СССРнинг бу ва кўплаб бошқа хусусиятлари демократиялаштириш ва ислоҳ қилишнинг либерал моделининг самарасизлигига сабаб бўлди, амалий сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим муассасаси — коммунистик партиянинг — тугатилиши ва давлатнинг интеграцион ҳамда ташкилий — назорат функцияларидан четга суриб қўйилиши давлатчиликнинг емирилишига, иқтисодиётнинг ялпи монополлашуви ва жиноийлашувига, унумли меҳнат қилиш сабабларининг емирилишига, баҳоларнинг кескин ўсиши ва аҳоли турмуш даражаси пасайишига олиб келди. Ислоҳотлардаги муваффақиятсизликлар оммавий онгда демократияни ва либерал қадриятларни кучли даражада обрўсизлантирди.

Ислоҳ қилишнинг Хитой модели

Коммунистик мафкурага расмий тарафдорликни сақлаб кела-ётган мамлакатларда фуқаро-ларни «демократиялаштиришнинг» совет тажрибаси билан қўрқита бошладилар. Уларнинг айримларида, аввало Хитойда, тоталитар сиёсий тузилмаларни замонавийлаштириш ва ислоҳ қилишнинг «янги авторитаризм» сиёсати деб ном олган ўз модели ишлаб чиқилди. Бу моделнинг моҳияти марказнинг кучли ҳокимиятини сақлаш ва ундан ташқи дунё учун очиқ бўлган, бозор иқтисодиётини ривожлантиришни назарда тутувчи туб иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш ва сиёсий барқарорликни сақлаб туриш учун фаол фойдаланишдан иборатдир.

Хитой модели аллақачон ўзининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини кўрсатди, бу мамлакат 1979 йилдан буён жамоат тартиби ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини сақлаган ҳолда, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигининг тинимсиз ошиб боришида дунёда ўртача ҳисобда энг юқори сурьатни таъминламоқда. У бевосита ғарб намунасидаги сиёсий муассасаларни киритмаган бўлсада, бироқ амалда демократиянинг кўплаб шарт-шароитларини яратади, шунингдек, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини кенгайтиради, уларни тоталитар назоратдан озод қилади.

«Янги авторитаризм» сиёсатининг аниқ ижтимоий-иқтисодий афзалликлари заиф ва шунингдек, кучли томонларга ҳам эга

бўлган маъмурий тизимдан фойдаланиш билан боғлиқдир. Унинг асосий заифликлари иқтисодий ва бошқа эркинлик ҳамда ташаббусларни чеклаши, янгиликларга эътиборнинг пастлиги, хўжалик юритишнинг исрофгарчилик усулларидан иборатдир. Шу билан бир вақтда бу тизим нисбатан чекланган мақсадли йўналганлиги ва қаттиқ интизоми туфайли экстремал вазиятларда, масалан, урушлар, оғир инқирозлар ва шу каби даврларда энг самарали ҳисобланади, чунки катта инсон ва моддий имкониятларни маълум бир мақсадларга эришиш йўлида тезда сафарбар қилишга, энг муҳим йўналишларда улкан кучларни жамлашга (бошқа соҳаларни кучсизлантириш ҳисобидан бўлсада) имкон беради. Хитой, Вьетнам ва айрим бошқа мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, маъмурий тизим ёрдамида давлатнинг қудратидан жамиятни бозор тизимида ислоҳ қилиш учун муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

Маълумки, бошқа постсоциалистик мамлакатлар каби, Россияга, унинг шароитларига мос келмайдиган ғарб либерал моделларига кўр-кўрона эргашиш ҳам, авторитар замонавийлаштиришнинг тажрибасидан нусха кўчириш ҳам ярамайди. Сиёсий ва хўжалик ислоҳотларининг энг маъқул модели ўз хусусиятларини ҳамда жаҳон тажрибасини синчиклаб ҳисобга олиш, янада ривожланувчи ва инсонпарвар жамиятни шакллантириш мақсадида фаол ва реалистик давлат сиёсати юритиш йўлларидагина топилиши мумкин.

Олдинги даврларда бозор ва демократияга ўтган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, постсоциалистик жамият стихияли, «қуйидан» ислоҳ қилина олмайди. Унда ижтимоий ўзгартиришларнинг бош инструменти давлат, шунингдек, бошқа сиёсий муассасалар: партиялар, жамоат ҳаракатлари ва уюшмалар ҳисобланади.

V БЎЛИМ

СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР

14 БОБ

ДАВЛАТ

§ 1. Давлатнинг моҳияти

«Давлат» атамасининг кенг ва тор маънолари

Сиёсий тизимнинг марказий муассасаси давлат ҳисобланади. Унинг фаолиятида сиёсатнинг асосий мазмуни тўпланади. «Давлат» терминининг ўзи икки маънода қўлланилади. Кенг маънода давлат олий ҳокимият органи томонидан намоён бўлувчи ҳамда ташкил этилувчи ва маълум бир ҳудудда яшовчи кишилар бирлиги сифатида тушунилади. У мамлакат ва сиёсий ташкил этилган халққа айнан ўхшашдир. Ушбу маънода, масалан, россия, америка, немис давлати ҳақида гапирилиб, улар томонидан намоён этилувчи бутун жамият назарда тутилади.

Тахминан XVII асрларга қадар давлат одатда кенг ва жамиятдан ажралмаган ҳолда талқин қилинарди. Давлатни белгилаш учун кўплаб конкрет терминлар: «полидия», «князлик», «қироллик», «империя», «республика», «деспотия», «бошқарув» ва бошқалар фойдаланилди. Давлатни кенг маънода тушуниш анъанасидан биринчилардан бўлиб Макиавелли узоқлашди. Инсон устидан ҳар қандай олий ҳукмронликни, бу монархиями ёки республика бўладими, белгилаш учун махсус «stati» терминини киритди ҳамда давлатнинг реал тузилишини тадқиқ этиш билан шуғулланди.

Давлат ва жамиятнинг аниқ чегараланиши Гоббс, Локк, Руссо ва либерализмнинг бошқа вакиллари томонидан давлатнинг контракт (шартнома) назарияларида асосланди. Уларда бу тушунчалар нафақат мазмун, балки тарихий жиҳатдан ҳам ажратилади, дастлаб эркин ва ташкил этилмаган ҳолда мавжуд бўлган индивидлар хўжалик ва бошқа ўзаро таъсирлар натижасида аввал жамиятни ташкил этадилар, кейин эса ўз хавфсизликлари ва табиий ҳуқуқларини ҳимоялаш учун шартномавий йўл билан махсус орган — давлатни тузганлар деб тасдиқланади. Ҳозирги фанда давлат тор маънода маълум ҳудудда олий ҳокимиятга эга бўлган муассасалар тизими, ташкилот сифатида тушунилади. У бошқа сиёсий ташкилотлар: партиялар, касаба уюшмалари ва бошқалар билан бирга мавжуд бўлади.

Давлатнинг умумий белгилари

Турли тарихий даврлар ва халқлар давлатларининг ўзаро ўхшашлиги жуда кам бўлади. Аммо, интеграцион жараёнларга дучор бўлган ҳозирги давлатларда кўпинча анча ноаниқ ҳолда бўлсада, озми-кўпми, барибир уларнинг ҳар бирига хос бўлган айрим белгиларга эгадирлар. Қуйидаги белгилар давлат учун умумий ҳисобланади:

1. Халқ ҳокимиятининг жамиятдан ажралиши, унинг барча аҳоли ташкилоти билан мос келмаслиги, профессионал бошқарувчилар қатламининг пайдо бўлиши. Бу белги ўз-ўзини бошқариш тамойилларига асосланувчи уруғ-қабила ташкилотидан давлатни ажратиб туради.

2. Давлатнинг чегараларини чизиб қўйувчи ҳудуд. Давлатнинг қонун ва ваколатлари маълум бир ҳудудда яшовчи одамларга тарқалади. Унинг ўзи қон-қариндошлик ёки диний белгилар бўйича эмас, балки ҳудудий ва одатда кишиларнинг этник бирлиги асосида қурилади.

3. Суверенитет, яъни маълум бир ҳудудда олий ҳокимиятга эгалик. Ҳар қандай замонавий жамиятда кўплаб ҳокимиятлар: оилавий, ишлаб чиқариш, партиявий ва бошқалар бўлади. Бироқ, қарорлари барча фуқаролар, ташкилотлар ва муассасалар учун мажбурий бўлган олий ҳокимиятга давлат эгалик қилади. Барча аҳоли учун мажбурий бўлган қонунлар ва меъёрларни чиқариш ҳуқуқи фақат унгагина тегишлидир.

4. Жисмоний мажбурлаш, очиқчасига куч ишлатиш монополияси (якка эгалиги). Давлат томонидан мажбурлашнинг диапазони эркинликни чеклашдан одамни жисмонан йўқотишгача оралиқда бўлади. Фуқарони олий қадрият ҳисобланувчи ҳаёт ва эркинликдан маҳрум қилиш имконияти давлат ҳокимиятининг алоҳида таъсирлилигини белгилайди. Мажбурлаш функциясини бажариш учун давлатда махсус воситалар (қурол, қамоқхона ва бошқалар), шунингдек, органлар — армия, полиция, хавфсизлик хизмати, суд, прокуратура бўлади.

5. Аҳолидан солиқлар ва йиғимлар олиш ҳуқуқи. Солиқлар кўп сонли хизматчиларни сақлаш учун ҳамда давлатнинг мудофаа, иқтисодий, ижтимоий сиёсатини моддий таъминлаш учун зарур.

6. Давлатга аъзоликнинг мажбурийлиги. Масалан, партия каби, аъзоликнинг эркинлиги ва аҳоли учун мажбур эмаслигига асосланувчи сиёсий ташкилотдан фарқ қилиб, давлат фуқаролигини одам туғилган пайтиданоқ олади.

7. Бир бутун жамиятнинг ваколатига ҳамда умумий манфаатлар ва умумий фаровонликни ҳимоя қилишга даъвогарлик. Тоталитар партия-давлатдан ташқари бирорта ҳам бошқа ташкилот барча фуқароларнинг вакиллигига ҳамда ҳимоясига даъвогарлик қилмайди ва бунинг учун зарур воситаларга эга эмас.

Давлатнинг умумий белгиларини аниқлаш нафақат илмий, балки, айниқса, халқаро ҳуқуқ учун, амалий сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Давлат — халқаро муносабатларнинг субъектидир. Давлат белгиларига эга бўлиш асосидагина у ёки бу ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъектлари деб тан олинадилар ва тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан таъминланади. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда давлатнинг энг камида учта белгиси: ҳудуд, ҳуқуқий иттифоқ билан бирлашган халқ (фуқаролик) ва ҳеч бўлмаганда кўпчилик ҳудуд ва аҳоли устидан самарали назоратни амалга оширувчи суверен ҳокимият ажратилади.

Юқорида қайд этилган белгилар давлатни бошқа ташкилотлар ва бирлашмалардан фарқлаб туради, аммо ҳали унинг жамият билан алоқаларини, унинг вужудга келиши ва тараққиёти асосида ётувчи омилларни очиб бермайди.

Давлатнинг вужудга келиши сабаблари

Давлат уруғ — қабила тузумининг чириб бориши, аста-секин жамиятдан доҳийлар ва уларга яқин кишиларнинг алоҳидалашуви ва уларда бир қатор омиллар таъсири остида бошқарувчилик функциялари, ҳокимият ресурслари ва ижтимоий имтиёзларининг тўпланиши натижасида пайдо бўлади. Бу омиллардан энг муҳимлари:

- ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиши, бошқарувчилик меҳнати, унинг самарадорлигини ошириш мақсадларида махсус соҳага ажралиши ва бунинг учун махсус орган — давлатнинг ташкил топиши;

- ишлаб чиқаришнинг ривожланиши давомида хусусий мулк, синфлар ва эксплуатациянинг вужудга келиши (марксизм қарашича). Бу омилларнинг таъсирини инкор этмаган ҳолда, кўпчилик ҳозирги олимлар барибир давлатнинг мавжудлигини бевосита хусусий мулкнинг ва синфларнинг вужудга келиши билан боғламайдилар. Айрим мамлакатларда унинг ташкил топиши тарихан бўлган ва жамиятнинг синфий табақаланишига имкон берган. Тарихий ривожланиш давомида синфий қарама-қаршиликларнинг йўқолиб бориши ҳамда жамиятнинг демократиялашуви даражасига қараб давлат тобора кўпроқ синфдан юқори турувчи, умуммиллий ташкилотга айланиб боради;

- бир халқнинг бошқалар томонидан истило қилиниши (Ф. Оппенгеймер, Л. Гумплович ва б.). Давлатнинг ташкил топиши ва ривожига истилонинг таъсири шубҳасиздир. Бироқ, кўпинча муҳимроқ омилларни назардан қочирган ҳолда, уни мутлақлаштирмаслик керак;

- демографик омиллар, инсон зотининг ўзини қайта ишлаб чиқаришидаги ўзгаришлар. Бунда, аввало, аҳоли сони ва зичлигининг ўсиши, халқларнинг кўчманчиликдан ўтроқ турмуш тарзига ўтиши, шунингдек, яқин қариндошларнинг жинсий алоқада бўлишининг таъқиқланиши ҳамда уруғлар ўртасидаги никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши назарда тутилади. Булар барчаси этник яқин кишиларнинг ўзаро алоқаларини тартибга солишга бирликлар эҳтиёжини оширди;

- психологик (оқилоналик ва ҳиссий) омиллар. Айрим муаллифлар (Гоббс) одамларни давлат тузишга ундовчи энг кучли сабаб деб бошқа кишилар томонидан бўлиши мумкин бўлган босқинчилик олдидаги қўрқувни, ўз ҳаёти ва мулкидан хавфсирашни ҳисоблайдилар. Бошқалари эса (Локк) биринчи ўринга кишиларнинг ақл-идрокини қўйиб, бу уларни, биргаликда яшашнинг анъанавий шаклларига қараганда одамларнинг ҳуқуқларини яхшироқ таъминлашга қодир бўлган махсус орган — давлатни яратиш тўғрисидаги битимга олиб келади, деб ҳисоблайди.

Шартномавий давлат назариялари айрим реал далиллар билан тасдиқланади. Масалан, қадимги Новгородда князлик шартномавий тизими мавжуд бўлиб, маълум муддатга таклиф этилган княз билан шартнома тузилган, бунинг бажарилмаслиги унинг қувиб юборилишига олиб келиши мумкин эди. «Ижтимоий шартнома» назариясининг бевосита таъсири остида америка давлати — АҚШ тузилган. Аммо барибир, булар ва айрим бошқа тарихий далилларга қарамасдан, реал давлат фуқаролар ва жамиятни ҳимоя қилиш учун махсус тузилган органга индивидларнинг бир қисм ҳуқуқларини ихтиёрий топширилиши натижасида эмас, балки жамиятнинг узоқ табиий тарихий ривожланиши давомида вужудга келган;

— антропологик омиллар. Булар, ташкилотнинг давлатчилик шакли одамнинг ижтимоий табиатининг ўзида, унинг ривожланишида жойлашганлигини англатади. Арасту ҳам жамоавий мавжудот сифатида одам фақат биргаликда яшашнинг маълум

шакллари даражасидагина мавжуд бўла олади, деб тасдиқлаган эди. Давлат, оила ва қишлоқ каби, «биргаликда яшашнинг табиий шаклидир».[1] У инсон табиатининг ривожланиши натижасида пайдо бўлади ва ҳуқуқ ёрдамида кишилар ҳаётига адолатли, ахлоқий асосларни киритади. Арастунинг ғояларидан давлатнинг замонавий табиий-тарихий концепциялари фойдаланадилар, уни биргаликда яшаш шакллари ривожланишининг маълум босқичларида инсониятга ажралмас даражада хос бўлган, унингсиз жамият таназзулга ва инқирозга маҳкум деб қарайдилар. Давлатнинг моҳиятини антропологик тушунтиришнинг айрим тарафдорлари тасдиқлашича, унинг асосида нафақат инсоннинг ижтимоий табиати, балки унинг индивидуал яшашга имкониятсизлигида намоён бўлувчи туғма нокомиллиги, шунингдек, агрессивлиги ва можаролилиги ҳам ётади.

Илмий адабиётларда давлатнинг ташкил топиши ва хусусиятларига таъсир этувчи айрим бошқа омиллар: жўғрофий ўрни, табиий чегараларнинг борлиги ёки йўқлиги, иқлим шароитлари, унумдор ер ва бошқалар ҳам қайд этилади. Кўплаб тадқиқотлар кўрсатадики, давлат бутун бир қатор омиллар таъсири остида вужудга келади ва ривожланади, уларнинг орасидан қайсидир бирортасини белгиловчи сифатида ажратиб кўрсатиш деярли мумкин эмас.

Давлатнинг ривожидаги тарихий чегаралар

Кўп минг йиллар давомида мавжуд бўлган ҳолда, давлат, жамиятнинг ривожланиши билан бирга, унинг бир қисми ҳисобланган ҳолда, ўзгариб боради. Давлат ва шахснинг ўзаро муносабатлари, давлат тизимида оқилоналик, эркинлик ва инсон ҳуқуқлари тамойилларининг юзага чиқиши хусусиятлари нуқтаи назаридан, давлатнинг ривожланишида иккита глобал босқични: анъанавийлик ва конституционликни, шунингдек, анъанавий ва конституцион давлатлар белгиларини ғаройиб тарзда мужассамлаштирувчи оралиқ босқичларни: масалан, тоталитар давлатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Анъанавий давлатлар ўз илдизлари билан қадим тарихга бориб тақалувчи урф-одатлар ва меъёрлар асосида, асосан, стихияли тарзда вужудга келган ва ривожланган. Улар фуқаролар устидан муассасавий чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган, барча одамларнинг тенг ҳуқуқлигини инкор этган, шахсни давлат ҳокимиятининг манбаи сифатида тан олмаган. Бундай давлатнинг типик кўриниши монархиялар ҳисобланади.

[1] Арасту. Политика. М., 1965, с. 8.

Айрим муаллифлар, конституцион ва ноконституцион давлатларнинг чуқур фарқларини эътиборга олиб, давлат ва зўравонликни фарқловчи қадимги анъаналарга мос равишда, «фуқаролик жамиятидан келиб чиқувчи ва у ёки бу даражада унинг назорати остида бўлувчи (кўпчиликнинг) ҳокимият ташкилотини»[2] давлат деб аташни таклиф қиладилар. Бундай талқин давлатнинг турли типларини ҳисобга олмасада ва кўпчилик олимлар томонидан тан олинмасада, у асосли тарзда замонавий конституцион давлатларни, ўз тузуми тури амал қилиши бўйича ўтмиш билан боғланган давлатлардан ажратиб турувчи принципиал чегарани кўрсатади.

Конституцион давлатлар онгли инсоний шаклланиш, бошқариш ва тартибга солиш объекти ҳисобланади. У ўзининг тартибга солиш таъсири билан инсон фаолиятининг барча кўринишлари — унинг иқтисодий, маданий, диний ва сиёсий фаоллигини қамраб олишга интилмайди ва фуқаролар томонидан ваколат берилган ҳамда шахс эркинлигини бузмайдиган функцияларни бажариш билангина чегараланади.

Умуман олганда давлат ривожидаги конституцион босқич унинг жамият ва фуқароларга бўйсуниши, ваколатларининг ва давлат аралашуви соҳаларининг юридик белгилаб қўйилганлиги, давлат фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солинганлиги ҳамда инсон ҳуқуқининг муассасавий ва бошқа кафолатлари яратилиши билан боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, у конституциянинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Конституция

«Конституция» терминининг ўзи фанда икки маънода қўлланади. Улардан биринчиси, кўпинча «реал конституция» термини билан белгиланувчиси Арастуга бориб тақалади, у ўзининг машҳур «Сиёсат» асарида конституцияни «бир давлатда яшовчилар учун маълум бир тартиблар» сифатида талқин этади. Бошқача айтганда, реал конституция — у ёки бу қадриятли — меъёрий кодекс билан аниқланувчи давлат тузуми, давлат фаолиятининг барқарор моделидир. Бу кодекс замонавий давлатлар учун хос бўлган қонунлар тўплами шаклини олиши шарт эмас. У диний — сиёсий қатъий қоидалар ёки ёзилмаган асрий анъаналар характерига эга бўлиши мумкин, уларга давлатнинг кундалик қонунлари бўйсунади. Ушбу маънода тушунилувчи конститу-

[2] Четвертин В. А. Концепция советского правового государства // Право и власть М., 1990. С. 129-131.

ционализм ўз илдизлари билан узоқ қадимиятга бориб тақалади ва уйғониш давридаги либерал конституцияларнинг пайдо бўлишигагина боғлиқ эмас.

Иккинчи, кўпроқ тарқалган маъносида «конституция» атамаси — бу қонунлар мажмуаси, юридик ёки меъёрий ҳужжатни билдиради. У махсус ҳужжатда (ёки бир қанча ҳужжатларда) белгилаб қўйилган нисбатан барқарор қоидалар (қонунлар) тизимини ифодалаб, улар давлатнинг асослари, мақсадлари ва вазифаларини, унинг ташкил этилиши ва амал қилиши тамойилларини, сиёсий ирода шаклланиши ва қарорлар қабул қилинишининг усулларини, шунингдек, давлатда шахснинг аҳволини аниқлайди.

Конституция, гўёки фуқаро ҳамда давлат ўртасида тузилувчи ва унинг фаолиятини тартибга солувчи «ижтимоий шартнома» матни кабидир. У замонавий, конституцион турдаги давлатга зарурий қонунийликни беради. Одатда аҳолининг асосий (малакали) кўпчилигининг розилиги билан қабул қилиниб, у ижтимоий келишувнинг шундай минимумини (энг кам даражасини) белгилаб қўядики, унингсиз бир давлатда одамларнинг биргаликда эркин яшаши мумкин эмас ва давлат барча фуқароларни ҳурматлаш мажбуриятини олади.

Конституциялар, қоида тариқасида, икки энг муҳим қисмдан иборат бўлади. Биринчисида фуқаролар ва давлатнинг ўзаро муносабатлари меъёрлари, шахс ҳуқуқлари аниқланади, барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги тасдиқланади; иккинчи қисмида давлатнинг характери (республика, монархия, федерация ва шунга ўхшаш), турли ҳокимиятларнинг мақомлари, парламент, президент, ҳукумат ва суднинг ўзаро муносабатлари қоидалари, шунингдек, бошқарув органларининг тузилиши ва фаолият кўрсатиш тартиби баён этилади.

Англияда анча илгари — 1215, 1628, 1679, 1689 йиллардаёқ амалда конституцион ҳужжатлар характерига эга бўлган бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлсада, биринчи конституциялар 1789 йилда АҚШда (1791 йилда Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл) ва Францияда (1789 йилда «Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси» ва 1791 йилги конституция) қабул қилинган эди. Ҳозирги дунёда бир нечта мамлакатларгина (Буюк Британия, Исроил, Саудия Арабистони, Бутан ва Оман) конституцион қонунлар тўпламига эга эмас.

Демократик конституциянинг мавжудлиги, у давлат ташкилотида ҳақиқатда гавдаланган ва ҳокимият органлари, муассасалар ҳамда фуқаролар томонидан сўзсиз, оғишмай ижро этила-

ётган бўлсагина давлатнинг ҳақиқий конституционлиги кўрсаткичи бўла олади. Конституцион давлатчилик шаклланиши жараёнининг тугалланганлиги, унинг ваколатларини халқдан келиб чиқувчи махсус муассасалар ва қонунлар ёрдамида чеклаш тамойилининг мустаҳкамлаб қўйилишини «ҳуқуқий давлат» тушунчаси характерлайди.

§ 2. Ҳуқуқий ижтимоий давлат

Ҳуқуқий давлат тушунчаси

Ҳуқуқий давлат — конституциона-лизм ғоялари ва тамойилларининг ҳақиқатда рўёбга чиқишидир. Унинг асосида инсонни давлат терроридан, виждон устидан зўравонлик қилишдан, ҳокимият органлари томонидан майда-чуйда васийликдан ҳимоялашга интилиш, индивидуал эркинликларни ҳамда шахснинг асосий ҳуқуқларини кафолатлаш ётади. Бу ўз ҳаракатларини қонун билан чегараловчи, шахснинг эркинлиги, хавфсизлиги ва қадр-қимматини ҳимоя қилувчи ҳамда ҳокимиятни суверен халқнинг иродасига бўйсундирувчи давлатдир. Унда шахс ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлатнинг қонунлари ва унинг ҳаракатлари томонидан бузилиши мумкин бўлмаган, инсон ҳуқуқлари устуворлигини тасдиқловчи конституция билан аниқланади. Халқ давлатни назорат қила олиши ва у қандайдир Левиафанга, жамият устидан ҳукмронлик қилувчи аждаҳога айланмаслиги учун ҳокимиятнинг: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши мавжуддир. Мустақил суд ҳуқуқ устунлигини ҳимоя қилади, у умумийликка эга бўлади, барча фуқаролар, давлат ва ижтимоий муассасаларга тенг даражада тарқалади. Ҳуқуқий давлат тегишли ғоялар ва давлатчилик элементлари негизида аста-секин шаклланиб, улардан айримлари ҳали қадим даврлардаёқ пайдо бўлган эди. Масалан, қонуннинг ҳукмронлиги, барча фуқаролар учун бир хиллиги ҳақида милоддан аввалги VI асрда қадимги грек архонти Солон айтган эди. Инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва давлат қонунларининг ўзаро нисбати тўғрисида Арасту ва Цицерон ёзиб ўтганлар. Қадимги Римда, масалан, ҳуқуқий давлатчиликнинг ҳокимиятнинг бўлиниши каби куртаклари пайдо бўлган. Ҳуқуқий давлат концепцияси эса ўзининг асосий белгилари билан XVII-XIX асрда Локк, Монтескье, Кант, Жефферсон ва либерализмнинг бошқа назариётчилари томонидан шакллантирилди. «Ҳуқуқий давлат» тушунчасининг ўзи немис юристлари — Т. К. Велькер, Р. фон Моля ва бошқаларнинг асарларида узил-кесил тасдиғини олди. Ҳуқуқий давлатнинг турлича назариялари фуқаролик жамияти концепциясига асосланади.

Фуқаролик жамияти

Ҳуқуқий давлатчиликнинг пайдо бўлиши жамиятнинг ривожланиши билан шартланади ва фуқаролик жамиятининг етилиши натижасида мумкин бўлади. «Фуқаролик жамияти» атамасининг ўзи кенг ва тор маъноларда қўлланилади. Кенг маънода фуқаролик жамиятига давлат ва унинг тузилмалари томонидан бевосита қамраб олинмаган жамиятнинг қисмлари, яъни давлатнинг «қўли етмайдиган» барча соҳалар киритилади. У табиий тарихий ривожланиш давомида давлатга бевосита боғлиқ бўлмаган, автоном соҳа сифатида вужудга келади ва ўзгариб боради. Фуқаролик жамияти кенг маънода нафақат демократия билан, балки авторитаризм билан ҳам мос келади, тоталитаризмгина унинг тўлиқ, кўпинча эса қисман сиёсий ҳокимият томонидан ютилиб кетишини англатади.

Фуқаролик жамияти тор, хусусий маъносида ҳуқуқий давлат билан узвий боғлангандир, улар бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Фуқаролик жамияти давлат томонидан воситаланмайдиган эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг бозор ва демократик ҳуқуқий давлатчилик шароитидаги ўзаро муносабатлари турли-туманлигини ифодалайди. Бу шахсий манфаатлар ва индивидуализмнинг эркин ўйини соҳасидир. Фуқаролик жамияти — буржуа даврининг маҳсули ва асосан зулматдан индивидларнинг озодликка чиқиши натижаси, уларнинг давлат фуқароларидан шахсий қадр-қиммат туйғусига эга бўлган ва ўзига хўжалик ҳамда сиёсий мусъулиятни олишга тайёр бўлган эркин мулкдор — фуқароларга айланишидир.

Фуқаролик жамияти мураккаб тузилмага эга, ўзига хўжалик, иқтисодий, оила — қариндошчилик, этник, диний ва ҳуқуқий муносабатлар, ахлоқ, шунингдек, давлат томонидан бевосита ифодаланмайдиган, ҳокимиятнинг бошланғич субъектлари сифатидаги партиялар, қизиқишлар гуруҳлари ва бошқалар билан ҳокимиятнинг бошланғич субъектлари сифатидаги индивидлар ўртасидаги сиёсий муносабатларни киритади. Фуқаролик жамиятида давлат тузилмаларидан фарқли ҳолда тиккасига (бўйсунувчилик) эмас, балки горизонтал (ётиқ, ёнма-ён) алоқалар — юридик эркин ҳамда тенг ҳуқуқли шериклар ўртасидаги рақобатчилик муносабатлари ва бирдамлиги устувор бўлади.

Иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатларга аралашмайдиган илк либерал давлат ва эркин рақобат замонларидан тубдан фарқ қилувчи ҳозирги шароитларда фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида аниқ чегара ўтказиш анча мураккаб. Бироқ, бунга қарамасдан ижтимоий тизимни фуқаролик жамияти ва давлатга ажратиш ўз долзарблигини йўқотган эмас ва аввало этатистик ва тоталитар тенденцияларни ўз вақтида топиш ҳамда бартараф қилиш, ҳокимиятга муносабати бўйича халқнинг суверенитетини, шахс эркинлигини таъминлаш учун керакдир. Посткоммунистик мамлакатлар учун фуқаролик жамиятининг шаклланиши — уларнинг бозорга ва ҳуқуқий давлатчиликка ўтишида зарурий шартдир.

Ҳуқуқий давлатни ажратиб турувчи белгилар

Турли ҳуқуқий давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиш тажрибасини умумлаштирган ҳолда уларнинг қуйидаги умумий белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин: 1) ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги; 2) ҳуқуқий давлат фаолияти соҳаларининг шахс ва ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат ва тартибини ҳимоя қилиш, хўжалик фаолияти учун қулай ҳуқуқий шароитлар яратиш билан чегараланиши; 3) дунёқараш индивидуализми, ҳар бир кишининг ўз шахсий фаровонлиги учун масъуллиги; 4) барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, давлат қонунлари устидан инсон ҳуқуқларининг устуворлиги; 5) ҳуқуқнинг умумийлиги, унинг барча фуқаролар, барча ташкилотлар ва муассасаларга, шу жумладан, давлат ҳокимияти органларига ҳам тарқалиши; 6) халқнинг суверенитети, давлат суверенитетининг конституцион - ҳуқуқий белгилаб қўйилиши. Бу айнан халқ ҳокимиятининг якуний манбаи, давлат суверенитети эса ваколатли характерга эгалигини англатади; 7) давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши, бу уларнинг конституцияда белгиланган тартибда биргаликдаги ҳаракатларини, шунингдек, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг маълум бир устунлигини ва конституцияни бузмаган ҳолдаги қарорларининг барча учун мажбурийлигини истисно қилмайди; 8) фуқаролик муносабатларининг давлат томонидан тартибга солинишида таъқиқлаш усулининг йўл қўйиш усули устидан устуворлиги. Бу шуни англатадики, ҳуқуқий давлатда фуқароларга муносабат бўйича «Қонун билан тақиқланмаган барча нарсага рухсат берилган» деган тамойил амал қилади. Йўл қўйиш усули эса бу ерда давлатнинг ўзига муносабати бўйичагина қўлланилиб, у йўл қўйилган — расман белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қилиши зарур; 9) бошқа одамларнинг эркинлик ва ҳуқуқлари индивид эркинлигининг ягона чегараловчиси бўлиши. Ҳуқуқий давлат шахснинг мутлақ эркинлигини яратмайди. Ҳар бир кишининг эркинлиги, бошқаларнинг эркинлиги бузиладиган жойда тугайди.

Ижтимоий давлат

Ҳуқуқий давлатнинг ўрнатилиши индивид ва жамият эркинлигининг кенгайишида муҳим босқич бўлди. Унинг яратувчилари умид қилган эдиларки, гўё ҳар бир кишининг негатив эркинликлари (чеклашлардан эркинлик) таъминланиши ва рақобатнинг рағбатлантирилиши ҳаммага фойдали бўлади, хусусий мулкдан ҳамма учун фойдаланишни мумкин қилади, индивидуал масъулият ҳамда ташаббускорликни юқори даражага кўтаради ва охир-оқибатда умумий фаровонликка олиб келади. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Ҳуқуқий давлатларда эълон қилинган индивидуал эркинлик, тенг ҳуқуқлиликнинг ва давлатнинг фуқаролик жамияти ишларига аралашмаслиги иқтисодиётнинг монополлашувига ҳамда унинг даврий кризисларига (бўҳронларига), қаттиқ эксплуатацияга, ижтимоий тенгсизлик ва синфий курашнинг кескинлашувига тўсқинлик қила олмади. Амалдаги чуқур тенгсизлик фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини қадрсизлантирди, конституцион ҳуқуқлардан фойдаланишни мулкдор синфларнинг имтиёзига айлантирди.

Классик либерал намунадаги ҳуқуқий давлатнинг такомиллашмаганлигига, шунингдек, муъмурий социализмнинг ҳар бир кишига моддий эркинликни таъминлашга ҳамда жамиятда ижтимоий адолат ва тенгликни ўрнатишга бўлган самарасиз уринишларига амалий жавоб ижтимоий давлат ёки ялпи фаровонлик давлати назарияси ва амалиёти бўлди.

Ижтимоий давлат — бу ҳар бир фуқарога яшашнинг муносиб шароитлар, ижтимоий ҳимояланганлик, ишлаб чиқаришни бошқаришда иштирокчиликни, идеалда эса жамиятда шахснинг ўзини-ўзи намоён қилиши учун тахминан бир хил ҳаётий умидлар ва имкониятларни таъминлашга интилувчи давлатдир. Бундай давлатнинг фаолияти ялпи фаровонликка, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатилишига йўналтирилган. У мулкий ва бошқа ижтимоий тенгсизликларни юмшатади, заиф ва ногиронларга ёрдам беради, ҳар бир киши ҳақида ёки яшашнинг бошқа манбасини топиб бериш, жамиятда тинчликни сақлаш, инсон учун қулай яшаш муҳитини шакллантириш тўғрисида қайғуради.

Ижтимоий давлатнинг сарчашмалари узоқ ўтмишда туғилган ижтимоий сиёсатга тақалади. Ҳали қадимдаёқ кўплаб ҳукмдорлар, масалан, рим цезарлари, энг камбағал фуқаролар ҳақида, плебсга (оддий халққа) «нон ва томоша» тақдим этиш ҳақида қайғурганлар. Аммо ўша вақтларда заиф ва бенаволарни таъминлашнинг асосий оғирлиги оилалар ва жамоалар зиммасига тушган. Жамиятнинг индустлаштирилиши, урбанизация (шаҳарлашуви) ҳамда индивидуаллашуви, капитализмнинг назоратсиз ривожи ижтимоий таъминлашнинг анъанавий шаклларини вайрон қилди, ижтимоий зиддиятлар ва синфий курашни кескинлаштирди. Ушбу масаланинг ҳал этилиши ижтимоий сиёсат объектларини кескин кенгайтиришни ва уни давлатнинг етакчи йўналишларидан бирига айлантирилишини талаб этди. Бунинг оқибатида, тахминан XX асрнинг 60-йилларида ижтимоий давлатлар вужудга келди. Етакчи ғарб мамлакатларининг ҳар бир муҳтож кишига яшаш минимумини таъминлашга имкон берувчи иқтисодий ривожланишнинг юқори даражаси уларнинг моддий шарт-шароитлари бўлди.

Ҳозирги ижтимоий давлатларнинг фаолияти кўпқирралидир. Бу миллий даромаднинг аҳолининг камроқ таъминланган қатламлари фойдасига қайта тақсимланиши, бандликни таъминлаш ҳамда корхона ходимининг ҳуқуқларини ҳимоялаш сиёсати, ижтимоий суғурталаш, оила ва оналикни қувватлаш, ишсизлар, кексалар, ёшлар тўғрисида ғамхўрлик, барча учун мумкин бўладиган таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқаларни ривожлантиришдир.

Ижтимоий ва ҳуқуқий тамойилларнинг ўзаро нисбати

Ижтимоий давлат ўз мақсадлари ва тамойилларини ҳуқуқий давлатчилик шаклида амалга оширади, бироқ жамиятни инсонпарварлаштириш йўлида анча илгарилаб кетади — шахс ҳуқуқларини кенгайтиришга интилади ва ҳуқуқий меъёрларни адолатли мазмун билан тўлдиради. Давлат тузумининг ҳуқуқий ва ижтимоий тамойиллари ўртасида бирлик ва зиддиятлар ҳам бор. Улар бирлиги шундан иборатки, уларнинг иккаласи ҳам индивиднинг бахт-саодатини: биринчиси — фуқароларнинг ҳокимиятга ҳамда бир-бирларига муносабатлари бўйича жисмоний хавфсизлигини, индивидуал эркинлигини ҳамда асосий, бош маънода, давлат аралашувининг аниқ чегараларини ва мустабидликка қарши кафолатларни белгилаш ёрдамида шахснинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини; иккинчиси — ижтимоий хавфсизлик, ҳар бир инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва эркинлигининг моддий шароитларини таъминлашга чақирилган. Улар орасидаги зиддиятлар эса, ҳуқуқий давлат ўз ниятига кўра ижтимоий бойликни тақсимлаш, фуқароларнинг моддий ва маданий фаровонлигини таъминлашга аралашмаслиги кераклигида, ижтимоий давлат эса бозор хўжалигининг хусусий мулкчилик, рақобат, тадбиркорлик, индивидуал масъулиятлилик каби асосларини бузмаган ҳолда, оммавий ижтимоий боқимандаликни туғдирмасликка интилсада, бевосита булар шуғулланишида намоён бўлади. Бойлик-

ларни тенг тақсимлаш ёрдамида барчанинг фаровонлигини ўрнатишга уринган совет типидаги социализмдан фарқли ўлароқ, ижтимоий давлат биринчи навбатда ишлаб чиқариш самарадорлигини, индивидуал масъулият ва фаолликни ошириш натижасида ҳар бир кишига муносиб ҳаёт шароитларини таъминлашни мўлжаллайди.

Бизнинг кунларимизда демократик давлатлар ҳуқуқий ва ижтимоий тамойилларни оқилона бирлаштиришнинг меъёрини топишга интиладилар. Бунда консерваторлар одатда ҳуқуқий томонга, социал — демократлар ва уларга яқин бўлган либераллар — ижтимоий тамойилларга катта урғу берадилар.

Давлатнинг ривожланиш тамойиллари

Ҳуқуқий ва ижтимоий босқичлар конституцион давлатнинг ривожланишини якунламайди. Айрим сиёсатшуносларнинг ҳисоблашича, ҳозирги демократик давлатлар янги, экологик босқичга кирмоқда. Унинг учун биринчи ўринга экологик хавфсизликни ҳамда шахснинг экологик (экзистенциал) ҳуқуқларини, бутун инсониятнинг тирик қолишини таъминлаш муаммоларини биринчи ўринга чиқарилиши характерлидир. Янги шароитларда давлат жамоатчилик билан биргаликда ядровий ва экологик ҳалокатларни бартараф этишга, экологик мувозанатни қувватловчи адаптив (мослашувчан) турмуш тарзини йўлга қўйишга чақирилган.

Ҳозирги давлатларнинг ривожланишида икки тенденция кузатилади. Улардан биринчиси — деэтатистик — фуқаролик жамиятини ривожлантиришдан, унинг давлат устидан назоратидан, унга сиёсий партиялар ва қизиқишлар гуруҳлари таъсирининг кенгайишидан, давлатнинг бир қатор функциялари аксилмарказлаштирилишидан, унинг айрим органлари фаолиятида ўзини-ўзи бошқаришнинг бошланишидан иборат. Иккинчи тенденция — этатистик — жамиятнинг тартибга солиниши ва интеграциялашуви (умумлашуви) инструменти сифатидаги давлат ролининг ошиб боришда намоён бўлади. Замонавий давлат иқтисодий, ижтимоий информацион жараёнларга фаол аралашади, солиқлар, сармоялар, кредит ва бошқа сиёсат ёрдамида ишлаб чиқаришнинг ривожланишини рағбатлантиради, халқ хўжалигидаги номутаносибликни бартараф этади. Унинг фаолиятида ижтимоий ривожланишнинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва режалаштириш тобора муҳим ўринни эгалламоқда.

Давлатнинг фаолиятида мажбурлашнинг қўлланилиши сезиларли даражада қисқармоқда. Йирик ижтимоий муаммоларни ечишда тобора камроқ қўлланилмоқда, қонунни бузувчиларга,

жиноий ва экстремистик элементларга қарши курашда муҳим восита бўлиб қолсада, ўз ўрнини турли ижтимоий кучларнинг кооперациясига бўшатиб бермоқда. Умуман эса, жамият ва давлатда юз бераётган ўзгаришлар, анархизм ва марксизм тасдиқлаганидек, яқин келажакда давлатнинг ўлиши тўғрисида гапиришга етарлича асос бермайди.

Россияда ва бошқа постсоциалистик мамлакатларда бўлаётгани каби, ижтимоий тараққиётнинг ўтиш даврларида давлатнинг роли янада каттароқ бўлади. Бунда давлат жамиятни ислоҳ қилишнинг, барқарорлик ва тартиботни сақлашнинг бош қуроли бўлиб чиқади. Бунда унинг ўзи чуқур ўзгаришларга учрайди, ташкилотнинг янги шаклларини олади.

§ 3. Ҳозирги давлатнинг тузилиши

Бошқарув шакллари

Давлатнинг тузилиши анъанавий ҳолда бошқарув шакллари ва ҳудудий (давлат) тузилиши шакллари орқали тавсифланади. Уларда олий ҳокимият ташкилоти, олий давлат органларининг, амалдор шахслар ва фуқароларнинг тузилмаси ҳамда ўзаро муносабатларининг тартиби мужассамлашади. Бошқарув шакллари ҳокимиятни ташкил этиш усули, унинг расмий манбалари бўйича монархия ва республикага бўлинади. Монархияда ҳокимиятнинг расмий манбаи бир шахс ҳисобланади. Давлат бошлиғи ўз амалини, сайловчилар ёки ҳокимиятнинг вакиллик органларидан қатъий назар, мерос бўйича олади.

Бошқарув монархик шаклининг бир қанча турли кўринишлари мавжуд: мутлақ монархия (Саудия Арабистони, Қатар, Оман) — давлат бошлиғининг чексиз ҳукмронлиги; конституциявий монархия — бунда монархнинг ваколатлари конституция билан чекланган давлат бўлади. Конституцион монархиялар дуалистик монархияга (Иордания, Кувайт, Марокко), бунда монарх асосан ижроия ҳокимияти билан таъминланган бўлади ҳамда қисмангина — қонун чиқарувчи ва парламентар монархияга бўлинади, бу ерда монарх давлат бошлиғи саналсада, бироқ амалда вакиллик ва қисмангина ижрочилик функцияларига эгадир, шунингдек, баъзида парламент қарорларига вето (таъқиқлаш) ҳуқуқи ҳам бўлиб, ундан амалда фойдаланмайди. Замонавий демократик монархияларнинг асосий кўпчилиги — парламент монархияларидир. Уларда ҳукуматлар парламент кўпчилиги томонидан шакллантирилади ва монархга эмас, парламентга ҳисоб беради.

Монархия минг йиллар давомида бошқарувнинг ҳукмрон шакли бўлди. Ўзига хос шаклларда у бугунда ҳам дунёнинг учдан бир мамлакатларида сақланиб келмоқда (Масалан, Буюк Британия, Швеция, Дания, Испанияда).

Парламент республикаси

Замонавий парламент монархиялари сиёсий анъаналарга бўйсунган ҳолда фуқароларнинг давлатга ҳурматини қувватлайди, амалда бошқарувнинг иккинчи шакли — республикадан жуда кам фарқ қилади. Республикаларда ҳокимиятнинг манбаи халқнинг кўпчилиги ҳисобланади, давлатнинг олий органлари фуқаролар томонидан сайланади. Ҳозирги дунёда республиканинг уч асосий кўриниши мавжуддир: парламент, президентлик ва аралаш ёки ярим президентлик республикалари. Тарих эса республиканинг: қулдорлик, аристократик, совет, теократик ва бошқа кўринишларини ҳам билади.

Парламент республикасининг асосий фарқловчи белгиси ҳукуматнинг парламент асосида (одатда, парламент кўпчилиги томонидан) тузилиши ва унинг парламент олдида расман масъуллиги ҳисобланади. У ҳукуматга муносабати бўйича бир қатор функцияларни амалга оширади: уни шакллантиради ва қувватлайди; ҳукумат томонидан ижро учун қабул қилинувчи қонунларни чиқаради, давлат бюджетини тасдиқлайди ва бу билан ҳукумат фаолиятининг молиявий доирасини ўрнатади; ишлаб чиқариш устидан назоратни амалга оширади ва зарур бўлган ҳолларда унга ишончсизлик билдиради, бу ёки ҳукуматнинг истеъфога чиқишга, ёки парламентнинг тарқалиши ҳамда муддатидан олдин сайловлар ўтказилишига олиб келади; ҳукумат сиёсатини танқид қилади, ҳукумат қарорлари ва бутун сиёсий йўлнинг муқобил вариантларини тақдим этади.

Ҳукумат ижроия ҳокимиятига, баъзан қонунчилик ташаббусига ҳам, шунингдек, парламентни тарқатиш тўғрисида президентга илтимоснома бериш ҳуқуқига эга. Президент одатда бундай илтимосномаларни қондиради. Кўпчилик мамалакатларда ҳукуматга аъзолик депутатлик мандатини сақлаб қолиш билан мослаша олади. Бу ҳукуматга нафақат ҳукмрон партияларнинг етакчиларини, балки парламент кўпчилигининг бошқа бирмунча таъсирли депутатларини ҳам жалб этишга имкон беради ва бу билан бир вақтнинг ўзида оммавий партиявий қувватлашни олган ҳолда парламент назорат қилиш имконига эга бўлади. Ҳукумат бошлиғи (бош вазир, канцлер) расман давлат бошлиғи ҳисобланмасада, ҳақиқатда у — сиёсий поғонадаги биринчи шахсдир. Президент эса амалда унда анча камтарин ўринни эгаллайди. У ёки

парламент, ёки сайловчилар йиғилиши, ёки бевосита халқ томонидан сайланиши мумкин. Унинг сиёсий обрўси сайловларнинг характерига боғлиқ бўлмайди ва парламент монархияларидаги давлат бошлиқларининг функцияларидан кам фарқ қилган ҳолда, одатда, вакиллилик функциялари билан чекланади.

Президент республикаси

Республика бошқарувининг иккинчи, анча кенг тарқалган шакли президентлик республикаси ҳисобланади. Унинг ажралиб турувчи белгиси шундан иборатки, уларда бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошлиғи, ҳам ҳукумат бошлиғи бўлиб чиқади. У ички ва ташқи сиёсатни бошқаради ва қуролли кучларнинг олий бош қўмондони ҳисобланади. Президент, кўпинча, тўғридан-тўғри халқ томонидан сайланади. Унинг ўзи (АҚШда сенатнинг розилиги билан) вазирлар маҳкамаси аъзоларини тайинлайди, улар парламент олдида эмас, балки президент олдида жавобгар ҳисобланадилар.

Президентлик республикаларида ҳукумат барқарорлиги билан ажралиб туради. Унда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларга қатъий бўлиниши, уларнинг анча мустақиллиги мавжуд бўлади. Парламент ҳукуматга ишончсизлик билдира олмайди, президент эса парламентни тарқатиш ҳуқуқига эга эмас. Президент томонидан жиддий антиконституцион ҳаракатлар ёки жиноятлар қилинган ҳоллардагина унга импичмент билдирилиши — у муддатидан олдин ҳокимиятдан четлаштирилиши мумкин. Бироқ импичмент тартиби жуда мураккаблаштирилган.

Парламент ва президент ўртасидаги муносабатлар тийилиш, посанги бўлиш, ўзаро боғлиқлик тизимларига асосланади. Парламент президентнинг ваколатларини қонунлар ёрдамида ва бюджетни тасдиқлаш орқали чегаралаши мумкин. Президент эса одатда парламентнинг қарорларига кечиктириш ветоси қўйиш ҳуқуқига эга. Ўз бурчларини меъёрида бажариш учун парламент ҳам, президент ҳам, ҳатто бу икки институт турли партиялар томонидан назорат қилинса-да, ҳамкорлик қилишга, умумий тил топишга мажбурдирлар.

Президентлик республикаси Ғарбий Европада кенг тарқалишга эришмади. Узоқ давом этган авторитар анъаналарга эга бўлган мамлакатларда эса, аввало, Лотин Америкаси, Осиё ва Африкада, шунингдек, собиқ СССР ҳудудида бошқарувнинг бу шакли кўпинча «суперпрезидентлик республикаларига» айланиб бормоқда. Унда деярли бутун реал ҳокимият президент қўлида тўпланиб, у парламент ва суд органлари назорати остидан чиқиб кетади ва амалда ярим диктаторлик ваколатларига

эга бўлади, қаердадир эса (Зоир, Малави ва бошқаларда) ҳатто умрбод давлат бошлиғи деб эълон қилинади.

Ярим президентлик республикаси

Республиканинг учинчи асосий тури ярим-президентлик ёки аралаш республика ҳисобланади. У Австрия, Ирландия, Португалия, Польша, Финляндия, Франция, Болгария ва бошқа айрим мамлакатларда мавжуддир. Бошқарувнинг бундай шаклида кучли президентлик ҳокимияти ҳукуматнинг фаолияти устидан парламентнинг самарали назорати билан бирга қўшиб олиб борилади. Ярим президентлик республикаси парламентли ёки президентлик республикалари каби барқарор белгиларга эга эмас ва турли мамлакатларда бу шакллардан бирига томон тортилади. Унинг асосий характерли белгиси — ҳукуматнинг иккиёқлама: президент ҳамда парламент олдида жавобгарлигидир.

Ярим президентлик республикасининг классик намунаси Франция ҳисобланади. Унда президент ва парламент бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда сайланади. Парламент президентни амалидан тушира олмайди, президент эса ўз навбатида муддатидан аввал парламент сайловлари ўтказилиши вақтини эълон қилишнинг зарурий шарти билан парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Президент давлат бошлиғи ва олий бош қўмондан ҳисобланиб, мамлакатни халқаро майдонга намоён этади, парламент қарорларини кечиктириш ветосига (тақиқига), шунингдек, якка ўзи фавқулодда ҳолат жорий этиш ҳуқуқига эга, бироқ бундай ҳолда у парламентни тарқатиш ҳуқуқини йўқотади.

Президент парламентнинг розилигисиз, аммо ундаги сиёсий кучларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда, ҳукумат бошлиғини тайинлайди, у билан биргаликда вазирлар маҳкамасини шакллантиради. Давлат бошлиғи ҳукумат мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини тасдиқлайди ва бу билан унинг фаолиятини назорат қилади. Президентнинг ўзи қонунчилик ташаббусига эга эмас, бироқ ҳукуматнинг фаолияти учун барча масъулиятни бўйнига олувчи бош вазир бундай ҳуқуқдан фойдаланади. Парламент йиллик бюджетни тасдиқлаш орқали, шунингдек, ишончсизлик билдириш ёрдамида ҳукуматни назорат қилиш имкониятига эга.

Референдум

Турли-туман республика ва монархик давлат шакллари бошқарувнинг барча механизмларини қамраб ололмайди. Улардан бири референдум институтидир. У жамият учун ўта муҳим масалаларни умумхалқ овоз бериш воситасида ҳал этишни мўлжаллайди, унинг натижа-

лари олий ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, барча давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурийдир. Парламентнинг қонунчилик фаолиятига муносабати бўйича тобелик аҳамиятига эга бўлсада, дунёнинг кўпчилик демократик давлатларида, айниқса, маҳаллий даражада қонунчилик механизми сифатида референдумдан фойдаланилади.

Референдумнинг ташаббускорлик ҳуқуқи соҳасида турли мамлакатларда жиддий тафовутлар бор. Унинг ташаббускори бўлиб айрим давлатларда (Буюк Британия, Швеция, Норвегия ва б.) фақат парламент ва ҳукумат, бошқаларида (масалан, Францияда) — президент ҳам, учинчиларида (Швейцария, Австрия, Италияда) — бевосита халқ ҳисобланади. Швейцарияда фуқаролар 50 минг имзо тўпласалар, у ёки бошқа қонун бўйича референдум ўтказилишига эришишлари мумкин. Референдум бўлиб ўтиши учун унда кўпчилик аҳолининг иштироки умуман шарт эмас. Умумхалқ овоз бериши нафақат қонунларни қабул қилиш учун, балки уларни бекор қилиш учун ҳам фойдаланилади. Бир қатор мамлакатларда (Франция, Австрия ва б.) конституцион ўзгаришлар қабул қилиниши учун улар шартдир.

Айниқса, бутун мамлакат миқёсида референдумлар ўтказилиши етарлича мураккаб ва серхаражат иш бўлсада, халқ улар ёрдамида ўз иродасини бевосита ифодалашга, қонун ижодкори бўлишга, ташаббускорликни намоён этишга қодир бўлади. Бундан ташқари, умумхалқ овоз беришини ўтказиш имкониятининг борлиги давлат органлари ва ҳукуматни халқ фикрига кўпроқ эътибор қаратишга мажбур этади. Кўпчилик мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, тарғибот ва сафарбарлик ишлари катта молиявий сарф-харажатлар ва йирик ташкилотлар томонидан қувватланиши талаб этилмайдиган, одамлар ҳал этиладиган масаланинг моҳиятини яхшироқ тушунадиган маҳалий даражаларда референдумлардан фойдаланиш энг самарали бўлади. Айрим мамлакатларда (АҚШ, ГФР ва б.) ушбу демократик институт федерациянинг субъектлари ва янада майдароқ маъмурий — ҳудудий бирликлари томонидангина фойдаланилади.

Ҳудудий тузилиш. Унитар давлат

Давлатнинг ҳудудий тузилиши бир бутун ва қисмларнинг, марказий ва минтақавий ҳокимият органларининг ўзаро нисбатини тавсифлайди. Ҳудудий тузилишнинг икки асосий: унитар ва федератив шакли фарқланади. Унитар давлат ўз давлатчилигига эга бўлмаган, маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат бўлган, ягона, сиёсий бир хил ташкилотни намоён этади. У ягона конституция ва фуқароликка эга.

Барча давлат, шу жумладан, суд органлари ягона тизимни ташкил этиб, ягона ҳуқуқий меъёрлар асосида ҳаракат қилади. Унитар давлатлар, асосан, бирмиллатли аҳолидан иборат мамлакатларда шаклланган, улардан айримлари, масалан, Испания ўз таркибида, автономиядан фойдаланувчи бошқа миллатли тузилмаларга ҳам эга бўлиб, унинг ваколати марказий ҳокимият томонидан белгиланади.

Унитар давлатлар марказлаштирилган (Буюк Британия, Швеция, Дания ва б.) ва марказлаштиримаган (Франция, Италия, Испания) ҳолда бўлади. Марказлаштирилган давлатлар маҳаллий бошқарувнинг қуйи органларига анча кенг мустақиллик (ўзини-ўзи бошқариш) беришлари мумкин. Аммо уларда бошқарувнинг ўрта бўғини сезиларли мустақилликка эга бўлмайди ва бевосита марказнинг қарорларини бажаришга йўналтирилган бўлади. Марказлаштирилмаган унитар давлатларда эса йирик минтақалар кенг автономиядан фойдаланади ва ҳатто ўз парламентларига, ҳукуматларига, маъмурий-бошқарув тузилмаларига эга бўлади ҳамда таълим, маиший хўжалик, жамоат тартибини сақлаш ва шунга ўхшаш соҳаларда, қоида тариқасида, марказий органлар томонидан уларга берилган масалаларни мустақил ҳал этадилар. Бироқ федерация субъектларидан фарқли ҳолда, солиққа тортиш соҳасида уларнинг ваколатлари кучли чекланган бўлиб, бу уларни марказдан кучли даражада молиявий боғлиқ аҳволга солиб қўяди.

Федерация ва конфедерация

Федерациянинг унитар давлатдан бош фарқи, унда йирик ҳудудий тузилмалар (штатлар, ерлар, кантонлар ҳам, тенг ҳуқуқли фуқаролардан ташкил топган халқ ҳам ҳокимиятнинг манбаи, давлат суверенитетининг субъектлари бўлиб чиқишдир. (Унитар давлатда эса суверенитетнинг биргина субъекти — халқ мувжуддир). Федерация — бу давлатларнинг, марказ ва улар ўртасидаги тақсимланиш доирасида мустақил ваколатга эга бўлган, ўз қонунчилик, ижроя ва суд органларига ҳамда қоида тариқасида, конституцияга, кўпинча, икки фуқароликка ҳам эга бўлган барқарор иттифоқидир.

Давлат тузилишининг федерал тамойили ўз ниятига кўра бирмунча этник, тарихий-маданий, диний, лингвистик (тил) ва бошқа хусусиятларга эга бўлган бирликларнинг тенг ҳуқуқли ўзаро ҳаракати ва эркин бирлашувини таъминлашга; минтақавий ва озчиликнинг бошқа манфаатларини ифодалаш учун, умумиттифоқ ҳукумат функцияларини бажаришга мухолифатни аста-

секин тайёрлаш учун мақбул имкониятлар яратишга; ҳокимият ва бошқарувни фуқароларга яқинлаштиришга чақирилган.

Федерация иттифоқи конституцияда белгилаб қўйилган, унинг субъектлари ва марказ ўртасидаги функцияларнинг тақсимланиши асосида қурилиб, у федерация субъектларининг розилиги билангина ўзгартирилиши мумкин. Бунда масалаларнинг бир қисми иттифоқ органларининг алоҳида ваколати бўлади, бошқалари — федерация субъектларининг, учинчилари — иттифоқ ва унинг аъзоларининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади. Иттифоқ раҳбарияти ва федерациянинг барча субъектлари томонидан бир-бирларининг ҳуқуқ ва ваколатларининг ҳурмат қилинишини мустақил, шунингдек, одатда икки палатали парламент назорат қилиб, унинг юқори палатаси штатлар (ерлар) вакилларидан шакллантирилади.

Федерация аъзолари — умумдавлат суверенитетининг ҳамкорлари — амалда индивидуал суверенитетга ва иттифоқ давлатидан бир томонлама чиқиш ҳуқуқига эга эмаслар. Иттифоқ конституцияларининг кўпчилигида федерал органларнинг фавқулодда вазиятлар: табиий офат ёки оммавий тартибсизликлар вужудга келган ҳолларда федерация аъзоларининг ички ишларига аралашиш ҳуқуқи мавжуд.

Федерация давлатнинг ҳудудий тузилиши шакли сифатида ўзининг яшовчанлигини кўрсатмоқда. Биргаликдаги конкрет мақсадларни амалга ошириш учун мустақил давлатларнинг доимий иттифоқи бўлган конфедерация ҳақида бундай дейиш мумкин эмас. Унинг аъзолари давлат суверенитетини тўлиқ сақлаб қоладилар ва иттифоқ ваколатига чекланган миқдордаги, аввало, мудофаа, ташқи сиёсат, транспорт ва алоқа, пул тизими масалаларинигина берадилар. Конфедерациялар АҚШда (1776-1787), Швейцарияда (1848 йилгача), Германияда (1815-1867) ва бошқа айрим мамлакатларда бўлган эди. Давлат бирлашмасининг бу шакли мустаҳкам эмас ва одатда ёки аста-секин федерацияга ўсиб ўтади, ёки тарқалиб кетади.

Кейинги йилларда собиқ СССР ҳудудида турли соҳалардаги ўз фаолиятларини мувофиқлаштирувчи суверен давлатлар иттифоқи — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини (МДҲни) яратишга уринишлар қилинди. Давлат тузилмасининг бундай шакли барқарор ва самарали бўла олмайди, чунки ҳамдўстлик фаолиятида бирликни таъминламайди, уларни ўз мажбуриятларини бажаришларига ҳокимиятли кафолатларни яратмайди. Европа иттифоқининг ривожланиш тажрибаси гувоҳлик бе-

радики, давлатларнинг яқинлашуви ҳамда узоқ муддатли бирлашмаси иқтисодий интеграция ва федератив тамойилларни астасекин амалга ошириб бориш йўлидагина мумкин бўлади.

Ҳудудий тузилиш шакллари ҳамда бошқарув шакллари давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларининг тузилишига таъсир этади. Бутун давлат механизмининг нормал фаолият кўрсатиши учун суд ҳокимиятининг аҳамияти ҳам муҳимдир. Мустақил судлов барча давлат ҳамда ижтимоий муассасалар ва фуқаролар томонидан конституция ва қонунларга амал қилинишини назорат қилишга, улар ўртасида вужудга келадиган баҳсларни ҳал этишга, давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарорлигини таъминлашга даъват этилган.

Ҳозирги демократик давлатнинг бутун фаолияти сиёсий тизимнинг партиялар ва манфаатлар гуруҳлари каби муҳим муассасалари билан мустаҳкам ҳамкорлигига асосланади.

15-БОБ

МАНФААТЛАР ГУРУҲЛАРИ ВА ПАРТИЯЛАР

§ 1. Гуруҳлар манфаатлари

Гуруҳлар манфаатлари тушунчаси

Ҳар қандай мураккаб тузилган сиёсий тизимда, қоида тариқасида, фуқароларнинг давлат билан муносабатларини бевосита ифодаловчи маълум бир механизмлар мавжуд бўлади.

Улар орасида муҳим ўрин манфаатлар гуруҳлари ва сиёсий партияларга тегишли бўлиб, улар ўз мақсадлари ва фаолият усуллари, ҳокимиятга таъсир этиш имкониятлари ҳамда бошқа характеристикалари билан ўзаро фарқланади.

«Манфаатлар гуруҳлари» тушунчаси мураккаб ижтимоий тузилмалар мажмуини тавсифлайди. Инглиз Доуз уларга мазкур бирлашма манфаатларига кўпроқ жавоб берадиган усуллар билан ҳукуматга таъсир этишга диққатини жамлаган индивидларнинг ассоциациясини (уюшмасини) тааллуқли деб билади. Америка тадқиқотчилари Г. Алмонд ва Ж. Пауэлл уларни ташкил этувчи фуқаролар учун ўзаро манфаатдорлик ёки фойдани ифодаловчи, алоҳида алоқалар билан бирлашган кишилар гуруҳлари деб ҳисоблайдилар. Манфаатлар гуруҳларини тушунишдаги бошқа бир қатор анча

ўхшаш талқинлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда уни қисқача давлат билан муносабатларда ўзларининг қатъий қадриятли манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоялаш учун мослашган ёки одамлар томонидан махсус тузилган, асосан, кўнгилли бирлашма сифатида таърифлаш мумкин.

Давлатнинг халқ билан муносабатларида воситачи бўлувчи бирлашмалар кишилар бирликларининг ижтимоий, миллий, минтақавий ва ҳоказо манфаатларини намоён қилади ва улар аъзоларининг жамоавий фаолият шакли ҳисобланади. Манфаатлар гуруҳлари фаолиятида иштирок этиш билан фуқаролар ижтимоий фаолиятидан сиёсий фаолликка ўтиш томон бир қадам қўядилар. Манфаатлар гуруҳлари ижтимоий эҳтиёжларнинг ваколатлилиги қанчалик кенг бўлса жамият ва давлат ўртасидаги алоқалар ҳам шунчалик ҳар томонлама бўлади. Улар функцияларининг амалга оширилиши қанчалик мақбул даражада бўлса, аҳолининг ижтимоий талабларига ҳам шунчалик ҳозиржавоб бўлади. Бунда қаердаки ҳукумат ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бошқаришга кенгроқ жалб этилган бўлса, манфаатлар гуруҳлари, қоида тариқасида, катта имкониятларга ҳамда сиёсий қарорларга катта таъсир кўрсатиш имконига эга бўладилар. Шу билан бирга Ватан манфаатлари гуруҳларидан ташқари ижроя ва ваколатли давлат органлари ҳузурида турли-туман халқаро муаммоларни ҳал этишга ёрдамлашуви халқаро иқтисод ва молия марказлари ва ҳоказо гуруҳларнинг, чет эл мамлакатларининг манфаатларини ифодаловчи бирлашмалар ҳам ҳаракат қилишлари мумкин.

Турли-туман манфаатлар гуруҳлари ҳокимиятга таъсир этиш, аҳолининг эҳтиёж ва талабларини сиёсий қарорлар қабул қилувчи шахслар ва органларгача етказиш учун кенг имкониятлар тўпламига эгадир. Бундай имкониятлар сифатида уларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятлари, улар аъзоларининг ахборотлари ёки сиёсий иштирокчилик тажрибалари, ташкилий тузилмалари ва шу кабилар чиқиши мумкин. Манфаатлар гуруҳлари, у ёки бу сиёсий тизим учун тегишли қатъий имкониятларнинг аҳамиятлилигига боғлиқ ҳолда, бошқарув қарорлари қабул қилинишда у ёки бу даражада таъсирга эга бўладилар. Ўз имкониятларидан фойдаланган ҳолда, ҳукумат билан доимий алоқани сақлаб туриш имконига эга бўлган манфаатлар гуруҳлари, кўпинча, жамиятни бошқарув механизмнинг таркибий қисмига айланади. Бунга қарама-қарши ҳолдаги жамиятда қабул қилинган меъёр ва қадриятларни инкор этувчи бир қатор маргинал, ноанъанавий манфаатлар гуруҳларининг ҳокимиятга «Аризалари»

жамиятни сиёсий бошқариш тизими учун емирувчи таъсирга эга бўлиши мумкин ва жамият томонидан ажратиб қўйилади.

Умуман эса турлича манфаатлар гуруҳларининг ҳаракатлари сиёсий тизим тузилишининг мураккаблашувига имкон яратади. Жумладан, бу партиялар (айниқса, майдалари) вужудга келиш шароитларининг кўпайиши ҳамда бу сиёсий муассасаларда гуруҳбозликнинг кучайиши; бошқарув тузилмалари функцияларининг табақалашуви ва ташкилий қурилишнинг оқилона ташкил этилиши; кўп партияли тизимлар шаклланишининг рағбатлантирилиши ва бошқалар ҳисобидан рўй беради. Ва аксинча, манфаатлар гуруҳлари ҳаракат майдонининг торайиши, фуқаролар учун бундай уюшмаларни тузишга тўсқинлик қилиш бошқарув режимини жуда қаттиққўл қилиб қўяди, ҳукмрон элитани аҳолидан ажратиб юборади ҳамда доҳийлар буйруғини ва оммани нг итоаткорлигинигина так олувчи «монолит» давлат ўрнатиш учун шарт –шароитларни яратади.

Манфаатлар гуруҳларининг функциялари

Манфаат гуруҳлари, аввало, манфаатлар артикуляцияси функциясини, яъни ижтимоий ҳис туйғу ҳамда умидларнинг, қониқмаганлик ҳисси ёки фуқаролар бирдамлигининг маълум бир сиёсий талабларга ўзгартирилиб боришини таъминлайди. Масалан, фуқаролар иш ҳақини оширишга, нафақахўрлар учун имтиёзлар беришга, алоҳида вазирлар ёки бутун ҳукуматнинг истеъфога чиқишга томон чақириқларига айланиши мумкин.

Бу талаблар, одатда жамиятда қабул қилинган «Ўйин қоидалари»га мос равишда расмийлаштирилиб, аҳоли турли қисмларнинг истаклари сифатида қарорлар қабул қилувчи шахсларгача етказилади. Яъни аҳоли маълум қисмларини ҳукмдорлик ҳуқуқларининг тенг ҳуқуқли намоёндалари, сиёсатнинг субъектлари сифатида сиёсий жараёнларга қўшади. Бунда ҳукумат олдига турли — туман ўзаро мувофиқлаштирилмаган талабларни илгари сурган ҳолда, манфаатлар гуруҳлари бир вақтнинг ўзида қарорлар қабул қилиш жараёнини мураккаблаштиради, бироқ уни анча мақбуллаштиради ҳам, шу сабабдан мақбуллашадики, бошқарув тузилмалари ушбу даврда давлат олдида турган энг типик муаммоларни ажратиб олиш имконига эга бўладилар, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги тегишли устуворликларни аниқлайдилар, ўзгариб борувчи вазиятлар ва ижтимоий фикрнинг баҳолашларга мос равишда ўз йўлини (сиёсатини) мувофиқлаштириб боради.

Манфаатлар артикуляцияси уларнинг агрегатлашуви, яъни хусусий эҳтиёжларнинг уйғунлаштирилиши, улар ўртасида маълум бир поғанавийликни ўрнатиш ҳамда шу асосда умумгуруҳий мақсадларни ишлаб чиқиш билан узвий боғлиқдир. Бу функция нафақат энг сиёсий аҳамиятли талабларни, балки амалий татбиқ этиш учун энг яхши имкониятларга эга бўлганларини ҳам танлаб олишни мўлжаллайди. Шу тарзда манфаатлар гуруҳлари сиёсий талабларнинг айримларини ташлаб кетган, бошқаларига эса жиддий тус берган ҳолда саралайди. Ушбу функцияни бажаришда, қоида тариқасида, бюрократик тузилмалар негизида шаклланувчи босим кўрсатиш гуруҳлари энг фаолдирлар. Қачонки агрегатлашув манфаатларининг турличалиги ўсиб борса, уларнинг сиёсий жараёнлардаги норасмий ваколатлилиги қийинлашиб борса ёки манфаатлар гуруҳлари ўз фаолиятларини кўпроқ умумий, концептуал асосда, янгидан ташкил эта бошласалар, улар аста — секин бир қатор партиявий функцияларни бажаришни ўзларига олиб, бу сиёсий муассасанинг белгилари ва хусусиятларига эга бўла борадилар.

Кўпинча аҳолида функция сифатида эслатиб ўтилган хабардор қилиб бориш ажратиб кўрсатилиб, бунда манфаатлар гуруҳлари ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу муаммоларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ҳокимият органларигача етказиб туради. Бошқача айтганда, бу бирлашмалар ижтимоий фикрнинг маълум бир тарқатилишини амалга оширадилар. Аҳолининг қандайдир қисмининг маълум бир муаммога нуқтаи назарини ифодалаган, манфаатлар гуруҳлари давлат органларига фуқароларнинг реал эҳтиёжларига жавоб берувчи ҳамда вазиятга мос равишда ўзгариб борувчи самаралироқ сиёсий йўлни ўтказишларига имкон беради.

Манфаатлар гуруҳлари кўпинча, у ёки бу муаммонинг аҳволига баҳо берувчи эксперт бирлашмалари сифатида чиқишлари сабабли, улар ўз аъзоларини давлат органларида ишлаш учун тавсия этиш, ҳукумат ва бошқа тузилмалардаги маълум бир арбобларни қувватлаш, қарорларини қабул қилиш жараёнида қатнашувчи кадрларни танлашга таъсир этиш имконига эга бўлади. Бу билан манфаатлар гуруҳлари сиёсий элитанинг жамият ҳукмдорлик тузилмаларини шакллантириш функциясини ҳам бажаради.

Манфаатлар гуруҳлари томонидан ўз функцияларининг амалга оширилиши, қоида тариқасида, ҳокимиятга босим ўтказишнинг бевосита шаклларини ривожлантиради ва (камроқ даражада) ҳукуматнинг аҳоли билан тескари алоқасини чуқурлаштиришга кўмаклашади. Бунда уларнинг ўз функцияларини амалга

оширишдаги воситалар тўплами ўз фаоллигини бутун сиёсий маконга тарқата олувчи партияларга қараганда анча қисқадир. Босим кўрсатувчи гуруҳлар учун бўлғуси сайловчиларга номзодлар танлаш, оммавий ахборот воситаларини нашр этиш, номзодларни қувватловчи жамғармалар тузиш ва ҳоказолар каби фаолият шакллари ҳокимият билан ўзаро муносабатларда қоидадан кўра кўпроқ истисно ҳисобланади.

Босим кўрсатувчи гуруҳлар томонидан функцияларни амалга ошириш характери, аввало, улар фаолияти усулларининг қонунийлиги ёки ноқонунийлигига боғлиқ бўлади. Биринчисига депутатликка номзодлар ва ижроя ҳамда ваколатли давлат органлари аъзолари билан ўзаро таъсирлари (маслаҳат, тавсия, ишонтиришлар кўринишидаги); у ёки бу қонун лойиҳаларини, экспертизасини, ҳукумат органларининг хулосаларини тайёрлашни молиялаштиришда қатнашиш; ҳокимиятнинг айрим органларининг қабул қилинган қарорларга (қонунлар) амал қилиши устидан нотўғри ҳуқуқ қўлланилган ҳолда судга мурожаат қилиш даражасигача назорат ўрнатиш; ҳукуматнинг алоҳида соҳаларидаги фаолияти, молиявий воситалар сарф-харажати ва бошқалар устидан назорат ўрнатиш кабилар киритилади.

Манфаатлар гуруҳлари фаолиятининг ноқонуний шаклларига пора бериш, мансабдорларни сотиб олиш, улар томонидан норасмий бирлашмаларни пул билан қувватлантириш, обрўсизлантирувчи материаллар тўплаш мақсадида сиёсатчиларнинг шахсий ҳаётларини назорат қилиш ва ҳоказолар тааллуқлидир.

Умуман эса, манфаатлар гуруҳлари фаолиятида у ёки бу усулнинг устувор бўлиши сиёсий тизимнинг демократиклиги, очиқлик даражаси билан белгиланади. Бошқа томондан эса, манфаатлар гуруҳларининг ҳокимият билан ўзаро муносабатларининг типик усуллари миллий давлатчилик ривожланишидаги маълум тенденцияларга таъсир этишга (баъзан эса ўзгартиришга ҳам) қодирдир. Масалан, бир қатор лотин америкаси давлатларида, Италияда, қисман Россия ҳамда собиқ СССРнинг айрим бошқа республикаларида айрим манфаатлар гуруҳларининг фаолияти (жумладан, ижроия ҳокимияти органларига таъсир кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи, босим кўрсатувчи гуруҳлар) бошқарувнинг яширин шакллари кучайишига, давлат мансабдорларининг коррупциялашувига, қарорлар қабул қилиш соҳасининг жиноийлашувига ёрдамлашади. Бошқа давлатларда эса бу сиёсий муассасалар, аксинча, давлат бошқаруви соҳасини жамоатчилик учун янада очиқлаштиради, аҳоли ва ҳокимият ўртасидаги бошқа воситачилар билан ўзининг алоқаларини мустаҳкамлайди (масалан, АҚШда умуммилий партиялар ҳокимиятнинг федерал органларига сайловлар жараёнида ўзаро ҳамкорлик қилувчи фуқаролар манфаатлар гуруҳларининг ўзига хос уюшмалари сифатида намоён бўлади).

Манфаатлар гуруҳларининг таснифи

Сиёсий фонда манфаатлар гуруҳларини, уларнинг тузилиши ва фаолиятидаги турли-туман белгиларини ҳисобга олувчи, анча тармоқланган бўлиниши шаклланган. Масалан, келиб чиқиши ва ташкилий даражаси нуқтаи назаридан аномик ва институционал (муассасавий) манфаатлар гуруҳлари ажратилади. Биринчи тури у ёки бу вазиятга нисбатан ўз-ўзидан таъсирланиш каби стихияли тарзда вужудга келувчи бирлашмаларни характерлайди (масалан, оломон намойиши, митинглар). Ғарб сиёсатшуноси П. Шараннинг фикрича, уларни, аввало, ушбу гуруҳ номидан доимий ташкилий ҳаракат қилувчи аъзолари йўқлиги фарқлаб туради. Сиёсий гуруҳларнинг давлат билан сиёсий муносабатларга киришиши доимий эмас. Уларнинг ички тузилиши, қоида тариқасида, барқарор эмас ва ташкилотнинг аввалги шакллари билан ворисликни сақламаган ҳолда, кўпинча, гўёки, янгидан шаклланади. Ташкилий имкониятларнинг етарли эмаслиги эса нафақат улар фаолияти самарадорлигини пасайтиради, балки амалда кучдан фойдаланишга доимий интилишни олдиндан белгилаб ҳам қўяди.

Уларга қарама-қарши бўлган муассасавий гуруҳлар эса — бу аниқ ташкилий тузилмага, барқарор функциялар ва малакали кадрлар аппаратига эга бўлган расмий бирлашмалардир. Уларнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти анча самарали. Бу турдаги гуруҳлар (масалан, Черковнинг, армиянинг маъмурий органлари, автономияларнинг федерал марказлардаги ваколатхоналари ва б.) кенг доирада, шу жумладан, мафаатлари ваколати доирасида чиқиб кетувчи мақсадларни ҳам кўзловчи вазифаларни бажарадилар.

Уларнинг ҳаракатларидаги ихтисослашув ҳисобга олинган ҳолда ассоциациялашмаган ва ассоциациялашган гуруҳлар ажратиб қаралади. Биринчисининг вужудга келиш манбаи бўлиб, одамларнинг қариндошлик, диний, социо-маданий асосдаги (илмий ва талабалар жамиятлари, диний гуруҳлар) норасмий ва кўнгилли бўлмаган бирлашмалар чиқади. Уларнинг фаолияти ҳам аномик гуруҳлардаги каби доимий эмас. Ассоциациялашган гуруҳлар эса манфаатларнинг ваколатлилиги ҳамда маълум вазифаларни ҳал этишга йўналтирилганликка ихтисос-

лашган (касаба уюшмалари, тадбиркорлар уюшмаси, фуқаролик ҳуқуқлари учун ҳаракатлар) кўнгилли бирлашмалар сифатида намоён бўлади. Уларнинг ташкилий ва кадрлар тузилиши, молиявий воситалардан фойдаланиш тартиби махсус мақсадларга эришишни рағбатлантиради. Сиёсий тизимга узвий ўрнашган ҳолда улар энг юқори самаралиликка эга бўлади.

Фаолият характерига кўра манфаатлар гуруҳлари бир мақсадли ва кўпмақсадли бўлиши мумкин. Масалан, биринчи турга тегишли бўлган, парламентда қандайдир маълум бир қонунни ҳукумат қабул қилишини таъминлашга интилувчи лоббилар тузилмалари, фақат ушбу мақсадга эришиш билан боғлиқ ҳолдагина тузилади ва мавжуд бўлади. Ўз вазифасини самарали ҳал этгандан сўнг улар тарқаб кетади ёки янада аниқроқ мақсадларга қайта мўлжал оладилар. Кўп мақсадли гуруҳларнинг фаолияти эса кўп ихтисосли ҳамда у ёки бу турдаги вазифанинг хусусияти билан чекланмаган. Масалан, босим кўрсатувчи кўпгина гуруҳлар нафақат бошқарувнинг қандайдир соҳасида қарорлар қабул қилиш масаласи бўйича ҳукумат билан ўзаро муносабатда бўлиши, балки сайлов компаниясида ва бошқаларда қатнашишлари ҳам мумкин.

Ушбу хилдаги туркумлаштириш манфаатлар гуруҳларини махсус (фақат сиёсий фаолият билан шуғулланувчи) ва қисман (ижтимоий функцияларнинг анча кенг доирасини, бизнесни ташкил этиш ва ҳоказоларни бажарувчи, гуруҳларга ажратувчи француз сиёсатшуноси М. Дюверженинг турларга бўлиши билан ҳам мустаҳкам боғланган.

Манфаатлар гуруҳларини жамиятни бошқарув соҳалари бўйича, иқтисодий соҳада — истеъмолчилар иттифоқлари, маданият соҳасида — ижодий уюшмалар ва ҳоказо. Ҳудудий белгилар бўйича (фақат маълум бир минтақаларда шаклланувчи ва ҳаракат қилувчи гуруҳлар), фаолият даражаси ва миқёси бўйича (масалан, ҳокимиятнинг марказий ёки маҳаллий органларида ҳаракат қилувчи босим кўрсатувчи гуруҳлар) туркумлаштиришлар ҳам ғоятда кенг тарқалгандир.

§ 2. Сиёсий партиялар

Партияларнинг келиб чиқиши ва моҳияти

Партия аҳолининг давлат билан муносабатларида манфаатлар гуруҳлари каби воситачи бўлган ҳолда, улар билан қиёсланганда бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бундан ташқари, барча ижтимоий ташкилотлар орасида «энг сиёсий» бўлган ушбу

ташкилотнинг (Р. Доуз) вазифавий ва ташкилий хусусиятлари, унинг келиб чиқиш ва сиёсий жараёнлардаги ролига нисбатан ҳозирга қадар назарий мунозара предмети бўлиб хизмат қилмоқда. Партиялар инсон учун табиий бўлган зиддиятлилик руҳининг амал қилиши оқибатида вужудга келадими (Гоббс) ёки инсоннинг эркин танлаши асосида шаклланувчи сиёсий уюшмаларнинг хусусий ҳодисаси ҳисобланадими (Токвиль); улар инсон сиёсий фаолиятининг барча кўринишларини ўзига бўйсундиришга интиладиларми (М. Я. Острогорский) ёки етакчиларини ҳокимиятга кўтарувчи механизмлар бўлиб ҳисобланадими — булар барчаси бугунда ҳам қизғин мунозаралар предмети ҳисобланади.

Партогонез, яъни партияларнинг шаклланиш ва фаолият кўрсатиш жараёни, XVII аср охри XVIII аср бошларига бориб тақалади. Бу Ғарбий Европа ва Америкада илк буржуа давлатлари сиёсий тизимлари туғилаётган давр эди. АҚШда фуқаролар уруши, Франция ва Англияда буржуа инқилоблари билан биргаликда юз берган бу жараён шуни кўрсатадики, партияларнинг пайдо бўлиши, шаклланаётган янги давлатчиликдаги турли туман-йўналишлар: аслзодалар ва буржуйлар, якобинчилар ва жирондистлар, католиклар ва протестантлар ўртасидаги курашнинг илк босқичларини акс эттирди. Партиялар индустриал тизимлар мураккаблашувининг маълум бир босқичи қайд этилишидир. Улар мутлақ монархияни чеклаш, сиёсий ҳаётга «учинчи табақанинг» тортилиши, ваколатлилик тизимининг жиддий ривожланишига хизмат қилувчи умумий сайлов ҳуқуқининг (XIX аср) натижаси сифатида вужудга келди. У нафақат бошқарувчилик функциясини бажариш сиёсий элита таркибини кенгайтиришни талаб этишини, балки уни тўплашнинг ўзи ҳам сайлов корпусининг ишига айланганлигини билдиради. Эндиликда кимки ҳокимият ва таъсир этишни сақлашни (олишни) хоҳласа, ўзига оммавий мададни таъминлаши зарур бўларди. Айнан партиялар сайловчиларнинг турли гуруҳлари манфаатларини ҳаракатга келтириш ҳамда элитани саралашнинг қонуний қуроли бўлдилар.

Тўғри, партиялар ўзларини дастлаб ҳокимият учун курашни мўлжаллаган уюшган бирлашмалар сифатида эмас, балки ҳамфикрларнинг ташкилоти шакллари ҳисобланувчи клублар, адабий сиёсий тузилмалар (буюк Француз инқилоби даврида-ги кордельерлар клуби ёки Англияда XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган «Клаб ислоҳотлари») каби намоён этган эдилар. Биринчи партиялар эса, феодал ҳокимиятга қарши курашиб, либерал қарашлар тарафдорлари томонидан тузилган эди. (Буюк

Британияда виглар, Германияда прогрессивлар партияси, Бельгия либерал партияси ва б.)

Шу тариқа маълум бир гуруҳий манфаатларни ифодаловчи ваколатли тузилмалар; давлат ва бошқа сиёсий бирлашмаларга мухолифатда бўлувчи муассасалар; ҳамфикрлар иттифоқи сифатида партиялар тарихан шаклланади. Аҳолининг маълум бир гуруҳлари сиёсий позициясининг давлатдан нисбатан мустақиллиги ва эркинлигини ифодалаган ҳолда бу белгилар партияларни жамиятдаги инқирозлар ва бўлинишлар манбаи сифатида қабул қилинишига кўмаклашади. Партияларга бундай, асосан, салбий муносабатнинг сабаби фақат давлат халқ суверенитетининг ифодачиси ҳисобланади, деган ишончнинг атрофлича тарқалиши бўлди (феодал — аристократик ва монархик анъаналар). Ж. Вашингтон Америка халқига «Видолашув мактуби»да «партиявий руҳ»нинг хавфли оқибатлари тўғрисида, партияларни халқ ҳокимиятини қўпориш ҳамда ваколатли ҳокимиятни тортиб олиш учун «тайёр қурол» сифатида тасвирлагани тасодиф эмас эди. Бошқа сиёсатчилар ва олимлар, жумладан, А. Токвиль ва Ж. Милль ҳам партияларга салбий муносабатда эдилар. Айни пайтда Ф. Бекон ва Э. Берк кабилар партияларга анча ижобий қарардилар, Н. Макиавелли ҳатто уларни ўз-ўзича фойдали, чунки «бошқаларнинг ҳалокатли тажрибасини таҳлил қилиб» (партиялар туғдирган душманлик ва низоларни синаб кўриб бўлганлар) фуқаролар « бирликни сақлашни ўргансалар керак», деб ҳисоблайди.[1]

Фақат аста-секин, буржуа давлатчилигининг парламент ва конституцион асослари ривожланиб бориши билан, партиялар ўз сиёсий ва ҳуқуқий мақомларини мустаҳкамлайдилар. Ҳозирги вақтда улар ҳокимиятнинг шундай муассасасини намоён этадиларки, уларсиз давлатчиликнинг сайловли шаклланиши, аҳоли турли қатламларининг етакчи сиёсий ўринларини эгаллашини амалга ошириш мумкин эмас.

Шундай қилиб, тарихий шаклланиш натижасида партиялар ўзларининг у ёки бу мақсадларининг (мафкуралар, етакчиларнинг) энг фаол тарафдорларини бирлаштирувчи ҳамда сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва фойдаланиш мақсадида курашиши учун хизмат қилувчи, ихтисослашган, ташкилий тартиблашган гуруҳ сифатида билдирадилар. Одамнинг бошқа кишилар билан сиёсий уюшишга бўлган ҳуқуқини гавдалантирган ҳолда, партиялар аҳолининг турли-туман (ижтимоий, миллий, конфессиал, диний ва ҳоказо) қатламларининг умумгуруҳий манфаатлари ва мақсадларини, уларнинг идеалларини ва қадриятларини, хаёллари (утопиялари) ва мафкураларини акс эттирадилар. Ушбу муассаса орқали одамлар давлатга ўз гуруҳий талабларини таклиф этадилар ва бир вақтнинг ўзида ундан у ёки бу сиёсий масалаларни ҳал этишда кўмаклашишга розилик оладилар. Шу тарзда партия халқ ва давлатнинг тўғри ва шунингдек, қарши алоқаларини ҳам ривожлантиради.

[1] Макиавелли Н. «История Флоренции» М. 1987 С. 7.

Партияларни барча бошқа сиёсий муассасалар, шу жумладан, манфаатлар гуруҳларидан ҳам, ўзига хос функциялари ва уларни амалга оширишнинг характерли усуллари, маълум бир ички ташкил этилиши ва тузилмалари, ҳаракатнинг сиёсий дастури мавжудлиги, мўлжалларнинг у ёки бу мафкуравий тизими, шунингдек, бир қатор бошқа, камроқ аҳамиятли белгилар ажратиб туради.

Партиялар мавжудлигининг узоқ тарихи унинг учун типик бўлган ички гуруҳлар ва бирлашмаларни ҳам шакллантирди. Уларга, аввало, партия етакчилари; партия бюрократияси; партия мафкурачилари; ақл штаби; партия фаоллари, партиянинг оддий аъзолари тааллуқлидир. Агарда партия сайловларда мувафақиятга эришса, бундай ҳолда, унинг таркибидан «партия аъзолари — қонунчилар» ҳамда «партия аъзолари — ҳукумат аъзолари» ажралиб чиқиб, улар, кўпинча, партиянинг иккинчи раҳбар бўғинига айланади. Партиянинг тақдирини ва сиёсий обрўсини аниқлашда, умуман олганда, унинг таркиб доирасидан четда жойлашган «партиявий электорат», партия дастурига «хайрихоҳлар (яъни сайловларда унинг учун овоз берувчилар), шунингдек, унинг ташкилотларига маълум ёрдам кўрсатувчи «меценатлар» муҳим рол ўйнайди. Бу барча гуруҳлар партиянинг ўз функцияларини амалга оширишига ўзига хос тарзда таъсир этади, унинг обрўси, давлат органларига таъсир этиш имкониялари кучайишига ёки пасайишига ёрдамлашади.

Сиёсий партияларнинг функциялари

Халқ ва давлатнинг вертикал (тикқасига) алоқаларининг бўғини бўлгани, амалда сиёсий жараённинг барча босқичларида иштирок этгани ҳолда, партия жамиятда ҳокимият мақомларини тақсимлашнинг (қайта тақсимланишнинг) энг муҳим механизмларидан бири бўлиб чиқади.

Партия, аввало, сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва аҳолининг ўзини қувватловчи гуруҳлар манфаатларидан келиб чиқиб, ундан фойдаланиш учун курашга интилади. Бошқача айтганда, агарда ман-

фаатлар гуруҳлари, қоида тариқасида, у ёки бу муаммоларни бошқарувнинг шаклланган тартиби доирасида ҳал қилишга уринса, партия ички ва ташқи сиёсий масалалар бўйича ўз дастурини илгари сурган ҳолда, эътирозларини билдириши ва олий сиёсий ҳокимиятни (марказда ҳам, жойларда ҳам) ўзгартириши мумкин. Бироқ сиёсий талабларнинг шу каби характерида ҳам партиялар, кўпинча, турли ижтимоий кучлар ўртасида ҳокимиятнинг тинч қайта тақсимланишини таъминлайдилар. Шу маънода улар фуқаролар манфаатларини яхлит ҳолда мужассамлаштирувчи механизм бўлиб чиқиб, бу сиёсий кучлар мувозонатида ўзгаришлар юз бергандаги ижтимоий ларзалардан қутилиш имкониятини беради.

Ҳокимиятга у ёки бу даъвогарликни илгари сурган ҳолда, партиялар халқнинг давлат тузилмалари билан алоқасини, фуқаролар сиёсий иштирокчилигининг муассасавийлашувини таъминлайди, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг стихияли (тартибсиз) шаклларини, ўз етакчилари томонидан назоратга олинган шакллар билан алмаштиради. Ушбу жиҳатдан партиялар сиёсий лоқайдлик ва одамларнинг фуқаролик пассивлиги билан курашда энг самарали воситалардан бири ҳисобланади.

Партиянинг энг муҳим функцияларидан бири сиёсий тизимнинг барча бўғинлари учун сиёсий етакчилар ва элитани танлаш ҳамда тўплаш ҳисобланади. Улар томонидан илгари сурилган профессионал сиёсатчилардан ташқари жамият ва давлат ишларини бошқаришда, кўпинча, партия экспертлари, таҳлилчилари, мутахассислари ҳам энг фаол даражада қатнашадилар.

Партия фаолиятининг ажралмас вазифаси ҳокимиятнинг турли тармоқлари, давлат бошқарувининг маҳаллий ва марказий органлари, турли — туман сиёсий институтлар ўртасидаги алоқалар, ва муносабатларни чуқурлаштириш ҳисобланади. Қоида тариқасида, бу партиявий дастурларни илгари суриш, сиёсий жараён қатнашчилари орасидан, зарур пайтда, бошқа партия тузилмалари ҳам киритиладиган, иттифоқчилар ва рақибларни аниқлаш жараёнида юз беради.

Ва ниҳоят партиянинг энг муҳим функцияларидан бири фуқароларнинг сиёсий ижтимоийлашуви, уларнинг ҳокимиятга нисбатан иштирокчилик хусусиятлари ва кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади. Сайловчи учун кураш олиб борган ҳолда, аҳолидаги ахборотлар тақчиллигини бартараф этиш йўлларига қаратади, жамиятда оддий фуқаролар учун тушунарли бўлган вазиятни яратади. Бу вазифани ҳал этишнинг бош воситаси ижтимоий ривожланишнинг асосий масалалари бўйича бошқа сиёсий кучлар билан келишмовчиликларнинг таърифланиши ҳисобланади. Америкалик олим Е. Шатжейдернинг ҳисоблашича, «Келишмовчиликларни таърифлаш — ҳокимият учун курашдаги муҳим инструментдир» ва жамоатчилик фикри учун ўз позициясини аниқ белгилашга эришган партия «ҳукмрон бўлишнинг барча имкониятларига эга бўлади».[2]

Партиялар сайловолди ва сайлов компанияларида ўз функцияларини энг ёрқин даражада амалга оширадилар. Давлат қонунчилик органига номзодларни кўрсатган ҳолда, партиялар ўз вакилларини қувватлашга, балки маълум ғояларни тарқатишга, уларни фуқароларнинг онгига оммавий сингдиришга ҳам йўналтирган фаол ҳаракатларни бошлайдилар. Мисол учун, мабодо каттароқ бўлмаган партиялар умумдавлат (минтақавий) даражада рақобатбардош номзодларни бера олмасада, улар барибир, аҳолининг кўз ўнгида ўз мақсад ва қадриятларига ижобий имидж яратишга уриниб, мафкуравий мақсадларда сайлов компаниясидан фойдаланадилар.

Сайловларда ғалаба қозонган ёки қонунчилик органларига ўз вакилларини кирита олган партиялар ҳукумрон элитани шакллантиришда қатнашиши, бошқарув кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишда қатнашиш имкониятини, улар орқали эса сиёсий қарорлар қабул қилиниши жараёнида қатнашишга қонуний ҳуқуқ ҳамда уларнинг ижроси устидан назорат қилиш имкониятини оладилар. Партия фаолиятининг сайловдан кейинги босқичи одатда турли партияларо битимлар тузиш, ғолиб партияларнинг партиявий коалициялар, иттифоқлар ва блоклар тузиш билан ўтади. Бир вақтнинг ўзида аҳолига ҳам ҳукуматни қувватлаш учун кўпчиликнинг коалициясига бирлашиш имконини беради.

Бироқ сайловлар — партия фаолиятидаги энг фаол бир босқич, холос. Сайловдан кейин ҳам улар оммавий ахборот воситаларида аҳолини танлаган йўлининг тўғрилигига (нотўғрилилига) ишонтиришга чақирувчи ҳукмрон ва тартибга мадад (ишончсизлик) бўлувчи ҳаракатлар ва бошқа тадбирларни уюштириб, ҳукумрон ёки мухолифат йўлини электорал қувватланишини кўпайтиришга интиладилар. Улар ўзларининг миқдорий таркибини кенгайтириш, марказий ва қуйи ташкилотларнинг моддий аҳволини мустаҳкамлаш, ўз дастурий мақсадларини тарқатиш, дўстона фикрдаги ватандош ва чет элдаги партиялар билан алоқаларни йўлга қўйиш учун фаол курашадилар.

---

[2] Schattscheider E E Semisovereign People New York 1975 P 73.

Бу вазифаларни ҳал этишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан партияларнинг прагматик (амалий фойдали) ёки мафкуравий фаолият тарзига амал қилишига боғлиқдир. Биринчиси, жумладан, партиянинг конкрет мақсадларига эришиш учун ҳар қандай имкониятларни излашга доимий йўналганлигини мўлжаллайди. Бу ерда мафкуравий чеклашлар жиддий рол ўйнамайди, уларни ҳар хил турдаги битимларга, коалицияларга ва бошқаларга эришиш чоғида осонгина қурбон қиладилар. Охир оқибатда бундай прагматизм ҳокимият учун курашда асосан консенсус (бир фикрга келиш) технологиясидан фойдаланишни доимий мўлжаллайди, бу ижтимоий ривожланишда сиёсий барқарорликни оширади.

Партия фаолиятининг мафкуралашган усули эса идеаллар ва тамойилларни доимий ҳимоя қилишга асосланган ҳолда муқаррар равишда сиёсий жараёнларда можароларнинг кучайишига олиб келади. Жумладан, ўз моҳиятига кўра барча тоталитар тартибларда бўлгани каби, ҳукмрон партия мафкураси астасекин бутун жамият ғоявий йўналишининг монопол тизимига айлана бориши ушбу муассасанинг давлат билан бирикиб кетишини олдиндан белгилаб қўяди. Бу билан ушбу турдаги сиёсий жараёндаги ўз ижтимоий моҳиятларини йўқотиб ва зўравонлик ҳамда маъмурий ҳукмдорликкагина қодир бўлган ташкилотга айланиб, ўз функционал белгиланиши доирасидан ташқарига чиқиб кетадилар.

§ 3. Партиялар ва партия тизимларининг турлари

Партияларни туркумларга ажратиш

Мамлакатлар ва халқлар сиёсий ривожланишининг турли-туман тарихий ва социомаданий шарт шароитлари бир-биридан тузилиши, функциялари, фаолият белгилари билан фарқ қилувчи турлича партия тузулмаларининг вужудга келишига олиб келди. Партия бирлашмаларини туркумлаштиришга илк уринишлар тарихан ахлоқий (яхши ва ёмон иттифоқларга бўлинишни назарда тутувчи) ва миқдорий («катта» ва «кичик» партияларни характерловчи) мезонларга томон интилди. Замонавий сиёсий фонда эса партиявий муассасаларни анчагина мураккаброқ туркумлаштириш ишлаб чиқилган.

Партияларни туркумлаштиришнинг энг кўп учрайдиган мезони — улар фаолиятининг ғоявий асослари бўлиб, доктринал (аввало, ўз мафкуравий поклигини ҳимоялашни аниқлаб олувчи), прагматик ёки «патронал» (ҳомийлик) (З. Ньюмен) — ҳаракатларнинг амалий мақсадга мувофиқлигини мўлжал олувчи, шунингдек, одамлар етакчи атрофида бирлашадиган харизматик бўлинишларни англатувчи туркумлаштиришлар мавжуд. Бу ҳолда ушбу турларнинг ҳар бирида партиявий бирлашмаларнинг кейинги табақалашуви мавжуд бўлади. Жумладан, доктринал партиялар орасида диний (масалан, Швейцария евангелия партияси каби) ва мафкуравий (кўп сонли социалистик, миллий ва бошқа) бирлашмаларни ажратиб кўрсатиш қабул қилинган.

Ҳозирги сиёсий фан учун ҳокимиятнинг бу муассасалари тузилишида ижтимоий (аграр партиялар), этник (баскларнинг ўта сўл «Эрри батасуна» партияси), демографик (Бельгия хотин-қизлар бирлашган партияси) ва маданий (Германия ва Россиядаги пиво ишқибозлари партияси) асосларига кўра партияларни туркумлаштириш ғоятда характерлидир. Партияларни, уларнинг ташкилий тузилишлари нуқтаи назаридан табақалаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳолда партияларни парламент (бунда даслабки тузилмалар сифатида ҳудудий қўмиталар чиқади), лейбористик (парламент партияларининг, жамоавий, шу жумладан, меҳнат жамоаларининг аъзолигига йўл қўйувчи кўринишдаги) ва авангард (ўз аъзоларининг ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва демократик централизм тамойилларига қурилган) партияларга бўлиш қабул қилинган. Партияларни ҳукмрон тартибга муносабатлари бўйича: ҳукмрон ва мухолиф, очиқ ва яширин, етакчи партия ва орқада қолган партия, монопол бошқарувчи ва бошқа турларга бўлиш ҳам анча кенг тарқалган.

Сиёсатшуносликда француз олими М. Дюверженинг партия аъзолигини олиш асослари ва шароитларига боғлиқ ҳолда партияларни кадрлар, оммавий ва қаттиқ марказлашган турларга бўлувчи туркумлаштириш кенг тарқалган. Айтиб ўтилганлардан биринчиси, шу билан фарқ қиладики, улар сиёсий арбоблар гуруҳи атрофида шаклланади, уларнинг ташкилий тузилмаларининг асоси сиёсий қўмиталар (етакчилар, фаоллар) ҳисобланади. Кадрлар партиялари, қоида тариқасида, юқоридан, турли парламент гуруҳлари, босим кўрсатувчи гуруҳлар, партия бюрократияси бирлашмалари негизида шаклланади. Улар, аввало, профессионал сиёсатчилар ҳамда элиталар доираларининг иштрокчилигига мўлжал олиб, бу аъзоларнинг эркинлигини ва партия ташкилотининг маълум даражада қиёфасиз бўлишини олдиндан белгилаб қўяди. Қоида тариқасида бундай партиялар ўз фаоллигини фақат сайловлар вақтида, электоратнинг (овоз берувчилар-

нинг) қувватлашини ташкил этиш зарур бўлганидагина, фаоллаштирадилар. Оммавий партиялар яхши ташкил этилган ва интизомли, низом бўйича аъзоликка эга, марказлаштирилган тузилмадир. Бу ерда ҳам етакчилар ва партия аппарати аъзоларининг мафкуравий бирлигига катта эътибор берилади. Оммавий партиялар кўпинча қуйидан, баъзан касаба уюшмаси, кооператив ва бошқа, маълум қатламлар, касбий гуруҳлар, таниқли етакчилар ва ғоялар тарафдорларининг манфаатларини ифодаловчи ижтимоий ҳаракатлар асосида шаклланади. Бироқ, айрим ҳолларда, ушбу турдаги партиянинг шаклланиши элита доиралари (парламент қўмиталари, у ёки бу депутатни қўлловчи жамоат қўмиталари) ва оддий фуқаролар (сайловчилар) кучларини бирлаштиришни назарда тутувчи комбинациялашув йўли билан ҳам бўлиши мумкин. Оммавий партияларнинг фаолият шакллари, амал қилишининг йўналганлиги ва бошқа аспектларнинг (жиҳатларнинг) турли-туманлилигини ҳисобга олган ҳолда, айрим назариётчилар, жумладан, Ж. Блондель улар орасидан Ғарб типидаги, коммунистик ва популистик (халқчил) партияларни ажратиб кўрсатадилар.

Ва ниҳоят, Дюверже қаттиқ марказлашган партиялар учун мафкуравий таркибий қисмнинг бу ташкилотларни боғлаб турувчи бошланғич асосга айланишини характерли деб ҳисоблайди. Бундай партиялар учун — Дюверже улар қаторига коммунистик ва фашистик партияларни ҳам киритади — кўплаб поғонавий бўғинларнинг мавжудлиги, қаттиқ, деярли ҳарбий интизом, ҳаракатлардаги юксак ташкилотчилик, сиёсий доҳийларни ҳурматлаш ва уларга сиғиниш характерлидир.

Партиявий тизимларнинг моҳияти ва турлари

Ҳар хил турдаги партияларнинг бир — бири билан, шунингдек, давлат ва ҳокимиятнинг бошқа муассасалари билан барқарор алоқалари муносабатлари партиявий тизимларни ташкил этади. Бир-бири ва давлат билан ўзаро таъсирда бўлган ҳолда, партиялар қарорларининг қабул қилинишига у ёки бу даражада таъсир этади, бу билан ўзларининг сиёсий ҳаётдаги ўринларини аниқлайди.

Партиявий тизимлар сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг партиясиз шаклларига қарши туради, унда, ёки умуман партия бирлашмалари мавжуд бўлмайди, ёки уларнинг мавжудлиги декларатив (расмий) характерга эга бўлади (масалан, СССР, Албанияда бўлгани каби, ҳозирда Кубада, Шимолий Кореяда бўлаётганидек).

Аслида партиявий тизимларни, аввало, партия давлат (партиялараро ва бошқа) муносабатларининг сифатий жиҳатлари бўйича, шунингдек, уларнинг миқдорий таркиби бўйича туркумлаштириш қабул қилинган. Масалан, партиялар сонига кўра бир партияли (рақобатсиз) тизимларга, уларнинг ичида мустабид ва демократик турлари фарқланади; кўппартияли (рақобатли, мусобақалашувчи) — бир устувор партия билан, икки партияли (бипартиявий) ва мультипартиявий тизимларга ажратилади. Бироқ у ёки бу давлатдаги партияларни санаб чиқиш осонлигига қарамасдан, партиявий тизимларни миқдорий туркумлаштириш усули такомиллашмаган: у давлат қарорларининг қабул қилиниши жараёнига ҳақиқатда қанча партия киритилганлигини аниқламай (масалан, Францияда сайлов кампаниясида 20 дан ортиқ партиялар қатнашади, шу билан бир вақтда, жамият томонидан афзал кўрилувчи бир-иккитаси амалда бошқаради).

Шундай қилиб, партиявий тизимларни сифат тавсифлари бўйича туркумлаштириш афзалроқдир. Бунда бошқарув характерини ҳисобга олган ҳолда демократик, авторитар, тоталитар партиявий тизимлар, давлатдаги устувор қадриятларни ҳисобга олган ҳолда эса — социалистик, буржуа ва бошқа тизимлар ҳақида гапириш мумкин.

Итальн сиёсатшуноси Ж. Сартори партиялар ўртасидаги мафкуравий оралиққа («қутбланишга») асосланувчи анча мураккаб туркумлаштиришни таклиф қилади. Унинг фикрича, «бир партияли» (якка мафкурали) ва «атомлаштирилган» (ғоявий турли-туман) тизимларининг қутблари орасида жойлашувчи етти турдаги партиявий тизимлар мавжуд бўлади.[3] Оралиқ турлари — «етакчи партияли», «устувор партияли», «икки партияли», «чекланган плюрализм» ва «идеал плюрализм» тизимлари — бир ёки бир қанча партиялар фаолиятида мафкуравий плюрализмнинг (фикрлар турличалигининг) ривожланиш даражасини ва ҳар хиллигини ифодалайди.

Партиявий тизимларининг шаклланишида жамият ижтимоий тузилишининг характери амалдаги қонунчилик (аввало, сайлов қонунлари), шунингдек, социомаданий анъаналар ҳаммасидан кўра кўпроқ рол ўйнайди. Масалан, салмоқли деҳқонлар қатлами бўлмаган мамлакатларда, қоида тариқасида, аграр партиялар вужудга келмайди. Бирон-бир, масалан, ўрта синф белгиловчи рол ўйнайдиган мамлакатларда эса устувор партияли

[3] Sattori G Parties and Parti systems London 1976 P 64.

тизимлар яратиш учун шарт — шароитлар мавжуд бўлади. Агарда жамиятнинг ижтимоий тузилмаси у ёки бу қатламларнинг қутбланган зиддиятлари билан тўлиб — тошган бўлса, унда партия тизимлари ижтимоий муносабатлардаги кескинликни қизитган ҳолда, можаровий характер олади. Агарда ижтимоий гуруҳлар қадриятлар ва идеалларнинг ягона тизимини мўлжалласа, унда партиявий тизимлар анча юмшоқ шаклдаги партияларо ва партия — давлат алоқалари билан характерланади.

Шунингдек, қонунлар ҳам кам сонли партиялар фаолиятига чеклашлар қўйган ҳолда, маълум йўналишдаги мухолифат партияларнинг сайловда қатнашишига тўсқинлик қилиб, яширин фаолият юритувчи партия бирлашмаларига нисбатан зўравонлик ҳаракатларига рухсат берилган ҳолда партиявий тизимлар характерига таъсир этиши мумкин. Мажоритар турдаги сайлов тизими амал қиладиган жойларда (кўпчилик олинган овозлар бўйича битта ғолибни аниқлаган ҳолда), қоида тариқасида, икки партияли тизимлар ёки бир устивор партияли тизимлар шаклланади. Пропорционал сайлов тизимлари эса, аксинча, кўп сонли сиёсий кучларга ҳокимият органларида вакилликка имконият берган ҳолда, кўп партияли тизимлар ва партия коалициялари тузилишини таъминлайди, янги партиялар вужудга келишини енгиллаштиради.

Кўп иқтисодий укладли, турлича тил ва маданиятли, ижтимоий, миллий, диний ва бошқа манфаатларнинг кўп сонли каналлари ва муассасаларига эга бўлган жамиятларда, қоида тариқасида, кўп партияли тизимлар яратилиши учун шарт — шароитлар кўпроқдир. Айнан кейингиси, сиёсий ривожланишнинг жаҳон тажрибаси кўрсатишича, жамият демократик ривожланишининг энг мақбул шакли ва бир вақтнинг ўзида шарти бўлиб ҳам чиқади.

Олимлар ва амалиётчилар қайси конкрет тизим: кўп сонли партиялар ёки бирпартияли (икки партияли), устувор партияли ёки унингсиз афзалроқлигига баҳо беришда ҳар хил фикрдалар. Масалан, Ж. Сатори беш ва ундан кўп партияларнинг пайдо бўлиши давлатнинг мавжудлиги учун хафли бўлган «ўта кўппартиявийликни» яратади деб ҳисоблайди. Япония, Сурия, Испания ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси монопол ҳукмрон партияли кўппартиявийлик тизимнинг афзаллиги фойдасига гувоҳлик беради. Нидерландлар, Дания, Бельгия, Австрия ва бошқа давлатларнинг сиёсий барқарор ривожланиши эса устувор партиясиз кўппартиявийлик фойдасидан дарак беради. АҚШ, Англия, Ирландия, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларда ўрнатилган икки партияли моделнинг ҳам афзалликлари кам эмас, у фу-

қароларга танлаш, ҳукуматларга — ўз йўлини ўзгартириш, жамиятга эса — барқарорлик имкониятларини беради. Бунда ҳатто мухолифат партиялари ҳам айнан бир хил таянч қадриятлар ўзанида ҳаракат қилади. Шунга қарамасдан, бу тизим ҳам, мустақил номзодлар ёки «учинчи кучларнинг» қарорлар қабул қилиши жараёнида тўла ҳуқуқли иштироки имкониятини пасайтирган ҳолда, идеал эмас. «Учинчи» партия ҳар ҳолда, ўрнатилган тартибларга жиддий ўзгаришлар киритиши мумкин бўлган жойларда (яъни 70 — 80 фоиз сайловчилар афзал кўрувчи партиялардан овозларнинг анча қисмини олиб қўйганда) «2,5 партияли тизим» шаклланади (ГФР).

Албатта, у ёки бу партиявий тизимнинг самарадорлигини баҳолашда ягона стандарт (андоза) мавжуд эмас. Шу билан бир вақтда улар фаолиятини таққослашнинг энг муҳим асоси сиёсий тизим томонидан аҳолининг ижтимоий талаблари ва эҳтиёжларига эътиборнинг таъминлаши, қарорлар қабул қилиниш жараёнига фуқароларнинг мумкин қадар кўпроқ жиддий аҳамиятли манфаатлари киритилишининг имкониятлари, аҳолининг ҳукмрон элита фаолияти устидан демократик назоратга қобиллиги кабилар ҳисобланади.

Партиялар ва партиявий тизимлар ривожланишининг асосий тамойиллари

Партогенез (партияларнинг келиб чиқиши) сиёсий тизимларнинг эволюциясини, ижтимоий-иқтисодий ўсишини ўзига хос акс эттиради. Масалан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва охрларида Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадаги дастлабки капитал жамғариш ва индустриал турдаги жамиятнинг вужудга келиш жараёнлари ўртасидаги низолар партияларнинг вужудга келишига олиб келди. Уларнинг машҳур бўлиб бориши ўз навбатида христиан — демократик турдаги партияларнинг пайдо бўлишини рағбатлантиради. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида дунёнинг жадал равишда қайтадан бўлиб олиниши миллий партиялар шаклланишининг қудратли манбаларини яратди. XX асрнинг 20–30 йилларида европа мамлакатларида демократиянинг инқирозга учрашига характерли жавоб фашистик партияларнинг вужудга келиши бўлди.

Бироқ ҳозирги асрда ижтимоий ривожланишдаги ранг — баранглик ва турличаликка қарамасдан, ҳар ҳолда партиявий муассасалар эволюциясидаги бир қатор энг муҳим, жумладан, турли мамлакатлар сиёсий жараёнларида партиялар етакчи турлари ва улар ролининг ўзгариб боришини тақозо этувчи тенденцияларни белгилаш мумкин.

Масалан, ҳали асримизнинг бошларидаёқ Р. Михельс, М Вебер, М. Я. Острогорскийлар социалистик партиялар бағрида, оддий аъзоларнинг зарари ҳисобига партия аппарати ролининг, партия бирлашмалари бюрократлашувининг ўсиб бориши, партия етакчилари ва элита ҳукмронлигининг тобора юксалиши тенденциясини аниқлаган эдилар. Шу билан бир вақтда ғарб демократияларида партия бирлашмаларининг ушбу характеристикаси партия ривожланишидаги умумий йўлга: улардан қонун чиқарувчи органларга номзодлар кўрсатиш, ҳукмрон элитани саралаш ва шакллантириш учун фойдаланишга бўйсундирилган эди. Воқеалар ривожининг бундай вариантида, илгари оддий фуқароларни аъзоликка қизиқтирган ва рағбатлантирган ғоявий тамойиллар, эндиликда партиявий элитага сайловчилар мададига эга бўлишлари учун тўсиққа айланди. Шунинг учун мафкура аста-секин яланғоч прагматизмга (фойдали амалиётга), сайловлардаги муваффақиятга қурбон қилинди. Партия етакчилари, ўз партиялари маълум бир синф, маълум бир мафкура билан бир хил бўлиб қолишидан қўрқан ҳолда, оммавий қувватланишга эришишни кўпроқ мўлжаллайдилар. Партиялар ўзларига миллатнинг кўпчилиги манфаатларини ифодалаш функциясини олиб, «ҳамма учун партияларга» айландилар.

Шу тариқа либерал демократиянинг ва анча муҳим бўлган ягона қадриятли мўлжалларнинг шаклланиши, аҳоли сиёсий идеалларининг ривожланиб бориши билан, ғарб мамлакатларида кўпчилик сиёсий партияларнинг асосан электорал (сайлов овози учун) партияларга аста — секин ўзгариши юз берди. Ўз фаолиятини сайлов даврларига мос равишда қурган ҳолда, улар парламент тузумини мустаҳкамлашни элита ва электоратнинг ўзаро муносабатлари ривожланишини рағбатлантирди. Сиёсий ҳаётдаги плюрализмни рағбатлантирган ҳолда, партиялар фуқаролар манфаатларининг мустаҳкам вакиллигига асосланувчи ҳокимият тизимларини барқарорлаштирди.

Шу билан бир вақтда, аҳоли учун одатий ҳолда, уларнинг манфаатларини ифодалаш воситаси сифатида узоқ вақт амал қилиш, давлат ҳокимияти механизмларига таркибий бирикиб кетиш сиёсий партияларнинг функцияларини ва уларга фуқаролар томонидан бўладиган муносабатларни бирмунча ўзгартирди. Жумладан, ҳокимиятнинг вакиллилик тизимини мустаҳкамлаган ҳолда, партиялар сайлов жараёнининг кўплаб бошқа қатнашчилари, бунинг устига нафақат кўп сонли манфаатлар гуруҳлари, балки улар билан муваффақиятли рақобатлашувчи мустақил номзодларга

ҳам сиёсий эшик очдилар. Аҳолининг ҳокимият билан ўзаро муносабатлари кўпроқ бевосита, камроқ расмийлашган, фуқароларнинг индивидуал қарашларига кучлироқ мўлжал оладиган бўлиб борди. С. Хантингтон ёзганидек «америкаликларнинг ўз сиёсий эътиқодларига тарафдорликлари» қанчалик тез ўсиб борган сари ўз сиёсий манфаатларини ифодалашнинг гуруҳий шаклларига шунчалик бефарқ муносабатда бўла бошладилар[4].

Бошқа томондан эса, кўпчилик партиялар, давлат қарорлари қабул қилиниши жараёнидаги доимий бўғин бўлиш ролига кўникан ҳолда, кўпинча ўзларининг бош мақсади деб, электоратни (сайловчиларни) қўлга киритишни эмас, ҳукуматга қарши курашишни қарамоқдалар. Бу ҳолда эса аҳолининг улар муносабатига таъсир этмаслиги мумкин эмас.

Бугун, немис назариётчиси К. Фон Бойм фикрича, партиялар сиёсий элитани саралашдаги ўз ролларини кучайтириб, шу билан бир вақтда фуқароларнинг сиёсий ижтимоийлашувига ўз таъсирларини маълум даражада йўқотдилар. Кўпчилик ғарб демократияларида анча сезиларли тамойил партиявий бир хилликнинг пасайиши бўлиб бормоқда. Сиёсий ҳаётда демократик қадриятларни мустаҳкамлаган ҳолда партиялар аҳоли ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларда камроқ расмийлашган ва уддабурон воситачиларнинг имкониятларини ошириб, қаерларлардадир «сояга ўтиб кетмоқдалар». Даврнинг бу ўзгаришлари партияларнинг ўзида ҳам аксилмарказлаштириш ва маҳаллий ташкилотлар ролининг ошиб бориши тамойилини рағбатлантирмоқда, партиявий интизомга талабларнинг бўшашувига ёрдамлашмоқда, фуқароларнинг турли-туман норасмий бирлашмалар, фуқаролик жамиятининг ҳар хил тузилмалар билан алоқалари кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бир вақтда бир қатор мамлакатларда партия муассасалари эволюциясининг бошқача тенденциялари ҳам ривожланмоқда. Жумладан, тоталитар бошқарув даврини бошдан кечирган мамлакатларда ҳукмрон партияга аъзоликнинг қаттиқ мафкуравий талаблари, унинг раҳбар ва оддий аъзоларига бериладиган имтиёзлар, аъзоларни саралашдаги дискриминацион меъёрлар бу бирлашмаларни каста характеридаги идеократик гуруҳларга айлантириб қўйди. Бунинг устига, партия бюрократиясининг ижтимоий даъволари, бу ташкилотлар томонидан ҳокимиятнинг барча бошқа муассасаларининг функцияларини «қўлга киритишга» интилишни туғдириб, тирик

[4] Hunting S. P. American polities: the promise of disgarmony, Cambridge. 1981,p. 191.

инсоний манфаатлар вакиллигига ўрин қолдирмайдиган партия — давлат тузилмалари вужудга келишига сабаб бўлди. Бу тамойиллар умумлашган ҳолда партияларнинг ўзига хос сиёсий муассасалар сифатида ўз — ўзини емиришига олиб келди.

Посткоммунистик мамлакатларда ушбу турдаги ташкилотларнинг узоқ вақт амал қилиши анъаналари аҳолининг сиёсий бирлашмаларга жиддий ишончсизлигини юзага келтириб, ҳозирги вақтда ҳам сиёсий ҳаётга одамларни қайтариш учун партиявий муассасалардан тўлақонли фойдаланишга халақит бермоқда. Тўғри, ижтимоий ривожланишнинг йўналишларини танлаш учун кураш, жипслаштирувчи қадриятлар социумини (жамламасини) излаш янги сиёсий партиялар шаклланишининг қудратли манбаларини яратади. Бунда янгидан ташкил топувчи партияларда уларнинг юқори даражада кенг ижтимоий мададга мўлжал олган мафкуравий бетараф ташкилотларга ҳамда ўз аъзоларига қаттиқ ғоявий талабларга, бошқарувнинг марказлашган ташкилотларга ва етакчиларнинг авторитар ролига асосланувчи бирлашмаларнинг биргаликда мавжуд бўлиши тамойиллари кўринади.

Бироқ партиялар, манфаатлар гуруҳлари ва умуман давлатнинг ўзи ҳам элита ва ноэлитанинг «фақат» унча муҳим бўлмаган тузилмалари ҳисобланади. Нафақат ушбу муассасалар амал қилишнинг реал механизмини, балки индивидларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бажаришлари характерини ҳам тушуниши учун сиёсий мафкура, психология ва маданиятни билиш принципиал муҳимдир. Айнан улар одамларнинг сиёсий фаолияти мақсадларини, сиёсий ҳаётнинг субъектив мазмунини белгилайди.

VI БЎЛИМ

СИЁСИЙ МАФКУРА ВА МАДАНИЯТ

16-БОБ

ҲОЗИРГИ ДУНЁДАГИ СИЁСИЙ МАФКУРАЛАР

§ 1. Сиёсий мафкура тушунчаси

Сиёсий мафкуранинг моҳияти ва вазифалари

Сиёсий мафкура сиёсий онгнинг энг таъсирчан шаклларидан бири бўлиб, ҳокимлик муносабатларининг мазмунига, у ёки бу сиёсий кучнинг «маънавий бошқарувга ҳуқуқига» (Макиавелли) таъсир этади.

Ушбу термин пайдо бўлгандан бери (уни француз олими А. де Тресси XIII асрда киритган) фанда бу маънавий ҳодисага турлича қарашлар шаклланди. Мафкура назарияси асосчиси К. Маркс унда, аввало, ишлаб чиқариш муносабатларидаги қарама-қаршиликлар келтириб чиқарган ҳаётий онг шаклини кўрган. К. Мангейм ҳам уни ёлғон тасаввурлар бирлиги сифатида тушунган. Аммо у мафкуранинг функционал жиҳатларига кўпроқ эътибор берган, хусусан, унинг инсонларни бирлаштириш, уларнинг сиёсий қувватини тўплаш қобилиятига диққатни қаратган.

Америкалик назариётчи Л. Саджент фикрига кўра, мафкура сиёсий ривожланишнинг муайян мақсад ва қадриятларини ишлаб чиқиш билан бирга, айни вақтда амалий масалаларни ҳал қилишни қўллаштиради. Унинг ҳамюрти Ф. Уоткинс назарияда мафкура доимо мавжуд аҳволга қарама-қарши туради ва ўзида улкан яратувчанлик потенциалини сақлаб қолган сиёсий омил бўлиб қолади, деб ҳисоблаган. Неомакиавеллистлар (Р. Моска, Р. Михельс, В. Парето ва бошқалар) ҳатто ҳокимиятни легитимлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқувчи эстетик ва диний онг шаклларини ҳам сиёсий мафкуранинг ўзига хос намоён бўлиши шакллари сифатида қараб, унинг кўламини ниҳоятда кенгайтириб, ошириб юборадилар. Кўпгина кўзга кўринган олимлар ўртасида жамиятда мафкуранинг жуда юқори ўрни тан олинишига қарамай, айни вақтда сиёсий фикрда уни сиёсатда бирор жиддий мавқеи йўқ «ҳокимият гумаштаси», сифатида қаровчи ёндашувлар ҳам мавжуд.

Шунга қарамай, кўпгина олимлар сиёсий мафкурани у ёки бу гуруҳнинг ҳокимиятга (ёки ундан фойдаланишга) даъволарини оқловчи ва шу мақсадларидан келиб чиқиб, ижтимоий фикрни ўз ғояларига бўйсунишига эришишга хизмат қилувчи муайян таълимот сифатида талқин этадилар. Шу тариқа, сиёсий мафкура — сиёсий ва ижтимоий ривожланиш йўлига гуруҳ нуқтаи назарини акс эттирувчи корпоратив онг кўриниши бўлиб, маънавий тажовузкорлиги билан ажралиб туради.

Сиёсий мафкура, асосан, элиталарнинг маънавий қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан уларнинг танлаган фаолият йўли у ёки бу гуруҳ манфаатларининг ғоявий жиҳатдан шаклланиш даражасини белгилайди. Аммо ҳокимият муносабатларида сиёсий мафкуранинг ҳақиқий роли унинг ижтимоий онгни эгаллаши табиатига боғлиқ.

Шундай қилиб, сиёсий мафкуранинг асосий функциялари қуйидагилардир: ижтимоий онгни эгаллаш; унга ўтмиш, ҳозирги кун ва келажакни баҳолашнинг ўз мезонларини тадбиқ этиш, сиёсий ривожланиш мақсадлари ва вазифаларининг, у таклиф этаётган лойиҳанинг жамоатчилик фикрида ижобий қиёфасини яратиш. Бунда сиёсий мафкура ўз мақсад ва идеалларини ташвиқот қилиш ва тарқатишдан кўра, ўзи қўйган вазифаларни бажариш йўлида фуқароларнинг жипслашиши, фаолият кўрсатишларига эришиши муҳимроқдир.

Сиёсий функциялар нуқтаи назаридан, мафкура жамиятни қандайдир муайян ижтимоий (миллий, диний ва ҳ. к.) гуруҳ манфаатлари ёки муайян аҳоли қатламларига таянмайдиган мақсадлар (масалан, анархизм, фашизм мафкураси) атрофида бирлаштиришга ҳаракат қилади. Бунда рационал, кўпинча назарий асосланган ҳолатлар билан бир қаторда ҳар қандай мафкура воқеликдан бир оз узилишни, одамларга таклиф этаётган мақсад ва идеалларни ишонч билан қабул қилишни назарда тутади. Давлат сиёсатининг амалий йўналишини белгиловчи расмий мафкура воқеликни бўяб кўрсатишга мойил бўлса-да, у ишонч, эътиқод талабидан узоқ бўлади. Утопизмга, айниқса, мухолиф кучларнинг, одатда, ҳокимиятдан у бериши мумкин бўлганидан кўп нарса талаб этувчи ва жозибали идеал ёрдамида ўз томонига тарафдорлар оммасини жалб қилишга интилувчи мафкуралар кўпроқ мойилдирлар.

Сиёсий мафкура даражалари

Сиёсий мафкура фуқароларнинг сиёсий хулқ-атворларини мақсадли ва ғоявий йўналтирувчи маънавий ҳодиса бўлгани учун у қуйидаги даражаларда амал қилади:

— **назарий — концептуал даража.** Унда муайян синфлар, миллатлар, давлатлар ёки муайян ривожланиш мақсадлари тарафдорларининг қадриятлари ва идеаллари баён этилади. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда «давлат тўнтаришлари амалга оширилишига <...>, жамиятларнинг ҳалокати ва тикланишига» сабаб бўлувчи ғоя ва тамойиллар тақдим этилган»[1];

— **дастурий-сиёсий даража.** Унда ижтимоий-сиёсий тамойиллар ва идеаллар сиёсий элитанинг дастури, шиори ва талабларига айлантирилади ва шу тариқа бошқарув қарорларини қабул қилиш ва фуқароларнинг сиёсий фаолиятига туртки беришнинг меъёрий асоси шакллантирилади. Агар сиёсий тамойиллар тарафдорларни жалб қилиб, турли қадриятларнинг мунозараларини назарда тутса, дастурлар бевосита сиёсий кураш олиб бориш ва рақибларни бостириш (нейтраллаш)ни назарда тутади. Шу билан бирга назарий ва дастурий даражалар ўртасида муайян зиддиятлар ҳам бўлиши мумкин. Бунинг натижасида, Б. Чичерин ёзганидек, айрим тамойилларни баъзан таниб бўлмайди;

— **долзарблашган даража.** У фуқаролар томонидан ушбу мафкура мақсад ва тамойилларининг ўзлаштирилиши даражасини, уларнинг амалий ишлар ва хатти-ҳаракатда намоён бўлиши меъёрларини акс эттиради. Ушбу даража одамлар томонидан мафкуравий қоидаларнинг анча кенг кўламда фуқароларнинг эътиқодига айланмаган сиёсий қарашларнинг осон алмашинишидан, одамлар ўз сиёсий қарашларини дунёқарашнинг туб йўналиши сифатида қабул қилишигача ўзлаштирилиши билан ажралиб туриши мумкин. Одамлар ижтимоий тафаккурининг тамойилларини белгилаш, уларнинг онгида дунё қиёфасини тартибга солиш қобилиятига эга мафкуралар — «тотал», (К. Мангейм) дейилади. Бошқарув шакллари, давлат функциялари, сайлов тизимлари ва бошқа мақсадларни қисман ўзгартириш вазифаларини қуювчи ва фуқароларнинг дунёқарашларига таъсир эта олмайдиган сиёсий талаблар ва қарашлар «хусусий» мафкуралар (Н. Пуланзас) дейилади. Мафкуранинг жамоатчилик фикрига таъсири пасайиши ёки ижтимоий қадриятлар сиёсий алоқалар ва муносабатларга таъсири имкониятларини инкор этувчи технократик тасаввурларнинг тарқалиши сиёсатнинг мафкурадан холилигига олиб келади.

---

[1] Прудон. Война и мир: Исследование о принципе и содержании международного права. М., 1964. 5-бет.

§ 2. Ҳозирги дунёдаги асосий мафкуравий оқимлар

Либерализм ва неолиберализм

Қадимги юнон мутаффакирлари Лукреций ва Демокритнинг бир қатор ғояларини мерос қилиб олган либерализм мустақил мафкуравий оқим сифатида инглиз маърифатпарварлари Ж. Локк, Г. Гоббс, А.Смитларнинг сиёсий фалсафалари негизида XVII — XVIII асрларда шаклланди. Инсон эркинлигини шахснинг туб ҳуқуқларини ҳурмат қилиш билан, шунингдек, хусусий мулкчилик тизими билан боғлаган либерализм ўз концепцияси асосига эркин рақобат, бозор, тадбиркорлик идеалларини қўяди. Шунга мувофиқ равишда, либерализмнинг етакчи сиёсий ғоялари сифатида фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги, давлатнинг шартнома асосида пайдо бўлганлиги, шунингдек, кечроқ шаклланган, сиёсатда рақобат қилувчи «касбий, иқтисодий, диний, сиёсий уюшмалар» нинг тенг ҳуқуқлилиги ва «улардан бирортасининг бошқалар устидан маънавий устунлик ва амалий қудратга»[2] эга бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги ишончга асосланган ва бундан сўнг ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Пайдо бўлган дақиқасидан бошлаб либерализм давлатга танқидий муносабатда бўлган, фуқароларнинг юқори сиёсий масъулияти тамойилларини, бошқа динларга тоқатлилик ва плюрализм, конституционализм ғоясини ҳимоя қилган. Либерал мафкуранинг бош муаммоларига давлатнинг индивид шахсий ҳаётига аралашуви чегараси ва табиатини белгилаш, демократия ва эркинлик мутаносиблиги, муайян Ватанга ва универсал инсон ҳуқуқларига садоқат кабилар киради.

Бу масалаларни ҳал қилиш доирасида либерализм ичида кўплаб оқимлар вужудга келди. XX асрда анъанавий либерализм билан бир қаторда унинг асосий қадриятларини давлатга ялпи таянч билан бирлаштиришга, ёки жамиятнинг одамлар фаровонлиги учун масъулиятини ошириш ғояларини қарор топтиришга, ёки давлат фаолиятининг ижтимоий йўналишини буткул инкор этишга («консерватив либерализм») уринган унинг турли кўринишлари шаклланди.

Умуман эса, давлат мафкураси ва ижтимоий мақсадлар элементларининг кучайиши либерализм анъанавий қадриятларининг XX аср иккинчи ярми иқтисодий ва сиёсий амалиётига мослашишига олиб келди ва унинг тарихан янги шакли-неолиберализм ҳақида сўз юритиш имконини берди. Бунда сиёсий тизимнинг энг муҳим фазилати сифатида — адолат, ҳукумат учун эса- маънавий тамойил ва қадриятларга таяниш, деб эълон қилинди. Неолибераллар сиёсий дастурнинг асосини бошқарувчилар ва бошқарилувчилар келишуви, омманинг сиёсий жараёнда иштироки, бошқарув қарорларини қабул қилиш тадбирларининг демократлашуви зарурлиги ғоялари ташкил этди. Сиёсий ҳаёт қанчалик демократиклигини механик тарзда кўпчилик асосида белгилашга мойилликдан фарқлича, неолибераллар давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг плюралистик шаклларини афзал кўра бошлашди. Р. Дал, Ч. Линдблюм ва бошқа плюралистларнинг фикрича, кўпчилик бошқаруви қанчалик заиф бўлса, у либерализм тамойилларига шунчалик кўп мос келади. Рост, ўнг либерал оқим вакиллари (Ф. Хайек, Д. Эшер, Г. Олсон) фикрича, плюрализмда кўпчилик томонидан бой камчиликни экспроприация механизмлари шаклланиши мумкин, бу эса-либерализмнинг туб тамойилларини хавф остига қўйиши мумкин.

Айни вақтда ҳозирги шароитда неолиберализмда сақланиб қолган, асосан, инсон ҳаёт фаолиятининг оммавий кўринишларига йўналганлик (сиёсий фаоллик, тадбиркорлик, хурофотдан холилик ва ҳ. к.), ахлоққа инсоннинг шахсий иши сифатида қараш (бужамиятдаги барча алоқалар ва муносабатларнинг мустаҳкамланишига эмас, баъзан социумнинг парчаланишига олиб келиши мумкин) — бу тасаввурларни қўллаб-қувватловчи электорал асосни чеклайди. Бошқа тарафдан, айнан либерализмнинг асосий қадриятлари, дунёдаги кўп мамлакатларда мавжуд оммавий сиёсий қарашларда туб ўзгаришларни белгилаб берди, кўпгина миллий мафкуралар неоконсерватизм ва христиан-демократик мафкура йўналишлари асосини ташкил этди.

Либерал ғоялар асосида сиёсий иштирок, демократик элитизм ва ҳ. к. кўплаб назариялар ривожланган. Эҳтимол либерал-демократик қадриятлар таъсири билан вужудга келган ана шу улкан тарихий ўзгаришлар баъзи чет эл назариётчиларига (масалан, Ф. Фукуямага) дунё ҳамжамияти «тарих охирига» ишонч билан кетаётгани, эркинлик ва фуқаролар тенглиги тамойилларини намоён этувчи ва шунинг учун ҳам инсонлар ҳамжамиятининг барча туб муаммоларини ҳал қила олувчи давлатларнинг универсаллашуви ҳақида сўз юритишга имкон бергандир.

[2] Coker F-W. Pluralizm // Encyclopedia of the Social Sciences . Vol 12. New York. 1934/ 171 — бет.

Консерватизм ва неоконсерватизм

Консерватизм, сиёсий мафкура сифатида, янги бошқарув тизимидан эскисини афзал кўрувчи (унинг мақсад ва мазмунидан қатъий назар), муҳофаза қилувчи онг тизими бўлиши билан бирга, сиёсий иштирок, давлатга муносабат, ижтимоий тартиб ва ҳ. к. ларга муносабатнинг аниқ тамойилларига ҳам эгадир. Бундай тамойиллар пайдо бўлишига 1789 йилги Буюк Француз инқилобидан кейин либерализм эришган муваффақиятлар сабаб бўлди. Радикал сиёсий қайта қуриш тажрибаларидан ларзага тушган бу йўналишнинг маънавий отахонлари — Ж. де Местор, Л. де Бональд ва айниқса, Э. Берк — ижтимоий тартибни онгли ўзгартириш ғайритабиий эканлиги ҳақидаги фикрни қарор топтиришга интилдилар. Уларнинг қарашлари узвийликнинг янгиликлар олдида устунлиги, табиий равишда шаклланган нарсаларнинг ўзгармаслиги, инсонлар ҳамжамиятидаги поғоналашувнинг (тенгсизликнинг) шу қаторда муайян аҳоли қатламларининг имтиёзларга эга бўлиши, оила, дин ва мулкчилик асосида ётувчи ахлоқий тамойилларнинг ҳам азалдан белгиланганлиги негизига қурилган. Уларга кўра ўтмишнинг сақланиши бугуннинг барча кескинлигини йўққа чиқариш қобилиятига эга ва шунинг учун ҳам у келажак авлодлар олдидаги ахлоқий бурч сифатида қаралиши керак. Шуниси аниқки, бундай тамойиллар либерал мафкуранинг ижтимоий тараққиётга доир кўтаринкилигини, консерваторлар фикрича инсонлар ҳамжамиятининг бирлигини емирувчи индивидуал эркинлик руҳини инкор этарди.

Бу фундаментал ёндашувлар асосида консерватив мафкура учун хос сиёсий кўрсаткичлар, хусусан, конституцияга ёзилмаган илоҳий ҳуқуқнинг тимсоли бўлган олий тамойиллар намунаси (улар инсон томонидан ихтиёрий ўзгартирилиши мумкин эмас) сифатида қараш, қонун ҳукмронлигининг ва мустақил суд фаолиятида ахлоқий асосларнинг бўлиши зарурлигига ишонч, фуқароларнинг қонунга итоат этишларини индивидуал эркинлик шакли сифатида тушуниш ва ҳ. к. шаклланди ва қарор топди. Ва бу консерваторларни элитаризм қадриятларидан шубҳаланишга мажбур этар, демократияни эркинлик ва жамиятни самарали бошқариш билан бир нарса, деб баҳолашларига тўсқинлик қилар эди.

Рост, консерватизм либерализм сингари саноатлашган жамият қадриятлари ва институтларини ҳимоя қила бориб, давлатнинг иқтисодга аралашуви эркин бозор, рақобат ривожланишини секинлаштириш орқали йирик капитал вакилларининг

имтиёзларига зарар етказиши мумкин бўлгани учун унга қаршилик кўрсата бошлади.

Аммо ижтимоий тараққиёт жараёнида бу асосий ғоялар ва тамойиллар сезиларли янгиланиб борди. Саноатлашган давлатларнинг XX аср бошидаги инқирози турли реакцион консерватив оқимлар вужудга келишига туртки бўлди. Булар антисемитизм, ирқчилик, иррационализм, миллатчилик ва ҳ. к. бўлиб, улар демократияни мутлақ қабул қилмай, ижтимоий ва миллий камситишни тарғиб қила бошладилар. Бу ҳолда сиёсатнинг ижтимоий кескинликни юмшатишига ишонувчи консерватизм учун умуман хос бўлмаган радикализм, ихтилофларни куч орқали ҳал этишга интилиш намоён бўлди.

Урушдан кейинги даврда, яъни консерватизм капитализмни мураккаброқ ва нозикроқ тарзда асослашга ўтган даврда, бу мафкуранинг янги шакллари вужудга келди. Масалан, (либерализм ва социализм таклиф этаётган) ижтимоий тараққиёт йўлларидан ўзгача, учинчи йўлни ишлаб чиқишга уриниш — анъанавий оқимлар билан бир қаторда консерватизмнинг турли миллий шаклларини юзага келтирди, шунингдек, технократик (А. Гелен, Х. Шельски, Г. Фрейер), христиан-католик, «ислоҳотчи» консерватизм ва б. ларни келтириб чиқарди. Бу йўналишлар ишлаб чиқаришнинг давлат томонидан тартибга солинишига ва аҳолининг бошқарувда иштирокига анча ён босиб, қонунчиликни, давлат интизоми ва тартибни мустаҳкамлаш масаласини қатъий ҳимоя қилганлар ва сунъий тарзда уюштирилган ислоҳотларни тан олмаганлар. Демократия ғоясини ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш сингари интилишларида консерваторлар, ҳатто, халқ вакилларининг сайланишини бошқарув органларига энг «муносиб» фуқароларни (ҳокимият нуқтаи назаридан) илгари суриш билан тўлдиришни ҳам таклиф этганлар.

Охирги ўн йилликлар консерватизмнинг, бир томондан, реакцион талқиндаги норационал ғояларга (масалан, Франциядаги «янги ўнг»лар), иккинчи томондан, либерал қадриятларга мойиллиги ортишини намоён қилди. Консерватив ғоялар ривожининг иккинчи йўналиши **янги консерватизмда** ёрқин намоён бўлди. Бу мафкуравий оқим 1973-1974 йиллар иқтисодий инқирози, Ғарбий Европадаги ёшларнинг норозилик ҳаракатлари, кейнс ғояларининг кенгайишига ўзига хос жавоб тарзида шаклланди.

Умуман, янги консерватизм консерватизмнинг анъанавий қадриятларини саноати ривожланган босқичдаги жамиятлар воқелиги-

га жуда муваффақиятли мослаштиради. Ҳаёт услубларининг хилма-хиллиги ва инсоннинг техник муҳитга ҳар томонлама тобелиги ортиши, ҳаёт сурьатининг ортиши ва маънавий ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши — буларнинг ҳаммаси ғарб мамлакатлари ижтимоий фикрида мақсадларнинг жиддий инқирозини келтириб чиқарди, Европа маданиятининг кўпгина бирламчи қадриятларини шубҳа остига қўйди. Бу шароитда янги консерватизм жамиятга оила ва дин маънавий устунлиги, фуқаро ва давлат ўзаро масъулияти ва ёрдами, ҳуқуқни ҳурмат қилиш ва ҳаддан ортиқ демократлашувга ишончсизлик, қаттиқ давлат тартиби ва барқарорликка асосланган ижтимоий мувозанатни таклиф этди. Бир қарашда бозор иқтисодига, алоҳида қатлам ва гуруҳларнинг имтиёзларга эга бўлишига мойилликни сақлагани ҳолда бу йўналишлар жамият ва фуқароларда инсоний сифатларнинг, ҳеч қандай иқтисодий ва техник ривожланиш одамлар қалбида маънавий бўшлиқнинг ўрнини тўлдира олмайдиган умумий маънавий қонунларнинг сақланиб қолишига қаратилган эди.

Бундай шароитда инсонийликни сақлаб қолиш учун асосий масъулият шахснинг ўзига юклатилади. У, аввало, ўз кучига ва ҳамюртларининг бирдамлигига таяниши керак. Ушбу қараш унда сабр-тоқат ва ташаббусни қўллаб-қувватлаши, айни вақтда давлатнинг ҳам ўз фуқароларига бераётган ёрдами билан инсонни бузаётган «соғин сигир» га айланишига тўсқинлик қилиши керак эди. Бу модел фақат ўзига ишонган, мавжудлик моҳиятини мустақил англаши, давлат билан ўзи «келишиши» ва ҳ. к. керак бўлган либерал моделдан фарқ қилар эди. Янги консерваторлар давлати ахлоқий тамойилларга ва жамият яхлитлигини сақлаб қолишга асосланиши, қонунчилик ва ҳуқуқ негизида индивид учун ҳаётий шароитларни таъминлаши, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш орқали сиёсий уюшмалар тузиш имкониятини яратиши, жамият ва табиат муносабатларида мувозанатни сақлаши ва ҳ. к. керак эди. Ҳамда, гарчанд, фуқаро ва давлат ўзаро муносабатларининг бу модели учун энг маъқул сиёсий тартиб демократия бўлса-да, янги консерватизм назариётчилари (Д. Белл, З. Бжезинский, Н. Кристолл ва ҳ. к. лар) аксарият кучларини жамиятни бошқариш танқислигини енгишга қаратилган (сиёсатга аҳолининг ҳаддан зиёд жалб қилиниши туфайли), давлатни ижтимоий зўриқишдан ҳимоя қилувчи, элитарлик механизмларини замонавийлаштирувчи, ихтилофларни тартибга солиш воситаларини мукаммаллаштирувчи ва ҳ. к. дастурларни ишлаб чиқишга сарф этдилар. Айни вақтда, янги консерватизмнинг америкача талқинларида урғу, одат-

да, давлатчилик эволюцияси йўллари ва ҳокимиятни ташкил этишга қаратилган бўлса, Ғарбий Европадаги оқимларда ижтимоий-маданий муҳитни сақлаб қолиш, жамиятнинг маънавий анъаналарини такомиллаштириш ва индивиднинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш устивор бўлиб келди.

Албатта, янги консерватизм таклиф этаётган (турмуш даражасининг ўсиши, режалаштириш аҳамиятини янгича тушуниш, бандлик даражасини тартибга солиш ва ҳ. к. муаммоларни ҳал қилишга қаратилган) иқтисодий ўсиш ва сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш дастурлари билан ривожланишнинг постиндустриал даврига кириб бораётган давлатлар кўпгина ижтимоий масалаларини ҳал қила олмасди (масалан, инфляция, аҳоли қашшоқланиши ва ҳ. к.), лекин бу нарса унинг инсон асосий эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берувчи, нисбатан яхлит дунё тасаввурини бера олиш қобилияти олдида иккинчи планга ўтиб қолар эди. Асосийси, янги консерватизм, борлиққа оқилона муносабатни ахлоқий тамойиллар билан келиштириб, одамларга ижтимоий масъул индивид ва сиёсий барқарор давлат ўртасидаги муносабатларнинг аниқ формуласини берди.

Янги конерватизм консерватив мафкурасининг бугун инсонни саноатлашган тизимнинг янги технологик ўсиши даврида ҳимоя қила оладиган, ҳаёт фаолиятининг индивидуал ва ижтимоий дастурларидаги устивор йўналишларини аниқлай оладиган жамиятни инқироздан олиб чиқа олувчи сиёсат қиёфасини белгилаб бера оладиган қирраларини очиб берди. Ундан ташқари, бу ғоявий асосда янги консерватизм либерализм, социализм ва бир қатор бошқа таълимотларнинг кўпгина инсонпарвар ғояларини бирлаштирди. Гарчанд, ғарб мамлакатларида янги консерватизм ғояларини айрим йирик партиялар қўлласа-да, (АҚШда — республикачилар, Японияда — либерал-консерватив, Англияда — консерватив партиялар), бутун дунёда бу ғоявий йўналиш тарафдорлари доираси кенгайиб бормоқда.

Социализм

Социализм ғоялари энг қадимги даврлардан маълум, лекин назарий асосга ва мафкуравий шаклга улар фақат XIX асрда эга бўлишди.

Уларнинг назарий жиҳатдан шаклланиши учун француз мутафаккири Ж. Ж. Руссонинг ва унинг ҳамюрти Ф. Бабефнинг барча фуқаролар синфларга мансублиги ва жамиятни ижтимоий қайта қуриш учун зўрликка таянган кураш зарурлиги ҳақидаги эгалитаристик ғоялари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Умуман, социализм индивидларнинг иқтисодий эркинлиги, рақобат ва меҳнатга турлича ҳақ тўлашнинг инсон ва жамият моддий

фаровонлиги ўсишининг шартлари сифатида аҳамиятини етарлича баҳоламайди ёки, умуман, инкор этади. Уларнинг ўрнини босувчи механизмлар сифатида даромадни меҳнатдан ташқари қайта тақсимлаш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни сиёсий воситалар билан бошқариш, давлат томонидан ижтимоий тенглик ҳамда адолат меъёрлари ва тамойилларининг киритилиши кабилар қаралди. Бошқача қилиб айтганда, социалистик назарияда шахс эмас — давлат, эволюцион ижтимоий жараёнлар эмас — онгли бошқарув, иқтисод эмас — сиёсат устунликка эгадир.

Бундай ижтимоий тартиб идеалининг чизгиларини беришга дастлабки уриниш Янги давр мутафаккирлари — Т. Мор ва Т. Кампанела, XVIII аср охири ва XIX аср бошларида — утопик социалистлар Сен-Симон, Фурье, Оуэнлар томонидан амалга оширилган. XIX аср ўртасида К. Маркс ва Ф. Энгельс социализмни назарий асослашди: унинг вужудга келишини истиқболда «умумий фаровонлик» жамияти-коммунизмнинг шаклланиши билан боғлашди. В. И. Ленин бу ғояларни Россиядаги ишчилар ҳаракати билан боғлашга уриниб, социалистик инқилоб босқичлари, «буржуа давлат машинасининг емирилиши», «пролетариат диктатураси» ва ҳ. к. лар тўғрисидаги таълимотида социализмни «янги тур»даги партия фаолиятининг бевосита сиёсий мақсади, деб атади.

Аммо инқилоблар ривожланган капиталистик мамлакатларда эмас, кам ривожланган мамлакатларда рўй беришини асослашга уриниб, янги жамиятни марксча таълимотга мувофиқ яратиш йўлида Ленин ва унинг издошлари «илмий социализм»да» фундаменталистик оқим йўлбошчиларига айланди. Айни вақтда бир қатор немис назариётчилари (К. Каутский, А. Бебель, Э. Бернштейн) ижтимоий қайта қуриш жараёнларидаги давлат (демократик республика) ролини ижобий ҳамда мақсадларга тинч, эволюцион воситалар билан эришишга қаратилганлигига урғу бериб, социализмни «илмий» асослашда назарий ревизионизмга ва социал-демократик мафкурага асос солдилар.

Марксча-ленинча ва социал-демократик мафкураларнинг назарий қарама-қаршилиги бутун XX аср давомида «ижтимоий адолатли жамият» тамойилларини тадбиқ этишдаги муҳим фарқларни белгилаб берди.

Ленинча фундаментализм Сталин режимининг асосини ташкил этди. Унинг назариётчилари социализм қурилиши жараёнида синфий курашнинг ортиб бориши ҳақидаги ғояни илгари суриб, ижтимоий ўзгаришларни (ишлаб чиқаришни ижтимоийлаштириш, халқ хўжалигини саноатлаштириш, қишлоқни коллективлаштириш ва ҳ. к.) террор воситалари ва фуқароларни жисмонан йўқ қилиш орқали таъминлаш учун ғоявий асосни яратди.

Социалистик тузумни чет эл қўшини иштирокисиз мустаҳкамлашга уриниш (Шарқий Европада бўлгани каби) собиқ Югославияда титоизм (И. Тито -Югославия Республикаси Компартияси бош котиби, кейинчалик — Президент)ни келтириб чиқарди. Социализмнинг бу кўринишини капиталистик давлатлар билан тинчтотув яшаш, социалистик қурилишда учровчи ички ихтилофлар ва зиддиятларни эътироф этиш, асосий ички душман — бюрократия билан кураш олиб бориш, бозор муносабатларини ўрнатишга ва коммунистик партия ролини чеклашга интилиш ажратиб туради.

Урушдан кейинги Хитойда социализм ғояларини амалга оширишга уриниш социализмнинг яна бир амалий кўриниши — маоизмни (ХКПнинг бош котиби Мао Цзедун исмидан) келтириб чиқарди. Мао марксистлар учун муқаддас социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини инкор этишига қарамай, Сталиннинг ички ва ташқи душманлар билан курашиш зарурлиги ҳақидаги ғоясини асос сифатида олади ва уни «партизанлар кураши» назарияси билан «бойитади» (бу-маоизмнинг Ҳиндихитой, Африка, Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида шуҳрат қозонишига ҳам хизмат қилган). Социализмга томон ҳаракатнинг тарихий кучи — унга кўра -деҳқонлар бўлиб, улар зиёлилар ва аҳолининг бошқа қатламларини инқилобий руҳда қайта тарбиялаганлар. «Порлоқ келажак» томон бу йўллар Хитой аҳолиси ичидан оммавий қурбонлар билан (айниқса, маданий инқилоблар даврида) тўлиб-тошганлиги маълум.

Аммо XX аср амалда социализмнинг ортодоксал кўринишлари наъмуналарингигина кўрсатмади. Бу асрга хос ва кўзга ташланувчи белги — кўпгина олимларнинг социалистик мафкуранинг назарий асосини ҳам замонавийлаштиришга уринишларидир. Масалан, австро-марксистлар М. Адлер ва О. Бауэр социализмнинг интегратив назариясини яратишга уриниб, унда коммунизм ва социал-демократия ғояларини бирлаштирганлар; А. Шафф ва Г. Петрович «инсонпарвар» марксизм таълимотини асослаганлар; «экологик» ва «христиан» социализми назариялари ишлаб чиқилган ва ҳ. к.

Лекин ижтимоий адолат ғояларининг жозибадорлигига қарамай, социализм назарияларининг XX аср жаҳон тараққиёти хусусиятлари билан мос тушмаганлиги ва, энг муҳими, уларнинг куч асосида бошқаришга очиқдан-очиқ мойиллиги, Сталин,

Кастро, Чаушеску тоталитар режимлари билан узвий боғлиқлиги замонавий дунёда бу мафкуранинг сиёсий таъсирини сезиларли даражада камайтириб юборди.

XX аср ижтимоий онгига энг кўп таъсирга (асосан, Европа мамлакатларида) социал-демократик мафкура эга бўлди. У доимо ижтимоий ва давлатлараро тинчлик идеалларининг устунлигини ҳимоя қилди ва адолатли ижтимоий тартиб идеалини эркинлик ва бирдамлик тамойиллари билан боғлади. Буржуа жамиятини астасекин ислоҳ қилиш ҳақидаги тасаввурлар унинг таълимотида синфий курашдан воз кечиш, халқ ҳокимияти, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ва ишчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини рағбатлантириш тамойиллари билан мувофиқлаштирилар эди. Социал-демократия тарғиб қилган «ижтимоий ҳамкорлик» назарияси (синфий кураш ҳақидаги эски назариянинг ўрнини олди ва уни такомиллаштирди) барқарор сиёсий ривожланиш шароитида сиёсий ҳаракатнинг жуда жозибали дастурига айланди. Лекин «демократик социализм» моделларининг амалга ошмаганлиги, «умумий фаровонлик» давлатини рўёбга чиқариш билан боғлиқ қийинчиликлар, «реал социализм» мамлакатларининг кўпчилигида ижтимоий тартибнинг алмашганлиги ва ҳ. к. лар социал-демократиянинг жаҳондаги таъсирига путур етказди.

Фашизм

Бугунги кунда сиёсий фанда фашизм ҳақида икки хил тасаввур шаклланган.

Баъзи олимлар уни Италия, Германия, Испанияларда XX асрнинг 20-30-йилларида шаклланган ва бу мамлакатларнинг урушдан кейинги инқироздан чиқишида популистик восита ролини ўйнаган сиёсий мафкура кўринишларидан бири сифатида тушунадилар. Фашизм асосчиси — италиялик социалистлар сўл қанотининг собиқ етакчиси Б. Муссолини. Унинг Афлотун, Гегелларнинг элитар қарашлари ва «органистик давлат» (ҳокимиятнинг унга содиқ аҳоли манфаати йўлида агрессив ҳаракатларини оқловчи) назариясига асосланган ғоялари тизими ўта миллатчилик, давлатчилик «чексиз иродаси» ва ҳукмдорларнинг элитарлигини тарғиб қилар, уруш ва тажовузкорликни мадҳ этар эди.

Фашизмнинг ўзига хос кўринишларидан бири — Гитлер (А. Шикльгрубер) нинг миллий-социализмидир. Фашизмнинг немисча тури реакцион иррационализмининг («герман афсонаси») ҳокимиятни тоталитар ташкил этишнинг юқорироқ даражаси ва очиқдан-очиқ расизм билан ажралиб турар эди. А. Гобинонинг ирқий устунлик ҳақидаги ғоялари, шунингдек, И. Фихте, Г. Трейчке, А. Шопенгауэр, Ф. Ницше фалсафаларининг бир

қатор жиҳатларини қўллаб, герман фашизми назариётчилари ўз мафкураларини қандайдир афсонавий халқ — «орийлар» нинг ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари устуворлигига қуришган. Унинг алоҳидалигини тан олиш билан бирга «маданият яратувчи ирқлар» яшовчи давлатларни қўллаб-қувватловчи (ҳақиқий орийларга немислар, инглизлар ва бир қатор шимолий халқлар мансуб, деб топилди), «маданиятни қўллаб-қувватловчи» этносларнинг ҳаёт ҳудудларини чеклаш, (славянлар ва Шарқ ҳамда Лотин Америкасидаги айрим давлатлар аҳолиси), ҳамда «маданиятни емирувчи» халқларни шафқатсиз йўқ қилиш (негрлар, яҳудийлар, лўлилар) сиёсати эълон қилинди. Бунда давлат иккинчи ўринга ўтиб, биринчи ўринга ирқ чиқади. Ирқни ҳимоялаш босқинчилик, ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва террор сиёсатини оқлаган ва тақозо этган.

Фашизмнинг муайян-тарихий талқинларини Франкистлар Испанияси, 30-40-йиллар Японияси, А. Салазар давридаги Португалия, Перон президентлиги даври (1943-1955) даги Аргентинада, 60-йиллар охирида Юнонистонда, Жанубий Африка, Уганда, Бразилия, Чили бошқарувидаги айрим даврларда кузатиш мумкин.

Иккинчи нуқтаи назар фашизмни ғоявий мазмунга эга бўлмаган ва демократияни йўқ қилиш, террор ва зўрлик истаги устун келган ҳолларда шаклланувчи мафкура сифатида баҳолайди. Шу тариқа фашизм учун энг маъқул ғоявий асос бўлиб, у ёки бу ирқий, этник, синфий, уруғчилик в. б. гуруҳлар устунлигини даъво қилувчи таълимотлар хизмат қилади. Шунинг учун жамиятни сиёсий қайта қуриш, «туб аҳоли» учун имтиёзларни сақлаган, «асл эътиқод» тарафдорлари, «тарихий жараён гегемонлари» тамойилларига асосланувчи ва бу гуруҳлар учун талаб этилаётган ижтимоий мақомни таъминлаш учун ҳар қандай кескин воситаларни таклиф этаётган миллий, коммунистик, диний в. б. мафкуралар фашизмга ўтиб кетмасликдан кафолатланмаганлар.

Фашизм шу тариқа тушунилганда жамият сиёсат бозорида кимнингдир ижтимоий устунлигини бошқа фуқаролар ҳисобига ўрнатиш ва қўйилган мақсадга эришиш учун ҳар қандай ижтимоий баҳони тўлашга тайёр ғояларнинг пайдо бўлишига ниҳоятда эътибор билан муносабатда бўлиши керак.

Гарчанд фашизмга шу тариқа муносабат демократик тартиботларда авторитар бошқарув услубларига муносабатни кескинлаштирса-да, у таянувчи тажовузкорона мафкуранинг зўрлик, миллий милитаризм, вождизм в. б. белгиларини тез пайқаш имконини беради.

Миллий мафкуралар Миллий жамоалар шаклланаётган, давлатлар бир ёки бир неча этник асосда бирлашаётган мамлакатларда миллий мафкуралар жиддий сиёсий рол ўйнайди.

Масалан, Ғарбий Европа XIX аср охири — XX асрнинг 30-йилларига қадар миллий мафкуралар кўтарилиши даврини бошидан кечирган. Ҳозирги вақтда ҳам тегишли институтлар томонидан қўллаб-қувватланаётган Европа бирлашуви жараёни (Европарламент, Евро-Кенгаш ва ҳ. к.) ҳамма жойда, айниқса, Нидерландия, Бельгия, Люксембургда — одамларнинг миллий боғлиқликларидан евроцентризм устунлигини белгилади. Айни вақтда Югославия, Россия, собиқ СССР ўрнида вужудга келган республикаларнинг кўпчилигида миллий мафкуралар жамият сиёсий ҳаётида устунлик қила бошлади.

Умуман, бу турдаги мафкуралар ўз ижтимоий мақомини ошириш борасидаги манфаатларини миллий мансублиги билан боғловчи фуқароларнинг сиёсий талабларини ифодалайди. Бу мафкуравий-назарий оқимларнинг назарий асослари, аввало, миллий гуруҳ табиатини муайян тарзда тушуниш ташкил этади. У ҳаётнинг ягона иқтисодий шароитлари, ҳудуд, тил ва маънавий маданиятнинг қандайдир белгилари асосида шаклланувчи жамоа (марксча анъана); ёки сиёсий ҳодисалар ва институтларни бирлаштирувчи маданий жамоа (М. Вебер); ёки маданий меъёрлар, қадриятлар ва рамзлар билан қўллаб-қувватланувчи «миллий руҳ» тимсоли (Ж. Брендт), ёки илоҳий ҳақиқат ато этилган халқ (ислом анъанаси) сифатида талқин этилиши мумкин.

Ташқи шароит ва аҳолининг миллий ўз-ўзини англаш ҳолатига мувофиқ- сиёсий кучлар миллий бирликнинг маданий ўзига хослигини ҳимоя қилиш талабларини (мустақил давлат тузиш талабига қадар) илгари суришлари; ёхуд геосиёсий маконни миллат фойдасига кенгайтириши, ёхуд аксинча, ҳудуди ва миллий мустақиллигини ташқи тажовузкорлардан сақлаш, «туб миллат» га мансуб шахслар учун имтиёзлар яратиш; ёинки байналминал алоқаларни тез сурьатлар билан кенгайтиришни талаб этишлари мумкин ва ҳ. к.

Шу тариқа, миллий мафкуралар томонидан рағбатлантирилувчи сиёсий ҳаракатлар (миллатчилик) айрим мамлакатларда миллатлараро ихтилофларни ҳал қилишга, маданий бир хилликни кучайтиришга ва демак, жамиятни бирлаштиришга (Швейцария, Бенилюкс мамлакатлари в. б.) хизмат қилиши мумкин. Бошқа ҳолларда, сепаратизм ва этник гегемонизм, миллатчилик ўчоқларини яратиб жамият яхлитлиги ва сиёсий бошқарув барқарорлигини емириши мумкин (Испанияда басклар ҳаракати, Боснияда серблар в. б.). Миллий мафкуралар давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш манбаи бўла олади (масалан, Ғарбий Европа мамлакатларининг кўпчилигида миллий манфаатларнинг қарор топиши бошқа давлатларга душманликнинг ортиши билан боғланмайди) ҳамда давлатлар ўртасида кескинликни келтириб чиқара олади. Бу, айниқса, ўзининг бошқа ҳудудларда яшовчи миллий уюшмаларига нисбатан олиб бораётган сиёсати туфайли (масалан, Босния ва Сербия ўртасида, Россия ва Латвия ўртасида)келиб чиқиши мумкин.

Айрим ҳолларда миллий мафкурадан бирор этнос аҳволи билан боғлиқ бўлмаган муаммолар ҳал қилинаётганлигини яшириш учун фойдаланилади.

Масалан, 80-йилларнинг охири ва 90-йиллар бошларида Болтиқбўйи республикалари туб миллатлар манфаатларини ҳимоя қилиш байроғи остида собиқ иттифоқдош давлат билан боғлиқ барча муаммолар тугунини ҳал қилишга уринганлар (жумладан, хўжалик муносабатлари, иқтисодий мустақилликнинг кучайиши, фуқаролар турмуш тарзи ўсишининг юқори даражаси в. б.).

Албатта, замонавий дунёдаги сиёсий ҳаётнинг маънавий бойлигини ёлғиз миллий мафкуралар хилма-хиллиги, ёки юқорида санаб ўтилган ғоявий оқимларгина ташкил этмайди. Сиёсат дунёсини ўз тамойиллари асосида қайта қуриш, одамлар онгига таъсир этишни диний ақида ва қадриятлар негизида (шу жумладан, дунё ҳақидаги ўз тасаввурларини демократик идеаллар билан, масалан, христиан-демократик мафкурадагидек боғловчи; шунингдек, фундаменталистик қарашларни тарғиб қилувчи: ортодоксал иудаизм, сикхизм, ислом фундаментализми ва ҳ. к.) ўз талабларини ишлаб чиқувчи таълимотлар ҳам, турли хил сўл ва ўнг радикал мафкуралар ҳам (масалан, мувофиқ кетма-кетликда — янги троцкизм ва «янги ўнглар») истайди. Айрим мамлакатларда муҳим сиёсий таъсирни «комьюнити» мафкураси («янги ҳаёт услубини» биродарлик ва маҳаллий бирдамлик руҳидаги ва бахтга ҳозироқ эришишга интилувчи турли қўшничилик, касбий ва бошқа жамоалар тузиш орқали), феминизм (жамиятда аёлларнинг тўлиқ тенглиги учун курашади), турли экологик («яшил»лар) мафкуралар (масалан, «комплюралистик» таълимот — инсоният ўзини йўқ қилишини атроф муҳитни сақлаб қолиш, жамоа капиталини ривожлантириш ва аҳоли ўсишини тўхтатиш), хилма-хил футурологик концепциялар ва ҳ. к. эгаллаб бомоқдалар.

Ижтимоий барқарор мамлакатларда сиёсий мафкураларнинг ижтимоий онгга таъсири, асосан, пасайиб бораётган бўлса, замонавийлашув, кейинги тараққиёт йўлини танлаш жараёнини бошидан кечираётган давлатларда маънавий сафарбарликнинг бу қуроли ҳокимиятни эгаллаш ва ундан фойдаланиш учун курашда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

§ 3. Мафкуравий дискурс

Мафкуравий дискурс: асосий тамойиллар

Сиёсий фанда хилма-хил сиёсий оқимларнинг реал ҳолда мавжудлиги ва доимий ўзаро таъсирини «дискурс» тушунчаси белгилайди. Мазмунига кўра у маънавий ўзаро таъсирнинг бир қатор имкониятларини, мафкураларнинг ўзаро узоқлашишидан тортиб уларнинг бирлашиши ва у ёки бу идеаллар, меъёрлар, сиёсий талабалар в. б. таркибий қисмларнинг ўзига хос синтезигача назарда тутади. Дунё миқёсида ёки дейлик, минтақа кўламида ҳам, шунингдек, алоҳида мамлакат доирасида ҳам мафкуравий мулоқотнинг хилма-хил ва зиддиятли тамойиллари шаклланиши мумкин. Лекин у ёки бу давлатда мавжуд маънавий муҳит, одатда давлатлараро ва дунё сиёсий жараёнларига хос улкан ғоявий оқим таъсирини доимо ҳис этади.

XX аср воқелиги бутун дунё ҳамда алоҳида олинган мамлакатлардаги ўзаро мафкуравий таъсир табиатига сезиларли таъсир кўрсатди. Агар XIX асрнинг иккинчи ярми саноати ривожланган жамиятларнинг тез сурьатлар билан шаклланиши ва ривожланиши натижасида социалистик ва либерал мафкураларнинг очиқ рақобати билан кечган бўлса, XX аср аньанавий ва замонавийлашаётган мамлакатлар кураши тимсоли бўлиб, ғоявий мунозарани кучайтирди. Хилма-хил мафкураларни рағбатлантириш билан бир қаторда у бош фарқни гуманизм, инсонийлик ва демократияни ҳимоя қилувчи ғоявий оқимлар ва зўрлик, жисмоний мажбурлаш ва террорни ўз мақсадларини амалга оширишнинг асосий услуби сифатида оқловчи таълимотлар ўртасида ўтказди.

Бу ҳолат мафкуравий тизимларнинг шунга мувофиқ ривожини ҳам белгилаб берди: бир томондан, либерализм, консерватизм, социал-демократия, христиан-демократик мафкуралар ва бир қатор бошқа таълимотларнинг муайян дастурий бандлари ва фалсафалари яқинлашуви ва, ҳатто, бирикиши кузатилса, иккинчи томондан, уларга фашистик, экстремистик, шовинистик, ирқий ва шу каби бошқа оқимларнинг қарши туриши рўй берди.

Реакцион мафкураларнинг яқинлашуви ва бирлашуви жамиятнинг қутблашишига ва улар муайян таъсирга эга мамлакатлар ҳамда халқаро майдонда сиёсий кескинлик ортишига олиб келади. Бу, айниқса, сиёсий терроризмда аниқ намоён бўлади. Гуманистик йўналишдаги мафкуравий тизимларнинг яқинлашуви натижасида эса, хусусан, Ғарбда янги нуфузли ғоявий оқимлар (янги консерватизм) пайдо бўлдики, масалан, анъанавий тарзда тушуниладиган ўнг ва сўл сиёсий оқимлар ўртасидаги нисбат сезиларли ўзгарди. Аввалари сиёсий майдоннинг икки қиррасини ташкил этган бу мавқе ва йўналишлар ҳозирги кунда демократия масалалари, инсон ҳуқуқларини сиёсатнинг бош мезони сифатида эътироф этиш, ахлоқий ва оилавий қадриятларини ҳимоя қилиш, жамиятнинг ижтимоий очиқлигини қарор топтириш борасида **яқинлашиб бирлашяптилар.** Шу тариқа, уларнинг фарқлари, моҳиятига кўра, кундалик сиёсатнинг хусусий масалаларига доир бўлиб, сиёсий масалалардан кўра кўпроқ сайловолди ваъдаларидаги фарқлардан иборат бўлади. Бундай вазиятда мафкуравий кураш кескинлиги албатта пасаяди ва одамлар ҳам ўзларининг партиявий-мафкуравий мойилликларини йўқотадилар. Масалан, Ғарбда у ёки бу партия учун овоз бераётганларнинг кўпчилиги ўзларини шу партиялар тарғиб қилаётган мафкура тарафдори, деб ҳисобламайдилар.

Замонавий мафкуравий дискурс қиёфасига муайян тусни ижтимоий таълимотлар давлатлар ҳаракати ва одамларнинг сиёсий фаолиятини белгилаш қобилиятини инкор этувчи технократик йўналиш тарафдорлари киритди. Бунга қодир ягона куч сифатида фақат техника тан олинади. Моҳиятига кўра, мафкуравийликка қарши бу йўналишнинг кўзга кўринган вакили Х. Шельски фикрича, демократия ҳокимиятни қонунийлаштиришга муҳтож бўлмаган техника қудрати ортиб бориши билан жамиятга керак бўлмай боради. Бу каби қарашлар кенг тарқалган ёки сиёсат бозорига сезиларли таъсир кўрсатади, деб бўлмайди. Лекин, деярли барча мамлакатларда технократик ғоялар мафкуравий дискурснинг доимий иштирокчиларига айланган.

Умуман, демократияга йўналган барқарор давлатлар учун мафкуравий баҳсларнинг пасайиши хос. Ижтимоий-сиёсий йўналишни танлаш учун кураш давом этаётган, турли гуруҳлар миллий сиёсатнинг устивор йўналишлари ҳақида баҳс юритаётган жойларда мафкуралар ўртасидаги ғоявий кураш фақат кескинлашиб, бундай баҳснинг ички кескинлиги уларнинг яқинлашуви ва ички бирлашувига халақит беради. Шу

каби сиёсий кескинлик ортишига олиб келувчи вазият хусусан, замонавий Россия учун хос.

Ҳозирги Россиядаги асосий мафкуравий оқимлар

Жамоатчилик фикрида коммунистик мафкуранинг яккаҳокимлиги емирилганидан кейин ғоявий-мафкуравий оқимларга нисбатан аллергияга ўхшаш муносабат вужудга келгандай бўлди. Мутахассислар мафкуравий вакуум деб атаган вазият вужудга келди. Бироқ у узоқ чўзилмади. Ҳокимият учун курашга киришаётган гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилувчи янги сиёсий элиталарнинг фаоллиги, муҳими кенг халқ оммасининг ўз сиёсий ҳис-туйғулари, умидлари ва умидсизликлари турли мафкуравий доктриналар тўлқинини юзага келтирди. Муваққат сокинлик ғоявий мавжланиш билан алмашди. Бироқ мафуравий конструкциялар турли-туманлигига қарамасдан ҳозирги кунда сиёсий-мафкуравий маконда учта мафкуравий оқим: коммунистик, миллатчи-ватанпарварлик ва либерал-демократик оқимлар асосий ўринни эгаллайди.

Айни пайтда коммунистик мафкуранинг ўзида ҳам икки тамойил кўзга ташланади. Улардан бири мафкуравий доктринани либераллаштириш, уни социал-демократия идеалларига яқинлаштиришга интилишдир. Бу хусусий мулк ҳуқуқини эътироф қилиш, жанговор атеизмдан воз кечиш, инсон ҳуқуқларига лоял муносабатда бўлиш, ҳуқуқий давлат меъёрларини эълон қилиш ва бошқаларда ифодаланади. Бироқ бундай модификациялар жамоа мулкининг устуворлиги, иқтисоднинг давлат томонидан тартибга солиниши, ижтимоий-синфий устуворликларнинг сақланиб қолиши, қатъий геополитик мақсадлар ва бошқа бир қатор анъанавий қоидалар билан қўшилиб мазкур янгиланиш тамойили зиддиятлилиги ва изчил эмаслигини кўрсатади.

Шу билан бирга, яхши маълум бўлган сиёсий қадриятлар ва мақсадларга йўналтирилган, мамлакатда буржуа типидаги муносабатларнинг эҳтимоллигини ҳам инкор қиладиган фундаменталистик оқим ҳам мавжуд. Реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар кўп жиҳатдан буржуа типидаги йўналишда бўлганини ҳисобга олиб, мазкур мафкуравий оқим кўпинча экстремистик руҳдаги талаблар ва сиёсий норозилик шаклларини келтириб чиқаришга ҳаракат қилади.

Ўз талабларининг асосига Ватан тимсолини қўйган миллатчи-ватанпарварлик мафкуралари фаоллигининг кескин ўсишига Россия халқи миллий ўз-ўзини англаш жараёнини, айниқса, «миллий айнанлик инқирози, тарихий истиқбол ва миллий ўз-ўзини баҳолаш

даражасини англашнинг пасайиши»[3] билан боғлиқ. Ўз ғоявий ва сиёсий мазмунига кўра бу оқим жуда зиддиятли ва хилма-хил бўлиб, ўз байроғи остига Россия ва унинг маданиятидаги ўзига хослик ва бу ўзига хосликнинг бошқа маданият ва тамаддунлар билан тенг ҳуқуқли мулоқот жараёнида бойитиш ва ривожлантириш тарафдорларини ҳам, бошқа халқларнинг ҳуқуқларига қарши бўлган, бошқа миллий гуруҳларга нисбатан душманлик кайфиятидаги этногегемонизм тарафдорларини ҳам бирлаштиради.

Либерал-демократик мафкура ўзининг асосий қадриятларига амал қилар экан, ўзаро нисбий мустақилликка эга бўлган учта ғоявий оқим тимсолида мавжуд. Радикал либерализм деб аталадиган оқим давлатнинг тартибга солиш ролини изчил камайтириш, стихияли жараёнларни рағбатлантиришни талаб қилади, ўзининг асосий мақсадини у макроиқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, Ғарб тажрибасини адаптация қилиш, авторитаризмга қарши курашда кўради, шунга қарамай, архаик ижтимоий тузилмалар қаршилигини зўравонлик йўли билан бартараф этиш эҳтимоллигини инкор қилмайди. Масаланинг бундай ҳал қилинишига қарама-қарши ўлароқ консерватив либерализм анъанавий кайфиятдаги қатламлар қаршилигидан чўчир экан, мавжуд хўжалик алоқаларига максимал йўналтирилиш, давлатнинг белгиланган, энг муҳими, реал ислоҳотларни амалга оширишдаги катта ролини эътироф қилиш билан бирга оммавий қадриятларни ҳисобга олиш, Ғарб тажрибасига саралама муносабатда бўлиш, ислоҳотларни ўтказишда аҳоли учун кўпроқ руҳий қулайликларни таъминлашни талаб қилади.

Либерализмнинг учинчи кўриниши — социал-либерализм. Ўзининг мўлжалларига кўра у социал-демократик мафкурага яқин туради. Ундаги асосий қадрият фақат мумтоз либерализм руҳидаги одамларнинг давлатдан мустақиллигини эътироф этиш сифатидагина эмас, балки барча учун бир хил старт имкониятларини беришни ҳам талаб қилишдир. Бу маориф, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимларида давлат дастурларига ижобий муносабат мавжудлигини, ижтимоий адолат, меҳнат қадри сингари тамойилларнинг муҳимлигини эътироф этишни тақозо қилади.

Назарий жиҳатдан кўрсатиб ўтилган мафкуравий оқимлар дискурси уларнинг муайян даражада яқинлашуви ва ҳатто алоҳида қоидаларнинг синтези эҳтимолини ҳам тақозо қилади. Ма-

[3] Кара-Мурза А., Папарин А., Пантин И. Духовно-идеологическая ситуация в современной России: перспективы развития//Полис. 1995. №4. С. 6.

салан, коммунистларнинг синфсиз жамиятга қараб ҳаракат қилиш тўғрисидаги талаби индивидларнинг юқори ижтимоий сафарбарлиги ҳисобига ижтимоий дихотомияни бартараф қилиш тўғрисидаги либерал ғояга анча мос келади. Амалда эса, улар ўртасида муайян яқинлик кузатилаётган бўлса ҳам, бир қатор сиёсий муаммолар (масалан, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, миллий манфаатларни ҳимоялаш ва баъзи бошқа масалаларда) ҳозирча сиёсий таранглик ва курашларга олиб келаётган қарама-қаршилик устуворлик қилмоқда.

Ўтиш давридаги жамиятларнинг ислоҳотлари тажрибаси кўрсатишича, сиёсий вазиятни барқарорлаштиришнинг энг муҳим шартларидан бири давлат ўз фаолиятида амал қиладиган ва шартли равишда давлат мафкураси деб аташ мумкин бўлган узоқ муддатли ғоявий-мақсадли доктринани ишлаб чиқишдир. Халқ миллий ўз-ўзини англаши ривожланиши жараёнининг таркибий қисми бўлган давлат мафкурасини ишлаб чиқиш давлат ва жамият интеграциясини, ижтимоий тизим бутунлигини таъминлайди.

Ўз навбатида, мазкур типдаги идеологияни ишлаб чиқишнинг шарти сифатида жамиятдаги асосий гуруҳларнинг ижтимоий тузум ва тараққиётнинг истиқболдаги мўлжалларига нисбатан минимал келишуви талаб қилинади ҳамда у «юқори» ва «қуйи», бошқарувчилар ва бошқарилувчилар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлигини юмшатади. Бунда ҳокимият мавқеи, унинг фуқаролар манфаатларини ифодалашга лаёқатлилиги ва улар олдидаги мажбуриятларни бажаришга қобиллиги алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Давлат мафкураси қадриятларини яратишнинг муҳим шарти маънавий плюрализм, турли гуруҳларнинг ижтимоий мақсадлар ва ҳаракат дастурлари ҳақида ўз фикрларини ифодалашга бўлган ҳуқуқлари. (Мазкур вазиятда экстремистик гуруҳ ва мафкуралар истисно қилинади ва улар сиёсий ҳаётнинг перифериясига чиқарилади.) Бироқ тажриба гувоҳлик беришича, давлатнинг мафкурага яккаҳокимлиги, яъни ҳокимиятларнинг аҳолига қатъий ва бир томонлама тиркаладиган тор гуруҳий ғояларини амалга оширишга интилишини ман қилишга эришиш жуда қийин бўлади. Шунингдек, эълон қилинган идеаллар ролли, хулқ-атвор мақсадларига айланганда фуқароларнинг вазифалари оқилликдан кўра воқеликка эътиқод ва прагматик ёндашувнинг устунлигига олиб келади ва шунда жамияда мураккаб вазият юзага келади.

Давлат мафкурасини ишлаб чиқишнинг яна бир шарти авлодларнинг тарихий ворислигини сақлаш, мамлакатнинг миллий, тарихий ва географик хусусиятларини ҳисобга олиш, мамлакатлар ва тамаддунлар ўртасидаги очиқ мулоқот руҳини таъминлаш, шу орқали Россия учун, айниқса, муҳим бўлган Ғарбий Европа тажрибасига ҳам, Шарқ анъаналарига ва меъёрларига нисбатан ҳам ишончсизлик ва хурофотларни бартараф қилишдир.

17-БОБ

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

§ 1. Сиёсий маданият тушунчаси

Сиёсий маданият моҳияти

Гарчанд бугунги кунда сиёсий маданиятга мансуб деб ҳисобланувчи нарсаларнинг кўпи ўтмиш мутафаккирлари томонидан (Конфуций, Афлотун, Арасту) тавсифланган бўлса-да, атаманинг ўзи кейинроқ — XVIII асрда немис маърифатпарвар файласуфи И. Гердер асарларида пайдо бўлди. Сиёсий ҳодисаларнинг бу гуруҳини тавсифловчи назария эса ўтган асрнинг 50-60-йилларида, ғарб политологик анъанаси оқимида вужудга келди. Уни ишлаб чиқишда катта ҳиссани америкалик олимлар Г. Алмонд, С. Верба, Л. Пай, У. Розенбаум, инглизлар Р. Роуз ва Д. Каванах, немис назаритёчилари К. фон Бойме, французлар М. Дюверже ва Р. Ж. Шварцберг, голландиялик И. Инглхарт ва бошқалар қўшдилар.

Сиёсий маданият назарияси сиёсий тадқиқотлар институционал таҳлилининг чекланганлигини енгиш имконини берди. Жумладан, у шаклан бир хил давлат ҳокимияти институтлари турли мамлакатларда баъзан буткул бошқача фаолият кўрсатишини тушунтириш имконини ҳам берди.

Сиёсий маданият назарияси ўз диққатини одамлар мойил қадриятлар, маҳаллий афсоналар, рамзлар ва стереотиплар мазмуни, инсон менталитети ва шу сингари ҳодисаларга қаратиб, фуқаролар ва институтларнинг сиёсий хулқ-атворлари сабабларини чуқурроқ ўрганиш, кўплаб ихтилофлар сабабини аниқлашга имкон яратади. Буларнинг ҳаммасини сиёсат учун анъанавий сабаблар билан (ҳокимият учун кураш, ресурсларни қайта тақсимлаш ва ҳ. к.) тушунтириб бўлмас эди.

Фанда сиёсий маданиятни талқин этишнинг икки йўналиши шаклланди. Баъзи олимлар уни сиёсатнинг субъектив мазму-

ни билан боғлайди ва барча маънавий ҳодисалар (Г. Алмонд, С. Верба, Д. Дивайн, Ю. Краснов в. б. лар) ва рамзлар (А. Диттмер) бирлиги, деб тушунтиришади. Шунинг учун ҳам уларнинг сиёсий маданиятни сиёсат ва ҳокимлик муносабатларидаги субъектив жиҳатни ифодаловчи «эски ғоя учун янги атама»[1] тарзида баҳолашлари — тушунарли.

Олимларнинг бошқа гуруҳи сиёсий маданиятда меъёрий талабларнинг намоён бўлишида (С. Вайт), типик хулқ-атворларнинг бирлигини (Ж. Плейно), сиёсий фаолият услубини (У. Розенбаум) кўриб, уни сиёсатнинг алоҳида, ўзига хос субъектив кўриниши, деб ҳисоблайдилар.

Бу ёндашув сиёсий маданиятни инсоннинг туб тасаввурлари, яъни давлат билан ўзаро алоқалари ҳақидаги қадриятли тасаввурлари тарзида тушунтиришда жуда изчил намоён бўлади. Инсоннинг амалий фаолияти билан сиёсий идеални излаш жараёни узвий боғлиқлигини кўрсатиш орқали сиёсий маданият вазият ёки кайфиятлар ўзгаришига боғлиқ бўлмаган, инсон хулқ-атворидаги энг барқарор ва ўзига хос белгиларни ифодалайди. Натижада, сиёсий маданият инсон фаолиятининг ички қирраларини намоён этувчи, сиёсий ҳокимият соҳасида индивид фаолияти услуби сифатида (Н. Шапиро, П. Шаран) чиқади.

Инсон сиёсий фаолиятининг услуби унинг энг барқарор тасаввурлари ва ҳокимият билан алоқаларининг энг типик шаклларини акс эттиради ҳамда у давлат ҳаётига оид умумэътироф этилган меъёрлар ва анъаналар қай даражада қабул қилинган ва ўзлаштирилганлигини, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда кундалик фаоллик жараёнида ижодий ва стереотиплашган услублар уйғунлашишини ва ҳ. к. намойиш қилади.

Сиёсий ўйин фуқаролик фаолияти стандартларининг инсон томонидан ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган меъёрлари ўртасидаги узилиш (қарама-қаршилик) сиёсий маданият ривожланишининг муҳим ички манбаи бўлиб ҳисобланади.

Айни вақтда қилинадиган ишларнинг қадриятли ва шу билан ҳаҳзалик (ҳиссий) мотивацияси биргаликда мавжуд бўлиши, инсон мақсадлари ва фаолиятининг маълум даражада мос тушмаслиги — сиёсий маданиятга ички зиддиятни киритади, унда «мантиқий», «номантиқий» ва «мантиқдан ташқари» (В. Парето) элементлар уйғун мавжудлигига йўл очади, индивиднинг фаол ва суст сиёсий иштироки шаклларининг бир вақтда қўлланиб-қуватланишига имкон беради.

[1] Kavanagh D. Political Science and Political Behaviour. London. 1983. P. 48.

Фуқароларнинг ҳокимият институтлари тизими қўллаб-қувватловчи оммавий сиёсий фаолият услуби, яъни жамият сиёсий маданияти алоҳида мураккаблиги билан ажралиб туради. Бу сиёсий маданият сиёсий тилга меъёрлар, стереотиплар, мулоқот усуллари ва ҳ. к. ларни (тегишли атамалар, рамзлар ва ҳ. к. ларда) муҳрлаб, давлатчиликнинг ажралмас белгилари (байроқ, герб, мадҳия)га алоҳида аҳамият бахш этади. Шу тариқа сиёсий маданият жамиятни бирлаштиришга, элита ва электорат муносабатларининг барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қилади.

Одамлар ҳокимиятдан бегоналашган ва ўзлари учун муҳим сиёсий мақсадлар ва қадриятларга амал қила олмайдиган жамиятларда, одатда расмий (давлат институтлари қўллаб-қувватловчи) сиёсий маданият билан аҳолининг кўпчилиги таянадиган қадриятлар (ва уларга мувофиқ хулқ-атвор шакллари) ўртасида зиддият вужудга келади.

Масалан, Шарқий Европанинг бир қатор мамлакатларида «социалистик қурилишнинг» расмий мақсадлари кўп даражада давлат муассасалари босими остида тадбиқ этилган, лекин миллий қадриятлар ва анъаналар тизимига уйғун кира олмаган эди. Шунинг учун ҳам социалистик тартиб билан хайрлашиш ҳам у ерда деярли оғриқларсиз, майин инқилоблар кўринишида ўтди.

Лекин турли мамлакатларда — расмий ва амалдаги сиёсий маданият ўтасида муҳим тафовутлар бўлмаганида ҳам — ижтимоий гуруҳлар ва индивидлар томонидан сиёсий тизимда қабул қилинган меъёрлар ва анъаналарни тан олиш даражасида тафовутлар бор. Бу — сиёсий субъектларнинг турли маданий даражага эгалигини кўрсатади. Инсон ҳаётини қадрият сифатида менсимаслик, фуқаро ҳуқуқларини инкор этиш ғоялари кенг тарқалган, ҳукмрон тартиб одамларни бир-бирига нисбатан қўрқув ва адоват ҳис этишга мажбур этувчи, ижтимоий онгга зўрлик мафкурасини сингдирувчи жамиятларда — сиёсий маданият яхлитлиги йўқолади. Сиёсий иштирокнинг маданий негизлари ва усуллари ўз ўрнини фуқароларнинг ҳокимият билан ўзгача ўзаро таъсирларига беради. Фашистик, ирқий, шовинистик ҳаракатлар ва терроризм, қаршиликнинг охлократик шакллари ва ҳокимиятнинг тоталитар зўрлиги сиёсий ҳаётнинг маданий маконини тутиб туришга ва кенгайтришга қодир эмас. Аксинча, улар сиёсатда маданий бўшлиқ яратиб, инсонлар ҳамжамиятини емиришга олиб борувчи жараёнларни келтириб чиқарадилар.

Сиёсий маданият, шунингдек, фуқароларнинг ҳокимиятда иштирокининг сиёсатгача (потестар) шаклларидан ҳам фарқ қилади.

Маълумки, улар этнос бирдамлиги, уруғчилик мифологияси, жамоанинг «қондош»лиги кабилар берувчи иррационал йўналишларга асосланади. Ушбу қараш тарафдорлари «умумий манфаат» ва интизомни билмай (И. Ильин), эркинликни «бебошлик тантанаси» (С. Франк) тарзида тушуниб, синфий ва ижтимоий ҳудбинлик манбаи бўлиб хизмат қиладилар, носоғлом миллий манманлик тарқалиши ва жамиятда зўрлик авж олишига хизмат қиладилар.

Сиёсатда фуқаролар иштирокининг барча шаклларини маданият наъмуналари асосида қуриш мумкин эмаслигини, шунингдек, ҳокимият институтларининг умумэътироф этилган қадриятлар билан белгиланиши даражаси ҳам ҳар хиллигини эътироф этиб, сиёсий маданият ўзининг мавжудлик маконини кенгайтириш ёки торайтириш қобилиятига эга эканлигини ҳам тан олиш керак. Шунинг учун ҳам, умуман олганда, у умумий сиёсий ҳодиса бўла олмайди ва сиёсий жараённинг барча босқичлари ҳамда даврлари учун хос эмас. Ўз қонуниятлари асосида ривожланиб бориб, у ҳокимиятни ташкил этиш шаклларига унинг институтлари таркибига, давлатлараро муносабатлар табиатига таъсир кўрсатиши мумкин.

Сиёсий маданият мақсади ва функциялари

Инсон сиёсий фаоллигининг қадриятли мазмунга кўра белгиланганлигини ўзида мужассам этиб, сиёсий маданият унинг ҳокимлик аҳамиятига эга манфаатлари ўзига хослигини тушуна олиш, мақсадга эришиш йўлида сиёсий ўйин қоидаларига кўра ҳаракат қилиш, шунингдек, ўз фаолиятини эҳтиёжлар ва ташқи шарт-шароитлар ўзгаришига қараб ўзгартира олиш қобилиятини англатади. Сиёсий маданият инсоннинг маънавий интилишлари ва мойилликлари шаклида амалий фаолиятнинг муайян шаклларида, шунингдек, институционал кўринишда (яъни сиёсий ва давлат бошқаруви органларининг тузилиши, уларнинг функцияларида) намоён бўлиши мумкин. Барча қадриятларни бир вақтнинг ўзида амалга ошириб бўлмаслиги туфайли (айниқса, институционал тарзда) сиёсий маданиятнинг юқорида айтилган шакллари ўртасида доимо зиддиятлар бор.

Умуман, сиёсий маданият сиёсий жараёнлар ва институтларга уч томонлама таъсир кўрсата олади. Биринчидан, унинг таъсирида сиёсий ҳаётнинг анъанавий шакллари қайта-қайта яралиши мумкин. Бу имконият ҳатто ташқи шароитлар ва ҳукмрон тартиб табиати ўзгарган ҳолларда ҳам сақланиб қолади. Масалан, анъанавий жамиятларда (аграр, оддий қайта ишлаб чиқариш ва табиий алоқаларга қурилган) сиёсий маданият ҳатто ислоҳотлар даврида ҳам ҳокимиятнинг аввалги, архаик тузилишини қўллаб-

қувватлайди ва сиёсий тизим замонавийлашуви ҳамда демократлашувига қаршилик кўрсатади. Сиёсий маданиятнинг шундай қобилияти кўпчилик инқилоблар (яъни тезкор, кўчки сифат ўзгаришлар) ёки аввалги тартибга қайтиш билан (аҳоли ўзи учун янги мақсад ва қадриятларни мослаштира олмаслигини англатади) ёки террор (одамларни улар учун янги сиёсий ривожланиш тамойилларини амалга оширишга мажбур қилишнинг ягона йўли) билан якунланиши сабабларини яхши тушунтиради.

Иккинчидан, сиёсий маданият жамият учун янги, ноанъанавий ижтимоий ва сиёсий ҳаёт шаклларини вужудга келтириш, учинчидан эса, аввалги ва истиқболдаги сиёсий тартиб элементларини уйғунлаштира олиши мумкин.

Сиёсий маданият сиёсий ҳаётда муайян функцияларни бажаради. Улардан энг муҳимлари қуйидагилардир:

- **идентификация**, инсон ўзининг қайси гуруҳга мансублигини англаши ва ушбу жамоа манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишда иштирокнинг ўзи учун маъқул усулларини аниқлаши билан боғлиқ;

- **ориентация**, инсоннинг сиёсий ҳодисалар моҳиятини баён этишга интилиши, муайян сиёсий тизимда ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда ўзининг имкониятларини тушунишга ҳаракат қилиши билан боғлиқ;

- **мослашиш**, инсоннинг ўзгарувчи сиёсий муҳитга, ҳуқуқлари ва ҳокимлик ваколатларини амалга ошириш шароитларига мослашишига интилиши билан боғлиқ;

- **ижтимоийлашув**, инсон ҳокимиятнинг у ёки бу тизимида ўз фуқаролик ҳуқуқларини, сиёсий функциялар ва манфаатларини амалга оширишига имкон берувчи муаяйн кўникма ва хусусиятларга эга бўлиши билан боғлиқ;

- **интеграция** (акси-дезинтеграция) турли гуруҳларга муайян сиёсий тизим доирасида биргаликда мавжуд бўлишни таъминлаш, давлат ва умуман унинг жамият билан ўзаро муносабатлари бутунлигини сақлаш билан боғлиқ;

- **коммуникация**, ҳокимиятнинг барча институтлари ва субъектларининг ўзаро таъсири ва алоқаларини умумэътироф этилган атамалар, рамзлар, стереотиплар ва ахборотнинг бошқа воситалари ҳамда мулоқот тили негизида таъминлаш билан боғлиқ.

Турли тарихий шароитларда — кўпинча нобарқарор сиёсий жараёнларда — сиёсий маданиятнинг айрим функциялари пасайиши ва, ҳатто, ўз фаолиятини тўхтатиши мумкин. Хусусан, давлат ҳаётининг сиёсий меъёрлари ва анъаналарининг аҳамия-

ти сезиларли пасайиши натижасида турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги, айниқса, ҳукумат сиёсатига қарши бўлганлари билан мунозаралар кескинлашиши муқаррар бўлиб қолади. Бошқа томондан, ўтиш жараёнларида кўпинча сиёсий маданиятнинг аҳоли учун ноанъанавий қадриятлар ва мақсадларга асосланган бошқарув тизимларини емириш қобилияти ҳам ортади.

Сиёсий маданият таркиби

Сиёсий маданият — кўп таркибли, кўп даражали ҳодисадир. Сиёсий маданиятнинг турли ижтимоий ва сиёсий жараёнлар билан хилма-хил алоқалари унинг мураккаб тузилиши ва ташкил этилганини белгилаб келади. Сиёсий маданиятнинг турли ички тузилмалари субъектларнинг сиёсий хулқ-атвори шаклланиши технологиялари, маданий яхлитлик (яъни алоҳида бир мамлакат, минтақа сиёсий маданияти), турли кичик маданий тузилмалар мавжудлигини акс эттиради ва ҳ. к.

Сиёсий маданият таркибининг бири инсон қадриятли интилишларининг турли усулларини дунёқараш (бунда у сиёсат ҳақидаги тасаввурларни ўзининг дунё ҳақидаги тасаввурлари тизимига жойлайди) даражасида, фуқаролик (бунда инсон давлат ҳокимияти органлари ҳамда шунга мувофиқ ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўз имкониятларини англаб, сиёсий мақомини тушунишнинг сифат жиҳатидан янги даражасини ишлаб чиқади) даражасида, шунингдек, қадриятли тасаввурлар доирасидаги сиёсий даражада (бунда инсон тартибот бошқарувидаги муайян шаклларга, иттифоқчилари ва рақибларига ўз муносабатини ишлаб чиқади) очиб беради.

Бу даражаларнинг ҳар бирида инсон тасаввурлари қарама-қаршиликларга тўла бўлиши мумкин. Муайян сиёсий ҳодисаларга муносабат тезроқ, дунёқарашга оид тамойиллар эса секинроқ ўзгариши мумкин. Бунинг натижасида янги мақсад ва қадриятларни ўзлаштириш, тарихни қайта англаш в.ҳ.лар бир текисда амалга ошмайди. Буларнинг ҳаммаси сиёсий маданият шаклланиши ва ривожланишига қўшимча мураккаблик ва зиддиятлилик олиб киради. Қадриятли интилишлар мувофиқлиги даражаси эса сиёсий маданият яхлитлиги табиати ва ички мувозанати йўқлигини бевосита белгилаб беради.

Одамлар у ёки бу сиёсий йўналишлар ва хулқ-атвор услубларини танлашларига жуда катта таъсирни уларнинг ижтимоий (синфлар, қатламлар), миллий (этнос, миллат, халқ), демографик (аёллар, эркаклар, ёшлар, қариялар), ҳудудий (муайян туман ва минтақа аҳолиси), ролига кўра (элита ва электорат) в. б. (диний,

референт ва ҳ. к.) гуруҳларга мансублиги ўтказади. Одамларнинг қадриятли йўналишларини (ва шунга мувофиқ, хулқ-атвор шаклларини) гуруҳ мақсад ва идеаллари асосида ишлаб чиқишлари сиёсий маданиятни субъект маданиятлар бирлигига айлантиради. Улар, ўз навбатида, ўз субъектларида ҳокимият ва давлатга, ҳукмрон партияларга муносабатда, сиёсий иштирок услубларида муҳим (муҳим бўлмаган) фарқлар мавжудлигини белгилайди.

Муайян мамлакатлар ва давлатларда энг катта таъсирга ҳар хил субмаданиятлар эга бўлиши мумкин (масалан, Шимолий Ирландиядаги диний ёки Озарбайжондаги этник маданият тизимлари). Умуман эса, жамият ҳаёти ва сиёсий ривожланиши учун энг катта аҳамиятга етакчи ва элиталар субмаданияти эга, чунки у сиёсий тизимни бошқариш бўйича махсус функцияларини шу субъектлар томонидан бажарилиши табиатини белгилайди.

Шу маънода, ушбу субмаданиятнинг энг муҳим элементлари қаторига етакчилар ва элита вакилларининг оддий фуқаролар манфаатларини баён этиш (ва, аввало, ўз ижтимоий мавқеини шахсий мақсадларга эришиш воситасига айлантирмаслик), уларнинг малакавий бошқарув сифатлари, шунингдек, ўз обрўларига эга бўлиш ва уни сақлаб туриш, жамоатчиликни улар ҳокимият поғоналарида эгаллаб турган юқори мавқеларига муносиб эканликларига ишонтириш каби қобилиятлари киради.

§ 2. Сиёсий маданият турлари

Сиёсий маданиятни туркумлаш мезонлари

Турли давлат ва халқлар ривожи давомида фуқаролар сиёсий хулқ-атвори услубида муайян қадриятлар ва стандартлар устунлигини, ҳокимиятлар билан ўзаро муносабатлар шакллари ва географик, маънавий, иқтисодий ва ҳ. к. омиллар устун таъсирида шаклланган бошқа элементлар ортиқ эканлигини акс эттиради.

Сиёсий маданиятларни туркумлаш асосини оддийгина омиллар ташкил этиши мумкин. Булар сирасига, масалан, турли сиёсий тизимлар (Х. Экстайн), мамлакатлар ва минтақалар ўзига хослиги (Г. Алмонд, С. Вербалар), сиёсий ўйинда фуқаролар мойилликлари турлари (хусусан, ахлоқий, индивидуалистик ёки анъанавий — Д. Элазар), сиёсий қадриятларнинг бошқа маданиятлар билан алоқалар учун очиқлиги (дискурсивлиги) ёки ёпиқлиги (нодискурсивлиги) (Р. Шварценберг), маданий таркибий қисмларнинг ички яхлитлиги, (Д. Каванах), мафкуравий фарқлар (Е. Вятр) ва ҳ. к. лар киради.

Г. Алмонд ва С. Вербалар «Фуқаролик маданияти» китобида (Нью-Йорк, 1963) таклиф этган сиёсий маданиятни туркумлаш усули фанда анча машҳур. Англия, Италия, ГФР, АҚШ ва Мексика сиёсий тизимларининг асосий таркибий қисмлари ва фаолият шаклларини таҳлил қилиб ва қиёслаб, улар сиёсий маданиятининг уч «соф» турини ажратишди: **патриархал маданият**, унда фуқаролар сиёсий ҳаёт билан қизиқмайдилар; **тобелик маданияти**, унда сиёсий институтларга йўналганлик кучли ва фуқароларнинг индивидуал фаоллиги даражаси паст; **фаоллик асосига қурилган маданият**, фуқароларнинг сиёсий иштирокдан манфаатдорлиги ва фаоллигидан далолат беради. Муаллифлар амалда сиёсий маданиятнинг ушбу турлари ўзаро алоқадор эканлиги, у ёки бу таркибий қисмлари устун аралаш шаклларни юзага келтиришини таъкидлаганлар. Сиёсий режим барқарорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан сиёсатда фуқароларнинг итоатига кўрсатмалар ва шунга мувофиқ иштирок шакллари устун бўлган тобелик маданияти энг оммавий ва айни вақтда самарали бўлиб ҳисобланади.

Айни вақтда сиёсий маданият турлари умумийроқ асосларда ҳам аниқланиши мумкин. Улар муайян мамлакатлардаги фуқароларнинг сиёсий хулқ-атворидаги турли услублардаги энг умумий белгиларни очиб бериш имконини беради. Масалан, **бозор шароитидаги** сиёсий маданият ҳақида (унда сиёсат бизнеснинг бир кўриниши тарзида қаралиб, фуқаролар фаолияти билан эркин алмашув тарзида тушунилади) ва **этатистик** сиёсий маданият (сиёсий ҳаётни ташкил этишда ва индивид сиёсий иштироки шартларини белгилашда) давлат институтларининг етакчи ролини намойиш этади. — Э. Баталов) ҳақида гапириш мумкин.

Ўзига хос цивилизацион тузилиш билан белгиланувчи ва дунёда мавжуд барча сиёсий маданиятларнинг асосини ташкил этувчи яна бир жуда умумий туркумлаш мезонлари — маданиятнинг шарққа ва ғарбга мансублиги ташкил этади.

Шарқ ва Ғарб сиёсий маданияти хусусиятлари

Ғарб сиёсий маданияти идеалларининг илдизлари фуқароларнинг умумий масалаларни ҳал қилишда иштирокини назарда тутувчи қадимги Юнонистондаги полис (шаҳар-давлат) ҳокимият шакли, шунингдек, шахснинг фуқаролик суверенитетини қарор топтирган рим ҳуқуқига бориб тақалади. Уларнинг мазмунига христианликнинг, аввало, протестантлик ва католик йўналишлари, диний қадриятлари ҳам таъсир кўрсатган. Шарқона меъёрлар ва анъаналарнинг хослиги эса аграр Осиё жамиятидаги жамоалар турмуш тарзининг араб-мусулмон, конфуцийлик ва

ҳинд-буддизм маданияти қадриятлари таъсирида шаклланган хусусиятлардан келиб чиқади. Қисқаси жамият сиёсий ҳаётида фуқароларнинг қадриятли йўналишларидаги энг муҳим фарқлари қуйидагиларда намоён бўлади:

ҒАРБ	ШАРҚ
- ҳокимият инсон устидан инсоннинг жисмоний, маънавий в. б. устунлигига асосланишига ишонч;	- ҳокимиятнинг инсондаги ҳеч қайси фазилат билан боғлиқ бўлмай, балки келиб чиқиши илҳоий эканлигига ишонч;
- сиёсатга ҳалол ўйин ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойиллари асосига қурилган ихтилофли ижтимоий воқеликнинг бир кўриниши сифатида қараш;	- сиёсатга фидойилик, ҳаммани нг ҳам қўлидан келмайдиган ва қараҳмонлар ҳамда илоҳий бошқарув қоидаларига бўйсунувчи фаолият сифатида муносабатда бўлиш; сиёсий ҳодисалар тасодифийлигини инкор этиш ва сиёсатни консенсус, уйғунлик ва тинчликни қарор топтириш воситаси сифатида тушуниш;
- шахснинг ҳокимлик ваколатларини амалга ошириш учун тайёрлигини англаш, сиёсий ҳуқуқларга мулкчилик ҳуқуқини мустаҳкамлаш шарти сифатида қараш; индивидуал эркинлик идеалларининг устунлиги;	- шахснинг ҳокимлик ваколатларини амалга ошириш учун тайёрлигини инкор этиш, индивид ва ҳокимият ўртасидаги муносабатларда воситачига эҳтиёж; адолат идеалларининг устунлиги; шахснинг сиёсий индифферентлиги;
- индивидни сиёсатнинг бош субъекти ва манбаи сифатида тан олиш, давлатга фуқаролик жамиятига қарам, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолоти, индивид ва гуруҳ тадбиркорлик фаолиятининг воситаси тарзида муносабати;	- сиёсатда элиталар ва давлатнинг устунлигини эътироф этиш; давлатнинг шахсга ҳомийлиги, раҳбарлигини афзал билиш; жамоа, гуруҳ раҳбарларининг шахсдан устунлигини тан олиш; корпоративизм қадриятларининг устунлиги;
- шахс сиёсий ҳаётда хилмахилликни, ҳокимиятда иштирокнинг рақобатлилигини плюрализм ва демократияни афзал кўриши, ҳокимиятнинг мураккаб	- сиёсий ҳаётда ижро функциялари ва сиёсий иштирокнинг коллектив шаклларига уларда шахсий масъулият йўқлиги туфайли мойиллик; бошқарувнинг

тузилиши (партиялар, турли босим гуруҳлари ва ҳ.к. ларнинг мавжудлиги) ни устун қўйиши;

- ҳукмрон элиталар ва етакчилар жамиятни бошқариш бўйича ўз функцияларига оқилона муносабатда бўлиши, уларнинг зарурлигини тушуниш ва шартнома одоби қоидаларига риоя қилиш;

- давлат қонун ва кўсатмаларининг хусусий меъёрлар ва хулқ-атвор қоидаларидан устунлиги, фуқаролар сиёсий ҳаракатларида маънавий ва ҳуқуқий мотивация фарқларини англаш;

- фуқаролар сиёсий қарашларининг етарли даражада мафкуравийлашгани;

авторитар шаклларига интилиш; ҳокимият тузилишини соддалаштириш; харизматик етакчини излаш;

- жамиятни бошқариш бўйича ҳукмдорлар ва уларнинг фаолиятини илоҳийлаштириш, уларни назорат қилиш зарурлиги ҳақида комил эътиқоднинг йўқлиги;

- маҳаллий қоида ва анъаналарнинг (маҳаллий ҳуқуқ) давлат кўрсатмаларидан устунлиги, жамоа маънавий анъаналари ва қонунчилик ҳолатлари ўртасидаги зиддиятларни сиёсий хулқ-атвор мотивлари сифатида юмшатишга интилиш;

- мафкуравийлик камроқ намоён бўлиши, турли эътиқодларга тоқатлилик (исломий оқимлардан ташқари);

Мумтоз кўринишида инсон ва ҳокимиятнинг айтиб ўтилган қадриятлари ва анъаналари тубдан қарама-қарши сиёсий маданиятларни шакллантиради (масалан, АҚШ ва Эронда, Франция ва Кампучияда). Ва, ҳатто, сиёсий институтларни қайсидир бир маданият тури намуналари асосида қайта қуриш аввалги маданиятнинг айрим қадриятларининг аҳамиятини пасайтира олмайди. Масалан, Ҳиндистонда Буюк Британия мустамлакачилик ҳукмронлиги даврида шаклланган анча етук партиявий тизим, парламент институтлари ва ҳ. к. лар мавжудлигига қарамай, шарқ менталитети архетиплари аввалгидек устунлигича қолмоқда. Шунинг учун сайловларда бош ролни партия дастурлари эмас, қишлоқ оқсоқоллари, князлари, қабила оқсуяклари, диний жамоа раҳбарлари ва ҳ. к. ларнинг фикрлари ўйнайди. Айни вақтда, айрим Ғарбий Европа мамлакатларида Шарқдаги динлар ва турмуш тарзига бўлган катта қизиқиш сиёсий маданият ўзгаришига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

Рост, баъзи мамлакатларда Ғарб ва Шарқ қадриятларининг қандайдир уйғунлигига эришилди. Масалан, Япониянинг етакчи саноатлашган давлатлар клубига технологик «сакраши», шунингдек, мамлакатнинг урушдан сўнгги оккупацияси оқибатлари — унинг сиёсий маданиятида либерал-демократик қадриятларнинг анчаси мустаҳкамланиб қолишига имкон берди. Геосиёсий жиҳатдан ўртада жойлашган мамлакатларда (Россия, Қозоғистон ва ҳ. к.) ҳам Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро таъсир жуда тез суръатларда боради — у ерда қадриятли интилишлар ва фуқаролар сиёсий иштироки усулларининг муайян аралашмаси шаклланади.

Шунга қарамай, юқорида номланган дунё цивилизацияларининг сифат жиҳатдан фарқлари, одатда, сиёсий маданиятлардаги ўзаро ўзгармас асосларни белгилайди. Уларнинг яқинлашуви — узоқ келажак масаласи.

Россия сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари

Ҳар қандай мамлакатнинг сиёсий маданияти одатда, турли қадрият мўлжаллари ва фуқароларнинг сиёсий иштироки, миллий анъаналар, урф-одатлар, инсонни эътироф этишнинг ижтимоий усуллари, элита ва электорат мулоқотининг устувор шакллари, шунингдек, жамият ва давлат тамаддуни тараққиётидаги барқарор белгилар чатишиб кетиши натижасида шаклланади. Либерализм ва демократиянинг ягона таянч қадриятларини шакллантиришга, ҳокимиятни плюралистик ташкил қила олган ўз фуқароларининг анчагина мафкурасизлаштирилган мўлжалларини, анча қуйи сиёсий фаоллигини (бу ҳол ҳукмрон элитага ҳурмат натижасида вужудга келган), сиёсий иштирокнинг легитим шаклларидан фойдаланишга мойиллик, қонунга ҳурмат, юқори ватанапарварлик ва бошқаларга эришган АҚШ давлат тараққиёти тарихи бунга мисол бўла олади. Инглиз сиёсий маданиятини худди шунга ўхшаш таянч сиёсий қадриятларнинг умумийлиги, ҳокимиятлар легитимлигининг юқори даражаси, элиталарнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун масъуллиги, фуқароларнинг давлат тимсолларига алоҳида ҳурмати, низоларни имкон борича камайтириш ва сиёсий кучлар ўртасида келишувга интилиш характерлайди. Германиянинг сиёсий-маданий қиёфасини аҳолининг қонунларга нисбатан юқори даражадаги ҳурмати, сиёсий хулқ-атворнинг ҳуқуқий мурватларига сезгирлик, элиталарнинг ўз мажбуриятларини бажаришга масъулияти ва бошқалар ифодалайди.

Россияда ҳам унинг геополитик ҳолати, жамоавий турмуш тарзи шаклларининг усутворлиги шакллари, фуқароларнинг реал ҳокимиятдан узоқ вақт давомида ажратиб қўйилгани, ўзини-ўзи бошқа-

риш ва аҳолининг ўзини-ўзи ташкил қилишнинг механизмларининг паст даражадалиги билан боғлиқ ҳолда сиёсий маданиятнинг ўзига хослиги шаклланди. Шу билан бирга XX асрда сиёсий маданиятга тоталитар режимлар томонидан бутун-бутун ижтимоий қатламлар (савдогарлар, гуманитар зиёлилар, офицерлар) ва халқларнинг йўқ қилиниши, иқтисод ривожидаги бозор ролидан воз кечиш, коммунистик мафкурани мажбуран киритиш ўзининг кучли таъсирини ўтказди. Бу Россия анъаналари, авлодлар ворислиги, плюралистик турмуш тарзи қадриятлар ривожидаги табиий мурватларни бузибгина қолмай, Россиянинг дунё ҳамжамияти билан маданияталараро алоқалари ва муносабатларига ҳам салбий таъсир ўтказди. Умуман олганда, бундай сиёсат Россия тамаддунининг бир томонлама ривожи ва қайта яратилишига хизмат қилди.

Бунинг оқибатида, ҳозирги даврга келиб Россия жамиятининг сиёсий маданиятида етакчи ўринларга коммунитаризм қадриятлари чиқиб олди. (Бу қадриятлар жамоа коллективизмига бориб тақалади ва улар гуруҳ адолатининг индивид эрки тамойилидан устуворлигини, охир-оқибат давлатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётни тартибга солишдаги етакчилик ролини келтириб чиқаради). Айни пайтда ҳокимиятни персонификациялашган ҳолатда идрок қилиш, шунингдек, унинг фаолиятига нисбатан ахлоқий талабларни олға суриш, кўпчилик фуқаролар томонидан харизматик етакчи («ватан халоскори», уни бўҳрондан олиб чиқувчи шахс) қидиришга йўналтиради, ҳокимиятнинг ваколатли органлари ролини етарли англамаслик, чекланган индивидуал масъулият юкланган ижрочилик функцияларига мойилликка олиб келади. Шу билан бирга ҳокимиятни назорат қилишнинг кенг эътироф этилмаслиги одамларда қонунларга нисбатан паст даражадаги ҳурмат ва ўзининг «хонаки қонунчилигини» афзал кўриш билан қўшилиб кетади.

«Ўз» тамойилларининг (ўз одатлари, анъаналари, етакчилари ва бошқаларнинг) ҳақлигига мустаҳкам ишонч фуқароларнинг келишувларга йўл бермайдиган кўпгина ғоявий мўлжалларига қўшилиб Россия жамиятидаги сиёсий маданиятда чуқур ички бўлинишга олиб келади. Кўпгина ўзаро мухолифатда бўлган суб-маданиятларнинг мавжудлиги Россия сиёсий тузумидаги ягона қадриятларни ишлаб чиқишга уларнинг маданий турли-туманлигини сиёсий бирлик билан қўшишга давлат ва жамиятнинг ички бутунлигини таъминлашга имкон бермайди.

Ҳозирги кунда Россия жамиятининг сиёсий маданияти ичидан парчаланган бўлиб, унда патриархал-анъанавий типдаги шахснинг паст фуқаролик мавқеини ифодаловчи ва ҳаётни давлат томонидан тартибга солиш шаклларининг ўз-ўзини бошқариш ва жамиятни ўзини-ўзи ташкил қилиш мурватлари устидан устуворлик қилади. Ҳозирги кунда аҳоли кўпчилигининг хулқ-атворидаги асосий хусусият сиёсий норозиликнинг рухсат берилмаган шаклларига мойиллик, низоли вазиятларни куч ёрдамида ҳал қилишга интилиш, ҳукмронлик қилишнинг консенсусли технологияларига нисбатан фуқароларнинг унчалик қизиқмаслиги хосдир. Ана шундай меъёр ва қадриятларнинг устуворлиги жамиятда ҳокимиятнинг демократик шаклларини ўрнатишга тўсқинлик қилади, кўп ҳолларда эса миллатчи ва фашистик ҳаракатларнинг фаоллашувига кўмаклашади. Умуман олганда сиёсий хулқ-атворнинг шаклланган кўринишлари бизнинг жамиятимизда аввалги тоталитар тузум хусусиятларини акс эттиради, эски ва янги элиталар манфаатларига мос келадиган ижтимоий афсоналарнинг вужудга келиши ва тарқалиши учун қулай шароит бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, Россия давлати ва жамиятини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаларидан бири мавжуд сиёсий маданиятни демократик типдаги қадриятлар негизида ривожлантириш, индивид ва ҳокимият муносабатларида ўзаро ҳурмат меъёрларини ўрнатишдан иборат.

Россия жамиятининг сиёсий-маданий сифатларини демократлаштиришга, аввало, шахснинг фуқаролик мавқеини реал ўзгартириш, қонун йўли билан сайланган ва халқнинг ишончли назорати остида бўлган вакилларига ҳокимият ваколатларини ўтказадиган ҳокимият механизмларини яратишдир. Бизнинг жамиятимиз учун аввал ҳукмрон бўлган мафкураларни бостириш, «демократик» доктриналарни кашф қилиш зарур эмас, балки маънавий эркинлик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда фуқаролар фаоллигини оширишга имкон яратиш, уларни ижтимоий моддий заҳираларни қайта тақсимлашга, бошқарувчилар фаолиятини назорат қилишга жалб этиш зарурдир. Ҳокимиятлар сиёсати ҳатто, ўзаро қарама-қарши бўлган мафкураларнинг ҳам тинч-тотув яшашларини таъминлаш, социалистлар ва либераллар, консерваторлар ва демократлар сиёсий мўлжаллари ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтиришга эмас, бирлаштиришга йўналтирилган бўлиши лозим, бироқ бунда сиёсий экстремистларнинг ғоявий таъсири қатъий чекланган бўлиши керак. Фақат шу асосдагина жамиятда фуқаролар ҳурмати, шаъни қадрланиши, инсон ва ҳокимият ўзаро таъсиридаги демократик шаклларнинг оммавий идеаллари барпо этилиши мумкин.

§ 3. Сиёсий ижтимоийлашув

Сиёсий ижтимоийлашувнинг моҳияти

Сиёсий маданиятнинг шаклланиши, қайта вужудга келиши ва ривожланиши одамлар унинг меъёрларини, намуналарини ва хулқ-атвор стандартларини, анъаналарини ўзлаштириши ва қўллаб-қувватлаши орқали амалга ошади. Инсон томонидан хулқ-атворнинг рол ва мақом талаблари, маданий қадриятлар ва интилишларнинг ўзлаштирилиши унда ушбу сиёсий тизимга мослашиш ва муайян функцияларни бажариш имконини берувчи сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Бу **сиёсий ижтимоийлашув,** деб аталади. Бундай сифатлардан маҳрум инсон сиёсатга кириб келганда унинг талабларига мослаша олмайди, ўзини, ўз манфаатларини қаттиққўл сиёсий муносабатлардан ҳимоя қила олмайди.

Инсоннинг ижтимоий ва сиёсий мослашуви, унинг анъана ва қадриятларни ўзлаштириши масалаларига XX асрнинг 20-йилларидан қизиқиш ортди (айниқса, катта шаҳарларда этник гуруҳлар мослашиши). Лекин бу йилларда сиёсий ижтимоийлашув жараёнини тушунишга ягона ёндашув ишлаб чиқилмади. Масалан, сиёсий ижтимоийлашувнинг мумтоз назарияси Д. Истон раҳбарлигида Чикаголик олимлар томонидан ишлаб чиқилган ва унга кўра ижтимоийлашув — инсонни у сиёсат соҳасида бажариши лозим бўлган ролларга ўргатиш жараёни сифатида талқин қилинган. Ушбу назарияни қўллаб-қувватловчи олимларнинг кўпчилиги (Л. Коэн, Р. Липтон, Т. Парсонс) табиийки, диққатларини инсоннинг сиёсий тизим ва унинг институтлари билан ўзаро таъсирига қаратдилар.

Сиёсий фандаги бошқа нуфузли йўналиш (М. Хабермас, К. Луман) сиёсий ижтимоийлашувни инсон томонидан ўзи учун янги қадриятларни ўзлаштириш сифатида қарайди ва шу тариқа биринчи қаторга сиёсий онг ва инсон хулқ-атвори шаклланишининг шахсий-ички ва психологик механизмларини олиб чиқадилар. Психоанализ оқимида ишловчи олимлар (Э. Эриксон, Э. Фромм) сиёсий фаолиятнинг онгсиз мотивларига (сиёсий норозилик шакллари, маданиятга қарши хулқ-атвор) диққатни қаратиб, сиёсий ижтимоийлашувни инсон ҳис-туйғулари ва тасаввурларини сиёсийлаштиришнинг яширин жараёни тарзида тушунадилар.

Ёндашувлардаги фарқларга қарамай, кўпчилик олимлар сиёсий ижтимоийлашувнинг энг муҳим функцияси шахснинг сиёсий маконда тўғри йўл топа олишига ва у ерда муайян ҳокимлик функцияларини бажара олиш қобилиятига эришиш фикрида якдил-

лар. Бу маъносида сиёсий ижтимоийлашув гўё икки томонлама, лекин яхлит жараённи акс эттиради: бир томондан, у шахс сиёсий тизим талаб қилаётган муайян меъёрлар, қадриятлар, роллар билан боғлиқ кутишлар ва ҳ. к. ларни қай тарзда ўзлаштиришини қайд этади, иккинчи томондан, унинг ҳокимиятга таъсири ва сиёсий хулқ-атворининг у ёки бу шаклларида намоён қилганда бу анъана ва тасаввурларни қандай қилиб танлаб ўзлаштирганини намойиш этади. Бундан эса, ўз навбатида, шу нарса келиб чиқадики, жамиятнинг инсон сиёсий сифатларига таъсири, шунингдек, сиёсий ижтимоийлашувнинг бориши устидан назорат ҳал қилувчи тарзда инсоннинг ички эътиқодлари билан чекланади.

Сиёсий ижтимоийлашув босқичлари

Сиёсий қадриятлар, анъаналар, хулқ-атвор намуналари ва сиёсий маданиятнинг бошқа элементлари инсон томонидан узлуксиз ўзлаштирилади ва бу жараён фақат инсон ҳаёти давомийлиги билан чекланади. Қайсидир ғоя ва кўникмаларни ўзлаштирган инсон айни вақтда бошқа интилишларидан воз кечиши, ўзи учун ҳокимият билан мулоқотнинг янги усулларини танлаши мумкин. Шу тариқа, сиёсий ижтимоийлашув бу — инсон томонидан сиёсий хусусиятларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам шаклланиши, ҳам йўқотилиши жараёни. Шу туфайли инсоннинг сиёсий ижтимоийлашганлик даражаси ҳам ўзгармасдан қололмайди. Айниқса, сиёсий тизимда сифат ўзгаришлари рўй берганда, унинг қадриятлари ривожланиши ва субъектларнинг сиёсий хулқ-атворларига талаблар ўзарганда.

Инсондаги сиёсий билимлар, кўникма ва маҳоратларнинг йиғиндиси, аввало, унинг субъектив ҳолати ва сиёсатда бажарадиган ролларига (негаки, масалан, етакчи ва оддий сайловчи бир хил хулқ-атворни танлашлари мумкин эмас), шунингдек, сиёсий ижтимоийлашув асосий агентларининг фаолияти: оила, таълим тизими, сиёсий институтлар, диний ва жамоатчилик уюшмалари, ОАВга боғлиқ. Сиёсий жараённинг ушбу уч ўзгарувчиси фаолияти сиёсий ижтимоийлашувдаги **бирламчи ва иккиламчи** босқичларнинг фарқларини белгилаб келади.

Бирламчи сиёсий ижтимоийлашув, инсонда сиёсий ҳаёт ҳодисаларига сараловчи-индивидуал муносабатни шакллантрадиган сиёсий категорияларни дастлабки (одатда 3-5 йилда) ўзлаштирилишини характерлайди. Америкалик олимлар Д. Истон ва И. Денис фикрича, бу ерда ижтимоийлашув жараёнининг тўрт жиҳатини фарқлаш лозим: ота-она баҳолари, уларнинг муносабатлари, реакция ва ҳиссиётлари орқали бола томонидан сиёсий

ҳаётнинг бевосита «ўзлаштирилиши» сиёсатнинг муайян шахслар билан боғланиши, яъни боланинг онгида ҳокимиятга алоқадор у ёки бу шахслар (масалан, президент, полициячи — уларни телевизорда ёки ўз уйининг олдида тез-тез кўриши мумкин) сиёсий тизим билан боғланиши намунаси бўлиб қолади; бу сиёсий образларнинг «идеалллашуви», яъни уларнинг асосида сиёсатга нисбатан барқарор ҳиссий муносабатлар шаклланиши; қарор топган хусусиятларининг «институционаллашуви» — боланинг онгида сиёсат дунёси ҳақидаги тасаввурларнинг мураккаблашиши ва унинг сиёсатга мустақил, шахсларга боғлиқ бўлмаган қарашлари шаклланишидан далолат беради.

Сиёсий ижтимоийлашув биринчи босқичининг хусусиятлари шундан иборатки, унда инсон сиёсий тизим, маданият меъёрларига ҳали уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунмай туриб мослашади. Шунинг учун келажакда нотабиий, антисоциал хулқ-атвор шаклларининг олдини олиш учун болага сиёсий меъёрлар ва тажрибани узатиш механизмларини қўллашда муайян кетма-кетликка риоя қилиш керак. Хусусан, унинг сиёсат дунёсига табиий равишда кириб келиши учун сиёсий ахборот ўқитувчи авторитети, катталар фаолияти намуналари билан боғлиқ бўлиши ва қатъий мафкуравийлашган тушунча ва образларни ўз ичига мутлақо олмайдиган ижтимоий шаклларни қўллаш афзалроқдир. Фақат шу асосдагина ривожланаётган боланинг онгини императив (буйруқ) тарздаги мулоҳазалар ва баҳолар билан, кейинроқ эса аксиологик меъёрлар ва тасаввурлар билан (қадриятлар, идеаллар, тамойиллар) кучайтириш мумкин бўлади.

Иккиламчи сиёсий ижтимоийлашув инсон фаолиятининг ахборотни идрок этиш ва ролларни амалга ошириш усулларини ўзлаштириш, гуруҳ босимига қарши тура олиб мафкуравий қарашларни индивидуал қайта кўриб чиқа олиш қобилиятини намоён этиш, маданий меъёрлар ва анъаналарни қайта баҳолай олиш билан боғлиқ даврини акс эттиради.

Шу тариқа, ортга қайтувчи ижтимоийлашув, яъни ҳокимият билан ўзаро таъсирда зарур билимлар, меъёрлар, услубларни танлаш ва ўзлаштиришда инсоннинг ўзи бош ролни ўйнаётгани кузатилади. Бунинг натижасида иккиламчи ижтимоийлашув инсон томонидан ўз қадриятли тасаввурлари, сиёсий хулқ-атворнинг ва мафкуравий қарашларнинг афзал усулларини доимий равишда ўзи тўғрилаб, мослаштиришини акс эттиради.

Сиёсий ижтимоийлашувнинг асосий турлари

У ёки бу сиёсий тизимларда маданий анъаналар ва меъёрларни узатишдаги фарқлар шунга мувофиқ сиёсий ижтимоийлашув турларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий ижтимоийлашувнинг баркамол тури, инсон ва ҳокимият институтларининг психологик нормал ўзаро таъсири, индивиднинг ҳуқуқ-тартиботга, давлатга оқилона ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши, ўз фуқаролик бурчларини англаганлиги;

- устунлик, гегемонлик тури, инсоннинг «ўзиники» дан бошқа ҳар қандай социал ва сиёсий тизимларга салбий муносабатини кўрсатади;

- плюралистик тури, инсон бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуқлилигини, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, ўз сиёсий майлларини ўзгартира олиш ва янги қадриятларни қабул қила олиш қобилиятига эгалиги;

- ихтилофли тур, гуруҳлараро кураш ва ўзаро боғлиқ манфаатларнинг қарама-қарши туриши асосида шаклланади ва шу туфайли сиёсий иштирок мақсадини ўз гуруҳига нисбатан лоялликни сақлаб қолиш ва сиёсий рақиблар билан курашда уни қўллаб-қувватлашдан иборат, деб билади. [2]

Сиёсий ижтимоийлашувнинг ушбу турлари инсондаги у ёки бу хусусиятлар ва сифат шаклланиши ҳокимиятдаги ҳукмрон (расмий) сиёсий маданият (яъни бу — вертикал ижтимоийлашув тури) меъёрлари ва қадриятларини ифодаловчи устун тузилмалари ва институтларига боғлиқлиқлигини акс эттиради. Ҳокимият билан муайян ўзаро таъсирга барқарор йўналганлик билан бир қаторда жамиятда турли гуруҳлар, уюшмалар ва фуқароларнинг иттифоқлари, меъёрлари ва қадриятлари таъсир кўрсатувчи сиёсий хулқ-атворнинг хилма-хил моделлари ҳам шаклланади (масалан, ҳукмрон тартиботга кескин мухолифатда бўлган мақсадларга эга партиялар). «Горизонтал» сиёсий ижтимоийлашувнинг бундай турлари хусусий табиатга эга. Аммо айнан шундай ўзига хос меъёрлар, қадриятлар ва сиёсий ҳаётга кириш усуллари қўшилиб кетиши–инсон томонидан ўз сиёсий идеалларини, ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ва ҳокимият билан мулоқот олиб боришнинг маъқул усулларини излаш жараёнининг мураккаблиги ва зиддиятлилигини тасдиқлайди. Фуқаролар сиёсий иштирокининг бу микромоделлари сиёсий ижтимоийлашувнинг ижодий табиа-

[2] Political Psychology: Contemporary Problems and Jssues. Vol, 19. Son Francisco 1986.

тини, шунингдек, жамият сиёсий маданиятини қайта ишлаб чиқариш ва ривожлантириш мураккаблигини акс эттиради.

Замонавий жамиятда сиёсий ижтимоийлашув жараёнида, умуман сиёсий маданият шаклланиши ва ривожида оммавий ахборот воситалари жуда муҳим рол ўйнайди.

18-БОБ

СИЁСИЙ ПСИХОЛОГИЯ

§ 1.Сиёсий психологиянинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари

Сиёсий психология тушунчаси ва аҳамияти

Сиёсатда руҳий омилларнинг роли одамларга мафкуравий режалар ва дастурлар таъсири билан чекланмайди. Сиёсий онгнинг яна бир шакли-сиёсий психология баъзан сиёсат учун кўпроқ аҳамиятга моликдир.

Сиёсий психология одамларнинг сиёсий ҳокимият институтлари билан бевосита тўқнаш келишлари ва ўз сиёсий фаолиятлари жараёнида юзага келувчи ҳиссиётлари ва тасаввурлари бирлигидан иборат. Сиёсий-руҳий ҳолатларда одамларга умуман хос бўлган ҳислар (масалан, ғазаб, муҳаббат, нафрат ва ҳ.қ.) билан бирга фақат сиёсий ҳаётда учратиш мумкин бўлган ҳиссиётлар ҳам (муайян мафкура ёки етакчиларга илиқ муносабатда бўлиш ёки улардан нафратланиш, давлатга қарамлик ҳисси ва ҳ. к.) киради.

Борлиқни ҳиссий идрок этиш инсоннинг ажралмас хусусиятини ташкил этганлиги сабабли у сиёсий алоқаларнинг барча шакллари ва кўринишларида воситачилик қилади, демак, сиёсий жараённинг барча босқичларида иштирок этади. Шундай қилиб, сиёсий психология одамларнинг сиёсий фаолияти ва ҳокимият институтларига доимий таъсир кўрсатувчи универсал омилдир.

Аммо сиёсий психология — сиёсий онгнинг муҳим ва таъсирчан шаклигина эмас. Сиёсий фаолиятдан ажралмаслик хусусияти уни бутун сиёсатнинг ўзига хос универсал ўлчовига айлантиради. Бошқача қилиб айтганда, ҳокимият, давлат, партиялар, субъектларнинг хилма- хил сиёсий ишлари, шунингдек, сиёсатнинг у ёки бу ҳодисалари одамларнинг ўзаро руҳий таъсирлари шакли тарзида ҳам таҳлил этилиши мумкин.

Сиёсатга бундай қараш — унинг ўзига хос хусусиятларини очиш, унинг янги имкониятлари ва тараққиёт қонуниятларини намойиш этиш имконини беради. Айни вақтда, баъзан, руҳий боғлиқликларнинг аҳамиятини бўрттиришга олиб келади.

Сиёсатшуносликда руҳий омиллар аҳамиятини мутлақлаштирувчи бутун бошли йўналиш шаклланган. Унинг вакиллари барча инқилоблар ва истибдодга асосланган бошқарувлар, демократлашув ва ислоҳотлар сабабларини тўлалигича одамларнинг сиёсий фаолияти турткиларига боғлайдилар. Ҳатто оммавий сиёсий жараёнлар ҳам индивид ёки кичик гуруҳнинг сиёсий сифатлари орқали тушунтирилади (Э. Фромм, Г. Олпорт, В. Богарус ва ҳ. к.). Бу ҳолда «сиёсий инсон» оммавий соҳага кўчирилган шахсий руҳий турткилар, сабаблар маҳсули тарзида тушунилади (Г. Лассуэл). Сиёсатнинг ўзи эса, биринчи навбатда- руҳий, кейин эса -мафкуравий, иқтисодий, ҳарбий ва ҳ. к. ҳолат сифатида талқин этилади[1].

Сиёсатга психологик нуқтаи назар сиёсат субъекти ролларини унинг ҳиссиётларига боғлиқлигини ҳисобга олиши билан бирга руҳий хусусиятларни ана шу роллар ва функцияларнинг шаклланишига ҳам таъсир этувчи, ҳам белгилаб берувчи омил тарзида қарайди. Масалан, сиёсий экстремизм каби ҳодисанинг табиати кўпинча ижтимоий сабаблар билан эмас (гуруҳларнинг ижтимоий тизимда жойлаша олмагани ёки уларнинг ўз манфаатларини ҳокимиятнинг легал органларида тақдим эта олмаслиги сингари, руҳий сабаб орқали тушунтирилади. Кўпгина тадқиқотлар исботлаганидек, одамларнинг бу турдаги сиёсий фаолияти ҳаддан ошириб юборилган норационал турткиларга таянади. Улар, ўз навбатида, кўпинча одамдаги қандайдир руҳий камчилик натижаси бўлиб, унинг оқилона-рационал йўл танлашига тўсқинлик қилади ва фаолиятнинг шунга ўхшаш турларини танлашга мажбур этади. Баъзи социологик тадқиқотлар маълумотига кўра, ўнг ва сўл экстремистик оқим тарафдорлари бошқаларга нисбатан ёлғизлик, ҳаётнинг маънисизлиги, ўз келажаги учун ҳавотир ҳисларини кўпроқ туядилар[2].

Бу каби мисоллар сиёсатни таҳлил қилиш учун давлат билан ўзаро таъсирга киришган одамларнинг **психологик турлари** ҳақидаги тасаввурлар принципиал аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Негаки, инсоннинг ҳокимият олдига қўядиган талаблари мазмуни, уларнинг ҳокимият билан ҳақиқий ўзаро таъ-

[1] Юрьев А. И. Введение в психологию. Л., 1992. 16-бет.

[2] Каранг: Дилигенский Г. Социально-политическая психология. М., 1994. 278 — бет.

сири табиатини ҳиссиётга берилувчан ёки оқилликка мойил, ўрнатилган қоидаларга қатъий амал қилишга ҳаракати (ригидлик) ёки вазиятга қараб аста ўзгарувчи ҳислар тизими (лабиллик), бошқа психологик хусусиятларга эгалигига ҳам тўғридан-тўғри боғлиқ. Қаттиққўл бошқарув тизимларида ҳокимлик ва шахсий тузилмалар ички мувофиқлигининг ёрқин мисолига америкалик олим Т. Адорно таърифлаган шахснинг «авторитар тури» ни келтириш мумкин. У ҳокимият тизимини ўз фикри йўқлиги, ригидлиги, тажовузкорлиги, гуруҳ қадриятларини нотанқидий қабул қилиши ва чекланган фикрлаши билан тутиб туради.

Сиёсат учун сиёсий етакчиларнинг психологик хусусиятлари аҳамиятини ҳам таъкидламай бўлмайди. Масалан, компульсивлик (ҳамма нарсани жуда яхши бажаришга бўлган носоғлом интилиш) ёки намойишкороналик (етакчи жамоатчилик диққатини, аввало, ўз шахсига қаратишга интилиши) каби сифатлар сиёсий етакчи услубининг устун тарафларини ташкил этса, бу — қабул қилинаётган қарорлар табиатига сезиларли таъсир кўрсатиши ва ҳатто, сиёсий тизимнинг айрим ўлчовларини ўзгартириб юбориши мумкин. Сиёсат субъектлари руҳий хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигининг сабаби яна шундаки, ҳиссиётлар инсон сиёсий ҳодисаларни идрок этишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, етакчилар, бошқа сиёсий ҳодисалар, давлат ва ҳокимиятнинг инсон тасаввуридаги субъектив образларини кўпинча айнан психологик компонентлар ташкил этади ва белгилаб келади. Натижада инсон сиёсий ҳодисаларни аслида қандай бўлса- шундай эмас, айнан шу ҳиссиётлар асосида баҳолайди. Масалан, бирор партия ёки сиёсий тартибга нисбатан ишончсизлик уларнинг дастурлари ва фаолияти таҳлили негизида эмас, масалан, етакчининг бирор ахлоқсиз иши ёки сабабсиз нафрати натижаси бўлиши мумкин. Шундай қилиб, инсон сиёсий борлиқни кўпинча унга мос тарзда эмас, у ҳақидаги ўз ҳиссиётлари ва тасаввурлари асосида идрок этади.

Психологик тасаввурларни шакллантириш қонуниятларини билган ҳолда уларнинг мазмуни ва йўналишини белгилаш ва шу тариқа фуқароларнинг давлатга муносабатига, уларнинг индивидуал хулқ-атворига самарали таъсир кўрсатиш мумкин. Тарих бунинг кўплаб мисолларини билади. Айрим ҳукмдорлар вақтинча психологик қўзғалиш марказларини атайин ташкил қилиб, аҳолидаги оқилона фикрлаш қобилиятини сўндирганлар, шунингдек, найрангнинг бошқа усулларини қўллаб, одамларнинг етакчи атрофида жипслашиб, душманларга на-

фрат ҳис қилишига, ҳукмдор атрофида оммавий кўтаринкилик, воқеликни тўғри англамай қўйиш ва ҳокимият учун номаъқул муаммоларни сезмасликка мажбур қилганлар.

Сиёсий психология хусусиятлари

Сиёсатни ҳиссий шаклда акс эттириб талқин қилганда, сиёсий психология сиёсий онгнинг ўзига хос «амалий» турини англатади. Агар, масалан, мафкура ихтисослашган бир гуруҳ кишиларнинг назарий изланишлари маҳсули бўлса, сиёсий психология одамларнинг ўзаро ва ҳокимият институтлари билан амалий мулоқоти асосида шаклланади. Шу маънода у одамлар кундалик ҳаётда амал қиладиган ҳиссиётлар ва қарашларни ифодалайди.

Назарияда бу «табиий», маиший тафаккур «ижтимоий тасаввурлар» тушунчаси билан ифодаланади, (Московиси). Унинг объектив белгиларига, аввало, одамларнинг сиёсий объектларни ўзларининг бевосита манфаатлари ва эга бўлган сиёсий тажрибалари орқали инъикос эттиришлари киради. Одамлар ўзлари олаётган ахборотни ҳиссиётларига бўйсунган ҳолда, ўз манфаатлари, ўзларининг индивидуал ҳаракатлари мантиқига бўйсундиралар. Шунинг учун одамларнинг бевосита манфаатлари доирасига сиёсат қанчалик кучли жалб этилган бўлса, сиёсий психология уларнинг ҳокимиятдаги ҳаракатларига шунчалик кўп таъсир кўрсатади.

Билим олиш нуқтаи назаридан сиёсий психология чекланган тафаккур шаклидир, чунки у сиёсий ҳодисаларнинг бевосита кузатиш мумкин бўлмаган белгилари ҳақида фикр юритишга қодир эмас. Сиёсий жараёнлар ҳақидаги танланган, сараланган ахборотлар асосида у воқеликнинг ҳиссий идрок этиладиган ташқи шакллари ва бўлакларинигина акс эттиради. Шунинг учун сиёсий психология ўз табиатига кўра сиёсатдаги мураккаб, сабаб-оқибат алоқалари ва муносабатларини таҳлил қилишга мослашмаган. Аммо айрим ҳолларда қандайдир сиёсий ўзаро таъсирлар моҳиятини **пайқаб** қолиши мумкин.

Сиёсий психология борлиқни «содда» тушунтиргани туфайли кўпинча тушунчаларни ҳам соддалаштириб келади. Масалан, «давлат» муайян давлатни англатади, «ҳокимият»- ҳукмронликнинг ҳаётдаги мавжуд шакллари билан боғланади, «бозор» — инсон кузатаётган иқтисодий муносабатларнинг муайян шакллари тарзида баҳоланади ва ҳ. к. Борлиқни бундай муайян тарзда идрок этиш сиёсатни соддалаштиради, илмий категория ва тушунчаларни ички турткилар аҳамияти ва кучидан маҳрум қилади.

Сиёсий психологиянинг билиш хусусияти чекланганлиги — унинг бевосита қабул қилувчи ҳодисалар ҳақида ахборот

етишмовчилигининг ўрнини турли сабаблар, важларни кўрсатиши билан бартараф этишда кўринади. Фанда бу — «каузал атрибуция» (Ф. Хайдер) номини олган ва сиёсий психологиянинг сиёсий борлиқни хаёлан тугал қиёфасини яратиш, унга етишмаётган бўғимларни қўшиш хусусиятини англатади. Оммавий шаклда сиёсий психологиянинг бундай белгиси турли миш-мишлар ва афсоналар пайдо бўлишига туртки беради, улар аҳолининг бутун бир қатламларини қамраб олиши мумкин. Бу, айниқса, давлат қабул қиладиган қарорлар, кадрлар силжиши, ҳукмрон элита ичидаги муносабатлар ва жамоатчилик учун энг ёпиқ бошқа масалаларга кўпроқ тегишлидир.

Сиёсий психологиянинг зиддиятлилиги

Сиёсий психология — ички зиддиятли ҳодиса. Мафкурадан фарқлича, у одамларнинг сиёсий қарашларини қандайдир умумий кўрсаткичга мослаштиришга ҳаракат қилмайди ва сиёсий борлиқни унинг бутун хилма-хиллигида акс эттириб бир вақтнинг ўзида қарама-қарши ва турли хил ҳиссиётларнинг ёнма-ён мавжуд бўлишини назарда тутади.

Бундай зиддиятлиликнинг сабабларидан бири-идентификация механизмларининг турличалигидадир. Ахир инсон ўзини турли гуруҳлар ва роллар билан боғлайди. Шунинг учун психологияда доимо ҳар хил ва, ҳатто, қарама-қарши ҳиссиётлар мавжуд: бурч ва масъулиятдан озод бўлишга интилиш, ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи ва кучлироқ инсонга итоат этиш истаги, ёлғизлик ҳисси, ҳокимиятни қоралаш ва унга яқинроқ бўлиш истаги ва ҳ. к. Мутахассислар фикрича, фақат юқори малакали сиёсатчилар қатлами ва оддий фуқароларнинг тахминан учдан бир қисмида (электоратнинг ғоявий онгли қисми сифатида) билим ва унинг қандайдир бош ғояга тобелиги ўртасида мувофиқлашиш даражаси баланд.

Ҳаёт маиший онг зиддиятлилиги ҳақидаги кўплаб мисолларга бой. Масалан, Россияда 1995 йилда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасига кўра кўпчилик респондентлар «бундай яшаш мумкин эмас» деб ҳисоблагани ҳолда, 54,6% ҳолатда ўз ҳаётини қониқарли, деб баҳолаган.[3]

Сиёсий психологиянинг зиддиятлилиги сиёсий инсон зиддиятлилигининг ифодасидир. Қандайдир ахборот ёки ҳодиса таъсирида у ўз ҳиссиётлари йўналишини, улар билан эса ўз сиёсий қарашларини ҳам тез ўзгартириши мумкин. Аммо ҳиссий зиддиятлилик сиёсий хулқ-атвор турткиларини баъзан кучайтирувчи, баъзан эса заифлаштирувчи доимий омил вазифасини ўтайди.

[3] Шестопал Е. Образ власти в России. // Полис. 1995. № 4. 90-бет.

Турли йўналишга эга ҳиссиётларнинг бир вақтнинг ўзида ёнмаён мавжудлиги реал сиёсий жараёнларнинг нотекис ва ҳатто сакровчи табиатини белгилаб келади. Сиёсий психологиянинг шу хусусияти туфайли сиёсатга тасодиф, ҳодисалар якунини аввалдан айтиб бўлмаслик ҳолати кириб келади. Психологиянинг инсон қарашларини қисқа муддатда ўзгартира олиш қобилияти эса унинг хулқ-атворга алоҳида таъсирини белгилайди.

Сиёсий психологияда рационаллик ва иррационаллик

Сиёсий психологиянинг ички зиддиятлилиги ва шу билан бирга ўзига хослигини белгиловчи сабаблардан яна бири — унинг мураккаб ички тузилишидир.

Аввало, бу — психология ўзида ҳиссиётларни қайта ишлаб чиқаришнинг ҳам ижтимоий, ҳам физиологик механизмларини бирлаштириши билан боғлиқ.

Энг умумий тарзда сиёсий психология ўз ичига қуйидагиларни олади, деб айтиш мумкин:

— инсон манфаатларини акс эттириш ва унинг сиёсий фаолияти турткиларини шакллантириш билан боғлиқ ижтимоийлашган ҳиссиётлар;

— шахсий руҳий хусусиятлар (ирода, хотира ва ҳ. к.);

— инсоннинг туғма хусусиятлари билан белгиланувчи (таъсирчанлик, нерв тўқималари, ирсийлик) ва темперамент, демографик ва жинс-ёш белгилари, соғлик ва шунга ўхшаш бошқа белгиларни бошқарувчи руҳий-жисмоний хусусиятларда намоён бўлувчи биохимик ва биофизиологик механизмлар.

Шундай қилиб, сиёсий психологияда англанган-рационал ва онгсиз-иррационал маънавий элементлар мавжуд. Шу туфайли психология ижтимоий алоқадорлик мантиғини инстинкт мантиғи билан бирлаштиради. Бундай бирлик инсон сиёсий ҳаётда воқеликни нафақат тажрибада орттирган ижтимоий-сиёсий хусусиятларни, балки қудратли иррационал механизмлар, бирламчи ҳиссий реакцияларни қўллаши мумкинлигини кўрсатиб турибди (уларга эса ҳиссиётларнинг тўлиб-тошиши, мантиқсизлик, назоратдан осон чиқиб кета олиш ва бир қатор бошқа белгилар хос).

Инсон сиёсий ҳодисаларнинг моҳияти ва сабабларини қанча кам тушунса, иррационал механизмларнинг роли шунча ортади. Муайян шароитда эса физиологик ҳиссиётлар хулқ-атворни бошқарувчи ва баҳоловчи бошқа барча шаклларни сиқиб чиқариши мумкин. Масалан, очлик ва қўрқув — исён ёки инқилобларни келтириб чиқарувчи омил бўлиши мумкин. Аммо айрим ҳолатларда ижтимоий ҳиссиётлар иррационал интилишлар таъсирини енгиб

ўтади. Масалан, тартиб, интизом, қаттиққўллик билан бошқарилувчи жамоага жипслашишнинг зарурлиги одамларга қўрқув, ишончсизлик, тушкунликни енгишга ёрдам беради.

Тарихдан маълумки, кўпгина тизимлар ва ҳукмдорлар одамларда иррационал ҳиссиётларни ҳокимият ва мафкурага эътиқодни ошириш учун атайин қўзғаганлар. Хусусан, нацистлар, шу мақсадда турли театрлашган томошалар, тунги машъалали юришлар, мураккаб сиёсий рамзларни қўллаганлар. Булар ўзининг сирлилиги ва маҳобати билан фуқароларнинг фюрер ва рейхга беихтиёр сажда қилишини шакллантириши керак эди. Ботиний ҳисларни фаоллаштириш мақсадларига жамиятда йирик ҳайкалларнинг ҳаддан зиёд кўплиги, давлат муассасаларининг улуғвор архитектураси, ёрқин сиёсий тадбирлар ва маросимларни ўтказиш, шунингдек, ҳокимиятнинг фуқаролар бетарафлигини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатлари хизмат қилади.

Оломон ҳодисаси

Сиёсий психологиянинг яна бир хусусияти унинг ўзига хос сиёсат субъекти — оломонни шакллантириш қобилиятидир. Г. Тард оломонни оиладан сўнг энг қадимги ижтимоий гуруҳ, деб атаган. Аммо бу бирликнинг моҳиятини унинг ижтимоий белгиларидан кўра (масалан, оломоннинг барқарор ички тузилишга эга эмаслиги) сиёсий механизмлар кўпроқ акс эттиради. Моҳиятига кўра одамлар гуруҳини уларни бирлаштириб турувчи қандайдир руҳий боғлиқлик, чуқур ҳис қилинаётган эмоционал омил (оммавий тарзда ғазаб, қувонч, тажовуз ва ҳ. к. ҳиссиётларни уйғотувчи) оломонга айлантиради. Бунда оломоннинг ички бирлиги коллектив ҳисларнинг доимий ва кўп маротаба кучайиши ҳисобига ортади. Таниқли рус олими В. М. Бехтерев фикрича, оломон хулқ-атворига қандайдир ғоялардан кўра одамларнинг ўз-ўзини ишонтириши ва ўз-ўзини қўзғатиши анча кўпроқ даражада таъсир кўрсатади.

Ҳиссиётларнинг узлуксиз ортиб бориши, одатда, оломон фикри ва ҳаракатларининг бир томонламалигини белгилаб келади. Оломон ичидаги одамлар ягона иродавий кайфиятни ифодалаб, бошқача қарашларни қабул қилмайдилар. Оломонлар вазмин ҳаракатлар учун пайдо бўлмайди. Ўзининг энг кескин кўринишларида улар ёки жиноий, ёки қаҳрамонона бўлиб, исён ва вайронагарчиликлар келтириши ёки золимлардан ҳуқуқ ва эркинликлар талаб этиши мумкин. Оломон муҳокамани ҳам, эътирозни ҳам қабул қилмайди.

Тўсиққа дуч келган оломонга хос бўлган ҳолат — ғазабдир. (Тард). Айни вақтда у ёки бу омил (тасодиф, намойишда ёрқин

нотиқнинг чиқиши) оломон ҳолатини янги таъсир, янги ҳиссиётлар билан ўзгартириши уни алангалатиб юбориши мумкин.

Коллектив ҳислар ва кайфиятларнинг устунлиги шахс сиёсий қарашларида танқидийликни ва фаолияти устидан назоратни йўқотишига олиб келади. Оммавий кайфиятлар юқумлилиги боис одамлар итоат этишга, ўз шахсий манфаат ва баҳоларидан воз кечишга мойил бўладилар. Оломон ичидаги одам фақат «коллектив ироданинг иродавий тили» ни тушунади ва «оломон иродасининг азалий қоидаларига эргашиб»[4] унга итоат этади. Фақат оломондагина инсон «ўзи ёлғиз бўлганда ҳеч қачон юзага чиқармайдиган инстинктларга эргашиш» имконини берувчи енгиб бўлмас куч эгасига айланади. «Оломон шахссиз бўлгани учун масъулиятга эга эмас ва унда инсон бу инстинктларни жиловлашга энг кам даражада мойил».[5]

§ 2. Сиёсий психологиянинг кўп таркибли тузилиши

Сиёсий психологиянинг тузилиши

Амалда мавжуд барча сиёсий жараёнларда иштирок эта бориб сиёсий психология хилма-хил ва шохсимон ички тузилишга эга. Бошқача қилиб айтганда, унинг ички таркибий қисмлари кўплиги — сиёсий ҳаётнинг турли-туман томонларини қамраганлиги билан белгиланади. Бу туфайли унинг таркибий компонентлари сиёсий хулқ-атворнинг мазмуни (меъёрлар, тамойиллар, турткилар ва ҳ. к. ларни ажратиб кўрсатишни тақозо этади), аввал айтиб ўтилган руҳий эҳтиёжлар даражаси (мувофиқ тарзда психологиянинг биофизик, шахсий-руҳий ва ижтимоий руҳий таркибий қисмларини ажратиб кўрсатади), «сиёсий инсоннинг» миллий-маданий белгилари (россиялик, америкалик, хитойликлар ва ҳ. к. психологияси кўринишлари билан белгиланади) ва бошқа сиёсий ҳодисалар билан аниқлашиши мумкин.

Сиёсий психология учун сиёсий ҳиссиётлар мазмунини белгиловчи онгнинг индивидуал ва гуруҳий шакллари алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, одамнинг ҳокимият бошқа субъектлари ва институтлари билан шахсий алоқалари натижасида шаклланган **индивидуал** психологик тузилмаларга қуйидагилар киради: шахсий тажриба, шахсий ҳиссиётларнинг хусусиятлари, муҳитнинг ташқи турткиларига ҳиссий реакцияларнинг ўзига хос-

[4] Чамидзе В. Иерархические человек. М., 1991 й. 39-бет.
[5] Лебон Г. Психология народов и масс. СПБ. 1896. 168-бет.

лиги, ўз-ўзини таҳлил қила олиш қобилияти, шахсий ирода ва хотира хусусиятлари. Бу элементлар шахсларнинг ҳар қандай сиёсий фаолиятига такрорланмас жило беради.

Сиёсий психология учун онгнинг **гуруҳий** шакллари воситачилигида вужудга келувчи, яъни у ёки бу функционал ёки ижтимоий гуруҳларнинг тасаввурлари ҳам катта аҳамиятга эга: улар орқали инсон сиёсий муносабатларга киришади. Шундай ҳар бир гуруҳ сиёсий ҳодисаларга ўзига хос ҳиссий реакцияси, ўзининг руҳий темпераменти, хотираси ва анъаналари билан ажралиб туради. Улар сиёсий ишларда умумий иштирокнинг ўзига хос психологик муҳитини ташкил этади. Бунда ҳар қандай гуруҳ ўз сиёсий мавжудлигининг маълум вақтига эга бўлиб, шу вақт мобайнида у сиёсий ҳодисаларга нисбатан кўпчилик учун одатий психик реакцияларни шакллантириб улгуради.

Шундай қилиб, сиёсий психологиянинг гуруҳий тузилмалари инсон умумий, коллектив ва шахсий манфаатларни тушунишини, унинг онгини гуруҳда шаклланган психологик муҳитга тобелигини, у ерда амал қилувчи одатлар ва стереотипларга амал қилиши ҳақидаги тушунчаларни акс эттиради.

Одатда, сиёсий психологиянинг гуруҳий характеристикаларини баён этиш учун икки турдаги гуруҳларнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Етакчи гуруҳий тузилмалар тарзида **катта** (ёки индивидларнинг воситали мулоқотига асосланган дистант) гуруҳлар ажратилиб, уларга синфлар, қатламлар, ҳудудий тузилмалар, миллат ва ҳ. к. лар киради, ҳамда **кичик** (индивидларнинг бевосита мулоқотига асосланган) гуруҳлар, жумладан, одамларнинг кичик ижтимоий гуруҳлари, норасмий ташкилотлар, айрим сиёсий уюшмалар ва ҳ. к. назарда тутилади. Ушбу гуруҳларнинг ҳар бири мавжудлигининг вақтинчалик ёки доимий табиатига, ташкилий ёки фавқулодда алоқаларнинг қайси бирининг дир устунлигига, ўз махсус ёки тор мақсадларига эгалиги билан ажралиб туради.

Сиёсий психологиянинг таркибий қисмлари барқарорлиги, ҳиссий реакциялари расмийлашгани билан ҳам фарқланади. Унинг энг барқарор, ички ва ташқи расмийлашган элементларига одатда соғлом ақл, у ёки бу гуруҳга кирувчи психологик услуб, ахлоқ ва ҳ. к. лар киритилади. Ҳаракатчан, ривожланувчи, ўзгаришларга эга энг сезгир ҳиссий тузилмаларга кутиш, **хавотир** ва кайфиятлар киради. Хўш, улар бир-биридан нимаси билан фарқ қилади?

Сиёсий психологиянинг барқарор элементлари

Сиёсий типлар (шахс, етакчи) ёки гуруҳнинг руҳий хусусиятлари уларда сиёсий муҳитнинг доимий ва одатдаги чақириқларига стандарт реакцияларни узоқ вақт давомида шакллантиришнинг натижасида пайдо бўлади. Индивидлар ёки гуруҳлар ўз темпераментлари, характерлари, архетиплари (онгсиз ўзлаштирилган коллектив қарашлар ва эътиқодлари) хусусиятларидан ҳамда ўзларига тегишли роллар, одатлар ва анъаналардан келиб чиқиб, узоқ вақт давомида хулқ-атвор ва тафаккурнинг барқарор ҳиссий стандартлари ва стереотиплари кўринишидаги сиёсий турткиларга ўзларига хос руҳий жавоблар ишлаб чиқадилар. Бу руҳий элементлар миллий-маданий тараққиёт, ролларни қўллаш, айрим тарихий даврларни (инқироз, инқилоб ва ҳ. к.) аниқлашга ёрдам беради. Уларга кўра россиялик ёки канадалик сиёсий етакчи, ёки сиёсий арбобларга хос сиёсий — психологик белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, баъзи универсал ҳислар мавжуд бўлиб, (масалан, тажовузкорлик, альтруизм ва ҳ. к.) улар ҳар бир даврда янги тарихий материалда турлича намоён бўлади, холос. Айнан шу ҳиссиётлар барқарор ҳиссий баҳолар ва ҳис қилишнинг стереотипларини ўзида мужассам этиб, сиёсий жараёнлар табиати, одамларнинг электорал танловини белгилаб келади (А. Юрьев).

Психологик белгилар ва механизмлар барқарорлиги турли гуруҳлар мисолида жуда ёрқин намоён бўлади. Масалан, кўплаб тадқиқотларда исботланишича, ёшларга, алоҳида ижтимоий гуруҳ сифатида, ҳиссий ўзгарувчанлик, максимализм, юқори даражада қизиққонлик ва онгсиз психик реакцияларга мойиллик, назорат ва ўзини баҳолаш функцияси тизимининг тугаллиги хос. Бундай руҳий хусусиятлар уларни «қийин» сиёсий субъектга айлантириб, уларнинг хатти-ҳаракати ёки партиявий-сиёсий мансублигини англаш жуда ўзгарувчан ва олдиндан башорат қилиб бўлмаслигидан келиб чиқади. Ёшлар таъсирга тез берилиб, сиёсий олди-сотди ва алдовларнинг қурбони бўлишлари эҳтимоли кўпроқ. Уларнинг интеллектуал жиҳатдан ривожланган ва ижтимоий сезгир қисми-талабалар амалда доимо эрк ва адолат идеаллари учун сиёсий курашда иштирок этиб келади.

Психологик барқарор белгилар миллатларда ҳам мавжуд. Бу ҳиссий механизмлар ва белгиларнинг табиати — миллий ўзини англаш инсоннинг ижтимоий намоён бўлишида қандай рол ўйнашига бевосита боғлиқ. Негаки миллат қиёфаси шаклланиш-

шининг бош психологик механизми — миллатлараро қиёс. Шунинг учун она тилини ўрганишда, эътиқод, маданиятга ошно бўлишда жиддий чеклашларни бошидан ўтказмаган, шунингдек, кенг миллатлараро мулоқотда иштирок этиб келган одамлар миллий омилни камдан-кам бўрттирадилар ва бошқа халқларга нисбатан ғараз сезмайдилар. Уларнинг психологик тузилиши асосида болаликдан ўзлаштирилган ва бошқа миллат вакилларига нисбатан хотиржам ижтимоий темпераментда намоён бўлувчи етакчи милий-маданий қадриятларга бетараф-табиий муносабат ётади. Инсон хулқида психологик жиҳатдан устун бўлмаган бу белгиларни сиёсийлаштириш, айниқса, очиқдан-очиқ тажовузкор шаклга киритиш жуда қийин.

Ва, аксинча, миллий ўзликни англашнинг у ёки бу сабабга кўра бўрттирилиши, миллий ҳиссиётларни ҳимоя, бўшлиқни тўлдириш вазифаларини бажаришга жалб қилиниши -турли миллатлар ўртасидаги фарқларнинг бўрттирилиши, кейинчалик эса ўз миллати фазилатларини орттириб, бошқаларникини камайтиришга олиб келади. Бу ҳолларда, одамларда барқарор механизмлар ҳаракат қила бошлайди. Улар, масалан, тасаввурларига ўзгариш кирита оладиган ахборотдан қочиш ёки аксинча, бу қарашларни мустаҳкамлайдиган маълумотларни фаол қидиришга қаратилиши мумкин. Бундай ҳиссий стандартларнинг барқарорлиги шу даражада кучлики, одамлар, уларнинг қарашлари ва амалиёт ўртасида номувофиқлик қанчалик очиқ-ойдин бўлмасин, ўз ҳисларига ишонишни давом эттираверадилар.

Миллий ўзликни англаш ҳиссининг руҳиятда устунлиги турли ижтимоий сабаблар билан туғилган асабийликни ўз — ўзидан миллий тушунчалар соҳасига кўчирилишига олиб келади. **Психологик кўчириш** (трансфер)нинг бундай механизми ҳатто ўз хатоларини ҳам бошқалар («миллат душманлари») елкасига кўчириш имконини беради. Кўпинча эса бу инсонни икки хил стандарт асосида яшашга мажбур қилади: унинг миллий ҳиссиётларига ёмон таъсир кўрсатувчи барча нарсани салбий баҳолаб, ўзининг бошқаларни таҳқирлаши мумкин бўлган ҳаракатларига эътибор бермаслик сингари.

Сиёсий кайфият

Бундай асосда мисли кўрилмаган руҳий кўтаринкилик, «ўз» миллати образидан илҳом олиш ҳислари ҳам шаклланиши мумкин. Лекин, кўпинча, бу барқарор ҳиссиётлар оқимида бошқа миллатларга нисбатан очиқдан-очиқ нафрат шаклланади. Сиёсий планда эса шуни назарда тутиш лозимки, бундай яширин душманлик инқирозлар вақтида бир зумда алангаланиши ва энг оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Сиёсий психологияда барқарор элементлардан ташқари, ҳаракатчан элементлар ҳам мавжуд. Бу-сиёсий кайфиятдир. Моҳиятига кўра, бу — аҳолининг сиёсатга жалб қилинганлигининг ҳиссий-баҳолаш кўрсаткичи, унинг мавжуд режимга ва ҳукмрон қадриятларга мослашиш даражасини аниқлайди.

Одамларнинг муайян ҳиссий-психологик ҳолатини акс эттира бориб, кайфиятлар турлича, шу жумладан, йўналишига кўра қарама-қарши сиёсий ҳаракатларни, субъектлар фаолиятининг импульсивлиги ва спонтанлигини кучайтириши, гуруҳ ва умуман аҳолининг руҳий бирдамлигини келтириб чиқариши мумкин. Ўз вақтида Арасту ҳам муваффақиятли бошқарув шартларини қайд этади, ҳукмдорлар «...қўзғолон кўтараётган шахсларнинг кайфиятларини билишлари керак, ...аслида сиёсий беқарорлик ва жанжаллар шундан бошланади».[6] Макиавелли ҳам «давлатда рўй берадиган барча муаммоларнинг»[7] сабаби кайфиятларнинг ҳар хиллиги, деб ҳисоблайди ва уларнинг салбий жиҳатига диққатни қаратади.

Бироқ оммавий норозилик, давлат учун салбий фаоллик, ёки ваҳима сиёсатда кайфиятнинг ролини фақат қисман характерлайди. Кайфиятлар бетараф (масалан, апатия ҳолати-ҳокимиятга даъволарнинг пасайганлигини англатади) ва ижобий аҳамиятга эга бўлиши ҳам мумкин (одамлар ҳокимият чақириқларидан, сайловдаги яқинлашаётган ғалабасидан кўтаринкилик ҳис қилиши, ўз душманига қаршилик кўрсатаётиб, ўз ҳисларини қаҳрамонлаштириши).

Мазмунига кўра кайфиятлар касбий-руҳий зўриқишнинг муайян ҳолатини, хабар реакциясини билдиради. Бу ҳолда у одамлар эҳтиёжлари билан талабларининг уларнинг имкониятлари ва ҳаёт ҳамда фаолият шароитлари билан мос келмаганининг у ёки бу даражасини кўрсатади. Қисқа қилиб айтганда, бу ҳолат ижтимоий-сиёсий шароитлардан қониқиш ёки қониқмасликни англатиб, мақсадларга эришиш воситаси ёки уларга тўғаноқ бўлиб хизмат қилади. Ўз табиатига кўра кайфиятлар ташқи шароитларга (одамлар вазият тақозоси билан ўз даъволарининг нотўғрилигини бирдан тушунганларида) ҳам, субъектнинг ўз ҳолатига ҳам тўлиқ боғлиқ. Кейинги ҳолатда одамлар ўз умидларидан ҳатто кўплаб муваффақиятсизликлар натижасида ҳам воз кечмайдилар. Улар очиқдан-очиқ

[6] Арасту. Политика. М., 1911. 208-б.

[7] Макиавелли Н. История Флоренции. Л., 1973 г. 99-б.

хатоларни ҳам инкор этиб, ишонишда ва мақсадларига интилишда давом этаверадилар. Сиёсий кайфиятлар бу ҳолда сиёсий иродани нинг қудратли манбаига айланади ва у, ўз навбатида, муайян мақсадларга ҳақиқий аҳволни ҳисобга олмай, эришишга интилади. Одамлар ўз эътиқодларига мос мақсадларга интилсалар ва ўз қарашларида собит турсалар кайфиятларнинг кучи ортади.

Кайфият одамларнинг ҳокимият олдига қўяётган идеал талабларини (масалан, етакчи ёки режим ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида) ва сиёсатнинг турли қирраларига одамларнинг муносабатларини акс эттирувчи реал шаклланаётган психологик ҳолатларни ҳам акс эттириши мумкин. Уларнинг ҳар иккиси сиёсий тизимда сиёсий муҳитни яратиши, ҳатто турли субъектларнинг у ёки бу ҳаракатларини белгилаб келиши мумкин. Одатда кайфиятлар бир неча босқични ўз ичига олган муайян даврийликка эга: **шаклланиш** (одамлар ичида англанмаган норозилик, у ёки бу ҳолатлардан келиб чиқувчи ноқулайликлар ҳиссини қайд этади); **бурилиш** (ҳиссиётлар муайян сиёсий қиёфалар ва талаблар тарзида аниқланиб, ифодаланди); **кўтарилиш** (тезда ҳал қилиниши лозим бўлган даражада ҳиссиётларнинг кучайишини билдиради); **ортга қайтиш** (кайфиятларнинг заминидаги муаммолар ҳал қилиниши натижасида вужудга келувчи ҳиссий тушкунлик) (Д. Ольшанский). Ушбу даврийлик такрорланиши давомида кайфиятлар динамикасига синусоид кўринишини беради: кутишлар кўтарилиши кетидан умидсизлик келади, сўнг тушкунлик яна кўтаринкилик билан алмашинади ва ҳ. к.

Сиёсий кайфиятларнинг муҳимлилигини тушуниб сиёсий тартиботлар нафақат уларнинг ривожланишини башорат қилишга, балки уларни бошқаришга ҳам ҳаракат қилишади. Ҳокимият учун керакли кайфиятларни кўпайтириш мураккаб манипуляциялар, ахборотларни ўзига хос тарзда узатиш ва аҳолига нотўғри ахборот бериш билан бирга олиб борилади. Масалан, ҳукумат кўпинча «оширилган кутишлар муҳити» ни тутиб туради ва бунинг учун аҳоли билан муносабатлари самимийлигини намойиш этади ёки жамоатчиликда керакли сиёсий образларни шакллантирувчи афсоналарни тарқатади. Кайфиятларни ўз сиёсий мақсадларида ишлатишга интилиш, айниқса, сайловлар вақтида яққол намоён бўлади. Бу вақтда партиялар ва етакчиларнинг ваъдалари кўпинча улар эга бўлган имкониятлардан анча-мунча ошиб кетади. Ўтиш даврларида кайфиятлар яна ҳам хилма-хил ва зиддиятли. Бунда уларда келажакка ишонч билан бирга, бўлаётган ҳодисаларга салбий муносабат, ўтмишни қўмсаш в. б. турли ҳиссиётлар бирлашади.

§ 3. Сиёсий психология функциялари

Билиш ва мослашиш функцияси

Сиёсий психологиянинг роли ва таъсири сиёсатда, аввало, у бажарадиган функцияларда намоён бўлади. Улар сиёсий психологиянинг сиёсий жараёнларга, сиёсий субъектларга, ҳокимият институтлари амал қилиши усулларига таъсир этиш ва уларни ўзгартира олиш қобилиятини ифодалайди.

Сиёсий психология инсон тафаккури билан боғлиқ **гносеологик** функцияни бажаради. Сиёсий онгнинг бошқа шаклларидан фарқлича (масалан, фан ёки мафкурадан), сиёсий ҳиссиётлар инсон рационал-мантиқий тарзда олган ахборотни тўлдирибгина қолмай, у ўз сиёсий қараши ва мавқеини танлаганида унинг **ўрнини босиши** ҳам мумкин. Бундай сиёсий психология сиёсий инқирозлар даврида ўзини ёрқин намойиш этиши ва жамиятда ҳосил бўлган маънавий бўшлиқ, устун қадриятларнинг смирилиб бориши инсоннинг шахсий нуқтаи назарини ҳиссий баҳолар билан тўлдириб юборишида намоён бўлиши мумкин. Бошқа шароитларда одамлар ўз мавқеини ишлаб чиқишда кўпинча ҳиссиётларни ҳисобга олмайдилар.

Шунга қарамай, гносеологик функциянинг энг кенг тарқалган шакли — рационал-мантиқий усулда шаклланадиган ахборотни ҳиссий маълумотлар билан тўлдиришда намоён бўлади. Бунда психология «вақт билан ҳамнафас» тарзда вазият ўзгаришларини такрорлайди ва инсон сиёсий қарашлари эволюциясини гўё ҳиссий шаклларга солади. Масалан, қайта қуриш йилларида кўп одамлар ислоҳотлар ва уларнинг ижтимоий оқибатларига мос тарзда аста-секин коммунистик ғоялардан либерал демократия қадриятларга томон, кейинчалик эса, ҳукмрон тартибга нисбатан мухолиф қарашларга томон ўзгариб бордилар.

Аммо ҳиссий стереотиплар инсон қарашлари ўзгаришига жиддий қаршилик кўрсатиб, борлиқни рационал акс эттириш шаклларини қабул қилдирмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолларда сиёсий ҳиссиётлар тафаккурнинг қотиб қолиши, инсоннинг бир умрга ўзлаштириб олган шаблон ва стандартларга боғланиб қолишини келтириб чиқаради.

Мослашиш функцияси инсоннинг атроф-муҳитга мослашишини таъминлайди. Психология бу функцияни муҳитга пассив мослашиш тарзида ҳам, уларни фаол қайта ўзгартириш тарзида ҳам амалга оширади. Бунда, масалан, янги сиёсий ролларни ўзлаштираётган инсон хусусиятлари ҳам, бу рол таъсирида ташқи муҳит ҳам фаол ўзгаради.

Инсонни атроф-муҳитга мослашишга мажбур қилиш учун сиёсий психология шундай ижтимоий ва сиёсий омиллар (масалан, ишсизлик, мухолифот фаоллиги, маиший муаммолар ва ҳ. к.) таъсирини бостириши керакки, улар инсонларда салбий сиёсий реакцияни келтириб чиқармасин. Шу боис сиёсий психология икки йўналишда ҳаракат қилиши керак: инсонда бундай таъсирларга ижобий стереотиплар шаклланишига олиб бориш керак (бу-инсондан дастлабки қарашларини қайта кўришни талаб этгани учун-қийин) ёки бетараф — конформистик муносабат, яъни бундай омилларга тинч ва нисбатан лоқайд муносабатни шакллантириш лозим.

Психология инсоннинг муҳитга мослашишининг уч турини таъминлашга қодир: **конформлик** (нарсаларнинг мавжуд тартибини қандай бўлса — шундай қабул қилинишини англатади), **инновашионлик** (атроф-муҳитга нисбатан инсоннинг фаол ва мустақил муносабатини сақлаб қолишни назарда тутади) ва **ритуализм** (инсоннинг муҳитга рамзий ва нотанқидий муносабатини билдиради) (Р. Мертон). Албатта, шаклланиб бўлган одат ва одамнинг хулқ-атворини барқарор, деб эҳтимол қилиш билан боғлиқ мослашишнинг биринчи ва учинчи турлари ҳокимият учун энг маъқул. Конформистик мослашув энг кўп учрайди ва одамни сиёсий вазиятларга нисбатан кескин чиқишлардан маҳрум қилади, унинг давлат билан муносабатларини маросимлар қолипига солади, лекин уларга ҳокимият истаган барқарорликни беради. Конформистик мослашган шахс, кўпинча, ҳокимият хатоларини кўрмайди ва аксарият ҳолларда ҳатто унинг жиноятларини ҳам кечиради (айниқса, булар унинг манфаатларига бевосита тегишли бўлмаса).

Сабаб-туртки функцияси

Аввал айтилганидек, сиёсий психология инсоннинг субъектив хусусиятларини ташкил этади ва бирлаштиради. Шу тариқа унинг сиёсий мақсадларини ва ниятларини онг соҳасидан борлиқ соҳасига кўчиришнинг бош механизми бўлиб хизмат қилади. Яъни у онг ва амалиётнинг доимий алоқасини таъминлабгина қолмай, инсон фаолиятининг анча мустақил омили бўлиб ҳам чиқади.

Бунда сиёсий ҳислар икки хил таъсир кўрсатиши мумкин. Сиёсий психология томонидан унинг сабаб-туртки функциясини амалга оширишнинг биринчи усули гуруҳлар ва алоҳида субъектларнинг фаолиятини мустақил аниқлашдир. Бу вариантда ҳиссий қарашларнинг ҳажми бошқа барча қарашлардан устун. Умуман эса, ҳиссий турткиларнинг устун намоён бўлиши, аввало, одамлар томонидан уларнинг сиёсий роллари ва функциялари амалга

ошганда сезилади. Америкалик олим Р. Мертон булар қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин, деб таъкидлайди:

— инсоннинг функционал жиҳатдан шахссиз сиёсий алоқаларга шахсий хусусиятларни беришга интилишида (масалан, давлат билан ўз муносабатларини жуда шахсий қабул қилганида ёки овоз бериш жараёнини ўз ҳаётидаги ҳал қилувчи иш, деб баҳолаганида);

— шахсни партия ёки касб билан бир нарса сифатида қабул қилинганида (масалан, партия мақсадлари инсоннинг бош ҳаётий қадриятларидан устун кела бошлаганида);

— сиёсий уюшмалар билан ҳаддан ташқари бирдамлик намоён қилинганида;

— етакчи обрўсига ортиқча ҳиссий муносабат ва бир қатор бошқа ҳолларда.

Сиёсий психологиянинг бундай қобилияти жамият учун туб бурилиш даврларида, айниқса, яққол намоён бўлади. Масалан, инқилобий ўзгаришлар даврида сиёсий саҳнада кўтаринки ҳиссий фонга эга, асабий, ҳатто руҳий касаллар кўплаб пайдо бўлади. С. Сигеле ёзганидек, «...инқилоб ёки норозиликлар вақтида ақлдан озганларнинг сони доимо катта. Бу фақат ақлдан озганлар унда иштирок этгани учун эмас, балки жамият ақлдан озишга мойил бўлганларни ақлдан оздиргани учун содир бўлади». [8]

Тарих, кўпгина етакчи-инқилобчиларнинг руҳий ўзгаришини кўрсатувчи мисолларга бой. Масалан, Робеспьер ва унинг бир қатор таниқли биродарлари инқилобий жараёнлар давомида қувноқ, сергап романтиклардан ҳар нарсадан шубҳаланувчи, ларга қўшилмайдиган одамларни ёқтирмайдиган, кейинчалик эса умуман эътирозларни қабул қилмайдиган, ҳар жойда фитна ва сотқинлик кўрувчи одамларга айланиб кетди.

Сиёсий психология томонидан ўзининг сабаб-туртки функциясини амалга оширишнинг иккинчи усули одамларнинг турли фикрий ва оқил ниятлари фаолиятини тўлдириш, ўзгартиришдан иборат. Бу ҳолда сиёсий ҳиссиётлар иккиламчи роль ўйнайди. Ушбу тарздаги турткилар механизми мафкура билан ўзаро алоқалар мисолида яхши кузатилади. Кейингиси, сиёсий психологияни рационаллаштиради. Аммо мафкура талабларини ҳаётга тадбиқ этиш даражаси инсон унинг таркибий қисмларига (идеалллар, тамойиллар ва меъёрлар) нисбатан қандай ҳиссий таъсирлар сезишига боғлиқ. Шунинг учун муайян

[8] Сигеле С. Преступная толпа: опыт коллективной психологии. М., 1993 й. 64-б.

ҳолатларда одамларнинг турткиларида умумий мафкуравий қадриятлар ёки алоҳида субъектлар хулқ-атворига у ёки бу ҳокимият институтлари ишлаб чиққан муайян меъёрлар ва талаблар устун бўлиши мумкин.

Сиёсий хулқ-атворнинг асосий турлари

Сиёсий мафкуранинг идеаллари ва меъёрий талабларининг ҳиссий тўлдирилиши фуқаролар мақсадли сиёсий фаолиятларининг шунга мувофиқ шаклларини белгилаб келади. Фуқароларнинг ғоявий жиҳатдан мақсадли ҳаракатлари сиёсий хулқ-атворнинг **автоном** турига мансуб бўлиб, одамларнинг сиёсий мақсадлар ва уларга эришиш йўлларини нисбатан эркин танлашлари билан характерланади. Хулқ-атворнинг бу тури фаолликнинг сафарбарлик шаклларига қарши туради. Кейингиси инсон ўз ҳаракатларини ташқи сабаблар босими остида мажбуран қилишини англатади. (Тоталитар жамиятларда инсон онгига бундай босимнинг манбаи бўлиб одатда расмий ягона мафкуранинг қоидалари чиқади).

Турткиларнинг турига кўра фуқаролар хулқ-атворининг **очиқ** (тўғридан-тўғри сиёсий ҳаракат табиатига эга бўлган, масалан, сайловларда, намойишларда, пикетларда иштирок) ва **ёпиқ** (одамларнинг ўз фуқаролик ва сиёсий бурчларини бажаришдан бош тортишлари, масалан, абсентизм) шаклларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Фуқаролар ҳаракатининг сиёсий тизимда қабул қилинган «ўйин қоидалари»га мослиги нуқтаи назаридан сиёсий хулқ-атворнинг **меъёрий** (ҳукмрон тамойиллардан келиб чиқувчи) ва **девиант** (улардан чекинувчи) шакллари ажратилади. Мафкура фуқароларнинг доимий қайтарилувчи турткилари ва ҳаракатларини талаб этган ҳолларда сиёсий хулқ-атворнинг **анъанавий** ва унга қарши турувчи сиёсий мақсадларга етишишнинг **инновацион** усуллари ажратилади. Кейингиларида сиёсий фаолликнинг ижодий шакллари устун туради.

Сиёсий хулқ-атворнинг турли кўринишида намоён бўлувчи мафкуралар ҳокимиятга доир жараёнлар ва бошқарув институтлари амал қилиши табиатига самарали таъсир кўрсатади. Улар сиёсий маданиятнинг асосини ташкил этади.

19-БОБ

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

§ 1. ОАВ тушунчаси ва функциялари

Сиёсатда мулоқотлар роли

Сиёсатнинг ажралмас таркибий қисми — оммавий мулоқотлардир. Сиёсат бошқа ижтимоий фаолият турларидан фарқли ўлароқ ахборот алмашинувининг махсус воситаларига эгаликка ҳамда субъектлари ўртасидаги доимий алоқаларни ўрнатиш ва тутиб туришга кўп даражада боғлиқ. Масалан, иқтисод бозор муносабатларининг ўзини-ўзи бошқаруви, одамларнинг ўзаро чекланган, асосан, бевосита алоқалари асосида бемалол ривожланиши мумкин бўлса, сиёсат мулоқотнинг бавосита шакллари ва ҳокимиятнинг турли марказлари ҳамда давлат ва фуқаролар ўртасидаги алоқа воситаларисиз мавжуд бўла олмайди.

Сиёсат — мураккаб тузилишга эга, мақсадга йўналган коллектив фаолият. Бутун жамиятга алоқадор бўлган гуруҳларнинг мақсад ва манфаатларини амалга ошириш учун одамларнинг ўзига хос мулоқоти шакли сифатида ушбуни тақозо этади. Сиёсатда амалга оширилаётган мақсадларнинг коллектив табиати шу жамоанинг турли ерларда жойлашган аъзолари (давлат, миллат, гуруҳ, партия ва ҳ.к.) уларни албатта англаган бўлишларини ва одамлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришни талаб этади.

Одатдаги, бевосита мулоқот бундай имкониятни бермайди ва кўплаб одамларнинг иродасини бирлаштирувчи ҳамда фаолиятлари яхлитлигини ва бир томонга йўналганлигини таъминловчи ахборот узатишнинг махсус воситаларидан фойдаланишни тақозо этади. Бу воситаларни ОАВ, ОКВ ёки масс-медиа, деб номлашади.

ОАВ нима?

ОАВ ҳар қандай шахсларга очиқ, оммавий тарзда, махсус техник воситалар ёрдамида, турли маълумотларни узатиш учун тузилган муассасалардир. Уларнинг ўзига хос белгилари — оммавийлиги, яъни истеъмолчиларнинг чекланмаган, шахссиз доираси: махсус техник асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги; алоқадаги томонларнинг макон ва замонда бўлинган, тўғридан-тўғри бўлмаган мулоқоти; коммуникатордан реципиентга таъсирнинг бир томонламалиги, уларнинг ролини алмаштириб бўлмаслиги; уларнинг аудиторияси у ёки бу эшиттириш ёки мақолага нисбатан уму-

мий эътибор натижасида тасодифан шаклланган учун дисперсив табиатга эгалиги.

ОАВларига матбуот, оммавий маълумотномалар, радио, телевидение, кино-овоз ёзиш, видеога олиш киради. Охирги ўн йилликларда ер йўлдошлари орқали, алоқанинг кабелли, радио ва телевидение, электрон матнли коммуникацион тизимлари (видеоэкранли ва кабелли текстлар), шунингдек, ахборотни тўплаш ва кўпайтиришнинг индивидуал воситалари (кассеталар, дискеталар, принтерлар) кенг тарқалиши натижасида мулоқот воситалари ҳам жиддий ўзгаришларга учрамоқда.

ОАВлари турли имкониятлар ва таъсир кучига эга. Бу, аввало, реципиентлар уларни қайси усулда қабул қилишига боғлиқ. Энг оммавий ва кучли сиёсий таъсирга аудиовизуал ОАВлари, биринчи навбатда, радио ва телевидение эга.

Сиёсий мулоқот воситаларининг ривожланиши

Сиёсий тизимнинг мулоқот воситаларига эҳтиёжи унинг жамиятдаги функциялари, сиёсат агентларининг сони, сиёсий қарорларни қабул қилиш усуллари, давлатнинг катта-кичиклиги ва бир қатор бошқа омиллар билан белгиланади. Ўтмишнинг анъанавий жамиятларда мулоқот воситаларига эҳтиёж катта бўлмаган. Бундай воситалар ролини, асосан, чопарлар, элчилар, хабарчилар бажариб, улар оғзаки ёки ёзма шаклда сиёсий ахборот — қирол фармонлари ва буйруқлари, ноибларнинг хатини ва ҳ. к. етказганлар.

Ҳудуди кичик бўлган давлатлар ва шаҳарлар фуқароларни хавф-хатар, йиғин ёки бошқа муҳим диний ва сиёсий ҳодисалар ҳақида огоҳлантириш учун ўзига хос ОАВ сифатида қўнғироқлардан фойдаланганлар. Ўзаро алоқаларга эҳтиёжни почта алоқаси қондирган. У ахборот узатиш учун отлардан, кейин эса бошқа транспортдан фойдаланган.

XIX-XX асрларда телеграф ва телефон алоқаси, радио ва телевидениенинг кашф этилиши давлатларнинг коммуникацион эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, сиёсатда ҳақиқий инқилоб ясади. ОАВлари аввал утопик бўлиб ҳисобланган кўпгина демократик ва тоталитар ғояларни амалга ошириш имконини берди, ҳокимиятни легитимлаш ва амалга ошириш усулларини, унинг ресурслари таркибини сезиларли ўзгартириб юборди. О. Тоффлер таъкидлаганидек, замонавий ҳокимиятга

[1] Қаранг: Sutor B. Politik: Ein Lenr — und Arbeitsbuch fur den Politikunterricht 2., neubearbeitete auflage. Paderborn, 1987. 80 б.

олий сифат ва энг кўп самарали билим беради. У «ҳокимият ресурсини жуда кам сарфлаган ҳолда кўзланган мақсадларга етиш; одамларни бу мақсадлардан шахсан манфаатдор эканликларига ишонтириш, рақибларни иттифоқчиларга айлантириш»[2] имконини беради.

Саноати ривожланган мамлакатларда билим ва ахборот ҳокимияти жамиятни бошқаришдаги пул ва давлат зўрлигини иккинчи даражага тушириб ҳал қилувчи мавқени эгаллайди. ОАВлари билим ва бошқа сиёсий аҳамиятга эга ахборотнинг бевосита тарқатувчиси ва эгасидир. Хўш, замонавий жамиятда, улар қандай сиёсий вазифаларни бажаради?

ОАВлари функциялари. Фуқароларга ахборот етказиш

ОАВлари функциялари хилма-хил. Ҳар қандай замонавий жамиятда улар у ёки бу шаклда бир қатор умумий сиёсий функцияларни бажарадилар. Уларнинг энг муҳими — ахборот тарқатишдир. У фуқаролар ва ҳокимият органлари учун энг муҳим ҳодисалар тўғрисида маълумотларни топиш ва тарқатишдан иборат. Масс-медиа излаб топган ва тарқатаётган ахборот муайян фактларни холисона, аниқ ёритишнигина эмас, уларнинг шарҳи ва баҳоланишини ҳам ўз ичига олади.

Албатта, ОАВлари тарқатаётган барча маълумотлар ҳам (масалан, об-ҳаво ҳақидаги, кўнгилочар, спорт в. б. хабарлар) сиёсий эмас. Сиёсий маълумотларга ижтимоий аҳамиятга эга ва давлат органлари эътиборини талаб қилувчи ёки уларга таъсир кўрсатувчи хабарлар киради. Олинаётган маълумотлар асосида фуқароларда ҳукумат, парламент, партиялар в. б. сиёсий институтлар фаолияти, жамиятнинг иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалари ҳаёти ҳақида фикр шаклланади. Одамларда улар кундалик тажрибаларида дуч келмайдиган масалалар бўйича фикр шакллантиришда (масалан, бошқа мамлакатлар, сиёсий етакчилар ва ҳ. к.) ОАВларининг хизмати ниҳоятда катта.

Таълим ва ижтимоийлашув

Одамларнинг сиёсий ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида холис фикр юритишлари учун ОАВларининг ахборот тарқатиш борасидаги фаолияти билим бериш, **таълим** функциясини ҳам бажариши лозим. Бу функция фуқароларга улар ОАВларидан ҳамда бошқа манбалардан оладиган маълумотларни холисона баҳолаш ва тартибга солиш имконини берадиган билимларни етказишда намоён бўлади. У

[2] Toffler Al. Powerschift: Knouwledge, wealth, and violende at the Edge of the 21-st Century. New york, London. 1990. 114-б.

фуқароларни ахборотнинг мураккаб ва зиддиятли оқимида адашмасликка ўргатади.

Албатта, ОАВлари билимнинг чуқур ва тизимли ўзлаштирилишини таъминламайди. Бу-махсус таълим муассасалари, мактаблар, университетлар ва ҳ. к. ларнинг вазифаси. Шунга қарамай, масс-медиа инсоннинг бутун ҳаёти давомида унга йўлдош бўлиб, унинг ижтимоий ва сиёсий ахборотни қабул қилишига катта таъсир кўрсатади. Аммо баъзан сиёсий таълим ўрнига одамларда борлиқнинг нотўғри тасаввурлари шаклланиши ҳам мумкин.

ОАВларининг таълим функцияси унинг ижтимоийлашув функциясига ўсиб ўтади. Аммо сиёсий таълим билимларни доимий равишда олишни, ҳамда инсоннинг билиш ва баҳолаш имкониятларини оширадиган бўлса, сиёсий ижтимоийлашув инсоннинг сиёсий меъёрлар, қадриятлар ва хулқ-атвор наъмуналарини ўзлаштиришини англатади. У шахснинг ижтимоий борлиққа мослашишига ёрдам беради.

Демократик жамиятда ОАВларининг энг муҳим сиёсий-ижтимоий вазифаси — қонун ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган қадриятларни оммавий равишда тадбиқ этиш, фуқаролик ихтилофларини тинч йўл билан ҳал қилишга ўргатиш, давлат тузилишининг бош масалалари бўйича жамоатчилик келишувини шубҳа остига олмаслик.

Танқид ва назорат

ОАВларининг ахборот тарқатиш, таълим ва ижтимоий ҳаётга жалб этиш борасидаги фаолияти унга **танқид ва назорат** функциясини бажариш имконини беради. Сиёсий тизимда бу функцияни мухолифат, шунингдек, прокурор, суд ва яна назоратнинг махсус институтлари амалга оширади. Бироқ ОАВ танқиди ўз объектининг кенглиги ва ҳаттоки, чексизлиги билан ажралиб туради. Масалан, мухолифат танқидни асосан ҳукумат ва уни қўллаб-қувватловчи партияларда жамласа, масс-медиа диққати объектини президент ҳам, ҳукумат ҳам, қироллар ҳам, суд ҳам, давлат сиёсатининг турли йўналишлари ҳам, ОАВларининг ўзи ҳам ташкил этади.

Уларнинг назорат функцияси жамоатчилик фикри ва обрўсига асосланади. Гарчанд ОАВлари, давлат ва хўжалик назорат органларидан фарқлича, маъмурий ёки иқтисодий чоралар қўллай олмасаларда, уларнинг назорати кўпинча анча самарали ва қаттиққўл, негаки, улар у ёки бу ҳодиса ёки шахсларга нафақат ҳуқуқий, балки маънавий баҳо ҳам берадилар.

Демократик жамиятда назорат функциясини амалга оширишда ОАВлари жамоатчилик фикри билан бирга қонунга ҳам таяна-

ди. Журналистлар ўтказган мустақил тергов натижалари эълон қилинганидан сўнг махсус парламент қўмиталари тузилади, жиноий ишлар қўзғалади ёки муҳим сиёсий қарорлар қабул қилинади. ОАВларининг назорат функцияси заиф мухолифат ва махсус давлат назорат институтлари номукаммал бўлганда, айниқса, зарур.

Артикуляция ва интеграция

ОАВлари сиёсат ва жамиятдаги камчиликларни танқид қилибгина қолмай, **турли ижтимоий манфаатларни баён этиш, сиёсат субъектларининг вужудга келиши ва бирлашиши** функциясини ҳам бажаради. Улар турли жамоат гуруҳларига ўз фикрларини оммавий тарзда баён этиш, ҳамфикрларни топиш ва бирлаштириш, уларни умумий мақсадлар ва эътиқодлар асосида жипслаштириш, жамоатчилик фикрида ўз манфаатларини аниқ баён этилиши ва тақдим қилинишини таъминлашади.

Сиёсий манфаатлар артикуляцияси жамиятда бошқа институтлар, биринчи навбатда, партиялар ва манфаат гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Улар таъсирнинг нафақат ахборот, балки бошқа ресурсларига ҳам эгалар. Аммо улар ҳам ОАВларини қўлламасдан ўз тарафдорларини аниқлаш, жипслаштириш ва уларни ягона ҳаракатларга сафарбар этишни уддалай олмайдилар.

Замонавий дунёда ОАВларига кира олиш-таъсирчан мухолифатни шакллантиришнинг зарур шарти. Бундай имкониятга эга бўлмаган мухолиф кучлар яккаланиб қолиб, оммавий мададдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин, (айниқса, давлат радио ва телевиденеси уларни обрўсизлантириш сиёсатини олиб бораётган бўлса). ОАВларини ҳар қандай сиёсий ташкилот ҳаётий куч оладиган илдизларга ўхшатиш мумкин.

ОАВларининг сафарбарлик ва бошқа функциялари

Юқорида кўриб чиқилган барча функциялар ОАВларининг **сафарбарлик** функциясининг амалга оширилишига тўғридан-тўғри ёки бевосита хизмат қилади. У одамларни муайян сиёсий ҳаракатларга(ёки онгли ҳаракатсизликка) ундаш, уларни сиёсатга жалб этишда намоён бўлади. ОАВлари инсон онги ва ҳиссиётларига, фикрлари, баҳолаш усуллари ва мезонларига, сиёсий хулқ-атвор услуби ва муайян турткиларига таъсир этишнинг катта имкониятларига эгалар.

ОАВларининг сиёсий функциялари доираси юқоридагилар билан чекланмайди. Айрим олимлар бу масалага бошқача ёндошиб, ОАВларининг **инновацион** функциясини кўрсатадилар. У сиёсий ўзгаришларни бошлаб беради бунинг учун муайян ижтимоий муаммоларни кенг ва қатъий туриб қўяди ва уларга ҳокимият ва жамо-

атчилик диққатини қаратади; **тезкор функция** — ОАВлари муайян партиялар ва уюшмаларнинг сиёсатига хизмат кўрсатади; **жамоатчилик ва ижтимоий фикрни шакллантириш функцияси.**

ОАВлари ва демократия

ОАВларининг турли сиёсий функциялари демократик давлатда тўлиқ намоён бўлади. Масс-медиа демократия амал қилиши механизмининг, шунингдек, унинг қадриятли асослари, демократик идеалининг таркибий қисмидир.

Замонавий демократиянинг меъёрий модели инсон рационал фикрловчи ва масъулият билан фаолият кўрсатувчи, сиёсий қарорларни қабул қилишда онгли ва малакали иштирок этувчи мавжудот эканлигидан келиб чиқади. Энг муҳим қарорларни кўпчилик овоз билан қабул қилишга асосланувчи демократик жамиятларда бундай сифатларга айрим шахслар ёки элитагина эмас, омма, аҳолининг барқарор кўпчилиги эга бўлиши керак. Бунга эса ОАВларисиз эришиб бўлмайди. Радио, телевидение, газета ва журналларсиз ҳатто яхши маълумотларга эга инсон ҳам зиддиятларга тўла сиёсий жараёнларнинг мураккаб қурамасида тўғри йўл топа олмайди, масъулиятли қарорлар қабул қила олмайди. ОАВлари унга шахсий тажрибаси доирасидан чиқиш, бутун сиёсат оламини кузатиш имконини беради. ОАВларининг эркин таъсис этилиши ва фаолият кўрсата олиши сўз эркинлигининг амалда намоён бўлишини англатади, усиз эса инсоннинг бошқа барча сиёсий ҳуқуқлари маъносиздир.

Гарчанд демократия ОАВларисиз мумкин бўлмаса-да, буларнинг жамият ва фуқаролар манфаатларидан мустақиллигини англатмайди. Акс ҳолда улар ўз эгалари ва раҳбарларининг сиёсий таъсир қуролига айланади, қолган фуқаролар эса оммавий тарзда ўз фикрини баён этиш, сўз эркинлигидан маҳрум бўлади. ОАВларининг қиммат эканлиги ва кўпчилик фуқароларда уларни яратиш имкони йўқлиги туфайли унинг таъсисчилари, муҳаррир ва мухбирлари зиммасида ўз фаолиятларининг ижтимоий оқибатлари учун алоҳида масъулият ётади.

Демократик давлат барқарорлиги, жамиятни самарали бошқаришнинг энг муҳим кафолотларидан бири — ривожланган, сиёсий ҳодисаларни холисона ёритувчи демократик ташкил этилган ОАВларининг мавжудлигидир. Ва, аксинча, сиёсий тизимда ОАВлари ўз функцияларини бажармаслиги унинг мақсадлари ва қадриятларини тубдан ўзгартириб юбориши, унинг самарадорлигига ва ҳаётийлигига путур етказиши, демократияни саробга, ҳукмрон қатламлар ва синфларнинг яширин, манипулятив алдов шаклига айлантириб қўйиши мумкин.

§ 2. ОАВлари сиёсий таъсирининг асосий каналлари ва хусусиятлари

ОАВларининг рационал ва ҳиссий таъсири

Гарчанд масс-медиа жамият сиёсий тизимида муайян вазифаларни бажариши керак бўлса-да, ҳаётда улар анча мустақил, жамият эҳтиёжларидан фарқ қилувчи ўз мақсадларига эгалар ва уларга эришиш учун турли услубларни қўллайдилар. ОАВлари сиёсий таъсирни инсон онги ва ҳиссиётларига босим ўтказиш орқали амалга оширади.

Демократик давлатларда оммавий мулоқотларнинг рационал модели устунлик қилиб, у одамларни ахборот тарқатиш ва далиларни келтириш, уни мантиқ қоидалари билан асослаш орқали ишонтиради. Бу модел у ердаги одамларнинг менталитети ва сиёсий маданиятига мос келади. У турли ОАВларини мухлислар эътибори ва ишончи учун курашишга таклиф этади. Бу мамлакатларда ОАВларидан ирқий, миллий, синфий ва диний нафрат ва адоватни ёйиш учун фойдаланиш таъқиқланган, лекин уларда турли сиёсий кучлар ўз ғоялари ва қадриятларини тарғиб қилиш учун асосан ҳиссий таъсир услубларини кенг қўллашади. Бу, айниқса, сайлов кампаниялари даврида ёрқин намоён бўлади.

Жонли сўз ва кўриш мумкин бўлган образ шахсга ҳиссий таъсирнинг катта кучига эга. У кўпинча оқил далиллар ва асослардан ҳам кучли чиқиши мумкин. Бундан тоталитар, авторитар ва, айниқса, этнократик тартиботлар кенг фойдаланиб, ўз сиёсий ташвиқотларини инсон онгини маҳв этувчи ҳиссий мазмун билан тўлдиришади. Бу ерда ОАВлари қўрқув ва эътиқодга асосланган психологик ишонтириш услубларини фанатизм, сиёсий рақибларга, бошқа миллат вакилларига ва барча номаъқул шахсларга ишончсизлик ёки нафрат уйғотиш учун қўллашади.

Ахборот тарқатиш жараёнига ОАВлари таъсири

Ҳиссий таъсир қанчалик муҳим бўлмасин, ОАВларининг сиёсатга бош таъсири- ахборот тарқатиш жараёни орқали рўй беради. Бу жараённинг асосий босқичларини — **ахборотни олиш, саралаш, шарҳлаш ва тарқатиш** ташкил этади. Сиёсат субъектлари қандай ахборотни, қандай шаклда ва қандай шарҳлар билан олишига қараб, уларнинг кейинги фаолиятлари амалга ошади.

«Муҳим ахборотга эга бўлиш — ҳокимиятга эга бўлишдир; муҳим ахборотни муҳим бўлмаганидан ажрата билиш янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишни англатади; муҳим ахборотни ўз талқинида тарқатиш ёки уни яшириш имконияти — икки баробар кучли

ҳокимиятга эгаликдир», — деб ёзади ГФРда чиққан сиёсатшунослик бўйича энг йирик замонавий қўлланма муалифлари. [3]

Бундай ҳокимиятга бевосита эгалик қилиш ОАВлари имтиёзидир. Улар ахборот агентликлари берувчи хабарларни саралаш билан бирга ўзлари ҳам ахборот топиб, уни тугал ҳолга келтирадилар, уни шарҳлайдилар ва тарқатадилар. Замонавий дунёда ахборот оқими шу даражада улкан ва зиддиятлики, уни мустақил ҳолда на бир шахс, на, ҳатто, бир гуруҳ мутахассислар ҳам баҳолай олмайдилар. Шунинг учун муҳим ахборотни танлаш ва уни оммавий аудитория учун тушунарли шаклда тақдим этиш — бутун ОАВ тизимининг муҳим вазифасидир. Фуқаролар ва, шу жумладан, сиёсатчиларнинг ахборотга эгалиги ахборот қандай мақсадлар ва қандай мезонлар бўйича танланиши, у газета, радио, телевидение томонидан қайта ишланганидан сўнг реал фактларни қанчалик чуқур акс эттириши, шунингдек, ахборотни узатиш усули ва шаклига тўғридан-тўғри боғлиқ.

ОАВларида хабарларни саралаш қоидалари

ОАВлари сиёсий таъсирининг энг муҳим йўналишларидан бири — жамоатчилик ва ҳукумат диққатини қаратиш лозим бўлган мавзу ва йўналишларни аниқлаш. Одатда жамоатчилик ҳукмига нимани олиб чиқиш керак, нима керак эмаслигини ОАВларининг ўзи аниқлайди. Сиёсий мавзу ва талаблар танловчи ОАВлари эгалари ва раҳбарлари қизиқиши ҳамда манфаатларидан келиб чиқибгина эмас, замонавий жамиятда ахборот плюрализми шароитида шаклланган ўзига хос қоидалар асосида ҳам олиб борилади. Унда ОАВлари муваффақияти ва кўпчилигининг мавжудлик шарти — мухлислари эътиборидир. Бу эътиборга эришиш учун эса, масс-медиа баъзан ўзи англамаган ҳолда қуйидаги умумий тамойиллар асосида кўрсатув ва нашрлар мавзусини танлайди:

1. Мавзунинг фуқаролар учун устунлиги, (ҳақиқатда ёки хаёлий) муҳимлиги, жозибадорлиги. Бу тамойилга мувофиқ ОАВларининг хабарлари кўпроқ фуқаролар тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид, терроризм, экологик в. б. офатларга доир бўлади.

2. Фактларнинг ғайриоддийлиги. Бу-экстремал ҳодисалар-очарчилик, урушлар, ниҳоятда золим жиноятлар ва ҳ. к. — ҳақидаги ахборотлар оддий, маиший ҳаёт ҳодисаларини ёритишдан устунлигини англатади. ОАВларининг салбий ахборот ва сенсацияларга мойиллиги ана шу хусусият билан ҳам изоҳланади.

[3] Politikwissenchaft: eine Grundledung. Bd. 2. Stuttgard; Berlin; Koln; Mainz; hzsg von Klaus Beume. 1987. 606.

3. Фактларнинг янгилиги. Аҳоли диққатини кўпроқ нотаниш хабарлар тортади. Бунга иқтисод ривожланиши якунларига доир энг янги маълумотлар, ишсизлар сони, бошқа сайёраларга парвозлар, янги сиёсий партиялар ва уларнинг етакчилари ҳақидаги маълумотлар киради.

4. Сиёсий муваффақият. Бу тамойилга кўра эшиттиришлар ёки мақолаларга сиёсий етакчиларнинг, партияларнинг ёки бутун бир давлатларнинг муваффақиятлари ҳақидаги хабарлар киради. Алоҳида эътибор сайлов ёки рейтинг сўровлари ғолибларига қаратилади. Бозор иқтисодига асосланган жамият ОАВлари учун сиёсат, санъат, спорт юлдузларини мадҳ қилиш — типик ҳодисадир.

5. Юқори ижтимоий мақом. Ахборот манбаи мақоми қанчалик юқори бўлса, интервью ёки телекўрсатув шунчалик аҳамиятлироқ саналади. Негаки, уларнинг оммавийлиги маълумотларни берувчи шахсларнинг ижтимоий мақомига тўғри пропорционал, деб ҳисоблаш қабул қилинган. Бу қоидага кўра ОАВларига сиёсий, ҳарбий, диний ёки бошқа поғоналарда олий ўринларни эгаллаган шахслар — президентлар, ҳарбий раҳбарлар, вазирлар ва ҳ. к. — энг осон кириб борадилар. Уларга газеталарнинг биринчи саҳифалари, асосий радио ва теле-эшиттиришлар бағишланади.

Аудитория сони учун ва рақобатли курашда фақат ғалабага йўналган бу қоидаларга амал қилиш-сенсация ва машҳурлик кетидан пойгада сиёсий ҳодисаларни юзаки ёритилишига олиб келади. Улар асосланадиган ахборот саралаш тамойиллари чуқур аналитик хабарлардан йироқ ва кўпинча, ахборотлар дунёсининг реал воқеликка мос келмаслигига олиб келади.

Ахборот тарқатиш усуллари, телевидение хусусиятлари

Дунёнинг қандай қиёфасини яратиш, шунингдек, ахборот тарқатиш услубларига ҳам боғлиқ. ОАВлари ахборот тарқатишнинг икки асосий усулидан фойдаланади: изчил ва фрагментар. Биринчи усулни матбуот кўпроқ қўллайди. У мақолалар ва бошқа нашрларда у ёки бу сиёсий муаммони изчил ва ҳар томонлама ёритади. Иккинчи усул — ахборотнинг фақат бир қисмини узатиш — айниқса, телевидениеда кенг тарқалган. У тингловчилар учун у ёки бу ҳодиса, ёхуд жараён моҳиятини билишда бир қатор қийинчиликлар туғдиради.

Ахборотни бўлиш ва унинг ҳар томонламалиги, долзарблиги тасаввурини уйғотиш мутахассис бўлмаган одамларда (фуқароларнинг кўпчилигида) сиёсий ҳодисаларнинг яхлит тасаввурини шакллантиришга тўсқинлик қилади. Бу ахборот узатувчиларга ҳодисанинг бир тарафига диққатни қаратиб, бошқа томонлари ҳақида

фикр юритмай аудиторияни алдашнинг қўшимча имкониятларини беради. Ахборотни фрагментар узатиш охир-оқибатда тингловчиларни чалғитади ва уларнинг сиёсатга қизиқишини ё сўндириб, сиёсий лоқайдликни келтириб чиқаради, ё шарҳловчиларнинг баҳоларига ишониб қўя қолишга мажбур қилади.

Ахборот узатишнинг фрагментар характерини кўп мутахассислар телевизион жанр хусусияти, унга хос бўлган ва «визуаллик босими», деб аталувчи белгисининг оқибати деб ҳисоблашади. Бу белгининг моҳияти шундаки, телевидение ўзининг аудиовизуал имкониятларидан келиб чиқиб, асосан, кўриш мумкин бўлган образ, ахборотни беришга йўналган, илмий в. б. жиддий ахборотлар одатда экранда беришга мослашмаган бўлгани учун у босма мулоқот воситалари ва радио учун қолдирилади.

Аудитория вақти журналлар, газеталар ва китоблар фойдасига тақсимланган тақдирда ОАВлари ўртасидаги ушбу «меҳнат тақсимоти» демократик жамият учун энг мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланиши мумкин бўлар эди. Аммо ҳозирги давр учун хос умумий белги — телевидениенинг сиёсий в. б. ахборот олиш учун энг маъқул восита сифатида қаралиши ва аҳолига матбуот ва радио таъсирининг нисбатан заифлашганидир. Масалан, ГФРда фуқаролар телекўрсатувлар кўришга газеталарни ўқишга қараганда 5,3 марта кўп вақт сарфлашади. Бунинг устига телевидение ишонтира олиш кучи ва фуқаролар ишончи нуқтаи назаридан бошқа ОАВларидан устунлик қилади, негаки, одамлар ўқиган ёки эшитгандан кўра кўрганларига кўпроқ ишонишга мойиллар.

Телевидениега хос «визуаллик босими» фрагментар ахборотни экранлаштириш имконияти билангина эмас, балки сиёсий хабарларни ритуаллаштириш ва персоналлаштиришда ҳам намоён бўлади. Унда телекамера билан олиниши мумкин бўлган ахборотлар, яъни муайян шахслар, нарсалар ва ҳ. к. лар кўрсатилади. Шунинг учун экранларда телеобъектив учун қулай дипломатик ёки бошқа маросимлар, расмий учрашувлар, сафарлар, пресс-конференциялар ва ҳ. к. устунлик қилади. У ёки бу сиёсий ҳодисаларнинг сабабларини кўрсатувчи умумий маълумотлар эса видеоёзувга тушманганлиги туфайли эшиттиришларга кирмайди.

Ахборотни шу тарзда бериш натижасида сиёсат шахсларга ниҳоятда боғланиб қолади. Томошабинлар диққати асосан сиёсий етакчиларга қаратилади. Улар эса, ўз навбатида ўз қарашлари ва сиёсий мақсадларини батафсил баён этиш имконига эга бўлмайдилар.

Ахборотнинг бўлиниши, маросим тусини олиши, муайян шахсларга боғланиши телевидениени сиёсий ҳодисаларнинг ташқи, юзаки томонини кўрсатишга томон етаклайди. Бу ҳолда ички, туб алоқалар очиб берилмайди. Сиёсий иродани шакллантириш ва қарорлар қабул қилиш каби сиёсатнинг асосини ташкил этувчи жараён ҳам зарур эътиборсиз қолади.

ОАВлари фуқаролар алоҳида сиёсий ҳодисаларни қай тарзда қабул қилишларига фаол таъсир кўрсатибгина қолмай, уларнинг умуман сиёсатга муносабатларини шакллантиришга ҳам катта таъсир имкониятларига эга. У ёки бу масалада аҳолининг лоқайдлиги ҳам, оммавий фаоллиги ҳам ОАВларининг муносабатига бевосита боғлиқ.

Замонавий жамиятда ОАВлари роли ҳақидаги қарама-қарши қарашлар

Фуқароларнинг сиёсий онги ва хулқ-атворига фаол таъсир кўрсатишнинг улкан имкониятлари жамиятда «тўртинчи ҳокимият»нинг муҳим роли ҳақида гувоҳлик беради. Оммавий мулоқотни ўрганувчи баъзи тадқиқотчилар яқинлашиб келаётган ва воқеликни акс эттирувчи ва шарҳловчи эмас, уни ўз қоидалари ва истагига кўра яратувчи «медиократия» — ОАВлари ҳокимияти даври ҳақида гап юритадилар.

Сиёсат ва жамиятга ОАВларининг ўсиб борувчи таъсирига берилаётган баҳолар бир-бирига тўла қарама-қаршидир. Айрим муаллифлар, масалан, О. Тоффлер унда янги, анча инсонпарвар ва олий маданиятли, ахборот жамиятининг куртакларини ва «гетероген, шахсли, бюрократияга қарши, изланувчан, фикрловчи, ижодкор давлатга»[4] томон реал ҳаракатни кўрадилар, унинг бугунги энг кескин ихтилофларни ҳал қила олишига ишонадилар.

Бошқа муаллифлар эса масс-медианинг шахс ва маданиятга салбий таъсирини таъкидлаб, ахборот тарқатувчи ҳокимиятнинг ўсиб бораётган аҳамиятини нохуш баҳолайдилар. Масалан, машҳур италиялик кинорежиссёр Федерико Феллини «кечаю-кундуз танаффуссиз уйимизга кириб келиб, томошанинг гипнотик ишонтириш кучи ёрдамида телевидение нафақат кинони, балки шахснинг борлиққа муносабатини ҳам емирди. Бутун ҳаёт — табиат, дўстларимиз, адабиёт, аёллар — ҳаммаси мана шу кичик экран таъсирида сўниб боради, у борган сари катталашиб боради ва ҳамма ёққа кириб боради. У барча нарсани ютиб юборди: борлиқни, бизларни, бизнинг воқеликка муносабатимизни»[5], — деб ҳисоблаган.

---

[4] Toffler Al. Powershcift. 199-6.

[5] Frankfurtes Neue Presse. 1987. 11 Nowembers.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, ОАВлари турли сиёсий мақсадларга хизмат қилиши: одамларни маърифатли қилиши, уларда қадр-қиммат ҳиссини, эркинликка ва ижтимоий адолатга интилишни ривожлантириши, сиёсатда онгли иштирок этишга ёрдам бериши, шахсни бойитиши ва маънавий қарам қилиши, алдаши ва қўрқитиши, оммавий нафрат қўзғаши, ишончсизлик ва қўрқув тарқатиши мумкин.

§ 3. Сиёсий манипуляция ва уни чеклаш йўллари

Манипуляция нима?

Фуқаролар ва демократик давлат тузилиши учун ОАВларининг **сиёсий манипуляция шахсий манфаатларга зид равишда фаолият кўрсатишга (ёки кўрсатмасликка) мажбур қилиш мақсадида одамларнинг сиёсий онги ва хулқини яширин тарзда бошқариши** энг кўп хавф туғдиради. Манипуляция — ёлғон ва алдовга асосланган. Аммо бу эзгулик йўлидаги ёлғон эмас, қасддан қилинган фаолиятдир. Кураш олиб борилмаса, у ОАВларининг бош функциясига айланиши ва давлат расман эълон қилган демократик тамойилларни йўққа чиқариши мумкин.

Сиёсатда кўпроқ мосланувчанликни талаб этиб, манипуляция-ижтимоий бошқарув усули сифатида субъектлари учун ҳукмронликнинг куч ва иқтисодий услубларига нисбатан бир қатор афзаликларга эга. У сезилмасдан амалга ошади, қон ва қурбонларни, катта моддий сарф-харажатларни талаб этмайди.

Социал афсоналар манипуляция асоси сифатида

Ҳозирги дунёда сиёсий манипуляция назарияси ва амалиёти етарлича илмий ишлаб чиқилган ва амалда қўлланади. Глобал, умумдавлат манипуляциясининг умумий технологияси одатда оммавий онгга мунтазам равишда социал афсоналарни сингдириб боришга асосланади. Булар муайян қадриятлар ва меъёрларни қарор топтирувчи хаёлий ғоялар бўлиб, кўпинча, англанмасдан, ёлғиз эътиқодга асосан қабул қилинади.

Афсоналар манипуляторлар яратган дунё хаёлий қиёфасининг пойдеворини ташкил этади.

Масалан, коммунистик манипуляция тизимининг бош устунларини хусусий мулк — ижтимоий зулмнинг асосий манбаи, капитализм инқирози ва коммунизм ғалабаси, ишчилар синфи ва унинг коммунистик партияси раҳбарлик роли, марксизм-ленинизм-ягона тўғри ижтимоий таълимот эканлиги ҳақидаги афсоналар ташкил этган.

Америкалик профессор-либерал Герберт Шиллер фикрича, АҚШда элита ҳукмронлигини қарор топтирувчи бешта социал миф мавжуд: фуқароларнинг шахсий эркинлиги ва танлови ҳақида; энг муҳим сиёсий институтларнинг: конгресс, суд, президент ҳокимияти, шунингдек, ОАВларининг бетарафлиги ҳақида; инсоннинг худбин табиати ўзгармаслиги, унинг тажовузкорлиги, очкўзлиги, истеъмолчилиги ҳақида; жамиятда ижтимоий ихтилофлар, эксплуатация ва жабр-зулмнинг йўқлиги ҳақида; ОАВларининг плюрализми ҳақида. Улар аслида кўплигига қарамай, йирик реклама эгалари ва ҳукумат томонидан назорат қилиниб, хаёлий онгнинг ягона индустриясини билдиради.[6]

Манипуляция усуллари

Ижтимоий афсоналар илдиз отиши учун алдаш технологияси одамлар онгига таъсир кўрсатишнинг муайян услубларига жуда бой. Уларга фактларни тўғридан-тўғри алмаштириш, номаълум ахборотларни ёритмаслик, ёлғон ва бўҳтонларни тарқатиш билан бирга нозикроқ усуллар ҳам киради: **ярим ҳақиқат** (аудитория ишончини таъминлаш учун муайян, кам аҳамиятли деталлар ёритилади ва муҳимроқ фактлар яширилади ёки ҳодисаларнинг умумий ёлғон талқини берилади), **тамға босиш** (тингловчиларда нафрат уйғотиш ва шахсларни обрўсизлантириш учун номаълум сифатлар берилади: масалан, «империалист», «фашист», «қизил-жигаррранг», «шовинизм» ва ҳ. к.) сингари.

Лингвистик, нутқий манипуляциянинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, у муайян бир ҳолатларни аташда эвфемизмларни қўллаш, шунингдек, бошқача баҳо қиррасини назарда тутувчи сўзлардан фойдаланишдан иборат. Масалан, мустақил миллий давлат яратиш учун қуролли кураш олиб борувчи одамни турли ОАВлари ўз сиёсий мойилликларидан келиб чиқиб озодлик учун курашчи, сепаратист, террорист, партизан, жангари, деб атайдилар.

Ҳар қайси ахборот тарқатиш тури учун умумий алдов усуллари билан бир қаторда махсуслари ҳам мавжуд. Масалан, телевидение номаълум сиёсатчиларга нисбатан ёқимсиз ҳис уйғотиш учун уларнинг муваффақиятсиз чиққан ракурсларини қўллайди, ёки олинган кадрларни мувофиқ тарзда қайта жойлайди. Оммага муайян сиёсий ғояларни яширин тарзда сингдириш учун кўпинча шовқинли кўнгилочар шоулар ўтказилади ва ҳ. к.

---

[6] Қаранг: Шиллер Г. Манипуляторы сознания. /пер. с англ. М., 1980. 25-40-бетлар.

Замонавий манипуляторлар оммавий психологиянинг қонуниятларини усталик билан қўллайдилар. Кенг тарқалган ва сиртдан хавфсиз манипуляцион услублардан бири «сукут халқаси» дейилади ва қалбаки жамоатчилик сўровлари ёки бошқа фактларга таяниб, фуқароларни айнан манипуляторлар қўллаб-қувватлаши, уларнинг ғалабасига ишонтириш учун фойдаланилади. Бу — бошқача фикрловчи одамларни ижтимоий-психологик яккаланиб қолиш ёки қандайдир чоралардан қўрқиб ўз фикрларини яшириш ёхуд уни ўзгартиришга мажбур қилади. Мухолифлар нуқтаи назари ҳақида сукут сақлаганда мавжуд ёки хаёлий кўпчиликнинг овози янада баландроқ чиқади ва бу норозилар ёки шубҳаланаётганларни «кўпчилик» фикрини қабул қилишга ёки ўз эътиқодини чуқур яширишга мажбур қилади. Натижада «сукут ҳалқаси» янада кучлироқ буралиб, манипуляторлар ғалабасини таъминлайди.

Алдов тоталитар ва авторитар давлатларда, кўпинча, ОАВларининг устун услуби, аммо у ғарб демократияларида ҳам, айниқса, партиявий ташвиқот ва сайлов кампанияларида қўлланади. Бугун Ғарб мамалакатларидаги бирорта сайлов кампанияси манипуляция ва реклама услубларини қўлламай ўтмайди. Улар бир-бири билан боғланиб кетиб, муайян сиёсатчи ҳақида ҳақиқатдан анча узоқ тасаввурларни шакллантиради.

Эмпирик тадқиқотлар кўрсатишича, «ўртача» сайловчи президент ёки парламентга номзод ҳақида телевидение в. б. масс-медиа яратган имидж асосида фикр юритади. Ғарб мамлакатларида, кейинги йилларда эса Россияда ҳам, реклама бизнесининг бутун бир йўналиши — имидж — мейкинг, яъни сайловчилар учун жозибали сиёсий арбоблар образларини яратиш муваффақиятли ривожланяпти. Катта пул эвазига ёлланадиган малакали имиджмейкерлар ва сайлов-кампанияларининг ташкилотчилари даъвогарларга фақат қандай кийиниш ва ўзини тутиш кераклигини эмас, нутқларининг мазмунини ҳам белгилайдилар. Бу вақтда берилган кўп чиройли ваъдалар одатда сайловдаги ғалабадан кейинок унутилиб кетади.

Сайловчи ОАВлари маҳорат билан тайёрлаган ажойиб реклама ортида номзодларнинг ҳақиқий ишбилармонлик ва маънавий сифатларини ажратиб олиши, уларнинг сиёсий қарашларини аниқлаши қийин кечади. Бу тарздаги реклама-манипулятив фаолият фуқаролар танловини онгли ва эркин қабул қилинган қарордан оммавий онгни шакллантириш бўйича мутахассислар белгилаб қўйган расмий жараёнга айлантириб қўяди.

Манипуляция чегаралари

ОАВларини алдов мақсадларида қўллаш имкониятлари катта, лекин чексиз эмас. Бу чегаралар, аввало, шаклланиб бўлган оммавий онг, стереотиплар ва қарашлар билан белгиланади. Самарали бўлиши учун манипуляция аҳолининг менталитети ва мавжуд тасаввурларига таяниши керак. Аммо ташвиқот таъсирида бу тасаввурлар астасекин ўзгариши мумкин.

Алдаш учун муҳим тўсиқ-одамларнинг шахсий тажрибалари, шунингдек, ҳокимият назорат қила олмайдиган мулоқот тизимлари: оила, қариндошлар, танишлар ва дўстлар, ишлаб чиқариш в. б. фаолият давомида вужудга келувчи интеракцион гуруҳлар. Аммо сиёсий алдов, айниқса, унинг ташаббускорлари ОАВларига, иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятга якка ҳокимликка эга шароитда, бу тўсиқларни айланиб ўтиш имкониятига эга. Негаки сиёсатга нисбатан шахсий ва гуруҳий тажрибани текшириб кўриш имкониятлари чекланган ва турлича шарҳланиши мумкин.

Масалан, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати муваффақиятсизлигини турлича тушунтириш мумкин: ҳукуматнинг малакасизлиги ёки сотилганлиги, ўтмишдаги тартиботдан қолган оғир мерос, ислоҳотлар даврида қийинчиликларнинг муқаррарлиги, мухолифат ёки душман давлатлар фитнаси ва ҳ. к. Аҳолида, айниқса, ҳали бирор фикр шаклланиб бўлмаган янги муаммолар соҳасида, алдовларга нисбатан ҳимоя механизмлари заиф.

ОАВларини ижтимоий ташкил этиш

ОАВлари фаолиятининг салбий оқибатлари уларнинг жамоатчилик асосида ташкил этилиши билан ишончли ва самарали чекланиши мумкин. Масс-медиани демократик тарзда ташкил этишнинг энг муҳим тамойили **жамиятда ҳокимиятлар плюрализми ва ОАВлари ичидаги плюрализмдир.** Ҳокимиятлар плюрализми жамиятда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий (мажбурловчи) ва маънавий-ахборот ҳокимиятлари бўлинишини англатади. Бош ОАВларининг иқтисодий ва (ёки) сиёсий ҳукмрон гуруҳлар назоратига тушиб қолиши — демократиянинг тугаганлигини, ҳеч бўлмаса унинг жиддий айниганлигини билдиради.

Масс-медиа мустақиллигини уни жамоатчилик асосида ташкил этишнинг тегишли шаклари таъминлай оладилар. ОАВларини замонавий ташкил этишнинг уч асосий шакли мавжуд: хусусий (коммерция асосида), давлат ва ижтимоий-ҳуқуқий. Коммерция асосида ташкил топганда, ОАВлари хусусий бўлади ва тўлалигича рекламадан келувчи даромадлар ва хайрия ҳисобидан молиялаштирилади. Бу шакл, масалан, АҚШда устунлик қилади.

Уларга рекламадан келувчи даромадлар ва аудитория учун қаттиқ рақобат хос. Масс-медиани коммерция асосида ташкил этишнинг муҳим камчилиги — уларнинг реклама эгалари ва ўз хўжайинларига тўғридан-тўғри боғлиқлиги ҳамда муваффақият кетидан қува бориб жамоатчилик манфаатлари ва ахлоқ меъёрларини тўла унутишларидир.

Давлат қарамоғида ташкил топган ОАВлари давлатга тегишли бўлади ва у томонидан молиялаштирилади, назорат қилинади. Бу шакл Францияда устунлик қилади. Унинг афзаллиги шундаки, ОАВлари йирик капиталдан мустақил ҳамда парламент ва ҳукумат назоратида бўладилар. Лекин бу шаклда ОАВларининг рақобатбардошлиги пасайиши ва ҳокимият ҳамда бюрократияга тобе бўлиб қолиши мумкин.

ОАВларининг ижтимоий-ҳуқуқий ташкил топиши уларни давлат ва хусусий тобеликдан озод қилишга интилади. Бу моделга кўра улар фуқаро тўлайдиган махсус солиқ ҳисобидан молиялаштирилади. Гарчанд энг муҳим жамоат гуруҳлари ва ташкилотлари вакилларидан тузилган жамоатчилик кенгашлари томонидан назорат қилинса-да, юридик шахс ва ўзини-ўзи бошқарув ҳуқуқларига эга. ГФРда радио ва телевидениени шу модел асосида ташкил қилиш устунлик қилади. Аммо хусусий теле ва радио мавжуд, матбуот эса тўлалигича хусусийлаштирилган.

Юқорида кўриб чиқилган уч усулнинг бирортаси универсал ва мукаммал эмас. Эҳтимол ОАВларининг тор манфаатлар таъсиридан ва иқтисодий ёки давлат ҳокимияти билан бирлашувидан кафолатлаш муайян давлат хусусиятларидан келиб чиқиб, учала шаклни уйғунлаштириш асосида мустақиллигини таъминлаши мумкиндир.

ОАВлари плюрализми

ОАВлари жамиятда ўз функцияларини самарали амалга оширишлари учун уларнинг хилма-хиллиги ва мухлислар диққати ҳамда ишончини эгаллаш учун рақобатнинг мавжудлиги ёрдам беради. ОАВларининг плюрализми, уларнинг хилма-хиллиги жамиятда кўплаб ахборот агентликлари, газеталар, радио-теле-эшиттиришлар мавжудлиги ҳамда уларнинг мустақиллиги билан ҳам таъминланади. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларда барча сиёсий кучларга сайловларда олган овозларига пропорционал равишда эшиттириш учун вақт ажратилиши ҳам шунга хизмат қилади.

Ҳозирги дунёда қаттиқ рақобат таъсирида демократия учун хавфли тенденция — ОАВларининг йириклашуви ва бир қўлда тўпланиб бориши кузатиляпти. Бу маҳаллий газеталар сонининг кескин камайишида, қудратли миллий ва транснационал корпорацияларнинг ташкил топиб, улар томонидан улкан ахборот кенгликлари назорат қилиниши, майда теле ва радиостанцияларнинг ахборот гигантларига боғлиқлиги ортиб боришида намоён бўлади. ОАВларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун кўп давлатлар майда масс-медиаларнинг йирик корпорациялар томонидан ўзлаштирилиши имкониятларини чекловчи махсус қонунлар қабул қилади.

ОАВлари устидан назорат

ОАВлари муайян шахслар ёки махсус органлар томонидан бошқарилади ва назорат қилинади. Хусусий ОАВларида бу функцияни, аввало, уларнинг эгалари, давлатга тегишли ОАВларда — давлат идоралари, ижтимоий-ҳуқуқий ОАВларида эса — жамоатчилик, сиёсий ташкилотлар ва уюшмалар бажаради. Ҳамма ҳолларда ҳам ОАВлари қонун доирасида амал қилиши назарда тутилади.

Дунёнинг кўпгина давлатларида ОАВларини назорат қилувчи махсус органлар мавжуд бўлиб, улар ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга амал қилинишини кузатиб борадилар. Францияда бу — аудиовизуал мулоқот бўйича Олий Кенгаш. У давлат ва хусусий теле-радио-станцияларини назорат қилибгина қолмай, эфирга чиқиш учун уларга давлат лицензияларини ҳам беради. Буюк Британияда радио ва телевидение фаолиятининг умумий йўналишини ҳукумат ва парламент белгилайди. Матбуот ахлоқ меъёрларига амал қилишини ўзини-ўзи назорат бўйича махсус кенгаш кузатади.

Жамият томонидан амалга оширилувчи демократик назорат билан тоталитар ва авторитар давлатлардаги бирламчи цензура бир нарса эмас ва сўз эркинлиги ҳамда ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқини бузмайди. Баъзи одамларнинг ахборот узатиш, сиёсий ва ҳар қандай бошқа эркинлигини чеклаш-бошқа фуқароларнинг ва бутун бир давлатларнинг эркинликлари ва ҳуқуқлари бузилганда талаб этилади.

Ҳозирги дунёда сунъий йўлдошлар орқали тасвир узатувчи телевидение ва баъзи бошқа ОАВлари деярли чексиз фаолият доирасига эга бўлиши билан етакчи Ғарб мамлакатларининг қудратли ахборот узатиш корпорацияларининг маданий-ахборот босқинчилиги имкониятлари кенгайди. Энг янги техника ва технологияга, радио ва теле-эшиттиришларини узатишнинг бой тажрибасига ва ўз иқтисодий қудратларига таяниб, улар миллий радио, телевидение ва кино санъатини бевосита итоат эттирадилар ёки умуман сиқиб чиқарадилар ҳамда заифроқ мамлакатларга ўзла-

рининг маданий ва истеъмолчилик стандартларини мажбур қилиб киритадилар. ЮНЕСКО анжуманларида бир неча бор таъкидланганидек, транснационал ахборот корпорациялари ахборот узатиш эркинлиги баҳонасида бу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий амалиётига мос бўлмаган эҳтиёжлар ва қадриятларни, бойлик ва «камбағал дунёда истеъмолчиликни» тарғиб қилиб, шу орқали сиёсий вазиятни нобарқарорлаштирадилар, халқларнинг маданий ўзига хослигини емирадилар. Бундай ахборот эркинлиги чекланиши керак. **Ахборот ҳокимияти сиёсий ва иқтисодий ҳокимият сингари жамият томонидан назоратга муҳтож.**

ОАВлари педагогикаси

Давлат ёки жамоатчилик назоратининг махсус органларидан ташқари ОАВларидан фуқаролар манфаатидан келиб чиқиб фойдаланиш ва фаолиятининг салбий оқибатлари олдини олишга аҳолининг ва айниқса, ёшларнинг коммуникацион тарбияси ёрдам беради. Бундай тарбиянинг назарий асосини махсус фан ва ўқув курси — ОАВлари педагогикаси ташкил этади. Унинг асосий мақсади — фуқароларни массмедиага танқидий муносабатда бўлишга ўргатиш, уларни малакали ва масъулиятли қўллаш. Бу фанни ўрганиш, фуқароларни ОАВларининг демократик жамиятдаги ва замонавий сиёсатдаги марказий ўрни, уларнинг реципиентларга ижобий ва салбий таъсири билан таништириш, ахборотнинг мураккаб оқимида адашмаслик қобилиятини шакллантириш, манипуляция ва инсоннинг онгини ўтмаслаштирувчи нашрлар, видео в.б. маҳсулотларга нисбатан иммунитет ишлаб чиқишга қаратилган.

Ёш авлоднинг сиёсий-коммуникацион тарбияси ғарб демократияларида тобора кўпроқ тарқаляпти. Шуниси аниқ равшанки, у Россия в. б. посткоммунистик мамлакатларга янада зарур. Бу ерда аҳолининг оммавий мулоқот соҳасида билими паст, уларнинг манипуляция имкониятлари эса юқори. Бу мамлакатлар оммавий мулоқот соҳасидаги турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиб бориб, дунё тажрибасини ҳисобга олиб ҳамда ўзининг ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб самарали ва ҳаётий демократияни ярата олади.

ОАВларининг роли, айниқса, ўтиш даврларида жуда катта, негаки, уларнинг аралашувисиз сиёсий онгни, қадриятли интилишларни ва аҳолининг мақсадларини ўзгартириб бўлмайди ва ижтимоий ислоҳотлар сиёсатининг мададига эришиш мумкин эмас.

VII БЎЛИМ

СИЁСАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

20-БОБ

СИЁСИЙ НИЗОЛАР

§ 1. Сиёсатда низоларнинг моҳияти ва аҳамияти

Сиёсатда ихтилофларнинг ўрни ва роли

Сиёсатнинг ички зиддиятлилиги ва низолилиги ғояси фанда XIX асрда қарор топди. А. Токвиль, К. Маркс, Г. Зиммель, кейинчалик эса — К. Боулдинг, Л. Козер, А. Бентли ва бошқа назариётчилар низога сиёсатдаги ўзгаришлар асосини ташкил этувчи ва шу боис ижтимоий ҳаётнинг мазкур соҳаси мавжудлигининг чегаралари ва табиатини белгилаб берувчи етакчи манба, деб қарашган.

Тўғри, сиёсий фанда бундай қарашга қарама-қарши нуқтаи назар ҳам мавжуд. Э. Дюркгейм, М. Вебер, Д. Дьюи ва бир қатор бошқа олимлар сиёсатни тушунишда низонинг иккиламчилилигидан ҳамда унинг аҳолини бирлаштирувчи ва социум ҳамда сиёсий тизим яхлитлигини таъминловчи туб ижтимоий қадриятларга боғлиқлигидан келиб чиқадилар. Уларнинг фикрича, идеаллар ва ижтимоий-маданий қадриятларнинг бирлиги мавжуд низоларни ҳал қилиш ва бошқарув тартибининг барқарорлигини таъминлаш имконини беради. Шу муносабат билан улар низоларни сиёсий жараёнга хос бўлмаган ҳодиса сифатида баҳолайдилар, сиёсат эса, уларнинг наздида, «ижтимоий бирдамлик»ни тутиб туриш (Э. Дюркгейм) ёки низоларнинг олдини олиш учун жамиятга «педагогик таъсир» кўрсатиш (Д. Дьюи) мақсадлари билан тўлдирилган.

Шуниси аниқки, бу каби тасаввурлар, инсон сиёсий зиддиятлар ва низоларга қарши тура олишига ишонч — ҳокимиятнинг бутун жамият учун ягона идеаллар асосида узоқ вақт ривожланишининг барқарор анъаналарига эга айрим давлатлар амалиётигагина нисбат берилиши мумкин. Аммо уларда ҳам бу тасаввурлар ҳақиқий аҳволни акс эттирмаса керак. Чунки сиёсий қадриятлар турли авлод вакиллари томонидан турлича

ўзлаштирилади, амалий сиёсий жараёнга ҳар доим ҳам уйғун мослаша олмайди ва шунинг учун ҳам муқаррар равишда низоларни вужудга келтиради, уларнинг бир қанчаси жамият учун одатий бўлиб қолган сиёсий идеалларнинг универсаллигини шубҳа остига қўйиши мумкин. Бунга қўшимча равишда, ҳатто ягона қадриятлар негизида шаклланган ҳокимият институтлари ҳам уларни ҳар доим ҳимоялаб, мустаҳкамлайвермайди.

С. Липсет ҳақли равишда кўрсатиб ўтганидек, демократиянинг сиёсий институтлари нафақат келишувга эришиш, балки кескинликни кучайтириш ва низоларни ошириш воситаси сифатида ҳам қўлланиши мумкин.

Амалда одамларнинг сиёсий ҳамжамияти уларнинг ўзаро таъсирлари орқали шаклланиб, ҳам ҳамкорлик, ҳам рақобатни назарда тутади. Умуман, сиёсий низо бир-бири билан ҳокимлик ваколатлари ёки манбаларини тақсимлаш учун курашаётган икки ёки ундан ортиқ томон (гуруҳлар, давлатлар, индивидлар) рақобатли ўзаро таъсирлари кўриниши (ва натижаси) дан ўзга нарса эмас. Низо-сиёсий субъектлар ўзаро таъсирларининг кўринишларидан бири. Аммо жамиятнинг бир турда эмаслиги одамларда ўз аҳволидан норозиликни доимо уйғотиб келиши, нуқтаи назарлардаги фарқлар ва қарашлар мос келмаслигининг бошқа шакллари туфайли гуруҳ ва индивидлар фаолияти, ҳокимлик тузилмаларининг ўзгариши, сиёсий жараёнлар ривожланиши асосида кўпинча айнан низо ётади.

Яна шуниси ҳам муҳимки, низолар айрим субъектлар (институтлар)нинг бир томон билан рақобатини англатган ҳолда уларнинг бошқалари билан ҳамкорлигини намойиш этади ва сиёсий иттифоқлар, келишувлар шаклланишини рағбатлантиради. Шу тариқа сиёсий низолар сиёсий ўйинда иштирок этувчи кучларнинг ўз мавқеларини аниқ баён этишларини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, бутун сиёсий жараённи оқиллаштиришга ва таркибини тўғри аниқлашга имкон беради.

Низолар, жамият ва ҳукуматга мавжуд зиддиятлар, келишмовчиликлар, фуқаролар қарашларининг мос келмайдиган жиҳатлари тўғрисида дарак бериш орқали вазиятни назорат қилиш, сиёсий жараёнда вужудга келган қўзғалишни бартараф этиш имконини берувчи ҳаракатларни рағбатлантиради. Шунинг учун ҳокимият беқарорлиги ва жамият бўлиниши низолар пайдо бўлгани учун эмас, балки сиёсий зиддиятларни ҳал қила олмаслик, баъзан эса уларни тўғридан-тўғри инкор этиш туфайли рўй беради. Немис олими Р. Дарендорф тўғри таъкидлаганидек, инсон эркинлиги «фақат назорат қилинаётган дунёдагина мавжуд»[1]

Шунинг учун фақат низоларни узлуксиз аниқлаш ва ҳал этишгина жамиятнинг барқарор ва илгарилама ривожланишининг шарти, деб ҳисобланиши мумкин. (Конфликтологлар кузатишича, агар одамлар қувватларини ҳокимлик аҳамиятига эга кўп масалаларни ҳал қилишга сарфлаб, диққатини бир низогагина жамламаса, бундай ижтимоий ва сиёсий тизимлар, одатда, ўз ривожланишининг барқарорлигини таъминлаш учун кўпроқ имкониятларга эгалар. Л. Козер тахминича, бир турда бўлмаган ички низолар бир-бирининг устига тахланиб, жамият учун ҳалокатли бўлган глобал парчаланишнинг олдини олиши мумкин).

Шундай қилиб, низоларнинг айрим турларигина ҳақиқатан ҳам жамиятни емирувчи табиатга эга. Асосан эса, (биринчи навбатда ижтимоий ваколатнинг эгилувчан, ривожланган тизимига эга мамлакатларда) низоларни аниқлаш ва ҳал қилиш сиёсий тизим яхлитлигини самарали тарзда тутиб туриш, марказга интилувчи тенденцияларнинг марказдан қочувчиларидан устунлигини сақлаб туриш имконини беради. Р. Дарендорф таъкидлаганидек, низоларнинг позитив роли ҳозирги даврда, айниқса, кўзга яққол ташланади. Негаки, келишиб бўлмас низолар (хусусан, К. Маркс ёзган буржуазия ва пролетариат ўртасидаги илк синфий зиддиятлар) XIX аср сиёсий аҳволига хос XX аср эса, хусусий мулкни одамлар ўртасидаги келишиб бўлмас қарама-қаршиликлар манбаига айлантирувчи шароитларни йўқ қилиш билан бирга, уларни агрессив сиёсий кучларни тизгинлашнинг қудратли воситалари билан қуроллантирди. Давримизнинг асл белгиларини инсонпарварлик, гуруҳ қадриятларидан индивидуал қадриятларга аста-секинлик билан ўтиш, низодаги томонлар мавқеини келиштириш ва яраштириш учун омилларнинг кўпайиши ташкил этади.

Сиёсий низоларнинг манбалари

Одатда олимлар сиёсий низоларнинг ижтимоий ёки ижтимоий бўлмаган манбаларини кўрсатадилар.

Ижтимоий бўлмаган манбаларга кўпинча-К. Лоренц руҳида тур ичида ҳайвонларнинг душманлиги ва одамларнинг тажовузкорлиги ўртасидаги ўхшашликдан келиб чиқувчи сиёсий танглик турли кўринишларининг кўплаб талқинлари киритилади.

Аммо замонавий фан маълумотлари одамлар альтруизм (фидойилик) ёки ўзгаларга бирдамликдан кўра, айнан, низога кўпроқ мойиллигини тасдиқлагани йўқ.

[1] Dahrendorf R. Life Changes: Approaches to Social and Political Theore. Chicago 1979. 107- бет.

Сиёсий низоларнинг табиатини ижтимоий омилларнинг етакчи ролини тан олиш ҳаққонийроқ тушунтириб беради. Бу турдаги белгиловчи омиллар қаторида ётувчи уч асосий сабабни ажратиб кўрсатишади. Аввало, бу — сиёсат субъектлари мақомлари мос келмаслигини, уларнинг роллари ва функциялари, ҳокимиятга нисбатан манфаатлари ва эҳтиёжлари, манбаларининг етишмаслиги ва ҳ. к. лар билан белгиланувчи ижтимоий муносабатларнинг хилма-хил қирралари ва шаклларидир. Шартли равишда сиёсий низоларнинг объектив манбалари деб аталиши мумкин бўлган бу омиллар ҳукмрон ва контрэлита, муайян кучларнинг манфаатларинигина тақдим этувчи ва давлат бюджетининг муайян қисмлари учун кураш олиб борувчи турли босим гуруҳлари, шунингдек, ҳокимият тизимидаги барча сиёсий субъектлар ўртасидаги қарама-қаршиликни белгилаб беради. Бу турдаги низоларнинг ташқи кескинлигини тез бартараф этиш мумкин. Аммо бунга сиёсий ўйинда турли тарзда иштирок этаётган томонлар қарама-қаршилигини ё жамиятда ҳокимият ташкил этилишини ўзгартириш, ё рақобатлашаётган субъектлар сиёсий фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий асосларини ислоҳ этиш орқали эришиш мумкин.

Сиёсий низоларнинг иккинчи асосий манбаига одамлар (уларнинг гуруҳ ва уюшмалари) асосий деб билувчи қадриятлар ва сиёсий идеалларга кўра тарихий ва долзарб ҳодисаларни баҳолашдаги, шунингдек, сиёсий воқеалар тўғрисидаги бошқа субъектив тасаввурлардаги фарқлар киради. Бундай низолар давлатчиликни ислоҳ қилиш йўллари тўғрисидаги тубдан ҳар хил қарашлар тўқнашаётган, жамиятнинг янги сиёсий тузилиши асослари шаклланаётган, ижтимоий инқироздан чиқиш йўллари изланаётган мамлакатларда кўпроқ рўй бериши мумкин.

Бундай низоларни бартараф этиш учун келишиш жуда қийин. Агар ҳозирги Россиядагидек асосий ғоявий тафовутлар туб қадриятлар ва сиёсий ривожланишнинг устувор йўналишларига доир бўлса, низоли томонлар ўртасида келишувга (масалан, коммунистик ва либерал-демократик ғоя тарафдорлари ўртасида) жуда-жуда узоқ вақт мобайнида боришга тўғри келади.

Кейинги йилларда бир қатор ғарб назариётчилари (Ж. Бертон, К. Ледерер, Ж. Дэвис в. б.) сиёсий низолар табиатини тушунтиришга қаратилган яна бир эҳтимолни илгари суришди. Уни инсон эҳтиёжлари назарияси, деб атадилар. Бу концепцияга кўра, низолар инсон моҳиятини ташкил этувчи эҳтиёжларнинг чекланиши ёки тўлиқ қониқтирилмаслиги натижасида вужудга келади. Бу қараш тарафдорлари низоларнинг туб манбаларига турли хил қадриятларни асос қилиб олишади: О. Надлер — бир хиллик, иқтисодий ўсиш, трансденцияни (ички ўз-ўзини намоён этиш); Инглхарт эса — хавфсизлик, ижтимоий эътироф, маънавий камолотни ва ҳ. к. Бу сингари интилишлар ҳокимият билан олди-сотди, савдо мавзуси бўла олмайди. Ҳокимият бу умуминсоний эҳтиёжларни иложи борича тўлиқ ва мос равишда қондириш мақсадида сиёсий тузилмаларни ўзгартириш ва такомиллаштириш билан шуғулланиши лозим, холос.

Ва ниҳоят, сиёсий низоларнинг учинчи манбаи сифатида сиёсатшуносликда фуқароларнинг ўзларини ижтимоий, этник, диний ва бошқа жамоалар ва иттифоқларга тааллуқлигини англаганликлари ва ўзларининг ижтимоий ва сиёсий тизимдаги ўринларини яхши тушунганликларини қаралади. Бу каби низолар, аввало, нобарқарор жамиятлар учун хос. Уларда (масалан, Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан сўнг Россияда рўй берганидек) одамлар ўзларини янги давлат фуқаролари сифатида ҳис қилишлари, ҳокимият билан янгича муносабатлар меъёрларига кўникишлари керак бўлади. Шу сингари зиддиятлар одамлар ўзлари мансуб миллий, диний в. х. жамоаларнинг маданий яхлитлигини ҳукмрон доиралардан ҳимоя қилаётган мамлакатларда (масалан, Шимолий Ирландия католиклари, Канаданинг француззабон аҳолиси) ҳам бўлади.

Сиёсий низоларнинг турлари

Сиёсий жараёнлардаги ўзгаришларнинг табиати, бошқарув тизими ривожланиши суръатлари ва йўналиши шу жамиятдаги қайси низо тури устунлигига бевосита боғлиқ. Энг умумий тарзда сиёсатшуносликда низоларни қуйидаги асосларга кўра туркумлаш қабул қилинган:

— уларнинг намоён бўлиши доиралари ва соҳаларига кўра. Бунда, аввало, ички ва ташқи сиёсий низолар ажратилади. Улар, ўз навбатида, турли кўринишдаги хилма-хил низолар ва зиддиятларга бўлинади. Масалан, халқаро низолар ичида «уруш билан тинчлик қиррасидаги ўйин» (Д. Даллес) — бир давлатнинг иккинчисига урушдан кўра ён босишга мойил бўлади, деган умидда талаб ва даъволарни қўйишини акс эттиради; «душманликни оқлаш» (Р. Лебоу) — давлатнинг эҳтимол қилинаётган душманга қарши иғвогарлик ҳаракати натижасида вужудга келган ҳолатда унга қабул қилиб бўлмайдиган талабларни илгари суриши (масалан, Гитлер Гляйвицдаги радиостанцияга ҳужумни Польшага қарши урушни бошлаш учун атайин уюштирган) ва ҳ. к. Ички сиёсий низолар ҳам ҳокимиятнинг турли субъектлари ўртасидаги ўзаро таъсирни очиб берувчи (ҳукмрон ва му-

холифатдаги элиталар, рақобатдаги партиялар ва манфаат гуруҳлари, марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасида ва ҳ. к.), гуруҳ ва индивидлар баҳсига сабаб бўлаётган сиёсий жараёнлар табиатини акс эттирувчи (давлат бошқаруви ёки фуқароларнинг оммавий сиёсий иштироки соҳасида) ва ҳ.к.;

-низоларни ҳуқуқий тартибга солиш даражаси ва табиатига кўра. Бу ҳолда (бутунлай ёки қисман) институционаллашган ёки институционаллашмаган низолар тўғрисида сўз юритиш лозим (Л. Козер). Улар одамлар (институтлар)нинг амалдаги сиёсий ўйин қоидаларига бўйсуна олиш ёки олмаслик қобилиятини кўрсатади;

- низоларнинг сифат белгиларига кўра одамларнинг баҳсларни ҳал қилишга жалб қилинганлиги даражаси, низо ва зиддиятлар суръати, уларнинг сиёсий жараёнлар динамикаси (ўсиши) учун аҳамияти ва ҳ. к. Бу турдаги конфликтлар ичида қўйидагиларни ажратиш мумкин (одамлар онгига) «чуқур» ва «юзаки» ўрнашган низолар (Ж. Бортон); «ноль миқдорли» (томонлар тутган ўрни қарама-қарши бўлгани учун бир томоннинг ғалабаси иккинчи томон мағлубиятини англатади) ва «ноль миқдорсиз» (ўзаро келишувга эришишнинг ҳеч бўлмаса бир имконияти мавжуд бўлса-П. Шаран); антагонистик ва ноантагонистик низолар (К. Маркс): уларнинг ҳал қилиниши курашаётган томонлардан бирининг йўқ қилиниши ёки мувофиқ равишда қарама-қарши субъектларни сақлаб қолиш ва ҳ. к. билан боғлиқ;

- томонлар рақобатининг оммавийлиги нуқтаи назаридан. Бу ерда очиқ (низога киришган субъектлар ўзаро алоқаларининг очиқ, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган шаклларда намоён бўлган ва ёпиқ (яширин), субъектлар ўз ҳокимлик ваколатларини даъво қилишларида махфий усуллар устун турадиган низолар тўғрисида сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Агар бу каби низоларнинг биринчи тури фуқароларнинг сиёсий ҳаётда оммавий иштирок этишларининг хилма-хил шакллари орқали яхши таниш бўлса (масалан, манифестациялар, иш ташлашлар, сайловларда иштирок ва ҳ. к.), иккинчиси қарорлар қабул қилишнинг оддий одамлар кўзидан яширин жараёнлари учун хос (хусусан, ҳукмрон элита таркибидаги ўзаро алоқалар, ҳокимиятнинг турли шахобчалари ўртасидаги муносабатлар учун);

- томонларнинг рақобатли ўзаро таъсирлари жадаллигига кўра — узоқ ва қисқа муддатли низолар. Сиёсий ҳаётда айрим низоларнинг пайдо бўлиши ва ҳал қилиниши жуда қисқа вақт ичида якунланиши мумкин (масалан, номаъқул ишлари тўғрисида маълумотларнинг нашр этилиши туфайли вазир истеъфоси) ва шу билан бирга бутун бир авлодлар ҳаёти билан нисбат берилиши мумкин. (Шарқий Европа ва собиқ СССР мамлакатларида диссидентларнинг коммунистик тартиботлар билан қарама-қаршилиги, Исроил ва бир қатор араб мамлакатлари ўртасидаги низо ва ҳоказо);

- бошқарув тартиботи тузилиши ва таркибига нисбатан. Бу ҳолда, одатда, вертикал низолар (ҳокимиятнинг турли даражаларига мансуб субъектлар ўзаро муносабатларини тавсифловчи: марказий ва маҳаллий элита ўртасида, федерал ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида ва ҳоказо) ва горизонтал низолар (бир қатордаги субъектлар ва ҳокимият эгалари ўртасидаги алоқаларни очиб берувчи: ҳукмрон элита ичида, ҳокимиятга эришмаган партиялар ўртасида, бир сиёсий уюшма аъзолари ичида ва ҳ. к.).

Низонинг ҳар бир тури у ёки бу хусусиятлар ва белгиларга эга бўлгани ҳолда сиёсий жараёнларда турли ролларни ўйнаши мумкин ва мусобақа ҳамда ҳамкорлик, кураш ва келишув, яраш ва муросасизлик муносабатларини рағбатлантириш қобилиятига эга.

§ 2. Сиёсий низоларни бошқариш

Сиёсий низоларнинг турлари технологияларида умумийлик ва ўзига хослик

Замонавий сиёсий фанларда низолар кечишини назорат этишнинг шакллари ва воситаларини излаш, уларни бошқаришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор бериляпти. Низоларни назорат этишга, ҳатто уни кескинлаштириш, узоқ вақт сақлаб туришдан манфаатдор кучлар ҳам ўз рақибларидан кўра самаралироқ ишлатиш имконини берувчи вазиятни келтириб чиқариш ниятида интиляпти. Бу ҳолда мухолифотдаги кучлар ҳокимият таклиф этаётган ўйин қоидаларини доимо рад этиб келиш орқали уни ўз талабларини қатиққўлроқ тарзда ифодалашга мажбур этади. Бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятни демократик эмасликда айблаш имконини беради. Ўз навбатида, ҳукмрон элиталар ҳам мухолифат билан ҳамкорлик қилиш учун аввалдан қабул қилиниши қийин бўлган шартларни қўйиш орқали унинг ҳолдан тойиши ёки жамоатчилик назарида обрўсизланиши (ижтимоий келишувга интилмаётгандек кўрсатиш орқали) дан умид қилади.

Аммо кўп ҳолларда сиёсий кучлар низоларни айнан ҳал қилиш мақсадида назорат қилишга интиладилар. Бу ҳолда низоларни ҳал қилувчи субъект сифатида унда иштирок этмаётган, лекин уни ҳал қилишдан манфаатдор «учинчи томон» чиқи-

холифатдаги элиталар, рақобатдаги партиялар ва манфаат гуруҳлари, марказий ва маҳаллий ҳокимият ўртасида ва ҳ. к.), гуруҳ ва индивидлар баҳсига сабаб бўлаётган сиёсий жараёнлар табиатини акс эттирувчи (давлат бошқаруви ёки фуқароларнинг оммавий сиёсий иштироки соҳасида) ва ҳ.к.;

-низоларни ҳуқуқий тартибга солиш даражаси ва табиатига кўра. Бу ҳолда (бутунлай ёки қисман) институционаллашган ёки институционаллашмаган низолар тўғрисида сўз юритиш лозим (Л. Козер). Улар одамлар (институтлар)нинг амалдаги сиёсий ўйин қоидаларига бўйсуна олиш ёки олмаслик қобилиятини кўрсатади;

- низоларнинг сифат белгиларига кўра одамларнинг баҳсларни ҳал қилишга жалб қилинганлиги даражаси, низо ва зиддиятлар суръати, уларнинг сиёсий жараёнлар динамикаси (ўсиши) учун аҳамияти ва ҳ. к. Бу турдаги конфликтлар ичида қўйидагиларни ажратиш мумкин (одамлар онгига) «чуқур» ва «юзаки» ўрнашган низолар (Ж. Бортон); «ноль миқдорли» (томонлар тутган ўрни қарама-қарши бўлгани учун бир томоннинг ғалабаси иккинчи томон мағлубиятини англатади) ва «ноль миқдорсиз» (ўзаро келишувга эришишнинг ҳеч бўлмаса бир имконияти мавжуд бўлса-П. Шаран); антагонистик ва ноантагонистик низолар (К. Маркс): уларнинг ҳал қилиниши курашаётган томонлардан бирининг йўқ қилиниши ёки мувофиқ равишда қарама-қарши субъектларни сақлаб қолиш ва ҳ. к. билан боғлиқ;

- томонлар рақобатининг оммавийлиги нуқтаи назаридан. Бу ерда очиқ (низога киришган субъектлар ўзаро алоқаларининг очиқ, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган шаклларда намоён бўлган ва ёпиқ (яширин), субъектлар ўз ҳокимлик ваколатларини даъво қилишларида махфий усуллар устун турадиган низолар тўғрисида сўз юритиш мақсадга мувофиқ. Агар бу каби низоларнинг биринчи тури фуқароларнинг сиёсий ҳаётда оммавий иштирок этишларининг хилма-хил шакллари орқали яхши таниш бўлса (масалан, манифестациялар, иш ташлашлар, сайловларда иштирок ва ҳ. к.), иккинчиси қарорлар қабул қилишнинг оддий одамлар кўзидан яширин жараёнлари учун хос (хусусан, ҳукмрон элита таркибидаги ўзаро алоқалар, ҳокимиятнинг турли шахобчалари ўртасидаги муносабатлар учун);

- томонларнинг рақобатли ўзаро таъсирлари жадаллигига кўра — узоқ ва қисқа муддатли низолар. Сиёсий ҳаётда айрим низоларнинг пайдо бўлиши ва ҳал қилиниши жуда қисқа вақт ичида якунланиши мумкин (масалан, номаъқул ишлари тўғрисида маълумотларнинг нашр этилиши туфайли вазир истеъфоси) ва шу билан бирга бутун бир авлодлар ҳаёти билан нисбат берилиши мумкин. (Шарқий Европа ва собиқ СССР мамлакатларида диссидентларнинг коммунистик тартиботлар билан қарама-қаршилиги, Исроил ва бир қатор араб мамлакатлари ўртасидаги низо ва ҳоказо);

- бошқарув тартиботи тузилиши ва таркибига нисбатан. Бу ҳолда, одатда, вертикал низолар (ҳокимиятнинг турли даражаларига мансуб субъектлар ўзаро муносабатларини тавсифловчи: марказий ва маҳаллий элита ўртасида, федерал ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ўртасида ва ҳоказо) ва горизонтал низолар (бир қатордаги субъектлар ва ҳокимият эгалари ўртасидаги алоқаларни очиб берувчи: ҳукмрон элита ичида, ҳокимиятга эришмаган партиялар ўртасида, бир сиёсий уюшма аъзолари ичида ва ҳ. к.).

Низонинг ҳар бир тури у ёки бу хусусиятлар ва белгиларга эга бўлгани ҳолда сиёсий жараёнларда турли ролларни ўйнаши мумкин ва мусобақа ҳамда ҳамкорлик, кураш ва келишув, яраш ва муросасизлик муносабатларини рағбатлантириш қобилиятига эга.

§ 2. Сиёсий низоларни бошқариш

Сиёсий низоларнинг турлари технологияларида умумийлик ва ўзига хослик

Замонавий сиёсий фанларда низолар кечишини назорат этишнинг шакллари ва воситаларини излаш, уларни бошқаришнинг самарали технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилаяпти. Низоларни назорат этишга, ҳатто уни кескинлаштириш, узоқ вақт сақлаб туришдан манфаатдор кучлар ҳам ўз рақибларидан кўра самаралироқ ишлатиш имконини берувчи вазиятни келтириб чиқариш ниятида интиляпти. Бу ҳолда мухолифотдаги кучлар ҳокимият таклиф этаётган ўйин қоидаларини доимо рад этиб келиш орқали уни ўз талабларини қатиққўлроқ тарзда ифодалашга мажбур этади. Бу эса, ўз навбатида, ҳокимиятни демократик эмасликда айблаш имконини беради. Ўз навбатида, ҳукмрон элиталар ҳам мухолифат билан ҳамкорлик қилиш учун аввалдан қабул қилиниши қийин бўлган шартларни қўйиш орқали унинг ҳолдан тойиши ёки жамоатчилик назарида обрўсизланиши (ижтимоий келишувга интилмаётгандек кўрсатиш орқали) дан умид қилади.

Аммо кўп ҳолларда сиёсий кучлар низоларни айнан ҳал қилиш мақсадида назорат қилишга интиладилар. Бу ҳолда низоларни ҳал қилувчи субъект сифатида унда иштирок этмаётган, лекин уни ҳал қилишдан манфаатдор «учинчи томон» чиқи-

ши мумкин. (масалан, араб-исроил низоларини ҳал қилишда БМТ). Сиёсий ҳаёт учун низони бошқаришга интилувчи ҳукмрон тузилмалар, давлатнинг марказий ҳокимияти мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Аммо низоларни бошқариш субъекти ким бўлишидан қатъий назар, рақобатли ўзаро муносабатларни тартибга солиш технологиялари муқаррар равишда бир қатор умумий вазифаларни ҳал қилиши лозим бўлади:

-низо пайдо бўлишининг олдини олиш ёки уни бартараф этишнинг ижтимоий баҳоси ортиб кетмайдиган даражага ўсиб ўтишига имкон бермаслик;

-барча яширин, махфий, очиқ бўлмаган низоларни очиқ шаклга олиб чиқиш. Назорат қилиб бўлмайдиган жараёнлар ва уларнинг оқибатларини камайтириш, тўғри ва тезкор жавоб бериш имконини бермайдиган тасодифий ўпирилишлар олдини олиш;

-қўшимча манбалар ва куч-қувват сарф қилиш заруратини келтириб чиқарувчи янги, кенгроқ, қўшимча силкинишлар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида сиёсий низо кечиши жараёнида ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида рўй бериши мумкин бўлган ижтимоий қўзғалиш даражасини камайтириш.

Низоларни бошқариш стратегияси асосида ётувчи бу умумий мақсадлар асосий мақсад ёки мунозарали вазиятни ҳал қилишдан келиб чиқиб конкретлаштирилади. Бартараф этиш, хусусан, томонлар қарама-қаршилигини камайтириш, шунингдек, бошқарув субъектини (ўзи учун, давлат ва умуман жамият учун) низонинг энг салбий оқибатларидан қочишга интилишини назарда тутади. У тўлиқ ва қисман бўлиши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолда томонлар ўртасидаги келишув низонинг сабабини йўқота олмайди ва тартибга солинган муносабатларнинг янгитдан кескинлашиши имконини сақлаб қолади. Низони ҳал этиш эса, баҳснинг асосини йўқотишни ёки вазият ва шароитни шундай тарзда ҳал қилинишини назарда тутадики, бунинг натижасида томонлар ўртасида низосиз, шерикчилик муносабатлари ўрнатилиб, келишмовчиликнинг қайта туғилиш хавфи йўқ бўлар эди.

Низоларни бошқариш учун сиёсий субъект уларнинг шаклланиши ва кечишидаги энг муҳим ташқи ва ички омилларни ҳисобга олиши керак. Бошқарув субъекти фаолиятининг шакллари ва усулларига таъсир кўрсатувчи белгиларга қўйидагиларни киритиш мумкин: сиёсий тизимнинг очиқлик даражаси (масалан, унда ҳукмрон тузилмаларни сиёсий норозиликнинг энг кескин шаклларида сақлай оладиган «сақловчи клапанлар» нинг бор ёки йўқлиги); низодаги гуруҳларнинг уюшганлик даражаси ва аъзоларининг ички ўзаро алоқалари кучлилиги; баҳсли ўзаро алоқаларга кенг ижтимоий қатламларнинг жалб этилганлиги; гуруҳ ва фуқаролар сиёсий хулқ-атворининг ҳиссий тўлдирилганлиги ва уларнинг ўз ҳокимлик даъволарини тизгинлай олишлари.

Низони назорат қилиш технологиясини ишлаб чиқишда бошқарув субъекти низо кечишининг умумий (шартли равишда макросиёсий) омиллари билан бир қаторда, унинг шаклланиши ва ривожланиши босқичининг ўзига хослигига мувофиқ танланувчи мақсадларнинг хусусиятларини ҳисобга олиши жуда муҳимдир.

Одатда, сиёсий низоларнинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва якунланиш босқичлари ажратилади. Айни вақтда низони бошқарувчи субъект хулқ-атворининг ўзига хослиги ҳар бир босқич хусусиятларини ҳисобга олувчи комплекс вазифага ҳам, ҳар бир босқичда алоҳида қўйилувчи тор, махсус вазифаларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун фанда етакчилар, ҳукуматлар, давлатлар ва низоларни бошқарувчи бошқа субъектлар хулқ-атвори низо кечишининг барча ёки унинг айрим босқичлари (масалан, М. Бергернинг «уч даврли модели»-ҳукуматларнинг халқаро инқирозлар шароитидаги фаолияти)-га нисбатан ҳам, шунингдек, ҳар бир босқич ичидаги фаолиятининг айрим томонлари ёки жиҳатларини ўз ичига олувчи технологик моделлари ҳам ишлаб чиқилиши мумкин.

Низонинг пайдо бўлиши босқичи

Низоли муносабатлар мухолиф томонлар ўртасида кескинлик муҳити шаклланганида вужудга кела бошлайди. Бу баҳс ва рақобат учун асоснинг борлигида, сиёсий суъектлар нуқтаи назарларининг мос келмаслигида намоён бўлади.

Бу босқичда низоли ўзаро таъсир пружинаси ҳали сиқиқ ҳолда туради ва зиддиятларнинг бўлажак ривожи ҳақида фақат тахмин қилиш мумкин бўлади.

Шундай қилиб, бу низо кечишини назорат қилишга интилаётган суъектнинг бош вазифаси, унинг асосий сабабларини ва, демак, иштирокчиларнинг асл мақсадини очишдан иборат. Бундай таҳлилнинг асл мураккаблиги шундаки, томонлар ўз рақиби билан келишмовчиликнинг асл сабабларини яширишга интиладилар (кўпинча, бу ўз манфаатларини амалга ошириш учун унчалик қонуний бўлмаган усулларни қўллаш нияти борлигидан ёки баҳс сабабларини ошкора қилиш — жамоатчиликда салбий муносабат уйғотади, деган хавотирда қилинади).

Низоли муносабатларнинг асл сабабларини излаганда бошқарув субъекти уларни ҳодисаларга туртки бўлган баҳонадан ажрата олиши керак (масалан, мухолифатнинг ҳокимият олиб бораётган ижтимоий-сиёсий йўналишдан норозилиги ва унинг ҳукумат конкрет фаолиятини ўз мавжудлигига хавф сифатида қабул қилиб, норозилик тадбирларини амалга ошира бошлаши). Тўғри таҳлил сиёсий кескинлик манбаини тўғри аниқлаш билан бирга низонинг ўз бирламчи сабабларидан янги сиёсий мақсадларга кўчишидан, унинг шу тарзда яширин шаклга ўтиб, кутилмаган ижтимоий бўҳронларга олиб келишидан сақлайди. Масалан, ўз вақтида, ҳукумат, узоқ вақт мобайнида СССРнинг бир қатор туманларидаги иқтисодий, маданий ва бошқа қарама-қаршиликлар заминида миллий масалани кўришни истамаганлиги — ўша ерларда миллатлараро муносабатларнинг ўта жиддий инқирозини келтириб чиқарди ва давлат органларини воқеалар ривожига самарали таъсир кўрсатишнинг кўпгина воситалари ва имкониятларидан маҳрум этди.

Шундай қилиб, баҳс мавзуи қанчалик аниқ белгиланган бўлса, бошқарув субъекти унинг ривожланишини шунчалик тез тўхтатиши ва томонлар рақобатини ўзига керакли томонга йўналтириши имкони ортади. Агарда ҳокимлик тузилмалари низони бошқарувчи субъект сифатида чиқса у кескинлик сабабларини излаш ва уни бартараф этиш технологиясини ишлаб чиқишда ҳодисалар кечиши мумкин бўлган вазият учун ўз маъсулиятини белгилаб олиши зарур бўлади. Бу маънода француз конфликтологи Ж. Фавье таъкидлаганидек, ҳукумат уч хил йўл танлаши мумкин: низо келиб чиққанлигини тан олмаслик ва у тутаб, алангалаб, ҳокимлик муносабатларининг бошқа соҳаларига ўтишига имкон бериш; унинг табиатини аниқ баҳолашдан қочиш ва шу тариқа бу муаммо ҳақида турли хил нуқтаи назарларни баён қилаётган аҳолининг хилма-хил қатламларига «ёқишга» интилиш (бунда вазиятни назорат остига олиш ҳаракатлари суст ва ноизчил бўлади); низони бартараф этиш ёки ҳал қилишда фаол иштирок этиш.

Охирги ҳолда — низони бошқаришга интилишда — ҳукумат жамиятда шаклланган «ижтимоий-сиёсий тузилишнинг» аниқ таҳлилига таяниши керак ва кучлар нисбатини назарда тутиши, томонлар қарама-қаршилигининг кескинлик даражасини, улар фаолиятини башорат қилишга таяниши лозим. Ҳокимият низо ривожланишининг ва ўз ҳаракатларининг турли сценарийларини ишлаб чиқиши, рақибларнинг чиқишларига қарши қаратилган акс ҳаракатларни эҳтимоллаши, бўлажак музокаралар муаммоларини ва ҳар қандай вазиятда йўл қўйилмайдиган ҳаракатлар доирасини белгилаб олиши зарур бўлади.

Ҳокимият томонлар тенглигини сақлаб турадими ёки улардан бирини қўллаб-қувватлайдими, муносабатлар кескинлигини оширишга ёки камайтиришга хизмат қиладими ва ҳ.к. ҳолатлар вазиятнинг дастлаб қандай баҳоланишига боғлиқ. Аммо ҳар қандай вазиятда ҳокимият низода иштирок этаётган томонлар учун муайян қоидаларни белгилаб бериши лозим. Бу низони аввал бошдан институционаллаштириш ва унинг кечишини кузатиш имконини берувчи чегараларда тутиб туриш имконини беради. Низонинг институционаллашуви жамиятнинг ҳимояланганлиги ва давлатнинг хавфсизлигини орттиришидан ташқари томонлар рақобатини шундай шаклларга келтирадики, улар низонинг ўз-ўзидан сўнишига олиб келади.

Низони ўз назоратига олишга интилаётган ҳокимият фаолиятининг таркибий қисми-ушбу баҳснинг ижтимоий муҳитини ташкил этишдан иборат. Бу чораларга жамоатчилик фикрини тегишли равишда йўналтириш ва сафарбар этиш киради. Бунинг натижасида давлатда низога киришган томонлардан бирини (ёки ҳаммасини) қоралаш ёки рағбатлантириш муҳитини яратиш, ҳукмрон тартибот душманлари ҳаракатлари майдонини торайтириш, давлат ҳокимиятининг барқарорлигини ошириш мумкин бўлади.

Низони ҳал қилишнинг стратегик ва тактик мақсадларини белгилашда ҳокимият «техник» жиҳатдан тайёр бўлиши лозим, яъни: жалб қилинаётган экспертлар ва таҳлилчилар давлат бошқарувининг муайян соҳаси мутахассислари (яъни низо пайдо бўлган аниқ соҳа-ижтимоий ёки солиқ сиёсати, фанни бошқариш ва ҳ. к.) малакаси юқорилигига ишонч ҳосил қилиш; коммуникациялар, кундалик воқеаларни қайта ишлаш марказлари ишончлилиги, уларнинг моддий таъминланганлигини текшириш; низони ҳал қилишга жалб этилган ҳокимиятнинг турли даражалари ва бўғимлари ўртасидаги боғлиқликни яхшилаш; ҳодисаларнинг самарали назоратини амалга ошириш учун ҳокимият институтларини мослаштириш; қатъий куч ишлатиш учун ҳокимият механизмлари тайёрлигини текшириб кўриш. Ана шу чораларнинг бирлиги ҳокимият эга бўлган манбаларга мос келиши, шунингдек, ҳокимиятнинг аҳоли ўртасида низодан қўрқмайдиган ва уни назорат остида ушлай оладиган ҳукумат имиджини тарқалишига хизмат қилиши лозим.

Низонинг ривожланиш босқичи

Низо ривожланиши билан унинг кечишини назорат қилишга интилаётган субъект фаолиятининг доираси кенгаяди. Бу босқичда низога киришган

томонларнинг ҳар бирини қўллаб қувватлаётган ёки уларга қарши турган кучлар аниқ кўриниб қолади; баҳс ёйилиши доираси кенгайганлиги ёки торайганлиги, тезлашиш даражаси равшанлашади ва ҳ. к. Шу тариқа рақобатли муносабатлар ривожланиши назорат остидан чиқиб кетмаслиги учун кузатиш лозим бўлган омиллар сони ортиб боради.

Қарор қабул қилаётган низони бошқарув субъекти кенгроқ доирадаги ахборотга таяниши, унинг тезкорлигини ошириши, келаётган ахборот оқимидан ишончга сазоворларини жиддий ажратиши керак. Албатта, ахборот нафақат томонлар фаолиятининг «кўриниб турган қатлами» тўғрисида, балки унинг пухта яширилаётган ниятлар ва мақсадларига оид ҳам тўпланади. Бундай вазиятларда ёлғон ахборот билан курашиш алоҳида аҳамият касб этади, негаки томонлардан бири, француз Фюстье ва Амирал фикрича, ўз мақсадлари тўғрисидаги маълумотларни бузиб кўрсатишга уриниши низони бошқарувчи субъектни ўйламай иш қилишга мажбур қилади.

Назоратнинг ахборот майдонини кенгайтира бориб, ҳокимият, одатда низога киришган томонларнинг образини (нуқтаи назарлари, келишувга мойилликлари, мақсадлар ўзгариши имкониятлари ва ҳ. к.) ва ўзининг аввал ишлаб чиққан мақсадларини аниқлаштиради. Халқаро муносабатлар соҳасидаги мутахассислар, америкалик Г. Снайдер ва П. Дизинг шу муносабат билан ташқи муҳит образларда (низога киришган томонларни улар ривожланишининг узоқ истиқболидан келиб чиқиб баҳолашни акс эттиради) ва «кундалик» образларда (долзарб, ҳозир мавжуд нуқтаи назарларга қарашлардаги ўзгаришларни акс эттиради) рўй берувчи ўзгаришларни фарқлайдилар.

Бу каби баҳоларни аниқлаштириб бориб, ҳокимият томонларнинг тинимсиз ўзгариб бораётган қарашларини қиёслашлари, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари тактикасини тушунишлари, қарши томонлар келишиши мумкин бўлган нуқталарни илғашлари керак бўлади. Охир-оқибатда низо кечишини белгиловчи турли хил микро ва макроомилларни баҳолаш унинг жадаллашуви тўғрисида аниқ тасаввур бериши керак: у пасаймоқдами ёки ортмоқдами? Хулосаларга мувофиқ равишда ҳокимият ҳаракатлари тактикаси ҳам тўғриланиши лозим бўлади.

Шу тарзда, жадаллашув пасайганда ҳокимлик тузилмаларининг диққати, одатда, кучсизланади, низони ҳал қилишга йўналтирилган манбалар миқдори эса камаяди. Ҳокимият низони шундай томонга буриб юбориши мумкинки, унда у ҳал ҳам

қилинмайди, сиёсий муносабатларга салбий таъсир ҳам кўрсатмайди. Низо кескинлигининг ортиши эса бутунлай бошқа ҳаракат тактикасини тақозо этади.

Умуман олганда, конфликтологлар таъкидлаганидек, зиддиятлар низога киришаётган томонлар сонининг ортиши, одамларнинг бу ўзаро муносабатларга ҳиссий жалб қилинишининг ортиши билан кўпайиб боради. Айниқса, қадриятлар даражасидаги, аввало, шаън-шавкат ва обрў ҳақидаги тасаввурлар, томонларнинг ўзини маънавий баҳолашига доир низода кескинлик жуда кучли. (Бу ҳолда томонлар принциплардан воз кечмаслик учун, уларни устун қўйиб, ҳар қандай келишув ҳақида ҳатто эшитишни ҳам истамайдилар ва низонинг якунланишини шахсий аҳамиятга эга ғалаба ёки мағлубият сифатида баҳолайдилар). Ҳар қалай кескинликнинг ортиши («сиёсий стресс»нинг ортиши) ҳокимиятни, аввало, ўзаро қарама-қаршиликнинг кескин, емирувчи шаклларига, биринчи навбатда, асосий давлат бошқаруви органлари функциялари бузилиши ва беқарорликка олиб келувчи шаклларига йўл қўймасликка ундаши керак. Айни вақтда низо кенгайишига йўл қўймайдиган бу чегаралар сиёсий муносабатларни ҳал қилишнинг қонуний услубларига таяниши, сиёсий мулоқотнинг конвенционал (қабул қилинган анъаналар доирасида — тарж.) услубини тутиб туриши лозим. Аммо юқоридагилар ҳокимиятнинг жамият учун энг хавфли ва агрессив кучларига нисбатан қонун доирасида қўрқитиш ёки зўрлик чораларини қўллашни инкор этмайди.

Интенсив низони керакли томонга йўналтириш учун ҳокимият доимо «ижтимоий муҳитни яратиши» лозим, жамоатчиликни томонлар фаолиятига берилган баҳолар, уларнинг қарашларидаги ўзгаришлар билан доимий таништириб бориши, вазият ривожланишига фуқароларнинг керакли эмоционал кайфиятини таъминлай оладиган, кучлар муносабатига ҳокимият баҳосини низодан чиқиш усулларини қабул қилишга мажбур этадиган ва ҳ. к. турли нуқтаи назарларни эълон қилиш. Жамоатчилик фикрига таянган ҳолда ҳокимият томонлар ҳатти-ҳаракатига самаралироқ таъсир кўрсатиши, улар фаолиятининг устун томонларини қўллаб-қувватлаши ёки унга тўсқинлик қилиши мумкин.

Энг умумий тарзда низога киришган томонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг уч турини ажратиш мумкин: рақиблар бир-бирига нисбатан мухолифлик муносабатларини доимо қайта тиклашини назарда тутувчи-рақобатли муносабатлар; томонлардан бири рақибининг манфаатини инкор этиб бир томонлама устунликка эришишга интилувчи-индивидуалистик муносабатлар; баҳо-

да иштирок этаётган томонларнинг бошқалар манфаатларини ҳурмат қилиши ва зиддиятлардан чиқиш йўлларини биргаликда излашга тайёрлигини намоён этувчи-кооператив муносабатлар.

Шундай қилиб, ҳокимият назарида низога киришган томонлар ўртасида самарали ўзаро муносабат шаклларини тутиб туриш учун изчил равишда муваффақиятли тактикани излаши, бунинг учун ўз хатти-ҳаракатларининг тузилиши ва усулларини ўзгартириб бориши; қарорлар қабул қилиш тартибининг самарасини ошириш учун коммуникация жараёнларини мукаммаллаштириши, сиёсий курашнинг жамият бирлиги ва яхлитлиги ортишига сабаб бўлувчи меъёр ва қоидаларини қўллаб-қувватлаши зарур. Низо ривожланиши босқичида ҳокимият фаолиятининг қанчалик муваффақиятлилиги уларнинг томонлар ўртасидаги кескинликни қонуний усуллар билан камайтиришни қанчалик таъминлаганлиги билан белгиланади.

Низонинг тугаши босқичи

Бу энг мураккаб босқич, чунки янгитдан шаклланаётган сиёсий кучлар нисбати мунозарали муносабатлар тугаши натижаларига боғлиқ.

Конфликтологияда, одатда, низо тугашининг икки асосий варианти кўриб чиқилади: томонлар келишувига эришиш мумкинлиги ёки уларни келиштириб бўлмаслиги (яъни боши берк кўчага кириб қолиш, низони ҳал қилиб бўлмаслиги). Бу икки қутб ўртасида аввалги интенсивликнинг сақланиши томонлар ўзаро мухолифлигининг пасайиши ёки аксинча, ортишини акс эттирувчи низо ривожланишининг бир қатор вариантлари мавжуд. Низо ҳал қилинмайдиган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда у тугамайди ва гўё «айланма ҳаракатни» амалга оширади. Бу эса низони бошқариш субъектидан аввалги икки босқичга мувофиқ келувчи ўз ҳаракатлари ва тадбирларини қайта кўриб чиқишни ва такрорлашни талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, бундай вазият низони назорат этиш, бошқаришни такомиллаштириш ёки унинг янги тактикасини излашни тақозо этади.

Низода иштирок этаётган томонларни яраштириш эса, юқорида айтилганидек, тўла ёки қисман ҳал қилиниш табиатига эга (яъни мунозарали муносабатлар асоси сақлангани ҳолда низодаги томонлардан бири ёки бир неча томон ўз ҳаракатини ўзгартириши ёки томонларнинг бундай муносабати негизини йўқ қилиш асосида низонинг ҳал қилиниши).

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, низо ўз-ўзидан, уни онгли ҳал қилишга уринишларсиз бартараф этилиши мумкин (масалан, баҳс мавзуси долзарблигини йўқотиши, сиёсий субъектлар чарчаганлиги, манбалар тугаши ва ҳ. к.).

Яраштиш учун низони бошқарувчи субъект ҳодисаларнинг шундай ривожланишини таъминловчи воситалар топиши лозим. Номи авал тилга олинган Ж. Фавье бунга келишув, ён босиш, итоат этиш, бирон нарсадан воз кечиш, ўтмиш билан алоқаларни узиш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Е. Нордлинжер тилга олган ҳал қилиш тамойиллари ичида кучларнинг барқарор иттифоқлари, ҳаракатлар нисбати тенглигига риоя қилиш, ўзаро тийилиб туриш ҳуқуқини таъминлаш мавжуд. Р. Даль (ҳодисаларнинг боши берк кўчага кириб қолганини мустасно қилганда) томонлар ярашувининг мажбурий ва тинч воситалари тўғрисида сўз юритишни маъқул кўради.

Энг типик воситаларни ҳисобга олган ҳолда томонларни яраштиришнинг икки энг умумий йўлини кўрсатиш мумкин:

1. Қуйидагилар натижасида низони тинч йўл билан ҳал қилиш: дастлабки мавқени сақлаган ҳолда келишувга эришиш; ўзаро ён босишларга асосланган битим; бир ёки бир неча томонлар манбаларининг тугаши натижасида рақобатни давом эттириш имконининг йўқлиги; баҳс давомида томонлар ўртасида ўзаро ҳурмат, рақибнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тоқатлилик.

Бу ярашув йўли, кўпинча, бир томон иродаси билан эмас, низога киришган томонларнинг фаоллиги билан боғлиқ. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгашида якдил овоз тамойили унинг ҳар бир аъзоси мавқеини ҳисобга олишни назарда тутади.

2. Итоат асосидаги ярашув ёки бошқача қилиб айтганда, муносабатларнинг «буйруқ усули» (П. Шаран) қўлланилиши томонлардан бирига рақиб далил-асосларини инкор қилиш имконини беради. Бу тарзда ўзаро алоқаларни томонлардан бири (ёки учинчи кучнинг ҳамма томонларга) мажбурлаб ўтказиши асосида қуйидагилар ётиши мумкин:

- бир томонда кучлар ва манбалар устунлигининг (сақланган, эришилган) очиқдан-очиқ мавжудлиги:
- низоли томонлардан бирининг яккаланиши, мақомининг пасайиши, шунингдек, унинг ўйин қоидаларига кўра мағлубиятга учраганини тасдиқловчи ҳолатлар;
- рақибнинг йўқ қилиниши, «ялпи қирилиш» (Х. Шпейер) натижасида тинчлик душман йўқлиги шароитида ўрнатилади.

Низони бошқарувчи субъектнинг томонларни яраштиришнинг у ёки бу воситаларига йўналганлиги низолар кечаётган сиёсий жараённинг ўзига хослиги билан ҳам аниқлаштирилиб борилади. Масалан, сайлов кампанияларининг вақти чекланганлиги ва даврийлиги улардан давлат қарорлари қабул қилиш

соҳасига амалда кириш учун фойдаланишга интилаётган кўп партияларни иттифоқлар тузишга, ҳатто, ўз сиёсий мухолифлари билан келишувга боришга мажбур қилади. Бу маънода компромисс стратегиянинг конфронтацияга нисбатан маъқулроқ мақсади сифатида чиқади.

Жамиятни тубдан қайта қуриш, ривожланишнинг сифат жиҳатидан янги йўлларини танлаш шароитида рақиблар билан фақат келишув услублари асосида иш кўришга мойиллик кескинликни йўқотиш ва ғоявий қарашларни яраштиришга олиб келиши қийин. Бу ҳолларда томонларни ҳам тинч, ҳам мажбурий яраштириш усулларини ўз ичига олган ҳаракатнинг мураккаб тактикасини танлаш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, низоларни ҳал қилиш учун бошқарув субъекти томонидан танланган воситалар, албатта, мамлакат (минтақа, субъект)нинг маданий-тарихий, цивилизацион хусусиятларига мос келиши, баҳс кечишининг вақт шароитларини ҳисобга олиши, иштирокчиларнинг руҳий белгилари билан тўғриланиши зарур.

Низоларни бошқариш технологияларида томонларни яраштиришнинг энг кенг тарқалган воситаси — музокаралардир (кўпинча, улар давомли бўлади). Музокаралар жараёнида томонлар фикр алмашади ва бу муқаррар равишда низо кескинлигини камайтиради, мухолиф далил-асосларини тушунишга ёрдам беради ва, демак, кучлар нисбати ярашув шартларини ҳақиқатга яқин баҳолашга ёрдам беради. Музокаралар ён босувларни тенглаштириш, муқобил вазиятларни хотиржам кўриб чиқиш, қарашларнинг очиқлигини намойиш этиш, рақибнинг қинғир ишлари самарадорлигини бўшаштириш имконини беради. Айнан шу шароитда низонинг ўзаро даъволар моҳиятини очиб берувчи ўрта нуқтасини топиш осон бўлади.

Музокаралар жараёни махсус савдолашиш технологиясига, яъни дастлабки марраларни сақлаш ёки устунликка эга бўлиш, мухолифлар билан тил топишиш ёки музокараларни боши берк кўчага киритиб юбориш, бир томонлама устунлик ёки томонлар талабларининг ўзаро тенг қондирилишига асосланган.

Америкалик мутахассислар М. Дейч ва С. Шикман фикрича музокаралар самарадорлигини ошириш ва, демак, томонлар талабларининг тўлароқ қондирилиши учун қуйидагиларга амал қилиш зарур: мавжуд муаммоларни баҳсда иштирок этаётган одамларнинг субъектив манфаатдорлигидан изчил равишда ажратиб бориш; диққатни принципларга эмас, реал қарама-

қаршиликларга қаратиш; қарорларнинг бир нечта вариантини ишлаб чиқиш; асосан партиявий ёки мафкуравий мавқе ва қарашларни эмас, амалда мавжуд кучлар нисбатининг объектив белгиларини ҳисобга олиш[2]. Ён босишга ваъда бериш, шерикка эътиборли бўлиш — битимга эришиш имкониятларини анча ортиради. Пўписалар, куч билан босим ўтказишга интилиш эса бундай имкониятларни пасайтиради ва кўпинча, музокаралар жараёнини тўхтатиб қўяди.

Низо тугаганидан сўнг музокаралар (келишувлар, битимлар, куч босимининг) натижаларини шундай кўрсатиш лозимки, омма уларни мувофиқ равишда қабул қилиши ва масалан, шаънини ерга урувчи тинчлик, мағлубият ва ҳ. к. тарзида қарамаслиги лозим. Шу тарзда қабул қилинган қарорларни шубҳа остига қўйиш мумкин бўлган кайфиятларга ўрин қолдирилмайди. Шу маънода низони бошқарувчи субъектнинг ғалаба, мағлубият, бошқа баҳоларни акс эттирувчи, одамларнинг оммавий фаоллигини рағбатлантирувчи ижтимоий онг учун типик бўлган стереотиплар, фикрлаш стандартларини қўллай олиш маҳорати алоҳида роль ўйнайди. (Масалан, ҳарбий ҳаракатларда мувафаққиятсизликнинг тимсоли, одатда, пойтахтнинг қўлга киритилиши ёки етакчининг қамалишидир)

Музокараларнинг натижаларини сақлаб қолишга фақат яраштувнинг зарур тимсоли, рамзини ҳамда ҳамюртлар билан мулоқотнинг керакли оҳангини топиш орқали эришиш ва низодан кейинги муносабатлар кескинлашувининг олдини олиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳокимиятлар ва бошқа ҳар қандай сиёсий субъектлар низонинг ҳар бир босқичидаги долзарб вазифаларни ҳал қила олиш қобилияти уларга сиёсий жараёнда ўз мақсадлари ва манфаатларини самарали амалга ошириш учун қўшимча имконият беради.

Низолар вужудга келувчи, ривожланувчи муҳит — сиёсий жараёнлардир. Хўш, бу қандай ҳодиса?

---

[2] Deutch M., Shicman S. Conflict in Social Psychological Perspective//Political Psychology: Contemporariy Problemas and Issues. San Francisco, 1986. 241-243 — бетлар.

21-БОБ

СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР

§ 1. Сиёсий жараён моҳияти ва таркиби

Сиёсий жараён тушунчаси

Сиёсий жараён-сиёсий фаннинг марказий ва ўзига хос категорияларидан биридир.

Айрим олимлар уни сиёсат тушунчаси билан бир маънога эга, деб ҳисоблайдилар (Р. Доуз). Айримлари эса сиёсий жараёнларнинг ўзига хослигини ёхуд сиёсий жараён фаолияти натижаси (Т. Парсонс), ёки гуруҳларнинг мақом ёхуд ресурлар учун рақобати ва кураши динамикаси (Р. Дарендорф), ёки субъектларнинг ўз манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш чоғидаги хулқ-атвор жиҳатларидан (Ч. Мерман) излайди.

Ана шу хилма-хил ёндашувлар доирасида сиёсий жараён ўзининг энг муҳим манбалари, ҳолатлари, таркибий қисмларини намойиш этади. Айни вақтда сиёсий жараённинг хилма-хил назарий талқинларига қарамай, у сиёсат субъектларининг етакчилар ниятига ёки партиялар дастурларига кўра эмас, турли ички ва ташқи омиллар натижасида шаклланган реал ўзаро таъсирини акс эттиради, деб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда сиёсий жараён индивидлар, гуруҳлар, ҳокимият институтлари ўзларидаги барча стереотиплар, мақсадлар, хурофотлари билан ўзига хос роллари ва функцияларини амалга ошириш учун бир-бирлари ва давлат билан ўзаро таъсирга киришадилар. Инсон хулқ-атворининг турткилари, мотивлари ва вазият доимо ўзгариб боргани учун эса, сиёсий жараён воқеа, ҳодисалар ривожланишида қандайдир **белгиланганликни** истисно этади. Сиёсат мазмунини субъектларнинг ўз роллари ва функцияларини ижро этишнинг мавжуд шакллари орқали очиб бериш билан сиёсий жараён уларнинг рўёбга чиқиши қай тарзда сиёсий тизимнинг муайян таркибий қисмларини пайдо қилиши, яна бирларини ривожлантириши ва яратишини намойиш этади. Шу тарзда сиёсий жараён сиёсий тизимдаги ташқи ва ички **ўзгаришларни** очиб беради, унинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтишини тавсифлайди. Бунда сиёсий жараён учун ҳокимиятни амалга ошириш шакллари, қарорлар қабул қилиш усуллари ва ҳ. к. шаклларидаги ўзгаришларнинг даврийлиги (узоқ, қисқа муддатлилиги) муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсий жараённинг юқоридаги белгиларини ҳисобга олиб, у сиёсий тизим ҳаракати, динамикаси, эволюциясини, макон ва замонда унинг ҳолатлари ўзгаришини очиб беради, дейиш мумкин. Сиёсий жараён ҳокимият соҳасида институционаллашган ва институционаллашмаган субъектларнинг ўзларига хос функцияларини (дисфункцияларини) амалга ошириш бўйича ҳаракатларини англатади ва улар, охир-оқибатда, жамият сиёсий тизимининг тараққиёти ёки инқирозига олиб келади. Жамиятга тадбиқан сиёсий жараён ижтимоий ва сиёсий тузилмалар ва муносабатлар ўзаро таъсирини очиб беради, яъни жамият ўз давлатчилигини қай тарзда қуришини, давлат эса, ўз навбатида, жамиятни қандай «фатҳ этишини» кўрсатади. Ички мазмунига кўра эса сиёсий жараён ҳокимиятни амалга ошириш технологиясини акс эттириб, бошқарув тизимини қувватлаш (ёки ўзгартириш) борасида ўзига хос мақсад ва манфаатлар билан боғлиқ, нисбатан мустақил субъектлар, тузилмалар, институтларнинг локал ўзаро алоқалари бирлигидан иборат.

Сиёсий жараённинг таркиби ва ўзига хос томонлари

Ижтимоий муносабатларни бошқаришда у ёки бу сиёсий шаклларнинг жамият учун аҳамиятига кўра сиёсий жараёнларни **асосий** ва **асосий бўлмаганларга** бўлиш мумкин. Биринчиси, кенг ижтимоий қатламларни давлат билан муносабатларга олиб кириш усулларини, аҳолининг манфаатлари ва талабларини бошқарув қарорларига ўзгартириш шаклларини, сиёсий элиталарни шакллантиришнинг типик услубларини тавсифлайди. Бу маънода сиёсий иштирок жараёнлари ва давлат бошқаруви (қарорлар қабул қилиш, қонунчилик ва ҳ. к.) жараёнлари ҳақида сўз юритиш мумкин. Асосий бўлмаган сиёсий жараёнлар эса айрим сиёсий уюшмалар (партиялар, босим гуруҳлари ва ҳ. к.) шаклланиши динамикасини, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг ривожланишини, сиёсий тизимдаги ҳокимиятни амалга оширишдаги устун шакллар ва услубларга жиддий таъсир кўрсатмайдиган бошқа алоқалар ва муносабатларни очиб беради. Айни вақтда асосий ва асосий бўлмаган сиёсий жараёнлар рўёбга чиқиш вақти ва табиатига кўра, субъектларининг рақобат ёки ҳамкорлик меъёрларига таянишига кўра фарқланади, улар очиқ ёки яширин тарзда кечиши мумкин. Масалан, очиқ сиёсий жараёнда фуқаролар ва гуруҳларнинг манфаатлари уларнинг давлат ҳокимиятига доимий даъволарида намоён бўлса, ўз навбатида, давлат ҳокимияти бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш босқичини жамоатчилик назорат қила олиши учун имконият яратади. Бунга қарама-қарши равишда яширин жараён оммавий тарзда расмийлашмаган сиёсий институтлар ва ҳокимият марказлари-

га, шунингдек, фуқароларнинг давлат бошқаруви расмий органларига мурожаати шаклида баён этилмаган ҳокимиятга доир даъволари асосланади.

Сиёсий жараёнларнинг ҳар бири ўзининг ички маромига, яъни ўз субъектлари, тизилмалари, институтлари ўзаро таъсирининг такрорланиши даврийлигига эга. Масалан, электорал жараён сайлов даврлари билан боғлиқ шаклланади. Шунинг учун аҳолининг сиёсий фаоллиги ҳам номзодларни (қонун чиқарувчилар, ижро этувчилар) органларга илгари суриш, уларни муҳокама этиш, сайлаш ва фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ ривожланади. Одатда фаолликнинг энг юқори нуқтаси сайлов вақтига тўғри келади. Шундан сўнг сиёсий ҳаёт осудалашади, бошқарувчиларни назорат қилиш функциялари эса майдалашиб-чигаллашиб кетади.

Давлат бошқарувидаги даврийликни ҳукмрон партиялар фаолияти белгилаши мумкин. Масалан, собиқ СССРда КПССнинг навбатдаги съездлари «тарихий» вазифалар, беш йиллик марраларни белгилаш билан барча институтларнинг ички ва ташқи майдондаги фаолияти маромини аниқлаб берган. Айни вақтда, бугун — ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилиш даврида — давлат муассасалари фаолияти маромига, аҳолининг сиёсий иштироки услубларига ҳал қилувчи таъсирини бошқарувнинг олий органлари қарорлари эмас, сиёсий кучлар нисбати ва мавқеини ўзгартирувчи айрим сиёсий ҳодисалар кўрсатади (масалан, ГКЧПнинг 1991 йил августидаги давлат тўнтаришига уриниши, 1993 йил апрель референдуми, 1993 йил октябридаги инқироз). Сиёсий жараёнга шунга ўхшаш «узуқ» маромни бир қатор Африка-Осиё мамлакатларидаги ҳарбий тўнтаришлар берган бўлиб, улар бошқарувнинг институционал тузилмаларини ҳам, аҳолини сиёсий ҳаётга олиб кириш шароитларини ҳам ўзгартириб юборган.

Охир-оқибатда, сиёсий жараённинг барчасини ягона мақсад, яъни субъектларнинг давлат ҳокимияти қабул қиладиган сиёсий қарорларга таъсир қилиш эҳтиёжи бирлаштиради. Шунинг учун аҳамияти жиҳатидан турлича сиёсий жараёнлар иштирокчиларининг бош вазифаси — давлат ҳокимияти институлари қабул қиладиган бошқарув қарорларига ўз манфаатлари ва талабларини киритишдан иборат.

Давлат ҳокимияти институтлари гуруҳнинг талабларини ҳисобга олиш ва сиёсий ривожланишнинг коллектив мақсадларини ишлаб чиқишда энг муҳим қурол бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа унинг фаолиятида барча айрим сиёсий жараёнлар бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишнинг у ёки

бу жиҳатини билдиради. Давлат институтлари фаолияти ҳокимият марказлашуви даражаси ва сиёсий ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқишда иштирок этувчи гуруҳлар ўртасида ваколатлар тақсимланишини белгилайди. Давлат ҳокимияти — институтлари ўз барқарорлиги ва сафарбарликдан фойдаланиб, ҳатто, жамиятда кўпчилик манфаатларига мос келмайдиган, сиёсий анъаналардан узилган ва фуқаролар менталитетига зид меъёрлар ва мақсадларни (демак, улар билан боғлиқ хусусий манфаатларни ҳам) тутиб тура олади.

Сиёсий жараённинг кечиш тартиби

Давлат бошқаруви институтлари шакллари, услублари ва функцияларининг ўзгариши билан асосий ва асосий бўлмаган сиёсий жараёнлар ҳам ўзгаради. Одатда уларнинг уч тартибда кечиши кўрсатилади. Биринчиси — амал қилиш тартиби, сиёсий тизимни фуқаролар ва давлат институтлари ҳокимияти ўзаро алоқалари анъанавий доирасидан ташқарига олиб чиқмайди. Бу ҳолда сиёсий жараёнлар ҳокимият тузилмаларининг элита ва электорат, сиёсий партиялар, маҳаллий бошқарув органлари ва ҳ. к. ўртасидаги кундалик муносабатларини такрор ишлаб чиқаришни акс эттиради. Сиёсий жараён иштирокчилари алоқаларида анъанавийлик ва узвийлик ҳар қандай янгиликлардан устун келади.

Сиёсий жараёнлар кечишининг иккинчи тартиби — ривожланишдир. Бу ҳолда ҳокимият тузилмалари ва механизмлари давлат сиёсатини аҳолининг янги ижтимоий талаблари, давр анъаналарига мос жавоб бера оладиган даражага олиб чиқади. Сиёсий ўзгаришларнинг бундай табиати давлат ҳокимияти институтлари, ҳукмрон доиралар ижтимоий қатламларидаги ўзгаришларга, мамлакат ичида ва халқаро майдонда рўй берадиган ўзгаришларга мос бошқарув услублари ва мақсадларини топа олганликларини билдиради. Бу — сиёсий тизимнинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига мослиги ортиши, мураккаблашиши, гуруҳлар ва фуқароларнинг турли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳокимликнинг нозик стратегиялари ва технологияларини қўллай олишига олиб келади.

Ва, ниҳоят, сиёсий жараён мавжудлигининг учинчи тартиби — **инқироз**, сиёсий яхлитликнинг емирилишидир. П. Б. Струве айтганидек, бу — сиёсатнинг «регрессив метамарфозаларидир». Бу ҳолда сиёсий ўзгаришлар (манфаатлар артикуляцияси усулларида, элиталарни саралашда, қарорлар қабул қилишда ва ҳ. к.) сиёсий тизим яхлит мавжуд бўлиши меъёрлари ва шартларига нисбатан салбий табиатга эга. Энтропия ва марказдан қочиш тенденциялари бу ерда интеграциядан устун туради, сиёсий

субъектларнинг парчаланиши ва бошқарув тартибининг емирилиши муқаррар бўлиб қолади. Натижада, тизим қабул қилаётган қарорлар ижтимоий муносабатларни бошқариш ва тартибга солиш қобилиятини йўқотади, тартибнинг ўзи эса барқарорлик ва легитимликдан жудо бўлади.

Сиёсий жараённинг шу тарзда кечишига ёрқин мисол қилиб собиқ социалистик мамлакатларнинг кўпчилигини келтириш мумкин. У ерда ҳукмрон доиралар бошқарувда даврнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий талабларига жавоб бера олувчи мос тадбирлар ва усулларни топа олмадилар.

§ 2. Сиёсий иштирок

Сиёсий иштирок моҳияти

Ҳар бир давлат тарзида уюшган жамиятда фуқароларни сиёсатга у ёки бу тарзда жалб этиш мавжуд. Аммо олимлар одамларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишлари зарурлигини турлича тушунадилар. Сиёсий фикрда Руссо, Маркс ва бошқа бир қатор анъаналар асосчилари ва давомчилари фуқароларнинг сиёсий ҳаётда ялпи иштирокларини талаб этадилар. Масалан, Ленин кўп марталаб социализмда «тўғридан-тўғри, қонунлар билан таъминланган <...> барча аҳолининг давлатни бошқаришда иштирок этиши»[1] тўғрисида фикр юритган. Янги сўлларнинг айрим назариётчилари (Л. Гудмен, Т. Хейден, Ф. Фонон) ҳам фуқароларнинг «рамзий» сиёсат (овоз бериш)да иштироки етарли эмаслигидан келиб чиқиб аҳолини, албатта, қарорлар қабул қилиш жараёнига тортиш зарурлигини талаб этадилар. Бу каби ғоялар партисипаторлик демократиясининг замонавий назарияларида муайян ўрин эгаллайди.

Айни вақтда ушбу нуқтаи назарнинг назарий (ва мафкуравий) мухолифлари фикрича «фуқаролар эга ягона иштирок воситалари <...> етакчилар учун овоз бериш ва мунозаралардир».[2] Бундан 50 йил аввал америкалик олим Липманн ўртача америкаликдан давлат ишларига қизиқиш кутиш — унда сиёсий билимлар ва ҳаракатларга хавфли эҳтиёж борлигини тахмин қилиш билан баробар, деган фикрни айтиб ўтган эди.

Тан олиш керакки, фуқароларнинг сиёсатга жалб қилинишига эҳтиёж ва унинг даражаси жамиятдаги муайян вазият, маънавий муҳитга боғлиқ, шунингдек, фуқароларнинг кўпчилиги сиёсатда

[1] Ленин. В. И. Полн. собр. соч. Т. 2. 106-107-б.

[2] Pateman C. Participaation and Democratic Theory. Cammbrige. 1970. P. 5.

доимий иштирок учун на маблағ ва на имкониятларга эга. Сиёсатчи бўлишни истамаган одамлар учун бу — қўшимча куч, билим, рақобатга руҳий тайёргарлик талаб қилувчи соҳа-ички жозибага эга эмас. Аксинча, у кўпинча инсоннинг салбий ҳиссиётлари тўкилиб-сочиладиган, ижтимой қизиққонлик, шахс инқирози соҳа — сига айланади. Бу қонунбузарликнинг турли шаклларида, сиёсий терроризм, коррупцияда ва ҳ. к. намоён бўлиши мумкин.

Назарияда индивиднинг сиёсатга кириб бориш сабаблари сифатида қуйидагилар кўрсатилади: инсон онгининг у ёки бу ҳолати (масалан, ўзининг ижтимоий мавқеига хавф сезганда — Лассуэл; ўз манфаатларини оқилона ва аниқ англаш ва янги мақомни эгаллаш зарурати — Лэйн; ҳаётда муваффақият ва ижтимоий шон-шуҳрат истаги — Доунс; ижтимоий бурчни англаш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, ижтимоий тизимда ўзини сақлаб қолиш билан боғлиқ хавотирлар ва ҳ. к.), муайян маданий-маърифий даражага эришиш; ахборотга эгалик ва бир қатор бошқа омиллар. Алоҳида сабаблар сифатида давлатнинг (сиёсий тузилмалар ва институтларнинг) фуқароларни сиёсатга мажбуран жалб қила олиш қобилияти қаралади.

Биргаликда буларнинг барчаси индивиднинг ўз фуқаролик мавқеи ҳақидаги тасаввурлари билан реал, давлат ана шу мавқени ўзгартириш ёки мустаҳкамлаш учун яратиб берган имкониятлар нисбатини акс эттиради. Шу тариқа, сиёсий иштирок индивидга (фуқаролар гуруҳларига) ўзининг ҳокимиятга доир манфаатларини танлаш ва баён этиш механизмларига кириш жараёнини очиб беради. У давлат ҳокимияти органлари ва институтларининг умуммиллий ёки маҳаллий даражада қабул қилаётган сиёсий қарорларнинг мазмуни ва табиатига таъсир қилишга интилувчи айрим шаҳслар ва фуқаролар гуруҳларининг барча ҳаракатларини тавсифлайди.

Сиёсий иштирок шакллари ва турлари

Сиёсий иштирок шакллари ва турларининг хилма-хиллиги мавжуд субъектнинг муайян хусусиятларига (жинс, машғулот тури, диний эътиқоди, маълумоти ва ҳ. к.), бошқарув тартибига (ва ўз навбатида, давлат фуқароларига ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун берадиган воситалар йиғиндисига), шунингдек, муайян сиёсий вазятга боғлиқ.

Ушбу шартларга кўра америкалик сиёсатшунослар С. Верба ва Л. Пай сиёсий иштирокнинг қуйидаги кўринишларини ажратади: фуқароларнинг ниҳоятда пассив сиёсий иштироки шакллари; одамларнинг фақат ваколатли органларни сайлашда ишти-

роки; индивидларнинг фақат маҳаллий муаммоларини ҳал қилишга жалб этилганлиги; сайловолди кампанияларнинг фаол иштирокчилари хулқ-атвори: ўз фаоллигини бутун сиёсат соҳасида намойиш қилувчи сиёсий фаолларнинг хулқ-атвори; сиёсатчининг касб фаолияти сифатида иштироки.

Уларнинг ватандоши Миллбэрт сиёсий иштирокнинг «фаол шакллари» (давлат ва партия муассасаларига раҳбарлик, ҳокимиятнинг ваколатли органларига номзодлар фаолияти, сайловолди кампаниялар ва ҳ. к.), «оралиқ шакллари» (сиёсий мажлисларда иштирок этиш, партияларни пул билан қўллаб-қувватлаш, расмий шахслар ва сиёсий етакчилар билан мулоқот ва ҳ. к.), «кузатувчи» шакллари (намойишларда шиорлар кўтариб юриш, бошқа фуқароларни овоз бериш ёки мунозара жараёнига тортиш ва ҳ. к.), шунингдек, «лоқайд» шакллари ҳақида сўз юритишни маъқул кўради.

Сиёсий иштирок шакллари ва турлари хилма-хиллиги асосида кўриниб турибдики, улар **кўлами**, ижтимоий тарқалиш соҳасига кўра фарқланади. Бошқача қилиб айтганда, индивид ўз манфаатларини сиёсий воситалар билан ё умумиллий даражада, ё маҳаллий муаммолар доирасида, ё кичик ишлаб чиқариш жамоаси, ё ҳудудий ўз-ўзини бошқариш ва ҳ.к. доирада иштирокини назарда тутади. Бунда сиёсий иштирок шакллари тўғридан-тўғри, индивиднинг бевосита ҳаракатларида намоён бўлувчи ва унинг сиёсатга турли гуруҳлар, ташкилотлар ва тузилмалар орқали бавосита киришини тавсифловчи шаклларда бўлиши мумкин.

Сиёсий иштирок **жадаллиги** муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Партиялар, сиёсий ҳаракатлар, манфаат гуруҳлари ва ҳ. к. ларнинг фаоллари унинг бир қиррасини ташкил этса, бошқа қирраси лоқайдлик, одамларнинг сиёсатдан бегоналашуви, ижтимоий ҳаётнинг бу соҳасига тўлиқ бефарқлиги ҳосил қилади. Фуқароларнинг сиёсатдан безиш сабабларига ҳокимият олиб бораётган сиёсатдан қониқмаслик, ижтимоий тизимдан ажралиб кетиш (масалан, турли люмпенлашган қатламлар), фақат шахсий, маиший эҳтиёжларга йўналганлик ёки ҳукмрон элита ва етакчиларга тўлиқ ишонч каби тўлиқ қарама-қарши сабаблар чиқиши мумкин. Ўз навбатида, ҳаётини сиёсий курашларда ўтказишга мажбур қилувчи сабаблар ҳам хилма-хилдир. Ҳар қалай, сиёсий иштирокда ҳаддан зиёдлик хавфлидир. Сиёсий муносабатларга ортиқча жалб қилинганлик ижтимоий мавжудликнинг рақобатли услубини мутлақлаштиради, асабга босимни оширади, инсоннинг маънавий тамойилларини ҳаддан зиёд мақсадга йўналган қилади ва ҳаётга гу-

руҳдаги муносабатлар орқали қарашга мажбур қилади. Бошқа тарафдан, ҳокимиятдан узоқ вақт бегоналашганлик ва демак, мунозара олиб бориш, келишув излаш кўникмаларининг йўқлиги, одамларда ўз ижтимоий талабларини радикаллаштириш ва, ҳатто, экстремизмга мойилликни келтириб чиқаради, аҳоли ва ҳокимият муносабатларининг кескин шаклларини яратади.

Аҳолининг кўпчилиги учун асосий ва тажриба кўрсатишича, маъқул иштирок шакли — ҳокимиятнинг ваколатли органларига сайловлардир. Индивид ва давлат ўзаро таъсирининг бу шакли элиталар ва унга кирмаганлар ваколати соҳаларини аниқ ажратади, одамларга турли даражада фаоллик кўрсатиш имконини беради ва муҳими, ортиқча руҳий зўриқишларни истисно қилувчи вақт оралиғида кечади. Сиёсий иштирокнинг энг тарқалган шакллари ҳақида шуни айтиш мумкинки, улар уюшган ва уюшмаган, доимий ва даврий, индивид ва ҳокимият ўзаро таъсирининг анъанавий ва ноанъанавий шаклларига йўналган бўлиши мумкин. Сиёсий ҳаракатларнинг сабаблари нуқтаи назаридан **мухтор** (индивиднинг сиёсатга онгли белгиланган кириши шаклларини акс эттирувчи) ва **сафарбарлик** сиёсий иштироки (фуқароларнинг давлат ёки бошқа сиёсий тузилмалар босими остида сиёсатга кириб келиши) шакллари ҳақида сўз юритиш мумкин. Давлат ичида амал қилаётган қонунларга муносабат асосида **конвенционал** (яъни легал, қонунчиликка мувофиқ) ва **ноконвенционал** (ноқонуний) сиёсий иштирок шаклларини ажратиш мумкин.

Сиёсий норозилик

Сиёсий тизим, амал қилаётган бошқарув тартиби учун аҳоли норозилигини баён этувчи сиёсий иштирок шакллари ва усуллари эга. Сиёсий норозилик индивид (гуруҳ) томонидан жамиятда шаклланган сиёсий вазиятга ёки давлатнинг айрим органлари ва сиёсий рақибларнинг муайян ҳаракатларига нисбатан салбий реакциясининг бир кўриниши.

Одатда, сиёсий норозилик ҳокимиятни амалга оширишнинг самарасиз стратегиялари ва технологиялари (озчилик ҳуқуқларининг чекланиши, шахснинг ҳокимиятга эътироз қилиш учун ҳуқуқлари озлиги, бир қатор чеклашлар, масалан, овоз беришда мулкий, таълим чекловлари в.б.) қўлланганда пайдо бўлади. Унинг асосий манбаларига — фуқароларнинг жамиятда ҳукмрон қадриятларга заиф боғлиқлиги, тартибот эълон қилган сиёсий мақсадлар билан унга бирдам эмаслиги (уларни нотўғри, адолатсиз ёки эскирган, деб ҳисоблагани учун), фуқаро ва давлат ўзаро муносабатлари мавжуд тизимидан руҳий қониқмаслик, ўз келажагидан қўрқиш (қатағон, сиёсий эътиқоди учун таъқибни кутиш).

Норозиликни келтириб чиқарган сабаблар қандайлигига кўра фуқаролар ўз мақсадларига мавжуд сиёсий тизим асослари ва

тамойилларини, бошқарув тартибини ўзгартирмай ҳукумат сиёсатини тўғрилаб бориш билан ёки ҳокимият мавжудлигининг туб асослари ва усулларини ўзгартириш учун кураша бориб эришиши мумкин. Бу маънода сиёсий норозилик шакллари конвенционал ҳамда ноконвенционал бўлиши мумкин.

Хусусан, конвенционал шаклларга ҳокимият рухсат этган намойишлар, пикетлар, ҳукуматнинг у ёки бу қарорига эътироз билдирувчи партияларнинг сиёсий қарорлари ва парламент аъзоларининг сўровлари, фуқаролар итоатсизлигининг айрим ҳоллари киради. Ноқонуний сиёсий норозиликка типик мисол бўлиб, турли ёшлар, аёллар, экологик ҳаракатларнинг «анъанавий сиёсий шаклларининг замонавий ҳаёт шароитига мос эмаслигини»[3] намойиш этишлари ҳам киради. Хиппилар, ҳудудий, диний в. б. жамоалар (кўпгина Ғарб мамлакатларида муайян сиёсий нуфузга эга муқобил ҳаракатлар) ҳаракатлари ўзларининг ўзгача, янги ҳаёт услубларини излаш билан бирга муайян сиёсий талабларни ҳам илгари сурадилар, хусусан, «демократик масъул давлат» идеали учун курашадилар. Аммо улар тарғиб қилаётган турмуш тарзи ўзига хослигига қарамай, улар, одатда, қонун доирасида фаолият юргизиб, ноқонуний сиёсий тадбирларга мурожаат этмайдилар.

Ноқонуний ноконвенционал сиёсий норозилик шаклларига ҳокимият таъқиқлаган ноконституциявий намойишлар ва юришлар, яширин сиёсий партиялар фаолияти, сиёсий терроризм, шунингдек, жамият учун энг емирувчи сиёсий иштирок шакллари — инқилоблар киради. Бундай ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида давлатлар сиёсий тартибининг конституцион асосларини такомиллаштириш тадбирларини белгилашади. Улар мавжуд ҳокимият тизимидаги туб белгиларни ўзгартиришни ҳам назарда тутади (яъни гуруҳ ва фуқаролар сиёсий таъсирининг чегараларини аниқлаб беради), лекин айни вақтда аҳоли сиёсий иштирокининг рухсат этилмаган шаклларини истисно этади.

§ 3. Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни

Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнининг ўзига хослиги ва тузилиши

Сиёсий қарорларни қабул қилиш — турли гуруҳ ва фуқароларнинг сиёсий талабларини бутун жамият учун маъқул ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг восита ва услубларига айлантириш жараёнидаги марказий элемент. Қисқа қилиб айтганда, қарор қабул қилиш — сиёсий ҳокимиятни ижтимоий жараёнларни технологик бошқаришга айлантиришдир.

Моҳиятига кўра, ушбу жараён сиёсий тизим «кириши» да ҳам, «чиқиши»да ҳам мавжуд бўлади. Бунда аҳоли талабларининг ортиши, «муҳит»нинг ижтимоий «ғазаби» бошқарув кўламини кенгайтиради ва унинг сиёсий ҳаётни ташкил этишдаги ролини оширади. Бошқа тарафдан, қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга ошиши бошқарув тартиби обрўси ва мададга эгалиги даражасига бевосита таъсир этади.

Ҳозирги вақтда, сиёсий фанда қарорлар қабул қилиш жараёнини тушунишда икки хил ёндашув шаклланган. Масалан, **меъёрий** назария уни мураккаб вазиятларда сиёсий мақсадларни оқилона танлаш жараёни тарзида талқин этади. Бундай танловни оптималлаштиришнинг муҳим воситалари сифатида турли математик моделлар, операциялар тадқиқоти ва бошқа амалий усуллар таклиф этилади. **Хулқ-атвор** назарияси ушбу жараённи одамларнинг ўзига хос ўзаро таъсири сифатида қараб, муайян вазиятда қарорлар қабул қилишга таъсир этувчи хилма-хил омилларни тавсифлашга йўналган.

Бу каби ёндашувлар бошқарув жараёнининг икки томонлама табиатини акс эттиради. Бир томондан, улар бошқарув институтлари ва органлари, қарорлар қабул қилиш регламенти ва тадбирлари, техник ходимлари роли ва бу жараёнда банд бўлганларнинг барчасини моддий таъминлашнинг аҳамиятини — бир сўз билан айтганда, одамлар сиёсий фаолиятининг бу шакли акс этувчи оқиллиги, технократизмни билдирувчи ташқи ва ички омиллар аҳамиятини — таъкидлашида. Бошқа тарафдан, бу жараёнда, одатда, бошқарувчиларнинг шахсий тажрибаси, сезгилари, билимлари, шахсий алоқалари ҳукмронлик қилади. Яна жамиятда қарорларни қабул қилишнинг тўлиқ назорат қилиш қобилиятига эга бирорбир ягона гуруҳ, одатда, мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу жараён доимо «рақобатдаги қадриятларнинг келишуви ва ярашувини»[4] билдиради ва бу ишдаги субъективизм ролини оширади, холос.

Шундай қилиб, сиёсий ҳокимият бошқарувчиларнинг шахсий таъсирлари орқали амалга ошади ва қарорлар қабул қилиш қоидалари ва тадбирларининг назорат ва тартибга солишига қарамай бу жараёнга тасодифийлик ва олдиндан башорат қилиб

[3] Benton S. The Party is Over // Maarxism Today. 1989. Hol. 33. № 3. P. 37.

[4] Ponton G, Gill P. Antrouction to Politics. London. 1985. P. 145.

бўлмаслик элементларини киритади, деб тан олишимиз зарур. Охир-оқибатда эса, қарорлар қабул қилиш жараёни оқиллик ва нооқиллик, тузилма ва ҳокимият институтларининг ўзаро алоқалари оқилона уюштирилганлиги ва бошқарувчиларнинг анчагина субъективлигини билдиради.

Бу икки асос қарорлар қабул қилишнинг турли босқичларида — тайёргарлик, қарор қабул қилиш ва уларни амалга оширишда турлича мувофиқлашади ва ўзаро таъсирга киришади.

Қарорлар қабул қилишнинг тайёргарлик босқичи

Бу босқичда умумий ижтимоий контекстдан сиёсий табиатга эга талаблар ва ихтилофлар ажратиб олинади. Шу тариқа кун тартиби, яъни сиёсий воситалар ва бошқарув услублари билан счилиши зарур бўлган муаммолар бирлиги шаклланади.

Ҳукмрон тартиб долзарб муаммоларни аниқлай олишига сиёсий ҳодисаларни олдиндан кўра олиши, инқирозлар келиб чиқишининг олдини ола билиши ёки уларга бўлиб ўтганидан сўнг чора излаши боғлиқ бўлади. Одатда, бу босқичда турли гуруҳлар муҳим ижтимоий муаммоларни қай тартибда ҳал қилиш кераклиги тўғрисидаги ўз тушунчаларини ҳимоя қиладилар. У ёки бу ижтимоий масалалар долзарблигига ҳар хил муносабат мафкуравий талаблар ҳукмрон доира вакилларининг ўз ролларига кўра умидлари, шахсий мойилликлар, тажриба ва бошқа сабабларга асосланади. Масалан, муҳим ижтимоий муаммоларга эътиборсизлик сафарбарликка мойиллик кучлилиги билан изоҳланиши мумкин (А. Бахрах), яъни ҳокимиятнинг аҳолидаги у ёки бу эҳтиёжга анъанавий тарзда тушунмовчилик билан ёндошиши, ҳукмрон гуруҳларга зиён етказмаслик, элиталарнинг ўз манфаатлари ҳақидаги хато тасаввурлари ва ҳ. к.

Бу жараёнда турли тузилмалар — расмий (парламент қўмиталари, кенгашлар, босим гуруҳлари) ва норасмий (сиёсатчилар, экспертлар ва ҳ. к. ларнинг шахсий иттифоқлари) — фаол рол ўйнайди. Бунда йирик, стратегик ёки кундалик, майда, лекин зарур масалаларга оид қарорлар тайёрланаётгани катта аҳамиятга эга. Биринчи ҳолда сиёсий гуруҳлар ва кучларнинг ошкора ёки яширин мунозараси анча кескинроқ кечади, ҳукмрон доиралардаги кескинлик ортиб, ҳокимиятнинг яширин дастаклари таъсири кучаяди. Аммо, умуман, «кун тартибига» у ёки бу муаммоларни киритиш ёки қайсидир масалаларни сиёсат соҳасига киритмай тутиб туриш»[3] аслида ҳокимиятга эгаликни англатади.

[3] Orride A. W. № on — decisions / Ed by A. W. Orribge. London. 1980. P. 32.

«Кун тартиби»ни ишлаб чиқишнинг асосий шарти — ахборотга эга бўлишдир. Аслида ана шу ахборот бошқарувчилари учун муаммоли вазиятни вужудга келтиради: энди у ёки бу масалага қандай муносабатда бўлиш керак? Қарорлар қабул қилиш соҳасидаги таниқли мутахассис Э. Квейдга кўра ахборот қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши зарур бўлган принципиал ҳолатларни акс эттириши зарур. Бу зарурият қарор қабул қилувчи органларда ижтимоий жараён ҳақида тўғри маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш имкониятлари мавжудлигини тақозо этади.

Қарор учун «хом ашё» га айланишдан аввал тўпланган ахборот қарор қабул қилувчи шахслар учун устун қадриятлар ва масалаларни кўриб чиқиш қоидалари ва регламенти билан мувофиқлаштирилиши зарур. Бу регламентлар макротабиатли (яъни қарор қабул қилишнинг конституцион тарзда белгиланган тартибини ўз ичига олувчи: парламент кун тартибига масалани киритиш учун 50% дан кам бўлмаган қонун чиқарувчилар овоз бериши талаб қилингани сингари) ёки микросиёсат омиллари таъсирини ҳисобга олувчи (давлат номидан сўз юритувчи сиёсатчиларга экспертлар фикрини тақдим этиш тартибини белгиловчи) бўлиши мумкин. Қоидаларнинг униси ҳам, буниси ҳам қарорлар қабул қилишда иштирок этибгина қолмай, ўз ҳокимлик мақомини мустаҳкамлашга уринаётган барча учун амал қилади. Ҳокимиятлар фавқулодда вазиятлар (урушлар, жиддий ички сиёсий инқирозлар) шароитида қарорлар қабул қилишнинг резерв тизимига ўтганида бу регламентлар ва қоидалар бекор қилиниши ва янгилари билан алмаштирилиши мумкин.

Тайёргарлик босқичида вужудга келган бир қатор муаммолар ва зиддиятлар қарорлар қабул қилишнинг кейинги босқичларида ҳал этилиши мумкин. Буларга қарор қабул қилувчи субъект идентификацияси (қарор қабул қилиш ваколатига эга шахслар қарор қабул қиладими ёки сиёсий аҳамиятга эга масалаларни саралашга энг кўп таъсир кўрсатувчи шахсларми?) ҳукмрон ва мухолиф элиталар, етакчилар, бошқарув аппарати техник ходимлари ўртасидаги, ҳукмрон элитанинг тармоқдаги вакиллари (ҳарбий, маъмурий, аграр, саноат, савдо) ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва ҳ.к. киритилиши мумкин.

Қарорлар қабул қилиш босқичи

Ишлаб чиқилган ва мувофиқлаш-тирилган «кун тартиби» асосида ривожланишнинг сиёсий мақсадлари ва уларга эришиш йўллари баён этилади. Мақсадлар узоқ ва яқин муддатли, оралиқ ва якунловчи, биринчи ва иккинчи даражали бўлиши мумкин (А. Нагель). Бунда бош масала

— амалий мақсадларни баён этишдир. Улар ҳукумат баён этаётган ва асосан, ижтимоий фикрга, вазифаларга қаратилган мақсадлардан фарқ қилиши мумкин. Амалий мақсадлар йўл қўйиш самара ва мувофиқлик талабларига мос келиши зарур (Рост, кўпинча мақсадларни баён этиш «чекланган рационаллик»ка (Г. Симон) йўлиқиши, яъни бошқарувчилар ҳаммасини, ҳатто қарорлар қабул қилиниши натижасида юзага келадиган энг йирик оқибатларни кўра олмаслиги мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Бунинг устига, ўтиш даврларида ижтимоий жараёнлар мавҳумлиги шароитида самарали қарорлар умуман бўлмаслиги ҳам мумкин).

Одатда сиёсий мақсадлар уч турдаги институтлар кесишишида шаклланади: давлат ҳокимиятининг расмий органлари, манфаат гуруҳлари ва жамоатчилик механизмлари (масалан, мустақил ОАВлари). Аммо бу жараёнда марказий ўринни доимо давлат олий органлари ўйнайди, негаки, бу ерда барча сиёсий кучлар босими шакллари тўқнашади. Шунинг учун, сиёсий мақсадларни баён этиш механизми унитар давлатларда, унитар бошқарувли яримпрезидентлик давлатларида, парламент-федерал тузилишли жамиятларда муҳим жиҳатлари билан фарқ қилади ва ҳ.к.

Турли сиёсий кучлар таъсирини ҳисобга олиб, шунингдек, давлат бошқаруви институтларининг мураккаб тузилиши туфайли (уларда ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг турли сегментлари муаммога, одатда, турлича ёндашадилар) сиёсий мақсадлар, аксарият ҳолларда, зарур натижаларга эришишнинг бир неча йўлини таклиф этувчи ёки бир мақсадни турли усуллар билан амалга оширишни назарда тутувчи муқобил кўринишда баён этилади. Д. Дьюи таъкидлаганидек, «оқилона сиёсат» — вариантларни танлаш (ҳар бир ҳолда эҳтимол қилинаётган фойда ва сарфлар баҳосини тақозо этувчи) билан иш кўради, «ҳа-йўқ» вазияти билан эмас.

Умуман, бу босқичда қарорларни баён этиш ва қабул қилиш олий ҳокимиятнинг марказлашганлиги (марказлашмаганлиги) даражаси билан ва унинг бошқарув маҳаллий органлари ҳуқуқларига нисбатан устунликлари, партиявий ва давлат тузилмалари ўзаро таъсири, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти бузилганлиги даражаси ва улардаги элиталар ваколатлари мувозанати, давлат бюрократияси фаолияти устидан ижтимоий назорат шаклларининг ривожланганлиги ва ҳ. к. ларга боғлиқ.

Танланган фаолият турининг табиати ва долзарблиги қарор қабул қилувчи муайян шахсга ва муаммоли вазиятнинг давомийлигига боғлиқ.

Қарорларни муайян шахслар (сиёсатчилар, давлат хизматчилари) ва гуруҳий субъектлар (расмий ва норасмий) қабул

қилишлари мумкин. Уларда ҳам, буларда ҳам ижобий ва салбий томонлар бор.

Масалан, гуруҳлар томонидан қабул қилинган қарорлар, одатда, анча пухта ўйланган бўлади. Айни вақтда уларнинг муаммоли вазиятга муносабати жуда секинлик билан ишлаб чиқилади, бу эса, айниқса, инқирозли вазиятларда жуда салбий оқибатларга олиб келади. Гуруҳий субъектга, шунингдек, масъулиятни тарқатиш хос. Бу халқ қўллаб-қувватламайдиган қарорлар қабул қилишда, айниқса, муваффақиятли қўлланади. Махсус тадқиқотлар кўрсатишича, бошқарувчи гуруҳ муайян миқдор стандартларига жавоб бериши зарур. Уларга риоя қилмаслик ички гуруҳлар пайдо бўлишига, ўз навбатида буларнинг кураши мунтазам равишда қарорлар қабул қилинмаслигига олиб келиши мумкин.

Алоҳида сиёсатчилар қабул қилинаётган қарорлар учун шахсий масъулиятни зиммаларига олганликлари туфайли мақсадларга эришишда изчиллик ортишига туртки берадилар. Айни вақтда, муайян шахс фаолияти турли яширин таъсирларга доимо кўпроқ мойил бўлади.

Бунинг устига айрим сиёсатчилар учун ўз имиджлари устида ишлаш, гуруҳлари ўртасида (ҳокимият таркибида ўз мавқеини сақлаб қолиш мақсадида) ҳаракат қилиш бошқарув ташвишлари билан шуғулланишдан афзалроқ. Р.Вагнер таъкидлаганидек, сиёсатчилар, уларнинг ҳокимлик мақомларига кам таъсир кўрсатувчи йирик сиёсий қарорлар қабул қилишдан кўра, тақсимот жараёнларида иштирок этишга кўпроқ мойилдирлар. Муайян сиёсий қарорлар қабул қилишда маълум шахсдаги ваколат ва малака ўртасидаги зиддият кучлироқ намоён бўлади.

Муайян тарзда гуруҳий ва индивидуал бошқарув субъекти фаолиятидаги фарқларни интеллектуал мадад тузилмалари (маслаҳатчилар, ёрдамчилар) камайтиради. Улар илмий-таҳлилий функцияларни бажаради ва энг маъқул қарорлар қабул қилинишига ёрдам берадилар.

Қарорлар қабул қилиш услублари

Сиёсий жараённинг муайян босқичда сиёсий қарорлар қабул қилиш услублари ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларнинг ўзига хослиги ва бошқарув тузилмаларида шаклланган анъаналарга боғлиқ. Америкалик олим Р. Говард таъкидлаганидек, сиёсий ҳаётда, одатда, таҳдидли, эҳтимолли масалалар ҳал қилинади, уларнинг натижаларини ҳисоблаб чиқиш мушкул ва улар ижтимоий мавҳум шароитларда қабул қилинади. Бу каби вазифаларнинг мураккаблигига қарамай, тарихда, аслида уларни ҳал қилишнинг биргина — пре-

шедент (аввал бўлиб ўтган ва кейинги ҳолатлар учун наъмуна бўлиб хизмат қилувчи ҳодиса — таржимон) усули ҳукмронлик қилган. Лекин сиёсатчилар кўпроқ синаш ва янглишиш йўлидан боришиб, ўз соғлом фикрлари, ақл ва сезгиларига ишонганлар. Албатта, ақл ва сезгилар бугун ҳам муҳим, лекин сиёсий жараёнлар тезлиги, хато ҳаракатларнинг ижтимоий баҳоси ҳокимият субъектларини қарорлар қабул қилишда анча ишончлироқ усуллардан фойдаланишга даъват этади.

Бошқарув соҳасидаги эътироф этилган мутахассислар, хусусан, Ч. Линдблюм, бугунги кунда қарорлар қабул қилишнинг икки асосий усули: оқилона-универсал ва изчил чеклашлар усуллари («тармоқлар услуби») мавжуд, деб ҳисоблайдилар[6]. Улардан биринчиси муаммони оқилона танлаш ва уларни ҳал этишнинг қўйилган мақсадларга энг мос йўлларини танлашни тақозо этади. Бу — масалани ҳал этишнинг идеал режаси, «тўғри фикрлаш» натижаси бўлиб, ҳар томонлама ахборот йиғиш, мақсадларни баён этиш ва уларни амалга ошириш воситаларини танлашда салбий оқибатларни энг кам даражага келтиришни назарда тутади.

Айни вақтда, амалда, сиёсатчилар фаолиятининг оқилона эмас, имкони бор туридан келиб чиқишлари ҳам тушунарли. «Инсоннинг ахборотдан фойдаланиш қобилияти бу моделда талаб қилинганидан анча паст <...> эҳтимол бошқарув жараёнининг ҳар бир аъзоси <...> ўз фаолиятида оқилдир, лекин жараён иштирокчиларининг кўпчилиги тўқнашганда, уларнинг коллектив фаолиятидаги оқиллик жуда нисбий бўлиб қолади».[7]

Бошқача қилиб айтганда, амалий сиёсатда ҳокимият мантиқий схемага, яъни муаммони қўйиш ва уни ҳал этиш тартибига кўпинча амал қилмайди. Сиёсатнинг аралашувини талаб этувчи реал муаммолар, одатда, тўсатдан пайдо бўлади ва ҳукмрон элиталар ўз мақсадлари ва афзалликларини белгилаб олишларидан анча аввал ҳаракат қила бошлашга мажбурдирлар.

Шу тариқа «тармоқлар услуби» амалда кўпроқ қўлланади, негаки, у одатдаги бошқарув фаолиятига инкрементал тузатишлар (инг. Increment — қўшилиб, ортиб бориш) киритиш зарурлигидан келиб чиқади. Бу эса кичик мақсадларни амалга ошириш имконини беради. Ҳукмрон элиталар ҳатто бошқарувнинг умумий стратегиясига хилоф ҳаракатларга йўл қўйиш билан ўз сиёсатларида аста-секин муваффақиятга эриша оладилар. Аммо

[6] Қаранг: Шаран П. Сравнительная политология. Ч. 2. М., 1992, 43-45-бетлар.
[7] Kindon J. W. Agendas., Alternatives and Public Policies. Michigan. 1984. P. 83.

давлат бошқарувида катта хатоларга йўл қўймаган элиталар бу тактикалари билан жамиятни ислоҳ қилишда йирик муваффақиятларга эриша олмайдилар.

Қарорлар қабул қилишнинг ҳар иккала усулига хос ижобий ва салбий томонларни ҳисобга олиб бир қатор олимлар, жумладан, А. Этциони, аралаш услубнинг самаралироқлигини таъкидлашади. У бир томондан, жамиятдаги сиёсий муаммоларга кенг рационал қараш ва уларнинг умумий, типик хусусиятларини ажратишни, иккинчи томондан, муайян вазиятда вужудга келган қандайдир бир муаммони ҳал этиш учун зиддиятларнинг туб асосларини очиб берувчи тасаввурларни қўллашни назарда тутади. Сиёсий бошқарув самарадорлигига — умумназарий, рационал билимларни муайян масалаларни ҳал қилишда изчил қўллаш орқали эришиш мумкин.

Бошқарув қарорларини амалга ошириш босқичи

Бу босқичда ҳокимият марказлари қабул қилган қарорларини ҳаётга тадбиқ этади. Умуман, бу босқич ихтилофлар ортиб бориши билан ажралиб туради, чунки ҳамма сиёсат субъектлари ўзларига бирдек маъқул бўлмаган қарорларни у ёки бу даражада ижро учун қабул қилишлари лозим. Бунда ҳукуматга нафақат мухолифат, балки юқорида қабул қилинаётган қарорларни ўз манфаатларини ва эҳтиёжларини ҳимоя қилиш учун мослаштиришга интилувчи ҳокимиятнинг қуйи органлари ҳам қаршилик кўрсатади. Муҳими шундаки, қарорлар қабул қилишда ижро органларининг роли кескин ортади, бу эса уларга ўз ваколатларини ошириш, шунингдек, қонунларни бузиш имконини бериши мумкин.

Қарорлар қабул қилувчи ташкилотлар баён этилган мақсадлар борасида зарур сиёсий келишувга эришиш учун «қачон бошлаш, нимани таклиф этиш, қандай ҳаракат қилиш» ни билишлари зарур[8].

Барча тақдим этилаётган қарорлар камида мажбурий ва ҳуқуқий (қонунлашган) шаклда бўлиши лозим. Улар, шунингдек, қарорлар бажарилиши (бажарилмаслиги) учун масъулликни назарда тутиши ва адресли (яъни, ё барча гуруҳлар томонидан, ё аҳоли айрим қатламлари, ёки муайян шахслар томонидан бажарилишга қаратилган) бўлиши лозим. Шунга кўра қарорлар баённинг муайян шаклларида (яъни фуқаролик ҳиссиётларига мурожаат, фидоийликка чақириқ ва ҳ.к.лар сингари) бериши лозим.

[8] Hague R., Harrop V. Cjmparative Government and Politics: Anintro — Auction. London. 1987. P. 14.

Бошқарув ниятларини рўёбга чиқаришга ҳокимият умумий стратегияни белгилаб олиши, ҳаракатлар табиатини аниқлаши (яъни ихтилофга ёки ҳамкорликка мойиллик, зўрлик ёки консенсусли усулларни қўллаш, сиёсий савдо ёки тўғридан-тўғри босим, манипуляция, ижтимоий фикрни алдаш ва ҳ. к. воситалардан фойдаланиш) ҳам таъсир этади. Стратегияни танлаш ўз ресурсларини, уларнинг танланган ҳаракат йўналишини амалга оширишга етарлилигини исталган ёки амалга ошиши мумкин бўлган лойиҳалардан қайсинисини амалга ошириш маъқуллиги ҳақидаги оқилона баҳога таяниши лозим. Қабул қилинган қарорларга қаршилик даражаси эҳтимолини ҳам тўғри баҳолаш зарур; муваффақиятсизликлар рўй берса, ҳукумат ўз мақомини сақлаб қолиш ва бошқарув тизими беқарорлашувининг олдини олиш режаларини аввалдан ишлаб чиққан бўлиши керак; вазият ўзгариб қолганда қарорлар қабул қилишнинг эҳтиёт тизимига ўтишнинг бошқа шаклларига эга бўлиши лозим. Ҳаракатчан сиёсий стратегия ва ресурслардан фойдаланиш технологиясини амалга ошириш шартларига мақсадга эришиш учун қилинган илк қадамлар ҳақидаги ахборотни йиғиш, оралиқ натижаларини кузатиш, қабул қилинган қарорларни, мақсад ва унга эришиш воситалари ўртасида номувофиқлик рўй берган ҳолатларда, мувофиқлаштириб бориш киради.

Одатда, қарорларни амалга оширишнинг бир неча асосий турлари фарқланади: популизм, элитизм, консерватизм, демократизм ва радикализм. Сиёсий курсни амалга оширишнинг бу ҳар бир турига бошқарувнинг муайян усуллари, ҳокимият ва аҳоли ўзаро муносабатлари табиати, ҳокимлик қилишнинг ахборот тартиби мос келади.

Популизм ҳокимлик мақсадларига эришишнинг асосий воситаси сифатида жамоатчилик фикрига тўғридан-тўғри мурожаат қилишни, бевосита оммавий кайфиятларга таянишни назарда тутади. Шунинг учун у муқаррар равишда жамиятга таклиф этилаётган мақсадларни юзакилаштириш, қатор ҳолларда эса сийқалаштиришга қаратилган. Ҳукмрон элиталар натижага тез ҳаракатни таъминловчи ва барча зиддиятларни енгиш имконини берувчи қандайдир шиор, аҳолига мурожаат ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Бу ҳолларда кўпинча хушомад («коммунистлар — ижтимоий тараққиёт бошида»), ташқи ёки ички хавф билан қўрқитиш («ҳукмрон доиралар мафия қўлида»), асосланмаган ваъдалар («радикал ислоҳотлар иқтисоднинг тез ўсишига олиб келади») қўлланади. Популизм харизматик бошқарувда ёркин намоён бўлади. Лекин популистик чоралар демократик ва бошқа турдаги, бошқарувда рационал усуллардан фойдаланувчи тартиботларда ҳам сиёсий курснинг таркибий қисми сифатида мавжуд бўла олади.

Элитизмнинг ўзига хос белгиси фуқароларнинг қай тарзда бўлмасин сезиларли иштирокига нафақат қарорлар қабул қилиш ва уларни мувфиқлаштириш соҳасида йўл қўймаслик, балки электорат билан ўзаро муносабатларнинг воситали шаклларини рағбатлантириш, жамоатчиликнинг сиёсий ахборотларга эгалигини чеклаш, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишнинг ҳамма босқичлари ёпиқлигидир.

Консерватив сиёсатда ҳокимиятлар фаолиятида давлат ҳокимияти органлари таркиби ва функцияларини сиёсий бошқарувнинг анъанавий шакллари ва услубларини сақлаб қолишга ҳаракат устунлик қилади. Бундай бошқарув усуллари барқарор сиёсий режимлар учун хос бўлиб, улар фуқароларда ушбу жамиятда эъзозланиши ва авайлаб-сақланувчи қадриятлар ва идеалларга ички мойилликни тарбиялайди. Бу эса, алабатта, ватанпарварлик кайфиятларини кучайтиради ва ижтимоий ҳамда сиёсий организм яхлитлигини сақлашга хизмат қилади.

Сиёсий бошқарувдаги **радикализм** бутунлай тескари натижаларга олиб келади. Жамиятни инқилобийлаштириш, уни сифат жиҳатидан қайта қуриш ҳокимиятнинг мақсади бўлмаган ҳолларда ҳам қайта қуришнинг радикал усуллари билан амалга ошган ижтимоий ва сиёсий ўзгаришлар оқибати камдан-кам ҳолларда фуқаролар тинчлиги, тартиб, аҳоли ҳаётининг яхшиланишига олиб келади. Инқилобий тартиботлар бошқарувининг асосий усули — зўрлик ҳокимиятни фуқароларнинг оммавий қирғинига олиб келувчи ўзгаришлар воситасига айлантиради.

Глобал келажак мақсадлар туфайли одамлар манфаатлари ва ҳуқуқларини инкор этувчи радикализмдан фарқли ўлароқ **демократизм** фуқароларнинг реал эҳтиёжлари ва талабларидан, уларнинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан келиб чиқади. Оддий фуқаролар ва элита ўртасида ўзаро масъулиятли муносабатлар муҳитини тарбиялаш орқали демократик сиёсат одамлар ишончи, уларнинг ҳокимият билан очиқ ҳамкорлик қилиш истагига эришади. Сайлов цикллари тадбирларига, ҳокимият бўлинишига, мухолифат билан маданий муносабатларга риоя этиш, одатда, сиёсий бошқарув ихтиёридаги воситалардан қаттиққўл ижтимоий зўрликни истисно қилади, фуқароларнинг «ўз-ўзини интизомга тортиш ва ўз-ўзини мажбур қилиш» механизмларини рағбатлантиради (Н. Элиас).

Қарорлар қабул қилишнинг асосий талабларини қўллай билиш сиёсий тизимлар жадал ўзгараётган, уларнинг трансформацияси ва модернизацияси даврларида алоҳида аҳамият касб этади, негаки, бу шароитда сиёсий ҳаёт анъаналарига ва давлат ҳамда жамиятни бошқаришнинг синалган усулларига тўла кўламда таяниш мумкин бўлмай қолади.

22-БОБ

САЙЛОВЛАР

§ 1. Демократик сиёсий тизимда сайловларнинг роли

Сайловлар тушунчаси ва уларнинг демократик давлатдаги ўрни

Сайловлар — замонавий сиёсатнинг энг муҳим таркибий қисми. У **(сайлов тизимига мувофиқ) муайян қоидалар ёрдамида фуқаролар сиёсий иродасини баён этиш орқали ҳокимият ва бошқарув органларини шакллантириш услубидир.** Сайлов натижасида сайланган номзодлар ҳокимлик ваколатига эга бўладилар. Сайловлардан турли демократик ташкилотларда фойдаланилади: партиялар, касаба уюшмалари, кўнгилли уюшмалар, кооперативлар, акциядорлик жамиятлари ва ҳ. к. Бу бобда, асосан, давлат, бутун сиёсий тизим кўламида ўтувчи сайловлар ҳақида сўз юритилади.

Сайловлар доимо овоз бериш билан боғлиқ. Аммо бу тушунчалар қанчалик яқин бўлмасин, улар муҳим фарқларга ҳам эга. Сайловлар давлат органлари таркибини сайлашнинг конституцияда белгиланган, нисбатан доимий, даврий жараёнидир. Овоз бериш эса ҳар доим ҳам сайлов билан боғлиқ эмас. У тўғридан-тўғри демократиянинг турли шакллари: референдумлар, сўровлар, коллектив қарорлар қабул қилиш ва ҳ. к. ларда ҳам қўлланади.

Демократиянинг узвий таркибий қисми сифатида сайловлар унинг турли шакллари таъсирига чалинган ва турли моделларда турлича мавқе тутадилар.

Демократиянинг тўғридан-тўғри шаклларига, фуқароларнинг энг муҳим давлат қарорларини тайёрлаш ва қабул қилишда бевосита иштирокига асосланган сиёсий тизимларда сайловларнинг аҳамияти нисбатан кам. Бу ҳолларда фуқаролар томонидан сайланган давлат раҳбарларининг ҳокимлик ваколатлари қаттиқ чекланган. Бу эса —

сайловларнинг сиёсий аҳамиятини кескин пасайтириб юборади. Кўпчилик бевосита бошқарган, плебс шаҳар майдонида солиқ миқдори, уруш ва тинчлик, ҳакамлар ва лашкарбошиларни алмаштириш каби масалаларни ҳал қилган даврлардаги Афина республикаси шундай давлатга мисол бўла олади.

Замонавий демократия шароитида сайловлар — уларнинг ўзак механизми, халқ суверенитети намоён бўлишининг ҳокимият манбаи сифатидаги сиёсий ролининг бош шакли. Улар, шунингдек, ҳокимият органларида турли ижтимоий гуруҳлар манфаатини тақдим этишнинг энг муҳим канали бўлиб хизмат қилади. Умумий сайловларда ҳар бир фуқаронинг иштирок этиш ҳуқуқи назарда тутилади. Кўпчилик, айрим мамлакатларда эса аксарият фуқаролар учун, сайловлар сиёсатда иштирок этишнинг ягона шаклидир. Улар ҳокимиятга энг кўп таъсир ўтказиш имконини беради: парламент ва ҳокимиятларни сақлаб қолиш ёки алмаштириш, уларнинг халқ олдидаги масъулиятини таъминлаш, сиёсий курсни алмаштириш ва ҳ. к.

Сайловлар — ижтимоий ва сиёсий ҳаётда тез-тез учрайдиган ҳодиса, негаки улар бошқарувнинг турли институтлари ва даражаларига таъсир этади: парламент, президент, маҳаллий ҳокимият органлари. Масалан, АҚШда ҳар тўрт йилда бир марта федерал ва умуммиллий президент сайловлари ўтказилади, ҳар икки йилда — конгресснинг қуйи палатаси — вакиллар палатасига сайловлар ўтказилади. Шу вақтнинг ўзида — икки йилда бир марта Конгресснинг юқори палатаси — сенатнинг учдан бир қисми олти йил муддатга сайланади. Штатларда мунтазам равишда губернаторлар, қонунчилик йиғинлари, бош прокурорлар ва бошқа масъул шахслар сайланади, маҳалий даражада — мэр, маслаҳатчилар, хазиначилар, клерклар, судьялар, шерифлар, констеблар, мактаб назоратчилари, ва ҳ. к. учун овоз берилади. Умумий ҳолатни партиялар, касаба уюшмалари, кўп сонли кўнгилли уюшмалардаги сайловлар тўлдиради. Электорал шаклларнинг кўплиги фуқароларга сиёсий фаолликларини намоён этиш ва давлат ҳамда жамоатчилик ишларига таъсир кўрсатиш имконини беради.

Демократия шароитида сайловларнинг функциялари

Сайловларнинг замонавий жамият ҳаётига таъсири хилма-хил ва бу уларнинг энг муҳим функцияларида акс этади. Илмий адабиётларда сайловларнинг қуйидаги функциялари ажратиб кўрсатилади:

— **аҳолининг хилма-хил манфаатларини аниқлаш, саралаш ва тақдим этиш.** Сайловлар даврида фуқаролар ўз манфаатларини

англашлари ва уларни партияларнинг ҳамда айрим депутатларнинг сайлов дастурларига киритишлари учун энг қулай имкониятлар яратилади. Сайловлар вақтида оммавий мададга эга бўлишга интилиб депутатлар ва сайлов кампаниясида иштрок этувчи ОАВлари аҳоли талаб ва таклифларига алоҳида диққат қаратадилар. Бу — фуқаролар ўз манфаатларини англашлари ва тақдим этишлари жараёнини фаоллаштиради. Сайловолди дастурларида манфаатлар сараланиб, аниқ ибораларда баён этилади, мувофиқлаштирилади, ўрта миёна ҳолатга тушурилиб, зиддиятсиз, қўлланилишга тайёр шаклга келтирилади ва сайловлардан сўнг кўп депутатлар ўз ваъдаларини унутса-да, халқ вакиллари, умуман олганда, нафақат маънавий сабабларга кўра, партия нуфузи ва бўлажак сайловларда сайловчилар мадади зарурлигидан келиб чиқиб ўз мажбуриятлари ва электорат талабларига йўналган бўлади;

— **ҳокимият институтлари устидан назорат.** Сайловлар натижасида ҳукумат устидан назоратнинг энг муҳим институти — парламент ташкил топади, шунингдек, одатда конституция ва қонунлар бажарилишини диққат билан кузатадиган мухолифат расмийлашади. Парламент назорати суд маҳкамаси ҳамда бевосита сайловчилар фикрига таянади. Келгуси сайловларда мағлуб бўлишдан хавфсираб, ҳукумат танқидларни инобатга олишга мажбур. Бундан ташқари, сайловларнинг ўзи назоратнинг энг муҳим институтидир, негаки, улар сайловчиларга доимий равишда ҳукмат ва мухолифат ҳақида ҳукм чиқариш, ҳокимият органларининг таркибини ўзгартириш, сиёсий ривожланиш йўналишини тўғрилаб бориш имконини беради;

— **хилма-хил фикрларни яқинлаштириш ва умумий сиёсий иродани шакллантириш.** Замонавий жамиятларда плюрализм ўз чегараларига эга. Анархия, тартибсизлик ва умумий вайроналик келтирувчи ихтилофларга олиб келмаслиги учун у фуқароларнинг умумий манфаатлари ва қадриятларини акс эттирувчи давлат томонидан бошқарилишга муҳтож. Сайловлар ёрдамида кўпчилик фуқароларнинг муайян сиёсий дастур ва уни тақдим этаётган етакчилар атрофида бирлашиши таъминланади, давлатдаги устувор сиёсий ирода шаклланади. Бу ироданинг баён этилиши ҳукумат обрўси ва унга кўрсатилаётган мададни таъминлайди, бу эса унинг самарадорлигини оширади.

— **сиёсий тизимни легитимлаш ва барқарорлаштириш, шунингдек, ҳокимиятнинг муайян институтларини: парламент, ҳукумат, президент ва ҳ. к. ларни легитимлаш:** фуқароларнинг сайловда иштирок этиши, одатда, уларнинг сиёсий тизим шу турини, сиёсий

тартиботни, ҳокимият органларини шакллантириш қоидаларини, аҳолининг муайян масъул шахслар, ҳукумат ва ҳукмрон партияларга муносабатидан қатъий назар, қабул қилишлари, тан олишларини англатади. Сайловлар фуқароларга уларга номаълум ҳукуматни ва депутатларни қайта сайлаш, ўрнига ишончга сазовор одамларни қўйиш имконини беради. Шу тариқа, муайян ҳукумат ва унинг сиёсати инқирозга учраса, бу-фуқароларнинг сиёсий тизимни ҳам инкор этишларига ва сиёсий тизим барқарорлигига путур етишига олиб келмайди, мавжуд сиёсий тартибни инқилоб йўли билан емириш сингари интилишга айланмайди. Шунинг учун ҳам сайловларни кўпинча халқ норозилигини чиқариб юборишга хизмат қиладиган ва бутун сиёсий «қозонни» қизиб кетиб портлашдан асровчи клапанга ўхшатишади. Сайлов ёрдамида умуман сиёсий тизимгина эмас, балки парламент, ҳукумат ва ҳокимиятнинг айрим бошқа таркибий қисмлари ҳам легитимлашади, уларнинг давлатни бошқариш ҳуқуқи эътироф этилади;

— **коммуникацияларнинг, ҳокимият институтлари ва фуқаролар ўртасидаги ваколат муносабатларининг кенгайиши.** Сайлов жараёнида номзодлар фуқаролар билан доимо учрашиб турадилар, уларнинг фикри ва илтимосларини тинглайдилар, ўз сайловолди дастурларига ўзгартиришлар киритадилар. Сайловлар — ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги юқоридан қуйига қаратилган алоқаларнинг муҳим йўналиши. Уларнинг самарадорлиги давлат раҳбарлари ва аҳоли ўртасидаги муносабатлар табиатини, ишонч ёки ишончсизликни, сиёсий иштирок ёки бегоналашув, мадад ёки курашни белгилаб беради;

— **каналлашув, яъни сиёсий ихтилофларни институционаллашган тинч бартараф этиш йўлига ўтказиш.** Сайловлар қарама-қарши манфаатлар ва қадриятларни, ғояларни очиқ ва оммавий тарзда халқ эътиборига тақдим этиш, ихтилофларнинг қайси томони қандай реал мададга суянишини аниқлаш ижтимоий фикр авторитети ва давлат институтлар ёрдамида ихтилофга киришган томонларни энг кескин талаблардан ва курашнинг ноқонуний шаклларидан воз кечишга кўндириш имконини беради. Ихтилоф иштирокчиларининг уни электорал тарзда ҳал қилишга мойиллигининг ўзи, одатда, уларни кескинликни юмшатиб ён босишга кўпчилик учун маъқул счимларни излашга ундайди;

— **сайловчиларни долзарб ижтимоий масалаларни ҳал қилишга сафарбар этиш.** Фуқароларга шахсий дастурларини тушунтира бориб, одамларни муайян сиёсий қадриятлар ва мақсадларни қабул қилиш зарурлигига ишонтирадилар, уларни амалга ошириш йўлла-

рини кўрсата бориб, партиялар ва алоҳида олинган депутатлар шу орқали аҳолининг кенг қатламларини ва ижтимоий фикрни мамлакат учун муҳим сиёсий фаолиятга сафарбар этадилар;

— **аҳолининг сиёсий ижтимоийлашуви, унинг сиёсий онгини ва сиёсий иштирокини ривожлантириш.** Сайлов жараёни мобайнида фуқаролар сиёсий қадриятлар ва меъёрларни, айниқса, тез қабул қилиб, сиёсий тажриба ва кўникмаларга эга бўладилар. Бу вақтда сиёсий ахборот ва тарғибот оқими кескин ортиб, хилма-хил сиёсий-маърифий ишлар фаоллашади, одамларнинг эътибори долзарб сиёсий муаммолар ва уларни ҳал қилишнинг муқобил йўлларига қаратилади. Фаолларнинг кенг қатламлари партия ва алоҳида номзодларнинг тарғибот — ташвиқот ва ташкилий ишларига бевосита жалб қилинадилар. Сайловчилар бир қарорга келар экан, ўзларини у ёки бу даражада муайян сиёсий кучларга мансуб деб ҳисоблайдилар. Буларнинг ҳаммаси уларнинг сиёсий фаоллиги ва иштирокини белгилайди.

— **сиёсий элитани саралаш.** Сайловлар — фуқароларнинг сиёсий элита таркибига киришининг сиёсий стакчилар сиёсий ўсиши, қарор топиши ва сўнишининг энг муҳим каналидир. Сайловлар натижасида ҳукмрон ва мухолиф элита таркиби янгиланади, партиялар ва улар вакилларининг сиёсий нуфузи ўзгаради;

— **муқобил сиёсий дастурлар рақобатли кураши асосида жамият янгиланишини келтириб чиқариш.** Сайловлар — давлат ва жамиятга институционаллашган, бетартиб таъсирлар учун очиқ ойна мисоли. Улар турли сиёсий кучларга ижтимоий муаммоларга ўз қарашларини тақдим этиш ва муаммоларни ҳал қилиш йўлларини илгари суриш имконини беради. Шу орқали ривожланишнинг энг маъқул йўлларини излаш рағбатлантирилади, сиёсий қадриятлар ва муқобил моделларнинг рақобатли танлови таъминланади, самарасиз сиёсатни енгиб ўтиш ва янги, ҳаётий ғоялар ҳамда сиёсий дастурлар қарор топиши учун қулай имкониятлар яратилади;

— **самарадор мухолифатни яратиш ва уни сиёсий бошқарув функциясини бажаришга тайёрлаб бориш.** Самарадор мухолифат ҳукуматнинг танқиди ва назоратини амалга ошириш, ҳамда муқобил сиёсатни ишлаб чиқишга лаёқатли бўлиши зарур. Сайловлар, хилма-хил сиёсий кучларни ўз дастурларини очиқдан-очиқ таққослашга, ён босишга, иттифоқлар тузишга даъват этади ва шу орқали мухолифатнинг бирлашишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, сайлов натижаларига кўра парламентда вакилларига эга бўлгач, баъзан эса федерация субъектларида ҳукуматни бошқариш жараёнида мухолифат ҳокимият тепасига кел-

ган тақдирда давлатни масъулият билан ва малакали бошқаришга тайёрланади.

Юқорида санаб ўтилган функцияларни сайловлар фақат демократик тарзда ташкил этилгандагина бажаради. Сайловлар аввал бошданоқ демократияга хизмат қилиш билан боғлиқ, шунинг учун унинг умумий концепцияси ва қадриятларини ўзида акс эттиради. Уларнинг бош ижтимоий **вазифаси — фуқароларнинг фикрини ва иродасини айнан акс эттириб, ҳокимият органларида асосий ижтимоий гуруҳлар вакиллигини таъминлаш, шунингдек, самарали ҳукуматни шакллантиришдир.**

§ 2. Эркин демократик сайловларнинг асосий тамойиллари

Сайлов ҳуқуқи тамойили

Ўзининг ижтимоий вазифасини сайловлар фақат муайян тамойилларга асосланган-дагина бажара олади. Бундай тамойилларнинг икки гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, сайловда ҳар бир фуқаро мақоми, ҳолатини белгилаб берувчи сайлов ҳуқуқи тамойили; иккинчидан, сайловларни ташкил этишнинг умумий тамойиллари, улар сайловлар демократик табиатининг асосий ташкилий, шу жумладан, ижтимоий шартларини белгилайди.

Сайлов ҳуқуқининг демократик тамойилларидан ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. **Умумийлик.** Барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, келиб чиқиши, касби, тили, даромади, бойлиги, таълим даражаси, эътиқоди ёки сиёсий қарашларидан қатъий назар, сайловларда иштирок этишнинг фаол (сайловчи сифатида) ва пассив (номзод сифатида) ҳуқуқига эга. Умумийлик жуда оз цензлар, яъни фуқароларни сайловда иштирок этишлари шартлари билан чекланиши мумкин; ёш цензи сайловларда фақат муайян ёшдан, одатда, балоғат ёшидан, иштирок этишни тақозо этади. Номзодлар ёши бир оз юқорироқ бўлиши керак. Ноқобиллик цензи руҳий касаллар сайлов ҳуқуқларини чеклайди, бу — суд қарори билан тасдиқланиши керак. Маънавий ценз озодликдан маҳрум этилганларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклайди ёки ундан маҳрум қилади. Турғунлик цензи ушбу жой ёки мамлакатда муайян вақт яшашни сайловларга қўйилиш шарти сифатида қарайди.

Ғарб мамлакатларида узоқ вақт ёлланма ишчилар, камбағаллар, аёлларни сайловда иштирокини тасдиқловчи мулкий в. б. бир қатор цензлар мавжуд бўлган. (Францияда бу ценз

1944 йилда, Италия ва Японияда — 1945 йилда, Грецияда — 1956, Швейцарияда — 1971, Португалияда — 1974 йилда бекор қилинган). АҚШда негрларнинг сайловда иштирокига доир охирги чеклашлар 50-70-йилларда қабул қилинган қарорлар билан бекор қилинган. Дунёнинг демократик давлатларида умумий сайлов ҳуқуқи бевосита иккинчи жаҳон урушидан сўнг қарор топди. Бу — демократия ривожида янги босқични очиб берди, «оммавий сиёсат» даврини бошлаб берди, замонавий партиявий ва сиёсий тизимлар шаклланишига олиб келди.

2. **Тенглик**. Ҳар бир сайловчи мансублигидан қатъий назар фақат бир хил баҳоланувчи бир овозга эга. Бунда фуқаронинг сайловчи сифатида мавқеига на унинг мулкий аҳволи, на лавозими, на бошқа қандайдир ижтимоий ёки шахсий сифатлари таъсир қилиши мумкин эмас. Сайлов ҳуқуқининг тенглиги, шунингдек, сайлов округларининг ҳам тахминан тенглигини назарда тутади. Бу — номзодни сайлаганда сайловчилар овозлари тахминан бир хил салмоққа эга бўлиши учун зарур. Амалда сайлов округларининг тенглигини доимо таъминлаб келиш жуда мураккаб ва қиммат, шунинг учун ушбу тамойилдан айрим чекинишлар рухсат этилади. Масалан, ГФР сайлов қонунига кўра сайлов округлари аҳоли сонига кўра учдан бир миқдоргача фарқ қилиши мумкин.

3. **Овоз беришнинг яширинлиги**. Муайян сайловчи қарорининг сир тутилиши. Бу тамойил танлов эркинлигини таъминлайди, фуқароларни таъқиблар эҳтимолидан, шунингдек, таъмагирликдан халос этади. У фақат пассив сайлов ҳуқуқига нисбатангина амал қилади. Овоз беришнинг яширинлиги амалда овоз бериш тадбирлари ёпиқлиги, овоз бериш учун ёпиқ кабиналар мавжудлиги, бюллетенларнинг бир хиллиги, уларга барча номзодлар номининг киритилиши ёки қоғоз бюллетенлар ўрнига, овоз беришнинг яширинлигини таъминловчи овоз бериш жараёнини соддалаштирувчи ва натижаларни санашни осонлаштирувчи махсус машиналарни қўллаш, сайлов қутиларини муҳрлаш, овоз бериш яширинлигини бузган шахсларни қаттиқ жазолаш ва ҳ. к. лар орқали таъминланади.

4. **Тўғридан-тўғри (бевосита) овоз бериш**. Сайловчи сайланадиган лавозимга муайян номзод бўйича бевосита қарор қилади, мавжуд шахс учун овоз беради. Сайловчилар ва номзодлар ўртасида уларнинг иродасига воситачилик қилувчи ва номзодларнинг шахсий таркибини бевосита белгилаб берувчи қандайдир ташкилотлар йўқ. Фуқаролар фақат сайловчилар ёки номзодни бевосита сайловчи махсус органни сайлаган ҳолларида бавосита сайловлар ҳақида гап кетади.

Бундай сайловлар шахсий иштирокка асосланмаганлиги, сайловнинг мавҳумлиги туфайли фуқароларнинг овоз беришга қизиқишларини сўндиради ва абсентизм ривожланишига сабаб бўлади. Улар сайловчилар иродасини йирик партиялар ёки иттифоқлар фойдасига нотўғри акс эттиради, негаки, сайловларнинг ҳар бир даражасида ортдаги партиялар олган овозлар йўқолиб боради. Бизнинг кунларда тўғридан-тўғри бўлмаган сайловлар камдан-кам қўлланади.

Сайловларни демократик тарзда ташкил этишнинг умумий тамойиллари

Демократик сайлов ҳуқуқлари асосида сайлов жараёни ташкил этилишини белгиловчи тамойиллар шаклланди.

Бу тамойилларга қуйидагилар киради:

1. Сайловчилар, фаоллар, номзодлар ва сайлов ташкилотчиларига, аввало, сиёсий, маъмурий, ижтимоий-иқтисодий, руҳий ва ахборот босимининг йўқлигини тақозо этувчи сайловларнинг эркинлиги. Сиёсий босимга мисол — рақибларнинг жазосини бериш, рақобатчи партияларнинг фаолларига чоралар қўллаш; маъмурий босимга — ҳукмрон партия ғалабасини «ташкил этиб» бера олмаган раҳбарлар ва бошқа мансабдор шахсларни раҳбарлик лавозимидан олиб ташлаш хавфи, керакли номзодни илгари суришни қўллаб-қувватловчи имзоларни қўйишдан бош тортган ходимларни ишдан бўшатиш билан қўрқитишлар ва ҳ. к. ; ижтимоий-иқтисодийга сотиб олиш; таҳдид, ёки амалий чоралар, шу жумладан, аҳолининг бутун бир қатламларига нисбатан меҳнат ҳаққини ошириш, аввал тўлов кечиктирилган иш ҳақи, нафақа, ёрдам пулларини тўлаш ва ҳ. к., айрим ҳудудлар учун имтиёзлар ваъда қилиш ва ҳ. к. ; психологик — сайловчиларни рақиб партия сайлов натижасида ҳокимият тепасига келса, фуқаролик уруши, оммавий қатағонлар хавфи билан қўрқитиш; ахборот босимига — доимий бир томонлама ва ёки бузиб кўрсатиладиган ахборотнинг берилиши. Бундан ташқари, сайлов эркинлиги, албатта, қонун доирасида айрим ахлоқий в. б. чеклашларни назарда тутувчи сайлов олди ташвиқот эркинлигини назарда тутади.

2. Танлов, муқобил номзодлар мавжудлиги. Сайловлар турли таклифлардан бирини танлашни назарда тутади. Фақат бир номзод (ёки партия) мавжуд бўлган ҳолларда гап фақат уни сайловчилар томонидан маъқулланиши ёки маъқулланмаслиги ҳақида кетиши мумкин, том маънодаги сайловлар ҳақида эмас. Албатта, амалда, айниқса, ҳали кўп партиявийлик шаклланмаган мамлакатларда баъзан шундай вазият юзага келиши мумкинки, миллий сиёсий етакчининг обрўси юқорилиги, қудратли ташкилий ва мод-

дий мададга эгалиги боис муваффақият қозониш имконидан маҳрум мухолиф кучлар ўз номзодларини илгари суришга журъат қилолмайдилар. Бу ҳолда сайловларнинг демократик потенциали анча чекланади. Сиёсий плюрализм шароитида эса, муқобил номзодларнинг мавжудлиги сайловлар демократик эканлигининг муҳим кўрсаткичидир.

3. Сайловларнинг мусобақа, рақобатга асосланиши. Сайловларда турли сиёсий кучлар сайловчилар иштироки учун кураша олиши, ўз дастурлари тўғрилиги, афзаллигига уларни ишонтира олиш, рақибларнинг сайлов олди дастурлари камчиликлари ҳақида фикр юрита олиши учун имконияти бўлиши керак. Маълумки, ҳақиқат — баҳсда туғилади. Шу маънода «сиёсий ҳақиқат» — кўпчилик фуқаролар учун энг маъқул дастурлар, партиялар ва номзодлар — одатда давлатдаги ҳокимлик мавқеини эгаллаш учун электорал баҳсда белгиланади. Ғарб демократияларида сиёсий рақобатнинг ўта кескинлигини бетарафлик тамойили юмшатади: у сиёсий рақибларга нисбатан бардошликни, ахлоқ меъёрлари доирасида уларга нисбатан ҳақорат ва туҳматларга йўл қўймасликни талаб этади.

4. Сайловларнинг даврийлиги ва доимийлиги. Халқ вакиллари муайян, унча катта бўлмаган муддатга сайлангандагина сайловлар ижобий фукнцияларни бажара олади ва демократия қуроли бўлиб хизмат қилади. Бу — сайловчилар ўз вакилларини назорат қила олишлари, ҳокимиятни суистеъмол қилишнинг олдини олишлари ва ҳукуматнинг сиёсий мақсадларини тўғрилаб туришлари учун зарур.

5. Сиёсий партиялар ва номзодлар имкониятларининг тенглиги. У, биринчи навбатда, улардаги моддий ва ахборот ресурсларининг тенглигини назарда тутади. Бундай тенгликка эришиш учун ҳар қандай партия учун сайловга сарфланадиган харажатларнинг максимал миқдори белгилаб берилади, партия ва номзодларнинг сайлов жамғармаларига ташкилотлар ва алоҳида шахслар берадиган бадаллар кўлами чекланади, давлат телевидениеси ва радиосида тенглик асосида бепул вақт ажратилади ва ҳ.к. Сайловларни «давлат ва сиёсат» иши деб қаровчи айрим мамлакатларда сайлов кампаниялари давлат томонидан молиялаштирилади. Масалан, ГФРда Бундестаг ва Европарламентга сайловларда 0,5 % дан кам бўлмаган овоз олган ҳар бир партияга бюджетдан ҳар бир овоз учун 5 марка тўланади. Бундан ташқари, молиявий жиҳатдан заиф партиялар «имкониятларни тенглаштириш» учун давлатдан каттагина маблағ оладилар.

Бошқа мамлакатларда, масалан, АҚШда сайловларни молиялаштириш — хусусий иш. Амалда имкониятлар тенглигини таъминлаш — сайловларда энг кўп бузиладиган тамойил бўлиб, бу уларнинг натижалари ва демократик табиатининг у ёки бу даражада бузилишига олиб келади.

§ 3. Тоталитар, авторитар ва ўтиш даври жамиятларида сайловлар

Сайловлар сиёсий манипуляция қуроли сифатида

Эркин сайловларнинг санаб ўтилган тамойилларига риоя этиш сиёсий тизим турига, хусусан, жамиятда уларнинг демократиклигига тизим яратувчи кафолатларнинг бор ёки йўқлигига бевосита боғлиқ: демократия учун қулай сиёсий маданиятнинг ёйилганлиги, ҳокимиятлар бўлинганлиги, уюшган ва таъсирчан мухолифат, мустақил ва нуфузли суд ва ҳ. к.

Баъзи ҳолларда сайловларнинг демократик тамойилларига амал қилишнинг ҳал қилувчи кафолати бўлиб ташқи омиллар чиқиши мумкин. Хусусан, халқаро назорат, ГФРда иккинчи жаҳон урушидан сўнг бўлгани каби оккупацион қўшинлар ва ҳ. к. Аммо бу сингари вазиятлар кам учрайди. Одатда сайловлар табиати мамлакатнинг ички шароити билан белгиланади. **Ўзаро боғлиқ омилларнинг бир бутунлиги — тизимли таъминотсиз — сайловлар нисбатан мустақил сиёсий тадбир сифатда демократиядан узоқ ва, ҳатто, унга тўғридан-тўғри қарама-қарши мақсадларда қўлланиши мумкин.**

Замонавий дунёда сайловлар авторитар ва тоталитар тартиботларда кенг қўлланади. Демократияга ўтиш воситаси сифатида хизмат қилган ҳоллардан ташқари, **авторитаризм ва тоталитаризм шароитида сайловларнинг бош вазифаси — ўз фуқаролари онги ва (ёки) халқаро ижтимоий фикрни алдаш ёрдамида сиёсий ҳукмронликнинг муайян турини мустаҳкамлашдан иборат.** Гарчанд, бу ҳолда сайловлар ҳукумат таркибини белгилаб берса-да, улар тўғридан-тўғри мажбурлаш услубларига нисбатан ҳокимиятни барқарорлаштириш ва сақлаб қолиш воситаси сифатида сиёсий тизимда муҳим фукнцияларни бажаради. Сайловларнинг ижтимоий вазифаси ўхшашлигига қарамай уларнинг функциялари тоталитар ва авторитар сиёсий тизимларда анча фарқ қилади.

Тоталитар тартиботлар рақобатсиз сайловларни қўллайди, уларда бир номзод (ёки номзодлар рўйхати) ҳукмрон гуруҳ ёки партия томонидан илгари сурилади. Бундай сайловлар мавжуд сиёсий тартибот ва ҳокимиятни ташкил этувчи шахслар тарки-

бини шубҳа остига олмайди. Коммунистик тоталитар сиёсий тизимларда улар асосан сиёсий ташвиқот, сиёсатнинг расмий мақсадлар ва қадриятларини тушунтириш; уларга эришиш учун оммани сафарбар этиш; жамиятнинг маънавий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлаш, партия ва халқ, етакчилар ва омма бирлигини, сайловни бир овоздан қўллаш ва ялпи иштирок асосида ўтказиш орқали намойиш этиш; сиёсатда оммавий иштирок ва сиёсий тартиб демократик эканлиги тасаввурини шакллантириш.

Авторитар давлатларда сайловлар гуруҳ ёки шахснинг якка ҳокимлигини яширувчи чиройли парда-тўсиқ ролини бажаради. Бу ерда рақобатсиз ва ярим рақобатли сайловлар қўлланади. Кейингилари, одатда, ҳокимиятга маъқул ёки унга нисбатан бетараф номзодлар ва партияларнинг сайловга қўйилиши, сайловлар ёрдамида шаклланадиган ҳокимият институтлари ваколатларини чеклаш ва ҳ. к. белгиларга эга. Амалда бу, масалан, ҳуқуқсиз парламентларга сайловлар ўтказилишида намоён бўлади. Лотин Америкаси, Африка, Осиё мамлакатларидаги кўпгина авторитар ҳукмдорлар ўзларини шундай парламент билан қуршаб олганлар. Замонавий нодемократик режимлар сайлов натижаларини сохталаштиришнинг бутун бир тўпламини қўллайдилар ва уларни онгга таъсир этиш, ўз фуқароларини алдаш ва халқаро ижтимоий фикрни чалғитиш воситасига айлантирадилар.

Авторитар сиёсий тизимларда сайловлар мавжуд тартиб легитимлигини мустаҳкамлаш; мамлакат ичида ва, айниқса, чет элда унинг обрўсини ошириш; давлатда сиёсий кескинликни юмшатиш; мухолифатни аниқлаш ва уни бетарафлаштириш ёки ҳокимият ташаббуси билан унга расман мухолиф партияларни тузиш; мухолифат бирлашиши ва унинг талаблари қисман ҳисобга олиниши ёрдамида тартиботнинг барқарорлашуви вазифасини бажаради.[1]

Сайловлар — демократияга ўтиш воситаси сифатида

Демократия қарор топишида сайловларнинг аҳамияти ҳар бир муайян мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий шароитларига бевосита боғлиқ. Демократия учун қулай кучлар нисбати мавжуд бўлган авторитар мамлакатларда эркин сайловларнинг энг асосий тамойиллари бажарилса, бу — жамиятни демократлаштиришнинг энг яхши воситаси бўлиб қолади.

Сайловлар фуқаро ва бутун жамият учун демократияга тинч йўл билан ўтишнинг **энг қулай** усулидир. Ўз моҳиятига кўра улар зўрликни истисно қилади. Уларнинг ёрдамида амалга оширилувчи ҳокимият ўзгариши қон тўкилиши, қурбонлар, вайронгарчиликларни талаб этмайди. Бундан ташқари, сайловлар — авторитар тартиботни йўқ қилиш ва ҳокимиятга демократик кучлар келишининг **энг самарали воситасидир.** Бундай тартиб, одатда қурол ишлатишга яхши ўргатилган, ҳарбий техника ва энг самарали қуролга якка ҳокимлик қилувчи ҳарбийлар, армия, полиция, махсус хизматга таянади. Шу туфайли, ҳокимият учун қуролли кураш (баррикадалар қуриш, қуролли чиқишлар, партизанлар уруши ва ҳ. к.) замонавий шароитда куч ёрдамида муваффақиятга эришиш имкониятлари жуда кам. Кучга таянувчи ташкилотлар, одатда, имтиёзли шароитга эга бўлганлари учун улар кўпроқ ҳокимиятни қўллаб-қувватлайдилар. Буни англаган ҳолда, бугунги кунда, ҳатто радикал мухолифат ҳам, одатда, ҳокимият учун курашнинг бош шиори сифатида эркин сайловлар ўтказиш талабини илгари суради.

Сайловларнинг демократия учун тинч йўл билан кураш воситаси сифатида афзаллиги унинг тарафдорлари кучга, аввало, демократик кайфиятдаги ҳарбий мададга таянишларини инкор этмайди. Камдан-кам ҳолларда авторитар тартибот алмашинуви сиёсий зўрликсиз амалга ошади. Буларга мухолиф партияларни таъқиқлашга интилиш, уларнинг етакчиларини қўрқитиш ёки, шу жумладан, террор ёрдамида йўқ қилиш, номаълум парламентни тарқатиб юбориш ва ҳ.к. Демократик кучларни ҳарбийлар қўллаб-қувватлаши авторитар ҳукмдорлар демократик сайловлар ўтказишга розилиги ва уларнинг натижаларини тан олишини кўп даражада белгилайди.

Жамиятни демократлаштириш воситаси сифатида сайловларнинг муҳим фазилати шундаки, уларнинг ўзи **демократлаштириш йўлидаги катта қадамдир**: улар ёки демократик тартиб қарор топганлигини англатади, ёки сиёсий тизимнинг тезда демократлашуви жараёнига асос солади ва у демократик конституция қабул қилиниши билан якунланди.

Курашнинг инқилобий, зўрлик шакллари ҳатто муваффақият келтирганда ҳам демократик институтлар пайдо бўлишига олиб келмай, фақат авторитар ҳокимият алмашинуви билан тугайди. Сиёсий зўрлик, одатда, ўз мантиқига эга. У меҳнат қилмасдан фақат куч ишлатишга ўрганган одамлар қатламини шакллантириб, ғалаба қозонгандан сўнг қурбонлар ва йўқотишлар эвазига имтиёзларга эга бўлишга интилишини, мағлубларга нисбатан шафқатсизликни, бу эса, ўз навбатида, кейингиларнинг қаршилик кўрсатишини келтириб чиқариши мумкин. Умуман,

[1] Қаранг. Nohlen D. Wahlrecht und Parteinsysthem. Opladen. 1990. S. 26.

сиёсий зўрлик демократик тартиб билан яхши келиша олмайди, унинг қарор топишини, ҳатто ҳокимият тепасида демократиянинг изчил тарафдорлари бўлганида ҳам, қийинлаштиради. Сайловлар эса ҳокимият алмашинувининг демократик жамият учун салбий оқибатларига йўл қўймайди.

Сайловларнинг демократияга ўтиш воситаси сифатида яна бир муҳим аҳамияти **уларнинг шахс асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш билан боғлиқлигидир.** Эркин сайловлар ҳукмрон тартиб ва мухолифат томонидан сўз, мажлислар, уюшмалар эркинлиги, фуқаролар тенглиги ва фуқароларнинг бошқа сиёсий ҳуқуқларини ҳурмат қилинишини ўз-ўзидан тақозо этади. Улар жамиятда зўрликни қоралаш, халқ кўпчилиги фикрини ҳурмат қилиш муҳитини яратади. Бу фуқароларнинг демократик онглилиги ривожланиши, уларнинг сиёсий фаоллиги ортиши, демократик ўзгаришларга интилишига туртки беради.

Сайловларнинг жамиятни демократияга ўтиши воситаси ва ҳаётийлиги ҳамда самарадорлигининг муҳим шарти сифатидаги аҳамияти, эркин сайловларнинг юқорида кўриб чиқилган асосий тамойилларининг амалга оширилиши сайлов жараёнини ташкил этиш билан бевосита боғлиқ.

§ 4. Сайлов жараёнининг асосий босқичлари

Сайловларнинг меъёрий асослари. Мажоритар сайлов тизими

Сайлов жараёни Конституция ва сайлов ҳақидаги қонунда белгиланган муайян ҳуқуқий меъёрлар, қоидалар асосида амалга ошади. Сайловларни тартибга солувчи бош мезон — сайлов тизими. У сайловларни ташкил этишнинг умумий тамойилларини, шунингдек, сайловчилар овозларини мандатларга, ҳокимлик лавозимларига айлантириш усулларини белгилайди.

Сайлов тизимининг икки асосий тури мавжуд: мажоритар (муқобиллик асосидаги) ва пропорционал (ваколат асосидаги). Мажоритар тизимда номзод партия округ ёхуд бутун мамлакатдаги сайловчиларнинг энг кўп овозларига эга бўлгандагина сайланиб, кам овоз олганлар ҳеч қандай мандатга эга бўлмайдилар. Қандай кўпчилик талаб этишидан келиб чиқиб мажоритар сайлов тизимлари **мутлақ кўпчилик** тизими — у кўпроқ президент сайловларида қўлланади ва унга кўра ғолиб овозларнинг ярмидан кўпини (энг ками 50%+1 овоз) тўплаши лозим ва **нисбий**

кўпчилик тизимига бўлинади. (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция, Япония ва ҳ. к.) — унда рақиблардан кўра кўпроқ овоз олишнинг ўзи етарли. Мутлақ кўпчилик тамойили қўлланганда номзодларнинг бирортаси овозларнинг ярмидан кўпини ололмаганда, иккинчи босқич сайловлар ўтказилади ва унда энг кўп овоз олган икки номзодгина иштирок этади (баъзан иккинчи турга биринчи босқичда белгиланган энг кам чегарадан ортиқ овоз олган барча номзодлар қўйилиши мумкин).

Сайлов тизимларининг ҳар бири кучли ва заиф томонларга эга. Мажоритар тизим **афзалликларига** одатда қуйидагилар киради: 1) ҳокимият шаклланишининг нисбатан енгиллиги ва унинг барқарорроқлиги. Бунга парламент мандатларини, асосан, йирик ғолиб партиялар ўртасида тақсимланиб, ўз номзодларига сайлов округларида кўпчилик овоз олиб бера олмайдиган партияларнинг тушиб қолиши, шунингдек, партияларни иттифоқ тузишга сайловлар бошланишидан олдинроқ даъват этиш; 2) сайловчилар ва номзодлар ўртасида барқарор алоқаларини ўрнатиш. Депутатлар муайян округ фуқаролари томонидан бевосита сайлангани ва, одатда, қайта сайланишга умид қилганлари учун улар ўз электоратларига мурожаат қиладилар ва улар ҳам, ўз навбатида, номзодларини яхшироқ биладилар. Масалан, пропорционал тизимдаги партия рўйхатларидаги сайловлардан фарқлича.

Муайян фазилатлар билан бир қаторда мажоритар сайлов тизими жиддий **камчиликларга** ҳам эга. У танловнинг ҳақиқий аҳволини ва сайловчилар иродасини бузиб кўрсатади. Унда сайловчилар унчалик қўллаб-қувватламаган партия мамлакат бўйича кўпроқ овоз олган партия устидан ғалаба қозониши мумкин бўлган вазиятлар рўй бериши мумкин. Бу — сайлов округларида турли партиялар тарафдорларининг турли даражада тўпланиши натижасида содир бўлиши мумкин. Масалан, А партияси В партиясини минимал фоиз овоз билан 51 сайлов округида мағлуб этиб парламентга кўпроқ депутатларни ўтказиши мумкин, ваҳоланки, Б партия 49 сайлов округида, ва умумий ҳисобда, бутун мамлакат бўйича энг кўп овоз тўплаган бўлиши мумкин.

Сайлов натижаларининг бевосита сайловчиларнинг сайлов округлари бўйича тақсимланишига боғлиқлиги сайлов округларини атайин нотўғри негизи орқали алданиш хавфини туғдиради. Сайловчилар иродасини шу тарзда бузиб кўрсатиш амалиёти «танлаган география» ёки (уни кашф қилган Массачусетс штати губернатори Жерри шарафига) «жерримендеринг» номини олган.

Аҳоли кўпчилигининг мададига эга бўлмаган ҳукумат тузиш имконини яратгани ва озчилик вакилларининг, шу жумладан, кичик партия вакилларининг депутатлик корпусига киришини қатъий чеклагани учун мажоритар тизим ҳокимият легитимлигини заифлаштиради, фуқароларда сиёсий тузумга ишончсизлик абсентизм, ҳатто сиёсий курашнинг радикал, нодемократик услубларига мойиллик уйғотиши мумкин. Депутатларнинг муайян сайлов округи аҳолисига бевосита боғлиқлиги уларни маҳаллийчиликка, умуммиллий манфаатларни етарлича ҳисобга олмасликка ундайди.

Кескин ихтилофли жамият шароитида мажоритар тизим демократия учун хавфли бўлиши мумкин, негаки, номзодларни қарама-қарши қўйиш орқали, айниқса, дастурлари яқин бўлган рақиблар ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал қилиш билан эмас, бир-бирларини танқид қилиш, қоралаш, нафрат муҳитини яратиш — жамиятнинг сиёсий қутблашувига, демократик ўйин қоидалари унутилишига ва демократик тизим емирилишига олиб келиши мумкин.

Пропорционал тизим

Мажоритар тизимнинг юқорида кўрсатилган ва бошқа камчиликларини енгишга пропорционал сайлов тизими даъво қилади. Унинг моҳияти — мандатларни партиялар ёки сайлов иттифоқлари (коалициялари) олган овозларга мувофиқ тарзда тақсимлашдан иборат. Бу тизимнинг **бош фазилати** — ваколатли органларда партияларнинг сайловчилар ўртасида эга бўлган мададига кўра жойларга эга бўлиши, бунинг натижасида жамиятдаги барча гуруҳларнинг манфаатини ифодалаш фуқароларнинг сайловда ва умуман сиёсатда иштирокини фаоллаштириш имкониятидир.

Шу билан бирга пропорционал тизим муайян камчиликларга ҳам эга. Уларнинг энг муҳими — ҳукуматнинг нисбатан барқарор эмаслиги. Парламентда хилма-хил сиёсий кучларнинг кенг тақдим этилиши хусусияти кўпинча қандайдир бир партия барқарор кўпчиликка эга бўлишига имкон бермайди ва иттифоқлар тузилишига олиб келади. Ўз мақсадларига кўра хилма-хил партияларнинг бирлашиши эса улар ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштиради, партиялараро иттифоқлар тарқалиб кетишига ва ҳукумат инқирозига олиб келади. Бундан ташқари, партиялараро иттифоқ негизида шаклланган ҳукумат сиёсати кўпроқ эклектиклиги ва изчил эмаслиги билан ажралиб туради.

Парламент таркибининг ҳаддан зиёд партиявий бўлиниб кетишининг, унинг таркибига кескин радикал ва, ҳатто, экстремистик кучларнинг кириб келиши олдини олиш мақсадида кўп мамлакатлар депутатлик мандатини олиш учун зарур бўлган энг кам овозлар миқдоридан иборат чекловларни белгилаб қўядилар. Одатда, у барча берилган овозларнинг икки (Дания) дан беш (ГФР) фоизигача бўлади. Талаб қилинган энг кам овозлар миқдорини тўплай олмаган партиялар бирорта мандат ололмайди.

Пропорционал тизим камчиликларидан яна бири шундаки, унда номзодларни илгари суриш партия аппарати, бюрократия мавқеига боғлиқ. Улар эса, гуруҳий манфаатлардан келиб чиқиб партиявий рўйхатларга обрў-эътиборсиз одамларнинг шу мамлакатда овозга қўйилувчи рўйхатларнинг қайси тури қабул қилинганига ҳам боғлиқ.

Овоз бериш учун қўйиладиган рўйхатларнинг уч тури мавжуд: қатъий рўйхатлар — уларда партия учун овоз берилади ва мандат номзодларга партия рўйхатидаги ўрнига кўра (навбатига кўра) тақсимланади; қатъий бўлмаган рўйхатларда партия рўйхатидаги биринчи (етакчи) номзод мандатни албатта олади, қолган мандатлар эса номзодлар олган овозларга кўра тақсимланади. Эркин рўйхатларда барча депутатлик ўринлари сайловчилар иродаси, танловига мувофиқ амалга оширилади.

Аралаш ва консенсусли тизимлар

Ҳозирги дунёда мажоритар ва пропорционал тизимларнинг турли кўринишлари қўлланади. Кўп мамла-катлар уларнинг афзалликларидан фойдаланиш ва ҳар бирига хос камчиликларни юмшатишга уриниб **аралаш тизимларни** қўллайдилар ва уларда мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг элементларини уйғунлаштиришга интиладилар. Масалан, ГФРда бундестагдаги депутатларнинг ярми нисбатан кўпчиликка асосланган мажоритар тизимда, иккинчи ярми эса — пропорционал тизимда сайланади. Бундай сайлов тизими Россия Давлат Думасига 1993-1995 йиллар сайловлари даврида ҳам қўлланган.

Кейинги ўн йилликларида айрим ташкилотлар (БМТ, «яшиллар партияси») **консенсусли** сайлов тизимини қўллаяпти. У позитив йўналишга эга, яъни рақибни танқид қилишга эмас, барча учун маъқул номзод ёки сайловолди дастурини топишга қаратилган. Амалда бу — сайловчи бир номзод учун эмас барча номзодлар учун (албатта, иккитадан ортиқ бўлиши керак) овоз беради ва уларнинг рўйхатини ўз таъбига кўра қайта тузиб чиқади. Масалан, агар президент лавозимига беш номзод даъво қилса, сайловчи уларнинг ҳар бирининг ўрнини аниқлаб келади. 1-ўрин учун 5 балл, 2-ўринга-4, 3-ўринга-3, 4-ўринга-2, 5 ўринга — 1

балл берилади. Сайловдан сўнг ҳар бир номзод олган баллар йиғиндиси асосида ғолиб аниқланади.

Сиёсат субъектларини ҳокимият учун курашнинг муайян тартибига риоя қилишга ундаш билан турли сайлов тизимлари партиявий тизимлар табиати ва бутун сайлов кампаниясига бевосита таъсир кўрсатади.

Сайлов жараёнининг асосий босқичлари. Сайловларга тайёргарлик

Вақт ва ҳал қилинаётган вазифалар хусусиятидан келиб чиқиб сайлов жараёни бир неча босқичга бўлинади:

1) тайёрлов босқичи — сайловлар, шунингдек, уларни ўтказиш имконини яратувчи ташкилий тадбирлар, сайловларнинг ижтимоий-сиёсий заминини тайёрлаш билан характерланади; 2) номзодларни илгари суриш ва рўйхатга олиш босқичи; 3) ташвиқот-тарғибот даври; 4) овоз бериш ва сайловларнинг якунланиши. Аслида охирги уч босқичгина сайлов жараёнининг бевосита ўзини ташкил этади. Аммо тайёрлов босқичи ҳам унинг қолган босқичларига муҳим таъсир кўрсатади.

Сайловлар доимо муайян ижтимоий-сиёсий муҳитда амалга ошади. Бу муҳит сайловларнинг ҳақиқий демократик ёки сохта табиатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бу муҳит (тарихий контекст) сайлов жараёнига таъсирининг бир қатор ўлчовларини ўз ичига олади:

— жамиятда қадриятлар юзасидан консенсус мавжудлиги, ишонч муҳити, сиёсий партиялар, фуқароларнинг аксарияти сайлов натижаларини тан олишга тайёрлиги. Шунинг учун ҳам сиёсий элиталар ва асосий ижтимоий гуруҳлар сайловларни ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва рақибларни итоатга мажбур қилиш воситаси сифатида қарайдиган мамлакатларда эркин сайловлар ёки умуман мумкин бўлмайди, ёки сохталаштириш воситаси бўлиб қолади;

— давлатда инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши. Бу-сайловчилар ва номзод ўзларини эркин ҳис қилишлари, турли хавфдан холи бўлиши, жамиятда инсон ғ'ахси, кўпчилик иродаси ва камчилик ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши учун зарур;

— сайловчиларнинг электорал (фуқаро сифатида) маърифатлилиги. У сайловлар вазифаси ва тадбирларни, асосий сиёсий партиялар, уларнинг дастури ва номзодларини билишни, ахборотга эгаликни англатади. Фуқаролар маърифатлилиги қарорнинг онглилиги ва малакавийлигини англатади. Бусиз сайловлар халқ иродасининг баёни эмас, элиталар қўллаётган оммавий сохталаштириш воситасига айланиб қолади;

— сайловчиларни рўйхатга олишнинг демократик табиати. Бу, авало, ҳар қандай ирқий, миллий, мулкий, ёки бошқа бирор белгисига кўра камситиш йўқлигини англатади. Дунёнинг кўпчилик демократик мамлакатларида сайловчилар рўйхатини тузиш билан ҳокимиятнинг маҳаллий органлари шуғулланади. Улар фуқаронинг турар жойи ўзгариши, сайловчи ёшига етиши каби ўзгаришларини доимо қайд этиб борадилар. АҚШда сайловда иштирок этиш — фуқаронинг шахсий иши сифатида қаралади, шунинг учун рўйхатга кириш ҳақида унинг ўзи қайғуриши лозим бўлади. Сайловчилар рўйхатининг аниқлиги ва тўлалиги, шунингдек, ҳар бир одамнинг шахсини аниқлаш имконини берувчи ҳужжатларнинг борлиги овоз беришдан маҳрум қилиш ва бир неча марта овоз бериш билан сайлов натижаларини қалбакилаштиришнинг олдини олади;

— партияларни рўйхатга олиш ва ўзаро муносабатларнинг демократик табиати. Партиялар-электорал фаоллик, сиёсий иштирок, фуқароларни ташкил этиш ва сафарбар этишнинг бош субъекти. Улар парламент ва ҳукумат тузишга бош даъвогарлар. Барча барқарор демократик давлатда партиялар ўртасидаги муносабат сайловларнинг умумий йўналиши ва муҳитини белгилаб беради. Эркин сайловлар учун демократик конституцияни тан олувчи барча партиялар рўйхатдан ўтиш, номзодлар илгари суриш ва электорал курашда иштирок этиш имконига эга бўлишлари жуда муҳим. Партияларни қонун ва ахлоқий меъёрларни бузишдан тутиб қолиш ва бу орқали умумий ишонч муҳитини мустаҳкамлашга партиялараро ахлоқ кодекслари ҳақидаги битимлар ёрдам беради. Бу битимлар бажарилишини назорат қилиш учун одатда сайлов жараёни барча иштирокчилари вакилларидан иборат махсус қўмиталар тузилади.

— бошқарувнинг мустақил, холис ва ваколатли органларини сайлов жараёнида шакллантириш. Улар жумласига, аввало, сайлов комиссияси киради. Унинг вазифаси турли-туман, шу билан бирга турли мамлакатларда бу вазифалар бир-биридан фарқланади. Улар одатда қуйидагилардан иборат: сайлов тўғрисидаги қонунни талқин қилиш, сайловларни ўтказиш қоидалари ва таомилларини белгилаш, сайлов участкаларини ташкил қилиш, номзодни қўллаш учун тўпланган имзоларнинг ҳақиқийлигини текшириш, сайловчилар ва номзодларни рўйхатдан ўтказиш, сайловни ўтказиш учун зарур бўлган сайловолди материалларини тайёрлаш ва аппаратни шакллантириш, пайдо бўлаётган тортишувларни ҳал қилиш, фуқароларнинг электорал маорифига оид

тадбирлар ўтказиш, сайлов натижаларини ҳисоблаш ва якунлаш ҳамда уларни эълон қилиш, сайлов жараёни устидан умумий назоратни амалга ошириш. Сайлов комиссиялари аъзоларининг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш уларнинг худди судьялар сингари алоҳида ҳуқуқлар (имтиёзлар) ва иммунитет билан таъминланишини тақозо қилади. Сайлов комиссиялари сайловларнинг ўтиши ва характерига катта таъсир ўтказиши мумкин, шунингдек, улар мазкур натижаларни сохталаштириш қуролига айланиб қолишлари ҳам мумкин. Сайлов комиссияларидан ташқари уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатадиган маҳаллий ҳокимият органлари ҳам сайловларни ташкил қилишда муҳим функцияларни бажаради;

— ҳамма учун ариза ва шикоятлар бериш, тортишувларни ҳал қилиш механизмларининг очиқлиги, шунингдек, электорал жараён аъзолари, шу жумладан, сайлов комиссиялари аъзолари томонидан сайлов тўғрисидаги қонуннинг бажарилишини самарали ва мустақил назорат қилувчи органларнинг мавжудлиги. Бундай органлар жумласига махсус (сайлов трибуналлари) ёки умумий судлар, баъзи мамлакатларда эса сайлов прокуратураси киритилади. Бундай прокуратура, масалан, 1994 йилда Мексикада сайлов ислоҳотлари ўтказиш даврида тузилган бўлиб, у электорал жиноятларни: жумладан, давлат хизматчилари томонидан хизмат мулки ва воситаларини, хусусан, транспорт воситаларини муайян партия ва номзодларни қўллашда, ўз қўл остидагиларга муайян электорал қарор қабул қилишда босим ўтказиш мақсадида фойдаланиш кабиларни текшириш учун тузилган эди. Сайловлар устидан суд назоратининг самарадорлиги қонунга қарши хатти-ҳаракатлар учун қатъий санкцияларни тақозо этади, булар қамоққа олиш, жарималар, номзод ёки партияларнинг рўйхатга олинишини бекор қилиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Номзодлар кўрсатиш

Тайёргарлик тадбирлари тугаб сайлов муддатлари расмий белгиланган кейин сайлов кампанияси бошланади. Бу атаманинг ўзи бутун давлатга нисбатан ҳам, алоҳида номзод ёки партияга нисбатан ҳам қўлланади. **Давлатга нисбатан қўлланганда сайлов кампанияси ўтказилаётган сайлов жараёнини бевосита таъминлашга қаратилган ташкилий, сиёсий, ахборот-тарғиботчилик ва ташвиқотчилик тадбирларининг мажмуасидан иборат бўлади, номзод ёки партияларга нисбатан эса ана шу муайян номзод ёки партиянинг муваффақиятини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизимини билдиради.**

Сайлов кампаниясидаги биринчи қадам — номзодлар ва (ёки) партиялар (ҳаракатлар)ни кўрсатиш. Уларни кўрсатиш ва рўйхатдан ўтказишнинг турли усуллари мавжуд: 1) номзод ёки партияни қўллаб имзолар тўплаш; 2) қайд қилиш бадали ёки молиявий кафолат, шунингдек, номзоднинг муайян қўллаб-қувватловчиларга эгалигини тасдиқловчи, масалан, партия фаоллари ёки қўллаб-қувватлаш гуруҳи аъзолари рўйхатини тақдим қилиш; 3) номзодлар бўлғуси сайловларда эгаллаш учун ҳаракат қилаётган постда ўтирган бўлсалар, уларни автоматик тарзда рўйхатдан ўтказиш.

Номзодлар кўрсатишнинг энг кенг тарқалган усули уларнинг жамоатчилик ҳаракатлари ва ташкилотлари, муайян миқдордаги имзолар тўплаган фуқаролар гуруҳлари томонидан кўрсатилишидир. Номзодни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган имзолар миқдори сайловлар даражаси (президентлик, парламент, минтақавий ва ҳ. к.)га, шунингдек, мамлакатдаги сайлов қонунининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Баъзи давлатларда миллион ва ундан ортиқ имзолар талаб қилинади, бошқаларида эса, масалан, Буюк Британияда номзод сифатида рўйхатдан расман ўтказиш учун бир нечта сайловчилар томонидан имзо чекилган шахсий ариза бериш кифоя қилади. Кўп миқдордаги имзоларни талаб қилиш, шунингдек, у имзоларни тўплаш учун қисқа муддат берилиши даъвогарлар, айниқса, аҳолининг кам таъминланган қатламидан чиққан даъвогарлар учун жиддий тўсиқ бўлади, чунки одатда улар катта молиявий маблағ (пул), ахборот (ОАВ) ва ташкилий партиялар ёки бошқа ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши сингари заҳираларга эга бўлмайдилар. Шу сабабдан сайловлар демократизмини таъминлаш учун номзодлар кўрсатиш жараёни ортиқча мураккаб ва кўп маблағ талаб қиладиган бўлмаслиги, айни пайтда сайлов комиссияларини етарли жамоатчилик қўллаб-қувватлашига эга бўлмаган даъвогарлардан иҳота қилиш имкониятига эга бўлиш керак. Даъвогар ва депутатларнинг ҳаддан ортиқ миқдори сайловлар ўтказишни мураккаблаштириши, сайловчилар фикрини чалкаштириши ва давлат томонидан катта молиявий маблағ талаб қилиши мумкин. Халқаро миқёсда эркин сайловларнинг эътироф этилган меъёрлари номзодларнинг сайловга қўйилиши фақатгина фуқаролик, ёш, мамлакатда яшаш муддати, жиноий ишлар бўйича судланганлик, руҳий ва жисмоний лаёқатсизлик сингари белгилар билангина чеклаш мумкинлигини тан олади.

Депутатларни кўрсатиш босқичи электорал сайловнинг имкониятлари ва диапозонини бевосита белгилайди. Тарих, шу жум-

ладан, собиқ иттифоқ ҳудудида ташкил топган янги давлатлар тарихи ҳам ҳокимиятга эга бўлганлар ўзларига маъқул бўлмаган номзодларни мана шу босқичдаёқ чиппакка чиқариб рўйхатда фақат «ўзларининг одамларини» қолдирганлари тўғрисида кўплаб мисолларга эга. Бундай ҳолатларда сайловлар ҳақида иллюзия пайдо бўлади, холос, халқ иродасининг ифодаланиши эса масхарабозликка айланиб қолади.

Ташвиқот кампанияси

Номзодлар кўрсатиш босқичи уларни рўйхатга олиш билан якунланади, шундан кейин ташвиқот (сайловолди) кампанияси бошланади. Бу босқичда рақобатлашувчи партия ва номзодларнинг максимал фаоллиги кузатилади, улар сайловчиларни ўз устунликлари ҳақида ОАВ, реклама, кўргазмали ташвиқот, номзодлар ва уларнинг ишончли шахсларининг фуқаролар билан мамлакат ёки электорал округ бўйича сафарлари давомида ўтказадиган бевосита мулоқотлари жараёнида ишонтириш учун катта имкониятларга эга бўлади. Ташвиқот кампанияси сайловчиларнинг қандай қарор қабул қилишига катта таъсир ўтказади ва даъвогарларнинг муваффақияти ёки мағлубиятини кўп жиҳатдан белгилайди. Шунинг учун уни ташкил қилиш ва ўтказишга алоҳида эътибор берилади.

Сайлов кампаниясини ўтказиш ва аввало, унинг ташвиқот босқичини таъминлаш учун махсус штаб тузилади, одатда унинг таркибига бош мутасадди, молиявий агент, матбуот котиби, сиёсий ташкилотчи, кампания графигини мувофиқлаштирувчи, техник котиб ва ёрдамчилар киритилади. Бу штабга номзоднинг ишончли шахслари, қўллаб-қувватловчи гуруҳлар, профессионал политологлар, социологлар, психологлар, имижмейкерлар (сиёсий реклама бўйича мутахассислар) шунингдек, кўнгилли фаоллар ва ташвиқотчилар, кампания ҳомийлари ва унинг баъзи фаол аъзолари, ижтимоий-сиёсий таъминлаш гуруҳи бирикади.

Ҳозирги ташвиқот кампаниялари одатда илмий тавсиялар ва аниқ ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилади, улар ўз ичига сиёсий вазиятни ва номзоднинг ожиз жойларини баҳолаш ва таҳлил қилиш, кампания стратегияси, тактикаси, жадвали, уни бошқариш тузилмаси ва бюджети каби элементларни қамраб олади[2].

Ҳар қандай сайловлар катта моддий (пул, бино ва ҳ. к.), вақт (сайловни тайёрлаш ва ўтказиш, аппаратни ўргатиш, бюллетенлар ва сайловолди материалларни босиб чиқариш, дастур ва

[2] Қаранг: Методическое пособие по организации избирательной кампании. Национальный демократический институт международных отношений. (США), М. : 1991. С. 4 и др.

сайлов стратегиясини ишлаб чиқиш, маблағ тўплаш ва ҳ. к. учун керак бўладиган вақт) ва **инсоний** (сайлов кампаниясида иштирок этувчи одамлар) заҳираларни талаб қилади. Ана шундай заҳираларсиз сайловларни ёки умуман ўтказиб бўлмайди, ёки бўлмаса, бу сайловлар электорал заҳираларга эга бўлган ҳукмрон гуруҳ, йирик капитал, ОАВ эгалари ва шунга ўхшаш гуруҳларга катта устунликлар беради.

Ташвиқот кампанияси демократик характерининг асосий белгиси барча асосий рақобатчилар ўртасидаги тенгликни, ҳеч бўлмаса, сайлов ресурсларининг адолатли тақсим қилинишини таъминлашдир. Бу эса, **сайлов жамғармаларининг тенглаштирилишини** давлат томонидан молиялаштириш, хусусий бадалларни чеклаш, корпорациялар ва чет эл фуқаролари томонидан, шунингдек, бошқа воситалари ёрдамид тушириладиган маблағларни чеклашни тақозо қилади; ОАВга, айниқса, электрон воситаларга тахминан тенг имкониятларни таъминлаш. Бусиз сайловлар одамларга ишлов бериш воситасига айланиб қолади; **давлат маблағларидан сайловда устунликка эга бўлиш мақсадида фойдаланишни қатъий таъқиқлаш.** Бу, хусусан, ўз кампаниясини олиб боришда (шу жумладан, матбуот эътиборини жалб қилишда) давлат раҳбарлари ва олий амалдорлар томонидан ўзларининг хизмат мавқеларидан, давлат хизматчиларидан, шунингдек, бинолар, транспорт, техника, телефонлар ва бошқалардан фойдаланишга йўл қўймасликни назарда тутади; сайлов кампанияси даврида ҳукуматнинг сайловлардаги оммавийлигини кўтаришга қаратилган режалаштирилмаган ижтимоий тадбир ва дастурларни амалга оширишни ман қилишни ҳам кўзда тутилади. Шунга ўхшаш тартиббузарликлар 1996 йилда Россияда ўтказилган президент сайловларида кўплаб кўзга ташланди.

Овоз бериш ва сайлов натижаларини якунлаш

Ташвиқот кампанияси овоз беришга бир ёки бир неча кун қолганда якунланар экан, сайловчиларга ўз танловларини ташқаридан босимсиз, мустақил, узил-кесил ҳал қилишлари учун имконият яратилади, бу қарорларни улар сайлов куни ифодалайдилар. Овоз бериш ва унинг натижаларини ҳисоблаш сайлов жараёнининг кульминацион босқичи ҳисобланади. Шу даврда ҳокимият органлари таркибини белгилайдиган фуқароларнинг иродаси бевосита ифодаланади.

Ҳозирги кунда овоз бериш махсус сайлов машиналарини (уларнинг дастлабки намуналари АҚШда XIX аср охиридаёқ қўллана бошланган эди), ёки сайлов бюллетенлари ёрдамида

амалга оширилади. Иккинчи усул анча кенг тарқалган. Овоз беришнинг асосий ўрни сайлов участкалари ҳисобланади, бироқ баъзи мамлакатларда, масалан, Швецияда уйда ёки почта орқали ҳам овоз бериш мумкин. Баъзи давлатларда (Австрия, Австралия, Бельгия, Италия, ГФР ва бошқаларда) овоз беришга фуқароларнинг фақат ҳуқуқи эмас, балки мажбурияти сифатида ҳам қаралади. Овоз беришда иштирок этмаганлик учун жарималар, жамоатчиликнинг қоралаши ёки бошқа жазолар кўзда тутилган. Бошқа мамлакатларда (масалан, АҚШда) овоз бериш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.

Овоз бериш тугаши биланоқ сайлов комиссияси ёки бошқа махсус сайлов органи унинг натижаларини ҳисоблай бошлайди. Овоз бериш ва овозларни ҳисобга олиш ўртасида узилиш ёки тўхташ бўлмаслиги керак, чунки бу турли хил сохталаштиришларга олиб келиши мумкин. Халқаро амалиётда овоз бериш ва овозларни ҳисобга олишда ортиқча сайлов бюллетенларини ҳисобга олиш, депутатлардан бирига овозларни қўшиб ёзиш, ўзига ёқмаган номзодга берилган овозларни камайтириб ҳисоблаш кўп учраб туради.

Бу ва бунга ўхшаш сохталаштиришларнинг олдини олиш ва сайлов натижаларига фуқароларнинг ишончини таъминлаш учун овоз бериш ва уни ҳисобга олиш устидан ишончли назорат ўрнатиш зарур. Бунга рақобатчи партиялар ишонадиган сайлов комиссияларини шакллантириш орқали; мустақил, шу жумладан, халқаро кузатувчиларнинг иштироки; овозларни ҳисобга олишда партиялар, ОАВ, черков, мамлакатдаги ёки халқаро миқёсдаги обрўли кузатувчиларнинг биргаликда ёки алоҳида ҳисоб олиб боришлари орқали эришиш мумкин. Сайловларнинг бориши ва натижалари устидан ишончли назорат бўлмаса, улар одамларга ишлов бериш воситасига айланиб қолишлари, фуқаролар олдида обрўсизланиши, оммавий эътирозлар келтириб чиқариши ва сиёсий вазиятни кескинлаштириб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам бутун сайлов жараёнининг жамоатчилик, сиёсий рақобатчиларнинг ўзлари ва мустақил кузатувчилар назорати ва кузатишлари учун шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш улар демократиклигининг муҳим шартидир.

23-БОБ

СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ВА ЗАМОНАВИЙЛАШУВ

§ 1. Сиёсий ривожланиш

Сиёсий ривожланиш тушунчаси

Сиёсий тизимлар ва бошқарув тартибларининг эволюцияси ҳар бир даврда бошқарув тузилмаларининг у ёки бу ҳолати, фуқароларнинг давлат ва бошқа кўрсаткичлар билан муносабатга киришганлик даражаси билан фарқ қилади. Бу сиёсий ўзгаришлар сифат хусусиятлари ва табиатини акс эттиради. Бу кўрсаткичларни баҳолаш ушбу ҳокимият тизимларининг сиёсий ривожланганлик даражаси ҳақида сўз юритиш имконини беради.

Сиёсий фикр тарихида турли ғоявий оқимлар сиёсий ривожланишнинг ўз мезонларини ишлаб чиққанлар. Либераллар тасаввурида сиёсий ривожланиш инсоннинг асосий ҳуқуқлари мужассамлиги, давлатнинг жамият назоратида эканлиги, плюрализм, маънавий эркинлик ва ҳ. к. ларни билдиради. Консерваторлар сиёсий хулқ-атворда маънавий турткилар устунлиги, аввалги бошқарув шакллари билан узвийлик сақланишига, ҳокимиятни ташкил этишнинг асосий шакллари ва тамойиллари сақланишига урғу берадилар. Марксизм сиёсий тизимлар ривожланганлиги мезонларини ижтимоий мулкчилик устунлигини таъминлаш, ишчилар синфи гегемонлиги ва коммунистик партия етакчилиги билан боғлайдилар. Баҳолашнинг бу мезонларига таяниш, масалан, демократиянинг тоталитаризмдан ёки марксча талқинда — социализмнинг капитализмдан афзаллиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

Аммо ўтиш даври жамиятларида — ҳали тугалланмаган сиёсий жараёнлар шароитида бу мезонларни қўллаш қийингина эмас, кўпинча ривожланиш ғоясига қарама-қарши ҳамдир. Масалан, ҳокимиятни амалга ошириш демократик тадбирларининг институционаллашуви, плюрализмнинг кенгайиши бу шароитларда бошқарувнинг истибдодга таянган шакллари ўрнатилишига, жамият бошқарувининг издан чиқиб кетиши ва бошқа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ушбу муаммони ҳал қилишнинг назарий жиҳатлари Ф. Теннис, М. Вебер, Т. Парсонс асарларида таклиф этилган. Улар ривожланиш социологияси асосларини яратганлар. Бу йўналиш тарафдорлари сиёсий тизимларнинг барча турларини анъанавийдан замонавий жамиятга ўтиш доирасида таҳлил қилган-

лар. Бунда анъанавий жамият дейилганда, аграр, оддий қайта ишлаб чиқаришга асосланган ва ёпиқ ижтимоий тузилишга эга, фуқаронинг қуйи шахсий мавқеи, давлат бошқарувининг қаттиқ ҳомийлиги тушунилган. Замонавий жамият саноати ривожланган (постиндустриал), очиқ ижтимоий таркибли ва ҳокимият оқилона ташкил этилган жамиятдир.

Ўтиш даври шароитида ҳокимиятни анъанавий ва замонавий ташкил этиш элементлари у ёки бу нисбатда биргаликда мавжуд бўлганлиги сабабли сиёсий ривожланишнинг икки турини ажратиш таклиф этилган. Биринчи тур ўзгаришлар тизим мувозанатини акс эттирувчи ҳамда жамият ва ҳокимиятнинг асосий тузилмаларига дахли бўлмаган элементлар нисбати бузилганлигини акс эттиради. Масалан, жамиятда етакчилар, ҳукуматлар, айрим институтлар алмашиниши мумкин, лекин ҳокимиятнинг етакчи қадриятлари, меъёрлари, амалга ошиш услублари аввалгидек сақланиб қолади. Ўзгаришларнинг иккинчи тури туб элементлар кўринишининг ўзгариши натижасида асосий институтлар, меъёрлар ва коммуникациялар ўзгариши биргаликда тизимнинг янги сифат ҳолатига эришишига олиб келади.

Ушбу назарий схемани ўрганган олимлар сиёсий ривожланиш сиёсий тузилмалар, меъёрлар, институтлар янги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларга, ижтимоий фикрга қанчалик тезкор, мос жавоб бера олишига қараб, шу даражада амалга ошади. Бошқача қилиб айтганда, барқарор икки томонлама алоқа механизмларини аҳоли фикрини ҳисобга ола биладиган ва қарорларни амалга ошира оладиган оқилона бошқарув бўғимларини шакллантира бориб, сиёсий тизим ихтилофларни адресли бартараф этиш ва ҳокимиятнинг маъқул усулларини қўллашнинг мослашувчан механизмига айлана боради. Бу маънода сиёсий ўзгаришлар қандай муайян миллий-давлат шаклини олиши (унитар, федератив ёки бошқа), қайси партия ҳукмрон мавқе эгаллаши ва қандай мафкура келажак сиёсатини белгилаши аҳамиятга эга эмас. Муҳими, сиёсий институтларнинг янги-янги муаммоларни ҳал қила олиш қобилияти, уларнинг жамият билан муносабатларининг очиқ табиати ушбу ҳокимият тизимининг позитив ривожланишини, мавжудлигининг сифат жиҳатдан янги даражасига ўтишини англатади.

Шундай қилиб, **сиёсий ривожланишни сиёсий тизимнинг ўзгариб бораётган ижтимоий шароитларга мослашиш қобилиятининг ортиб бориши** (гуруҳлар талаби, ҳокимиятдаги кучларнинг ва ресурсларнинг янги нисбатига) **ва бу жараёнда элиталар ҳамда**

оддий фуқаролар учун жамият ва давлатни бошқаришда ўзларига хос функцияларни бажариш имкониятлари сақланиши ҳамда орта бориши, деб таърифлаш мумкин.

Сиёсий ривожланишнинг асосий мезонлари

Сиёсий тизимнинг янги ижтимоий талабларга рационаллаштириш асосида мослашиши бошқарув органлари тузилмаларининг янада кўпроқ бўлиниши ва фарқланишини назарда тутади. Ҳудудий силжишлар, таълим даражасининг ўсиши, малакавий тайёргарлик ортиши туфайли аҳволи тез ўзгариши мумкин бўлган ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ҳисобга олиш имкониятига эга бўлиши учун сиёсий тизим бу эҳтиёжларни саралаш ва баён этиш каналларини (жумладан, манфаат гуруҳлари, партиялар фаолияти имкониятларини кенгайтириб, тўғридан-тўғри демократияни институционаллаштириб ва ҳ. к.) шакллантириб бориши керак.

Бу ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим шарти — меъёрий негизни (аввало — қонунчиликни) шакллантириш ҳамда такомилаштириш ҳамда анъанавий ва янги ижтимоий гуруҳлар тенг сиёсий иштирокини таъминлаш салоҳиятини, жамоа бирлиги ва фуқаролар идентификациясини тақозо этувчи қадриятлар таъсирини кучайтиришни таъминлаш.

Бундан сиёсий ҳукмрон ҳамда мухолиф элиталар малакасининг ортишига талабнинг кучайиши келиб чиқади. Аслида элиталарнинг ҳокимият юритишнинг келишувли, ҳуқуқий технологияларини қўллай олиш имкониятидан ислоҳотларни ўтказишда зўрлик қўлламаслик, сиёсий радикализм оқибатларини истисно қилишга эришилади. Бу каби талаб элиталарнинг аҳоли мадади учун очиқ рақобатига шароит яратишни шарт қилиб қўяди. Ўз навбатида, оддий фуқаролар ҳам ўз вакилларини назорат қилиш, уларнинг касбий ва шахсий сифатлари эгалаган ижтимоий мавқеларига мос келиш-келмаслигини кузатиш имконига эга бўлишлари керак. Малакали элиталарни саралаш ҳукмрон элиталар ва аҳоли олдида масъулиятли рационал бошқарув бюрократиясини шакллантириш ва улар, ўз навбатида, мажбуриятларини амалдаги қонунчилик ва малакавий ахлоқ асосида олиб бориши учун муҳим.

Муваффақиятли эволюцион сиёсий ривожланишнинг асосий шартларидан бири — иложи борича қисқа муддатли вазифаларни ислоҳотлар давомида ўз вақтида ажратиб олиш, улар жамиятни ҳақиқатан ҳам илгарига сурувчи вазифалар бўлишидадир. Узоқ тарихий истиқболга қаратилган лойиҳалар кундалик ўзгаришлар ривожини ҳисобга ололмайди ва босқичма-

босқич тадбиқ этилганда ислоҳотларга қаршиликни кучайтирувчи омилга айланиши ҳамда ҳодисаларнинг назоратдан чиқишига олиб келиши мумкин.

§ 2. Сиёсий замонавийлашув

Сиёсий замонавийлашувнинг моҳияти ва босқичлари

Ўтиш даври шароитидаги мамла-катларнинг сиёсий ривожланиши муаммолари замонавийлашув наза-риясида мукаммал ёритилади. **Замонавийлашув назарияси анъанавий жамиятларнинг ортда қолишини енгиб ўтиш йўларини очиб берувчи таҳлилнинг турли схема ва моделлари бирлигидир.** Бу концепцияларнинг назарий асоси Ж. Локк, А. Смит, шунингдек, «социологик ривожланиш» асосчилари асарларида мужассам бўлган. Кўпчилик олимлар замонавийлашув назариясини К. Маркс таълимотига муқобил, деб ҳисоблайди.

Ўтиш жараёнларини баён этишдаги фарқларга қарамай бу назариялар ва таҳлил моделлари ижтимоий ривожланиш нотекислигини, давлатлар ривожида замонавийгача бўлган давр мавжудлигини, замонавий ҳамжамият амалда мавжудлигини ҳамда ортда қолган мамлакатларни саноати ривожланган ёки (постиндустриал) мамлакатларга ўзгартириш (замонавийлаштириш) зарурлиги масаласида якдилдирлар. Шу тариқа «замонавийлашув» термини ҳам ижтимоий ўзгаришлар босқичи (ҳолати)ни, ҳам замонавий жамиятларга ўтиш жараёнини англатади.

Бу назариялар меъёрий бўлиб, «модерн»га ўтиш муқаррарлигидан келиб чиқиб, замонавий жамият мезонларини аниқлаб келади. Ривожланаётган мамлакатлар ислоҳотлар жараёнида бу мезонларни ҳисобга олишга мажбурлар. Ривожланишнинг юқори даражасига табиий тараққиёт натижасида эришган мамлакатлар — «табиий замонавийлашув» мамлакатлари, бу йўлни босиб ўтиш лозим бўлганлари эса — «акс этувчи замонавийлашув» мамлакатлари, деб қаралади.

Ушбу назариялар XX асрнинг 50-60-йиларида ғарб мамлакатлари, биринчи навбатда, АҚШнинг бошқарув соҳасида, истеъмол стандартлари ва кўпгина бошқа жиҳатларда устунлиги шубҳасиз бўлган даврда пайдо бўлганлиги сабабли «замонавий» давлат тимсоли бўлиб аввалига «эркин» америка жамияти тан олинарди. Бошқача қилиб айтганда, замонавийлашув аслида вестернизация, яъни ғарб турмушидан ҳаётнинг барча соҳаларида нусха кўчиришни (сиёсий — парламент ва партия институтларини яратиш ҳокимиятлар бўлиниши, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро органларининг сайланишини) англатган. Бу маънода замонавийлашув мамлакатларнинг ижтимоий — иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг дастлабки шарти бўлди, негаки, ривожланишнинг ўзи ғарб намунасидаги ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг асосий белгилари қарор топганидан сўнггина мумкин бўлади.

Берилган ҳолатларига босқичма-босқич ҳаракат тарзида тушуниладиган замонавийлашув «қувлаётган ривожланиш» шаклида ислоҳотларнинг шундай ўтишни бошидан кечирган намуналарга боғлиқлигини англатар эди. Ўзгаришларни амалга оширишнинг бош воситаси — ғарб давлатларининг иқтисодий ёрдами эди. Аҳоли жон бошига даромаднинг муайян даражасига эришиш жамият ижтимоий ва сиёсий тизимларида худди Ғарбдагидек ўзгаришларга олиб келади, деб ҳисобланган. Бошқача қилиб айтганда, замонавийлашувнинг асосий омили, деб ижтимоий технологиялар, қадриятлар, демократик институтларни ўтказа олувчи ва шу йўл билан истеъмолнинг қуйи стандартларини, инсон ҳуқуқи бузилишларини, маданият инқирози ва ҳ. к. ларнинг устидан ғалаба қозониш имконини берувчи капитал тан олинарди.

Аммо замонавийлашувга тўғри чизиқли ва изчил равишда Африка — Осиё, Лотин Америкаси ва бошқа мамлакатлар ғарб ҳокимияти, тузилишига, давлат ва фуқаро муносабатларига хос стандартлар ва қадриятларни ўзлаштириш тарзида қараш амалда исботланмади. Ҳаётда демократлашув, либерал қадриятларнинг институционаллашуви, парламент тизимлари ва ғарб ҳокимиятининг бошқа стандартларининг ўрнатилиши давлат бошқаруви самарадорлигининг ортишига эмас, амалдорларнинг коррупциялашуви, ўзини бойитиш билангина банд бюрократиянинг таъмагирлиги, аҳолининг кескин қатламлашуви ва сиёсий бепарволиги, жамиятда ихтилофлар ва кескинликнинг ортишига олиб келади. Кўп олимлар буни демократияга тайёр эмаслик билан изоҳлашади. Лекин бундай схемаларнинг бир томонламалиги, сунъийлиги аниқ-равшан эди.

Натижада ўтган асрнинг 70-80-йилларида замонавийлашув ва ривожланиш ўртасидаги боғлиқлик қайта кўрилди: замонавийлашув ривожланишнинг шарти эмас, функцияси сифатида қарала бошланди. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузилмаларни ўзгартириш устувор мақсад, деб эълон қилинди. Бу ўзгаришлар ғарб демократияси моделига ўхшамаслиги ҳам мумкин эди. Эндиликда сиёсатшунослар анъанавий институтлар ва қадриятлар мавжуд-

лигига «модерн» га тўсқинлик қилувчи омил сифатида қарамай қўйдилар. Истиқболдаги ривожланишнинг универсал мезонлари ва мақсадлари сақлангани ҳолда урғу уларни тадбиқ этишнинг миллий шаклларига берила бошлади.

«Модерн»га ўтишга яхлит, нисбатан узоқ босқич сифатида қаралиб, унга фақат ривожланиш эмас, аввалги тузилмаларни оддий қайта ишлаб чиқариш ва инқироз ҳам хос бўлиши мумкин. «Қувлаётган», «такрорланувчи» ва «боши берк» модернизациялар ҳақида сўз юритила бошланди.

Ўтиш жараёнлари ва ўзгаришларнинг табиати боғлиқ бўлган бош элемент, бу соҳа мутахассисларининг фикрича, социомаданий омил, аниқроғи — шахс тури, унинг миллий характеридир. Улар сиёсий ривожланиш универсал меъёрлари ва мақсадларини белгилаб келади. Барчанинг эътирофича, замонавийлашув фақат кенг ижтимоий қатламлар қадриятли интилишлари ўзгарганида, жамият сиёсий маданияти инқирози бартараф этилгандагина амалга ошиши мумкин. Айрим назариётчилар (М. Леви, Д. Рюшемейер) ҳатто универсал мақсадлар асосида жамият ижтимоий-маданий мақсадлари билан уни ўзгартириш эҳтиёжи мос тушганлиги ҳақидаги глобал номутаносиблик қонунини ишлаб чиқмоқчи ҳам бўлдилар.

Жамият ва сиёсий тизимни замонавийлаштириш йўллари

Олимлар турли мамлакатлар ва тартиботлар тажрибасини умумлаштириб, ўзгартиришларни маълум кетма-кетликда амалгаошириш, бунда муайян қоидаларга амал қилиш зарурлигини таъкидлаганлар. У.Мур ва А.Экстайн ислоҳотларни жамиятни саноатлаштиришдан бошлаш керак, деб ҳисоблаган; К.Гриффин — қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдан; М.Леви ривожланган мамлакатларнинг кучли ёрдами зарурлигини таъкидлаган; С.Эйзенштадт — ижтимоий ўзгаришларни ҳисобга ола биладиган институтларни ривожлантиришни муҳим деб билади; У.Шрамм бош рол умумий қадриятларни ифодаловчи сиёсий коммуникацияларга тегишли, деб ҳисоблайди; Б. Хиггинс замонавийлашувнинг бош бўғинини турар жойларнинг урбанизациясида кўради.

Энг умумий тарзда замонавийлашув йўларини танлаш муаммоси либераллар ва консерваторларнинг назарий баҳсида ҳал қилинган. Либерал йўналишдаги олимлар (Р.Дал, Г.Алмонд, Л.Пай) ўрта синфнинг пайдо бўлиши ва аҳоли таълим даражасининг ўсиши бошқарув табиати ва тузилишида жиддий ўзгаришларга олиб келади, деб ҳисоблашади. Бу мафкуранинг ижтимоий жараёнларни тартибга солишга аралашувига барҳам беради, аммо қарорларни марказлаш-

ган шаклда амалга ошириш самарали эканлигини ҳам шубҳа остига олади (негаки, сиёсий фаол аҳоли ҳокимлик таъсирининг қўшимча марказлари вужудга келишига имкон беради). Умуман эса замонавийлашув табиати ва ривожи эркин элиталарнинг очиқ рақобати ва оддий фуқароларнинг жалб этилганлик даражасига боғлиқ. Сиёсий ўйинда албатта мавжуд бўлиши шарт бўлган бу шаклларнинг нисбатидан жамият ривожланиши йўллари ва ўтиш давридаги ҳокимият тизимлари келиб чиқади.

Ҳодисалар ривожининг тўрт асосий йўли мавжуд:

— элиталар рақобати оддий фуқаролар иштирокидан устун ҳолларда жамиятни изчил демократлаштириш ва ислоҳотларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади;

— элиталар рақобати роли оширилиб, аҳоли асосий қисмининг қуйи (ва салбий) фаоллиги шароитида бошқарувнинг авторитар тартиби ўрнатилиши ва ўзгаришлар секинлашуви учун шарт-шароитлар вужудга келади;

— аҳоли сиёсий иштирокининг эркин элиталар рақобатидан устунлиги (бошқарилувчилар фаоллиги бошқарувчиларнинг малакали фаоллигидан ошиб кетганда) охлократик тамойилларнинг ўсиб, бошқарув шаклларининг қаттиққўллашиши ва ўзгаришлар секинлашувига олиб келиши мумкин;

— элиталар рақобати ва омманинг сиёсий иштироки бир вақтнинг ўзида пасайиши тартибсизлик, жамоа ва сиёсий тизим бирлиги бузилишига, бу эса учинчи кучнинг кириб келиши ва диктатура ўрнатилишига туртки бериши мумкин.

Ушбу ёндашув доирасида америкалик политолог Р. Дал полиархия назариясини илгари сурди (бу ҳақда II бобда фикр юритилган). Унинг фикрича, ривожланган мамлакатларга тадбиқан полиархия етакчи ва элиталарнинг очиқ сиёсий рақобатини, аҳолининг юқори сиёсий фаоллигини таъминлайди. Бу эса ислоҳотларни амалга оширишнинг шарт-шароитларини яратади. Полиархик сиёсий тизим «ёпиқ гегемониядан» элита бебошлигини истисно қилувчи ва фуқароларга ҳокимиятни назорат қилиш имконини берувчи тизимга қараб ҳаракат қилаётган мамлакатлар учун ҳар доим ҳам осон эришиладиган мақсад эмас.

Роберт Даль мамлакатларнинг полиархия ҳаракатига таъсир этувчи етти шартни ажратиб кўрсатган: сиёий ислоҳотларни ўтказишда изчиллик; жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар учун кучли ижро ҳокимиятининг ўрнатилиши; давлат таркибида ўзгаришлар ясаш имконини берувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян даражасига эришиши; тенглик-тенгсизликнинг

муайян муносабатларини ўрнатиш; маданий хилма-хилик; интенсив чет эл ёрдамининг мавжудлиги (халқаро назорат); сиёсий фаоллар ва етакчиларнинг демократик эътиқодлари.

Бу америкалик олим фикрига кўра, полиархияга ўтиш астасекин, эволюцион, қаттиқ, сакровчи ҳаракатлардан қочувчи ва ҳукмрон элиталар изчиллик билан ҳокимлик юритиш технологиясининг ён босишга асосланган (консенсусли) турини ўзлаштиришини назарда тутувчи бўлиши керак. Унинг назарида сиёсий мулоқотда томонлардан бирининг муқаррар устунлигини ўрнатишдан иборат авторитаризм эса салбий оқибатлардан ташқари, замонавийлашув мақсадларига эришишга акс таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳокимиятнинг полиархик тартиби самарадорлиги, унинг сиёсий натижавийлиги — рақобатдош элиталар ўзаро хавфсизлиги ортиши, кучли ижро ҳокимиятининг ўрнатилиши ва жойларда ўзини-ўзи бошқариш марказларини ривожлантиришга боғлиқ.

Консерватив ёндашув назариётчилари замонавийлашувга бошқача қарайдилар. Уларнинг фикрича, замонавийлашувнинг бош манбаи аҳолининг сафарбарлик даражаси, унинг сиёсий ҳаётга жалб этилганлиги ва институционаллашув, уларнинг манфаатларини баён этиш ва саралаш механизмлари мавжудлиги ўртасидаги ихтилофдир. Айни вақтда омманинг бошқарувга тайёр эмаслиги, ҳокимият институтларидан фойдалана олмаслиги ва демак, сиёсатга жалб этилганлигидан кутилган натижаларга эришиа олмаслиги — бошқарув тартиби беқарорлиги ва коррумпиялашувига олиб келади. Шу тариқа, омма иштирокининг муддатидан аввал амалга ошиши «сиёсий ривожланишни эмас, сиёсий инқирозни келтириб чиқаради».[1] Бошқача қилиб айтганда, саноат, ишлаб чиқаришдаги сакраш демократик анъаналар заминига, аҳолининг эса ҳуқуқ, компромисс ғояларига суянмаса, ҳокимият тизимини ислоҳ қилишга ҳар қандай уринишлари жамият учун салбий оқибатларга олиб келади.

Агар, деб таъкидлашади консерваторлар, иқтисод учун ислоҳотларнинг бош кўрсаткичи ўсиш бўлса, сиёсат учун бу — барқарорликдир. Шунинг учун замонавийлашаётган давлатлар учун беқарорликка йўл қўймайдиган легитим ҳукмрон партияга эга «қаттиқ» сиёсий тартиб зарур. Шу тариқа, жамият бирлигини маданият, таълим, дин, фалсафа, санъат асосида

[1] Huntington S. P. Political Development and Political Decay. FF World Politics. 1968. Vol. 17F № 3. 12-бет.

мустаҳкамлашга чақирувчи К. Дейчдан фарқли ўлароқ, С. Хантингтон уюшганлик, тартиб, бошқарувнинг авторитар услубларига урғу беради. Сиёсий режимнинг ўзгариб борувчи вазиятга мослашишининг айнан шу услублари малакали сиёсий раҳбарлик, кучли давлат бюрократияси, ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш, ўзгаришларнинг ўз вақтида бошланиши ва замонавийлашув натижаларининг ижобий бўлишига олиб келувчи бошқа зарур воситалар ва ҳаракатларни тақозо этади.

Консерватив йўналишдаги олимлар замонавийлашув вариантлари хилма-хиллигини кўрсатганлар, негаки, авторитар тартиботлар ҳам турлича. Масалан, америкалик олим Х. Линдз фикрича, биринчидан, авторитар тартиботларни эркинлаштиришни қисман амалга ошириши мумкин. У ҳокимиятни мухолифат фойдасига муайян тарзда қайта тақсимлаш билан боғлиқ (яъни мусобақага қисман асосланган авторитаризмни ўрнатиш). Бу қўшимча ижтимоий тангликка йўл қўймаслик, лекин бошқарувни қўлда сақлаб қолиш учун қилинади; иккинчидан, ҳукмрон элиталар учун муҳим қадриятлар туфайли авторитар тартиботлар кенг кўламли эркинлаштиришга йўл очиб бериши мумкин; учинчидан, бошқарув тартиби «боши берк эркинлаштириш» йўлидан ривожланиши мумкин. Бунда қаттиққўл бошқарув аввал «декомпрессия» сиёсати билан алмашинади (норозиликларни қонуний изга солиш мақсадида мухолифат билан мулоқотга киришилади), кейин у мухолифатга қарши репрессиялар билан алмашинади ва аввалгидан ҳам қаттиқ диктатура ўрнатилади. Авторитар режим эволюциясининг тўртинчи йўли ҳам мавжуд бўлиб, у ҳодисаларнинг инқилобий ривожланиши ёки ҳарбий ҳалокат билан боғлиқ ва аввалдан билиб, айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади.

Умуман эса, бир қатор мамлакатларда (масалан, Жанубий Корея, Тайвань, Чили) авторитар тартиботлар ўрнатилиши мақсадга мувофиқлигига қарамай, демократлашув аҳамиятини инкор этиш элиталар ўзбошимчалиги жиддий хавфи ҳамда ўтиш даврининг очиқдан-очиқ диктатурага айланиши хавфига эга.

Замонавийлашув назариясининг замонавий аҳамияти

Замонавийлашув назариясига сиёсий тараққиётнинг ўзига хос мантиқи сифатида қараш натижасида шуни тан олиш керакки, у мураккаб ўтиш жараёнларини уларга айнан ўхшаш тарзда тавсифлашга ёрдам беради. Ушбу йўналишда шаклланувчи кўплаб тадқиқотлар дунё ҳамжамияти тараққиётининг умумий бир йўналишида — ўз эволюцияларининг саноатлашган (постиндустриал) босқичига қараб кетаётганини тасдиқлайди. Бу гло-

бал жараён мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ва савдо-сотиқ кенгайиши, илмий ютуқлар ва илғор технологиялар тарқалиши, коммуникацияларнинг доимий такомиллашуви, таълим даражасининг ўсиши, урбанизация билан чамбарчас боғлиқликларда ривожланади.

Замонавийлашув муқобил табиатга эгалиги барча томонидан эътироф этилган, деб ҳисобланади. Аммо дунё тажрибаси бир маҳаллар тахминлар асосида шаклланган «замонавий давлат» қиёфасини, унинг иқтисод, сиёсат, ижтимоий муносабатларни ташкил этишдаги андозаларини аниқлаб берди. Иқтисод соҳасида бундай универсал талаблар сирасига, масалан, ишлаб чиқаришнинг товар-пул сингари созловчилари, таълим харажатларининг ўсиши, иқтисодий муносабатлар рационаллашувида фан аҳамиятининг ортиши ва ҳ.к.лар киради. Ижтимоий соҳада аҳолининг чекланмаган мобиллигига эга очиқ ижтимоий таркиб ҳақида сўз юритиш мумкин. Сиёсат соҳасида бу — ҳокимиятнинг плюралистик ташкил этилиши, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши, сиёсий коммуникациялар ортиши, бошқарув қарорларини амалга оширишнинг консенсусли технологиялари ва ҳ.к.

Замонавийлашувнинг универсал меъёрлари ва талабларини устун, деб эътироф этиш асло барча ривожланаётган мамлакатлар учун қандайдир «мажбурий» дастурни зўрлаб киритиш эмас. «Модерн» нинг универсал жиҳатлари шундай мақсадлар жамланмасики, уларни ҳаётга тадбиқ этишга жазм қилган мамлакатлар замон даъватларига тезкор жавоб бериш имконини берувчи сиёсий, иқтисодий ва бошқа тузилмаларни ярата оладилар. Аммо шундай ўзгаришлар воситалари, суръати ва табиати бутунлигича у ёки бу давлатнинг ички омиллари, миллий ва тарихий қобилиятига боғлиқ.

Шу маънода айтиш мумкинки, замонавийлашувнинг бош зиддияти — унинг универсал мақсадлари (ёки «дунё сиёсий маданияти» меъёрлари — Л. Пай) билан ривожланаётган давлатнинг анъанавий, миллий қадриятлари ва анъаналари ўртасидаги ихтилофдир. Замонавийлашув мақсадлари ва қадриятлари у ёки бу давлатнинг шаклланиб бўлган менталитетига кириб бориб, қудратли ижтимоий ўзгаришлар, бошқарув тузилмалари ва механизмларининг зўриқишини келтириб чиқаради. Шунинг учун ислоҳотлар сиёсатини амалга оширишдан манфаатдор ҳукмрон тузилмалар фуқаролар сиёсий хулқ-атворидаги кескинликни ниҳоят даражада пасайтириб боришлари, ижтимоий-маданий урф, тамойилларни ижтимоий ўзгаришлар мантиқига мос кириши ус-

лубларини қидиришлари зарур. Жамият олдида турган ижобий муаммолар ҳал қилинишига фақат миллий-маданий стереотипларни изчил ва аста-секин қўллашгина ёрдам бера олади. Аввалги анъаналарни рад этиш ҳам, ислоҳотларнинг пойга тезлигида ўтиши ҳам анъанавий жамият кишиси учун руҳан оғир. Акс ҳолда «ғазабланган индивидлар оммаси» норозилиги — улар замонавийлашувга умуман қарши бўлмаганлари ҳолда — ислоҳотчи тартибга қарши қаратилиши мумкин ва бир қатор Шарқий Европа ҳамда Россия тажрибаси кўрсатганидек, жамиятдаги барқарорликка жиддий путур етказиши, бажарилиши шарт бўлган мақсадларни шубҳа остига қўйиши мумкин.

Замонавийлашув жараёни учун сиёсий тизимда роллар бўлиниши, фуқаролар тенглиги талаблари (сиёсатда иштирок этиш, ресурсларни қайта тақсимлаш) билан ҳокимиятнинг жамоани бирлаштириш имкониятлари ўртасидаги зиддият ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу маънода, кўплаб тадқиқотлар гувоҳлигича, ҳукмрон тартиботлар ихтилофларни ҳуқуқий усуллар билан ечишга, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига амал қилишга диққатларини қаратишлари, сиёсий радикализмга қатъий йўл қўймасликлари, терроризмга қарши курашишлари лозим.

Замонавийлашув назариясининг муҳим хулосаси — ўтиш даврининг икки босқичи ҳақидаги қоидадир. Шартли равишда бирламчиси — ривожланиш ички ресурслар ва манбалар ҳисобига амалга оширилиши ва иккиламчи — чет эл ёрдамини фаол жалб этиш.

Замонавийлашаётган мамлакатлар аралаш жамиятлар бўлгани учун, яъни анъанавий ва замонавий белгиларга эга бўлганлари учун ички ва ташқи ихтилофларнинг улкан манбаларига эгалар. Шунинг учун ташқи ёрдамнинг табиати ва суръати ўзгаришларнинг у ёки бу ички ресурслари битганини эмас, чет эл ҳамкорлигининг ўз хавфсизликлари ҳақидаги мулоҳазалари билан белгиланиши мумкин.

Замонавийлашув шароитида ижтимоий ва сиёсий жараёнлардаги юқори ихтилофлилик ижтимоий ўзгаришларни нотинч усуллар билан тартибга солиш эҳтимолини оширади. Тажриба кўрсатадики, қисқа муддатли эркинлаштириш даврларидан сўнг, кўпинча, ўнг ёки сўл диктатуралар ўрнатилади. Масалан, Россияда столипин даврини большевиклар диктатураси эгаллади, Муссолини келиши билан Италияда Джолиттининг либерал бошқарувига чек қўйди; Гитлер режими Веймар республикасини емирди; диктатор Франко Примо де Иверанинг либерал-демократик бошқаруви ўрни-

га келди ва ҳ. к. Шу тариқа замонавийлашаётган давлатларда ҳокимиятнинг демократик меъёрлари ва тамойилларининг институционаллашуви муаммоли бўлибгина қолмай, ортга қайтувчи сиёсий жараёнлар бўлиши эҳтимоли ҳам ниҳоятда юқори.

Замонавийлашаётган давлатларнинг муваффақиятли ислоҳ қилиниши учун ҳукмрон ва уларга мухолиф сиёсий кучлар ўртасида уч асосий консенсусга эришиш керак. : жамиятнинг аввалги тараққиётига нисбатан («жодугарларни ов» лашдан қочиш, ютганлар ва ютқазганларни яраштириш, аввалги бошқарув тартибларини қайта баҳолашга доир баҳсларнинг нисбатан камайиши); сиёсий эркинлик шароитида ижтимоий тараққиёт мақсадларини муҳокама қилишда вақт меъёрларини белгилашда; ҳукмрон тартиб «сиёсий ўйини» нинг қоидаларини белгилашда.[2] Шу тарздаги ижтимоий-сиёсий консенсусга эришилиши фақат ҳукмрон ва мухолифат элиталар мулоқоти, уларнинг рақиблар билан манфаатли мулоқот олиб бориш ва улар билан келишиши нуқталарини топа олиш қобилияти билангина эмас, жамиятнинг қадриятли ва мафкуравий интилишларига ҳам боғлиқ. Масалан, Россия учун хос бўлган қадриятлар парчаланиши бу вазифаларни ҳал қилишни жиддий қийинлаштиради, эришилган фуқаролик келишувининг емирилишига туртки бўладиган вазиятларни доимо келтириб чиқаради.

Бу уч келишувга эришилган тақдирда сиёсий тузилмалар ва институтларни қайта қуриш (бошқарув органлари функцияларининг янгиланиши, партиялар ўсиши, жойларда ўз-ўзини бошқарувнинг мустаҳкамланиши ва ҳ. к.) анча кўпроқ ижтимоий самара беради, ҳокимият ислоҳотларни ўтказишда анча кўпроқ инсоний ва моддий ресурсларни жалб қилиш имкони ортади, бошқарув тартиби барқарорлиги ортади, бошқарув қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш ҳуқуқий технологиялари кенгроқ қўлланади ва ҳ.к.

Ўтиш тизимларининг ривожланиш йўлларини оча бориб, замонавийлашув назарияси ҳокимият муносабатларида сиёсий субъектлар ўз функцияларини бажаришларини белгиловчи ўзига хос инқирозларларни ажратиб кўрсатади.

[2] Қаранг: «Три консенсуса» на пути к демократии. // Полис. 1993. № 3. 189-б.

§ 3. Сиёсий ривожланиш инқирозлари

Ўхшашлик инқирози Ўхшашлик инқирози аввал устунлик қилган сиёсий маданият асосини ташкил этган идеаллар ва қадриятлар емирилиши одамларнинг жамиятдаги ўз ўрни ва давлат билан ўз алоқаларини англаш учун янги маънавий мўлжалларни излашга мажбур қилганда рўй беради.

Ижтимоий ва бошқа гуруҳлар билан янги маънавий алоқаларни излаш зарурати одамларни анъаналар, ўтмиш тажрибаси, давлатчилик рамзлари, ҳукмрон мафкурани қайта кўриб чиқишга мажбур қилади. Сақланиб қолган ёки янги ғояларнинг аҳамиятини англаб бориб, инсон — ўзгарган давлатда ўзининг сиёсий иштироки имкониятларини ҳам, ҳокимият механизмларидан ўз қадриятлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини ҳам белгилаб олади. Одамлар олдида энг кескин муаммолар бу даврда кучли ўзгаришларга учраётган макроижтимоий гуруҳлар — синфлар, халқлар, давлатлар билан бир эканликларини тушуниб етганликлари муносабати билан вужудга келади. Бу нарса бугунги Россияда ҳам жуда сезиларли. Бу ерда халқ — кооэлитлик ва мульти-ижтимоий жамоа сифатида — хусусий уклад, товар-пул муносабатлари негизида янги қатламларнинг пайдо бўлиши муносабати билангина эмас, балки миллий-давлат тузилишидаги ўзгаришлар натижасида аҳолининг оммавий миграцияси таъсирида ҳам шаклланади. Натижада, кўп туманларда туб ва маҳаллий бўлмаган аҳоли нисбати ўзгаради, этник мувозанат бузилади, диний в. б. алоқалар мураккаблашади.

Ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг янги шаклларида шахсий ҳаётлари учун қўшимча имкониятлар эмас, у аҳолини давлат томонидан навбатдаги «алдаш», унинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги, ҳатто «меҳнаткашларга» қарши «фитна» ни кўрувчи фуқаролар учун ўхшашлик салбий маъно касб этади. Ўз мамлакати қолоқ эканлигини англаш ижтимоий одамовиликка, радикализмга мойилликка, давлат ва демократик қадриятларга ишончсизликка олиб келади. Бу емирувчи ҳиссиётлар инсоннинг жамиятдаги ўрнига ҳамда давлатнинг табиатига оқилона қарашларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Ўхшашликка эга бўлишнинг энг оддий усули — у ёки бу миллатга мансублик ҳиссидир. Айни вақтда, ўтиш даврларида, миллий ўз-ўзини англашлик ҳар қандай шаклга кириши мумкин: этнос маданий қадриятларини ўзлаштириш эҳтиёжларининг ортишидан то ушбу давлатда бошқа миллатларнинг

ҳуқуқларини фаол инкор этишигача. Маргинал қатламларда бу ҳислар одатда этноцентризм ва шовинизм бўёқларига бурканган бўлади. Улар муайян сиёсий кучларни этник тозалаш, террор ва сиёсий зиддиятларни ҳал қилишнинг бошқа зўрликка таянган воситаларига таянишларига туртки беради (масалан, Босния, Абхазия, Чеченистон).

Ўхшашлик инқирозини ҳал қилишнинг типик воситаси — маънавий танловнинг бутун оғирлигини ўз зиммасига ола биладиган, одамлардан улар танлаган сиёсий мавқе учун жавобгарликни соқит қила оладиган харизматик етакчини излаш. Айни вақтда харизматик етакчи бошқаруви инсонга вазиятни баҳолаш, давлат билан янгича алоқаларга киришиш учун маълум вақт беради.

Ўхшашлик инқирози кескинлигини бошқарув тартибининг очиқ характери, коммуникациялар, таълим тизими, ривожи, вертикал ва горизонтал бўйича рағбатлантирилиши, одамларни демократик шакллар ушбу жамият учун ётлиги ҳақидаги тасаввурларни йўқ қилиш имконини берувчи сиёсий алоқаларни пасайтиради.

Моддий ва маданий неъматларни тақсимлаш инқирози

Истеъмол қилинаётган неъматларнинг ҳажми ва табиати — аҳоли ислоҳотларни ва уларни амалга ошираётган тартибларни қўллаб-қувватлаши ёки инкор этишини таъминловчи жиддий омиллардан биридир. Ҳокимият ҳар доим ҳам ўтиш даврида аҳоли моддий фаровонлигининг барқарор ўсишини, одамлар учун маъқул рағбатлантириш ва тақсимлаш шаклларида амалга ошира олмайди. Шунинг учун ўтиш даври ҳукуматлари истеъмол стандартлари ва усуллари ўзгариши, шунингдек, фуқароларнинг хўжалик юритишидаги янги шакллари, бошқа мамлакатлар билан алоқаларнинг ривожланишидан ижтимоий кутишлари юқорилаиб бориши билан боғлиқ аҳоли норозиликлари билан тўқнаш келадилар.

Ҳокимият қуйидаги нуқтаи назарлар билан тўқнашади: 1) давлат билан ижтимоий шартноманинг аввалги тамойилларига ижобий муносабатда бўлган (зўриқишсиз меҳнат-ижтимоий мавжудликнинг барқарорлиги); 2) тақсимотнинг аввалги тамойилларини ижобий, ҳозиргиларини салбий баҳоловчилар; 3) аввал устунлик қилган маҳсулот олиш меъёрлари ва услубларига — салбий, моддий ва маданий неъматларни олишнинг янги тамойилларига — ижобий муносабатда бўлганлар.

Турли ижтимоий иштиёқ эгалари давлат билан муносабатнинг турли моделларини маъқул кўрадилар. Бирлари неъматларни марказдан тақсимлаш, давлатнинг ижтимоий ёрдамини ва

бошқа шунга ўхшаш услубларни ёқлаб чиқадилар. Бу таркибий иқтисодий ўзгаришларни маъносиз қилади ва меҳнат билан пул эквиваленти ўртасидаги оралиқни сақлаб қолади. Бошқа нуқати назар тарафдорлари марказлашган тақсимотга мойил бўлганлари ҳолда бозор стратегияларига қарши фаол қаршилик кўрсатиб, янги тамойиллар қарор топишига халақит берадилар. Учинчи гуруҳ вакиллари шахсий меҳнат суръатига кўра моддий ва маънавий неъматларни тақсимлаш — зарур ҳаётий воситалар топиш асоси, деб қарашади. Аммо муайян ижтимоий чеклашларсиз бундай ёндашув камбағалликнинг кенг тарқалиши, «борт орқасида» кўпгина кам лаёқатли қатламларни қолдириши мумкин (нафақахўрлар, талабалар). Бу соҳадаги тез ва қатъий ўзгаришлар тарафдорлари кўпинча ҳукмрон элиталар ролини, аниқроғи, уларнинг «моддий таъминот жўмрагини» истаган тарафга буриб юбориш қобилиятини ошириб юборадилар. Худди шунингдек, уларнинг мамлакат инфраструктурасини қайта қуришни номаълум муддатга сурувчи чет эл ёрдамига умидлари, давлат билан ижтимоий муносабатларига доир аҳолининг стереотиплари ва хурофотини тез ўзгартириш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурлари юзаки ва хом хаёлдир.

Шу тариқа, ҳукуматлар бир томондан, иқтисод таркибидаги ўзгаришлар, моддий ва маданий неъматларни тақсимлаш тамойилларини ўзгартиришга йўналган бўлиши, иккинчи томондан, давлат ва аҳолининг ижтимоий муносабатларини тутиб туришнинг ноанъанавий шаклларига ўтиш имкониятларини ҳисобга олиши керак. Бундай стратегиянинг зарур таркибий қисмини, тажриба кўрсатишича, солиқ йиғишнинг ички ишлаб чиқарувчини рағбатлантирувчи самарали тизими; ходимларни қайта ўқитиш учун оммавий тузилмалари; хилма-хил компенсация механизмларини яратиш (масалан, адресли ижтимоий ёрдам), уларнинг даромадлари ўртасидаги фарқларни камайтиришдан ҳам кўра, аҳоли муайян қатламларининг ижтимоий мақомини барқарор сақлаб қолишга хизмат қилиши; майда ва ўрта бизнесни ҳар томонлама рағбатлантириш ва ҳ.к.

Иштирок инқирози

Иштирок инқирози фуқароларнинг бошқарувда иштирок этувчилар сони ортиши шароитида сиёсатга жалб килиниши одатдаги механизмлари ва шакллари емирилиб, сиёсий кучлар янги нисбати вужудга келиши билан боғлиқ.

Замонавийлашув шароитида ҳокимиятга эгалик қилишга уринувчи махсус манфаат гуруҳлари тезлик билан кўпаяди. Сиёсий

тизимлар — янги ҳокимият институтларини шаклантириш ва эскиларининг функцияларини такомиллаштириш, бошқарувчилар ва бошқарилувчилар муносабатларида барқарорлик ўрнатиш ва ҳ. к. йўлар билан — сиёсий иштирокка берилган бу «аризалар» ни қабул қила олиши ва яқинлаштира олиши зарур. Аммо манфаатларни баён этиш ва саралашнинг барча тажовузкор шаклларини қатъий чеклашлари лозим. Манфаатларнинг саралаши тезда ижтимоий аутсайдерларга айланувчи анъанавий гуруҳларнинг ҳам, мақсадга эришишнинг маданий шаклларини инкор қилувчи кучларнинг ҳам ҳокимиятда иштирок этишга даъволари билан бирга келиши мумкин.

Кўпинча иштирок инқирози ижтимоий манфаатларни тақдим этиш тизими заиф ривожланганлиги, сиёсий тузилмалар ва институтларнинг аҳоли талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ эмаслиги (натижада сиёсий норозилик давлат таклиф этаётган фикрларни ҳисобга олиш каналлари ва механизмларини четлаб ўтиши ва бу билан бошқарув органлари учун кутилмаган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин), шунингдек, ҳокимият сиёсий радикаллар ва террористлар фаолиятини тўхтатишда журъатсизлиги натижасида чуқурлашади. Бу турдаги муносабатларни тартибга солишда тўсиқни мухолифат қаршилигининг ўсиб бориши, сепаратистик тенденциялар ва миллий ҳудудий ихтилофлар, элитанинг бюрократлашуви, унинг айрим бўғимлари сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида ўзига хос бўлмаган функцияларга эга бўлишга уринишлари ташкил этади. Иштирок инқирози кучайишига аҳолининг лоқайдлиги ўз ҳиссасини қўшади. Аҳоли кенг қатламларининг бошқарув органларига муносиб ва малакали вакилларни танлашни хоҳламаслиги (ёки билмаслиги) ҳокимиятнинг сиёсий тузилмаларини йўққа чиқаради.

Иштирок инқирозини енгиб ўтиш учун ҳукмрон режим аҳолининг катта гуруҳлари кескин норозилигини келтириб чиқарувчи ўзгаришларни тезлаштирмасликлари, аҳоли турли гуруҳларининг тенг сиёсий иштироки тамойилига амал қилишлари, айни вақтда фуқароларнинг ижтимоий ёки мафкуравий келишмовчиликларини сиёсий даражада ҳал қилишгача олиб келмасликлари керак. Ҳокимият ўзи таклиф этган ўйин қоидаларига қатъий амал қилиши, уларнинг бузилиши билан боғлиқ вазиятларни ҳуқуқий ҳал қилиш намуналарини яратиши, жамият ва давлатни бирлаштира олувчи қадриятлар ва идеалларни ҳар томонлама қувватлаши лозим.

«Кириб бориш» инқирози

«Кириб бориш» инқирози ҳукмрон синфларнинг (аввало, ҳокимият олий органларининг) жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўз қарорларини амалга оширишга интилишлари натижасида вужудга келади. Замонавийлашув шароитида гуруҳларнинг ҳокимият ресурслари учун, ўз қадриятларининг ҳукмронлиги, ҳокимлик ваколатлари учун рақобати марказий ҳокимият қабул қилаётган бошқарув қарорларининг (қонунлар, қоидаларнинг) мазмунини ўз фойдасига ўзгартириш имконига эга кўплаб таъсир марказлари пайдо бўлишига олиб келади. Масалан, маҳаллий элиталар маҳаллий меъёрлар, анъаналар ва манфаатларга таянадилар. Хўжалик ва бошқа алоқалар емирилган шароитда бу уларга ўз таъсирларини сақлаб қолиш ва кучайтириш имконини беради. Қабул қилинган қарорлар табиатини ўзгартиришга маҳаллий ҳукмрон элиталардан ташқари мухолифат ҳам интилиши мумкин. Сиёсий тартибга солиш самарадорлигини, шунингдек, аҳоли турли гуруҳ ва қатламлари қарашларининг хилма-хиллиги, фуқароларда сиёсий тажрибанинг етишмаслиги, марказ қарорларини нотўғри тушунишга олиб келадиган оммавий онгнинг норационал белгилари пасайтириб юборади.

Натижада, ҳокимият қонунлари, қарорлари ва бошқа меъёрий буйруқлари ўзининг тартибга солиш қобилиятини кўп жиҳатдан йўқотади, яъни ижтимоий ва сиёсий муносабатларга стархича кириб бормайди. Марказий ҳокимият қарорлари самарадорлигининг пасайиши нафақат сиёсий тартиб, балки у тарғиб қилаётган қадриятлар обрўсини пасайтиради. Вазиятни ўзгартиришга зарур қарорларни қандай бўлмасин ўтказишга ҳаракат, сиёсий тартибни рақиблар билан сиёсий савдода чегарадан ўтишига, популизмга итаради, коррупция ўсиши, ҳокимиятнинг яширин механизмлари кучайишига олиб келади.

Қаршиликка қарамай қарорлар бажарилиши учун ҳукмрон доиралар, аввало, ҳокимиятнинг оқилона шаклини шакллантиришлари лозим. Бир томондан, марказ ҳуқуқига фақат бутун давлат миқёсида ҳал қилиши лозим бўлган масалаларни (фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, чегараларни қўриқлаш, пул барқарорлигини таъминлаш ва ҳ. к.) киритиш ва шу орқали марказ ва жойлардаги ҳокимият ваколатларини фаол қайта тақсимланишига туртки бериш, ҳудудлардаги ислоҳотлар масаласида муайян қарорлар қабул қилиш борасидаги масъулиятни ҳудудий бошқарув органлари зиммасига юклаш. Бошқа томондан, ҳокимиятни бу тарзда қайта қуриш —

қуйи бошқарув органларининг вертикал масъулиятини сақлаб қолиши, уларнинг таъсир доирасидан чиқиб кетишига тўсқинлик қилиши, қарорлар қабул қилиш ва амалга оширишида широк этувчи барча тузилмалар устидан ишончли назоратни таъминлаши зарур. Шу тариқа, жамият учун зарур бўлган бошқарув марказлашувини сақлаб қолиши билан бирга ундан умумийроқ вазифани — давлатнинг фуқаролик жамиятига тобелигини таъминлаш ҳам мумкин бўлади.

Легитимлик инқирози

Легитимлик инқирози ҳукмрон тартиб лар кўпчилиги сиёсий тартибга солишнинг зарур шакллари ва усуллари, адолатли бошқарув ва оммавий онгнинг бошқа қадриятлари ҳақидаги тасаввурлари мос келмай қолганда рўй беради. Сиёсий тартиб мақсадлари ва оммавий тасаввурларнинг мос келиши, ҳукмрон таркиб легитимлигининг ортишига, мос келмаслиги эса — легитимлик пасайиши ва давлат барқарорлигига путур етишига олиб келиши мумкин.

Ҳукмрон доиралар омманинг зарур даражадаги мададига эга бўлиш, элита ва элита эмаслар ўртасида тегишли консенсусга эришиш учун турли музокараларга киришадилар, савдолашадилар, бир-бирларининг хатти-ҳаракатларига ўзаро туртки берадилар. Кўпинча, аҳолининг ҳокимиятни қўллаш даражаси ҳатто бошқарув ва ҳокимиятни қўллаш самарадорлигига боғлиқ бўлмайди (масалан, бир қатор африка давлатларида аҳоли самарали фаолият кўрсатаётган ҳукуматларни уларнинг мустаҳкамлакачи келиб чиқиши учунгина қўллаб-қувватламаган). Бошқача қилиб айтганда, сиёсий тартиблар самарасиз, лекин легитим ва аксинча бўлиши мумкин.

Шунга қарамай, иқтисодий ёки ижтимоий ислоҳотлар, ҳуқуқий ёки сиёсий ўзгаришлар самарадорлиги аҳолининг бошқарув тартибини қўллаб-қувватлаши учун энг жиддий асос бўлиб хизмат қилади. Лекин иқтисоднинг самарали фаолиятини унинг таркибий ўзгаришлар даврини бошидан кечираётган вақтда таъминлаш — жуда мураккаб масала, бунинг деярли иложи йўқ. Бунинг учун вақт керак. Ўтиш даври ҳукуматлари эса унга қобил эмас. Шунинг учун кўпинча позитив ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қурилиш ўрнига ҳукмрон режимлар оммавий мададни таъминловчи ва ҳатто, ўз тарафларига рақибларини, жамиятнинг консерватив доираларини торта олувчи бошқа услубларни қўллайдилар.

Гап жамиятни ташқи (ёки ички) душманга қарши кураш байроғи остида бирлаштиришга уринишлар, ватанпарварлик ҳисларини ва фидоийликни қўзғатиш ҳақида кетяпти. Аммо легитимликни таъминлашнинг бу услублари давомий эмас.

Ҳукмрон сиёсий тартиб легитимлигини таъминлашнинг энг самарали воситаси — элитанинг жамиятни аста-секин ислоҳ қила олиш қобилияти сиёсий рақиблар билан келишув ва ён босишларга эриша олиш (бу — озчиликнинг кўпчилик қабул қилаётган қарорларга у ёки бу даражада қўшилишга розилигини англатади), турли сиёсий иттифоқлар, келишув қўмиталарини фуқаролар тинчлиги кафолотларини тутиб туриш мақсадида, аҳоли назарида ўз етакчиларининг ижобий қиёфасини шакллантириш учун ташкил этиш қобилиятидир. Бундай сиёсатнинг энг ижобий натижаларига жамиятда ўзгалар фикрига сабр-тоқатлилик, хайрихоҳлик, етакчилар обрўси ҳукмрон сиёсий тартиб тузилмалари ва институтларига беихтиёр кўчганда намоён бўлади.

МУНДАРИЖА

Абдуллажон Бегматов. Сўз боши 3
Кириш 5

I БЎЛИМ
СИЁСАТШУНОСЛИК ПРЕДМЕТИ

1-БОБ. **Сиёсат нима?**

§ 1. Сиёсат тушунчаси 10
Сиёсат таърифларининг хилма хиллиги. Сиёсатнинг социологик таърифлари гуруҳи. Иқтисодий таърифлар. Сиёсатнинг стратификацион ва ҳуқуқий таърифлари. Ахлоқий таърифлар. Сиёсатнинг субстанционал таърифлари гуруҳи. Ҳокимият сиёсий субстанция сифатида. Сиёсатнинг институционал ва антропологик талқинлари. Ихтилоф ва келишувга асосланган таърифлар. Сиёсат «дўстлар» — «душманлар» муносабати сифатида. Сиёсатнинг илмий асосланган талқинлари гуруҳи. Фаолият билан боғлиқ, телеологик ва тизимли таърифлар.
§ 2. Сиёсат таркиби ва функциялари 18
Сиёсатнинг шакли, мазмуни ва жараёни. Полити (politi)-, Полиси (policy)- ва Политикс (politics)-тадқиқотлар. Сиёсатнинг таркибий қисмлари ва даражалари. Сиёсатнинг функциялари.
§ 3. Сиёсатнинг жамиятдаги чегараси 22
Сиёсатнинг тарқалиш соҳаси. Сиёсатнинг тоталитар ва анархистик талқинлари. Сиёсат чегараларининг ҳаракатчанлиги. Либерализм ва кейнсчилик.

2-БОБ. **Сиёсатшунослик назария ва амалий тадқиқотлар сифатида**

§ 1. Сиёсатшуносликнинг вужудга келиши ва предмети 26
Сиёсат фанининг вужудга келиши. Сиёсатшунослик мустақил фан сифатида. Сиёсий фаннинг предмети борасидаги баҳс. Сиёсатшунослик — сиёсат тўғрисидаги фанлардан бири. Сиёсатшунослик — аниқ фан. Сиёсатшунослик — сиёсат борасидаги барча билимлар йиғиндиси.

§ 2. Сиёсатшуносликнинг таркиби 31
Сиёсат тўғрисидаги фанлар. Ёндош сиёсатшунослик фанлари.
§ 3. Сиёсатшуносликнинг усуллари 34
Сиёсий фикр парадигмалари. Сиёсатшуносликнинг умумий усуллари. Умуммантиқий ва эмпирик усуллар.
§ 4. Амалий сиёсатшунослик 41
Эмпирик таҳлил ривожланишида бихевиоризм роли. Амалий сиёсатшуносликнинг ўзига хос белгилари ва ижтимоий вазифаси. Амалий сиёсатшунослик усуллари. Амалий сиёсатшунослик қўлланишининг асосий соҳалари.

II БЎЛИМ
СИЁСАТНИНГ ИНСОНИЙ ЎЛЧОВЛАРИ

3-БОБ. **Сиёсатнинг инсонпарварлиги**

§ 1. Инсонпарварликнинг сиёсий кўриниши 48
Гуманизм тушунчаси. Ахлоқ инсонпарварликнинг тимсоли сифатида. Виждон ахлоқий сиёсий хулқ-атворнинг олий ҳаками сифатида.
§ 2. Ахлоқ ва сиёсат: умумийлик ва ўзига хослик 52
Сиёсат ва ахлоқнинг функционал умумийлиги. Сиёсат ва ахлоқ ўртасидаги тафовутлар.
§ 3. Сиёсат ахлоқий бўлиши мумкинми? 56
Ахлоқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги асосий қарашлар. Насиҳатгўйлик ёндашуви. Ахлоқдан ташқаридаги сиёсат. Сиёсат бу – ёвузликми? Сиёсат нима учун «ифлос иш» бўлиб туюлади? Сиёсат ва ахлоқ муносабатларига келишувчан ёндашув. М. Веберннинг масъулият ахлоқи ва эътиқод ахлоқи. Ахлоқий талабларнинг институционаллашуви.

4-БОБ. **Сиёсатнинг мақсадлари, усуллари ва воситалари**

§ 1. Сиёсатда мақсадлар ва воситалар мутаносиблиги 64
Сиёсатнинг мақсади ва воситалари нима? Мақсад воситаларни оқлайди. Воситалар мақсадлардан устуворлик қилади. Мақсадлар ва воситалар мутаносиблиги. Мақсад ва воситалар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш йўллари.
§ 2. Сиёсатда куч ишлатиш ва куч ишлатмаслик 70
Куч ишлатиш тушунчаси ва унинг тарихий роли. Куч ишлатиш, ахлоқ ва сиёсатнинг самарадорлиги. Куч ишлатиш ҳуқуқи. Куч ишлатмасликнинг диний манбалари. Куч ишлатмаслик назарияси ва амалиётининг ривожланиши. Куч ишлатмаслик сиёсатининг ўзига хос хусу-

сиятлари. Куч ишлатмаслик ҳаракатлари. Ҳуқуқий давлатда курашнинг куч ишлатмаслик усуллари.

5-БОБ. **Инсон ҳуқуқлари**

§ 1. Инсон ҳуқуқлари тушунчаси ва тарихи 83
Инсон ҳуқуқлари давлат, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатларида. Антик давр ва ўрта асрларда инсон ҳуқуқлари ғоялари. Инсон ҳуқуқларининг либерал талқини. Ижтимоий ҳуқуқлар учун кураш. Индивидуал эҳтиёжлар инсон ҳуқуқларининг манбаи сифатида. Инсон ҳуқуқларига асосий ёндашувлар.
§ 2. Шахснинг энг муҳим ҳуқуқлари ва ҳозирги дунёда уларни рўёбга чиқариш муаммоси 92
Инсон ҳуқуқлари таснифи. Негатив ва позитив ҳуқуқлар. Сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари. Иқтисодий ҳуқуқлар. Ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлар. Жамоавий ҳуқуқлар. Халқларнинг ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқлари. Фуқароларнинг мажбурият ва масъулиятлари, улар ҳуқуқининг кафолатлари. Инсон ҳуқуқлари сиёсатнинг инсонийлиги мезони сифатида. Инсон ҳуқуқлари универсалми? Халқаро сиёсатда инсон ҳуқуқлари.

III БЎЛИМ
ҲОКИМИЯТ ВА УНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ

6-БОБ. **Жамиятдаги ҳокимият**

1 §. Ҳокимият тушунчаси, тузилмаси ва вакиллари 102
Ҳокимият таърифларининг турличалиги. Ҳокимият субъекти. Ҳокимиятнинг объекти. Тобеликнинг табиати.
2 §. Ҳокимият имкониятлари, жараёни ва турлари 109
Ҳокимиятнинг имкониятлари тушунчаси. Имкониятларнинг турлари. Ҳукмдорлик жараёни. Ҳокимиятнинг «икки қиёфаси». Ҳокимият турлари. Сиёсий ҳокимиятнинг хусусиятлари. Жамиятда ҳокимиятларнинг ўзаро муносабати.
§ 3. Сиёсий ҳукмронлик ва қонунийлик (легитимлик) 116
Сиёсий ҳукмронлик тушунчаси. Сиёсий легитимлик. Ҳокимият легитимлиги ва самарадорлигининг ўзаро нисбати.

7-БОБ. **Ижтимоий гуруҳлар сиёсат субъекти сифатида**

1 §. Ижтимоий стратификация 121
Ижтимоий стратификация тушунчаси. Ижтимоий ваколатлилик тизими. Ижтимоий стратификация турлари. Ижтимоий сафарбарлик.

§ 2. Сиёсатда ижтимоий синфларнинг роли 131
Синфлар сиёсий ролининг Марксча талқини. Антагонистик (қарама-қарши) синфлар ва ҳозирги давр. Синфларнинг М. Вебер томонидан талқин қилиниши. Синфларга функционал ёндашув. Ўрта синф.
§ 3. Ҳозирги дунёда ижтимоий тузилманинг тадрижи 139
Ғарб мамлакатларидаги ижтимоий тузилманинг ривожланиш тамойиллари. Россиядаги сиёсий муносабатларнинг ижтимоий манбалари.

8 БОБ. **Сиёсий элиталар**

§ 1. Элита тушунчаси ва назариясининг вужудга келиши 143
«Сиёсий элита» тушунчасининг келиб чиқиши. Москанинг элита назарияси. Парето ва Михельс концепциялари.
§ 2. Ҳозирги элитар назарияларнинг асосий йўналишлари 148
Макиавелли мактаби. Қадрият назариялари. Демократик элитизм назариялари. Элиталар плюрализми концепцияси. Сўллиберал концепциялар.
§ 3. Элитанинг турларга бўлиниши, ижтимоий самарадорлиги ва жамланиши 156
Элита мавжудлигининг умумий таърифи ва сабаблари. Элиталар таснифи. Элитанинг самарадорлиги ва бирлашуви. Элитанинг ижтимоий ваколатлилиги. Элитанинг жамланиш тизимлари. Номенклатура тизими ва унинг ижтимоий оқибатлари.

9 БОБ. **Сиёсий етакчилик**

§ 1. Етакчилик тушунчаси 164
Тарихда етакчилик ғоялари. Етакчиликнинг таърифи. Етакчиликнинг объектив ва субъектив томонлари.
§ 2. Сиёсий етакчиликнинг табиати 171
Хислатлар назарияси. Вазиятлар тамойили. Конституентлар назарияси. Психологик тамойиллар ва интерактив таҳлил.
§ 3. Етакчиликнинг таснифлари, функциялари ва ривожланиш тамойиллари 177
Етакчилик турлари. Етакчининг функциялари. Шахсга сиғиниш. Сиёсий етакчиликнинг ривожланиш тамойиллари.

IV БЎЛИМ
ҲОЗИРГИ ДАВРНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМЛАРИ. ДЕМОКРАТИЯ: НАЗАРИЯ, ВОҚЕЛИК ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

10 БОБ. Тоталитар ва авторитар сиёсий тизимлар.

§ 1. Сиёсий тизим тушунчаси ва типлари 184
Сиёсий тизим тушунчаси тадқиқот қуроли сифатида. Сиёсий тизим ҳокимият механизми сифатида. Сиёсий тизимлар таснифи.
§ 2. Тоталитаризмнинг бошланиши ва илк шарт-шароитлари 187
Тоталитаризм тушунчаси. Тоталитар фикрлар мантиқи. Тоталитаризмнинг илк шарт-шароитлари.
§ 3. Тоталитар сиёсий тизимларнинг характерли белгилари ва турлича кўринишлари 193
Тоталитар онг соҳалари. Сиёсий белгилар. Ижтимоий ва иқтисодий белгилари. Тоталитаризмнинг турлича кўринишлари. Тоталитаризмнинг кучи ва заифлиги.
§ 4. Авторитаризм 198
Авторитаризмни ажратиб турувчи белгилар. Авторитаризмнинг ислоҳотчилик имкониятлари.

11 БОБ. Демократия: Тушунча ва пайдо бўлиши

§ 1. Демократия тушунчаси ва ўлчовлари 202
Демократиянинг этимологик таърифлари. Демократияга меъёрий ёндашув. Демократияга эмпирик ёндашув. «Полиархия». Демократиянинг меъёрий ва эмпирик таърифлари алоқадорлиги. Демократиянинг конституциялаштирувчи белгилари. Умумий ва ижтимоий чекланган демократия. Охлократия. Индивидуал, плюралистик ва жамоавий демократия. Тўғридан-тўғри плебисцитар (умумхалқ овозига асосланувчи) ва вакилли демократиялар. Демократик давлатнинг шакллари. Сиёсий ва ижтимоий демократия. Деспотик, тоталитар ва конституцион демократиялар.
§ 2. Қадимги давр ва ўрта асрлар демократияси 210
Ибтидоий демократия. Афина демократиясининг вужудга келиши. Халқ ва шахс. Ўрта синфнинг роли. Бошқарувда иштирок этиш. Кўпчиликнинг истибдоди (деспотияси). Афина қулашидан кейин демократиянинг тақдири. Халқ ҳокимиятчилиги ва христианлик.

12 БОБ. Замонавий демократия

§ 1. Мумтоз либерализм демократияси 218
Либерализм давлат тузилишининг гоявий асоси сифатида. Либерал демократиянинг ўзига хос хусусиятлари. Либерал демократиянинг заифликлари.
§ 2. Жамоавий демократия 222
Демократия тўғрисида Руссо концепцияси. «Социалистик демократия». Жамоавий демократиянинг ўзига хос белгилари. Жамоавийчилик тажрибаларининг сабоқлари. Плебисцитар партиявий демократия.
§ 3. Плюралистик демократия 227
Замонавий демократиянинг хусусиятлари. Демократиянинг плюралистик назарияси. Гуруҳ сиёсатнинг бош субъекти сифатида. Демократия гуруҳий манфаатларнинг мувозанати сифатида. Демократия ҳақидаги плюралистик назарияларнинг умумий белгилари. Плюралистик демократия назарияси ва амалиётининг заифликлари.
§ 4. Замонавий демократияларда омманинг роли 232
Репрезентатив демократия. Партиципатор демократия.

13 БОБ. Демократияга ўтиш

§ 1. Жамиятга демократия керакми? 237
Демократиянинг қадриятли асосланиши. Демократия ва эркинлик. Демократия қадрият сифатида. Сиёсий эркинликнинг қадр-қиймати. Демократия, тенглик, ижтимоий адолат. Демократиянинг рационал-утилитар асосланиши. Демократиянинг тизимли асосланиши. Демократия универсал бўлмаган қадриятдир. Демократиянинг афзалликлари.
§ 2. Демократиялаштиришнинг шарт-шароитлари ва йўллари 244
Демократиянинг иқтисодий шарт-шароитлари. Демократиянинг ижтимоий шарт-шароитлари. Сиёсий маданият демократиянинг шарт-шароити сифатида. Динниг таъсири. Демократиянинг ташқи сиёсий шарт-шароитлари. Демократиялаштиришнинг умумий моделлари. Демократиялаштиришнинг қонуниятлари. Постсоциалистик мамлакатларнинг демократияга ўтиши хусусиятлари. Эркинлаштириш йўли. Ислоҳ қилишнинг Хитой модели.

V БЎЛИМ.
СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР

14 БОБ. **Давлат**

§ 1. Давлатнинг моҳияти 256
«Давлат» атамасининг кенг ва тор маънолари. Давлатнинг умумий белгилари. Давлатнинг вужудга келиши сабаблари. Давлатнинг ривожидаги тарихий чегаралар. Конституция.

§ 2. Ҳуқуқий ижтимоий давлат 263
Ҳуқуқий давлат тушунчаси. Фуқаролик жамияти. Ҳуқуқий давлатни ажратиб турувчи белгилар. Ижтимоий давлат. Ижтимоий ва ҳуқуқий тамойилларнинг ўзаро нисбати. Давлатнинг ривожланиш тамойиллари.

§ 3. Ҳозирги давлатнинг тузилиши 269
Бошқарув шакллари. Парламент республикаси. Президент республикаси. Ярим президентлик республикаси. Референдум. Ҳудудий тузилиш. Унитар давлат. Федерация ва конфедерация.

15-БОБ. **Манфаатлар гуруҳлари ва партиялар**

§ 1. Гуруҳлар манфаатлари 276
Гуруҳлар манфаатлари тушунчаси. Манфаатлар гуруҳларининг функциялари. Манфаатлар гуруҳларининг таснифи.

§ 2. Сиёсий партиялар 282
Партияларнинг келиб чиқиши ва моҳияти. Сиёсий партияларнинг функциялари.

§ 3. Партиялар ва партия тизимларининг турлари 288
Партияларни туркумларга ажратиш. Партиявий тизимларнинг моҳияти ва турлари. Партиялар ва партиявий тизимлар ривожланишининг асосий тамойиллари.

VI БЎЛИМ
СИЁСИЙ МАФКУРА ВА МАДАНИЯТ

16-БОБ. **Ҳозирги дунёдаги сиёсий мафкуралар**

§ 1. Сиёсий мафкура тушунчаси 297
Сиёсий мафкуранинг моҳияти ва вазифалари. Сиёсий мафкура даражалари.

§ 2. Ҳозирги дунёдаги асосий мафкуравий оқимлар 300
Либерализм ва неолиберализм. Консерватизм ва неоконсерватизм. Социализм. Фашизм. Миллий мафкуралар.

§ 3. Мафкуравий дискурс 312
Мафкуравий дискурс: асосий тамойиллар. Ҳозирги Россиядаги асосий мафкуравий оқимлар.

17-БОБ. **Сиёсий маданият**

§ 1. Сиёсий маданият тушунчаси 317
Сиёсий маданият моҳияти. Сиёсий маданият мақсади ва функциялари. Сиёсий маданият таркиби.

§ 2. Сиёсий маданият турлари 323
Сиёсий маданиятни туркумлаш мезонлари. Шарқ ва Ғарб сиёсий маданияти хусусиятлари. Россия сиёсий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.

§ 3. Сиёсий ижтимоийлашув 330
Сиёсий ижтимоийлашувнинг моҳияти. Сиёсий ижтимоийлашув босқичлари. Сиёсий ижтимоийлашувнинг асосий турлари.

18-БОБ. **Сиёсий психология**

§ 1.Сиёсий психологиянинг моҳияти ва ўзига хос хусусиятлари 334
Сиёсий психология тушунчаси ва аҳамияти. Сиёсий психология хусусиятлари. Сиёсий психологиянинг зиддиятлилиги. Сиёсий психологияда рационаллик ва иррационаллик. Оломон ҳодисаси.

§ 2. Сиёсий психологиянинг кўп таркибли тузилиши 341
Сиёсий психологиянинг тузилиши. Сиёсий психологиянинг барқарор элементлари. Сиёсий кайфият.

§ 3. Сиёсий психология функциялари 347
Билиш ва мослашиш функцияси. Сабаб-туртки функцияси. Сиёсий хулқ-атворнинг асосий турлари.

19-БОБ. **Оммавий ахборот воситалари**

§ 1. ОАВ тушунчаси ва функциялари 351
Сиёсатда мулоқотлар роли. ОАВ нима? Сиёсий мулоқот воситаларининг ривожланиши. ОАВлари функциялари. Фуқароларга ахборот етказиш. Таълим ва ижтимоийлашув. Танқид ва назорат. Артикуляция ва интеграция. ОАВларининг сафарбарлик ва бошқа функциялари. ОАВлари ва демократия.

§ 2. ОАВлари сиёсий таъсирининг асосий каналлари ва хусусиятлари 357
ОАВларининг рационал ва ҳиссий таъсири. Ахборот тарқатиш жараёнига ОАВлари таъсири. ОАВларида хабарларни саралаш қоидалари. Ахборот тарқатиш усуллари, телевидение хусусиятлари. Замонавий жамиятда ОАВлари роли ҳақидаги қарама-қарши қарашлар.

§ 3. Сиёсий манипуляция ва уни чеклаш йўллари 362
Манипуляция нима? Социал афсоналар манипуляция асоси сифатида. Манипуляция усуллари. Манипуляция чегаралари. ОАВларини ижтимоий ташкил этиш. ОАВлари плюрализми. ОАВлари устидан назорат. ОАВлари педагогикаси.

VII БЎЛИМ
СИЁСАТДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

20-БОБ. Сиёсий низолар

§ 1. Сиёсатда низоларнинг моҳияти ва аҳамияти 369
Сиёсатда ихтилофларнинг ўрни ва роли. Сиёсий низоларнинг манбалари. Сиёсий низоларнинг турлари.
§ 2. Сиёсий низоларни бошқариш 375
Сиёсий низоларнинг турлари технологияларида умумийлик ва ўзига хослик. Низонинг пайдо бўлиши босқичи. Низонинг ривожланиш босқичи. Низонинг тугаши босқичи.

21-БОБ. Сиёсий жараёнлар

§ 1. Сиёсий жараён моҳияти ва таркиби 386
Сиёсий жараён тушунчаси. Сиёсий жараённинг таркиби ва ўзига хос томонлари. Сиёсий жараённинг кечиш тартиби.
§ 2. Сиёсий иштирок 390
Сиёсий иштирок моҳияти. Сиёсий иштирок шакллари ва турлари. Сиёсий норозилик.
§ 3. Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёни 394
Сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнининг ўзига хослиги ва тузилиши. Қарорлар қабул қилишнинг тайёргарлик босқичи. Қарорлар қабул қилиш босқичи. Қарорлар қабул қилиш услублари. Бошқарув қарорларини амалга ошириш босқичи.

22-БОБ. Сайловлар

§ 1. Демократик сиёсий тизимда сайловларнинг роли 404
Сайловлар тушунчаси ва уларнинг демократик давлатдаги ўрни. Демократия шароитида сайловларнинг функциялари.
§ 2. Эркин демократик сайловларнинг асосий тамойиллари 409
Сайлов ҳуқуқи тамойили. Сайловларни демократик тарзда ташкил этишнинг умумий тамойиллари.
§ 3. Тоталитар, авторитар ва ўтиш даври жамиятларида сайловлар 413
Сайловлар сиёсий манипуляция қуроли сифатида. Сайловлар – демократияга ўтиш воситаси сифатида.
§ 4. Сайлов жараёнининг асосий босқичлари 416
Сайловларнинг меъёрий асослари. Мажоритар сайлов тизими. Пропорционал тизим. Аралаш ва консенсусли тизимлар. Сайлов жараёнининг асосий босқичлари. Сайловларга тайёргарлик. Номзодлар кўрсатиш. Ташвиқот кампанияси. Овоз бериш ва сайлов натижаларини якунлаш.

23-БОБ. Сиёсий ривожланиш ва замонавийлашув

§ 1. Сиёсий ривожланиш 427
Сиёсий ривожланиш тушунчаси. Сиёсий ривожланишнинг асосий мезонлари.
§ 2. Сиёсий замонавийлашув 430
Сиёсий замонавийлашувнинг моҳияти ва босқичлари. Жамият ва сиёсий тизимни замонавийлаштириш йўллари. Замонавийлашув назариясининг замонавий аҳамияти.
§ 3. Сиёсий ривожланиш инқирозлари 439
Ўхшашлик инқирози. Моддий ва маданий неъматларни тақсимлаш инқирози. Иштирок инқирози. «Кириб бориш» инқирози. Легитимлик инқирози.

В.П.Пугачев, А.И.Соловьев

СИЁСАТШУНОСЛИККА КИРИШ